

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГЕОЛОГИЯ ВА  
МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

“Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институти”  
Давлат корхонаси  
(МРИ)

**Г Е О Л О Г И Я**  
**АТАМАЛАРИНИНГ РУСЧА-ЎЗБЕКЧА**  
**И З О Ҳ Л И Л У Ф А Т И**

ИККИ ЖИЛДЛИ

Иккинчи жилд

М – Я

ТОШКЕНТ - 2007й.

26.3

81.2 ЎЗБ-4

Геология атамаларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати.

Муаллифлар: **Б.А.Исаходжаев, М.У.Умарходжаев, А.А.Адилов, М.М.Пирназаров, А.М.Азимов.**

Тошкент, МРИ, 2007 - 169 бет.

Мазкур луғатда геология ва у билан боғлиқ соҳаларга таъллуқли бўлган 7400 дан ортиқ атамаларга изоҳ берилган.

Луғат геология ва маъдан конлари билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот, ишлаб чиқариш ходимлари, шунингдек олий, ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ва бошқалар учун мўлжалланган.

Бош муҳаррир: Геол.-мин. фанлари доктори **М.К. Турапов**

Мухаррир: А.А. Хасанов.

Тақризчилар: Физ.-мат. фанлари доктори, академик **К.Н. Абдуллабеков**

Геол.-мин. фанлари доктори, академик **Х.А. Акбаров**

Физ.-мат. фанлари доктори **С.Х. Махсудов**

10 33988/II  
4021

2008  
A 263

Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston Milliy

## Изоҳли луғатда қабул қилинган қисқартмалар

ат.м.	атом массаси
б.	бошқалар, бошқа
ГАС	географик ахборотлаш системаси
ГАС(ГИС) технология	географик ахборотлаш система технологияси
Гекс	гексагонал сингонияга мансуб
ДЗК	Давлат заҳиралар комиссияси
и.ч.	ишлаб чиқариш
й.	йил
Куб	кубик сингонияга мансуб
к.э.	кимёвий элемент
қ.	аранг
қад.	қадимий
қат.	қаттиқлиги
М.д.с.	Менделеев даврий системаси
мас.	масалан
МДХ	Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги
м-л	минерал
Мон.	моноклин сингонияга мансуб
п.	платформа
Ромб.	ромбик сингонияга мансуб
син	синоним
Сол.оғ.	солиштирма оғирлик
т.	тонна
Тетр.	тетрагонал сингонияга мансуб
т.ж.	тоғ жинси
т.р.	тартиб рақами
Триг.	тригонал сингонияга мансуб
Трик.	триклин сингонияга мансуб
ТИД	техник иқтисодий доклад
ТОМ	тарқоқ органик моддалар
ф.қ.	фойдали қазилма
х.к.	хоказо
ш.к.	шу кабилар

**Маар - Маар** - нисбатан ясси тубли ва конуссиз бўғизга эга бўлган вулкан кратери. Одатда марказий вулкандан четда бир маротабагина рўй берган кучли портлашдан ҳосил бўлади.

**Магбасит - Магбасит** -  $K, Ba(Al, Sc)(Mg, Fe^{2+})_6 F_2 Si_6 O_{20}$ . Кат. 5. Сол. оғ. 3-4. Рангсиз, пушти-зангори рангли, шишасимон ялтироқ, игнасимон кристалланган м-л. Доломитлардаги томирларда флюорит, барит, паризит билан бирга учрайди.

**Маггемит - Маггемит** -  $\gamma-Fe_2O_3$ . Кат. 5,0 зичлиги 4,87. Ранги ва чизигининг изи жигарранг, кучли магнитлик хусусиятига эга м-л. Лаваларда темир қалпоқларда учрайди (магнетитнинг оксидланиш маҳсулоти) ёки лепидокрокитнинг сувсизланишидан ҳосил бўлади.

**Магма - Магма** - эриган юқори ҳароратли суюқ модда (кўпинча силикатли, сульфидли ва б. бўлиши мумкин). Ер пўстида ёки юқори мантияда ҳосил бўлади. Совиб кристалланганда магматик т. ж.ларини ҳосил қилади. Асосий турлари ўта асосли, асосли(базальт) ва нордон (гранит) ҳисобланади.

**Магма автохтонная - Автохтон магма** - кўчиш жараёнини бошидан кечирмаган палинген магма.

**Магма аллохтонная - Аллохтон магма** - палинген магма бўлиб, кўшни худудлардан қобиқ остидаги зоналарга кўчиб келган.

**Магма базальтовая - Базальтли магма** - магма эритмалари мажмуаси бўлиб, ундан эриш натижасида турли базальтлар ва уларнинг чуқурликдаги аналоглари ҳосил бўлади. Таркибан бир хиллиги, барча геологик даврларда катта ҳажм ва кенг майдонларда тарқалганлиги Б.м.нинг геологик жараёнларда ҳосил бўлувчи асосий магматик эритмалардан бири эканлигидан далолат беради.

**Магма вторичная - Иккиламчи магма** - силикат эритмаларнинг умумий номланиши. Иккиламчи магматик ҳавзаларда магманинг дифференциациясидан ҳосил бўлади.

**Магма гипогенная - Гипоген магма** - базальтли ва перидотитли турдаги магма ва унинг дифференциациясининг қисман салик маҳсулотлари. Литоген (палинген) магманинг акси.

**Магма материнская - Туб магма** - айрим магматик т. ж. лари, баъзан уларнинг сериялари ва комплекслари дифференциацияси ёки кристалланиши жараёнининг бошланишидаги магма. Син: бошланғич магма.

**Магма остаточная - Қолдиқ магма** - магматик суюқланма асосий массасининг кристаллашиб бўлганидан сўнгги қоладиган магма.

**Магма первичная - Бирламчи магма** - ер қаърининг чуқур қисмида ёки юқори мантияда чуқур суюқланиш жараёнларидан ҳосил бўладиган магма.

**Магматизм геосинклиальный - Геосинклинал магматизм** - геосинкинал чўкиш ёки бурмаланиш жараёнларининг бошланғич босқичлари билан боғлиқ магматизм жараёнининг намоён бўлиши.

**Магматизм - Магматизм** - геосинклинал ва платформалар худудларининг шаклланишида эффузив (вулка-низм) ва интрузив (плутонизм) жараёнларини бирлаштирувчи атама.

**Магматизм конечный - Якуний магматизм** - ер қобиғининг платформага ўхшаш катта, қаттиқ участкасида рўй берувчи асосли вулканизм жараёни. У ер пўстининг кратон деб аталувчи участкаларида намоён

бўлади ҳамда базальтли магматик т. ж. ларидан иборат бўлиб, конларнинг сўнгги ҳолатини белгилайди. Я. м. бундан ташқари риолит, трахит ва б. лардан иборат нордон ва ишқорли т. ж. каби қолдиқ магма ҳосилаларидан ҳам ташкил топган бўлиб, магматик жараённинг якунланаётганидан дарак беради.

**Магматизм начальный - Бошланғич магматизм** - сув ости вулканизмининг қалин қатламли ҳосилалари (спилит-диабазли, кварц-кератофирли формация) ва интрузив формациялар сериясига тегишли (гипербазит, габбро-плагиогранит, габбро-сиенит) т. ж. лари билан тавсифланади. Т. ж. ларининг асосли, ультраасосли ва нордон турлари ҳам б. м. ҳосилаларига мансубдир. Булар эвгеосинклинал бурмаланишининг бошланиш даврига хос.

**Магматизм орогенный - Ороген магматизм** - ҳаракатчан минтақаларнинг ороген ривожланиш босқичидаги вулкан сифатидаги магматизм. У нордон, ўрта ва султ ишқорли эффузив т. ж. лари ҳосил бўлиши билан тавсифланади.

**Магматизм посторогенный - Постороген магматизм** - асосий бурмаланиш жараёнлари рўй бергандан кейинги кузатиладиган магматизм.

**Магматизм сиалический - Сиал магматизми** - нордон (асосли гранодиорит) таркибли маҳсулот берувчи, бурмаланиш даврида ва ундан кейин рўй берувчи жараён.

**Магматическая формация - Магматик формация** - Ер қобиғининг ҳар хил ёшли, лекин бир турдаги геотектоник структураларининг ривожланиши жараёнида, маълум бир хил геологик шароитда қонуниятли намоён бўладиган ва шу билан бирга ўзига хос таркибий ички тузилиш хусусиятларининг атроф муҳит билан бўлган муносабатини сақлаб қоладиган магматик т. ж. ларининг табиий барқарор ассоциацияси.

**Магматические породы - Магматик тоғ жинслари** - эриган т. ж. ларининг, магманинг ёки лаванинг совиб қотиши ёки кристалланишидан ҳосил бўладиган т. ж. лари.

**Магматические процессы - Магматик жараёнлар** - Ер пўстига қизиган суюқ магманинг жойланиш жараёни. Магма т. ж. ларига жуда катта босим остида кириб келади. Ҳарорат ва босимнинг пасайиши, магманинг физик кимёвий шароитининг ўзгариши унинг қотишига, кристалланишига магматик т. ж. лари ва кўпчилик қимматбаҳо ф. қ. ларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

**Магматогенные месторождения - Магматоген конлар** - қ. *Месторождение магматогенное.*

**Магматогенные процессы - Магматоген жараёнлар** - магманинг қайта кристалланишидан м-лларнинг ҳосил бўлиши.

**Магнезит - Магнезит** -  $Mg[CO_3]$ . Кат. 4-4,5. Сол.оғ. 3,0Сарғиш, кулрангдан оқ ранггача, жигарранг, камроқ рангсиз, шишасимон ялтирайдиган м-л. Ҳосил бўлиши гидротермал бўлиб, оливинит ва б. ультраасосли т. ж. ларига карбонат ангидритли эритмаларнинг таъсирида, шунингдек доломитлашган оҳақтош, мрамларнинг ва доломитларнинг ўрин алмашилишида ҳосил бўлади. Чўкинди конларида серпентинитларнинг нураш маҳсу-

лоти сифатида ҳам маълум. Йўлдош м-ллари: доломит, опал, халцедон, таък, гипс. Син: бандиссерит, жиобертит, морфолит, пинолит, рубешит, магнезитли шпат, аччик шпат. **Магнетизм земной - Ер магнетизми** - ернинг физик жисм сифатидаги муҳим физик хоссаси. Ернинг магнит майдонини ҳосил қиладиган манба; унинг ички қисмида жойлашган.

**Магнетит - Магнетит** -  $(\text{Fe}^{3+}, \text{Fe}^{2+})\text{Fe}^3\text{O}_4$ . Кат. 5,5-6. Сол. оф. 4,8-5,3. Темирсимон қора рангли, кристаллашган агрегали, металлсимон, ёғсимон, хира ялтирайдиган, кучли магнитланган, темир м-ли. Бой темир маъдани ҳисобланади. Баъзан титан оксиди қўшилган ҳолда учраб "титан магнетити" деб аталади. Магнетит пўлат рангли ва магнит хусусиятига эга бўлади. Темирли кварцитлар, магнетитли скарн ва карбонатитли оксидланган темир маъданларининг асосий қисмини ташкил этади. Йўлдош м-ллари: ильменит, хлорит, гематит, пирит, пирротин, галенит, сфа терит, халькопирит, лёлленгит, кварц, форстерит, апатит. Син.: магнитли темир, зигельштейн, магнитли темир маъдани.

**Магнетитит (магнетитолит) - Магнетитит (магнетитолит)** - қ. Ферролиты.

**Магнетитовые сланцы - Магнетитли сланецлар** - таркиби кўпроқ кварц, магнетит ва шох алдамчисидан иборат бўлган қорамтир сланецлар.

**Магний - Магний, Mg** - М.д.с.нинг II-гурӯҳига мансуб к.э. Ишқорий-еэ металлларга киради. Т.р. 12, ат.м. 24,305. Табиий М. 3 та барқарор изотоплардан иборат:  $\text{Mg}^{24}$ (78,60 %),  $\text{Mg}^{25}$ (10,11),  $\text{Mg}^{26}$ (11,29 %). Урта сунъ-ий изотопи олинган. М.нинг зичлиги 1,740 г/см<sup>3</sup>, суюқланиш ҳарорати 650°C, қайнаш ҳарорати 1105°C. Унинг 100 дан ортиқ м-ллари бўлиб, улардан доломит, форстерит, магнезит, карналлит ва б. аҳамиятлидир. Оливин т. х. ларининг ювилишидан серпентин м-ли ҳосил бўлади. Унинг толасимон тури "асбест" дейилади. Пиқ отехникада, металлургияда қотишмалар, чўян олишда атом техникасида, кино, фотография ва б. ларда ишлатилади.

**Магнитная восприимчивость горных пород - Тоғ жинсларининг магнит қабул қилувчанглиги** - маълум бўлган  $\text{Li} \cdot \text{H}$  ифода бўйича магнитлантириладиган Н майдонда т. ж. ларининг магнитланиш  $\text{Li}$  фаоллигини аниқловчи физик хосса. Бунда: х- магнитланиш хусусияти. Магнетитли маъданлар кўпроқ магнитланиш хусусиятига эга. Уларда х кўпинча ўндан бир қисм миқдорда ифодаланadi (магнитланиш хусусияти кўп ва кам бўлган маъданлар учрайд).

**Магнитная съёмка - Магнит съёмка** - макондаги ер магнит майдонининг ўзгаришини ифодаловчи катталикларни ўлчаш геомагнит майдони ёки майдон вертикал компонент кўрсаткичларини ёки уларни келтириб чиқарувчи (градиентлаш) нинг индукцияси вектори модули ўлчанади.

**Магнитное наклонение - Магнит огиши** - горизонтал текислик ёки нукта геомагнит майдонининг вектор йўналиши орасидаги бурчак.

**Магнитное поле Земли (геомагнитное поле) - Ернинг магнит майдони (геомагнит майдони)** - Ернинг сайёра сифатидаги хусусиятларидан бири. У асосан ер қаърида жойлашган манбалардан пайдо бўлади; ташқи манбаларнинг (ионосферадаги электр тоқлари) ҳиссаси эса кам бўлади. Е. м. м. асосан Ер ядросининг айланиш тезлиги билан ҳамда Ер ядроси суюқ қисмида ҳосил бўладиган гирдобсимон ҳаракатлар би-

лан боғлиқ.

**Магнитное склонение - Магнит бурилиш бурчаги** - берилган нуқтанинг магнит меридиани ва астрономик йўналиши оралиғидаги бурчак. Компаснинг магнит стрелкаси йўналиши билан географик меридиан йўналишидаги бурчак.

**Магнитные свойства горных пород - Тоғ жинсларининг магнит хусусиятлари** - т. ж. лари, маъданларнинг магнитланганлик даражасини аниқловчи физик хосса.

**Магнитный азимут - Магнит азимут** - берилган нуқтадаги магнит меридиани йўналиши билан азимут аниқланаётган горизонтал чизик йўналиши орасидаги бурчак.

**Магнитный анализ полезных ископаемых - Фойдали қазилмаларнинг магнитли таҳлили** - ф. қ. нинг магнитли бойитилишини ўрганиш мақсадида магнитли майдонда ф. қ. ларни қазиб олиш даражасини баҳолаш.

**Магниторазведка - Магнитли қидирув** - т. ж. ларининг ҳар хил магнитланишига кўра геомагнит майдон аномалиясини ўрганишга асосланган геофизик қидирув усули. Магнитли қидирув усули ер ости геология тузилиши, ф. қ. ларни излаш ишларини олиб бориш учун қўлланилади. I- босқич-магнитли харита тузиш ишлари; II- босқич- олинган маълумотларга ишлов бериш (магнитли кесма ва хариталар тузиш); III - босқич- ўрганилмаган майдоннинг магнит аномалияларига геологик таққин бериш; бир хил бўлмаган ер ости геологиясининг моделини яратиш.

**Магнитосфера Земли - Ернинг магнитосфераси** - атмосферанинг юқори қатламларини ўз ичига олувчи ер атрофи фазоси. Унда геомагнит майдон бошқа манбалар ҳосил қилувчи магнит майдонларидан кучли бўлиб, ионлашган заррачалар ҳаракатини тартибга солиб туради. Ўлчами Ер планетаси радиусидан бир неча баробар катта.

**Магнитуда землетрясения - Зилзила магнитудаси** - Ер силкинишларининг нисбий энергетик тавсифини берувчи тушунча. Рўй берган зилзила тўлқинлари максимал амплитудасининг бирор бир стандарт ер силкиниши тўлқини максимал амплитудасига нисбати логарифми сифатида аниқланади.

**Магнуссонит - Магнуссонит** -  $(\text{Mn}, \text{Mg}, \text{Cu})_3 [(\text{OH}, \text{Cl})(\text{AsO}_3)_3]$  Кат. 3,5-4,0. Сол. оф. 4,3. Яшил рангли, пушти оқ рангли, шишасимон ялтирайдиган, кристаллари куб шаклда бўлиб, дарзликларда майда донали пўстлоқчалар ҳосил қилувчи м-л.. Кальцит, тригонит, диксенит билан бирга учрайд. Марганецли тури "серпентин" деб аталади.

**Мамилит - Мамилит** - лейцитли базальтлар гурӯҳига кирувчи ишқорий т. ж. Бироз миқдордаги флогопитли магнофорит, лейцит ва рутилдан иборат.

**Майерсит (миерсит) - Майерсит (миерсит)** -  $(\text{Ag}, \text{Cu})\text{J}$ . Кат.-2,5. Сол.оф.- 5,64. Ag атомлари Cu билан алмашган, куб шаклидаги кристалларга эга бўлган м-л. Оксидланиш зонасида церуссит, малахит, лимонит, йодаргирит билан бирга учрайд. Син: купроаргирит.

**Майченерит - Майченерит** -  $(\text{Pd}, \text{Pt}) \text{BiTe}$ . Кат. 2,5. Сол. оф. 9,5. Куб шаклида, қулранг-оқ, мўрт м-л. Маъданлар концентрацияларида учрайд.

**Макро - Макро** - узун, катта маъносини берувчи аниқловчи. Мас: Макроструктура.

**Макробентос - Макробентос** - сув ҳавзаси туби

чўкмаларида ҳаёт кечирувчи, оддий кўз билан кузатиш мумкин бўлган организмлар.

**Макрокристаллическая структура - Макрокристаллик структура** - йирик кристалли (донадор) м-ллар тузилишига эга бўлган т. ж. ларининг ички тузилиши. Кристалларини оддий кўз билан ажратиш мумкин бўлган м-ллар ёки т. ж. лари.

**Макронефть - Макронефть** - нефтли туб т. ж. ларида мавжуд бўлган макронефтьдан фарқли равишда, бевосита коллекторларда мавжуд бўлган нефть.

**Макропланктон - Макропланктон** - оддий кўз билан кузатиш мумкин бўлган, тўлқинлар ва оқимлар ёрдамида ҳаракат-ланувчи организмлар.

**Макропорфировая структура - Макропорфирли структура** - порфир доначалари кўз билан яхши кўринадиган т. ж. лари ёки м-ллар.

**Макроскладки - Макробурмалар** - ер пўстининг қайта бурмаланган қисми, унинг асоси шакли сирти шаклига мос тушади.

**Макроструктура - Макроструктура** - т. ж. ларининг яхлит кристал-ларини ёки заррачаларини оддий кўз билан кузатиш мумкин бўлган структура.

**Макрофауна - Макрофауна** - тирик организмларнинг қайси системага мансублигини оптик асбобларсиз аниқлаш мумкин бўлган қолдиқлари.

**Макрофации - Макрофациялар** - энг катта фацияларни тавсифловчи атама. Унинг ботқоқ, дарё, дарё дельтаси, музлик, пролювиаль ва б. турлари мавжуд.

**Макрофации делювиальные - Делювиал макрофациялар** - кон т. ж. ларининг парчаланиши ва ётқи-зиқларнинг қайта ётқизилишидан, тоғ ён бағриларида тўпланишидан ҳосил бўлади. Турли ўлчамларга эга бўлган, қиррали т. ж. лари бўлақларидан иборат.

**Макрофации пролювиальные - Пролувиал макрофациялар** - вақтнча оқар сувлар олиб келиб ётқизган т. ж. ларидан иборат фациялар. Асосан йирик бўлақлик ва қум-гилли, кўп ҳолларда қизғиш рангга бўялмаган ётқиқиқлардан ташкил топган. Уларнинг қирқими тез ўзгарувчан; муҳит фақат оксидланиш хосасига эга. Органик қолдиқлар кузатилмайди.

**Малайяит - Малайяит** -  $\text{Ca Sn [O(SiO}_4\text{)]}$  Қат. 6. Сол. оғ. 4. Титан билан изоструктурага эга, майда заррача-ли, сариқ рангли шаффоқ м-л. Касситеритнинг ўзгарган маҳсули, варламовит билан бирга учрайди. Син.: малайяит.

**Малахит - Малахит** -  $\text{Cu}_2\text{[(OH)}_2\text{CO}_3\text{]}$ . Қат. 3,5-4. Сол. оғ. 4. Мис конларининг юқори оксидланиш зонасида ҳосил бўлган м-л. Бу “мис кўки” деб ҳам аталади. Яшил рангли, шишасимон ялтирайди. Таркибида мис 57,4 % ни ташкил қилади. Мис эритиб олинадиган маъдан. Йўлдош м-ллари: азурит, халькопирит, борнит, тетраэдрит, халькозин, соф мис, гематит, лигётит. Син.: мис яшили.

**Малиньит - Малиньит** - нефелинли сиенитнинг меланократли кўриниши; 50 % гача рангли м-ллар, асо-сан пироксендан иборат.

**Мальдонит - Мальдонит** -  $\text{Au}_2\text{Bi}$  қат. 1,5-2. Сол. оғ. 15,70. Кушсимон оқ, пуштисимон, баъзан тўқ кўнғир рангли м-л. Юқори ҳароратли олтинли, кварц томир-ларида учрайди.

**Мальи - Мальи** - 1) альб ва сеноман яруслари мергел ва қум тошларнинг маҳаллий (Англия) номи. 2) Юра системаси юқори бўлими номи.

**Мальты - Мальтлар** - юмшоқ мумлар. Нефть ва таби-

ий асфальт ораллигидаги қовушқоқ битум маҳсулотла-рининг таснифли номи. Таркибида С-80-87 %, Н-10-12 %.

**Мамонт - Мамонт** - филлар туркумига мансуб, қири-либ кетган жонивор. Унинг қолдиқлари тўртламчи давр ётқиқиқларида кўп учрайди.

**Манассеит - Манассеит** -  $\text{Mg}_5\text{Al}_2(\text{OH})_{16}[\text{CO}_3] \cdot 4\text{H}_2\text{O}$ . Қат. 2. Сол. оғ. 2,05. Ипаксимон, пластинкали агрегат ҳосил қилувчи, оқ, ҳаворанг-оқ рангли, жигарранг м-л. Мумсимон ялтироқликка эга. Серпентинитларнинг маҳ-сулотларида гидроталькит билан бирга учрайди..

**Манганит - Манганит** -  $\gamma\text{MnOOH}$ . Қат. 4. Сол. оғ. 4,3. Марганец м-ли. Гидротермал паст ҳароратли томирлар-да учрайди. Ранги қора, жигарранг кўнғир, металлсимо-н ялтирайди. Барит ва кальцит билан бир парагенезда учрайди. Катта массалари чўкинди конларда пайдо бўла-ди. Йўлдош м-ллари: пиролюзит, барит, кальцит, сидерит, браунит, гаусманнит, псиломелан, гётит. Син.: кўнғир мар-ганец маъдани, ялтироқ марганец маъдани.

**Манганозит - Манганозит** -  $\text{MnO}$ . Қат. 5-6. Сол. оғ. 5,3. Зумрадсимон - яшил рангли, донадор агрегатли, шишасимон ялтирайдиган м-л. Метаморфлашган до-ломитлар, мрамарларда пирохроит, гаусманнит, перик-лаз, франклинит билан уюшма ҳосил қилиб учрайди. Йўлдош м-ллари: цинкит, периклаз.

**Мантия агломератовая - Агломератли мантия** - дағал агломерат туфлари. Ёпишқоқ лава экструзияла-ри билан бирга учрайди.

**Мантия Земли - Ер мантияси** - Мохоровичич чегара-сидан (35-80 км) ядронинг ташқи Вихерт-Гуттенберг че-гарасигача мавжуд бўлган барча моддий мажмуалар (2900 км). Ер мантияси уч қисмга бўлинади: В- юқори мантия (35-400) км, С-ўрта мантия (400-950 км) ва Д-қуйи мантия (950-2900 км). Т. ж. ларининг зичлиги Ер қобиғининг остига қараб 3,3-3,5 г/см<sup>3</sup> дан то 5,6-5,9 г/см<sup>3</sup> гача ортиб боради.

**Мантия Земли верхняя - Ернинг юқори мантия-си** - Мохоровичич чегараси билан 20-градусли (Голи-цин бўйича сейсмик радиация чиқиш бурчаги) бўли-ниш чегараси орасидаги зона. Бу чегара яна “Голи-цин чегараси” деб ҳам юритилади. Бу зонада базаль-тлар ажралиши, магматизм, метаморфизм ва ф. қ. лар ҳосил бўлиши каби жараёнлар кечади.

**Мантия Земли нижняя - Ернинг қуйи мантияси** - Ер ядросининг ташқи чегараси (Вихтер-Гуттенберг че-гараси) ва Репеттининг 45-градусли чегараси оралли-гидаги зона. Бу зона қаттиқ мантия ва суюқ ҳолдаги ядро чегарасида юз берувчи сейсмик тўлқинларнинг секин тарқалиши жараёнлари билан тавсифланади.

**Мантия Земли средняя - Ернинг ўрта мантияси** - Ернинг қуйи ва юқори мантиялари ораллигидаги зона. Катта энергетик ресурсга эга. Унинг таъсири тектоник, магматик ва метаморфик жараёнлар намоён бўлиши-да катта аҳамиятга эга. Бу ҳолат “Ер пўсти”, “юқори” ва “ўрта мантия” тушунчаларини “тектоносфера” ата-масига бирлаштириш имконини беради.

**Марганец - Марганец, Mn** - М.д.с. нинг VII-гуруҳига мансуб к.э. Т.р. 25 а.т.м. 54,93,80. Табиатда битта барарор изотопи ( $\text{Mn}^{55}$ ) маълум. М. нинг Ер пўстидаги масса бўйича миқдори 0,1 % атрофида, океан сувла-рида  $2 \cdot 10^{-7}$  %. Эркин ҳолда учрамайди; асосан м-ллар таркибида бўлади. Пиролюзит, псиломелан, маг-нит, браунит, родохрозитлар шулар жумласидандир. М. оқ-қумушранг металл, кристал ҳолдаги 4 та кубси-

мон модификацияси маълум. М. ҳозирги вақтда металлургия усулида, соф ҳолдагиси марганец сульфатни қайтариб, электролиз қилиб олинади. Пўлат и. ч. Да, рангли металлургия саноатида, алюминий ва магний қотишмалари тайёрлашда ишлатилади. М. маъданлари генезисига кўра қатлам ва линза кўринишидаги чўкинди конлар ҳисобланади ва улар энг катта саноат аҳамиятига эга.

**Маргарит - Маргарит** -  $\text{CaAl}_2 [(\text{OH})_2 | \text{Al}_2 \text{Si}_2 \text{O}_{10}]$ . Кат. 4,5. Сол.оғ. 3,0-3,1. Марваридсимон-оқ, кулранг, садафсимон ялтирайдиган, баргсимон, тангачасимон агрегатли, мўрт слюдалар гуруҳи м-ли. Кўп ҳолларда Са қисман Na, Ba, Sr, K билан ўрин алмашинади. Хлоридли, слюдалар ва б. сланецларда турмалин, ставролит билан ассоциацияда учрайди. Йўлдош м-ллари: корунд, магнетит, рутил, зумрад, диаспор. Син: диафанит, клингманит, корунделлит, эмерилит.

**Мариньякит - Мариньякит** - пироклор м-ли тури. Церий гуруҳидаги ишқорий ер элементлари билан бойиган. Ишқорий пегматитлар, турли ишқорий т. ж. лари ҳосил қилувчи томирларда учрайди. Син.: маригнацит.

**Марка полезного ископаемого - Фойдали қазилма маркаси** - «Сорт полезного ископаемого промышленный» атамаси синоними.

**Марка угля - Кўмир маркаси** - кўмирнинг саноатда ишлатилиш йўналишини белгилувчи комплекс хоссаларига қараб шартли ажратилиши. Кўнғир кўмир, тошкўмир, антрацит каби турлари мавжуд.

**Марказит - Марказит** -  $\text{FeS}_2$ . Кат. 6-6.5. Сол. оғ. 4.9. Сульфидлар синфига мансуб, латунсимон сариқ, металлсимон ялтирайдиган найзасимон, радиал нурсимон агрегатли м-л. Чўкинди т. ж. ларининг нордон муҳитида тикланиш шароитидаги оҳактошларда ҳосил бўлувчи аутиген ёки диагенетик материал бўлиб, пиритга нисбатан кам учрайди. Шунингдек, денгиз гилларида, баъзида кўмир ётқизикларида ҳам учрайди. Сариқ кулранг ёки яшилроқ товланади. Йўлдош м-ллари: пирит, халькопирит, галенит, сфалерит, кварц, кальцит, гётит. Син.: тароқсимон колчедан; кулранг темирли колчедан; юмшоқ темирли колчедан; найзасимон, нурсимон колчедан ва уясимон колчедан.

**Маркшейдерия - Маркшейдерия** - кончилик фани ва техникасининг бир тармоғи; табиий шароитдаги объектда аслидан ўлчаш-лар ва Ер қаъридаги ф. қ. Уюмларининг шакли ва ўлчамлари, ф. қ. Ва зарарли компонентларнинг жойлашуви, қамровчи жинслар хусусияти, кон иншоотларининг фазовий жойлашиши, кон ишлари натижасида содир бўладиган тоғ босими ва ер юзаси жинсларининг деформациясини ўрганади.

**Марлезит - Марлезит** - ишқорий базальтларнинг тури. Унда анортит комплексининг катта қисми альбитга алмашинган. Таркибида альбит-(54 %), оливин-(27 %), ортоклаз-(15 %), апатит-(4 %), авгит, (шоҳ алдамчиси) мавжуд.

**Марматит - Марматит** - темирга бой бўлган *сфалерит* нинг тури. Ранги қорадан то кўнғиргача. Син.: кристофит, мариатит.

**Марокит - Марокит** -  $\text{CaMn}_2\text{O}_4$ . Кат. 6,5. Сол. оғ. 4,64. Қора рангли, қизғиш-кўнғир. Йирик кристалли агрегатли м-л. Кальцит, барит, гаусмонит, браунит ва б. м-ллар билан доломит томирларида ассоциация ҳосил қилади.

**Мартинит - Мартинит** - кальций фосфати; апатит

гидрооксидига (ёки гидроксилпатитга) яқин м-л.

**Мартит - Мартит** - магнетитнинг оксидланишидан ҳосил бўладиган гематитнинг зич ёки бўшоқ агрегати.

**Маршаллит - Маршаллит** - алеврит ўлчамли, силлиқланмаган кварц заррачаларидан ташкил топган, кучсиз зичланган ёки бўшоқ т. ж. . Кремнийли т. ж. лари ва кварцитларнинг нурашидан ҳосил бўлади.

**Маршит - Маршит** -  $\text{CuJ}$ . Кат. 2,5. Сол.оғ. 5,59. Рангсиз, оч сариқ жигаррангли м-л. Мумсимон, олмос каби ялтирайди. Алоҳида кристаллар ва қатқалоқлар шаклида учрайди.

**Масла минеральные - Минерал ёғлар** - нефтларнинг юқори даражада қайновчи фракциялардан маҳсус технология асосида қайта ишлаш (тозалаш) орқали олинадиган техник маҳсулот.

**Масло горное - Тоғ ёғи** - «*мўмиё*» атамасининг синоними.

**Масса горючая - Ёнувчи масса** - ёнувчи ф. қ. Лар органик моддаларининг эквиваленти сифатида амалиётда қўлланиладиган ибора.

**Масса грунтовая - Грунт массаси** - грунтлар механикасида ғоваклари эркин сув билан тўйинган грунт г.м. деб аталади. Т. ж. ларининг бундай идеаллаштирилган тушунчаси назарий ҳолатларни ўрганишда фойдаланилади.

**Масса жильная - Томир массаси** - томир таналарда тарқалган номаъдан м-ллар мажмуи.

**Массив - Массив** - 1. Тектоникада - нисбатан қаттиқ, узоқ вақт кўтариллиш жараёнини бошидан кечирган, тургунлашган структура. Атрофидаги бурмаланиш қурилмаларидан олдинроқ пайдо бўлган. 2. Петрографияда-шакли ва ётиш шароити аниқланмаган интрузив т. ж. лари танаси. 3. Геоморфологияда - узунлиги ва ранглилиги бўйича бир хил ривожланган, остки юзаси аниқ шаклланган, кескин чегараланган ва нисбатан кўтарилган рельеф шакли.

**Массив гидрогеологический - Гидрогеологик массив** - таркибида Ер ости сувларининг тўпламлари бўлган метаморфик, магматик, кучли метаморфлашган т. ж. Ларидан ташкил топган гидрогеологик структура.

**Массив остаточный - Қолдиқ массив** - қадимий структуранинг нисбатан катта бўлмаган қолдиғи. Қолдиқ массивлар кейинги юз берган геосинклинал ассимиляциясида нисбатан қадимги структураларнинг парчаланishi натижасида ҳосил бўлади

**Массив платформенный - Платформа массиви** - структуравий жиҳатдан султ дифференциациялашган платформанинг катта барқарор участкаси.

**Массив срединный - Ўрталик массиви** - ер пўстининг бурмали мустақкам бўлаги; бирор бурмали областнинг геосинклинал системаси ривожланган асосининг йирик фрагменти. Аксарият ҳаракатчанг областлар ичида жойлашган, ривожланишининг қисман геосинклинал, ундан кейин эса бурмаланиш босқичлари-га учраган.

**Массивные руды - Яхлит маъданлар** - қ. *Руды массивные*.

**Масс-спектрометр - Масс-спектрометр** - изотоплар массаси спектрини тадқиқ қилиш учун вакуум ионли-оптик асбоб. У изотопларни анализаторнинг электромагнит ёки электр майдонида массаси бўйича ажратишга асосланган.

**Мастодонты - Мастодонтлар** - қирилиб кетган хар-

тумли жонзотлар. Уларнинг қолдиқлари қуйи олигоцендан бошлаб тўртламчи давр ётқиқиқларида учрайди.

**Масштаб - Масштаб** - чизма, план, аэрофотосъёмка ёки харитадаги нуқталар орасидаги узунликнинг жойдаги масофалар узунлигига нисбати. М. сонли, чизиқли ва кўндаланг бўлади. Соғли масштаб қаср ёки нисбат билан берилади. Мас. ( $\frac{1}{1000}$ ) ёки (1:1000); бунда харитадаги 1 см жойга 1000 см тўғри келади, демақдир. Чизиқли М. см. ларга бўлинган чизиқ билан кўрсатилади. Бу чизиқда харитадаги 1 см жойдаги неча м. ёки км тўғри келиши кўрсатиб қўйилган бўлади. Кўндаланг М. баъзи бир геодезик асбобларда, махсус линейкалар билан чизиб берилиши мумкин.

**Масштаб времени - Вақт масштаби** - чўкинди қатламларнинг геологик қирқимида геологик жараёнларнинг вақт даврийлигини аниқлашда фойдаланилади. Бунинг учун қатламлар қалинлиги масштабидаги қирқимлари: мулқ геохронологик шкала масштабига ўтказиш тавсия этилади.

**Масштаб слоистности - Қатламлик масштаби** - қатлам бирликлари қалинлиги, чўкиди қалин қатламлари учун - қатламлар қалинлиги билан ифодаланади. Т. ж. ларида жуда қалин қатламли (қатлам қалинлиги 100 см дан катта), йирик қатламли (100-50 см), ўрта қатламли (50-25 см), майда қатламли (10-25 см), жуда майда қатламли (1-10 см), жуда юпқа қатламли (0,5 см-1 см) турлари ажратилади.

**Масштабы геозволюция - Геозволюция масштаби** - турли тартибдаги геологик вақт оралиқлари бўлиб, улар ичида эволюция бутун бир табиий яхлит жараён сифатида кўрилиши мумкин.

**Масюит - Масюит** -  $[UO_2(OH)_2] \cdot H_2O$ . Кам ўрганилган қизғиш-қўнғир рангли м-л. Майда кристаллар ёки сферолитлар шаклида учрайди.

**Математическая (аналитическая) геология - Математик (аналитик) геология** - геологик жараёнларни математик моделлаштириш ва шунга тааллуқли масалаларни ўрганиш билан шуғулланувчи фан.

**Математическая статистика - Математик статистика** - эҳтимоллар назарияси усуллари ёрдамида ҳодисаларни ялли кузатиш натижаларини тавсифлаш ва таҳлил қилиш билан шуғулланувчи фан. Унинг асосий вазифаларига кузатиш натижаларининг тақсимлаш турларини аниқлиш, статистик гипотезани текшириш, кўрсаткичларни баҳолаш ва б. киради.

**Математические методы в геологии - Геологияда математик усуллар** - математик усулларни геологияда қўллаш икки мақсадни: мавжуд назарий дунёқарашлар ва геологик моделлар асосида амалий хулосалар ҳосил қилиш ҳамда уларни мукамаллаштиришни кўзлайди.

**Материал вулканокластический - Вулканокластический материал** - вулкан отилиши жараёнида улоқтирилган қаттиқ ёки оқиб чиққан суюқ ҳолатдаги чақиқ материаллар. Вулкан лавалари билан бевосита боғлиқ (шлак, пемза, чанг) ва эски қотган лаваларнинг парчаланишидан ҳосил бўлган турларга бўлинади. Син.: *Эксплозив материал, тейфра.*

**Материал осадочный - Чўкинди материал** - тўйиниш манбаларидан седиментация (чўкиш) майдонига кўчириладиган чўкиндиларнинг бошланғич (эритма, газсимон, юмалатиб кўчирилиш ҳолатидаги) маҳсулотлари. Генезис бўйича терриген, биогеоген, хемоген ва кос-

моген турлари ажратилади.

**Материал пирокластический - Пирокластический материал** - вулкан отилиши билан ҳосил бўлувчи чақиқ т. ж.ларининг умумий номи.

**Материал терригенный - Терриген материал** - *Компоненты терригенные* атамаси синоними.

**Материалы теплоизоляционные - Иссиқлик изоляцияловчи материаллар** - жуда кам иссиқлик ўтказувчи, юқори ҳароратларга чидамли, кичик гигроскопиклик ва катта механик мустаҳкамликка эга бўлган, иссиқликдан муҳофазала-ниш учун қўлланиладиган нометал ф. қ. Лар. Уларга пемза, туфлар, оҳақтош, чиганоқлар, вермикулит, асбест, диатомит, трепелит ва б. лар киради.

**Материк - Материк** - Ер пўстининг мураккаб тузилишга эга бўлган муҳим, улкан, глобал структуравий элементи. Ер юқори қобиларининг узоқ эволюцияси даврида моддаларнинг физик-кимёвий ва гравитацион дифференциацияси натижасида ҳосил бўлган геотероген ҳосила.

Син.: Континент.

**Материнская порода - Туб тоғ жинси** - маълум геологик жараёнлар натижасида ҳосил бўлувчи бирламчи т. ж.

**Матильдит - Матильдит** -  $AgBiS_2$ . Кат. 2,5. Сол. оф. 6,9. Ранги қора, темирсимон, хира м-л. Пегматит ва гидротермал конларда учрайди. Син.: шапбахит.

**Мега. . . - Мега. . .** - катта, йирик тушунчаларни берувчи олд қўшимча. Мас.: мегапорфир, мегаструктура ва б.

**Мегаантиклиналь - Мегаантиклиналь** - ҳаракатчанг худудларда субрегионал тартибдаги, бирмунча оддий антиклиналь ва синклиналь бурмалардан иборат йирик антиклиналь тузилма.

**Мегакласты - Мегакластлар** - чақиқ т. ж. ларининг йирик бўлақлари (харсанг тош, шағал ва б.). Музликлар ёрдамида келтириб ётқиқилишидан ҳосил бўлади. Улардан қадимги иқлим индикаторлари сифатида фойдаланиш мумкин. Табиатда яна б. жараёнлар натижасида ҳам бу қатламлар ҳосил бўлиши кузатилади. **Мегаинклиналь - Мегаинклиналь** - оддий тузилишга эга булган йирик синклиналь. Бир неча ўн ва юзлаб км масофага чўзилган, қанотлари бир неча градус қиялик ҳосил қилиб ётувчи ва майда бурмаланишлардан иборат бўлган тектоник структура.

**Мегаинклинорий - Мегаинклинорий** - кичик тартибли синклинорийлар гуруҳини бирлаштирувчи мураккаб структура тури. Одатда геосинклинорий тўлиқ инверсия натижасида ўрталик массивлар ўрнида ёки цикл бошланишидаги геоантиклиналарда ҳосил бўлади.

**Мегаформация - Мегаформация** - вақт бирлиги давомида бир турдаги эволюцияга, геотектоник режимга эга бўлган, йирик геоструктуралар таркибида катта таънаффусларсиз, бурчак номосликларисиз ётувчи ҳосилларнинг парагенетик бирлиги. Мегаформацияга кирувчи ҳосилалар турли рельеф шаклларида, ландшафт, иқлим зоналикларида ҳосил бўлишига қарамай умумий тарихий-геологик ривожланишга ҳамда маконда маълум узлуксиз кетма-кетликка эга бўлади.

**Мегацикл - Мегацикл** - Ернинг тектоник ривожланиш жараёнида унинг структураларининг қайта шаклланишини ўз ичига олган энг катта вақт бирлиги. Геосинклиналь системалар ривожланишидаги мегацикл 500-



600 млн. Йилни ўз ичига олади.

**Медиана - Медиана** -  $F(x)$  функциянинг тақсимланишини

тавсифловчи математик статистика кўрсаткичи. Медиана литологияда чуқиндиларнинг гранулометрик таркибини тавсифлашда кенг қўлланилади.

**Медный блеск - Мис ялтироғи** - "халькозин" м-ли синоними.

**Медный купорос - Мис купороси** - "халькопирит" м-ли синоними

**Медузы - Медузалар** - денгизларда эркин сузиб юривчи склет элементларига эга бўлмаган кўнғироқсимон жонзотлар. Тошқотган излари қадимий қатламларда учраб туради.

**Медь самородная - Соф мис** -  $Cu$ . Кат. 2,5-3. Сол. оф. 8,5-9,0. Туғма элементлар синфига мансуб м-л. Турли гидротермал конлардаги тиланиш шароитларда ҳосил бўлади. Таркибида баъзан  $Fe$  (2.5 % гача),  $Ag$  (2-3 % гача) бор. Қизғиш рангли, ялтироқ металл. Йўлдош м-лари: куприт, малахит, азурит, халькозин, кварц, кальцит, анальцит, халькопирит, борнит.

**Междуречье - Дарё оралиғи** - икки дарё оралиғидаги сув айирғич. Турли рельеф элементларини, шунингдек кичик водийларни ўз ичига олиб нисбатан катта майдонларни эгаллаши мумкин.

**Межформационные интрузивные тела - Формациялар орасидаги интрузив таналар** - икки хил геологик комплексларнинг номослик текислиги бўйлаб тарқалган интрузивлар.

**Мезозой - Мезозой** - гуруҳи ва мезозой эрасининг қисқартирилган номи.

**Мезозойская группа - Мезозой гуруҳи** - ер пўстидаги палеозойдан кейин кайнозойгача бўлган гуруҳ ётқизиқлари. Триас, юра ва бўр деб аталувчи учта системага бўлинади.

**Мезокристаллизация - Мезокристалланиш** - магмалар кристалланиши-нинг бош босқичи бўлиб, бунда метасиликатлар, дала шпатлари, слюдалар ҳосил бўлади, яъни барча гранитоидлар, сиенитлар кристалланади.

қ. *Протокристаллизация.*

**Мезо. . . - Мезо. . .** - ўртача ҳолатни тавсифловчи ҳўшимча.

**Мезодиагенез - Мезодиагенез** - аутиген м-лларни қайта тақсимланиши билан тавсифланувчи диагенезнинг ўрта босқичи.

**Мезозойская эпоха складчатости - Мезозой бурмаланиш даври** - мезозой эраси давомида бўлиб ўтган тектоник-магматик фаоллик даври.

**Мезозойская эра - Мезозой эраси** - кайнозой эрасидан олдин, палеозойдан кейин келувчи фанеразойнинг давомийлиги 170 млн. Йиллик бўлими. Таркибига триас, юра ва бўр даврларини олади.

**Мезозона - Мезозона** - бир томонлама босим, юқори ҳарорат ва гидростатик босим билан тавсифланган метаморфизмнинг ўрта зонаси.

**Мезокатагенез - Мезокатагенез** - катагенез босқичининг ўрта қисми. Органик бирикмаларни кўмирлашув жараёнида тошкўмирга айлангунча бўлган босқич.

**Мезометагенез - Мезометагенез** - кристалли сланецларнинг ҳосил бўлиши билан тавсифланган метабенезнинг ўрта босқичи. Уни регионал метаморфизм жараёни сифатида тушуниш мақсадга мувофиқ.

**Мезометаморфизм - Мезометаморфизм** - Ер пўстининг катта чуқурликларида юқори босим ва ҳарорат остида кечувчи метаморфизм жараёни.

**Мезомикроклин - Мезомикроклин** - ўрта даражада тартибга солинган структурали микроклин м-ли.

**Мезостазис - Мезостазис** - эффузив т. ж. ларида кристаллар оралиқларини тўлдириб турувчи шишасимон қолдиқ, аморф модда.

**Мезотермальные месторождения - Мезотермал конлар** - конларнинг асосий турларидан бири бўлиб, ўртача ҳарорат ( $150^{\circ}$ - $300^{\circ}$  атрофида) ва юқори босим остида ўртача чуқурликларда ҳосил бўлган гидротермал конлар.

**Мезы - Мезалар** - вулкан қурилмаларининг қолдиқлари. Туфлар ва лава қатламларидан иборат.

**Меймечит - Меймечит** - бодомсимон порфирли ўта асос т. ж. Асосий массаси микролитлар ёки авгитнинг призма шаклидаги серпентинит агрегатларидаги кичик кристаллардан иборат. Магнезиал оливин ҳол-ҳолик ҳосил қилиб т. ж. нинг 40-50 % ҳажмини эгаллайди. Иккиламчи м-ллардан кальцит, магнетит, титаномагнетит, хромит, апатит, биотит мавжуд.

**Мел - Бўр** - бўр системаси ва даврининг қисқартирилган номи.

**Меланж(тектонический) - Меланж (тектоник)** - давомий ривожланиш даврига эга бўлган брекчиялар тарқалган мураккаб зона. Унинг бирламчи қулаш, қулашсурилиш брекчиялари чуқур бўлмаган денгиз шароитида тўпланади ва уст сурилма (надвиг) зоналарида қайта ишланади. М. диабаз таркибли туфлар ва вулканиллар, гипербазитлар (серпентинитлар), қизил яшма-радиолярийлар, оҳақтош ва метаморфик т. ж. лари бўлақлари м. да бетартиб ётади. М. зоналари геосинклиналь бурмаланиш системаси четларидаги чуқур ёриқларда шаклланади.

**Меланит - Меланит** - таркибида  $Ti$  бўлган андрадит тури. Сол. оф. 3,8-4,2. Магматик т. ж. ларида учрайди. Син.: шарломит.

**Меланократовая порода - Меланократли тоғ жинси** - 1) кенг маънода- таркибида асосан қорамтир м-ллар кўпроқ бўлган магматик т. ж. лари. 2) тор маънода - магматик т. ж. ларининг ўртача ва оддий турларига нисбатан тўқ рангли м-ллар билан бойитилган т. ж. лари.

**Меланолиты - Меланолитлар** - фақат рангли м-ллардан, ташкил топган т. ж. лари.

**Мелилит - Мелилит** -  $(Ca,Na)_2(Al,Mg,Fe)[(Si,Al)_2O_7]$ . Кат. 5-5,5. Сол. оф. 2,9-3,0 Ранги сариқ, жигарранг, қулранг, рангсиз ёғсимон ялтирайдиган м-л. Таркибида кремнекислота миқдори паст бўлган эффузив т. ж. ларида ҳосил қилувчи м-л сифатида учрайди. Йўлдош м-ли: перовскит.

**Мелкогорье - Майда тоғликлар** - баландлиги бўйича паст тоғликка мос, морфологияси жиҳатидан улاردан фарқланувчи рельеф тури. М.т. учун тик, туб т. ж.ларидан ҳосил бўлган ён бағирлар хосдир. У ерларда тектоник ва эрозион жараёнлар жадал кечади.

**Мелкосопочник - Майда тепаликлар** - текис, кенг тубли водийлар билан ажратилган, асоси кенг, чуққилар ҳосил қилувчи тепаликлар ёки тепаликлар қатори.

**Меловая система - Бўр системаси** - мезозой гуруҳининг юқори системаси.

**Меловой период - Бўр даври** - мезозой эрасининг учинчи (охири) даври; юрадан кейинги ва кайназой

эрасининг палеоген системасидан олдинги даврни ўз ичига олади. 140 млн. йил аввал бошланган ва 76 млн. йил (палеоген давригача) давом этган. Юқори ва қуйи бўр бўлимларига бўлинади.

**Мелонит - Мелонит** -  $NiTe_2$  Қат. 1-1.5. Сол. оғ. 7.78. Эгилувчан, қизғиш-оқ рангли, металсимон ялтироқ м-л. Мис конларида, шунингдек кварц томирларида соф олтин, теллуридлар ва сульфидлар билан уюшмалар ҳосил қилади. Син.: теллури никель.

**Мендипит - Мендипит** -  $Pb_3Cl_2O_2$  Қат. 2,5. Сол. оғ. 7,10. Радиал нурсимон, гулдали агрегатлар ҳосил қилувчи, рангсиз, кулранг-яшил, пушти рангли, олмоосимон ялтирайдиган м-л. Оксидланиш зоналарида церусит, малахит, смитсонит, барит ва б. билан бирга учрайди.

**Менегинит - Менегинит** -  $CuPb_8(Sb,Pb)_{12}S_{24}$  Қат. 2,5. Сол. оғ. 6,4. Игнасимон кристалли, туқ кўрғошинсимон, кўк рангли, донадор агрегатли, металсимон ялтирайдиган м-л. Ўрта ҳароратли гидротермал конларда Au, Pb-Zn, Sb билан бирга учрайди.

**Мергель - Мергель** - гил ва карбонат аралашмасидан иборат чўкинди т. ж.. Таркибида 50-75 % карбонатлар (кальцит, камроқ доломит), 25-50 % эрмайдиган қолдиқлар ( $SiO_3+R_2O_3$ ) мавжуд. Таркибидаги т. ж. ҳосил қилувчи м-лларга қараб оҳақтошли, доломитли турлари ажратилади. Цемент и. ч. саноатида кенг қўлланилади.

**Мергель ангидрит-доломитовый - Ангидрит-доломитли мергель** - кучли ангидрит-доломитли мергеллар ва гилли ангидрит-доломитларни тавсифлаш мақсадида ишлатиладиган атама. Бунда гил ва мергель заррачалари миқдорлари бир хил.

**Мергель гипсовый - Гипсли мергел** - мергель таркибида гипсининг қатламчалар, гулдалар ва б. шаклларда мавжуд бўлиши. Уларнинг яна бир тури эса гипс-доломитли мергелдир.

**Мергель гипсо-доломитовый - Гипс-доломитли мергель** - у ангидрит-доломитли мергель билан бир хил бўлиб фақат таркибидаги кальций сульфати ангидритдан эмас, балки гипсдан ташкил топган.

**Мергель глинистый - Гилли мергель** - таркиби 50-75 % гил заррачаларидан иборат м-ллар.

**Мергель доломитовый глинистый - Гилли доломитли мергель** - таркибида гил заррачалари миқдори моддий таркибининг 50-75 % ни ташкил этадиган доломитли мергель.

**Мергель доломитовый - Доломитли мергель** - гилли-карбонатли чўкинди т. ж. Унда т. ж. ҳосил қилувчи карбонат м-ллар доломитдан иборат бўлиб, миқдори 50-75 % гача боради.

**Мергель известковый - Оҳакли мергель** - гилли-карбонатли чўкинди т. ж. Бунда  $CaCO_3$  нинг миқдори 50-75 % ни ташкил этади. Цемент и. ч. саноатида ишлатилади.

**Мергель мелоподобный - Бўрсимон мергель** - таркиби 10-30 % гил заррачалари ва 35-90 % организм клетлари қолдиқларидан иборат майда заррачали кальцитдан иборат. Т. ж. юмшоқ, яхши уваланади, одатда оч рангларга эга.

**Мергель озерный - Кўл мергели** - қ. *Мергель пресноводный*

**Мергель пламенный - Алангали мергель** - "Опока" атамаси синоними

**Мергель пресноводный - Чучук сув мергели** - кўл-ботқоқ туридаги сув ҳавзаларида  $CaCO_3$  нинг эритма-

лари чўкиндига ўтиш натижасида ҳосил бўлган, гил заррачалари аралашмалари (30 %) билан бойган кукунсимон бўшоқ, сочилувчан кальций карбонатли масса.

Син. мергель озерный.

**Мергель "руинный" - "Харобали" мергель** - чақик т. ж.ларини эслатадиган оҳақтошли т. ж. структура-си.. Дастлабки кул рангини сақлаб қолган тўртбурчак шаклдаги участкалар қизғиш рангли темир занги билан ўралгани тавсифли.

**Мергель цементный - Цемент мергели** - табиий оҳақтошли мергель. Портланд цемент и. ч. учун хом ашё сифатида ишлатилади.

**Мерзлота вечная - Абадий музлик** - ер юзасидаги т. ж. ларининг манфий ҳароратли қатлами. Асосий белгиси - т. ж. ларидаги эркин сувоқликлар муз ҳолатда бўлиб, ҳар йили эриб музлаб турадиган қатлам остида тарқалганлигидир.

**Меридиан магнитный - Магнит меридиани** - Ернинг магнит майдони куч чизиқларининг ер сатҳидаги проекцияси. Географик шимол билан геомагнит майдонининг горизонтал ташкил этувчиси орасидаги бурчак "оғиш бурчаги" деб аталади

**Местообитание - Яшаш макони** - биотурларнинг мавжудлигини ва ҳаёт фаолияти шароитини таъминловчи маълум участкалар мажмуи.

**Месторождение - Кон** - ер қобигининг маълум майдонида турли геологик жараёнлар натижасида вужудга келган ф. қ. тўпланган жой. Конлардаги маъданларнинг миқдори ва сифати ҳозирги замон иқтисодиёти ва техника тараққиёти нуқтаи назаридан саноат талабига жавоб берса, бундай конлар "саноат аҳамиятидаги конлар" деб юритилади. Улар захираси, сифати ва халқ ҳўжалигидаги аҳамиятига қараб кичик, ўрта ҳамда катта миқёсли конларга бўлинади.

**Месторождение апомагматическое (рудное) - Апомагматик кон (маъданли)** - баъзи бир магматик т. ж. лари билан бир даврда ҳосил бўлган, лекин улар билан бевосита алоқаси кузатилмайдиган конлар.

**Месторождение биметасоматическое - Биметасоматик кон** - қизиган постмагматик эритмалар таъсирида кимёвий жиҳатдан мувозанатда бўлган икки муҳит (т. ж. лари)нинг ўзаро метасоматик таъсири натижасида ҳосил бўлган конлар.

**Месторождение близповерхностное - Ер юзасига яқин кон** - ер юзасига яқин ёки унча катта бўлмаган чуқурликларда, атмосфера босимида яқин босимда ва аксарият, унча катта бўлмаган ҳароратларда ҳосил бўлган эндоген постмагматик ёки эксгалацион конлар.

**Месторождение вулканогенно-осадочное - Вулканоген-чўкинди кон** - вулканизм жараёни ҳосиласи бўлиб, маъданли гидротермал эритмалардан пайдо бўлган конлар.

**Месторождение выветривания - Нураш конлари** - физик-кимёвий жараёнлар натижасида т. ж. ларининг нурашидан ҳосил бўладиган ф. қ. тўпланмалари.

**Месторождение высокотемпературное - Юқори ҳароратда ҳосил бўлган кон** - постмагматик қайноқ газ-гидротермал эритмалардан 300° - 500°С ҳароратда чуқурликда ҳосил бўлади. Бу атамадан фойдаланилганда ҳар доим олдин коннинг ҳосил бўлиш шароитини аниқлаб олиш шарт.

**Месторождение газовое - Газ кони** - Ер пўстидаги муайян структуралар говакликлари, бўшлиқлари ва дарзликлариди саноат аҳамиятига эга бўлган газларнинг тўпланишидан ҳосил бўлган конлар.

**Месторождение гидротермально-осадочное - Гидротермал-чўкинди кон** - улар гидротермалар, яъни чуқурликларда ҳосил бўлувчи маъданли эритмаларнинг юқорига, ер юзаси, сув ҳавзаларига кўтарилиши жараёнининг чўкиндиларнинг тўпла-ниши жараёнлари билан бир вақтда рўй беришидан ҳосил бўлади.

**Месторождение гидротермальное - Гидротермал кон** - Ер пўстида магманинг кристалланиши жараёнида ундан ажралиб чиқувчи иссиқ сувларда эриган турли м-л компонентларнинг циркуляцияси пайтида кристалланган м-лларнинг тўпланишидан ҳосил бўлган конлар. М-ллар кристалланиши ҳарорат ва босим пайида, шунингдек атрофдаги т. ж. лари билан ўзаро кимёвий таъсири натижасида юз беради. **Месторождение гипобалитовое - Гипобалитли кон** - эрозия жараёнида очилган гранитоидли батолитларнинг четларида жойлашган, одатда унча катта бўлмаган, юқори ҳароратли муҳитда ҳосил бўлган кон.

**Месторождение гипогенное - Гипоген кон** - қ. *Месторождение эндогенное.*

**Месторождение гипотермальное - Гипотермал кон** - қ. *Месторождение высокотемпературное.*

**Месторождение гистеромагматическое - Гистеромагматик кон** - силикат м-ллари кристалланиши, маъдан эритмаларининг эса маъдан ва учувчи компонентларга бойиганидан сўнг магманинг дифференциацияси натижасида қолдиқ маъдан эритмаларидан ҳосил бўлган конлар. Улар учун ультраасос т. ж. ларидаги хромит ва титано-магне-тит конлари мисол бўлади.

**Месторождение гнездовое - Уяли кон** - бундай конлар маъдан уяларидан иборат бўлади.

**Месторождение диагенетическое - Диагенетик кон** - саноатбоп маъданлари диагенез босқичида вужудга келган чўкинди конлар (Си, Pb, Zn ва б. стратификацияланган конлар). Диагенез пайтида металлларнинг чўкиндиларга чўкиши ва тўпланиши натижасида грунтли эритмалардан ҳосил бўладиган конлар.

**Месторождение жильное - Томирсимон кон** - маъданли ва минераллашган томирлардан иборат кон.

**Месторождение закрытое (слепое) - Берк жойлашган кон** - бевосита ер юзасига чиқмайдиган кон.

**Месторождение интрамагматическое - Интрамагматик кон** - магматик фаолият ва маъдан билан бир даврда пайдо бўлган магматик (одатда интрузив) т. ж. лари ичида жойлашган конлар.

**Месторождение инфильтрационное - Инфильтрацион кон** - инфильтрацион сувларда эриган турли кимёвий элемент ва бирикмаларнинг т. ж. . говакларида сизишлиши натижасида ҳосил бўладиган конлар. Шу йул билан темир, марганец, мис, ванадий, молибден, уран, радий, селен, олтин, скандий, барий, фосфорит ва б. маъданларнинг конлари пайдо бўлади.

**Месторождение катаге-нетическое - Катагенетик кон** - катагенез босқичида ҳосил бўлган конлар. Ушбу конлар литификацияланган ётқизикларга ер ости сувларининг фаол таъсири натижасида юзага келади. Уларнинг ҳосил бўлишидаги асосий шарт-маъданли қатламларда металлларнинг седиментацион ва диагенетик концентрацияларининг мавжудлигидир.

**Месторождение колчеданного типа (колчеданное) - Колчедан туридаги (колчеданли) кон** - одатда сфалерит, камдан-кам ҳолда галенит, баъзан эса арсенопирит, никель ва кобальт м-ллари ҳамда кумуш ва олтин бирикмалари қатнашган, темир, мис (пирит, пирротин, халькопирит ва б.)нинг колчеданли маъданларидан иборат бўлган, ҳосил бўлишига кўра постмагматик, гидротермал, ўрта ҳароратли ва ўртача чуқурликдагилар гуруҳига кирувчи маъданли конлар тури.

**Месторождение контактово-метаморфическое - Контакт-метаморфик кон** - интрузив ва турли таркибли т. ж.лари контактларида юқори ҳарорат остида ҳосил бўлади. Бунда т. ж.лари орасига кириб борувчи магмадан янги кимёвий элементлар олиб келинмайди. К.м.к.ларга мрамар, флогопит конлари мисол бўлади.

**Месторождение контактово-метасоматическое - Контакт-метасоматик кон** - контакт метаморфизми жараёнида ҳосил бўладиган кон. Бундай конлар ёриб кираётган магмадан бир қанча кимёвий элементлар ажралиб чиқиб, атроф т. ж. ларидаги м-ллар билан метасоматик ўрин алмашиш йўли билан тўпланиши натижасида атроф т. ж. лари (экзоконтактда) ва интрузив т. ж.ларининг чекка қисмида (эндоконтактда) ҳосил бўлади.

**Месторождение контактово-реакционное - Контакт-реакцион кон** - *контакт-метасоматик кон* синоними.

**Месторождение коренное - Туб кон** - туб т. ж. бирламчи ётқизилган ерларда ф. қ. ларнинг тўпланишидан ҳосил бўлган конлар.

**Месторождение криптобатолитовое - Криптобатолит кони** - эрозион жараёнлар ва ҳали юзаси очилмаган батолитлар билан боғлиқ конлар.

**Месторождение ксенотермальное - Ксенотермал кон** - катта бўлмаган чуқурликларда юқори ҳарорат ва нисбатан кичик босим остида ҳосил бўлган конлар. Қалайи-вольфрам-висмут конлари бунга мисол бўлади.

**Месторождение лептотермальное - Лептотермал кон** - катта бўлмаган чуқурликларда нисбатан кичик босим ва ўртача ҳароратларда ҳосил бўлган конлар.

**Месторождение ликвационное - Ликвацион кон** - магматик эритмаларнинг иккита ўзаро аралашмайдиган, силикатли ва маъдан (сульфид)ли турларига ажралишидан ҳосил бўладиган конлар. Бунда аввал силикатли, сўнгра эса сульфидли эритмалар кристалланади.

**Месторождение магматическое (или собственно магматическое) - Магматик (ёки асл магматик) кон** - металл ва нометалл ф. қ. конлари бўлиб, бунда м-лларнинг ҳосил бўлиши магманинг кристалланиши жараёнида юз беради. Ҳосил бўлиш шароитига кўра уч турга бўлинади: 1-дастлабки магматик кон (протомагматик, эзмагматик ёки сегрегацион конлар); 2- кечки магматик кон (гистеромагматик, яъни магманинг кристалланиши жараёнининг охириги босқичларида вужудга келган конлар); 3-ликвацион магматик конлар. Син.: асл магматик кон.

**Месторождение магматогенное - Магматоген кон** - магматизм жараёни билан боғлиқ равишда ҳосил бўлган конлар. Ушбу конларга, бевосита магматик конлар, шунингдек магматик эманация жараёнида ҳосил бўлган конлар киради.

**Месторождение метаморфизованное - Метаморфлашган кон** - ҳосил бўлгандан сўнг метаморфизм жараёнига учраган конлар. Бундай конларнинг контактли, регионал метаморфлашган турлари ажратилади.

**Месторождение метаморфическое - Метаморфик конлар** - т. ж. ларининг метаморфизмга учраши натижасида ҳосил бўлган кон. Бу конларнинг пайдо бўлиши регионал (кианитли, андалузитли ва б.) ва контактли метаморфизм (графит, корунд ва б.) билан боғлиқ.

**Месторождение метасоматическое - Метасоматик кон** - метасоматоз жараёнида ҳосил бўлган конлар.

**Месторождение низкотемпературное - Паст ҳароратда ҳосил бўлган кон.** - 200<sup>o</sup>Сдан паст ҳароратда ҳосил бўлган гидротермал кон. қ. *"Месторождение эпитеpmальное"*.

**Месторождение обломочное - Чақиқ тоғ жинслари кони** - олдиндан мавжуд бўлган конларнинг механик парчаланиши ва маъдан моддаларининг чақиқ т. ж. лари кўринишида тўпла-нишидан ҳосил бўлган кон.

**Месторождение ортомагматическое - Ортомагматик кон** - *"Месторождение магматическое"* атамаси синоними.

**Месторождение осадочное - Чўкинди кон** - механик, кимёвий ёки биокимёвий йўл билан м-ллар ёки маъданларнинг сув ҳавзаларида чўкиши натижасида ҳосил бўладиган кон. Саноатбоп концентрациялар шаклланишининг қайси босқичда бўлганига қараб бирламчи чўкинди (ёки седиментацион), диагенетик ва катагенетик конларга бўлинади. Улар башоратли баҳолаш омилларининг ҳар хиллиги билан тавсифланади. Бирламчи чўкинди конларга кўпгина боксит, темир ва б. ф. қ. конлари киради. Диагенетик конларга бир қатор марганец, мис, ванадий ва б. металл конлари киради.

**Месторождение осадочное биохимическое - Биокимёвий-чўкинди кон** - организмларнинг ҳаёт фаолияти билан боғлиқ равишда ҳосил бўлган ф. қ. лар (Fe, Mn, Cu, Al ва б.) конлари.

**Месторождение осадочное механическое - Механик чўкинди кон** - бирламчи чўкинди кон. Ф. қ. ли т. ж. ларининг механик парчаланиши ва уларнинг сув оқимлари ёрдамида қайта ётқизилишидан ҳосил бўлган конлар. Бир ердан иккинчи ерга кўчирилиши жараёнида заррачаларнинг шаклига, солиштирама оғирлигига ва б. ларга қараб дифференциацияси ушбу конларнинг ўзига хос жиҳатидир.

**Месторождение осадочное химическое - Кимёвий чўкинди кон** - ёпиқ, ярим ёпиқ ҳавзаларда кимёвий чўкиш натижасида ҳосил бўлган конлар.

**Месторождение остаточное - Қолдиқ кон** - гипергенез зонасининг юқори зоналаридаги т. ж.ларининг моддий қисмини нураш жараёни билан боғлиқ равишда олиб чиқиб кетилиши натижасида фойдали компонентлар билан бойиш ҳисобига ҳосил бўладиган конлар. Мас: платина, олмос, олтин ва титан м-лларининг элювиал сочмалари ҳамда баъзи бир Fe, Al конларининг ва б. ларнинг қолдиқ конлари.

**Месторождение пегматитовое - Пегматит кони** - нордон, қисман ишқорли т. ж. лари билан боғлиқ бўлган пегматитларда интрузияларнинг энг сўнгги шаклланиш даврида қолдиқ суюклик иштирокида вужудга келади. Улар одатда интрузиянинг юқори қисмида жойлашган

бўлади.

**Месторождение первичноосадочное - Бирламчи чўкинди кон** - чўкинди ҳосил бўлиши (седиментация) жараёнида юзага келган конлар. Маъдан тўпланиши қаттиқ фазада (механик чўкинди конлар) ва эритма ҳолатида юзага келиши мумкин. Син.: седиментацион кон.

**Месторождение перимагматическое - Перимагматик кон** - маъдан ҳосилаларини юзага келтирган магматик тана четларида ёки яқинида ҳосил бўлган конлар.

**Месторождение пластовое - Қатлам кўринишидаги кон** - маъдан таналари қатлам шаклига эга бўлган кон. Темир ва бошқа металллар маъданлари конлари, турли нометалл конлар мисол бўлади.

**Месторождение пластообразное - Қатламсимон кон** - маъдан таналари шакли қатламга ўхшаш бўлган конлар. Уларга сингенетик, бевосита магматик ва эпигенетик постмагматик конлар мисол бўлади. Син.: стратиформ конлар.

**Месторождение плутоническое гидротермальное - Гидротермал плутоник кон** - кичик гранитоид интрузив таналаридан кўтарилган гидротермал эритмалардан ҳосил бўлган кўпгина колчедан конлари.

**Месторождение пневматолитовое - Пневматолит кон** - пневматолит жараёнларидан ҳосил бўлган (яъни газли фазадан ҳосил бўлган) постмагматик кон. Конларнинг кам тарқалган тури. Баъзи таснифларда ушбу гуруҳ конларига контакт-метасоматик конлар ҳамда юқори ҳароратли ноёб металл конлари ҳам киритилади.

**Месторождение поверхностное - Ер юзасидаги кон** - Ер юзасида кечадиган жараёнлар натижасида ҳосил бўлган кон. Уларга чўкинди, чақиқ, сочма ва б. баъзи конлар мисол бўлади.

**Месторождение поздне магматическое - Кечмагматик кон** - магма кристалланишининг охириги босқичида ҳосил бўладиган конлар.

**Месторождение послескладчатого металлогенического типа - Бурмаланишдан кейинги металлогеник турдаги кон** - геосинклинал областлар ривожланишининг кечки ёки охириги босқичларида ҳосил бўлган кон.

**Месторождение постмагматическое - Постмагматик кон** - магманинг кристалланиш жараёнида ажралиб чиқувчи газлар ва сувли эритма (гидротерма)-лардан ҳосил бўладиган кон.

**Месторождение раннемагматическое - Эрта магматик кон** - магмаларнинг кристалланиши жараёнининг бошланғич босқичларида маъдан элементларининг ажралиши натижасида ҳосил бўлган кон. Син.: сегрегацион кон.

**Месторождение рудное - Маъдан кони** - металл элементлар ва уларнинг м-ллари тўпланишидан ҳосил бўлган ф. қ. кони.

**Месторождение с возобновляющимися запасами - Заҳираси тикланиб турувчи кон** - ҳозирги кунда ҳосил бўлаётган ва шаклланиш жараёни давом этаётган конлар. Бу жараён туфайли ўзлаштирилган заҳира яна тикланади.

**Месторождение сегрегационное - Сегрегацион кон** - қ. *"Месторождение раннемагматическое"*.

**Месторождение седиментационное - Седиментацион кон** - қ. *"Месторождение первичноосадочное"*.

**Месторождение секреторное - Секретор кон** - сизиб оқувчи совуқ эритмалардаги м-лларнинг кристалланишидан ҳосил бўлган ер юзасидаги ф. қ. ли томирлар ва томирчалар.

**Месторождение сингенетичное - Сингенетик кон** - қамровчи т. ж. ларининг ҳосил бўлиши жараёни билан бирга бир вақтда шаклланган кон.

**Месторождение слепое - Берк жойлашган кон** - қ. "Месторождение закрытое".

**Месторождение соскладчатого металлогенического типа - Бурмаланиш металлогеник турдаги кон** - геосинклиналлар консолидацияси ва уларнинг бурмаланиши даврида ҳосил бўлган кон.

**Месторождение собственно магматическое - Асл магматик кон** - қ. Месторождение магматическое.

**Месторождение среднетемпературное - Ўрта ҳароратда ҳосил бўлган кон** - 200-300°C ҳароратда ҳосил бўлган гидротермал кон. «Мезотермал конлар» атамаси ўрнига таклиф этилган.

**Месторождение стратифицированное - Стратификацияланган кон** - қамровчи қатламланган ёки магматик т. ж. ётишига мос равишда жойлашган ёхуд айрим стратиграфик горизонтларда тарқалган маъданларнинг тўплами.

**Месторождение телемагматическое - Телемагматик кон** - магматик ўчоқдан магманинг ер юзасига яқин ёки гипабиссал шароитларгача бўлган масофани босиб ўтиши жараёнида ҳосил бўлган паст ҳароратли гидротермал кон.

**Месторождение телескопированное - Телескопланган кон** - катта бўлмаган чуқурликлар учун хос бўлган ва маъданлари телескопланган кон. Сульфат-касситеритли конлар бунга мисол бўлади. қ. *Телескопирование руд (рудотолжения)*.

**Месторождение телетермальное - Телетермал кон** - деярли катта чуқурликка эга бўлмаган, паст ҳароратли гидротермал кон. Уларнинг магма билан алоқадорлиги тўлиқ аниқланмаган.

**Месторождение торфяное - Торф кони** - қалинлиги ва тарқалиш ҳудуди кўлами бўйича саноат аҳамиятига эга бўлган торф қатламлари мавжудлигини англатувчи геологик тушунча.

**Месторождение трубообразное (трубчатое) - Қувурсимон (қувур шаклидаги) кон** - маъдан танаши қувур шаклига эга бўлган кон.

**Месторождение угольное - Кўмир кони** - саноат аҳамиятига эга бўлган лигнит, қўнғир ва тош кўмирлар қатламларига эга бўлган т. ж. ларидан иборат геологик танани англатувчи геологик тушунча.

**Месторождение угольное местного значения - Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган кўмир кони** - кичик қувватга эга бўлган шахталар ёрдамида ўзлаштирилдиган, катта захирага эга бўлмаган кон. Маҳаллий истеъмолчиларнинг кўмирга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

**Месторождение формационно-генетического ряда кварц-полевошпатовых метасоматитов - Кварц-дала шпати метасоматитларининг формацион-генетик қаторига мансуб кон** - флогопит, мусковитнинг Th, TR, Ta, Nb, Be, Sn ҳамда олтин-уран конлари ва маъдан намоёнлари бўлиб, улардаги маъданлашиш жараёнида саноат учун қимматли парагенезислар вужудга келади.

**Месторождение экзогенное - Экзоген кон** - Ер

юзасидаги жараёнлар, сувлар иштирокида, ҳаво ва ҳар турли организмлар таъсирида ҳосил бўлган кон. Чўкинди (хемоген, биоген, механик), нурашдан ҳосил бўлган (қолдиқ, инфилтрацион) конлар ҳам қиради.

**Месторождение эксгальационное - Эксгальацион кон** - ер юзасига яқин ёш интрузив ёки вулкан фаолияти натижасида ажралиб чиқувчи газлардан ҳосил бўлган конлар. Бу конлар кўпгина оғир металллар, табиий олтингургурт, нашатир каби моддалар тўпланиши билан фарқланади.

**Месторождение эманационное - Эманацион кон** - магманинг совиши ва кристалланиши даврида ундан ажралиб турувчи маъданли буглар ва газлар ҳисобига ҳосил бўлувчи кон.

**Месторождение эндогенное - Эндоген кон** - чуқурликдаги жараёнлар билан боғлиқ, яъни Ернинг ички иссиқлик энергияси ва б. лар таъсирида вужудга келган кон.

**Месторождение эпидиолитовое - Эпидиолит кон** - интрузив т. ж. ларини қамровчи, ёки батолитларнинг ер юзасига чиқиб қолган алоҳида гумбазларида ёки уларнинг чекка қисмларида жойлашган кон. Батолитларнинг ички қисми одатда маъдансиз бўлади.

**Месторождение эпигенетическое - Эпигенетик кон** - ўзини қамровчи т. ж. ларидан кейин ҳосил бўлган кон. Эндоген турдаги кон газогидротермал эритмаларининг т. ж. ларига кириб бориб улардан маъдан элементларини ажратиб чиқариб, экзоген конлар эса, ер ости сувларида эриган маъдан моддаларнинг қамровчи т. ж. ларига олиб келиб ётқизилишидан ҳосил бўлади.

**Месторождения гипергенные - Гиперген конлар** (седиментоген, экзоген конлар) - ер юзасида қадимий ва ҳозирги геохимёвий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўлган ф. қ. уюмлари Г. к. эндоген м-л хом ашёларининг механик ва биохимёвий қайта ўзгариши ва дифференциациясидан таркиб топади. Г. к. нураш, сочма ва чўкинди конларга бўлинади.

**Месторождения гистеромагматические - Гистеромагматик конлар** - магманинг дифференциацияси ундаги силикатли м-ллар кристаллангандан ва эритмалардан маъданли ва учувчи компонентлар тўплангандан кейинги маъданли эритмаларнинг қолдиқларидан ҳосил бўлган конлар. Ўта асосли т. ж. ларидаги хромитли ва титан-магнетитли конлар шулар жумласидандир.

**Месторождения грейзеновые и грейзеновой формации - Грейзен ва грейзен формациясининг конлари** - W, Sn, Be, камроқ Mo, As, Bi конлари. Уларда саноатбоп парагенезисларни ҳосил қилган маъданлашув жараёнлари гранитларни грейзенга айлантирувчи жараёнлар билан бир вақтда ва бир ерда уйғунлашади. Уларни қамровчи т. ж. лари эса грейзен шаклидаги метасоматитларга айланади.

**Месторождения инъекционные - Инъекцион конлар** - маъдан эритмаларининг т. ж. ларига суқилиб киришидан (одатда магматизм охири ёки ликвацион) ҳосил бўлган конлар.

**Месторождения карбонатитовые - Карбонатит конлари** - ўта асосли-ишқорли таркибга эга (карбонатитлар) магматик т. ж. лари формациялари билан боғлиқ бўлган олмос, нодир ва тарқоқ металл кальций, магний ва темир карбонатларининг томирлари ва шток-

лари..

**Месторождения карстовые - Карст конлари** - оҳак-тошлардаги карст бўшлиқларида маъданли моддалар (оксидланган темир, боксит ва б. маъданлар) нинг ўтириб қолиш натижасида пайдо бўлган конлар. **Месторождения мезотермальные - Мезотермал конлар** - конларнинг асосий турларида бири. Ўртача ҳарорат ( $150^{\circ}$ - $300^{\circ}$  атрофида) ва юқори босим остида ўртача чуқурликларда ҳосил бўлган гидротермал конлар.

**Месторождения метаморфогенные - Метаморфоген конлар** - т. ж. ларининг метаморфизм жараёнида ёки мавжуд конларнинг метаморфланиши натижасида ҳосил бўлган конлар. М.к. икки гуруҳга: метаморфик ва метаморфлашган турларига бўлинади.

**Месторождения нефти - Нефть конлари** - Ер қобиғининг маълум тектоник структурасида жойлашган ва чиқариб олиш иқтисодий жиҳатдан фойдали ҳисобланган нефть уюмлари. Антиклиналь бурмалардаги тектоник узилган моноструктуралӣ табиий тутқиқларда жойлашган. Н. к. табиатда, асосан, чўкинди жинсларда ҳосил бўлганлиги сабабли бир ёки бир неча маҳсулдор қатламдан иборат бўлади.

**Месторождения постмагматические - Кечки магматик конлар** - магматизмнинг сўнги босқичида ҳосил бўлган конлар.

**Месторождения россыпные - Сочма конлар** - қ. *Россыпи*.

**Месторождения скарновые - Скарни конлар** - маъданлари скарнларда ва улар атрофидаги т. ж. ларида жойлашган конлар. Улар 2 турга ажратилади: 1) асосий саноат учун яроқли парагенезисларни ҳосил қилувчи маъданлашиш жараёнлари ва скарн атрофидаги т. ж. лари ҳосил бўлиши билан бир вақтда кечувчи турли метасоматик фацияли флогопит, магнетит, боратли ва сульфид маъданли конлари; 2) маъданлашиш жараёнлари скарнлашишдан айрим, асосан кейинроқ кечувчи каонлар. Нордон гидротермал элементлар билан олиб келинувчи молибденит-шеелитли, шеелит-сульфидли, ноёб металл-сульфидли, полисульфидли, халькопиритли ва б. маъданлардан иборат.

**Месторождения стратиформные - Стратиформ конлар** - маъдан уюмлари қатламсимон шаклда бўлиб, узунлиги ва кенглигининг ўлчамлари миқёсининг қалинлик кўрсаткичларидан кескин катталиги билан ажралиб туради. Улар қаторига баъзи бир сингенетик-магматик ва эпигенетик постмагматик конлар ҳам киради.

**Месторождения телемагматические - Телемагматик конлар** - магматик ўчоқдан анча узоқда, ер юзасига яқин ёки гипабиссал шароитларда ҳосил бўлган паст ҳароратли гидротермал конлар.

**Мета. . . - Мета. . .** - “кейин”, “сўнг” деган маъносини англатувчи олд қўшимча бўлиб, т. ж. нинг метаморфик ўзгарганлигидан дарак беради.

**Метаалюминит - Метаалюминит** -  $Al_2[(OH)_4(SO_4)_1.5H_2O]$ . Сол. оғ. 1,85 Микрокристаллик, оқ рангли м-л. Кумтошлардаги томирларда гипс, базальминит билан биргаликда учрайди.

**Метабазальт - Метабазальт** - метаморфизм жараёнига учраган базальт ёки базальт таркибли уралит порфири.

**Метабазиты - Метабазитлар** - метаморфизмга учраган асосли т. ж. лар (габбро, диабаз ва б.лар)ни белгиловчи умумий атама.

**Метаблестез (метабластическое изменение по-**

**род) - Метаблестез (метабластик ўзгарган тоғ жинс)** - мигматизация таъсирида ўзгарган т. ж.

**Метабласти - Метабластлар** - м-ллар индивидлари бўлиб т. ж. ларида метабластизм таъсирида ривожланади.

**Метагаббро - Метагаббро** - метаморфлашган габбро т. ж.

**Метагенез - Метагенез** - стратиферанинг қуйи қатламларида юқори ҳарорат ва юқори босим остида м-ллашган эритмалар иштирокида чўкинди т. ж. лари минералогик таркиби ва структурасининг ўзгариши. Бу босқичда олдин ҳосил бўлган аутиген м-лларнинг кристалланиши кузатилади ва метаморфлашган чўкинди т. ж. лари юзага келади.

**Метагнейс - Метагнейс** - “*Парагнейс*” атамасининг синоними.

**Метаинтрузивы - Метаинтрузивлар** - гранитланиш жараёнида ҳосил бўлган турли таркибли интрузив таналар.

**Метакластиты - Метакластитлар** - қумли ва алевритли чўкинди т. ж. лари. Таркибида 20 % метаморфик т. ж. бўлаклари ва 60 % кварц мавжуд.

**Метакolloиды - Метакolloидлар** - у ёки бу даражада дегидротация жараёнига учраган ва қайта кристалланган гиллар. Бунда бирламчи ҳажмнинг қисқариши кузатилади.

**Метаконгломераты - Метаконгломератлар** - метаморфизм жараёнида ўзгаришга учраган конгломератлар. Баъзи ҳолларда бўлаклари метаморфик т. ж. ларидан ташкил топган конгломератларга нисбатан ҳам қўлланилади.

**Метакристаллы - Метакристаллар** - қаттиқ муҳитдаги метасоматоз жараёнида ҳосил бўлган кристаллар. Мас., сланец, мрамор ва б. т. ж. ларидаги пиритнинг куб шаклидаги кристаллари.

**Металлогеническая провинция - Металлогеник провинция** - қ. *Провинция металлогеническая*.

**Металлогеническая эпоха - Металлогеник эпоха** - қ. *Эпоха металлогеническая*.

**Металлогения - Металлогения** - қазилма бойликлар ҳақидаги таълимотнинг бир қисми; маъданли конлар ҳосил бўлиши ва жойланиш қонуниятларини ўрғанади. Биринчи вазифаси турли металлогеник ҳудудлар, маъданли минтақа ва тектоник-магматик мажмуалар ҳосил бўлишида маълум геологик жараёнларнинг родини аниқлашдан иборатдир. Иккинчи вазифа айрим вилоятлар, маъданли минтақалар ва тектоник - магматик мажмуаларнинг металлогеник ихтисосланишида турли геологик, геохимий, физик-кимёвий, табиий-географик далиллар аҳамиятини аниқлашдан иборат. Маъданли минтақаларда у ёки бу металл конининг мавжудлиги шу ерда тарқалган т. ж. ларининг кимёвий таркибига, тектоник тузилишига, магматик ҳамда маъданлашиш жараёнларининг қанчалик чуқурликда содир бўлганлигига ва б. далилларга узвий боғлиқдир. Учинчи вазифа турли конларни таққослаб ўрганиш ва улар ўртасидаги ўзаро алоқани, тўртинчи вазифа эса, кон - қидирув ишларини ҳамда маъданли район ва областларни илмий жиҳатдан асослаб беришдир. Бу маъданлашишнинг вақти ва тарқалиши қонуниятлари, унинг геологик тузилишига муносабатини аниқлаш имконини беради.

**Металлогения конечных этапов (стадий) развития подвижных зон (поясов) - Ҳаракатдаги зоналар (минтақалар) ривожланишининг охириги**

**босқичи металлогенияси** - қ. *Металлогения складчатых областей.*

**Металлогения древних платформ - Қадимий платформалар металлогенияси** - Ер қобиғининг кристалланган фундаменти ва платформа филофи металлогенияси учга: 1) токембрий фундаменти ҳаракатчан зонаси металлогенияси; 2) фундаментнинг ўрталик массиви металлогенияси; 3) платформа филофларининг металлогениясига бўлинади.

**Металлогения морского дна - Денгиз туби металлогенияси** - қуруқликдаги металлогеник минтақа, зона каби майдонларга ўхшаш бўлиб, денгиз туби интрузиялари ва чўкинди т. ж.лари билан боғлиқ.

**Металлогения общая - Умумий металлогения** - металлогениянинг назарий асослари ва маъданлашишнинг замон ва маконда жойлашиш қонуниятларини ўрганувчи бўлими.

**Металлогения региональная - Регионал металлогения** - металлогениянинг маъдан майдонларининг геологик ривожланиш тарихи ва тузилишига боғлиқ равишда ф. қ. конларининг жойлашиш қонуниятларини ўрганувчи бўлими.

**Металлогения рудных районов - Маъдан районлари металлогенияси** - регионал металлогениянинг маъдан районларида ф. қ. лар тарқалишининг геологик хусусиятларини муфассал изланиш усуллари ёрдамида ўрганиш билан шугулланувчи бўлими.

**Металлогения складчатых областей - Бурмали худудлар металлогенияси** - бурмали областларда ф. қ. конларининг замон ва маконда (турли структуравий фацциал зоналарда) жойлашиши умумий қонуниятларини ўрганувчи бўлими.

**Металлогения экзогенная - Экзоген металлогения** - металлогениянинг экзоген конларнинг жойлашиш қонуниятларини ўрганувчи бўлими.

**Металлогения эндогенная - Эндоген металлогения** - металлогениянинг эндоген (шунингдек метаморфоген) конларнинг жойланиш қонуниятларини ўрганувчи бўлими.

**Металлометрия, металлометрическая съемка - Металлометрия, металлометрик съёмка** - делювиал, элювиал ва аллохтон т. ж. ларини намуналаш асосида кимёвий элементлар миқдорини аниқлаш ҳамда бу асосда ф.қ. конларини қидириш. Син.: съемка литогеохимическая.

**Металлоносность магм потенциальная - Магмаларнинг потенциал маъдандорлиги** - магма таркибида металл элементларининг мавжудлиги.

**Металлы благородные - Асл металллар** - кимёвий таъсирларга чидамли қимматбаҳо металллар: олтин, кумуш, платина гуруҳига оид металллар (платиноидлар) ва уларнинг қотишмалари. Улар атмосфера, сув ва б. муҳитлар таъсирида зангламайдилар.

**Металлы драгоценные - Қимматбаҳо металллар** - саноат ёки жамият учун айрим сифати билан қадрли металллар. "Асл металллар" атамасининг синоними.

**Металлы легирующие - Легирувчи металллар** - вольфрам, никель, кобальт, молибден ва ванадий каби темир қотишмалари сифатини ошириш билан тавсифланадиган металллар.

**Металлы легкие - Енгил металллар** - бу атама маъносида Al ва Mg металлари тушунилади.

**Металлы малые - Кичик металллар** - вольфрам, молибден, симоб, висмут ва сурмаларнинг умумий номи. Ер

қобиғи ҳосилаларидаги ўртача миқдорий кўрсаткичи-кларкларининг жуда кичиклиги билан тавсифланадилар. Ҳозирда улар нодир металллар гуруҳига киритилди.

**Металлы радиоактивные - Радиоактив металллар** - уран, торий, радий каби радиоактив металллардан ташкил топган металллар гуруҳи.

**Металлы рассеянные - Тарқоқ металллар** - т. ж. ва маъданларда жуда оз миқдорий кўрсаткичлар билан учровчи ҳамда кам ҳоллардагина мустақил м-ллар ҳосил қилувчи индий, галлий, германий каби металллар ҳамда тарқоқ ер элементлари.

**Металлы редкие - Ноёб металллар** - тантал, литий, бериллий, цирконий, ниобий, молибден каби металллар мансуб бўлган шартли гуруҳ. Улар таркибига кичик ва рангли металллар ҳам мансубдир.

**Металлы цветные - Рангли металллар** - мис, қўрғошин, рух, никель, кобальт, баъзан эса алюминий каби рангли металлургияда эритилиб олинувчи металллар. Улар нодир металллар гуруҳига ҳам мансубдир.

**Металлы черные - Қора металллар** - қора металлургияда қўлланилувчи металллар (темир, марганец, титан, хром).

**Метамагматиты - Метамагматитлар** - икки хил маънога эга: 1) метаплутонизм (ультраметаморфизм, гранитлашиш) жараёни маҳсули бўлган кристалли т. ж. лари. 2) 400°Сгача ҳароратда учувчи компонентлар иштирокида ҳосил бўлган иккиламчи м-лларнинг тарқалган эффузив т. ж. лари гуруҳи.

**Метаморфизм - Метаморфизм** - юқори ҳарорат, флюидлар фаоллиги ва босим таъсири остида т. ж. ларининг ички тузилиши, минералогик ва кимёвий таркибининг ўзгариши. У контакт, динамометаморфизм ва регионал турларга ажратилади.

**Метаморфизм геотермальный или геотермический - Геотермал ёки геотермик метаморфизм** - Ер пўстидаги геотермик градиент маҳсули бўлган юқори ҳарорат, шунингдек юқоридан қоплаб ётувчи т. ж. лари қатламларининг геостатистик босими остида катта чуқурликларда ётувчи т. ж. ларининг метаморфизми.

**Метаморфизм гидротермальный - Гидротермал метаморфизм** - қизиган сувли эритмалар (гидротермлар) таъсирида т. ж. ларининг минералогик ва кимёвий таркибининг ўзгариши.

**Метаморфизм динамотермальный - Динамотермал метаморфизм** - бир томондан ва бир вақтнинг ўзида кучли босим ва юқори ҳарорат таъсирида юзага келувчи метаморфизм. Д.м.да т. ж. ларининг минералогик, баъзи ҳолларда эса кимёвий таркиби ўзгаради.

**Метаморфизм инъекционный - Инъекцион метаморфизм** - одатда гранитоид таркибли магматик эритманинг т. ж. ларига суқилиб бориши билан боғлиқ метаморфизм тури. Интрузиялар ҳамда чуқур горизонтлардаги регионал метаморфизмнинг таъсирида юзага келади.

**Метаморфизм контактовый - Контакт метаморфизми** - қамровчи т. ж. ларига интрузив магматик массаларнинг иссиқлик ва кимёвий таъсири натижасида кузатиладиган метаморфизм тури. Мўътадил (контактли) метаморфизм ва контактли-метасоматик метаморфизм турлари ажратилади.

**Метаморфизм нормальный - Меъёрий (ёки мўътадил) метаморфизм** - метасоматоз ҳодисаси кузатилмайдиган изокимёвий метаморфизм. Унда  $H_2O$  ва  $CO_2$

ҳаракатчан, қолган кимёвий элементлар эса инерт ҳоссага эга.

**Метаморфизм пневматолитовый и гидротермальный - Пневматолит ва гидротермал метаморфизм** - совиятган магма ўчоғидан юқорига кўтарилаётган қайноқ сув эроитмалари (гидротермлар), газ эманацияси (газсимон маҳсулот таъсирида т. ж. ларининг ўзгариши). Одатда пневматолит метаморфизм гидротермал метаморфизмдан аввалроқ рўй беради.

**Метаморфизм пневматолитовый контактовый - Пневматолитли-контактли метаморфизм** - одатда магмадан буглар ва учувчи моддаларнинг ажралиб чиқишини таъминловчи ёндош т. ж. лари дарзликлари яқинида ривожланади. Турмалин, топаз ва б. м-лларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

**Метаморфизм прогрессивный - Прогрессив метаморфизм** - т. ж. ларининг эндоген жараёнларнинг фаол иштирокида қаттиқ ҳолати сақланган, тўлиқ эримаган ва суюқликка айланмаган ҳолда ўзгариши. Бунда паст ҳароратли м-л ассоциациялари ўрнига юқори ҳароратли м-л ассоциациялари ҳосил бўлади, м-ллардан сув ва карбонат кислотаси ажралиб чиқади.

**Метаморфизм региональный - Регионал метаморфизм** - бир томонлама гидростатик босим ва ҳарорат таъсирида ҳосил бўлган т. ж. ларининг ўзгариши. Бундай ўзгаришлар катта майдонларда ва магма таъсирсиз кечади.

**Метаморфизм регрессивный - Регрессив метаморфизм** - бирламчи магматик ва метаморфлашган т. ж. ларининг метаморфизм қўйи босқичларининг янги шароитларида м-л таркибининг ўзгариши.

**Метаморфизм селективный - Селектив метаморфизм** - метаморфизм жараёни кузатилаётган қатламда фақат маълум т. ж. ларигина ўзгаришга учрайдиган метаморфизм тури. Бунинг сабаби - уларнинг турли кимёвий, минералогик таркибга ҳамда структуравий-текстуравий тавсифга эгаллигидир.

**Метаморфизм термальный - Термал метаморфизм** - метаморфизм жараёнида асосий таъсир кўрсатувчи омил ҳарорат саналадиган метаморфизм тури.

**Метаморфизм углей - Кўмирлар метаморфизми** - геологик жараёнлар натижасида юзага келувчи ҳарорат ва босим остида кўмирлардаги углерод микдорининг ошиши, кимёвий таркибининг функциявий хоссалари ва ички тузилишининг ўзгариши.

**Метаморфизм углей контактовый - Кўмирларнинг контакт метаморфизми** - кўмирлар ичига кириб борувчи интрузив таналар ҳарорати билан боғлиқ метаморфизм.

**Метаморфизм углей магматогенный - Кўмирларнинг магматоген метаморфизми** - кўмир қатламларига дайқалар ва силларнинг кириб бориши билан кўмирларда кузатиладиган метаморфизм тури.

**Метаморфизм углей радиоактивный - Кўмирларнинг радиоактив метаморфизми** - қамровчи т. ж. ларида мавжуд бўлган радиоактив моддаларнинг парчаланиши натижасида ҳосил бўладиган ҳарорат таъсирида кечадиган метаморфизм тури.

**Метаморфизм углей структурный - Кўмирларнинг структуравий метаморфизми** - метаморфизм жараёнида кўмирлар ички молекуляр тузилишининг ўзгариши.

**Метаморфизм углей тектонический - Кўмирларнинг тектоник метаморфизми** - қ. *Динамомета-*

*морфизм углей.*

**Метаморфизм углей термальный - Кўмирларнинг термал метаморфизми** - кўмир қатламларига интрузив таналарнинг кириб борувчи ёки кўмир қатламлари билан бевосита мавжуд бўлмаган магматик ўчоқлардан ажраладиган иссиқлик таъсирида кечадиган метаморфизм тури.

**Метасоматиты - Метасоматитлар** - қ. *Метасоматоз.*

**Метасланцы - Метасланецлар** - қ. *Сланцы кристаллические.*

**Метасоматиты рудные - Маъданли метасоматитлар** - асосан силикатли ва карбонатли т. ж. ларининг гипоген-метасоматит йўл билан ҳосил бўлган маъданлари.

**Метасоматиты ураноносные - Уранли метасоматитлар** - темирли, алюмосиликатли ва органик моддали т. ж. ларининг U билан (п.  $10^{-2}$  % гача, кўп ҳолларда  $10 \cdot 10^{-2}$  %) бойиган тури. Одатда метаморфизм ва чўқинди қатламларга жойлашган бўлиб, ураннинг асосий манбаи ҳисобланади.

**Метасоматическая структура - Метасоматик структура** - қ. *Структура метасоматическая.*

**Метасоматическое месторождение - Метасоматик конлар** - қ. *Месторождения метасоматическое.*

**Метасоматоз - Метасоматоз** - т. ж. нинг эритмалар таъсирида ўз кимёвий таркибини ўзгариши. Бу жараён экзоген ва эндоген жараёнлар шароитларида кечади. М. натижасида т. ж. нинг умумий кимёвий таркиби ўзгаради; м-ллар эриши билан бирга янгилари ҳосил бўлади. Бундай М. магматик жараёндан кейин ажралиб чиқадиган эритмалар таъсирида юзага келади. Кўпинча т. ж. лари ва маъданли конлар М. жараёни билан бевосита боғлиқдир. М. жараёнида иштирок этувчи элементларнинг силжиши тезлигига қараб инфильтрацион ва диффузион хилларига бўлинади.

**Метасоматоз гидротермальный - Гидротермал метасоматоз** - гидротермал эритмалар таъсирида т. ж. ларининг метасоматик ўзгаришлари.

**Метасоматоз диффузионный - Диффузион метасоматоз** - т. ж. лари бўшлиқларидаги эритмалар компонентлари диффузияси орқали моддалар силжишида рўй берувчи метасоматик ўзгариш.

**Метасоматоз инфильтрационный - Инфильтрацион метасоматоз** - модданинг кўчиши инфильтрацион суюқликлар туфайли амалга ошадиган метасоматик ўрин алмашиниши.

**Метасоматоз контактово-инфильтрационный - Инфильтрацион-контакт метасоматози** - турли таркибли т. ж. ларининг ёриқликлар зонасидан инфильтрацион эритмалар олиб келадиган компонентлар билан метасоматик ўрин алмашиниши.

**Метасоматоз контактовый - Контакт метасоматози** - интрузив таналарнинг қамровчи т. ж. лари билан контактида юзага келувчи метасоматик ўзгаришлар жараёни. Реакцияларнинг ҳарорат режими  $200^{\circ}\text{C}$  дан то  $900^{\circ}\text{C}$  гача ўзгаради.

**Метасоматоз щелочной - Ишқорий метасоматоз** - ҳаракатланувчи (кўчиб юрувчи) элементлар ичида ишқорлар устувор бўлган метасоматик алмашиниш жараёни. Ишқорий метасоматознинг калийли ва натрийли турлари мавжуд.

**Метастазис - Метастазис** - параморф ўзгаришлар.



Бунда оҳактошларнинг кристалланиши кузатилади.

**Метеориты - Метеоритлар** - планеталараро ҳаракатланиб, фазодан ер юзасига келиб тушувчи жисмлар. Таркиби бўйича темирли (сидеритлар), темир тошли сидеритлар ёки литосидеритлар, тошлар, шишасимон (тектитлар) турлари мавжуд.

**Метеорология - Метеорология** - ернинг энг ҳаракатчан қобиғи атмосферадаги физик ходисалар ва жараёнларни ўрғанувчи илмий фан.

**Метагенез - Метагенез** - стратисферанинг пастки қатламларида, юқори ҳарорат ва юқори босим остида, минераллашган эритмалар иштирокида чўкинди т. ж. лари минералогик таркиби ва структурасининг ўзгариши. Бу босқичда олдин ҳосил бўлган аутеген м-лларнинг кристалланиши кузатилади ва метаморфлашган чўкинди т. ж. лари юзага келади.

**Метод RaD - RaD усули** - мутлақ ёшни аниқлашнинг кўрғошин усули кўринишларидан бири. М-ллар таркибидаги изотоплардан ажратилган Pb нинг солиштира фаоллигини ўлчашга асосланган.

**Метод абсолютных масс - Мутлақ массалар усули** - седиментацион ҳавзаларда чўкинди тўпланишини таҳлил қилиш усули. Бунинг учун вақт бирлигида ҳавза тубининг бирор бир қисмида у ёки бу компонентнинг мутлақ миқдори чўкиндига тушиши билан аниқланади.

**Метод ареометрический - Ареометрик усул** - ареометр ёрдамида гилли т. ж. ларининг гранулометрик таркибини аниқлаш йирик заррачаларни чўкиндига тушиши билан суспензия зичлигининг ўзгаришини аниқлашга асосланган. Бу усул ёрдамида ўлчамлари 0,1 мм дан кичик бўлган заррачалар аниқланади.

**Метод биостратиграфический (палеонтологический) - Биостратиграфик (палеонтологик) усул** - стратиграфик тадқиқотларнинг етакчи усули бўлиб палеонтологик маълумотлардан фойдаланишга асосланган. Органик дунё ривожланишидаги босқичлар стратиграфик чегараларни аниқлаш ва стратиграфик бўлинмаларни кенг қийслаш имконини беради. Атама қисқартирилган ҳолда биостратиграфия деб ҳам аталади.

**Метод вызванной поляризации (ВП) - Кутбланишнинг сунъий ҳосил қилиш усули** - электроразведканинг ердаги иккиламчи электр майдонларини ўрганишга асосланган усули. Иккиламчи электр майдонлари т. ж. лари ва маъданлардаги қаттиқ ва суюқ фазалар чегарасида киритиладиган электр токи таъсирида кечувчи электр-кимёвий ва электр-кинетик жараёнлар билан боғлиқ.

**Метод выращивания кристаллов динамический - Кристалларни динамик ўстириш усули** - кристаллар эритмага нисбатан доимий ҳаракатда бўлади Бу ўз навбатида ўта тўйинган эритмадан қисқа муддат ичида бир жинсли кристаллар олиш имконини беради.

**Метод геологических блоков - Геологик блоклар усули** - етакчи геологик-саноат кўрсаткичлари (қалинлик, миқдор, ётиш шароити, чуқурлиги, технологик хусусиятлари ва б.) яқинлиги асосида ҳисоблаш блокларини ажратиш, чегаралаш, ва улар бўйича ф. қ. захираларини ҳисоблаш.

**Метод гидролого-гидрогеологической оценки подземного питания рек - Дарёларни ер ости сувлари ҳисобига тўйинишини баҳолашнинг гидрологик-гидрогеологик усули** - дарёларнинг маълум қисмларида сув сарфини ўлчаш ва уларни қий-

матларини солиштириш орқали баҳолашдан иборат. **Метод Грей-Кинга - Грей-Кинг усули** - тошқумирнинг кўксланиш сифатини стандарт шароитдаги кокслар билан солиштириб, уларнинг Халқаро таснифларига жавоб беришини аниқлаш.

**Метод дедуктивный геоморфологии - Геоморфологиядаги дедуктив усул** - рельеф ривожланишининг актуализм тамойилларига асосланган таҳлил қилиш усули.

**Метод декрипитации - Декрипитация усули** - м-ллар ўсиш даврида бир хил фазага эга бўлган флюидлар ва эритмаларни ўзига қўшиб олади. Кристалланиш даврида мазкур флюид ва эритмалар суюқ, газ ва баъзан қаттиқ фазаларга бўлинади, м-ллар қиздирилганда эса ушбу жараён тескари кетма-кетликда кечади ва бирламчи ҳолатга ўтади деган фаразга асосланган усул.

**Метод естественного электрического поля (ЕП) - Табиий электр майдони усули** - электр қидириш усули. Ер қобиғида турли физик ва кимёвий жараёнлар натижасида ҳосил бўлган муайян табиий электр майдонларни геофизик ўрганишга асосланган.

**Метод заряда - Заряд усули** - электр қидириш усули. Маъдан жисми ёки атрофига уланган муайян ток манбаи ҳосил қилган электр ва магнит майдонларини ўрганишга асосланган. Асосан сульфид, камроқ магнетит, антрацит ва графит конларини излаш ва қидиришда қўлланилади.

**Метод заряженного тела - Зарядланган жисм усули** - геофизиканинг электр токини яхши ўтказадиган объектни сунъий йўл билан зарядлаб, электр ёки магнит майдонини ўрганишга асосланган электр қидириш усули.

**Метод Иги - Иги усули** - қумли кўмир кукуни арашмасини 1,95 кг/см<sup>2</sup> босим остида қиздирганда унинг киришишиб кичрайиши натижасида кўмирнинг бирикки кетиш хусусиятини аниқлаш усули.

**Метод изолиний - Изочизиқлар усули** - 1. Паст частотали электр токининг Ерда тарқалишига асосланган электр қидириш усули. 2. Линза шаклидаги ф. қ. уюмларининг захирасини ҳисоблаш усули.

**Метод иммерсионный - Иммерсион усул** - моддаларнинг нур синдириш кўрсаткичини уларни суюқликларга чўктириш билан аниқлаш усули. Бунда нур синдириш кўрсаткичи олдиндан маълум бўлган суюқликлардан фойдаланилади.

**Метод индукции - Индукция усули** - т. ж. ларида юқори частотали ўзгарувчан электромагнит майдони генератори қўзғатувчи индукция электр токини ўрганишга асосланган ўзгарувчан ток ёрдамида электр қидириш усули.

**Метод интенсивности - Жадаллилик усули** - паст частотали ўзгарувчан ток ёрдамида электр қидириш усули. Бу усул қамровчи т. ж. ларида электр ўтказувчанлиги юқори бўлган ф. қ. ларни қидиришда фойдаланилади.

**Метод капельный - Томчи усули** - гил м-лларини аниқлаш усули. Гил м-ллари штуфларига сув ва параллел равишда этиленгликол томизиш ва ёйилиши, шимилиши тезлигига қараб уларнинг тури аниқланади.

**Метод классификации известняков цифровой - Оҳактошларни рақамли таснифлаш усули** - т. ж. лари намуналарнинг бир хил кўрсаткичларини умум-

лаштириш мақсадида қўлланиладиган тавсифлаш усули.

**Метод классификации песчанников числовой - Кумтошларни рақамли таснифлаш усули** - кумтошлар атамаларида ноаниқликлар, икки хил тушунчалар вужудга келишининг олдини олиш мақсадида қўлланиладиган усул. Кумтошларнинг асосий хоссалари уларни ташкил этувчи м-лларнинг ўзаро нисбатига боғлиқ бўлади. Кумтошларнинг барча компонентлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади. 1) Мустақкам қисми - кремнезём; 2) дала шпатлари; 3) мустақкам бўлмаган заррачалар. Кумтошларни қамровчи масса миқдори муҳим белги бўлиб, улар А. Б. В рамълари билан белгиланади. Кумтошлар таркиби учбурчакли диаграммада ифодаланиши мумкин.

**Метод красителей - Бўяш усули** - чўкинди т. ж. лари ва гилли м-ллар таркибини аниқлашнинг тезкор ва сифатли усули. Бу усул органик бўёқларни адсорбция ва электр кучлари таъсирида гилли м-ллар устига ўтириши ва рангини ўзгартиришига асосланган.

**Метод Криге - Криге усули** - бирор бир блок бўйича ҳамма маълумотлардан фойдаланган ҳолда фойдали компонентларнинг ўртача миқдор қийматини аниқлаш усули. Бунда нафақат блок ичидаги, балки ташқарисида ўтказилган намуналардан ҳам фойдаланилади. Криге усулида кичик тўпламлар назарияси, тренд сатҳи, корреляцион ва регрессион таҳлил, ўртача ўзгарувчан қийматлардан фойдаланилади.

**Метод материального баланса - Моддий баланс усули** - қатламдаги нефть, газ ва сув захирасини ҳисоблаш. Қатламдан чиқариб олинган нефть, газ, сув ҳажмининг, уларни чиқариб олишдан олдин қатламдаги ҳажмига бўлган нисбатини аниқлашга асосланган.

**Метод морфометрический - Морфометрик усул** - рельеф шаклларининг ер қаърида янги структуралар билан боғлиқлигини гипсометрик хариталардан фойдаланиб аниқлаш усули.

**Метод мощностей и фаций - Қалинлик ва фациялар усули** - палеотектоник тадқиқот усулларида бири. Чўкиндилар тарқалиши, чўқишининг жадаллиги ҳақида сифат жиҳатдан тасаввур берувчи ҳавза чуқурлигининг ўзгариб бориши йўналишини аниқлашга имкон беради.

**Метод налива в шурфы - Шурфларга сув қуйиш усули** - т. ж. ларини фильтрация коэффицентини шурфларга сув қуйиш билан аниқлаш усули.

**Метод обменных волн - Ўзгарувчан тўлқинлар усули** - сейсмик тўлқинларнинг т. ж. қатламларининг бир қисмидан узунасига, иккинчисидан эса, кўндалангига бўлган тўлқинлар сифатида ўтиши сабабларини ўрганишга асосланган.

**Метод обменных волн землетрясений - Зилзилалар тўлқинларининг алмашинуви усули** - қидириш сейсмологияси усули бўлиб, бунда табиий зилзилаларда ҳосил бўлувчи тўлқинларнинг т. ж. қатлами чегарасидан ўтишда ўзгаришидан фойдаланилади.

**Метод объемный - Ҳажмий усул** - геотектоник тадқиқот усулларида бири. Тузилган қалинлик ва фация хариталаридан фойдаланиб, турли ёшдаги ва ҳар хил таркибли т. ж. ларининг ҳажми ўлчаниб, т. ж. тўпланиш майдонида қандай миқёсда чўкиш юз бергани, шунингдек кўтарилиш амплитудаси аниқланади.

**Метод определения абсолютного возраста аргонный - Мутлақ ёшни аргон билан аниқлаш усули**

- калийли м-л ва т. ж. ларида  $K^{40}$  нинг парчаланиши натижасида йиғилган  $Ar^{40}$  нинг миқдорига асосланган.

**Метод определения абсолютного возраста альфа-свинцовый - Мутлақ ёшни аниқлашнинг альфа-қўрғошинли усули** - циркон м-ллари мутлақ ёшини аниқлашда ундаги барча қўрғошин элементи умумий миқдорининг умумий  $\alpha$ -фаоллигига нисбатидан фойдаланилади.

**Метод определения абсолютного возраста гелиевый - Мутлақ ёшни гелий билан аниқлаш усули** - таркибида U ёки Th мавжун бўлган м-ларда гелийнинг тўпланишига асосланган усул.

**Метод определения абсолютного возраста кремниевый - Мутлақ ёшни кремний билан аниқлаш усули** - атмосферанинг юқори қатламларида аргоннинг космик нурлар таъсирида бўлиниши натижасида ҳосил бўлган  $Si^{32}$  изотопининг парчаланиши ва ёмғир сувлари билан ер сатҳига тушишига асосланган. Кремний радиоактив изотопининг ярим парчаланиш даври  $T_{Si^{32}}=710$  йилга тенг.

**Метод определения абсолютного возраста ренийевый (рений-осмиевый) - Мутлақ ёшни рений (рений-осмий) билан аниқлаш усули** - Os<sup>187</sup> ҳосил бўлиши билан юз берадиган Re<sup>187</sup> нинг радиоактив парчаланишидан фойдаланиш усули. Таркибида рений бўлган (хусусан молибденит ва гадолинит) қадимий м-лларнинг ёшини аниқлашда қўллаш мумкин.

**Метод определения абсолютного возраста свинцово-изотопный - Мутлақ ёшни қўрғошин изотопи ёрдамида аниқлаш усули** - "Метод определения абсолютного возраста свинцовый" синоними.

**Метод определения абсолютного возраста свинцовый - Мутлақ ёшни қўрғошин билан аниқлаш усули** - U<sup>238</sup>, U<sup>235</sup>, Th<sup>232</sup> изотопларнинг қўрғошиннинг Pb<sup>206</sup>, Pb<sup>207</sup>, Pb<sup>208</sup> барқарор изотопларига айланишига асосланган. Тадқиқот учун радиоактив ёки яхши сақланган уран ёки торийли акцессор м-ллар қўлланилади.

**Метод определения абсолютного возраста стронциевый - Мутлақ ёшни стронций билан аниқлаш усули** - Rb<sup>87</sup> нинг радиоактив парчаланиши натижасида рубидийли т. ж. лари ва м-лардаги Sr<sup>87</sup> нинг йиғилишига асосланади.

**Метод отраженных волн (МОВ) - Қайтарилган тўлқинлар усули** - сейсмик қидириш усули. Икки муҳит чегарасидан қайтарилувчи қайишқоқ тўлқинларни ўрганишга асосланган.

**Метод оценки рудоносности геолого-статистический - Геологик-статистик маъданлиликни баҳолаш усули** - маъданли майдонлар истиқболини ўхшаш геологик шароитларга эга, статистик равишда таркибий миқдор ва захиралари аниқланган майдонлар билан таққослаб, бирламчи баҳолаш усули.

**Метод перерывов и несогласий - Танаффуслар ва номосликлар усули** - палеотектоник тадқиқот усулларида бири. Т. ж. ларининг ҳосил бўлишидаги танаффуслар ва қатламлар кетма-кетлигидаги номосликларни ўрганишга асосланган.

**Метод переходных процессов - Ўтиш жараёнлари усули** - электр қидиришнинг индуктив усули. Т. ж. ларига электр токини юборганда ҳосил бўлувчи ўзгарувчан электромагнит майдонни ўрганишга асосланган. Колчедан, полиметалл ва сульфид конларини қидиришда ёрдам беради.

**Метод поглощения - Ютилиш усули** - т. ж. ларининг ғоваклик коэффициентини намунага ютилган суюқлик миқдорини ўлчаш орқали аниқлаш усули. Бунинг учун т. ж. намунасининг қуруқ ҳолатдаги ва сувга тўйинган ҳолатдаги оғирлиги ўлчанади. Бу усул билан аниқланган ғоваклик самарали ғоваклик билан деярли бир хил бўлади.

**Метод подсчёта запасов многоугольников - Заҳираларни ҳисоблашнинг кўпбурчаклар усули** - бунинг учун чизма пландаги уюм майдони кўп бурчакларга шундай қилиб бўлинадики, бунда ҳар бир кўпбурчакда қидириш бурғи қудуғи ёки тоғ иншооти жойлашган бўлиши шарт. Кўпбурчак бўйича заҳира унинг майдонини ф. қ. уюми қалинлигига ва тоғ иншооти ёки бурғи қудуғидан олинган намуналарда аниқланган миқдорига кўпайтмаси орқали ҳисобланади. Заҳираларни б. усуллар билан ҳисоблашнинг имкони бўлмаганда бу усулдан фойдаланилади.

**Метод подсчёта запасов статистический - Заҳираларни ҳисоблашнинг статистик усули** - коннинг ҳамма майдонига ёки унинг бир қисмига тарқалган, коннинг ўртача маҳсулдорлигини статистик аниқлашга асосланган усул. Фойдали компонентлар маъданларда нотекис, уясимон тарқалган ҳолларда, кон заҳираларини тахминий аниқлашда қўлланилади.

**Метод поисков атмосферический (газовый) - Атомкёмвий (газли) излаш усули** - газ фазасидаги тарқоқ ва айрим нодир элементларни ўрганишга асосланган усул.

**Метод поисков биохимический - Биокёмвий излаш усули** - ф. қ. ларнинг геокёмвий излаш усулларидан бири бўлиб биокёмвий органик ореоллар сочмаларини ўрганишга асосланган. Бу усул: ўсимлик қисмидан намуна олиш; -уларни ёқиш ва кулга айлантириш, кулларни турли (спектрал, кимёвий, колориметрик ва б.) таҳлиллар қилиш, таҳлил натижалари бўйича аномал участкаларни ажратиш ишлари бажарилади.

**Метод поисков гидрохимический - Гидрокимёвий излаш усули** - турли ф. қ. ларни табиий сувларнинг (асосан ер ости сувларининг) кимёвий таркибини ўрганишга асосланган излаш усули Қуйидагиларни ўз ичига олади. 1. Сув намунасини олиш. 2. Геологик ва гидрологик хужжатлаштириш. 3. Намуна олинган ерда сув намуналарини дастлабки анализи (сульфат-иони, хлор-иони, рН, металллар суммаси). 4. Намуналар таркибининг тўлиқ спектрал анализи. 5. Намуналар натижаларининг таҳлили ва уларни қайта ишлаш. Ўтказилган ишлар натижасида маълум элементлар жамланган майдонларни ажратиш имконини берувчи гидрогеокёмвий харита тузилади.

**Метод поисков обломочно- речной - Дарё чақиқ тоғ жинслари ёрдамида излаш усули** - аллювиал, делювиал ва элювиал йирик бўлакчи ореолларини (аниқлаш, чегаралаш, кузатиш) ва механик тарқалиш оқимларини ўрганишга асосланган усул.

**Метод поисков путем проведения геологической съёмки - Геологик съёмка ўтказиш йўли билан излаш усули** - қ. *Поиски методом геологической съёмки.*

**Метод поисков шлиховой - Шлихли излаш усули** - бўшоқ т. ж. ларини мунтазам равишда намуналар, шлих ореолларини кузатиб, чегаралаб бориб, улар асосида туб ва сочилма конларни аниқлаш. Бу усул бир хил тавсифдаги оғир фракцияли қатламларни қиёслаш, чўкин-

ди қатламларнинг ҳосил бўлиши, уларнинг кўчиши ва тўйиниши манбаини аниқлаш имконини беради.

**Метод поисков эманационный - Эманация ёрдамида излаш усули** - газ фазасида сочилган элементларни ўрганишга асосланган усул. Газ, нефть, кўмир ва радиоактив маъданларни излашда қўлланилади.

**Метод потенциалов собственной поляризации - Хусусий қутубланиш потенциаллари усули** - қ. *Каротаж методом естественного электрического поля.*

**Метод пространственных сейсмозондирований (МПС) - Майдонда сейсмозондлаш (МСМ)** - сейсмик қидиришнинг қайтган тўлқинлар усули модификацияси.

**Метод радиоактивных изотопов - Радиоактив изотоплар усули** - радиоактив каротаж усули бўлиб бурғи қудуғига радиоактив модда киритилгандан сўнг  $\gamma$ -нурланиш жадаллигини ўрганишга асосланган. *"Метод меченных атомов"* атамаси синоними.

**Метод разведки виброесейсмический - Қидирувнинг виброесейсмик усули** - сейсмоқидирув усулининг бир тури. Унда эластик тебранишларни юзага келтириш учун вибротанбалар қўлланилади.

**Метод разведки радиометрический (радиоактивный) - Қидиришнинг радиометрик (радиоактив) усули** - геофизик усулларнинг бир тури. Т. ж. ларининг табиий радиоактивлигини ўрганишга асосланган.  $\alpha$ ,  $\beta$ ,  $\gamma$ , усулларига бўлинади ва радиоактив маъданларни излашда қўлланилади.

**Метод развития разведочной сети (векторный) - Қидириш тўрини мукамаллаштириш (векторли) усули** - ф. қ. танасини чегаралаш мақсадида қидириш иншоотларини қовлаб ўтишнинг кетма-кетлигини белгилаш ва жойлаштириш йўли. Бу усулда олдин умумий геологик маълумотлар бўйича ф. қ. тарқалишининг энг истиқболли йўналиши (вектори) аниқланади ва у бўйича бир неча қидирув тоғ иншоотлари лойиҳалаштирилиб, навбат билан бирин-кетин қовлаб ўтилади. Натижада маъданли жисм икки томонидан "вилка"га олинади. Шундан сўнг, биринчи векторга перпендикуляр қилиб маъданли жисм чегарасида иккинчи вектор чизилади ва унда юқорида айтилган кетма-кетликда янги иншоотлар белгиланади. Уларнинг тўри шу тариқа ривожлантирилиб бориб, ф. қ. жисмини тўла қамраб олади.

**Метод Сабанина - Сабанин усули** - гранулометрик таркибини аниқлаш усули. Бу усул билан кум-алевритли т. ж.лари таркиби турли ўлчамли заррачаларни сувда турли тезликда чўкиндига тушишига асосланиб аниқланади.

**Метод сейсмостектонический - Сейсмостектоник усул** - ер пўсти турли участкаларининг сейсмик фаоллик даражасини аниқлаш усули. Зилзилалар бўлаган жойларни аниқлаш, зилзила кучини тахмин қилиш, тарқалиш майдони ҳамда вақт бўйича намоён бўлиш қонуниятларини ўрганиш ечадиган вазифалари доирасига қиради.

**Метод сеток - Тўрлар усули** - математик физиканинг хусусий масалаларини ечиш учун ишлаб чиқилган усул бўлиб, ундан гравиметрик- ва магнит қидиришда аномалияларнинг тақсимланишини аниқлашда қўлланилади.

**Метод скользящей корреляции - Сирпанувчи корреляция усули** - "соқов" кесмалардаги қатламларни солиштиришда фойдаланиладиган статистик

усул. Аниқланган корреляция қиймати статистик мезонлар билан баҳоланади ва уларнинг ўзаро мувофиқлиги ҳақида ҳулоса қилинади.

**Метод скользящего окна - Сирпанувчи ойна (дарча) усули** - ўрганилаётган кўрсаткичларга тасодифий ходисаларнинг таъсирини йўқотиш мақсадида қўлланиладиган муайян ўртача қийматларни анилаш усули.

**Метод скользящих контактов (МСК) - Сирпанувчи контактлар усули** - бурғи қудуқларида электр каротаж ишларини ўтказиш усулларида бири бўлиб занжирдаги электр токининг ўлчашга асосланади. Каротаж ускунасининг конструкцияси бўйича бурғи қудуғи деворига маҳкамланадиган электрод девор бўйича сирпаниш хусусиятига эга. Электрод ўзидан яхши ток ўтказувчи маъдан уюми билан учрашган ҳолда занжирда электр токи кучи ошади. Бу усул маъданли т. ж. қатлами қалинлиги бир неча см. ни ташкил этган ҳолда ҳам яхши натижа беради.

**Метод средних скоростей - Ўртача тезликлар усули** - сейсмик материалларни тавсифлаш усули. Бунда ер сатҳи ва унинг қаъридаги исталган нуқта орасида сейсмик тўлқин тезлиги бир хил деб қаралади ва қайтган тўлқинлар тезлигидан кам фарқланувчи самарали тезлик (Vэф) бўйича ҳисоблашлар бажарилади.

**Метод структурный - Структуравий усул** - т. ж. ларининг ётиш шароитларини аниқлаш, шунингдек ички текстура ва структураларини ўрганишдан иборат. Структуралар шакллари шартли равишда катта, ўртача ва кичик турларга ажратилади. Катталарига йирик бурмалар (антиклинорийлар ва б.), узилмалли дислокациялар ва йирик магматик жисмлар киради. Ўртача структуралар ўз ичига йирик бурмаларни мураккаблаштирувчи кичик бурмалар ва жуда майда бурмаларни, майда узилмалли сурилмаларни, ёриқларни, кливаж ва бларни олади. Кичик структуралар (микро-структуралар) қаторига тектоник сабаблар билан боғлиқ т. ж. текстуравий хусусиятлари (тектонитлар текстур-аси) киради.

**Метод теллурических токов - Теллур тоқлари усули** - Ердаги теллур тоқларини ўрганишга асосланган электр қидириш усули. Бунда теллур тоқидан ҳосил бўлган майдонлар вариациясининг 10дан то 60-80 сек.ли даврлари ҳисобга олади. Кузатишлар икки станция ёрдамида амалга оширилиб, улардан бири қўзғалмас (базис) бўлади, иккинчиси эса геоструктуралар ётиши йўналишига перпендикуляр қилиб ўтказилган чизиқ бўйлаб жойлаштирилади.

**Метод треугольников - Учбурчаклар усули** - ф. қ. лар заҳираларини ҳисоблаш усули бўлиб, бунда ф. қ. уюми чизма планда учбурчакларга бўлинади, учбурчаклар бурчагида ёки унга яқин жойда қидириш бурғи қудуғи ёки қидириш тоғ иншооти жойлашган бўлиши шарт.

**Метод характеристики песков упрощенный - Кумларни тавсифлашнинг соддалаштирилган усули** - бинокуляр микроскоп остида кумларнинг м-логик таркибини ўрганиш усули. Бу усул қутбланган микроскопсиз ҳам катта миқдордаги т. ж. ларининг м-логик таркибини ўрганиш имконини беради.

**Метод экспериментальный в разведке - Қидириш жараёнида экспериментал усул** - қидирув масалаларини ечишда, айниқса қидириш тўри зичлиги, қидиришнинг муқобил системаси, намуналаш усулини, заҳираларни ҳисоблаш йўлларини ва б. аниқлашда кенг қўлла-

ниладиган усул.

**Метод эксплуатационных блоков - Ўзлаштириш блоклари усули** - заҳираларни геологик блокларда ҳисоблаш усулларида бири. Улар ўзлаштириш даврида ажратилиб, геологик блоклардан кичикроқ ва 2-3-4 томонларидан тоғ иншоотлари билан чегараланган бўладилар.

**Метод электроразведки индуктивный - Индуктив тоқли электроқидириш усули** - электр қидиришнинг паст частотали ўзгарувчан ток ёрдамида бажариладиган усули. Ўзгарувчан ток пайдо қилувчи махсус контурлар ҳосил қиладиган электромагнит майдонини ўрганишга асосланган. Улардан ўзидан электр тоқини яхши ўтказиш хусусиятига эга бўлган маъдан объектларини, геологик хариталаш масалаларини ҳал қилишда фойдаланилади.

**Метод Эммонса двойной вариации - Қўшалок вариацияли Эммонс усули** - қ. *Вариация двайная.*

**Методика разведки - Қидириш услубиёти** - қазилма бойликларни очишнинг энг қулай усулларини ишлаб чиқиш ва қўллашни кўзда тутган ҳолда, уларни миқдор ва сифат жиҳатидан тўла баҳоловчи билим ёки қазилма бойликларни қидиришда қўлланиладиган геологик-техник усулларни мувофиқлаштириш мажмуаси.

**Методы аэроизыскательские - Аэрогадқиқот усуллари** - Ер юзи, ландшафтлар, ерости, дунё океани ва атмосферани Ернинг сунъий йўлдошлари, самолёт ва б. учувчи аппаратлар ёрдамида ўрганиш усуллари.

**Методы диагностики карбонатов - Карбонатларни ташҳислаш усуллари** - бу усулларга дала шароитида хлорид кислота, лабораторияларда эса иммерсион суюқлик, ранглаш реакцияси, Берг ва Резников усуллари, рентгеноструктуравий, кимёвий ва термик анализ усуллари киради.

**Методы изучения осадочных пород (лабораторные) - Чўкинди тоғ жинсларини (лабораторияда) ўрганиш усуллари** - чўкинди т. ж. ларининг моддий таркиби, сифат кўрсаткичлари, турлари ва физик ўлчамларини, уларнинг ҳосил бўлиш шароитларини махсус шарт-шароитларда ўрганиш учун қўлланиладиган усуллар.

**Методы изучения осадочных пород макроскопические (полевые) - Чўкинди тоғ жинсларини макроскопик (дала шароитида) ўрганиш усуллари** - ушбу усуллар мажмуасига т. ж. ларининг литологик тури, моддий таркиби, ранги, синиш тавсифи, бўлакларни шакли ва ўлчами, цементлашган т. ж. ларини бириктирувчи массаси текстураси ва б. хоссаларини аниқлаш усуллари киради.

**Методы изучения осадочных пород химические - Чўкинди т. ж. ларини кимёвий ўрганиш усуллари** - чўкинди т. ж. лари таркибидаги кимёвий элементлар миқдорини ўрганиш имконини берувчи усуллар мажмуаси.

**Методы литолого-стратиграфической корреляции осадочных пород - Чўкинди тоғ жинсларини литологик-стратиграфик корреляциялаш усуллари** - литологик белгиларига кўра нотаниш бўлган чўкинди т. ж. лари қирқимларини корреляциялаш. Қирқим тузилиши, т. ж. лари таркиби, таркибдаги акцессор элементлар тури ва миқдори, т. ж. ларини ташкил этувчи асосий миқдорлар, аутиген м-ллар ва б.ни ўрганиш асосида амалга оширилади. Таянч қирқимларни б. қирқим билан солиштириш орқали корреля-

циялаш амалиётда кенг қўлланилади.

**Методы оконтуривания рудного тела - Маъдан таналарини чегаралаш усуллари** - чизма планларда ва қирқимларда маъдан таналарини чегараловчи чизиқларини ўтказиш усули. Бу чегаралар таянч нуқталари, нуқталар орасини интерполяциялаш, маълум нуқталардан бошлаб экстраполяциялаш ва б. усуллар мажмуасидан фойдаланиб белгиланади.

**Методы определения абсолютного возраста радиологические - Мутлақ ёш аниқлашнинг радиологик усуллари** - табиий радиоактив элементларнинг радиоактив парчаланиши натижасида б. элементлар турғун изотопларига айланиш хусусиятларига асосланган усуллар. Аниқлаш натижаларининг ҳаққонийлиги радиоактив парчаланиш геологик вақтда ўзгармайдиган тезликда бўлиши зарурияти, бирламчи радиоэлементлар изотоп таркиби бизнинг тасаввуримизга мослик даражаси, парчаланиш охириги маҳсулотларининг мутлақ турғун бўлиши кераклиги каби бир қанча кўрсаткичларнинг ҳақиқатга мослигига боғлиқ.

**Методы определения изменчивости тел полезных ископаемых аналитические - Фойдали қазилма таналари ўзгарувчанлигини аниқлашнинг аналитик усуллари** - конни режадаги тўлиқликда ўрганишда етарли қидириш иншоотлари миқдорини аниқлаш мақсадида фойдали компонент миқдори, қалинлик ва б. маъдан танаси параметрларини математик таърифлашга ёрдам берувчи усуллар гуруҳи. Бу усуллар статистик, аналитик ва геометрик усулларни ўз ичига олади.

**Методы подсчета запасов нефти и газа - Нефть ва газ захираларини ҳисоблаш усуллари** - нефть захираларини ҳисоблашда: 1) ҳажм; 2) 1га ёки 1м<sup>2</sup> дан олиниши мумкин бўлгани; 3) ҳажмли-генетик; 4) статистик; 5) моддий баланс; 6) изобарлар харитаси; газ захираларини ҳисоблашда: 1) ҳажм; 2) босим пайиши бўйича; 3) моддий баланс; 4) изобарлар харитаси усулларида фойдаланилади.

**Методы подсчета запасов полезных ископаемых - Фойдали қазилмалар захираларини ҳисоблаш усуллари** - коннинг чегарасини белгилаш, ҳисоблаш блокларини ажратиш, ҳисоблаш учун бошланғич маълумотларни аниқлаш, металл ва маъданларнинг ҳажми ва оғирлиги миқдорларини аниқлаш имконини берувчи усуллар мажмуаси. Захираларни ҳисоблашнинг қўйидаги усуллари: геологик блоклар, ўзлаштирилувчи блоклар, кесмалар, изочизиқлар, секанслар (изогипс), статистик, кўпбурчаклар ва б.лар. мавжуд. Усулларни танлаш коннинг хусусиятларига ва ўзгарувчанлик даражасига, шунингдек қидириш ишлари турига боғлиқ бўлади.

**Методы поисков биогеохимические - Биогеохимёвий излаш усуллари** - ф. қ. конлари учун хос бўлган кимёвий элементлар юқори концентрациялари таъсирида пайдо бўлувчи организмлардаги турли хил ўзгаришларни ва уларнинг ҳаёт фаолияти маҳсулотларидан фойдаланишга асосланган усуллар.

**Методы поисков геохимические - Геохимёвий излаш усуллари** - т. ж. , сув, атмосфера, ўсимлик ва ҳайвонот организмларида кимёвий элементлар ёки улар бирикмаларининг тақсимланиши ҳамда тарқалишидаги қонуниятларни қўллаган ҳолда ф. қ. ларни излаш усуллари. Уларнинг илмий асоси - ер қобиғидаги кимёвий элементларнинг ҳаракатчанлиги ҳақидаги таълимотдир.

**Методы разведки геофизические - Геофизик**

**қидириш усуллари** - ернинг геологик тузилишини геофизик тадқиқ қилиш усуллари умуий номи. Бу усуллар табиий ёки сунъий ҳосил қилинган физик майдонларини: гравитация, магнит, сейсмик, электр, электромагнит, радиоактив ва иссиқлик майдонларининг тақсимланишини ўрганишга асосланган.

**Методы сопротивления - Қаршилик усуллари** - баъзида ўзгармас электр токи ёрдамидаги электропрофиллаш ва электрзондлаш усуллари шундай деб аталади.

**Методы электроразведки индуктивные - Электр қидиришнинг индуктив усуллари** - паст частотали ўзгарувчан электр токи билан электр қидириш усуллари. Махсус контурлар атрофидан айланиб ўтувчи ўзгарувчан ток ёрдамида ҳосил бўладиган электромагнит майдонини ўрганишга асосланган. Электр токини яхши ўтказадиган, йўналиши бўйича чўзилган маъданли таналарни излаш ва геологик съёмка қилишда қўлланилади.

**Методы эманационные - Эманация усуллари** - радиометрик қидириш усуллари. Радиоактив эманациялар (радон, торон ва актинон) концентрацияларининг тупроқ ости, бурғи қудуқлари ва тоғ-кон иншоотлари ша-роитларида ўрганишга асосланган.

**Метр денудационный - Денудация метри** - денудация жараёнлари таъсиридан дарё ҳавзаси сатҳининг 1 метр пасайишига кетган вақт (минг йил ҳисобида). Турли дарё ҳавзаларида Д.м. турличадир. Масалан, По дарёси учун 2,4; Рона дарёси учун 5,1; Ганг дарёси учун 7,9; Дунай дарёси учун 2,3; Ла-Плата дарёси учун 98,4; Янцзи дарёси учун 12,5; Миссисипи дарёси учун 20,1 минг йил.

**Метрология - Метрология** - илмий фан, ернинг энг ҳаракатчан қобиғидаги ходиса ва жараёнларни ўрганади.

**Метропроцент - Метрофоиз** - мавҳум миқдорий кўрсаткич; маъдан жисмининг метрлардаги қалинлигини ф. қ. нинг фоизлардаги таркибий миқдорига кўпайтириш натижасида олинади. Маъданларни чегаралашда катта аҳамиятга эга бўлиб, кондицион маъданлар таркибига қалинлиги кам бўлган, лекин юқори миқдорли ерларни киритиш имконини беради.

**Механизация геологической документации - Гео-логик ҳужжатлаштиришни механизациялаш** - геологик ҳодисаларни тавсифлашда қўлланилади. Қидиришда т. ж. ларини намуналари ва шлифларни суратга олиш, (шу жумладан рақамли) фотометриядан фойдаланиш, чизувчи воситалар ёрдамида қидириш иншоотларини график тасвирлаш ҳужжатлаштириш турларидир. Автомат қурилмалардан (ўзи ёзувчи қурилмалар) геофизик қидириш, метрологик, гидрологик кузатишларда кенг фойдаланилади.

**Механизация отбора проб - Намуна олишни механизациялаш** - т. ж. ларидан намуналар олиш учун механик қурилмалардан фойдаланиш ёки механизациялаштириш. Намуна олишнинг механик воситалари кўп бўлиб, улар фан-техника ривожланиши билан мукамаллаштирилиб (ёки такомиллаштирилиб) борилди.

**Механизм землетрясения - Зилзила механизми** - зилзила ўчоғида кузатиладиган механик жараёнлар. Улар ҳақида сейсмик тўлқинлар бўйича, кучли зилзилаларда эса ер юзасида пайдо бўладиган ёриқликлар ва деформациялар бўйича фикр юритилади. Сейсмик маълумотлар асосида зўриқишларнинг асосий ўқлари

ҳисобланади ва ўчоқ зонасида ер сатҳидаги ёриқларни жойлашиши аниқланади.

**Механика грунтов - Грунтлар механикаси** - грунтларнинг зўриқиши, деформацияланиши, мустаҳкамлиги ва турғунлиги шароитларини ҳамда уларнинг ҳолати ва хусусиятларини ташқи механик кучлар таъсирида ўзгаришини ўрганувчи фан.

**Механические свойства горных пород - Тоғ жинсларининг механик хоссалари** - т. ж. ларининг табиий (тоғ босими, тектоник ҳаракатлар) ёки сунъий (портлатиш ишлари, т. ж. ларни кесиш, майдалаш ва ҳ.к.) омиллар таъсирида ўзгариши. Т. ж. ларининг механик оғирлик таъсирида шакли, ҳажми ва яллигининг ўзгариши кўрсаткичлари билан ифодаланади.

**Миаскит - Миаскит** - нефелинли сиенит тури. 30-40 % калийли сиенитдан, яна шунча альбитдан, 20 % яқин нефелиндан ва 5-10 % қўнғир лепидомеландан иборат. Аксессуар м-ллардан апатит, ильменит, содалит учраши мумкин.қ. *Сиениты нефелиновые.*

**Миаргирит - Миаргирит**-  $AgSbS_2$ . Кат. 2-2,5. Сол. оф. 5,2.. Қора пўлат рангли то кулранггача, қора темир рангли м-л. Олмос ялтироғига яқин. Паст ҳароратли гидротермал кумуш конларида учрайди. Йўлдош м-ллари: прустит, полибазит, стефанит, фрейбергит. Син.: кумуш-сурма ялтироғи, гиларгирит.

**Мигма - Мигма** - таркибида чала эриган қолдиқ моддаларга эга бўлган силикат эритмаларининг қамровчи т. ж. лари ичига суқилиб ёки ёриб кириб бориш хоссасига эга бўлган мураккаб аралашма. Механик нуқтаи назардан магма билан бир хил бўлиб, унинг таркибида катта миқдорда кристалланган м-ллар кузатилади.

**Мигматизация - Мигматизация** - мигматитлар ҳосил қилувчи жараён.

**Мигматит - Мигматит** - магма ва бегона қаттиқ т. ж. нинг ҳилма-хил аралашмасидан ҳосил бўлган мураккаб т. ж. Ён атрофдаги т. ж. лари ичига сиқилиб кириб боришидан ёки т. ж. ларининг қисман эришидан пайдо бўлади.

**Мигматит брекчиевидный - Брекчиясимон мигматит** - агматит атамасининг синоними. Т. ж. лари бўлақларининг қисман деформацияланган ва гранитоид таркибига эга материал билан ўралиб туришидан ҳосил бўлади. Псевдо метасоматик брекчиялар ажратилади, бунда т. ж. бўлаги ўз йўналишини ўзгартирмаган ҳолда атрофи гранитоид таркибли модда билан ўралиб туради.

**Мигматит ветвистый - Шохланган мигматит** - т. ж. лари бўлақларининг томирлар шаклидаги материаллари бир биридан ажралиб турмайди, балки тўр ҳосил қилиб т. ж. лари бўлақлари гуруҳларини ажратиб туради. *Диктионит* атамасининг синоними.

**Мигматит гетерогенный - Гетероген мигматит** - бир таркиблилик ҳолатига етмаган ва фақат катта майдонларда ягона петрографик ҳосила сифатида қабул қилинувчи мигматит тури.

**Мигматит гетерополосчатый - Гетеротасмасимон мигматит** - тасмасимон мигматитнинг текстуралар тури. Субстрат қатламчалари билан турли контактларда тасмасимон т. ж. ларининг турли ўлчамдаги бўлақларининг томирлар шаклидаги материаллар билан ажратиб туриши кузатилади.

**Мигматит гомогенный - Гомоген мигматит** - мигматитнинг уни ташкил этувчи т. ж. лари юқори дара-

жадаги бир таркибли ҳолатга келган тури.

**Мигматит-гранит - Мигматит-гранит** - мигма кристалланишида ҳосил бўлган тўлиқ эримаган материалдан ҳосил бўлади-ган гранит таркибли т. ж. .

**Мигматит линзовидно-жильный - Линзасимон-томирли мигматит** - гранит ва мигматит таркибли материалдан линза шаклини ҳосил қилган мигматитнинг текстуралар тури. Нисбатан кенг томирлар ўзгаришчан қалинликка эга бўлиб, бир-бири билан туташ занжирсимон линзалар ҳосил қилади.

**Мигматит метасоматический - Метасоматик мигматит** - кремний-ишқорий метасоматизм жараёнида хусусан, метасоматик гранитланиш натижасида ҳосил бўлувчи мигматитларнинг генетик тури. Таркибан гранитоидларга ўхшаш. Заррачаларо бўшлиқларда, порфиробластик ажралмалар кўринишида ёки томир шаклларида тарқалган бўлади.

**Миграция - Миграция** - моддаларнинг ер пўстида кўчиши, ҳаракатланиши. Физик-кимёвий жараёнлар табиатидан қатъий назар кўчиш.Кўчиш жараёни кон диффузияси, гидротермал эритмалар, газ ва б. ёрдамида юз беради.

**Миграция газа в подземных водах - Ер ости сувларида газ миграцияси** - газларнинг Ер пўстининг бир жойидан иккинчисига ер ости сувлари ёрдамида кўчиши. Ер ости сувларида эриган газлар қатлам бўйлаб сув билан бирга ҳаракатланади. Шунингдек ҳаракатланиш диффузион жараёнлар натижасида ҳам рўй бериши мумкин.

**Миграция геохимическая - Геохимёвий миграция** - Ер қобиғида ёки унинг юзасида ёхуд геологик таналарда кимёвий элементлар кўчишини таъминловчи ҳодисалар мажмуаси. Бунинг натижасида кимёвий элементлар тарқалиши ва тўпланиши рўй беради, яъни конлар ҳосил бўлади. Миграция омилларига турли элементлар хоссаларига боғлиқ равишда физик-кимёвий шароитларнинг ўзгариши ҳам киради.

**Миграция нефти и газа - Нефть ва газ миграцияси** - Ер қобиғида нефть ва газнинг турли агрегат ҳолатда кўчиши. Н.ғ.м. оғирлик кучи, босим градиенти, ҳарорат таъсирида ва углеводородларнинг концентрациялашуви натижасида амалга ошади.

**Миграция химических элементов - Кимёвий элементларнинг миграцияси** - геохимёвий жараёнда кимёвий элементларнинг Ер қобиғида т. ж. ларининг бир қисмидан иккинчи қисмига кўчиб юриши. Натижада улар ёйилиб кетади ёки бир жойга қайта йиғилади. Йўналиш омиллари физик-кимёвий ва геологик шароитларнинг ўзгариши билан бевосита боғлиқ.

**Миграция химических элементов в подземных водах - Кимёвий элементларнинг ер ости сувларидаги миграцияси** - туб конларда тарқалган кимёвий элементлар ва уларнинг бирикмалари ер ости сувлари билан ювилиши ва б. майдонларда қайта ётқирилиши мумкин. Кимёвий элементларнинг бир жойдан иккинчисига кўчиши ҳаракати енгил эрувчи бирикмалар ҳосил қилувчи элементларда жадалроқ кузатилади. Нураш қобиғида одатда миграцияга учровчи элементлардан Н, О, N, Са, Mg, К дан ташқари Na, Cl,  $S(SO_4)$ ,  $C(CO_2)$ ,  $Si(SiO_2)$ , U, Th, Br, I, Cs, Rb, Li, In, V, As, Sb, Se, Te, Ga, Be, Al, Mn, Cr, Ti, Ba, Sr, F, B, Ra ва б. ларнинг кўчиши кузатилади.

**Микро. . . - Микро...** - кўрсаткичларнинг ёки жисмлар ўлчам-ларининг жуда кичиклигини ифодалаш мақ-

садида ишлатиладиган олд қўшимча (масалан: микро-структура, микродиорит, микрогранит ва б.)

**Микробиология - Микробиология** - биология фанининг микроорганизмлар морфологияси, систематикаси, физиологияси, биокимёси ва экологиясини ўрганадиган бўлими.

**Микробиология геологическая - Геологик микробиология** - микробиология фанининг микроорганизмларнинг биосферадаги моддалар айланиши, т. ж. лари, ф. қ. ларнинг ҳосил бўлиши-даги ролини ўрганивчи бўлими. Микроорганизмлар геохимёвий жараёнларнинг кечишида (парчаланиш, ачиш ва б.) муҳим омил саналади. Микро-организмлар нефть, торф ва б. конлар генезисига катта таъсир кўрсатади.

**Микробрекчия - Микробрекчия** - чақиқ т. ж. бўлиб, ўлчами < 1 см бўлган қиррали бўлакчаларнинг цементланишидан юзага келади.

**Микрогаббро - Микрогаббро** - асосли плагиоклаздан ва магнетитли ва ильменитли моноклинал пироксенлардан ташкил топган томирли майда заррачали габбро. Баъзи ҳолларда қўнғир шох алдамчиси ва оливин учрайди.

**Микрогнейс - Микрогнейс** - заррачалари ўлчами < 0,1-0,02 мм бўлган гнейс.

**Микроклин - Микроклин** -  $K[AlSi_3O_8]$ . Кат. 6. Сол. оф. 2,56-2,63. Жигаррангсимон-қизил, оқ, кулранг, сарғиш, яшил рангли, яхлит донадор агрегатли м-л. Дала шпатлари гуруҳига мансуб. Чуқурликдаги магматик т. ж. ларида, пегматит ва гнейсларда учрайди. Йўлдош м-ллари: кварц, альбит, олигоклаз, нефелин, мусковит, биотит, турмалин. қ. *Полевые шпаты*.

**Микроклинизация - Микроклинлашиш** - гранитоидлар ёки магматик т. ж. ларининг метасоматик ўзгариши натижасида плагиоклазларнинг микроклинлар билан алмашилиши.

**Микроконкреции - Микроконкрециялар** - ўлчами мм.нинг юздан бир бўлакларидан то 1-2 мм гача бўлган конкрециялар. Макроконкрециядан фарқи - у структуравий элемент бўлиб, қамровчи т. ж. лари текстураси эмас.

**Микроконкреции железо-марганцевые - Темир-марганецли микроконкрециялар** - қум, алевритлар ўлчамидаги темир ва марганец гидрооксидларининг аутиген ҳосилалари. Таркиби ва тузилиши бўйича йirik конкрециялардан фарқлан-майди. Чуқур сув ости гиллари ва биоген пелагик чўкиндиларининг таркибий қисми.

**Микрокристаллы - Микрокристаллар** - порфирли т. ж. ларнинг барча кристалл элементлари призма ёки таёқча шаклидаги микролитларга, жадвал шаклидаги микроплакитларга, игнасиман ёки толасимон микроспикулитларга ва донадор микрококкитларга бўлинади.

**Микроокаменелость - Микротошқотиш** - организмларнинг оддий кўз билан кузатиш мумкин бўлмаган тош қотган қолдиқлари.

**Микропегматит - Микропегматит** - бир минерологик фазанинг иккинчиси устида ўсиши. Бундай ҳосилани фақат микроскоп остида кузатилиши мумкин.

**Микропенетрометр - Микропенетрометр** - грунтларни дала ва лаборатория шароитларида зичлигини аниқлашни ҳолислигини баҳолашда ишлатиладиган конусли асбоб. Грунтларнинг зичлиги асбоб конусининг грунтларга ботиши чуқурлигига асосланиб

аниқланади.

**Микропертит - Микропертит** - микроскоп остида кузатиш мумкин бўлган нордон плагиоклазнинг (одатда альбит) калий дала шпатлари билан бирга ҳосил қилган ўсимталари.

**Микропланктон - Микропланктон** - оддий кўз билан ажратишни иложи бўлмаган сув ҳавзаларида ҳаёт кечирувчи организмлар. Мазкур организмлар сувда тўлқинлар ва оқимлар ёрдамида ҳаракатланадилар.

**Микросейсмическое районирование - Микросейсмик районлаштириш** - қ. *Районирование сейсмическое*

**Микроскладка - Микробурма** - ўлчамлари бир неча см.дан ошмайдиган бурмалар. Одатда метаморфик т. ж. лари учун хос.

**Микроскоп карманный - Чўнтак микроскопи** - дала шароитида заррачалар, говакликлар ўлчамлари, микроқатламлар ва дарзликлар қалинлиги кабиларни ўлчашга мўлжалланган қурилма; махсус микроскоп микрометрли тўр билан жиҳозланган.

**Микроскоп люминесцентный - Люминесцентли микроскоп** - люминесцентли ёруғликда препаратларни ўрганишга мўлжалланган қурилма. Бунда люминесцент ёруғлик кўк-бинафша ва ультрабинафша нурлардан иборат бўлиб, уларнинг тўлқин узунлиги 360 мқ. гача. Бундай нурлар манбаи сифатида симобли лампалардан фойдаланилади.

**Микроскоп поляризационный - Поляризацияон (қутбланган нурли) микроскоп** - оддий (биологик) микроскопдан иккита Николь призмалари борлиги билан фарқ қилади. Улардан бири поляризатор-қутублантирувчи ҳисобланиб, предмет столчаси тагида, ёруғлик берувчи мосламада жойлашган. Иккинчиси (анализатор) эса тубусда, окуляр ва объектив оралигида бўлиб, киритилган ёки чиқарилган ҳолатларга эга. Предмет столчаси П.м.нинг ўқи билан мос келувчи ўз ўқи атрофида айлана олади. Поляризаторга оддий ёруғлик нури юборилади ва бу ёруғлик ундан, бир йўналиш бўйича қутбланган (поляризацияланган) кўринишда чиқади. Бу нур текшириляётган кристаллдан ўтганда, умумий ҳолда, иккита ўзаро перпендикуляр йўналишларда тебранувчи нурларга ажралади. Булар анализатордан ўтиш жараёнида интерференцияга учрайди ва спектрнинг маълум қисмлари ютилади. Натижада П.м.да интерференцион ранглар кузатилади.

**Микроскоп рудный - Маъданни ўрганишга мўлжалланган микроскоп** - кўмир, металл ва қотишмаларнинг шаффоф бўлмаган маъдан м-лларини ўрганишга мўлжалланган махсус микроскоп.

**Микроскоп стереоскопический - Стереоскопик микроскоп** - ўтувчи ёки қайтмаган қутбланган нурларда ҳажмий тасвир берувчи махсус микроскоп. Улардан ўтувчи нурлар ёрдамида шаффоф шлифлар ва аншлифларни ўрганишда фойдаланилади.

**Микроскоп электронный - Электрон микроскоп** - ўлчамлари < 1-0,1 м кичик бўлган, ёруғлик микроскоплари ёрдамида кўриб бўлмайдиган объектларни ўрганишга мўлжалланган микроскоп.

**Микрослоистость - Микроқатламлик** - микроскоп остида шлифларда кузтиладиган қатламлик. Бунда қатлам қалинлиги мм.нинг ўндан ва юздан бирига тенг бўлади.

**Микроструктура - Микроструктура** - металл, м-л ва т. ж. ларининг оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган,

фақат микроскоп остида кўриб, ажратиш мумкин бўлган ички структураси.

**Микроструктура осадочных пород сланцеватая секущая - Чўкинди тоғ жинсларининг сланецликесувчи микроструктураси** - алевритли аргиллитларнинг динамометаморфизмга учраган сланецли тектурасининг хусусий ҳоли.

**Микроструктурный анализ горных пород - Тоғ жинсларининг микроструктуравий таҳлили** - оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган т. ж. нинг асосан м-ллар заррачаларининг йўналганлиги билан боғлиқ ички структураларини микроскоп воситасида ўрганиш.

**Микротвердометр - Микротвердометр** - микроқаттиқлик ўлчовчи асбоб. Турли материаллар ва м-ллар томонларининг силлиқланган юзаларида қаттиқликни ўлчашига мўлжалланган. Бунда олмос пирамидасининг ўрганилаётган юзада қолдирган изи микроскоп ёрдамида ўрганилади.

**Микротвердость - Микроқаттиқлик** - маъданли м-лларнинг кўп бўлмаган миқдорий константаларидан бири. Микроскопик кичик ҳажмдаги материалларнинг қаттиқлиги.

**Микроэлементы природных вод - Табиий сувлар микроэлементлари** - сув таркибига кучли таъсир кўрсатувчи, лекин жуда кам миқдорда учровчи элементлар. Уларнинг умумий миқдори 0,01 % ни, микрокомпонентлар эса 99,99 % ни ташкил этади Табиий сувлардаги микроэлементларга В, F, P, V, Cr, Mn, Co, Ni, Cu, Zn, As, Se, Br, Sr, Mo, Ag, Cd, In, Sn, Sb, Te, I, Ba, W, Au, Hg, Tl, Pb, Bi, Ra, U ва б.лар кирази. Уларни ўрганиш катта назарий ва амалий аҳамиятга эга.

**Миларит - Миларит** -  $\text{KCa}_2\text{AlBe}_2[\text{Si}_{12}\text{O}_{30}]$ . Кат. 6, Сол. оф. 2,6. Рангсиз ёки оч яшил рангли, шишасимон ялтирайдиган м-л. Гидротермал томирларда адуляр, барит, флюорит билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари: тутунсимон кварц, апатит, титанит, фенакит.

**Милонит - Милонит** - жуда юпқа сланецли структурарага эга бўлган т. ж. лари кукуни. М. узилмалли структуралар тарқалган майдонларда, т. ж. ларининг майдаланган зоналаридан, шунингдек сурилма, устсурилма ва ташлама каби структураларнинг сурилиши юзаларида ҳосил бўлади.

**Милонитизация - Милонитлиниш** - тектоник узилмалар зонасидаги т. ж. ларининг ўзгариши жараёни. Бу жараёнда т. ж. ларининг парчаланиши, кукунга айланиши ва ундан сўнг цементлиниш юз беради. Кварца бой гранитларда, гнейсларда, кварцли порфирларда, кварцитларда кенг кузатилади.

**Миметезит - Миметезит** -  $\text{Pb}_5[\text{Cl}(\text{AsO}_4)_3]$ . Кат. 3,5-4. Сол. оф. 7,19-7,25.. Ранги оддий сариқ, жигарранг, кулранг, айрим вақтда-оқ, рангсиз, толасимон агрегатли, ёғсимон ялтирайдиган, кўрғошин м-ли. Линнеит, пселомелан, кальцит, кварц ва б. маргимуш ва кўрғошин м-ллари билан биргаликда оксидланиш зонасининг юқори қисмларида учрайди. Син.: горландит, миметит, петтердит.

**Миндалины - Бодомчалар** - цеолитлар, хлоритлар, опал, хальцедон, кварц, кальцит ва гидротермал м-ллардан иборат бўлган эффузив т. ж. ларидаги бўшлиқларни тўлдирувчи ҳосилалар. Бўшлиқлар магма қотаётган пайтдаги газ пуффакчалари ёки т. ж. даги моддаларнинг қисман эриши натижасида ҳосил бўлиши мумкин.

**Минерагения - Минерагения** - кўлчилик тадқиқотчилар томонидан металл ва нометалл ф. қ. конларининг

жойлашиш қонуниятларини ўрганишга йўналтирилган деб ҳисобланувчи фан тармоғи. Агарда ҳам металл, ҳам нометалл ф. қ. лар устида иш юритилаётган ҳолатларда “минерагения” атамасидан фойдаланилади. Маъно жиҳатидан “минерагения” атамаси “металлогения” атамасининг синоними.

**Минераграфия - Минераграфия** - минералогиянинг маъданлар ва маъданли м-ллар тузилиши ва таркибини силлиқланган аншлифларда, поляризон микроскоп остида ўрганишга йўналтирилган бўлими.

**Минерализатор - Минерализатор** - магмалар ва гидротермал эритмалардаги, айниқса юқори ҳароратда энгил учувчи ва кимёвий жуда фаол моддалар. М.ларнинг эритмаларда бўлиши уларнинг метасоматик кимёвий фаолиятини оширади ва қамровчи т. ж. ларидан фарқловчи ф. қ. конларининг ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

**Минерализация - Минераллашиш** - турли йўналишда ҳаракатланаётган маъданли эритма ёки газ эманациялари, айрим ҳолларда магматик эритма иштирокида маъдан ва номаъдан м-лларнинг олиб келиниши ҳамда жамланиши.

**Минерализация органических веществ - Органик моддаларнинг минераллашиши** - органик моддаларнинг ноорганик бирикмаларга айланиши ( $\text{CO}_2$ , натритлар, нитратлар, аммиак, фосфоритлар ва б.). Бу ўзгаришлар кўпроқ чўкинди ҳосил бўлиши ҳамда диagenез жараёнида рўй беради.

**Минерализация подземных вод - Ер ости сувлари минерализацияси** - ер ости сувларидаги м-л моддаларнинг умумий оғирлиги. Бу атама қуйидагилардан бирини кўзда тутуди: эксперимент йўли билан аниқланган қуруқ чўкиндилар: ионлар йиғиндиси, м-л моддалар йиғиндиси; ҳисобланган қуруқ чўкиндилар. Минерализация тавсифи сувларнинг кимёвий тури билан аниқланади. Син.: *Степень минерализации подземных вод.*

**Минералогический метод поисков полезных ископаемых - Фойдали қазилмаларни минералогик излаш усули** - турли минералогик белгиларга (айрим м-лларнинг топилиши) зонал тарқалиши ассоциациялари, морфологияси ва б. асосланиб махсус амалга оширилади.. Агар м-л топилманинг ўзи ф. қ. бўлса у тўғридан тўғри излаш белгиси бўлади.

**Минералогическое опробование - Минералогик намуналаш** - ф. қ. нинг м-л таркибини сифат ва миқдор жиҳатидан аниқлаш, м-лларини структуравий ва текстура хусусиятлари (доначаларининг ўлчамлари шакли ва нисбатлари), физик хоссалари (зичлиги, қаттиқлиги, мўртлиги уланиши радиоактивлиги магнитланганлиги, электр ўтказувчанлиги хўлланиши кислотада эриши ва х. к.), кимёвий таркиби, турли табиий ва саноат турларидаги маъданларда тақсимланишини аниқлаш бўйича олиб бориладиган ишларнинг барчаси демақдир..

**Минералогия - Минералогия** - м-лларнинг таркиби, тузилиши, табиатда ҳосил бўлиш шароитлари ҳолати ва ўзгаришини, хоссалари ва хусусиятларини ўрганадиган фан. У геологиянинг энг қадимий тармоқларидан бири ҳисобланиб, м-лларни сунъий равишда олиш мақсадида экспериментал ишлар билан ҳам шуғулланади.

**Минералы автигенные (аутигенные) - Автиген (аутиген) минераллар** - чўкинди ҳосил бўлган жойда эритмалардан чўкиндига тушиши, эритмаларнинг қаттиқ фазалар билан ўзаро таъсири, қайта кристал-



ланиши ва б. жараёнлар натижасида ҳосил бўлган м-ллар. Ҳосил бўлиш вақти бўйича м-ллар сингенетик, диагенетик, эпигенетик, гипергенетик бўлиши мумкин.

**Минералы акцессорные - Акцессор минераллар** - т. ж. лари таркибининг жуда кам миқдорини ташкил этадиган, лекин сифат жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга м-ллар. Улар т. ж. ҳосил бўлиши ва ўзгаришининг турли босқичларида аллотиген ва аутиген бўлишлари мумкин. Биринчисининг ассоциациясидан ноаниқ чўкинди т. ж. қатламларини коррекциялашда ва оқиб келган т. ж. ларининг манбаини аниқлашда, аутиген м-ллар ёрдамида эса чўкиндилар ҳосил бўлишининг фашиал шароитини тавсифлашда фойдаланиш мумкин.

**Минералы гипергенные - Гиперген минераллар** - гипергенез зонасида, яъни Ер қобиғининг энг юқори қисмида паст ҳарорат ва босимда ҳосил бўлган м-ллар. Энг кўп тарқалган Г. м. га силикат т. ж. ларининг нурашидан ҳосил бўлган гилли м-ллар киради. Гидрооксидлар, кислород кислотаси тузлари (сульфатлар, карбонатлар, нитратлар ва б.) кўп учрайди. Г. м. га гидротация (м-ллар кристалл панжарасига молекуляр сув ёки гидрооксиднинг кириши), элементларнинг юқори ҳароратда оксидланиш (темир, маргенц, олтингурут ва б.) хусусиятлари хос. Г. м. лар ҳосил бўлишида кислород, сув, карбонат, сульфат, хлорит ва фосфат кислоталарининг ионлари асосий роль ўйнайди. Бундан ташқари иқлим, рельеф, м-лларнинг физик, кимёвий хусусиятлари ҳамда ўсимлик ва ҳайвонларнинг фаолияти ҳам аҳамиятли.

**Минералы (руды) гипогенные - Гипоген минераллар (маъданлар)** - ҳосил бўлиши магманинг кристалланиши ёки чуқурликдан кўтарилаётган магматик эритма ҳамда газлар олиб чиқаётган моддалар билан боғлиқ бўлган ҳосилалар.

**Минералы глинистые - Гилли минераллар** - сувли силикатлар ва алюмосиликатлар. Г.м.ларнинг икки қаватли силикатли қатламлари (каолинит гуруҳи), уч қаватли силикатли қатламлари (монтмориллонит ва гидрослюда гуруҳлари) ҳамда битта бир қаватли ва битта уч қаватли силикатли қатламларидан иборат турлари ажратилади. Бундан ташқари бу м-лларнинг аралаш қатламли турлари учрайди. Қиздирилганда улар таркибидаги адсорбланган ва конституцион сувларини йўқотади. Юқори ҳароратда эса ўтга чидамли материаллар ҳосил қилади.

**Минералы диагенетические - Диагенетик минераллар** - т. ж. лари кристаллангандан сўнг физик-кимёвий шароитларининг ўзгариши натижасида ҳосил бўлган м-ллар. Бунда бир полиморф модификация иккинчи турга ўтиши мумкин.

**Минералы жильные - Томир минераллари** - фойдали компонент саналмайдиган, томирларни тўлдирувчи асосий масса. Энг кенг тарқалган томир м-лларига кварц, барит ва карбонатлар киради.

**Минералы-индикаторы - Индикатор минераллар** - т. ж. ларининг нисбий ҳосил бўлиши физик-кимёвий шароитини ёки уларнинг ўзгариши кетма-кетлигини кўрсатувчи м-ллар.

**Минералы искусственные - Сунъий минераллар** - таркиби ва структураси бўйича м-лларга тўғри келувчи лаборатория ва техноген жараёнлар маҳсули. Ҳозирги кунда сунъий м-ллар олиш саноат миқёсида йўлга қўйилган ва улкан аҳамиятга эга (олмос, пьезокварц

ва б.)

**Минералы контактовые - Контакт минераллари** - икки хил т. ж. нинг туташган (контакт) зонасида ҳосил бўлган м-ллар. Улар ер юзасидан маълум чуқурликда катта босим ва ҳароратда совиб қотаётган магма билан атрофидаги чўкинди т. ж. нинг ўзаро реакцияга киришишидан (мас. биотит, амфиболлар, андалузит, кордиерит, кварц, кальцит, мрамор ва б.) ва магманинг қотиш жараёнида ундан ажралиб чиқадиган юқори ҳароратли буг ва газ аралаш суоқликларни оҳақтошларга таъсирдан (мас., волластонит, пироксен, гранат, эпидот, везувиан, скаполит, амфиболлар, флогопит, серпентин ва б.) ҳосил бўлади.

**Минералы ксеноморфные - Ксеноморф минераллар** - ўзига хос кристаллографик шаклга эга бўлмаган м-ллар. Одатда бу м-ллар б.ларга қараганда кечроқ кристалланиб, уларнинг ораларига жойлашган бўлади. К. м. қаторига турли сабабларга кўра ҳосил бўлишининг маълум шароитлари бўйича кристаллик шаклга кира олмаган м-ллар киради..

**Минералы лейкократовые - Лейкократ минераллар** - очик рангли ва рангсиз м-ллар.

**Минералы литогенные - Литоген минераллар** - чўкиш жараёнига т. ж. емирилиш маҳсулотлари ёки вулканокластик материал - қаттиқ м-л заррачалари кўринишида қўшилган ҳосилалар.

**Минералы мафические - Мафик минераллар** - магматик т. ж. ларида мавжуд бўлган темир-магнийли (Fe-Mg) м-ллар. Син.: рангли м-ллар, меланократли м-ллар.

**Минералы меланократовые - Меланократ минераллар** - қ. *Минералы мафические.*

**Минералы обломочные - Чақиқ минераллар** - магматик, метаморфик ва чўкинди т. ж. ларининг физик нураши натижасида ҳосил бўлган, сув ва ҳаво оқимлари таъсирида бир ердан иккинчи ерга кўчирилган ҳосилалар. Кўчирилиш жараёнида у янада майдаланади, заррачалари силлиқланади.

**Минералы оптические - Оптик минераллар** - оптика саноатида ишлатиладиган м-ллар. Уларга кварц (тоғ биллаури, морион), исланд шпати, флюорит, гипс ва б. киради.

**Минералы осадочных пород - Чўкинди тоғ жинслари минераллари** - қ. *Типы минералов осадочных пород.*

**Минералы пирогенные - Пироген минераллар** - магматик т. ж. ларининг бирламчи м.л.лари.

**Минералы постмагматические - Магматизмдан кейин ҳосил бўлган м-ллар** - магма кристалланиб бўлгандан кейин вужудга келган м-ллар.

**Минералы породобразующие - Тоғ жинси ҳосил қилувчи минераллар** - т. ж. лари таркибига доимий асосий компонент сифатида кирувчи м-ллар. Улар ичида силикатлар энг кўп тарқалган, м-ллардан бўлиб (Ер пўсти массасининг деярли 75 % ни ташкил этади), уларнинг хиллари 3000 дан зиёд бўлишига қарамай фақат 100 дан ортиқроғи т. ж. ҳ.қ.м. дир. Ҳар қайси т. ж. гуруҳи ўзига ҳос м-лларга эга. Магматик т. ж. лари учун дала шпатлари, кварц, слюдалар, пироксенлар, оливинлар; чўкинди т. ж. лари учун гипс, ангидрит, гидрослюда, галит, каолинит, галлуазит, кальций, ва б. лар; метаморфик т. ж. ларига эса каинит, андалузит, силлиманит, глаукофан ва б. хосдир.

**Минералы реакционные - Реакцион минераллар**

- м-ларнинг ўзаро ёки магма билан реакцияга киришиши натижасида ҳосил бўлган иккиламчи (эпимагматик) м-лар.

**Минералы реликтовые - Реликт минераллар** - чўкинди т. ж. ларидаги лекин улардан олдин ҳосил бўлган м-лар, Уларга экзоген жараёнларга чидамли м-лар: кварц, магнетит, циркон, гранит, баъзан дала шпати, слюда ва темир-магнезиал силикатлар киради. **Метаморфик т. ж. ларида эса бирламчи т. ж. ларидан сақланиб қолган м-лар ёки метаморфизмнинг бошланғич босқичларида ҳосил бўлиб кейинги босқичларда ҳам сақланиб қолган м-лар киради.**

**Минералы сингенетические (сингенетичные) - Сингенетик минераллар** - седиментогенез жараёнида ва диагенезнинг бошланғич босқичларида чўкинди т. ж. лари билан бир вақтда ҳосил бўлган м-лар. **Эффузив т. ж. лари петрографиясида бу атама маъдан м-л.лари билан бир пайтда ҳосил бўлган т. ж. ҳосил қилувчи м-ларга нисбатан қўлланилади.**

**Минералы темноцветные, цветные (меланократовые) - Тўқ рангли, рангли (меланократли) минераллар** - қ. "Минералы мафические"

**Минералы типоморфные - Типоморф минераллар** - геологик ва физик-кимёвий шароитларни аниқлашга хизмат қилувчи типик (тавсифли) м-л.лар

**Минералы тяжёлые - Оғир минераллар** - солиштира оғирлиги >2,75-2,85 бўлган м-л.лар. Чақиқ т. ж. ларининг асосий қисмини ташкил этиб, турли генезисга эга. (одатда улар ўнлаб м-л турларидан иборат).

**Минералы устойчивые - Турғун минераллар** - нураш жараёни таъсирида парчаланмайдиган, яхлитлиги бузилмайдиган кимёвий турғун м-лар. Энг турғун м-ларга кварц, плагиоклазларнинг нордон турлари киради.

**Минералы эпигенетические осадочные - Чўкинди эпигенетик минераллар** - чўкинди т. ж. лар ҳосил бўлгандан сўнг то метоморфизмгача ёки нураш жараёнигача бўлган ораликда (катагенез, литогенез) ҳосил бўлган м-лар.

**Минеральная разновидность - Минерал турлари** - маълум бир турдаги м-лнинг бир-биридан қўшимча хусусиятлари билан фарқ қилувчи турли индивидулари мажмуи. Уларни фарқловчи қўшимча хусусиятларга муҳим аҳами-ятга эга бўлган кимёвий ва структуравий белгилар хосдир.

**Минеральная разность - Минерал фарқи** - м-л индивидулар мажмуаси бўлиб, бошқа м-л индивидуларидан морфологик белгилар билан фарқланади

**Минеральная фация осадочных пород - Чўкинди тоғ жинслари минерал фацияси** - қ. *Фации осадочных пород минеральные.*

**Минеральное сырьё - Минерал хом ашё** - халқ хўжалигида фойдаланиш учун керак бўлган м-л ресурсларни тоғ кон саноати томонидан ўзлаштириш жараёнида ер қаъридан олинган ва қайта ишланган ф. қ. лар.

**Минеральные ресурсы - Минерал ресурслар** - қ. *Ресурсы минеральные.*

**Минетта - Минетта** - оҳакли-ишқорли лампрофир бўлиб, калийли дала шпатидан ва биотитдан, баъзи ҳолларда оливиндан иборат.

**Минимальное промышленное содержание полезных ископаемых - Фойдали қазилмаларнинг минимал саноат миқдори (МСМ)**- конни ўзлаштиришда

(фойдаланишда) режали равишда фойда олиш, қидириш, маъдани қазиб олиш ва қайта ишлашга сарф қилинган барча ҳаражатларнинг қайтарилишини таъминлайдиган ҳисоб блокадаги маъдан таркибидаги ф. қ. (металл) ўртача миқдорининг қуйи чегараси. У қуйидаги формула билан аниқланади:

$$MCM = (a+v+d) \times 100 / C_m \times K_{изв} \times K_p$$

бунда, а- 1т маъданни қидиришга сарф қилинган ҳаражат; в- 1т маъданни қазиб олиш ва қайта ишлашга сарф қилинган ҳаражат; d- 1т маъдандан тушадиган режадаги фойда;  $C_m$  - 1т ф. қ. нинг (металлнинг) улгуржи нархи;  $K_{изв}$  - ф. қ. ажратиб олишининг умумий коэффициент;  $K_p$  - маъданнинг ифлосланиш коэффициенти. Агар улгуржи нархлар металл учун эмас, концентрат учун аниқланган бўлса, МСМ қуйидаги формула билан аниқланади:

$$MCM = (a+v+d) \cdot C_k / C_m \times K_{изв} \times K_p$$

бунда:  $C_k$ - концентратдаги ф. қ. нинг (металлнинг) фозилардаги миқдори;  $C_m$  - 1т концентратнинг улгуржи нархи.

**Миогеоантиклиналь - Миогеоантиклиналь** - геосинклиналь системанинг кечиккан орогенези билан мужассамлашган новулкан кўтарилмаси.

**Миогеосинклиналь - Миогеосинклиналь** - вулкан султ фаоллиги кузатиладиган, нисбатан кам ҳаракатли геосинклиналь областларнинг ташқи қисми. Миогеосинклиналлардан ташкил топган бурмаланиш зоналарида терриген ва карбонат т. ж. лари тарқалган бўлади. У турғун областларда (платформалар, ўрталик массивлари) гранит қатламлари шаклланиб бўлган, нисбатан секин чўкувчи майдонларни ҳосил қилади.

**Миоцен - Миоцен** - неоген системасининг қуйи бўлими.

**Мирабилит - Мирабилит** -  $Na_2[SO_4] \cdot 10 H_2O$ . Кат. 1,5-3. Сол. оғ. 1,49. Сода олиш учун муҳим хом ашё.. Рангсиз, оқ, шишасимон ялтирайдиган м-л. Туз конларида, шўр кўллар чўқиндиларида учрайди. Йўлдош м-ллари: гипс, галит, гилларнинг ва мергелларнинг м-ллари. Син.: рейссин, глаубер тузи.

**Миссурит - Миссурит** - кристалли донадор т. ж. Авгитдан (50 % атрофида), оливин ва лейцитдан иборат. Иккинчи даражали м-л сифатида биотит, анальцим, маъдан м-ллари ва б.лар учрайди. Чуқурликлардаги лейцитли базальт аналогли.

**Млекопитающие - Сут эмизувчилар** - умуртқали жонзотларнинг олий синфи. Улар жуда тараққий топган, мияси кучли ривожланган, юраги тўрт камерали бўлиб, жадал модда алмашинуви тана ҳароратининг доимийлигини таъминлайди. Янги туғилган болаларини сут билан озиқлантиради.

**Многослой - Кўп қатлам** - қирқим бўйича қонуний равишда қайтарилиб турадиган қатламлар.

**Мобилизм - Мобилизм** - тектоник фаразларга қўлланиладиган атама бўлиб, унинг тарафдорлари материклар қобиқ остида пластик субстрат устида фаол силжишини эътироф этадилар.

**Модели геологические - Геологик моделлар** - геологик майдон ёки объектлардаги геологик жараёнлар ва ҳосилаларнинг умумлаштирилган кўриниши. Буларга стратиграфик, литологик, геодинамик, геологик-структуравий, магматик, минералогик, геокимёвий, геофизик ва б. ҳосила ва жараёнлар киради. Г. м. лар икки ва уч ўлчамли қилиб тузилади. Биринчисига план, харита, кесмалар киради. Иккинчиси уч ўлчамли бўлиб,

миқдорий тавсифланади. Маъданли майдон, конлар ва маъданли таналарнинг геологик моделини тузиш шу объектларда ф. қ. ларнинг жойлашишини башоратлаш, аниқ майдон ва участкаларда қидирув-баҳолаш ва қидириш ишларини ва кутилиши мумкин бўлган ф. қ. тури ва заҳираларини миқдорий ҳисоблаш каби ишларни таҳлил қилишни системали олиб боришга имкон беради.

**Моделирование в разведке - Қидиришда моделлаштириш** - ф. қ. конларини ўрганиш, қидиришни лойиҳалаш, бошқариш ва намуналаш ишлари бўйича излаишларни ўтказиш мақсадида конлар ва маъдан таналарининг моддий ёки чизма моделларидан фойдаланиш.

**Моделирование гидрогеологическое - Гидрогеологик моделлаштириш** - ўрганилаётган гидрогеологик жараёнларни моделларда ифодалаш.

Мас. Тургун фильтрация жараёнини электрогидродинамик аналоглар ёрдамида ўрганиш ва б.

**Моделирование тектоническое - Тектоник моделлаштириш** - табиатда кузатиладиган тектоник тузилмалар турларининг ҳосил бўлиш шароитларини экспериментлар ёрдамида ўрганиш. Буларнинг асосида ўхшашлик назарияси ётади. Ушбу назарияга биноан т. ж. лари хоссаларига мос келувчи материаллар танланиб геологик шарт-шароит моделлаштирилади.

**Модель - Модель** - объектлар ва жараёнларни хаёлан ёки моддий ифодалаш. Ифодалаш баъзан олдиндан берилган мезонлар асосида ўрганилаётган объектга мос равишда амалга оширилади.

**Модель (упругая) землетрясения - Зилзила модели** - зилзиланинг қайтарилувчи деформация сифатидаги соддалаштирилган ифодаси. Зилзила натижасида кузатиладиган т. ж. ларининг силжишини моделларда ўрганиш орқали дастлабки силжишлар, яъни сиқилиш ва кенгайиш тўлқинларининг тарқалиши ҳисоблаб чиқилади. Масаланинг аксинча ҳал қилиниши зилзила ўчоғи хоссаларини аниқлаш имконини беради.

**Модель Земли математическая - Ернинг математик модели** - Ер қатламларини ташкил этувчи моддалар, уларда ривожлануачи жараёнлар ва уларнинг хоссаларини ўзида ифодаловчи математик қурилма.

**Модель месторождения (рудного тела) - Кон (маъдан танаси) модели** - Ер пўстининг асосан 1:100-1:200 масштабларда тузилувчи, кон ёки маъдан танасини қамраб олган бўлагининг ҳажмий ва моддий тасвири. Объектнинг геологик тузилиши, маъданлашишнинг макондаги жойлашуви, табиий турлари ва б. ҳақида маълумот олиш имконини беради.

**Модуль осадки - Зичланиш (чўкиш) модули** - грунтларни компрессион ускунада синаш натижаларида аниқланиб, 1м қалинликдаги грунтни (т. ж. ни) таъсир этаётган вертикал босим остида кузатиладиган сиқилиши (мм. ларда).

**Модуль сдвига - Силжиш модули** - т. ж. ёки м-лларнинг ҳажми ўзгармаган ҳолда маълум юза бўйлаб силжиши ва шаклининг ўзгаришига қаршилик кўрсатиш қобилияти.

**Модули геохимические - Геохимёвий модулар** - гидролизаторлар гуруҳига мансуб элементлар жуфтликлари нисбати:

$$\frac{Al}{Si}, \frac{Ti}{Al}, \frac{Zr}{Hf} \text{ нинг бир-бирига нисбати}$$

Иқлим ва фашиал шароитни ҳаққоний баҳолаш имконини берувчи кўрсаткич бўлиб, чўкинди тўпланишининг физик-химёвий ўзгариши юз берган ҳолдагина ўзгариши мумкин. Геохимёвий модуль сифатида яна оксидлар нисбатидаги 100м ишлатилиши мумкин:

$$\frac{Mg \ 100}{MgO + CaO}, \frac{MnO}{MgO} \text{ ва б.}$$

**Модуль кремневый - Кремний модули** -  $\frac{Al_2O_3}{SiO_2}$  оғирлик нисбатлари; бокситлар, электрокорунд, ўтга чидамли материаллар, гилли цементлар ва б.ларнинг ярқчилигини баҳолашда ишлатиладиган техник кўрсаткичлардан бири.

**Модуль обшей деформации - Умумий деформация модули** - грунтга таъсир этаётган босим ва унинг остида кузатилаётган нисбий чизиқли умумий деформация ўртасидаги пропорционаллик коэффициенти. Ўлчов бирлиги кг/см<sup>2</sup>

**Модуль объемного сжатия - Ҳажм сиқилиши модули** - т. ж. намунасини нисбий ҳажм сиқилиши пропорционалликнинг унга ҳар томонлама бир хил катталиқда таъсир қилувчи, яъни ҳар томонлама гидростатик босимга мос келадиган кучланиш билан аниқланадиган модули. Унга тескари катталик эса, "ҳажм сиқилиши ёки сиқилувчанлик коэффициенти" деб юритилади.

**Модуль подземного стока - Ер ости оқими модули** - маълум катталиқдаги Ер ости суви йиғилиши бирлик майдонидан вақт бирлигида оқиб ўтган ер ости сувининг ҳажми л/сек.км<sup>2</sup> ёки м<sup>3</sup>/сек.км<sup>2</sup> да ифодаланади.

**Модуль сдвига G - Сурилиш модули** - ўз ҳажмини сақлаган ҳолатда т. ж. лари (м-л) шаклининг ўзгаришига кўрсатган қаршилиги. Миқдоран уринма зўриқининг (i) сурилиш бурчагига (v) нисбати билан аниқланади.

$$G=i/v;$$

**Модуль стока - Оқим модули** - вақт бирлигида сув йиғиш ҳавзасининг 1км<sup>2</sup> майдонидан оқиб чикувчи ўртача сув миқдори.

**Модуль твердого стока - Қаттиқ оқим модули** - дарёнинг 1 йил давомида оқизиб келган қаттиқ моддаларининг сув йиғиш ҳавзаси майдонининг 1 км<sup>2</sup> га тўғри келган тоннадаги миқдори.

**Модуль упругости грунта - Грунтнинг қайишқоқлик модули** - грунтларга таъсир этувчи вертикал босим ва грунтнинг нисбий вертикал қайишқоқ деформацияси орасидаги пропорционаллик коэффициенти. Сиқилишни ўрганиш бўйича ўтказиладиган синашларда бирламчи зичланган грунтларни юксизлантириш маълумотлари бўйича аниқланади.

**Модуль Юнга-Е (модуль продольной упругости) - Юнг модули-Е (бўйлама қайишқоқлик модули)** - нормал кучланишнинг (P) нисбий чўзилишга (Σ) бўлган нисбати. Бунда берилган босим таъсир этиш йўналишида  $E=P/\Sigma$ , бўлиб, сиқилишга ёки чўзилишга қаршилиқни тавсифлайди.

**Моласса вулканогенная - Вулканоген молассалар** - вулканли тоғ тизмалари лар этакларида геосинклинал ривожланишнинг ороген босқичида тўпланган вулкан, вулкан-чўкинди, йирик чақиқ т. ж. лари. Унинг асосий қисмини турли вулкан брекчиялари ташкил этади.

**Молассы - Молассалар** - нисбатан юмшоқ ва жуда майда заррачали карбонатли қум тошлар.

**Молибден - Молибден, Мо** - М.д.с.нинг VI-гурух элементи. Т.р. 42, ат.м. 95,94. Ер пўстидаги массаси  $3 \cdot 10^{-4} \%$ . 20 га яқин м-ли мавжуд. Молибденит, повеллит, молибдит, вульфенитлар саноат аҳамиятига эга. Бу м-ллар кварцлашган т. ж. лари ва гидротермал ҳосилалар таркибида учрайди. М. нинг табиатда масса сони 92, 94, 95, 96, 97, 98 ва 100 бўлган 7 барқарор изотопи мавжуд. М. скарнли, грейзенли, гидротермал ва эндоген шароитларда ҳосил бўлади. М. электрон асбобларда, ўтга чидамли металллар сифатида, авиация, ракета ва атом техникасида қўлланилади.

**Молибденит - Молибденит** -  $\text{MoS}_2$ . Қат. 1-1,5. Сол. оф. 4,6-5,0. Молибден м-ли. Ранги мовий-қўрғошинсимон- кулранг, металлсимон ялтирайди. Ҳосил бўлиши пневматолит-гидротермал бўлиб, грейзенлашган нордон отқинди т. ж. ларида ёки юқори ҳароратли кварц томирларида учрайди. Йўлдош м-ллари: касситерит, вольфрамит, флюорит, апатит, турмалин. Молибден ажратиб олишда ягона молибден маъдани. Син.: молибден ялтироғи, молибден колчедани.

**Молибдошеелит - Молибдошеелит** -  $\text{Ca}[(\text{W}, \text{Mo})\text{O}_4]$ . Сол. оф. 5,5-5,9. Молибденли шеелит.  $\text{CoO}_3$  миқдори 24 %ни ташкил этади. Олтин-сарик рангли м-л. Рентгенда ультра бинафша, катод нурлари таъсирида люминисцентланади. Оҳақтошли скарнларда-молибденит билан, пегматитларда флогопит, диопсид, сфен билан бирга учрайди. Син.: сейригит

**Моллюски - Моллюскалар** - сегментлашмаган, яхлит танали жонзод. Кўпчилиги оҳақтошли чиганоқли, кўп ҳолларда яхлит, баъзи ҳолларда алоҳида икки ёки уч жисмдан иборат. Улар зирҳли, икки табақали, белкурак оёқли, бош оёқли ва б. синфларга бўлинади.

**Молоток бурильный - Бургилаш болғаси** - шпурлар (баъзан, қудуқлар) бургилашда ва сунъий қопламалар (асфальт, бетон)ни бузишда ишлатиладиган зарбли (пневматик) машина. Баъзан двигатели бензин билан ишлайдиган мотоперфораторлар ишлатилади.

**Молюранит - Молюранит** -  $\text{H}_6[(\text{UO}_2)_3 | (\text{M}_2\text{O}_4)_3]9\text{H}_2\text{O}$  Қат. 3-4. Сол. оф. 4. Қора рангли, мумсимон ялтирайдиган м-л. Молибденит, халькопирит, галенит, браннерит ва ураннинг сариқ молибдати билан бирга учрайди.

**Момент магнитный - Магнит моменти** - моддаларнинг магнитланганлигини тавсифловчи катталик бўлиб, уларни ҳосил қиладиган магнит майдонига қараб аниқланади. Барча т. ж. ларининг магнит моменти атомлар магнит моменти билан аниқланади. қ. *Намагничивание*.

**Монацит - Монацит** -  $(\text{Ce}, \text{La}, \text{Nd}, \text{Th})[\text{PO}_4]$ . Қат. 5-5,5. Сол. оф. 4,9-5,5. Оч сариқ, сариқ рангдан тўқ жигаррангача, қизиш жигарранг, қизил рангли, мумсимон, ёғсимон, олмиссимон ялтирайдиган м-л. Торий ва церий маъдани. Деярли барча бирламчи нордон ва ишқорли магматик т. ж. ва пегматитларда, баъзида грейзенларда ва юқори ҳароратли гидротермал томирларда учрайди, сочмаларда тўпланади. Йўлдош м-ллари: ильменит, касситерит, циркон, рутил, ксенотим, силлиманит, торит. Син.: монацитонид, урдит, эдвардсит, эремит.

**Моно. . . - Моно...** - якка, ягона, яхлит маъносини берувчи олд қўшимча.

**Моноблок пьезокварца - Пьезокварц моноблоки** - тоғ биллури ёки маршонларнинг дефектсиз участкасининг шартли ўлчов бирлиги "Моноблок ўлчов бирлиги" деб 20x20x20мм ўлчамли куб олинади.

**Моноклиза - Моноклиза** - қ. *Склон платформы моноклиальный*.

**Моноклираль - Моноклираль** - қатламлари бир томонга қия ётган структура ёки горизонталга яқин ётишини ўзгарирувчи зинасимон букилма.

**Моноклиральная складка - Моноклираль бурма** - қ. *Складка моноклиральная*.

**Монолит - Монолит** - табиий шароитда баъзи хусусиятларини аниқлаш мақсадида т. ж. дан олиндиган маълум шаклдаги, табиий тузилиши бузилмаган намуна..

**Монсмедит - Монсмедит** -  $\text{H}_8\text{K}_2\text{Ti}_2^{3+}(\text{SO}_4)_8 \cdot 11\text{H}_2\text{O}$  Қат. 2. Сол. оф.-3. Тўқ яшил рангли, сувда енгил эрувчи м-л. Марказит, барит, каолинит темир сульфатлари билан бирга учрайди.

**Монтмориллонит - Монтмориллонит** -  $\text{Al}_{1,67}\text{Mg}_{0,33}[(\text{OH})_2\text{Si}_4\text{O}_{10}]^{0,33} \cdot \text{Na}_{0,33}(\text{H}_2\text{O})_4$ . Қат. 1-2. Сол. оф. 2-3. Кулрангсимон-оқ, қизғиш, жигаррангсимон, сарғишсимон рангли, хира, нурсиз, зичланган, юмшоқ тупроққа ўхшаш агрегатли алюмосиликатлар м-ли. Вулкан туфларида ҳамда бирламчи ва иккиламчи м-л сифатида вулкан ойнасимон кулларининг нураш маҳсулотларида учрайди. Лойқа м-ллардан ҳисобланади. Син.: магний-монтмориллонит, смегматит, стеаргиллит, валькерит.

**Монтмориллонита группа - Монтмориллонит гуруҳи** - монтмориллонит м-лининг умумий формуласи  $(1/2 \text{Ca}, \text{Na})_{0,7}(\text{Al}, \text{Mg}, \text{Fe})_4(\text{Si}, \text{Al})_8\text{O}_{20}(\text{OH})_4 \cdot n\text{H}_2\text{O}$ . Хусусий монтмориллонит формуласи  $\text{Al}_{1,67}\text{Mg}_{0,33}[(\text{OH})_2\text{Si}_4\text{O}_{10}]^{0,33} \cdot \text{Na}_{0,33}(\text{H}_2\text{O})_4$ . Хусусан монтмориллонит, бейдилит, нонтронит, санокит, гекторит, соконит, ва б.лар қиради. Ҳамма м-ллар намлик ошиши билан кўпчиш хусусиятига эга. Қуруқ ҳолатда қаттиқлиги 1-2, гидратацияланиш билан қаттиқлик 2-3 ни ташкил этиши мумкин. М.г. м-ллари чўкинди ва магматик т. ж. ларида, тупроқларда вулкан ҳосилаларининг сув остида ўзгаришидан, маъдан қамровчи т. ж. ларининг ўзгаришидан, иссиқ сувли булоқлар атрофида ҳосил бўлади.

**Монтрозеит - Монтрозеит** -  $(\text{V}, \text{Fe})\text{O}(\text{OH})$ . Сол. оф. 4.41. Қора рангли, шаффоф бўлмаган, ярим металсимон ялтирайдиган м-л. Қумтошлар цементида пирит, галенит, уранит билан бирга учрайди.

**Монтроидит - Монтроидит** -  $\text{HgO}$ . Қат. 2-2,5. Сол. оф. 11,0. Қизил, жигаррангли сферик шаклдаги кукундан иборат м-л.

**Монзонит - Монзонит** - аниқ кристалли, чуқурликларда ҳосил бўлган магматик т. ж. . Таркибида бир хил миқдорда дала шпати (ортоклаз), плагиоклаз (лабрадор, андезин) ва рангли м-ллар: авгит, амфиболит, биотитлар қатнашади. У таркибига кўра сиенит ва габбро ўртасидаги т. ж. Син.: Габбро-сиенит.

**Мончеит - Мончеит** -  $(\text{Pt}, \text{Pd}), (\text{Te}, \text{Bi})_2$  Пўлатсимон кул рангли, металсимон ялтирашга эга бўлган Cu-Ni сульфид конларида ультра асос ва асос т. ж. ларида учрайдиган м-л. Йўлдош м-ллари: халькопирит.

**Морена, моренные отложения - Морена, морена ётқизиқлари** - глетчер музликлари ёрдамида тўпланган ётқизиқлар. Литологик таркиби бўйича жуда турли (харсанг тошдан то соз тупроқгача), доимий равишда сараланмаган. Гилли турлари юқори даражада зичланганлик, кичик говаклик, баъзан сланецланиши билан тавсифланади.

**Морена береговая - Қиргоқ моренаси** - тоғ музликлари моренаси, музликларнинг қисман эриши натижасида тоғ ён бағирларида эгатсимон ёки зинаси-

мон шаклда ётувчи т. ж. ларидан иборат ҳосилалар.  
**Морена лавовая - Лава моренаси** - лава оқимлари чиқариб ташлаган харсанг тошлар ва тошқолларнинг музлик ёрдамида қайта ётқизилишидан ҳосил бўлган т. ж.лари.

**Морена локальная - Муайян морена** - маҳаллий туб т. ж. лари бўлакларидан иборат мореналар.

**Морены ископаемые - Қазилма мореналар** - турли т. ж. лари билан кўмилган мореналар бўлиб, уларга тиллитлар киради.

**Моретрясение - Денгиз zilzilаси** - эпицентри денгиз, океанлар тубида ёки қирғоғига яқин жойларда юз берадиган тектоник ходисалар мажмуаси.

**Морфография - Морфография** - геоморфология фанининг бир қисми. У рельеф шакллари тавсифлаш ва таснифлаш ҳамда уларнинг ташқи кўринишига қараб системалаш билан шуғулланади.

**Морфологическая тектоника - Морфологик тектоника** - тектониканинг ҳар хил катта ва кичик тектоник шакллар геометриясини кўриб чиқувчи ва тартибга тушириб таърифловчи қисми.

**Морфологические элементы поверхности разломов при их геодинамике - Геодинамика таъсирида ёриқлар юзасида ҳосил бўладиган морфологик элементлар** - т. ж. ларининг кимёвий таркиби ва физик хусусиятларига асосан уларни кесиб ўтган ёриқлар бир хил таркибли т. ж. ларида тўғри, ҳар хил таркиблиларида эса ўз йўналишларини ўзгартириб, эгрибугри юзалар морфологиясини ҳосил қилади. Ёриқлар таъсирида ҳосил бўлган геологик блоklar геодинамика кучи таъсирида бир-бирига нисбатан соат милининг йўналиши бўйича ёки унга қарши ҳаракатидан блокнинг тик ва ётиқ юзаларида бўшашган, зўриққан ва сирғалувчан юзалар ҳосил қилади.

**Морфология и динамика берегов - Қирғоқлар морфологияси ва динамикаси** - денгиз ва океанлар қирғоқларининг ҳосил бўлиши ва динамикасини ўрганувчи фан. Гидрография, гидротехника, геологик-геоморфологик йўналишларни бирлаштириб, сув ҳавзаси ва қуруқлик ўртасидаги чегарани, қуруқлик ва сув ости қирғоқ қияликларининг ривожланишини ўрганади.

**Морфометрия - Морфометрия** - 1. Геоморфология фанининг бир қисми бўлиб, рельеф шаклининг миқдорий қийматларини (баландлиги, майдони, ён бағир қиялиги, хажми ва б.) ўрганади. 2. Рельефни тавсифловчи элементларнинг (ўртача, максимал ва минимал) сон қийматларини ўрганиш.

**Морфоструктура - Морфоструктура** - қуруқлик ва океан туби рельефининг йирик шакли бўлиб, у асосан геологик омиллар, яъни эндоген жараёнлар-структура, литология, янги тектоник ҳаракатлар билан биргаликдаги фаолияти ҳосиласи

**Мохоровичича граница (поверхность) (мохо, М) - Моховоричича чегараси (сатҳи) (мохо, М)** - “Ер қобиғининг энг пастки юзаси” деб океан ва континентал Ер қобиғи чуқурлиги қабул қилинган планетар чегара.. М. сатҳидан пастга ультраасос ёки асос т. ж. лари тарқалган. М. ч. да бўйлама сейсмик тўлқинлар тезлиги 6,9-7,4 дан то 8,0-8,2 км/сек, зичлиги 2,8-2,9 дан то 3,2-3,3 г/см<sup>2</sup> га тенг. Бу юза чуқурлиги океан тубидан 10-12км, қуруқлик остидан эса 55-65 км га етиши мумкин. М. ч. нинг табиатини ўрганиш тоғ ҳосил бўлиши қонуниятларини ва Ер пўстининг

умумий эволюциясини асослаш имконини беради.  
**Мошеландсбергит - Мошеландсбергит** -  $Ag_2Hg_3$  Кат. 3,75. Сол.оғ. 13,48. Кумушранг-оқ рангли, донатор агрегатли, металлсимон ялтирайдиган м-л. Син.: ландсбергит.

**Мощность - Қалинлик** - геологик жисмлар (қатлам, томир, свита, ярус, система ва б.) қалинлиги назарда тутилади. Қатламнинг устки ва пастки қисмини бирлаштирувчи энг қисқа масофа ҳақиқий, тик масофа - горизонтал масофа эса - горизонтал қалинлик деб аталади.

**Мощность суммарная - Жамлама қалинлик** - тўғридан-тўғри ўлчанган ёки чизмада тасвирлаш йўли билан ҳисобланган т. ж. қатор қатламлари қалинлиги ёки свитанинг умумий қалинлиги.

**Мрамор - Мармар** - гранобласт структурали майда, ўрта, йирик заррачали карбонат т. ж. У қайта метаморфиз кристалланган оҳақтошдан иборат бўлиб, таркиби асосан кальцитдан иборат.

**Мраморизация - Мармарланиш** - оҳақтошларнинг қайта кристалланиб мармарга айланиш жараёни.

**Муассанит - Муассанит** -  $\alpha$ -SiC. Кат. 9,5. Сол. оғ. 3,2. Ранги кўк ва кўкимтир зумрадсимон м-л. Синтетик ўхшаши- $\alpha$  - карборунд. Темирли метеоритларнинг ноёб м-ли; *кимберлитларда* учрайди.

**Муджиерит - Муджиерит** - таркибида ортоклаз бўлган олигоклазли долерит ёки базальт, меъёрий ва ишқорий базальт ўртасидаги оливин, акцессор магнетит ва апатитдан ташкил топган т. ж.и.

**Мульда - Мульда** - изометрик ёки овал шаклидаги тектоник қия ботиқликлар ёки уларнинг синклинал шаклидаги қисмлари. Улар Ер қобиғининг зичлиги ва ҳажми камайган жойлар юзасида ҳосил бўлади.

**Мульда оседания - Чўкинди мульдаси** - 1. Горизонтал тоғ иншоотлари жойлашган ерларда Ер сатҳининг чўкиши натижасида ҳосил бўлади. 2. Ер сатҳининг нефть ва газларнинг ковлаб олиниши натижасида чўкиши.

**Мумиё - Мўмиё** - тўқ жигар рангли қайишқоқ модда. Кимёвий таркибида Са, Mg, Na, Fe, Cr, Pb ва б. 20 дан ортиқ кимёвий элементлар қатнашади. Бундан ташқари шамсимон углеводородлар, оксидлар, аминокислоталар, ёғ кислоталари, спирт ва б. мавжуд. қ. *Альгариты*.

**Мумия - Мумия** - 1. Табиий бўёқ. Сувсиз темир оксиди  $Fe_2O_3$  миқдори 20-70 %, алюмосиликат ва гипсдан иборат. 2. Палеонтологияда - юмшоқ териси сақланган, лекин минераллашмаган палеонтологик қазилмалар.

**Мурдохит - Мурдохит** -  $Cu_6PbO_8$  Кат. 4. Сол.оғ. 6,47. Қора рангли, шаффоф бўлмаган м-л. Кристаллари вульфенит ва флюоритда тарқалган.

**Мусковит - Мусковит** -  $KAl_2[(OH,F)_2AlSi_3O_{10}]$ . Кат. 2-2,5. Сол. оғ. 2,88. Слюдалар гуруҳига мансуб, кукунсимон оқ, кулранг, оч жигарранг шишасимон ялтирайдиган, йирик ва майда, тангачасимон агрегатли, жинс ҳосил қилувчи м-л. Гранитли пегматитларда, гнейс ҳамда слюдали сланецларда, грейзенларда ва гидротермал ўзгарган т. ж. ларида ва нураш қобиқларида учрайди. Чақиқ т. ж. ларида кенг тарқалган. Йўлдош м-ллари: кварц, ортоклаз, олигоклаз, гранат, альмандин, ставролит, дистен, хлоритоид, турмалин. Син.: амфилогит, антонит(?), батчелорит, сериколит, шерникит, “Москва ойнаси”.

**Мусковитизация - Мусковитланиш** - дала шпатлари ҳисобига мусковитлар ҳосил бўладиган метасома-

тик жараён.

**Мшанки - Мшанкалар** - сувда гуруҳ бўлиб яшовчи, ёпишиб кун кўрувчи жонзотлар. Денгиз ва чучук сувларда ҳаёт кечирилади.

**Мышьяк - Маргимуш, As** - М.д.с. нинг V-гуруҳига мансуб к.э. Т.р. 33, ат.м. 74,9216. Табиий битта барқарор изотоп ( $As^{75}$ ) дан иборат. Сунъий радиоактив изотопларидан  $As^{73}$ ,  $As^{74}$ ,  $As^{76}$  лар муҳим. М. масса жиҳатидан ер пўстининг  $1,7 \cdot 10^{-4}$  % ини ташкил қилади. Тарқоқ элемент; лекин табиатда 160 дан ортиқ м-ллари учрайди. Арсенопирит, лёллингит, реальгар, аурипигмент кўп тарқалган бўлиб, саноат аҳамиятига эга. Соф М. тўқ кулранг кристалл модда, мўрт, металл каби ялтирайди, зичлиги  $5,72 \text{ г/см}^3$ . Қиздирилганда суюқланмай ( $615^\circ\text{C}$ да) бугга айланади. Оптик шиша и. ч. да, қишлоқ хўжалигида зараркунандаларга қарши курашда ишлатилади.

**Мышьяк самородный - Соф маргимуш** -  $\alpha$ -As. Қат. 3,5. Сол. оф. 5,7. Табиий кимёвий элемент. Соф м-л. Бўзрангсимон-қора, янги синдирилган юзаси кўрғошин рангида бўлади. Табиатда кам учрайди. Йўлдош м-ллари: кальцит, дискразит, барит, флюорит. Сидерит, анкерит.

**Мышьяковый колчедан - Маргимушли колчедан** - "Арсенопирит" атамасининг синоними.

**Наблюдения аэровизуальные - Аэровизуал кузатишлар** — самолетдан ёки вертолётдан туриб айрим майдон ландшафтани, орогидрографиясини, геоморфологик ёки геологик тузилишини кузатиш ишлари мажмуи.

**Наблюдения в горных выработках геологические - Тоғ-кон иншоотларидаги геологик кузатувлар** — қидириш ишлари олиб борилаётган қазиб олишга тайёрланаётган капитал ва б. тоғ-кон иншоотларидаги ф. қ. таналари ҳамда т. ж. лари массивларининг геологик тузилиши тадқиқотларининг мажмуи.

**Набухание породы - Тоғ жинсининг кўпчиши** - сув ютилиши билан т. ж. ҳажмининг ошиши. Унинг миқдори гил т. ж. лари дисперс қисмининг миқдорига, м-логик таркибига ва унга таъсир этувчи ташқи босимга боғлиқ бўлади. Энг катта кўпчиш монтмориллонитли, энг кам кўпчиш каолинитли гилларда кузатилади.

**Навахойт - Навахойт** -  $V_2O_5 \cdot 3H_2O$ . Қат. 2; Сол. оф. 2,56. Тўқ жигарранг, толасимон агрегатли м-л. U-V конларидаги кумтош ва гиллар таркибида учрайди.

**Навес выдувания - Нураш айвони** - қаттиқ т. ж. ларини шамол таъсирида емириб учуриб кетилишидан ҳосил бўлган геоморфологик элемент.

**Навеска - Намунача** - т. ж. ларини анализ қилиш учун зарур бўлган намунанинг минимал миқдори.

**Наволок - Юпқа марза** — қирғоқнинг текис жойида, қирғоқ бўйи ўтириндиларининг оқим ҳажми камаядиган жойда шаклланувчи аккумулятив дўнглик. Син.: шарьяж.

**Нагиагит - Нагиагит** -  $Pb_5Au(Te, Sb)_4S_{3-8}$ . Қат. 1-1,5. Сол. оф. 7,35-7,46. Кулранг-қора рангдан темирсимон қора рангли, металлсимон ялтирайдиган, пластинкасимон, майда донатор, юмшоқ, кўрғошинсимон кулрангли агрегат ҳосил қилувчи м-л. Эпитермал ва мезотермал конларда Au, Te, иккиламчи Au сульфидлари билан бирга, Te қора рангли пластинка шаклида учрайди. Йўлдош м-ллари: алтаит, сільванит, пирит, теллур, кварц. Син.: надыагит, теллур ялтироғи, баргсимон

теллур ялтироғи.

**Нагнетание тектоническое - Тектоник кескинлашиш (фаоллашув)** - тектоник кучлар таъсирида қатламлар материалларининг маълум юза бўйлаб силжиши. Кўпинча бурма қанотларидаги қайишқоқ қатламларнинг сиқилиб, бурманинг қулфи томон сурилиши натижасида содир бўлади.

**Нагорье - Тоғлик** - денгиз сатҳидан баландда жойлашган тоғ тизмалари ва массивлар, ясси тоғлар, сойликлар, ясси баланд текисликлар, водийлар билан тавсифланувчи қуруқликнинг бир қисми. Улар тоғ ҳосил қилувчи тектоник жараёнлар натижасида пайдо бўлган.

**Нагруженные грани разломов - Ёриқларнинг зўриққан юзалари** - геодинамик кучлар таъсирида икки қарама-қарши тектоник блоklar бир-бири билан яқинлашиб, орасидаги қамровчи т. ж. лар бўлақларини майдалаб (милонитгача) зичланган участкалар ҳосил қилади. Бундай жойларда гидротерманинг ҳаракатланиши қийин бўлиб, маъданли уюмлар ҳосил бўлмайди. Ф. қ.ларни қидириш белгилари қаторида хизмат қилади.

**Нагрузка разрушающая - Бузувчи (емирувчи) юклама** — грунтнинг мустаҳкамлик хоссасини белгилувчи чегаравий қаршилигидан катта бўлган босим. Грунтнинг силжишини ва тажриба штамп остидан сиқилиб чиқарилишини юзага келтирувчи босимга мос келади.

**Надвиг - Сурилма** - нишаблиги  $45^\circ$  гача бўлган узилма кўринишидаги яхлит т. ж. лари узилмалари. Сурилиши текислиги бўйича осилган қаноти ётиқ қанотига нисбатан кўтарилиб, устига сурилиб чиқиши.

**Надвиг выжимания - Сиқиб чиқарилган сурилма** - бурма қанотларидаги юқори қайишқоқликка эга бўлган т. ж. ларининг сиқиб чиқарилишидан ҳосил бўлади. С. ч. с. қатламларни қатламлашув юзаси бўйича ҳосил бўлиб уларнинг оғиш бурчаги бурма қанотининг оғиш бурчагига мос бўлади. "Чўзилиш сурилмаси" атамасининг синоними.

**Надвиг пластовой - Қатламли сурилма** — юзаси т. ж. қатламланиши юзасига деярли параллел жойлашган сурилма. Кучли эгилювчан т. ж. лари пачкаларида уларнинг қатламланишига деярли параллел ҳолда вужудга келади ва ривожланади.

**Надвиг послеэрозионный - Эрозиядан кейинги сурилма** — ер юзасига чиқувчи ва паст-баланд рельеф шароитида ривожланувчи сурилма. Бундай сурилмаларнинг юзаси юқорига қараб кескин текисланиб боради.

**Надвиг притёртый - Ишқаланиш сурилмаси** — *надвиг пластовой (қатламли сурилма)*нинг синоними.

**Надвиг растяжения - Чўзилиш сурилмаси** - *надвиг выжимания (сиқиб чиқарилган сурилма)*нинг синоними.

**Надвиг региональный - Регионал сурилма** - антиклинорий, синклинорий ва шунга ўхшаш йирик тектоник тузилмалар элементлари чегарасида жойлашган ҳамда юзлаб км. гача чўзилган сурилма. Р.с. кўпинча бурмалар тўпланини кесиб ўтади.

**Надвиг секущий - Кесувчи сурилма** — юзаси т. ж. лари йўналишига нопараллел жойлашган ёки бурмаларни ташкил қилувчи қатламлар қиялиги билан катта бурчак ҳосил қилувчи сурилма.

**Надвиг скальвания - Парчаловчи сурилма** — бурмаланишга боғлиқ бўлмасдан ҳосил бўлган сурилма. У горизонтал қатламларни ва бурмаланган қатламларни кесиб ўтиши мумкин.

**Надвиг согласный - Мос сурилма** — *надвиг пластовой (қатламли сурилма)*нинг синоними.

**Надзор горный - Тоғ-кон назорати** - тоғ-кон ишларининг ҳавсизлигини ва ф. қ. конларидан тўғри фойдаланишни назорат қилиш ташкилотлари тизими.

**Надрудный горизонт - Маъдан устки горизонти** - қ. *Горизонт надрудный.*

**Наждак - Жилвир** - корунд, магнетит, гематит, кварц, ва б. м-ллар аралашмаси. Глинозем ва кремнеземга бой бўлган т. ж. нинг метаморфлашишдан ҳосил бўлади. Ранги қора-тўқ зангор.

**Название минерала - Минералнинг номи** - м-лга ном уни кашф қилган ёки уни биринчи марта таърифлаган муаллиф томонидан берилади. Кўпинча М. н. адабиётларда м-лнинг ўзи етарли ўрганилмасдан берилади. Шу муносабат билан янги м-ллар ва м-ллар номлари бўйича Халқаро м-логик ассоциация комиссияси ташкил этилган бўлиб улар томонидан номланади.

**Название стратиграфическое - Стратиграфик ном** — стратиграфик бўлинманинг хусусий номи. Тўлиқ С. н. 2 қисмдан: стратиграфик атама (аниқланаётган сўз) ва асл ном (ушбу атамани аниқловчи сўз) дан иборат. Қисқартирилган С. н. от шаклидаги ўз номидан иборат бўлиб, ягона стратиграфик шкала бўлинмалари учун қўлланилади.

**Наклон слоев (осадков) первичный - Қатлам (чўкинди) ларнинг дастлабки ётиш қиялиги** - қадимги даврларда мавжуд бўлган нотекис рельеф юзасига дастлабки чўкинди т. ж. ларнинг тўпланишидан ҳосил бўлади. Улар континентал шароитда тоғ ёнбағрида делювиал, пролювиал ётқиқиқлар ва денгиз тубида чўкинди т. ж. лари тўпланишидан юзага келади. Қуруқликда (қадимги рельеф юзаси қиялик бурчаги 30-45° гача), денгиз тубида катта бурчакли (60°) қия рельефга чўқиндилар келиб ётгани аниқланган.

**Наклонение магнитное (J) - Магнит оғиши (J)** - Ернинг магнит майдони куч қизиқлари йўналиши билан горизонтал текислик орасидаги бурчак.

**Наклономер - Наклономер** - Ернинг доимий ҳаракати натижасида ҳосил бўладиган, яъни Ер сатҳи ҳолати таъсири ва тектоник силжишлар натижасида пайдо бўлган оғиш бурчагини ўлчайдиган асбоб.

**Наклономер пластовой (пандажметр) - Қатлам қиялиги ўлчагичи (пандажметр)** — бурғи қудуқларида қатламларнинг ётиш қиялиги ва азимутини ўлчашга хизмат қилувчи асбоб. Айлана бўйлаб бир-биридан 120° бурчак билан жойлашган учта электрод билан жиҳозланган инклинометрдан иборат.

**Наложное (вторичное) - Иккиламчи ўзгариш** — бирор бир геологик объект (м-л, т. ж. , структура, рельеф ва б.) ҳосил бўлгандан кейин содир бўлган ва унинг миқдорий ҳамда сифат ҳолати тавсифининг (шакли, кимёвий таркиби, кристал панжараси ва б.) қисман ёки тўлиқ ўзгаришига олиб келган ҳар қандай ходиса ёки жараёнлар.

**Нальчикин - Нальчикин (оқартирувчи гил)** — таркиби асосан монтмориллонитдан иборат бўлган вулкан туфлари ва кулларининг ўзгарган маҳсулоти.

**Намагниченность - Магнитланганлик** - т. ж. лари, м-лларнинг ҳажм-бирлигидаги намунасининг магнит моменти билан тавсифланадиган, умумий ҳолда эса уларнинг магнит майдони ҳосил қилиш хоссаси.

**Намагничивание - Магнитланиш** - т. ж. лари, м-лларда магнитланганликни ҳосил қилувчи жараён.

**Намывание - Ювилган ётқиқиқларнинг қайта ётқиқилиши** - тўлқинлар ва оқимлар (дарё, кўллар ва денгизлар) ёрдамида кўчирилган маҳсулотлар аккумуляцияси.

**Намюрский ярус, намюр - Намюр яруси, намюр** — тошқўмир системаси (даври) қуйи бўлимнинг юқори яруси.

**Наноминералогия - Наноминералогия** - м-лларнинг атом ва молекуляр тартибидagi структураси ва ўлчамларини ( $10^{-9}$  ёки 0,1-10 нанометр) билдирувчи олд қўшимча. Н. объектларни ўрганишда классик ёки квант ўлчами (1НМ дан 100 НМ хатто 1 микрон км гача) эффе́кт берувчи нанометр даражасида аниқ изланиш олиб боришга имкон беради. Бу усул замонавий электрон усулидан ҳам устунроқ бўлиб, ф. қ. ҳосил бўлиш жараёнларини чуқур ўрганишга кенг йўл очиб беради.

**Наносы - Ўтириндилар** - 1) туб т. ж. ларини ва кўпинча яхлит қоплама шаклида ётувчи т. ж. ларини қопловчи, ер юзасидаги келиб чиқиши шароитларига боғлиқ бўлмаган бўшоқ, тўртламчи давр ётқиқиқлари (қум, шағал, гил, соз тупроқ ва б. лар)нинг умумий номи; 2) тор маънода-сув оқими билан келтирилган қаттиқ маҳсулотлар.

**Наносы донные - Ўзан ва сув ҳавзалари туби ўтириндилари** - ҳавза тубини қопловчи оқиқиқлар чўқиндиси. Ҳаракатдаги сув муҳитида аста-секин ўзгаради. Ў. ва с.ҳ.т.ў. нинг юза қисми ҳавза тубида ётган, сув оқимлари томонидан ажратиб олиниб қайтадан яна ҳавза тубига чўктирилган заррачаларнинг ўзаро алмашинуви ва силжиши ҳолатидаги фаол қатламдан иборат.

**Напластование - Қатламланиш** - чўқинди т. ж. лари қирқимида айрим қатламларнинг б.лари билан алмашишиб ётиши.

**Напор - Босим** - геометрик нуқтада тўпланган, солиштириладиган ноль даражали текислик устида (гидрогеологияда денгиз сатҳидан ҳисоблаш маъқул) ва маълум баландликда жойлашган сув массаси бирлигининг потенциал энергияси. Босим узунлик бирликларида (м) ифодаланиб, солиштириш юзасидан пьезометрдаги, бургулаш қудуғидаги сув сатҳигача бўлган баландликка тенг.

**Напор гидродинамический - Гидродинамик босим** - Ер ости сувлари ҳаракати билан мужассамланиб пьезометрик ва оқим босимлари йғиндисидан иборат.

**Напор гидростатический - Гидростатик босим** - қ. *Давление гидростатическое. (гидростатик босим) атамасининг синоними.*

**Напор полный в потоке - Оқимдаги тўлиқ босим** - шартли горизонтал юзага нисбатан аниқланадиган оғирлик бирлигига мансуб ҳаракатдаги танланган оқим кесимидан вақит бирлигида оқиб ўтувчи суоқлик массасининг энергияси.

**Напор скоростей - Тезлик босими** — суюқлик ҳаракати туфайли ҳосил бўлган, суюқлик ҳарорати тезлиги квадратига пропорционал бўлган босим. Кувур ва бурғи қудуқлари-даги суюқлик босимини ўлчашда қўл келади.

**Направление падения пласта - Қатламларнинг ётиш йўналиши** - т. ж. қатламлари ва томир т. ж. ларининг уфқнинг томонларига нисбатан ётиш ҳолатини тоғ компаси билан аниқлаш натижаси.

**Направление простирания - Қатламнинг йўналиш томони** - т. ж. лари қатламлари ёки томирли жинсларнинг йўналиши ёхуд чўзилиб кетган томони. Уфқнинг томонларига нисбатан тоғ компаси ёрдамида аниқланади. Олинган маълумотлар хариталарга тушириш, геологик харита тузиш ва кўндаланг кесим йўналишини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

**Напряжение гидродинамическое - Гидродинамик зўриқиш** - ташқи босимни ёки сув ҳаракати йўлида ўтказувчанликни ўзгариши билан сувга тўйинган т. ж. ларида юзага келувчи зўриқиш

**Напряжение допускаемое - Рухсат этилган зўриқиш** - бирор бир грунт учун тажриба. Маълумотларга кўра белгиланган ва чегаравий (емирувчи) зўриқишнинг қабул қилинган мустаҳкамлик захираси нисбатига тенг бўлган меъёрий катталиқ.

**Напряжение разрушающее - Бузувчи зўриқиш** - *Предел прочности породы. атамасининг синоними.*

**Нарушение разрывное - Узилмали бузилиш** - геологик жисимларнинг бўлақларга бўлинган қисимларининг бир-бирига нисбатан силжиши туфайли содир бўладиган тектоник бузилишларнинг умумий номи.

**Нарушения складчатые - Бурмали бузилишлар** — *“Пликатив дислокациялар”* атамасининг синоними. қ. *Дислокации пликативные.*

**Нарушения тектонические - Тектоник бузилишлар** — *“Деформация”* атамасининг синоними.

**Нарушенные пласты горных пород - Тоғ жинсларининг бузилган қатламлари** - тектоник ҳаракат ёки геологик жараёнлар натижасида бирламчи қатламлар ётишининг номос ҳолати.

**Наслоение - Қатламланиш** - чўкинди т. ж. лари қатламларининг бир тартибда устма-уст ётиши.

**Наслоённость - Қатламланганлик** — қатламлари алмашиб турувчи чўкинди ҳосилаларининг ички текстураси.

**Наступание ледника - Музлик босиши** — музлик чеккасининг музланиш марказидан четга қараб кўчиши. Музликнинг қаттиқ ёғинлардан тўйиниши унинг камайишидан (абляциядан) ошиб кетса содир бўлади.

**Наступание моря - Денгиз сувлари босиши** - қирғоқ чизигини қуруқлик томонга кўчиши. Бунга қуруқликни тектоник жараёнлар таъсирида чўкиши ёки трансгрессия сабаб бўлади.

**Настуран - Настуран** - қ. *Уранинит.*

**Насыщение породой водой - Тоғ жинсларини сув билан тўйиниши** - т. ж. барча ғовакликлари, дарзликлари ва б. бўшлиқларининг сув билан тўлиши.

**Натёки - Оқмалар** — очик юзалар бўйлаб ҳаракатланувчи эритмадан чўкиндилар тушиб қолиши натижасида пайдо бўлувчи оқма м-л ҳосилалар. Булар ғорлар ичида, бўшлиқ жойларда уларга сизиб оқиб тушаётган сувларнинг бугланиши ва ундаги моддаларнинг чўкиндига тушишидан ҳосил бўлади. Бу тузилмалар

сталактит, сталагмит, буйраксимон ва шиша бошли концентрик-пўстлоқсимон шаклларда бўлади.

**Натрий - Натрий, Na** - М.д.с.нинг I-гурухига мансуб к.э. Ишқорий металл. Т.р. 11, ат.м. 22,9898. Битта табиий изотопи ( $\text{Na}^{23}$ ) бор. Масса жиҳатидан Ер пўстининг 2,64 % ини ташкил қилади. Табиатда фақат бирикма ҳолида учрайди. Уларнинг энг муҳимлари: галит (ош тузи), мирабилит, тенардит, криолит, бура ва б. Н.- кумуш каби оқ, юмшоқ металл, пичоқ билан кесилади. Зичлиги  $0,968 \text{ г/см}^3$ , суюқланиш ҳарорати  $97,83^\circ\text{C}$ , қайнаш ҳарорати  $882,9^\circ\text{C}$ . Н. авиация двигателларида, ядро реакторларида, махсус ёриткичларда, металлургияда, бирикмалари тиббиётда, қишлоқ хўжалигида, озик-овқат саноатида ва б. да ишлатилади.

**Натролит - Натролит** -  $\text{Na}_2[\text{Al}_2\text{Si}_3\text{O}_{10}]2\text{H}_2\text{O}$ . Кат. 5-5,5. Сол. оф. 2,20-2,26. Цеолитлар гуруҳига мансуб, оқ, сариқ, қизғиш, жигарранг, радиал нурсимон, ярим сферик агрегатни шишасимон, ипаксимон ялтирайдиган м-л. Ишқорли т. ж. лари ва уларнинг пегматитларида учрайди. Син.: берманнит, бревикит ва б.

**Натроотенит - Натроотенит** -  $\text{Na}_2[\text{UO}_2 | \text{PO}_4]_2 \cdot 8\text{H}_2\text{O}$ . Кат. 2-3. Сол. оф. 3,58. Отенитлар гуруҳига мансуб, лимонсимон сариқ рангли м-л. Шишасимон, садафсимон ялтирайди. Гранодиоритларда учрайди. Син.: натрометаотенит, нагрометаотунит.

**Натрофилит - Натрофилит** -  $\text{Na}(\text{Mn}^{2+} \text{ Fe}^{2+})[\text{PO}_4]$ . Кат. 4,5-5. Сол. оф. 5,41. Тўқ сарғиш рангли, донатор агрегатли м-л. Смоласимон ялтирайди. Гранитли пегматитларда ҳосил бўлади. Пегматитларда б. фосфатлар билан бирга учрайди. Син.: натрофилит.

**Натроярозит - Натроярозит** -  $\text{NaFe}^{3+}_3[(\text{OH})_6 | (\text{SO}_4)_2]$ . Сол. оф. 3,18. Сарғиш қизил, сарғиш кўнғир рангли, тангачасимон агрегатли м-л. Олмоосимон, ёғсимон ялтирайди. Колчедан конларининг оксидланиш зоналарида ҳосил бўлади. Син.: раймондит.

**Науманнит - Науманнит** - м-л.  $\text{Ag}_2\text{Se}$ . Кат. 2. Сол. оф. 7,8-8,0. Темирсимон қора рангли, донатор, пластинкасимон агрегатли м-л. Металсимон ялтирайди. Кварц-карбонатли томирларда клаусталитлар ва селенидлар билан бирга учрайди. Син.: селенсимон кумуш.

**Нафтиды - Нафтидлар** — углеводород газларини, конденсатларни ва уларнинг табиий ҳосилаларини (мальта, асфальт, озокерит ва б.) ўз ичига олган атам.

**Нафтоиды - Нафтоидлар** — табиий битумнинг алоҳида генетик гуруҳи. Т. ж. ларидаги органик моддаларнинг парчаланиши ва бевосита бугга айланиши жараёнида ҳосил бўлади. Н. пиронафтоид ва тектонафтоидларга бўлинади. Пиронафтоидлар органик моддаларга бой т. ж. ларига алоҳида иссиқ интрузия ва эритмалар (гидротермаллар) таъсиридан ҳосил бўлган маҳсулотлар ҳисобланади. Тектонафтоидлар шиддатли босим остида т. ж. ларидан битумли моддаларни сиқиб чиқаришдан ҳосил бўладиган маҳсулотлардир.

**Нафтология - Нафтология** — нефть (нафтидлар) ҳақидаги фан.

**Нашагит - Нашагит** —  $\text{Pb}_5\text{Au}(\text{Te}, \text{Sb})_4\text{S}_{5,8}$ . Кат. 1-1,5. Сол. оф. 7,35-7,46. Қорамтир, қўроғошинсимон, кулранг, баргсимон ва юпка донатор агрегатли м-л, металлсимон ялтирайди. Эпитермал ва мезотермал конларда олтин, теллуридлар, сульфидлар билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари: алтаит, сильванит, пирит, тел-



лур, кварц. Син.: надъягит, теллур ялтироги, баргсимон теллур маъдани.

**Невадит - Невадит** - микдор жиҳатидан асосий массадан кескин устун турувчи порфирли ажратмаларга бой нордон эффузив т. ж. ларига қўлланиладиган умумий атама.

**Нейтрон-гамма каротаж - Нейтронли-гамма каротаж** - бурғи қудуқларни радиоактив каротажлаш тури; т. ж. ларини нейтрон билан нурлантириш натижасида ҳосил бўлган нурланиш жадаллигини ўлчашга асосланган. Бу усул таркибида водород ва хлор бўлган т. ж. ларини, нефтли ва фовакли-сувли қатламлар ҳамда горизонтларни ажратishi имконини беради

**Некк - Некк** - устунсимон геологик жисм бўлиб вулққан бўғзини тўлдиради.

**Нектон - Нектон (сузувчи)** - сувли шароитда фаол ҳаракат қилиш қобилиятга эга бўлган сув ҳайвонлари (кит, балиқ, медуза ва б.).

**Нео . . . - Нео . . .** - янги ёки ёш маъносидаги қўшимча.

**Неоантропы - Неоантроплар** - инсон эволюцияси энг юқори босқичи вакили. Уларга ҳозирги кўринишдаги одамлар (*Homo sapiens*) киради. Улар палеолит даврида пайдо бўлган.

**Неогей - Неогей** - Ер ривожланишидаги Протогей деб аталувчи қадимги босқичдан кейинги иккиламчи йирик босқич. У палеозой, мезозой, кайназой эраларини ўз ичига олади.

**Неоген - Неоген** - неоген системаси ва даврининг қисқартирилган номи.

**Неогеновый период - Неоген даври, (N)** - кайнозой эрасига мансуб бўлиб, палеоген системасидан кейин ва антропогендан олдин туради. 25 млн. йил муқаддам бошланган ва 21,75 млн. йил давом этган. Н.с. миоцен ва плиоцен бўлимларига ажратилади.

**Неогеновая система - Неоген системаси** - кайнозой гуруҳининг пастдан иккинчи тизими, икки бўлимга ажралади: қуйи неоген- (миоцен), юқори неоген- (плиоцен). Дастлабки кезларда учламчи системанинг юқори бўлими, деб ажратилган. 1960 й. дан эътиборан мустақил система сифатида тан олинган.

**Неолит - Неолит** - палеолит даврдан ва бронза асрдан кейин келувчи, инсон маданияти даври тарихининг ривожланиши вақти.

**Неомагма - Неомагма** - таркибида гранит компонентлари бўлган ҳар қандай т. ж. нинг селектив эриши ёки анатексиси натижасида ҳосил бўлган гранитли магма.

**Неотектоника - Янги тектоника** - геотектониканинг тўртламчи давр давомида бўлиб ўтган тектоник ҳаракатлар натижасида пайдо бўлган структуралар.

**Неозлювий - Неозлювий (янги элювий)** - бўшоқ чўкинди т. ж. лари бўйича структуравий элювий.

**Нептунит - Нептунит** -  $\text{KNa}_2\text{Li} \cdot (\text{Fe}^{2+} \text{ Mn})_2\text{Ti} [\text{O} \{ \text{Si}_4\text{O}_{11} \}]$ . Кат. 5,5. Сол. оғ. 3,23. Пироксенлар гуруҳига мансуб, тўқ қизил, қора рангли м-л. Шисасимон ялтиради. Нефелинли сиенитларда ва пегматитларда учрайди. Йўлдош м-ллари: бенитоит, натролит. Син.: карлосит.

**Нерудные (нематаллические) полезные ископаемые - Номадан (нометалл) фойдали қазилмалар** - таркибидан металл ажратиб олинмайдиган ф. қ. ларининг кенг гуруҳи. Асосан т. ж. ҳосил қилувчи элементлар: Si, Al, Ca, Mg, Na, K, O, C, P, Cl, F ва б. м-ллардан

ташқил топади. Нометалл хом ашё тузилишида силикатлар, алюмосиликатлар, оксидлар, хлоридлар, фторидлар, сульфатлар асосий рол ўйнайдилар. Улар тоғ кимёси, электротехника, қурилиш, пьезооптика, изоляция, абразив саноатларида кўп ишлатилади.

**Несоғласие - Номослик** — қ. *Залегание несоғласное*.

**Несоғласие азимутальное - Азимутал номослик** - чўкинди ҳосил бўлиши танаффусидан кейин шаклланган устки қатламлар тағ қисмининг остки қатламлар ҳар хил горизонтларининг чегараларини кесиб ўтиши. Одатда майда масштабли хариталарда ва нисбатан йирик майдонларда яққол кўринади.

**Несоғласие вторичное - Иккиламчи номослик** — дисгармоник бурмаланиш, диапиризм, маълум бир томонга оғган қатламларнинг б. томонга оғган қатламга сурилиши, интрузияларнинг қуйидан кўтарилиб чиқиши натижасида чўкиндилар тўпланишининг тугашидан сўнг пайдо бўлган турли ёшдаги қалин қатламлар ёки бир хил ёшдаги қалин қатламлар ўртасидаги номослик.

**Несоғласие литологическое - Литологик номослик** — кесмаларда кўзга кўринмас стратиграфик ва тектоник номосликларсиз мураккаб т. ж. ларининг оддий т. ж. ларига (ва аксинча) кескин алмашинуви.

**Несоғласие локальное - Муайян номослик** — антиклиналларнинг гумбаз қисмида ёш чўкинди т. ж. ларининг қари т. ж. ларининг ювилиб кетган юзасига ётиши. Булар кўпроқ бурмаларнинг юқори (ўқи) қисмида учрайди.

**Несоғласие стратиграфическое - Стратиграфик номослик** — чўкинди т. ж. лари ҳосил бўлишида уларнинг ёш тартибидаги номослик.

**Несоғласие структурное - Структуравий номослик** — қадимги қатламларнинг букилмаларга айланган, ювилган устки қисмларида ёшроқ қатламларнинг ётиши.

**Несоғласие тектоническое - Тектоник номослик** — илгари ётқизилган қалин қатламларнинг структурасининг бир қисмини иккинчи қисмига: сурилма, узилма, шарьяж турида сурилиши натижасида ҳосил бўлади. «*Несоғласие эпигенетическое, несоғласие угловое вторичное*» атамасининг синоними.

**Несоғласие угловое - Бурчакли номослик** - тексисликка нисбатан қия бурчак остида ётган қадимий т. ж. лари устига б. бурчак билан ёш т. ж. ларининг ётиши.

**Нефелин - Нефелин** -  $\text{KNa}_3[\text{AlSiO}_4]_4$ . Кат. 5,5-6. Сол. оғ. 2,56-2,66. Алюмосиликатлар м-ли. Кремнекислотага тўйинмаган ишқорли магматик т. ж. ларига хос м-л. Бундан ташқари у регионал метаморфизм ривожланган минтақаларда ҳам кўпроқ тарқалган. Ранги сарғиш бўзранг, яшилсимон гўштсимон-қизил, ёғсимон ялтиради. Йўлдош м-лари: эгирин, албит, микроклин, содалит, цеалитлар, титанит, ильменит, апатит, биотит, эвдиалит, астрофилит. Син.: элеолит, псевдосоммит.

**Нефелинизация - Нефелинланиш** - ўта асосли т. ж. ларининг асосан пироксенитларнинг метасоматик ўзгаришларининг нефелин - пироксенли т. ж. ҳосил қилувчи гипотетик жараёни.

**Нефелинит - Нефелинит** — дала шпати қисман ёки мутлақо бўлмаган, асосан пироксен ва нефелиндан иборат афанитли ёки порфиритли т. ж.

**Нефелиновый сиенит - Нефелинли сиенит** - тўлиқ

кристалланган ишқорли интрузив т. ж. Таркибида асосан ишқорли дала шпатлари (ортоклаз, микроклин, микропертит, анортоклаз, альбит) 65-70 % нефелин ўртача –20 %, рангли м-ллар, ишқорий металлларга нисбатан бой биотит, ишқорли пироксен (эгирин) ва амфибол (керсутит) бор. Акцессор м-ллардан циркон, сфен ва апатитлар мавжуд. Н. с. да нефелин миқдори ўзгарувчан, ички тузилиши донадор гипидиоморф кўринишда.

**Нефрит - Нефрит** -  $\text{Ca}_2(\text{Mg,Fe})_5(\text{OH})_2[\text{Si}_8\text{O}_{22}]$ . Қат. 5,5-6,5. Сол.оғ.3,0. Зангори рангли, ёғсимон ялтирайдиган м-л. Актинолитнинг зич яширин кристалли тури. Тремолит, актинолит ва антофиллитга ўхшаш осон ишлов бериладиган зийнат тош. Чигал толали кристаллардан тузилган масса. Син.: жад, пунаму тоши.

**Нефти метано-нафтеновые - Метан-нафтенли нефтлар** — таркибидаги ароматик углеводородлари метан ва нафтен углеводородларига нисбатан кам бўлган нефть. М. н. н. да олий фракцияли парафиннинг миқдори метанли нефтдагидан кам бўлади.

**Нефти метановые - Метанли нефтлар** - нефтнинг дистиллат қисмида (мўътадил атмосфера босимида 550°C ҳароратда ажраладиган қисми) 50 % гача метан углеводородлари бўлган тури. Одатда нафтен углеводородлари миқдори 30 % дан кам, қаттик парафин 1,5-10,0 %, смола ва асфальтенлар 5-6 % гача бўлади.

**Нефть - Нефть** - суюқ каустобиолит (каустос — ёнувчи, биос-ҳаёт, литос-тош) — ёнувчи қазилма бойлик. Нафтидлар қаторининг биринчи вакили бўлиб, у ер қаърида ва юзасида кўчиб юриш хусусиятига эга. Н. нинг зичлиги 0,73 дан 1,04 гача ўзгариб туради. Қайнаш ҳарорати +20-100°C ва ундан юқори; қотиш ҳарорати (+23°)- (-60°C); иссиқлик сизими 1,7-2,1 КДЖ (кг.ж.); 50°C да Н. нинг ёпишқоқлиги 0,002-0,55 см<sup>2</sup>/с га тенг. Н. нинг ўртача таркиби (оғирлик % /молекуляр); углерод — 85,0/34,3; водород-13,5/65,3; ксилород — 0,7/0,21; азот — 0,3/0,1; олтингурут — 0,5/0,09.

**Нефть вторичная - Иккиламчи (сизиб ўтган) нефть** — нефтнинг биринчи ҳосил бўлган жойидан кўчиб ўтиб, иккинчи бир б. жойда тўпланиши.

**Нефть “мёртвая” - «Улик» нефть** - таркибида эриган газлар бўлмаган ва чекка сувлар босими остида бўлмаган қатлам-коллектордаги нефть.

**Нефть первичная - Бирламчи нефть** — дастлаб ҳосил бўлган ётқиқликларда сақланиб қолган нефть.

**Нефть пластовая - Қатлам нефти** — нефтли қатламдаги суюқ ва газсимон углеводородлар. Қатламнинг ҳарорати ва босимининг ўзгаришига қараб бир фазага суюқлик ёки икки фазага (суюқлик ва газ кўринишида) бўлиши мумкин.

**Нивация - Нивация** — қор эрозияси. Қор қатламининг т. ж. ларига таъсири; музлаши, нураши жараёни кучли ривожланган қор чизиги атрофидаги минтақаларда кузатилади.

**Низкий альбит, низкий полевой шпат - Қуйи альбит ва қуйи дала шпати** - паст ҳароратли, ўзига хос структуравий кристаллашган дала шпати м-ллари. Улар чуқур ва ўта чуқурликда ҳосил бўлган т. ж. ларида учрайди.

**Низкогорья - Паст тоғликлар** - қ. *Рельеф низкогорный*.

**Низменность - Пасттексик** - Ер сатҳи рельефи-

нинг энг паст (чуқур бўлмаган) гипсометрик поғонаси бўлиб, унинг мутлақ баландлиги 200 м дан ошмайди. Уларнинг майдони текис, ёш т. ж. лари билан қопланган горизонтал ҳудудларни ташкил этади.

**Низовья - Дарёларнинг қуйи оқими** - а) дарё ўзани текис, сув оқими оҳиста аллювиал йўл билан ҳосил бўлган т. ж. лари кенг тарқалган Дельта билан тугаланади. б) дарёнинг қуйи қисми водий дарёнинг юқори қисмига қараганда бир мунча турғун рельеф ҳосил қилади. Юқори қисми эса эрозия жараёни кенг тарқалганлиги билан тавсифланади.

**Никелин - Никелин** - NiAs. Қат. 5-5,5. Сол. оғ. 7,5-8. Никель м-ли. Гидротермал Ag-Bi-U-Co-Ni конларида (5 элементли формация) да ҳосил бўлади. Кўпгина миқдорда ҳол-ҳол ёки яхлит масса шаклида учрайди. Ранги оч-мис қизил; металл каби ялтирайди. Нураш жараёнида Н. ҳисобига оч яшил рангли м-л- аннабергит-  $\text{Ni}_3[\text{AsO}_4] \cdot 8\text{H}_2\text{O}$  ҳосил бўлади. Син.: никколит, колчедан, кникелли қизил купфер-никель.

**Никель - Никель, Ni** - М.д.с.нинг VIII-гуруҳига мансуб к.э. Т.р. 28, ат.м. 58,69. Табиий Н. 5 та барқарор изотоп-Ni<sup>58</sup>(67,88 %), Ni<sup>60</sup>(26,23 %), Ni<sup>61</sup>(1,19 %), Ni<sup>62</sup>(3,66 %) ва Ni<sup>64</sup>(1,04 %) аралашмасидан иборат. Масса жиҳатидан Ер пўстининг 8·10<sup>-3</sup> % ини ташкил қилади. Н. нинг 50 дан ортиқ м-ли маълум. Пентландит, миллерит, никелин, гередорфит, ульманит м-ллари ҳолида ва б. металлларнинг сульфидларига аралашган ҳолда учрайди. Н.- кумуш каби оқ, ялтироқ металл. Саноатда б. металллар билан қотишмалар ҳолида ишлатилади. Н. нинг талайгина миқдори ишқорли аккумуляторлар, қопламалар, қувурлар учун кетади, кимё саноатида кенг фойдаланилади.

**Никельгексагидрит - Никельгексагидрит** - Ni [SO<sub>4</sub>] · 6H<sub>2</sub>O. Сол. оғ. 2,1. Ni қисман Mg ва Fe билан аралашган м-л. Н. буйраксимон, донадор, пўстлоқсимон, оқма шаклида, кўк-яшил рангли агрегат бўлиб, тоғ қазилма иншоатлари деворларида учрайди.

**Николь - Николь** - “призма Николя” атамасининг синоними.

**Нимия - Нимия** - катта географик минтақадаги очик шельф, дарё ўзани, саҳро, тоғ тизмалари ва б. фациялар мажмуи.

**Ниобий - Ниобий, Nb** - М.д.с.нинг V-гуруҳига мансуб к.э. Т.р. 41, ат.м. 92,9064. Битта табиий изотопи бор (<sup>93</sup>Nb). Н. Ер пўстининг масса жиҳатидан 2·10<sup>-3</sup> % ини ташкил этади. М-ллари 2 гуруҳга бўлинади: тантал-ниобатлар ва титан-тантал-ниобатлар. Саноат аҳамиятига лопарит, ниобит, пироклорлар эга. Н.-кулранг металл. Зичлиги 8,57г/см<sup>3</sup>, суюқланиш ҳарорати 2477°C, қайнаш ҳарорати 4760°C. Н. дан пўлатни легирлашда, коррозияга чидамли, оловбардош юқори сифатли пўлат олишда қўлланилади.

**Нифонтовит - Нифонтовит** - Ca<sub>3</sub>V<sub>6</sub>O<sub>6</sub> (OH)<sub>2</sub> · 2H<sub>2</sub>O. Қат. 3,5. Сол. оғ. 2,36. Рангсиз, жилоси шишасимон, скармли конлардаги гранат ёнида томир ёки ҳошия шаклида учрайдиган м-л. Йўлдош м-ли: андрадит.

**Ниша - Токча** - т. ж. лари қатлами ёки яхлит бўлаги чиқиб турган жойларда вужудга келган ва унча чуқур бўлмаган ковак, тешик ва чуқурчалар.

**Новакулит (Арканзасский камень) - Новакулит (Арканзас тоши)** — махсус техник хусусиятларга эга бўлган, кремний т. ж. нинг тури. Нозик кварц кристалларидан ташкил топган, зич жойлашган, бир хил крип-токристалл структурали оқ рангли кремний т. ж. Струк-

тураси ўлчамлари 1,5-3 мкм лик кварц зарраларининг тартибсиз йўналишида жойлашишидан ташкил топган. Бундай структура “новакулитли структура” деб аталган. Кремнийли сланецлар Н. лар турига кириб, улардан чарх тошлари сифатида фойдаланилади.

**Новачекит - Новачекит** -  $Mg [UO_2] AsO_4 \cdot 12H_2O$ . Кат. 2-2,5. Сол. оғ. 3,13. Сарик рангли, тангачасимон агрегатли, уранли слюдалар турига кирувчи м-л. Уран конларининг оксидланган зонасида цейнерит, ураноспинит, трегерит ва б. лар билан бирга учрайди.

**Новосадка - Новосадка** - маълум мавсумларда туз кўли ётқизиклари устида кристалланган туз. Кристаллиниш мавсуми 3 га бўлинади: 1) ёзги — буғлиниш мавсуми; 2) кузги - кўл сувининг совиши ва 3) қишки — музлаш мавсуми. Мавсум режимининг ўзгариши Н. нинг эриб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Н. нинг қалинлиги бир неча см бўлиб, айрим туз ҳавзаларида асосий ўзлаштирилувчи маҳсулот ҳисобланади.

**Нозеан (Нозелит) - Нозеан (Нозелит)** -  $Na_8[SO_4]_6(AlSiO_4)_6$ . Кат. 5-6. Сол. оғ. 2,3-2,4. Оч ҳоворангдан тўқ ҳаворанггача кул рангли, жигарранг, ширасимон, ёғсимон ялтирайдиган, донадор агрегатли м-л. Эффузив ва томир ишқорли таркибли т. ж. ларда учрайди. Йўлдош м-ллари: нефелин, лейцит, гаюин, авгит, дала шпати. Син.: нозелит, нозин, носин, шпинеллан.

**Нозеанит - Нозеанит** - нозеанга бой бўлган нефелинли базальт.

**Ноланит - Ноланит** —  $Fe_3^{3+}, Ti, V_2^{4+}, V_3^{5+} O_8$ . Кат. 5. Сол. оғ. 4,65. Шуъласимон нури, қобиқсимон, қора рангли м-л. Жилоси хира. U-V конларида U смоласи, сульфидлар, карбонат, кварц ва б. лар билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари: гематит, халькопирит. Йўлдош м-ллари: опал, ҳалцедон, каолинит, лимонит. Син.: моренсит.

**Номенклатура бинарная - Бинар номенклатура** - ботаника, зоология ва палеонтологияда қабул қилинган, ҳайвон ва ўсимлик турларини номлаш усули.

**Номенклатура стратиграфическая - Стратиграфик номенклатура** - стратиграфик бўлинмаларнинг умумий номи. С.н. географик, умумгеологик-петрографик ва б. номенклатуралардан анча фарқ қилади. С. н. бу соҳадаги ҳар хилликларни бартараф этиш, ноқонуний стратиграфик номларни муомаладан чиқариб ташлашни қатъий талаб қилади. Энг муҳими, қонуний стратиграфик номларнинг асил ҳолича сақланишини таъминлайди.

**Номенклатура топографических карт - Топографик хариталар номенклатураси** - хаританинг айрим варақларини белгилаш ва рақамлаб, тартибга солиш, тизимлаш. МДХда асосан 1:1000000 масштабдаги харита варақасининг номенклатураси ва халқаро графалаш қабул қилинган. Бунда ер юзасининг тасвири параллел чизиқлар билан узунлик бўйича минтақаларга ва меридиан чизиқлар билан узунлиги бўйича 60 дан ортиқ устунларга бўлинади. Минтақалар ҳисоби экватордан бошланади ва лотин алифбосининг бош харфлари билан алифбо бўйича белгиланади. Устунлар ҳисоби ғарбда Гринвич бўйича 180° узунлиқдаги меридиандан шарққа томон арабча сонлар билан белгиланади. Мас.: Москва шаҳрининг миллионли варақининг номенклатураси N-37. 1:1000000 масштабдаги хаританинг 144 варағи 1 дан 144 гача бўлган арабча сонлар билан белгиланади. 1:100000 масштабдаги харита ва рақамларининг номенклатураси 1:1000000 масштабдаги хаританинг ва-

рақасига мос. 1:100000 масштабдаги хаританинг номенклатураси 34-65 билан белгиланади. 1:50000 масштабдаги харита варақларининг номенклатураси 1:100000 масштабдаги харита варақларининг номенклатураларидан А,Б,В,Г, (Масалан:N-37-65-Г) харфлар қўшилган ҳолда ташкил топади. 1:50000 масштабдаги хаританинг бир варағи 1:25000 масштабдаги хаританинг тўртта варағидан иборат бўлиб, 1:50000 масштабдаги харита номенклатурасига мос ҳолда а,б,в,г, (мас.:N-37-65-Г-б) харфлар қўшиб белгиланади. 1:10000 масштабдаги хаританинг номенклатураси худди шунга ўхшаш, 1:25000 масштабдаги хаританинг номенклатурасига 1,2,3,4, қўшиб белгиланади. (мас.; :N-37-65-A-a-4) ва ҳ.к.

**Номограмма - Номограмма** - бир неча ўзгарувчан кўрсаткичлар ўртасидаги функционал боғлиқликни ифодаловчи чизма.

**Нонтронит - Нонтронит** -  $Fe_2^{3+}[(OH)_2AlO_{10}Si_{3,67}O_{10}]^{0,33} \cdot Na_{0,33}(H_2O)_4$ . Кат. 1-2. Сол. оғ. 2-3. Монтмориллонит гуруҳига мансуб, сомонсимон сарик, сарғишкўк, кулранг-кўк рангли, сферолитсимон агрегатли, ёғсимон хира ялтирайдиган гилли м-л. Ўта асосли т. ж. ларининг нурашидан ҳосил бўлади. Хромнонтронит, алюмононтронит турлари мавжуд.

**Норит - Норит** - габбро т. ж. си тури бўлиб, асосий рангли м-ли моноклин пироксен ўрнига ромбик пироксендан иборат.

**Норма осушения - Қуритиш меъёри** - қишлоқ хўжалиги экинларининг ривожланиши, шаҳарлар, саноат корхоналарининг қурилиши учун захи қочириладиган ҳудудларда грунт сувлари сатҳининг зарурий пасайтириш катталиги.

**Нормативный минерал - Меъёрий минерал** - турли м-лларнинг назарий идеал таркибига мос келувчи бирикма. Уларни ҳар бири назарий таркибига мос келувчи м-л номи билан юритилади. Меъёрий м-л кимёвий таркибини маълум бир меъёрий ҳисоблаш тизими бўйича аниқланади. Ҳисобланган таркибли м-л табиатда т. ж. ларида учрамадлиги мумкин. Қ. *Минерал стабильный.*

**Нормы водопотребления - Сув истемол қилиш меъёри** - инсоннинг яшаши ва хўжалик фаолиятини юритиши учун зарур бўлган л/сек, м<sup>3</sup>/сут. ёки м<sup>3</sup>/соатда ифодаланган минимал сув миқдори. Бу миқдор 1 киши учун, ишлаб чиқаришда бир бирлик маҳсулот учун, қишлоқ хўжалигида бир бирлик майдон учун, чорвачилиқда эса бир бош мол учун ҳисобланади.

**Нормы качественного состава вод - Сувларнинг сифат таркиби меъёрлари** - ичимлик ёки хўжалик мақсадларида фойдаланиладиган сувларнинг бирлик ҳажмидаги руҳсат этилган физик ва кимёвий аралашмалар (газсимон-органик моддалар, м-ллар) миқдори кўрсаткичлари.

**Норсфильдит - Норсфильдит** - т. ж. , таркиби 88 % - кварц, 9 % - мусковит, 3 % - биотит, актинолит, апатит, циркон, турмалин ва маъданли м-ллардан иборат. Н. нинг йирик донадор тури томирли кварц, майда донадори эса — кварцит. Н. гранитли магманинг парчаланишидан ҳосил бўлган ўта нордон т. ж. маҳсулоти деб қаралади.

**Нуклеарный этап - Нуклеар босқич** - Ернинг ривожланишидаги дастлабки босқич.

**Нумерация геологоразведочная - Геологик қидирув ишларидаги рақамлаш** - т. ж. ларининг ҳар

бир табиий очилмалари, тоғ-қазилма иншоотлари, бурғи қудуқлари, намуналар ва б. ларни бир-биридан ажратиш мақсадида бериладиган тартиб рақами. Бунда ҳар бир ишнинг тури ўзига хос белги билан ажратилиб, мустақил рақам билан белгиланади. Мас. С-15 (скв.15) ва ҳ.к.

**Нумерация природных вод - Табиий сувларга тартиб рақами бериш** - Толстихин квадрат графикада ифодаланган сувларнинг кимёвий таркиби бўйича эгаллаган ўрни рақами.

**Нуммулиты - Нуммулитлар** - кўндаланг кесими 10 см. гача бўлган, саёз сув ҳавзаларида яшовчи фораминифералар. Чиганоғи оҳақтошли тангасимон, икки томонлама симметрик шаклдан иборат. Эоцен даврида кенг тарқалган бўлиб, аксарият т. ж. ҳосил қилувчи организмлардир.

**Обвал - Кулаш** - тоғ ён бағрининг табиий қиялигидан катта қиялик ҳосил қилиб ётувчи қоя т. ж. ларининг ўз мустақамлигини йўқотиб гравитацион кучлар таъсирида пастга қулаши. Қулаш ҳодисасини нураш, эрозия, абразия, сейсмик жараёнлар юзага келтиради.

**Обвалование - Тўсиқланмоқ** - атрофдаги сув ҳавзаларини сув билан тўйинишининг олдини олиш мақсадида тупроқсимон массалардан эгиладиган девор (марза).

**Обводненность месторождений - Конларнинг сувлилиги** - тоғ-кон иншоотларига оқиб келувчи ер ости сувлари миқдорини тавсифловчи кўрсаткич.

**Облако пиниеобразное - Соябонсимон булут** - вулкан отилиб чиқиши даврида кузатиладиган, узоқдан пини дарахтига ўхшаш, тепаси соябон каби кенгайган қора булутни эслатувчи кўриниш ҳосил қилувчи булут. Бу булут кенгаювчан газ ва вулкан жинслари бўлакларидан иборат бўлади.

**Область абиссальная - Абиссал область** - океан ва денгизларнинг чуқур қисми бўлиб, у ерларда мослашган фауналар яшайди. А. о. туби ясси, қозонсимон бўлади. Гоҳида сувости тоғликлари ҳам ҳосил бўлади. Унинг юқори чегараси тахминан 3000 м. қалинликдаги сув остида ётади. А. о. лар сувининг ҳарорати ва шўрлигининг бир хилда сақланиши ва катта гидростатик босимга эгалиги билан фарқланади.

**Область аномальная - Аномал область** - катта майдонларда тарқалган бир хил физикавий кўрсаткичларга ва умумий геологик табиатга эга бўлган бир нечта аномалия районларини, зоналарини бирлаштирувчи регионал геофизик система. Уларнинг намоён бўлиши майдонининг ўлчами металлогеник провинциялар ва областлар билан қиёсланиши мумкин.

**Область аридная - Арид области** - ёғин-сочинлар миқдори буғланишдан бир неча маротаба кичик бўлган қуруқ иқлимли майдон А. о. ларда физик нураш, тупроқларда, грунтларда ва грунт сувларида тузларнинг тўпланиши, зол, вақтинча оқар сувлар билан боғлиқ жараёнлар кучли ривожланган бўлади.

**Область артезианская - Артезиан областлари** - у ёки бу даражада ўзаро боғланган артезиан ҳавзалар системаси.

**Область влияния - Таъсир этиш области** - 1. Т. ж. лари массивидаги тоғ иншоотларини ўраб турувчи, улар кавлаб ўтилганда зўриқишлар қайта тақсимланувчи область. 2. Гидрогеологияда- ер ости сувларини ўзлаштирилишини сувли т. ж. ларига таъсир кўрсатиши об-

ласти.

**Область геоструктурная - Геоструктурный область** - Ер қобиғининг асосий структуравий элементи. Ушбу структуравий бирикма океан ва материклар платформалари, геосинклинал ва тоғ ҳосил қилувчи жараёнлар кечаётган ороген областлар киради.

**Область геохимическая - Геохимический область** - Ер қобиғида айрим элементларнинг бирор геосферадаги ўртача кларкидан юқори миқдорда тўпланган майдонлари. Буларга маъдан майдони, маъданли туғун ёки области мисол бўлади.

**Область гидрогеологическая - Гидрогеологический область** - энг катта гидрогеологик структура. У артезиан ва бурмали гидрогеологик турдаги областларга бўлинади.

**Область дренажа подземных вод - Ер ости сувлари дренажи области** - сувли т. ж. ларига дренажнинг таъсир этиш майдони.

**Область инженерно-геологическая - Муҳандислик геологияси области** - муҳандислик геологик шароитлари бир-бирига яқин бўлган регионнинг йирик бўлаги.

**Область инфильтрации - Инфильтрация области** - сувли т. ж. лари тарқалиш майдонининг ёғин-сочин ва ер усти сувлари т. ж. ларида сизиладиган (инфильтрацияси) кузатилаётган қисми.

**Область металлогеническая - Металлогеник область** - одатда юзлаб минг км<sup>2</sup> худудга эга, маъданлашув намоён бўлиши, геологик ривожланиш тарихида хусусийликларга эга ўз ахамиятига кўра металлогеник зонага ўхшаш, лекин шаклан яққол чўзилишга эга бўлмаган майдон.

**Область нефтегазоносная - Нефть - газли область (НГО)** - нефть - газли ҳавзаниннг бир қисми бўлиб, геологик тузилиши, геологик ўзгаришлари ва нефть - газ ҳосил бўлиши шароитлари умумий бўлган бир неча туташ нефть - газли зоналарни ўз ичига олади. НГО чўкинди қопламаниннг ҳосил бўлиши, худуднинг геологик тузилиши, ривожланиш тарихи ҳамда нефть ва газларнинг ҳосил бўлиши ва тўпланиши шароитларининг умумийлиги билан ажралиб туради.

**Область нулевой седиментации - Чўкинди ҳосил бўлмайдиган худуд** - стратиграфик кесмада бундай участка танафус фазаси сифатида намоён бўлади. Бундай фазада нураш қобиқлари, конкрецияларнинг қалин тўплamlари, Fe, Al, Mn ф. қ.лари ва қобиқлари ҳосил бўлади.

**Область орогенная - Ороген области** - Ер қобиғининг мустақил ва катта структуравий элементи. Платформа ва геосинклиналлар ривожланишининг ўзига хос босқичида шаклланади. Улар моласс формацияси ва магматизми билан тавсифланади.

**Область питания, разгрузки водоносного горизонта - Сувли горизонтнинг тўйиниш, сарфланиш областлари** - сувли горизонтни ташкил этувчи т. ж. ларининг ер юзига чиққан қисми "тўйиниш области" дейилади. Тўйиниш областида атмосфера ёғин-ларини, ер сатҳи сувларини ва б. сувларни т. ж. шимилиши натижасида сувли қатлам ҳосил бўлади.

Сувли горизонтнинг дарё водийлари, жарликлар, зовурлар билан кесилган жойларидан сув ер юзасига сизиб чиқиб булоқлар ҳосил қилади. Бундай жойлар “сарфланиш области” деб аталади.

**Область платформенная - Платформа области** - Ернинг нисбатан кам ҳаракатдаги текислик ва плато шаклидаги геоструктуравий қисми. Улар кўпинча икки ярусли: остки ярус бурмаланган ёки кристалл асосдан, устки яруси эса горизонтал текис рельефли ётқизиқлар қатламларидан ташкил топган бўлади.

**Область разгрузки - Сарфланиш (бўшаниш) области** - сувли горизонтлар сувларининг ер юзасига чиқиши билан ер ости сувларини сарфланиши кузатиладиган майдон.

**Область солянокупольная - Туз гумбазли область** - Ер пўсти қадимий ва замонавий континентал блокларининг сустривожланган қисмларида учрайди. Туз қуббаси остидаги ётқизиқлар мажмуаси перикратон эгилма туридаги структураларда пайдо бўлган ҳосилалардан иборат. Бундай ётқизиқларнинг устки қисми кучсиз қатламланган бўлиб, унинг устига тузли жинслар ётқизилган. Бу ётқизиқларнинг кейинчалик деформацияланишидан бир-биридан кескин фарқ қиладиган структуралар (туз гумбазлари, туз кўтарилмалари ва ҳ.к.) ҳосил бўлади. Туз қуббаси устидаги ётқизиқлар мажмуаси ҳосил бўлаётган тузли структуралар таъсирида ривожланади. Қоплама чўкинди билан қопланган Т. г. о. у ёки бу даражада нефть ва газ қатламлари, туз остидаги ва туз устидаги ётқизиқлар мажмуасида учрайди.

**Область ультраабиссальная - Ультраабиссаль область** - океанларнинг сувости тарновларига тўғри келадиган, 6000 м. дан ортиқ бўлган энг чуқур қисми. Бу жойлардаги сувлар ўзининг турғун ҳарорати, фауналари, шўрлиги, юқори босими (600-1100 атм) билан ажралиб туради.

**Облик - Ташқи кўриниш** - минералогия ва кристаллографияда-кристалларнинг кристаллографик шакллар тараққий топиши билан боғлиқ умумий ташқи кўриниши. Кристаллар таснифи уларнинг асосий учта ўқлари ўлчамларининг ўзаро натижасига қараб ажратилади: а) учта ўқнинг ўлчами бир-бирига яқин бўлса-изометрик; б) иккита ўқнинг ўлчами бир-бирига яқин, учинчиси узун бўлса-устунсимон, призмасимон, игнасимон, толасимон; в) иккита ўқнинг ўлчами бир-бирига яқин, учинчиси калта бўлса — жадвалсимон, қалин пластинкасимон, варақсимон, кўндаланг кесимли ва тангасимон шаклларга (тасниф бирликларига) ажратилади. Кристалларнинг ҳамма ўқлари бир-биридан фарқ қилса — дисксимон турга киради. Булардан ташқари сингенетик белгиларига қараб кристаллар: куб, дипирамидал, октаэдрик, ромбик ва б. шаклларга ҳам ажратилади. Кристалларнинг ташқи кўриниши уларнинг диагностика белгиси бўлиб, ҳосил бўлиши ҳақида маълумот беради.

**Обломочные месторождения - Чақиқ конлар** - қ. *Месторождение обломочное.*

**Обломочные (кластические, кластогенные) породы - Чақиқ (кластик, кластоген) тоғ жинслари** - илгари мавжуд бўлган туб т. ж. ёки маъданларнинг майдаланишидан ҳосил бўлган бўлақлардан ташкил топган т. ж.

**Обманка мышьяковая жёлтая - Сарик маргимуш алдоқчиси** - “*Аурипигмент*” м-лининг синоними.

**Обнажение - Тоғ жинсларининг очилмаси** - т. ж. ларининг Ер юзасига табиий ёки сунъий очилма сифатида чиқиб ётиши.

**Обо - Гумбаз** - дўнглик, тепалик. Узоқдан яхши кўринадиган яқка дўнглик, баландлик.

**Обогатимость - Бойитилиш** - ф. қ. нинг бойитилишга мойиллиги. Маъдандан ф. қ. ни ажратиб олиш кўрсаткичи, концентратдаги компонент миқдори ва 1 т маъданни бойитишга кетган харажат билан белгиланади.

**Обогатительная фабрика - Бойитиш фабрикаси** - саноатда фойдаланиш учун яроқли ва техник жиҳатдан қимматбаҳо бўлган маҳсулотларни ажратиб олиш мақсадида қаттиқ ф. қ. лар дастлабки қайта ишланадиган тоғ-кон корхонаси.

**Обогащение полезных ископаемых - Фойдали қазилмаларни бойитиш** - ф. қ. ларни кераксиз қўшимчалардан тозалаш, кўп компонентли маъданлардан м-лларни ажратиш, маъдан сифатини саноат талабларига жавоб берадиган ҳолга келтириш. Ф. қ. б. халқ хўжалигида м-л хом ашёларни исроф қилмасдан олишда ва таннархини камайтиришда катта аҳамиятга эга.

**Обогащение руды - Маъданни бойитиш** - маъданлардаги, оз миқдорда бўлган фойдали компонент (металл) миқдорини кўпайтириш, тегишли меъёрга келтириш ва софлаш мақсадида уларга ишлов бериш.

**Оболочка географическая - Географик қобик** - бунга Ер шарининг ер пўсти юқори қисми, атмосферанинг куйи қатлами (тропосфера, стратосферанинг бир қисми), гидросфера, ўсимлик ва хайвонот дунёси. тупроқ қатлаמידан иборат комплекс қобиги. Г. қ. Ернинг б. қобикларидан ўзида кечадиган жараёнларнинг космик ва ернинг ички омиллари таъсирида рўй бериши билан фарқ қилади. Фақат Г. қ. да органик материя мавжуд бўлиб, унда ҳаёт мавжуд.

**Оболочка силикатная - Сил қобиги** - Ер пўстининг ташқи қобиги. Таркиби кўпроқ кремний ва алюминий мавжуд бўлган т. ж. ларидан иборат.

**Оборудования бурильные - Бургилаш жиҳозлари** - бургилашда ишлатиладиган турли асбоб-ускуна ва қурилмалар (бургилаш асбоби, болғаси, коронкаси, қурилмаси, бургилаш минораси ва б. лар).

**Обработка камня абразивная - Тошга абразив ишлов бериш** - тошларни талабларга мувофиқ шаклга, ўлчамга ва фактурага келтириш.

**Обработка полезного ископаемого - Фойдали қазилмаларга ишлов бериш** - бойитиш, металлургик қайта ишлаш ёки саноатда ишлатиш учун ф. қ. ларни саралаш, қуриштириш, майдалаш ва б. лар.

**Обработка проб - Намуналарга ишлов бериш** - т. ж. ёки маъданни тадқиқотга тайёрлаш мақсадида майдалаш, элаш, аралаштириш, қисқартириш ва ҳ.к.лардан иборат жараёнлар.

**Образец - Намуна (кичик намуна)** - т. ж. ёки тошга айланган организм қолдиқларининг очилма, монолит ёки керндан олинган бўлаги.

**Образования вулканогенные подводные - Сувошти вулкан ҳосилалари** - “*Продукты подводных извержений*” атамасининг синоними.

**Обрыв - Тик жар** - ён қирғоқлари тик, катта қияликка эга, янги тектоник ҳаракатлар, абразия, эрозия жараёнлари натижасида ҳосил бўлган рельеф элементи.

**Обсидиан - Обсидиан (вулкан шишаси)** - тарқоқ ҳолдаги гематит кули ҳисобига қорамтир рангга эга

бўлган т. ж. Кимёвий таркиби ҳар хил бўлиб, одатда кўпроқ нордон т. ж. ларига (липаритларга) мос келади.

**Обстановка (среда) рудоотложения - Маъданлашишнинг (муҳити) шароити** - маъданлашув жойидаги тектоник ва физик-кимёвий шароитлар, т. ж. ларининг литологик-петрологик ва кимёвий таркиби.

**Обстановка осадкообразования геохимическая - Геохимёвий чўкинди ҳосил бўлиши шароити** - чўкинди ҳосил бўлиши ва унинг диагенези жараёнидаги кимёвий шароит.

**Обстановка осадкообразования физико-химическая - Чўкинди ҳосил бўлишининг физик-кимёвий шароити** - чўкинди учун хос бўлган физик-кимёвий ( $\rho_H$ ,  $\rho_N$ , шўрлик, қисман ҳарорат ва босим) ва б. шароитлар.

**Обстановка рудоотложения палеогеографическая - Маъданлашишнинг палеогеографик шароити** - маъданлашиш шаклланган геологик даврнинг табиий-географик ва биокимёвий шароитлари.

**Обстановка рудоотложения фаціальная - Маъданлашишнинг фациал шароити** -

қ. *Обстановка рудоотложения палеогеографическая.*

**Общая трещиноватость - Умумий дарзлилик** - қ. *Трещиноватость общая.*

**Общие колебания земной коры - Ер қобиғининг умумий тебраниши** - геосинклинал ва платформаларни ўз ичига олган кенг майдондаги вертикал ҳаракатлар. Танаффуслиги, даврийлиги ва қайтарилиши билан тавсифланади. Бошланғич тор маънода “Эпейрогенез” атамасига яқин.

**Объект разведки - Қидириш объекти** - геология қидириш ишларини ўтказиш учун ажратилган, саноат аҳамиятига молик микдордаги ф. қ. заҳираларини аниқлаш мақсадида иш олиб бориладиган кон майдони. Илгари қидириш ишлари олиб борилган, лекин саноат талабига кўра балансдан четда қолган конлар майдони ҳам шу жумладандир.

**Объем геологический - Геологик ҳажм** - метасоматик контракциялар (ўзгаришлар) ва зичланиш жараёнларига учрамаган т. ж. нинг ҳажми.

**Объемная влагоемкость - Ҳажмий нам сифими** - қ. *Влагоемкость объемная.*

**Объемная влажность горной породы - Тоғ жинсининг ҳажмий намлиги** - т. ж. ғовақлари, ёриқлари ва бошқа бўшлиқларидаги сув ҳажмининг т. ж. нинг бутун ҳажмига фоизларда ифодаланган нисбати.

**Объемная деформация породы - Тоғ жинсининг ҳажмий деформацияси** - қ. *Деформация породы объемная.*

**Объемный вес - Ҳажмий оғирлик** - қ. *Вес объемный.*

**Оверит - Оверит** -  $\text{CaMgAl}[(\text{OH}) \mid (\text{PO}_4)_2] \cdot 4\text{H}_2\text{O}$ . Қат. 3,5-4. Сол. оғ. 2,53. Оч яшил рангли, субпараллел агрегатли м-л. Фосфорит конларида учрайди. Йўлдош м-ли: варисцит.

**Овраг - Жарлик** - юмшоқ т. ж. лари тарқалган адир-қирларда, тоғ этакларида, баланд текисликларда вақтинча ва қисман доимий оқар сувлар ҳаракатидан ҳосил бўлган чуқур ўйилмалардан иборат рельеф элементи.

**Огипсование - Гипслашиш** - сульфатли сув таъсирида бирламчи т. ж. лари бўшлиқлари, ўйма дарзликларининг тўлдирилиши натижасида гипс билан иккиламчи бойиши. Г. Ер қобиғининг уст қисмига яқин

бўлган чўкинди т. ж. ларида, аридли районларда кенг тарқалган.

**Огнеупорное сырье - Ўтга чидамли хом ашё** - ўтга чидамли маҳсулотларни тайёрлаш учун ишлатиладиган т. ж. лари. Улар юқори ҳарорат таъсирида ўзининг механик зичлигини, шаклини ва ҳажмини сақлаб қолади.

**Одонтолит - Одонтолит** - қат. 3-3,5. Са ва Al нинг аморфлашган сувли фосфати м-ли.

**Озеро - Кўл** - қуруқликдаги ёпиқ ботиқликларнинг сув билан тўйинишидан ҳосил бўлган ҳосила. Агар ботиқлик ўлчами катта ва шўр сув билан тўлган бўлса, “денгиз” деб юритилади.

**Озеро карстовое - Карст кўли** - манфий баландликка эга бўлган карст рельефи элементларининг сув билан тўлиши натижасида ҳосил бўлган кўл.

**Озеро кратерное - Кратер кўли** - айлана шаклидаги вулкан кратерининг сув билан тўйинишидан ҳосил бўлган кўл. Унинг қирғоқлари кўп ҳолларда бузилмаган бўлиб, катта чуқурликка эга бўлади.

**Озеро лавовое - Лавали кўл** - қирғоқлари тик, оловли суоқ лава билан тўлган кенг ботиқлик. Бундай кўлларнинг кенглиги бир неча юз метрни ташкил этади.

**Озеро ледниковое - Музлик кўли** - туб т. ж. ларида музликларнинг сурилиши натижасида ҳосил бўлган ботиқликларнинг сувга тўлиши натижасида пайдо бўлган кўллар.

**Озеро ложбинное - Пастқамлик кўли** - қадимий сув оқими ўзанларининг анча чуқур жойларини эгаллайди. Улар узунчоқ кўллар занжирини ҳосил қилиб, бир-бирлари билан сув оқими орқали боғланади.

**Озеро плотинное - Тўғонли кўллар** - дарёлар водийларининг тоғ кўчкилари, мореналар, лава оқимлари, музликлар томонидан табиий тўсилиши оқибатида ҳосил бўлган кўллар.

**Озеро подземное - Ер ости кўли** - Ер остида тарқалган карст ғорликларида ҳосил бўлган кўллар. қ. *“Каналы подземные карстовые”.*

**Озеро провальное - Ўпирилиш кўли** - карст ғорликлари ва ер ости тоғ иншоотларининг ўпирилиши натижасида ҳосил бўлган ботиқликларнинг сув билан тўлишидан ҳосил бўлган кўллар.

**Озеро рапное - Шўр бўтқали кўл** - кўл юзидаги тузли бўтқа йил мавсумлари циклининг охиригача ўзгармай қоладиган кўл.

**Озеро реликтовое - Қолдиқ кўл** - қуруқликдаги ботиқларда қолиб кетган сувга тўлган ҳавзалар. Бундан ташқари, тектоник ҳаракат туфайли денгиз соҳилида кўтарилган тўсиқ билан ёки қум кокиллари тўпланиши натижасида денгиздан ажралиб қолган кўллар ҳам Қ. к. ҳисобланади.

**Озеро соленое (соляное) - Шўр кўл** - таркибида оғирлиги бўйича 3,5 % дан кам бўлмаган эриган тузларга эга бўлган сувли кўллар. Бундай кўллардан сув оқиб чиқиши кузатилмайди.

**Озеро сухое соляное - Қуруқ шўр кўл** - кўл юзидаги туз бўтқаси (рапа) намгарчилик катта бўлган йил циклидагина мавжуд бўлади. Қолган йилларда қуруқ бўлади..

**Озеро тектоническое - Тектоник кўл** - тектоник ботиқликларга жойлашган кўллар.

**Озероведение - Кўлшунослик** - гидрология фанининг бир қисми. У кўлларнинг сув билан таъминланиш, табиатни муҳофаза қилиш муаммоларини ўргана-

ди.

**Озокерит - Озокерит** - метан қаторига кирувчи, таркибида суюқ ва газсимон углеводородлар бўлган қаттиқ углеводородларнинг аралашмаси. Син.: тоғ муми, нафтадил, нафтин.

**Озы - Озлар** - узунлиги 30-40 км эгатларга ўхшаш тоғ тизмалари. Эгатлар ораси баъзан 100 км гача етиши мумкин. О. лар асоси кенглиги 50-150 м, тепа қисми 5 м. гача, баландлиги 100 м. гача, етади. Ён бағри қиялиги 30-45°. Улар музликлар ҳаракати йўналиши бўйича чўзилган. Уларнинг ҳосил бўлиши доимий музликлар фаолияти билан боғлиқ.

**...оид - ...оид** - яқин, ўхшаш. Мураккаб атамалар охирига қўшиладиган қўшимча. 1) таркибан бир-бирига яқин бўлган т. ж. ларини (базальтоидлар, габброидлар, гранитоидлар); 2) бирор т. ж. га яқин, лекин айнан. ўхшамайдиган, метаморфшган т. ж. ларини (порфирид, порфиритоид); 3) бир турдан иккинчи турга ўтиш қисмидаги т. ж. лари (пегматоид, трахитоидли фонолит ва б.лар) ни англатади.

**Окаменелость - Тошқотган** - тошга айланган хайвонот, ўсимлик қолдиқлари.

**Окаменение - Тошқотиш** - 1. Бўшоқ чўкиндиларнинг қаттиқ т. ж. ларига айланиши жараёни; чўкиндиларнинг т. ж. ларига айланишининг турли босқичларида рўй беради. Туз, карбонат, кремнезем ва б. чўкиндиларда тошқотиш жараёни чўкинди ҳосил бўлиши билан бошланади. Чақиқ ва гилли чўкиндиларда Т. чўкиндилар ҳосил бўлиб, зичлашиб, босим ва ҳарорати кўтарилганда, диагенез ва катагенезнинг сўнгги босқичларида амалга ошади. Айрим чақиқ т. ж. ларидаги Т., цементловчи эриган бирикмаларга бой бўлган ер ости сувлари таъсирида рўй беради. Цементлашиш ортиқча сувлар чиқиб кетиб, цементловчи кимёвий коллоидлар кристалланганда нам ҳолатдаги м-л компонентлар таркибининг ўзгариши натижасида ҳосил бўлади. 2. Чўкиндилар орасида кўмилиб қолган хайвон ва ўсимлик қолдиқларининг м-л моддаларга тўйиниши натижасида вақт ўтиши билан тош қотиши.

**Окатанность - Юмалоқланиш** - т. ж. бўлақларининг ишқаланиш натижасида силлиқланиши ва улардаги (бирламчи ҳолат) қирраларининг йўқолиши.

**Окатыши (катуны) глиняные (аргиллитовые) - Гилли думалатмалар** - сув тошқинлари ва б. лар таъсирида жарлик, денгиз, кўл, дарё қирғоқларидан ажралган т. ж. бўлақларидан иборат ҳосилалар. Бунинг натижасида махсус турдаги ички формация конгломератлари ҳосил бўлади.

**Окварцевание - Кварцланиш** - бу атама жуда кўп йўналишда қўлланилади: т. ж. ларининг кремнийлашиши билан кечувчи метасоматик ўзгаришлар, кварцланиш, дарзликларнинг кварц билан тўлиши ва б.лар кирази. У жаспероидлар ва иккиламчи кварцитлар, ҳосил бўлишида, грейзенлашиш ва пропилитланишларда катта аҳамиятга эга; хатто лиственизация ва скарланишларнинг охириги этапларида ҳам намоён бўлади. Сульфидли маъданларнинг ҳосил бўлиши гидротермал кварцланиш билан боғлиқ. Экзоген кварцланишга нураш пўстида кварцли ва кремнийли т. ж. ларининг; оҳақтош, қумтош ва сланецли жинсларда эса турли микрокварцитларнинг ҳосил бўлиши мисол бўлади.

**Океан - Океан (чексиз денгиз)** - Ер юзидаги энг катта майдонли ва энг чуқур сув ҳавзаси; планетанинг

сув билан тўлган энг катта манфий рельефи. Океаннинг асосий қисмини океан ўзани (ложа) ва ўрта океан тоғ тизмалари, камроқ миқёсда эса материкдан океанга ўтиш зоналари ва океаннинг қирғоқлари ташкил қилади. Материк сув ости қияликларининг этаги ёйсимон оролларда эса чуқур сув ости новларининг океан ташқи томони океан чегарасини белгилайди. Замоनावий океанларнинг ўртача чуқурлиги 3794 м.

**Океан мировой - Дунё океани** - Ер юзидаги жами океан ва денгизлар мажмуаси. Унинг сатҳи 361 млн.км<sup>2</sup>, ёки Ер шарининг 70,8 % ни ташкил этади. Океанлар ва денгизлар сувлари ўзининг физик хусусияти ва кимёвий таркиби бўйича маълум яхлитликни ташкил этади.. Айрим жойларида сувларнинг миқдорий таркиби фарқланиши мумкин.

**Окенит - Окенит** -  $Ca[(OH)_2 | Si_2O_4] \cdot H_2O$ . Кат. 5. Сол. оф. 2,33. Сарғиш, мовийранг-оқ рангли, садафсимон ялтирайдиган, ингичка толасимон агрегатли м-л. Базальт говакларида цеолит ва апофиллитлар билан бирга учрайди. Син.: дисклазит, бордит.

**Окисление- восстановление - Оксидланиш-қайтарилиш** - кимёвий реак-цияларнинг катта гуруҳи бўлиб, бунда электронлар бир атомдан бошқасига кўчиб ўтади. Оксидланиш - атомлар ёки атомлар гуруҳи ўзидан электронларни бериб, валентлигининг ошишидан, қайтарилиш - атомларнинг электронларнинг ёки ионларнинг қабул қилиб олиш эвазига валентлигининг камайишидан иборат.

**Окисление углей (в природных условиях) - Кўмирнинг (табиатда) оксидланиши** - қ *Выветривание углей*.

**Окислы - Оксидлар** - металл ёки нонметалл кимёвий элементларнинг кислород билан бириклиши натижасида ҳосил бўлувчи кимёвий бирикма.

**Окно безрудное(некондиционное) - Маъдансиз дарча** - маъданли танадаги маъдансиз т. ж. (маъданли тана қалинлигининг ёки фойдали компонентлар миқдорининг камлиги).

**Окно грунтовой воды - Грунт сувлари дарчаси** - босимли сув билан сувли т. ж. тарқалган мўъжаз участка бўлиб, устки сув тўсиқ шип бўлмайдиган ва босимли сув эркин сув юзасига эга грунт сувига айланади.

**Окно соляное - Тузли оралық** - балчиқли туб туз қатламларидаги отилиб чиқувчи босимли кўл ости ва бироз шўрроқ сувлар ҳосил қилган ўпқон ёки карст намоёни.

**Околорудные изменения - Маъдан атрофи ўзгаришлари** - маъдан атрофи жинсларида рўй берадиган ўзгаришлар. Кварцланиш, серицитланиш ва б. жараёнлар ана шулар жумласидандир. Конларни қидиришда муҳим белги — даракчи ҳисобланади. Қ. *Изменения околорудные*.

**Окно тектоническое - Тектоник дарча** - тектоник қобиқ орасидан автохтон т. ж. ларининг ёки шарьяж сатҳининг кўтарилган областларида кўгинча ҳосил бўлган аллохтон т. ж. ларининг эрозия натижасида ажралган ҳолда чиқиши.

**Оконтуривание залежи полезного ископаемого или рудного тела - Фойдали қазилма уюмини ёки маъдан танасини чегаралаш** - 1.Тоғ-кон иншоотлари, геофизик усуллар ва б. лар ёрдамида уюмининг ёки маъдан жисмининг чегараларини аниқлаш. 2. Чизма материалларда қидириш маълумотлари бўйича ф. қ. уюми чегараларини чизиш. Уюмларнинг икки хил чегар

ралари мавжуд: а) бирламчи уюмининг тарқалиш чегараси; б) ишчи (кондицион)-уюм бир қисмининг чегараси унинг доирасида уюм санот кондициялари талабларига жавоб беради.

**Окраска интерференционная - Интерференция ранги** - оқ, қутблашган ёруғликда кесишган николлар ўртасидаги кесик кристалларининг ранги. Кристалл пластинкаси қалинлигига, унинг қўш синдириш хоссасига ва ушбу кесикдаги нур кесишиш йўналишига боғлиқ.

**Окраска осадочных пород - Чўкинди тоғ жинслари ранги** - т. ж. ларининг бирламчи ёки иккиламчи ранги уларни энг муҳим белгиларидан бири. Т. ж.нинг бирламчи ранги унинг ҳосил бўла бошлашида ёки диагенетик (гипергенез) ўзгаришида пайдо бўлади. Иккиламчи ранг гипергенез жараёнида т. ж. устки қисмининг (гиперген) ўзгаришидан, яъни т. ж. нинг нурашидан ва регрессив - қайта ётқизилишидан ҳосил бўлади.

**Окремнение - Кремнийлашиш** - т. ж. ларини кремнеземнинг ҳар хил модификациялари: опал, халцедон, кварц (агар кремнезем кварц билан ифодаланган бўлса - кварцланиш ҳақида сўз юритилади)лар билан бойиш жараёни. Унинг асосий хусусияти-метасоматик ўрин алмашиши, камроқ ҳолларда эса дарзликлар, бўшлиқларнинг кварц, халцедон, опал билан тўлишидир.

**Оксиды - Оксидлар** - металл ва металлоидларнинг кислород ҳамда гидрооксидлар билан қўшилиши натижасида вужудга келган энг оддий бирикмалари. Уларнинг тузилиши содда ва мураккаб бўлиши мумкин. Ер пўстининг юқори қисмида б. бирикмаларга нисбатан анча кўп учрайди.

**Октаэдр - Октаэдр** - қиррали тўғри уч бурчаклар шаклидаги ёпиқ саккиз қиррали кристалл.

**Оледенение - Музлаш** - Ерда маълум бўлган музликларни ўз ичига олган муз ва қор қоплами (қатлами). Музликнинг асосий хиллари қуйидагича: 1) Ер усти музлиги; бунда музликлар музлик қопламаси тарзида тўпланади; 2) денгиз ва океанларда музнинг бир йиллик ва кўп йиллик масса тарзида тўпланиши. 3) Ер ости музликлари (абдий музликлар). Ернинг геологик тарихида жуда кўп марта музлашликнинг бўлиб ўтган. Тўртламчи давр музланиши мукамал ўрганилган. Музликларни пухта ўрганиш натижасида тўртламчи давр стратиграфияси ишлаб чиқилган.

**Оледенение материкового типа - Материк туридаги музлаш** - рельефидан қатъий назар, қуруқликнинг катта қисмини эгаллаган музлаш жараёни. Геологик ўтмишда материк туридаги музлашлар тўртламчи даврда, шунингдек палеозой (пермь, кембрий) ва протерозойда бир неча марта такрорланган. қ. *Оледенение*.

**Оледенение морское - Денгиз музлаши** - кўп йиллардан бери сузиб юрган музлар билан боғлиқ жараёнлар ва ҳодисалар йиғиндиси. Д. м. лари мустақил ёки қуруқликдаги музлаш натижаси сифатида ривожланиши мумкин.

**Оледенение подземное - Ер ости музликлари** - кўп йиллар давомида музлаган т. ж. лари тарқалган майдон. Булар узоқ муддатли геологик даврлар ичида ер қобиғининг 0°С дан паст бўлиши билан боғлиқ. Бу музликлар ҳам Ер усти музликларига ўхшаб космик ва планетар сабабларига кўра ҳосил бўлади ва замонавий иқлим билан узвий боғланган.

**Оливинит - Оливинит** -  $\text{Cu}_2[\text{OH} | \text{AsO}_4]$ . Қат. 3. Сол. оф. 3,9-4,4. Саригиш-кўк, қорамтир-кўк, жигаррангли, шишасимон ялтирайдиган, шингилсимон, толасимон агрегатли м-л. Оксидланган зоналарда адамин, малахит, азурит, скородит, бедантит, лимонитлар билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари: халькопирит, арсенопирит. Син.: лейкохальцит, медзянкит, обвенит, фармакохальцит.

**Оливин - Оливин** -  $(\text{Mg,Fe})_2[\text{SiO}_4]$ . Қат. 6,5-7. Сол. оф. 3,2-3,6. Саригиш-кўк, қорамтир-кўк рангли, шишасимон ялтирайдиган, донадор агрегатли, ортосиликатлар синфига мансуб магнийнинг м-ли. Илк магматик ультрабазитларда, шу жумладан кимберлитларда ҳосил бўлади. Метеоритларда, шунингдек карбонатларда, скарнларда метаморфик т. ж. ларида асосий жинс ҳосил қилувчи м-л. Ўта асос ва асос т. ж. ларининг таркибий қисмига оид. Йўлдош м-ллари: лабрадор, лейцит, ильменит, пентландит, пироксенлар. Син.: перидотит, оливиноид, хризотил.

**Оливинизация - Оливинланиш** - ўта асосли т. ж. ларида оливиннинг пироксенлар билан метасоматик алмашиши жараёни.

**Оливинит - Оливинит** - оливин ва қисман магнетитдан иборат анхимономинерал тўлиқ кристалли ўта асосли т. ж. Дунитдан фарқли ҳолда таркибида доимий хромит бўлади.

**Олигоклаз - Олигоклаз** -  $(\text{Na,Ca}) [(\text{Si,Al}) \text{AlSi}_2\text{O}_6]$ . Қат. 6-6,5. Сол. оф. 2,63-2,66. Оқ, кулранг, саригиш, қизғиш, кўкиш, рангли, шишасимон ялтирайдиган дала шпатлари гуруҳининг м-ли: Асосан нордон магматик т. ж. ларида учрайди. Йўлдош м-ллари: кварц, биотит, калийли дала шпати.

**Олигоцен - Олигоцен** - палеоген системасининг юқори бўлими. Ўзбекистон Республикасининг ҳамма ҳудудларида ажратилган. О. ётқизикларида йирик нефть конлари учрайди.

**Олистоглифы - Олистоглифлар** - икки қатлам чегарасида юқори қатламнинг пастдагиси устида сирғалиш натижасида вужудга келган параллел дўнглик ва ариқчалар системасидан иборат гиероглиф (гипоглиф)ларнинг бир тури.

**Олово - Қалай, Sn** - М.д.с.нинг IV-гуруҳига мансуб к.э. Т.р. 50, ат.м. 118,710. Табиий Қ. ат.м.си 112,114, 115, 116, 117, 118, 119, 120, 122, 124 бўлган 10 та изотопдан иборат. Ер пўстининг масса жиҳатдан  $8 \cdot 10^{-3} \%$  ини ташкил этади. Ялтироқ оқ металл. Зичлиги  $7,29 \text{ г/см}^3$ ,  $231,9^\circ\text{C}$  да суюқланади,  $2600^\circ\text{C}$  да қайнайди. Унинг 24та м-ли бор, шулардан муҳими касситерит ва станниндир. Туб конлари пегматит, касситерит-кварц ва касситерит-сульфид формацияларига бўлиниб нордон гранитлар билан боғлиқ. Консерва саноти учун оқ тунука тайёрлашда, кавшарлашда, подшипник ва босмаҳона қотишмалари тайёрлашда ишлатилади.

**Олово самородное - Соф қалай** - Sn. Қат.2. Сол. оф. 6,98. Кумушсимон-оқ рангли, металлсимон ялтирайдиган, майда донадор агрегатли соф туғма м-л. Гранитларда ҳосил бўлади ва табиатда жуда кам учрайди.

**Оловотанталит - Қалай танталит** - Қат. 5,5-6. Сол. оф. 7,4. иксиолитга  $(\text{Fe, Mn}) \cdot (\text{Ta, Nb, Sn})\text{O}_6$  яқин бўлган тўқ жигаррангли мономинерал. Ялтираши шишасимон. Пегматитларда учрайди.

**Оловянный камень - Қалайтош** - *касситеритнинг синоними*.



**Омоложение рельефа - Рельефнинг ёшариши** - эрозия, денудация жараёнлари натижасида рельеф контрастлигининг ошиши. Бу жараёнлар неотектоник ҳаракатлар натижасида юз беради.

**Оникс - Оникс** -  $\text{SiO}_2$ . Кат. 7. Сол. оф. 2,5. Халцедоннинг юпқа параллел йўл-йўл тури. Йўл-йўлликларнинг ранги турлича. Бўзранг, кўксимон қизил ва б. рангларда учрайди. Жуда тиниқ ва нафис бўлади. Ярим қимматбаҳо тош ҳисобланади.

**Онколиты - Онколитлар** - концентрик қатламли кўк-яшил сув ўтлари ёки бактериялардан пайдо бўлган оҳакли, думалоқ қазилма гуддалар. О.лар тўлқинлар ёки оқимлар зонасида ҳавзаларнинг тубини қоплаб ётади. Уларнинг мавжудлиги сув ҳавзасининг саёзлигидан дарак беради.

**Оноратоит - Оноратоит** -  $\text{Sh}_8\text{O}_{11}\text{Cl}_2$ . Сол. оф. 5,3. Игнасимон, оқ рангли м-л. Антимонитнинг оксидланишидан ҳосил бўлади.

**Оолитовая структура - Оолитли структура** - оолит ва цементловчи моддалардан тузилган т. ж. ларига таалуқли. Оолитларнинг энг кўп учрайдиган (катталиги 1 мм дан каттароқ бўлса) "йирик оолитлар", ҳисобланади.

**Оолитовые породы - Оолитли тоғ жинслари** - оолитли структурага эга бўлган чўкинди т. ж. лар. Бу гуруҳга карбонат т. ж. лар (оолитли оҳактошлар ва оолитли доломитлар), шунингдек айрим темир ва марганец маъданлари (оолитли гидрогетитлар ёки кўнғир темиртошлар, оолитли лептохлоритли ёки гидрогетит — лептохлоритли маъданлар, оолитли псиломелан — пиролозит маъданлари ва ҳ.к.) киради.

**Оолитоиды - Оолитоидлар** - думалоқ, тухумсимон, ташқи шакли оолитдан фарқ қилмайдиган, лекин концентрик қатланиши йўқлиги билан ажралиб тухумсимон думалоқ ҳосилалар. Борлиқ массаси бир хил, ёки алоҳида ядрога эга. Улар оҳактош, доломит, айрим темир маъданлари (гидрогетитли, лептохлоритли ва б.лар) ва бокситларда учрайди.

**Оолиты глинистые - Гилли оолитлар** - асосан каолинитдан (айрим ҳолларда сидерит билан аралашган ҳолда) иборат т. ж. Ядроси кўпроқ кварцдан иборат.

**Опал - Опал** —  $\text{SiO}_2 \cdot n\text{H}_2\text{O}$ . Кат. 5,5-6,5. Сол. оф. 1,19-2,5. Оқ, ҳаворанг, кулранг, кўк, қизил, сариқ, кўнғир рангли, ёғсимон, садафсимон ялтирайдиган, колломорф, шингилсимон агрегатли, гидрооксидлар синфига мансуб м-л. Вулкан фаолияти билан боғлиқ ҳолда, термал булақлар ва гейзерлар ётқизиқларида ҳосил бўлади. Йўлдош м-ллари: гидрогетит, гетит, халцедон, серпентин гуруҳи м-ллари. Қимматбаҳо тош ҳисобланади. Син.: видрит, гелит, неслит.

**Опацит - Опацит** - шох алдамчиси, керсутит, биотит, ромбик пироксен каби м-ллар парчаланишининг маҳсулоти. Ранги қора.

**Опережающие специа-лизированные поисковые работы - Ихтисослаштирилган олдиндан башоратловчи излаш ишлари** - ушбу босқичнинг асосий натижалари геологик, геокимёвий ва б. ихтисослашган хари́та ва кесмалар тузишдан иборат бўлиб, бу хариталарда аксини топган маъданлашиш қонуниятлари асосида истиқболли участкалар кўрсатилиши ҳамда  $P_2$  тоифасидаги ресурслар баҳоланиши керак.

**Опережение - Узиб қетмоқ** - сувда муаллақ сузаётган доналар тезлигининг сув тезлигидан ўзиб кетиши. У дона оғирлиги бир қисмининг ишқаланиши

натижасида йўқолиши билан боғлиқ. Муаллақ заррачанинг ўзиб кетиши катта қияликка эга бўлган сел оқими каби гравитацион оқимларга мосдир.

**Описание разреза по-слоиное - Қирқимни қатламлилиқ бўйича тасвирлаш** - қатламланган т. ж. ларини ўрганишнинг асоси; тоғ иншоотларида геологик қирқимларни пастдан юқорига ёки тескарисига баёнлаш; т. ж. ларини қирқим бўйлаб типларга ажратиш, уларнинг таркиби ва қатламларнинг жойлашишини тасвирлашдан иборат. Ҳар бир қирқим учун қатламдаги т. ж. номи (қумтош, доломит, гил ва ҳ.к.); ташқи хусусиятлари (донадорлиги, ранги ва ҳ.к.); қирқимдаги бир хил таркиблиги даражаси мас; (гиллар билан оралаб қатланиш); қатламланиш қалинлиги ва унинг ётиш элементлари; м-л таркиби, донадорлиги, ранги ва уларнинг қирқимида ва қатламланиш йўналишида ўзгариши; текстуравий ва структуравий белгилари (шағаллар ва органик қолдиқларнинг жойлашиши) ва б.лар аниқланади.

**Опывание осадков - Чўкиндиларнинг оқиши** - чўкиндиларнинг қия сатҳлардаги юзаларда сурилиши, оқиши. Бунда чўкиндиларнинг намлиги ошиб оқувчан ҳолатга келади.

**Опывина - Оқиб-сурилиш** - қалинлиги кичик бўшқоқ т. ж. қатламининг ёнбағирлардан атмосфера ёки грунт сувларига ўта тўйиниши туфайли оқиб (сурилиб) кетиши.

**Опока - Опока** - аморф қумтупроқ (опал)нинг гилли модда, организмлар (диатомлар, радиоляриялар ва б.лар) қобирғалари, кварц, дала шпати, глауконитнинг м-л заррачалари билан аралашмасидан иборат бўлган микроговак т. ж. лари. Таркиби 92-98 % гача кремний оксидидан иборат. Соф опока юқори адсорбцион хоссага эга. Денгиз шароитида кимёвий йўл билан ҳосил бўлади. Бўр ва қуйи тўртламчи даври ётқизиқларида кенг тарқалган.

**Оползень - Сурилма (кўчки)** - т. ж. ва массасининг турган жойидан оғирлик кучи таъсирида ажралиб ёнбағир бўйлаб пастга қараб сурилиши.

**Оползень асеквентный - Асеквент сурилма** - таркиби бир хил, қатламланмаган т. ж. ларида ривожланади. Кўп ҳолларда қумли ва гилли т. ж. ларидан иборат ёнбағирларда кузатилиб, улар цилиндр шаклидаги сатҳлар ҳосил қилиб сурилади.

**Оползень многоярусный - Кўп ярусли сурилма** - ён боғирда бир-бирининг устида жойлашган сурилмалар.

**Оползень пластичный - Қайишқоқ сурилма** - пластик ҳаракат натижасида ҳосил бўлган сурилма - одатда гил массали т. ж. ларининг оқиши.

**Оползень режущий - Кесувчи сурилма** - сурилиш юзаси ён бағирларда очилиб қолган турли т. ж. қатламларини ёки хилма-хил таркибли т. ж. ларини кесиб ўтади.

**Оползень структурный - Структуравий сурилма** - ён бағирларда яқка блоклар ёки блоклар системаси (т. ж. лари массиви)нинг ўз яхлитлигини, табиий ҳолатини сақлаган ҳолда сурилиши.

**Оползень суффозионный - Суффозия сурилмаси** - ён бағир устида ётувчи т. ж. лари мустахамлигини сусайтирувчи суффозия (т. ж. ларидан юпқа заррачаларнинг ён бағирда булоқ кўринишида чиқувчи ер ости сувлари билан ювилиши) жараёнларини ривожланиши натижасида юз беради.

**Оползневые формы рельефа - Сурилма рельефи шакллари** - т. ж. сурилиши жараёни натижасида қўидаги шакллар ҳосил бўлади: цирк, сурилма супачаси, сурилма ёнбағри. Сурилма супачаси юзаси кўчки йўналишига қарама-қарши томонга ботиқ, қия ҳолатда бўлади. Сурилма массаси юзасида дўнглик, тепалик, кичик-кичик чуқурликлар, нотекисликлар мавжуд (маҳаллий тилда мингчур, деб аталади).

**Опорная скважина (опорное бурение) - Таянч бурғи қудуғи** (таянч бурғилаш) - геологик тузилиши аниқланмаган майдонларда кесимни ва ф. қ. ни излаш йўналишларини аниқлаш мақсадида ковлаб ўтиладиган махсус чуқур бурғи қудуғи.

**Опорные точки геохронологической шкалы - Геохронологик шкаланинг таянч нуқталари** қ. *"Точки геохронологической шкалы опорные"*.

**Опорный горизонт - Таянч горизонт** - т. ж. нинг орасидаги қатламлар ёки қаватлар бўлиб, литологик хусусиятларини (ранги, таркиби, қандайдир қўшимча, қатламча ёки органик қолдиқларининг мавжудлиги ва б.) кенг майдонларда сақлаб қолиши билан ажралиб туради. Бу эса ўз навбатида, геологик съёмка, кесмаларни солиштиришдаги уларнинг аҳамиятини белгилайди.

**Определение возможных масштабов месторождения - Коннинг эҳтимолий миқёсларини аниқлаш** - коннинг тури аниқлангандан ва маъдан ҳамда металл захиралари ҳисоблангандан сўнг улар асосида бўлажак корхонанинг йиллик и. ч. қувватини аниқлаш. Корхонанинг и. ч. қуввати коннинг миқёси ва маъдан жисмларининг ётиш шароитлари билан боғлиқ бўлади. Тоғ-маъдан корхоналарининг ишлаш муддатлари кичикроқ корхоналар учун 10-15 йил, ўртачалари учун 15-25 йил, йириги учун 25-40 йил, жуда ҳам йириги учун 40-60 йилни ташкил қилади. Аниқланган захиралардан келиб чиқиб, йиллик ва сутка давомида мумкин бўлган и. ч. қуввати аниқланади. Улар эса, ўз навбатида, капитал сарфнинг керакли миқдорини, амортизация ва б. сарфларни аниқлашга ёрдам беради.

**Опробование - Намуналаш** - ф. қ. қидириш ва сифатини тадқиқ қилишни таъминловчи энг асосий операциялар мажмуи. Конларни иқтисодий баҳолашда муҳим омил ҳисобланади. Унинг кимёвий, минералогик, техник ва технологик турлари мавжуд. Намуналашни амалга оширишнинг намуна олиш, қайта ишлаш, лабораторияда таҳлил қилиш босқичлари ажратилади.

**Опробование бороздовое - Жўякли намуна олиш** - қаттиқ ф. қ. конларини намуналаш усулларида бири. Бунда ф. қ. жисмига тик равишда, одатда тўғри бурчакли шаклда бўлган жўяклар ўтказилади. Жўякларнинг одатдаги кенглиги 5-15 см, чуқурлиги 3-6 см ни ташкил этади. Ф. қ. тақсимланиши бир текис бўлмаса, у кенгроқ ва чуқурроқ олинади.

**Опробование валовое - Ялпи намуна олиш** - қаттиқ ф. қ. ларни намуналаш усули. Тоғ иншоотининг маълум оралиғи ковлаб ўтилгандан сўнг шу оралиқдан чиққан материалнинг барчасини олишдан иборат.

**Опробование вычерпыванием - Чўмичлаб намуна олиш усули** - қ. *"Способ взятия проб вычерпыванием"*.

**Опробование геофизическое - Геофизик намуналаш** - ф. қ. сифатини, физик хусусиятларини турли элементларнинг миқдорига боғлиқлигига қараб билвосита аниқлаш.

**Опробование геохимическое - Геохимёвий на-**

**муналаш** - маъдандаги айрим элемент миқдорини б. элементларнинг миқдори билан ўзаро корреляцион боғлиқлигига кўра ҳисоблаш йўли билан аниқлаш.

**Опробование добытой рудной массы - Қазиб олинган маъдан массасини намуналаш** - тоғ иншооти охиридан (забой) ёки маъдан ташувчи вагонеткалардан олинади. Олинган натижалар табиий ҳолдаги хом ашёда лозим бўлган кондицияни ҳисоблашда, қазиб олиш маъданида маъданнинг йўқотилгани ёки бойитилганини аниқлашда фойдаланилади.

**Опробование задиrkовое - Ўйиб намуна олиш усули** - бунда ф. қ. бутун қалинлик бўйича маълум чуқурликкача (10-20 см) ўйиб (қириб) олинади. Бу усул аниқлиги бўйича ялпи намуна олишдан кейинги ўринда туради. Бу усулнинг асосий камчилиги шуки, ф. қ. қалинлиги катта бўлган ҳолларда бир хил қалинликда намуна олиш жуда қийин. Шунинг натижасида бир томонлама систематик хатоликлар келиб чиқади.

**Опробование коммерческое - Коммерциявий намуналаш** - *Опробованные товарное. Товар намунаси* атамасининг синоними .

**Опробование контрольное - Назорат намуналаш** - қ. *Контроль опробования*.

**Опробование минералогическое - Минералогик намуналаш** - ф. қ. нинг м-л таркибини, сифатини ва миқдорини аниқлаш; уларнинг структуравий ва текстуравий хусусиятлари (дона-чалар ўлчами ва агрегати, шакли ва муносабати); м-лларнинг физик хусусиятлари (зичлиги, қаттиқлиги, мўртлиги, қатламларга ажралиши, радиоактивлиги, магнитланиши, электр ўтказувчанлиги, намланиши, ҳар хил кислоталарда эриши ва б.лар), кимёвий таркиби (маъдан м-лларида бирга учрайдиган); м-лларнинг табиий ва саноат навларида тақсимланиши каби сифатларини ўрганиш учун олинади.

**Опробование отвалов - Тўкилмаларни намуналаш** - тўкилма, чиқинди ва тошқоллардан тўпланиб қолган материалларнинг м-л ва кимёвий таркибини, баъзан эса, технологик хусусиятларини аниқлаш учун бутун қалинлиги бўйича намуналар олинади.

**Опробование по типам руд - Маъдан турлари бўйича намуналаш** - маъдандаги фойдали компонентларни миқдорини конда очилган маъданлар хар хил турлари майдонлари ёки қалинлиги бўйича ўртача муаллақ миқдорининг кимёвий таҳлилларсиз ҳисоблаш йўли билан аниқлаш.

**Опробование потипам разрезов - Қирқим турлари бўйича намуналаш** - маъдандаги компонентлар миқдорини маъданли уюм тузилишининг унинг қалинлигига боғлиқ ҳолда аниқлаш. Маъданли уюмларни муфассал геологик хужжатлаштиришга олиб келади.

**Опробование по буровым скважинам - Бурғи қудуқлари бўйича намуналаш** - бурғилаш пайтида намуналарни танлаш. Колонкали бурғилашда пировард маҳсулот чиқиши 70 %дан кам бўлмаган ва танлаб емирилишга дучор бўлмаган керн талабга тўлиқ жавоб берадиган намуна бўлиб ҳисобланади. Қудуқларни зарбли ва айланма кернсиз бурғилашда намуна сифатида шламлар олинади. Син.: керн намуналари.

**Опробование по эмпирическим кривым - Эмпирик эгри чизиқ ёрдамида намуналаш** - маъданли уюм кесимида маъдандаги фойдали компонентлар миқдорини уларнинг аввал аниқланган қонуниятли тақсимланашига боғлиқ ҳолда аниқлаш.

**Опробование подземных вод - Ер ости сувлари-**

**ни намуналаш** - гидрогеологик тадқиқот тури бўлиб, Ер ости сувларидан уларнинг физик хоссаларини, кимёвий ва газ таркибини ўрганиш учун намуналар олиш, шунингдек, ер ости сувлари манбаларининг сув сарфини (дебитини), сувли горизонтларнинг статик сатҳларини ўлчаш ишлари.

**Опробование радиометрическое - Радиометрик намуналаш** - маъданларни ётиш жойида (тоғ-кон иншоотларининг деворлари бўйича ва шпурларда), идишларда (вагонетка, ковш ва ҳ.к.) ва транспортёрларда радиометрик усуллар (асосан- γ - нурланиш бўйича) билан намуна олиш.

**Опробование техническое - Техник намуналаш** - ф. қ. нинг физик хоссаларини унинг ўзига хос хусусиятлари ва фойдаланиш соҳаларига боғлиқ ҳолда ўрганиш мақсадида амалга оширилаётган операциялар тизими.

**Опробование технологическое - Технологик намуналаш** - ф. қ. ларнинг технологик хоссаларини аниқлаш ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича бойитишнинг энг яхши натижа берадиган ҳамда хом ашёдан комплекс фойдаланишни ҳисобга оладиган схемасини ишлаб чиқиш. У ялпи олинган намуналар бўйича амалга оширилади.

**Опробование товарное - Товарни намуналаш** - истеъмолчига (бойитиш комбинати, ажратиш заводи ва б.) юбориладиган ф. қ. ни намуналаш..

**Опробование химическое - Кимёвий намуналаш** - ф.қ. кимёвий таркибини 1) ҳар хил компонентларни захираларини ҳисоблаш; 2) аниқ бўлмаган чегарали маъдан уюмларининг қалинлиги ва майдонини аниқлаш; 3) маъданларнинг табиий турлари ва саноат хилларини ўрганиш; 4) маъдан ва маъдан массасининг сифатини аниқлаш; 5) ифлосланиш ва йўқотишларни ҳисобга олиш; 6) маъданларни селектив қазиб олишни оператив бошқариш мақсадида аниқлаш.

**Опробование шлиховое - Шлихли намуналаш** - оғир м-ллар миқдорий кўрсаткичларини механик ҳамда тарқалиш ореолларида шлихли (оғир) м-ллар таркибини ва миқдариий нисбатларини ўрганиш мақсадида м-логик намуналаш.

**Опробование шпуровое - Шпур бўйича намуналаш** - қазиб олинган маъдан уюмида ф. қ. сифатини аниқлаш мақсадида шпур бурғилаш пайтида бурғи чанги ёки шламдан намуна олиш.

**Опробование штабелей (отвалов) - Штабелларни (отвалларни) намуналаш** - қазиб олинб тахланган ф. қ. лар сифатини аниқлаш.

**Опробование штупное(точечное) - Штупли (нуқталиқ) намуналаш** - ноаниқ атама. Тажрибада кўрилишича, бу маъдан бўлаги намунаси.

**Оптические константы - Оптик константалар** - қ. *Константы оптические.*

**Опускание суши - Қуруқлик сатҳининг пасайиши** - тектоник ҳаракатлар натижасида, континент ёки унинг бир қисмининг океан юзасига нисбатан пасайиш жараёни. Қуруқлик сатҳининг пасайиши ёки океан сатҳининг кўтарилиши денгизлар трансгрессиясига олиб келади.

**Органогенные горные породы - Органоген тоғ жинслари** - биоген т. ж. лар органик (ўсимлик ва хайвон) қолдиқларидан ёки организм фаолияти натижасида ҳосил бўлган м-ллардан ташкил топган чўкинди т. ж. лари. Таркибига кўра карбонатли, кремнийли,

фосфатли т. ж. лар, шунингдек, тошкўмирга бўлинади.

**Ордовик - Ордовик** - ордовик системасининг қисқартирилган номи.

**Ордовикская система - Ордовик системаси** - палеозой гуруҳининг пастдан иккинчи тизими. 1960 й. ҲГК нинг XXI сессиясида мустақил тизим сифатида қабул қилинган; шунгача кўпгина мамлакатларда силур тизимининг пастки бўлими ҳисобланарди.

**Ордовикский период - Ордовик даври** - давом этган вақти 60 млн. й. бўлган палеозой эрасининг бошидан иккинчи геологик давр.

**Ореол - Ореол** - кон яқинидаги зоналар (ореол). Маъдан ҳосил қилувчи ва б. ўзига хос кимёвий элементлар миқдорини атрофдаги т. ж. ларида маъдан ҳосил қилувчи (бирламчи ва сингенетик тарқалиш ореоллари) ҳамда нураш (иккиламчи ва эпигенетик тарқалиш ореоллари) жараёнлари натижасида бл.ларга нисбатан кескин фарқли кўрсаткичларга эга бўлиши. Бундан ташқари, м-лларнинг порфир кўринишидаги ҳол-ҳолликлари атрофида асосий масса ҳисобига ҳошияга ўхшаб ўсиб бориши ҳам тушунилади.

**Ореол вторичный - Иккиламчи ореол** - экзоген жараёнларнинг ф. қ. конларига таъсирида ҳосил бўлган айрим кимёвий элементларнинг аномал концентрациялари зонаси.

**Ореол контактовый - Контакт ореоли** - контакт метоморфизмга ёки контакт-метосоматик ўзгаришларга дучор бўлган т. ж. лари интрузиясини ўраб турувчи амровчи т. ж. лари зонаси.

**Ореол рассеяния первичный - Бирламчи тарқалиш ореоллари** - маъдан ҳосил бўлиш жараёнида кимёвий элементлар миқдоридаги ўзгаришлар юзага келган зоналар. Элементлар тарқалишида т. ж. га нисбатан сингенетик ва эпигенетик бўлиши мумкин. Биринчиси магматик ва чўкинди жинсларга, иккинчиси пегматитли ва магматик жараёндан кейин ҳосил бўлган (гидротермал) конларга мансуб.

**Ореол оруденения(Ореол рассеяния рудообразующих элементов) - Маъданлашиш ореоллари (маъдан ҳосил қилувчи элементларнинг тарқалиш ореоллари)** - айнан шу кон, маъдан т. ж. ларида, уларни қоплаб турган бўшоқ ётқизиклар, тупроқ, ер ости ва юза сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот организми, атмосфера ва тупроқ ҳавоси учун хос бўлган кимёвий элементларнинг аномал юқори миқдорлари зонаси.

**Ореолы рассеяния атмохимические (газовые) - Атмокимёвий (газли) тарқалиш ореоллари** - ф. қ. лар ва ер ости сувларининг газли ва радиоактив тарқалиш ореоллари ҳосил бўлиши ёки емирилиши газсимон (нефть, кўмир, симоб, газ) маҳсулотлар ёки радиоактив парчаланиш маҳсулотлари ажралиши билан боғлиқ бўлган устида пайдо бўлади.

**Ореолы рассеяния биохимические - Биокимёвий тарқалиш ореоллари** - конлар ва уларнинг бирламчи ҳамда иккиламчи тарқалиш ореоллари таркибига кирувчи кимёвий элементлар юқори миқдори танасида бўлган ўсимлик ва жонзотлар тарқалиш доираси.

**Ореолы рассеяния вторичные - Элементларнинг иккиламчи тарқалиш ореоллари** - қ. *Ореол вторичный.*

**Ореолы рассеяния гидрохимические (водные) - Гидрокимёвий (сувли) тарқалиш ореоллари** - маъдан ҳосил қилувчи элементлар миқдори кўп бўлган ер ости ва усти сувларининг тарқалиш доираси.

**Ореолы рассеяния механические - Механик тарқалиш ореоллари** - бўшоқ ётқизиклардаги маъданли юқори миқдорининг тарқалиш области. Ф. қ. ётқизикларининг юқори қисмлари ёки уларнинг бирламчи ореолларининг тарқалиш доирасидаги физик бузилишлар жараёнида пайдо бўлади.

**Ореолы рассеяния солевые - Тузли тарқалиш ореоллари** - маъдан м-ллари ёки қамровчи т. ж. кимёвий элементларининг эритилиб олиб кетилиши ва юқори концентрациялардаги туз сифатида жамланиши.

**Ориентировка галек - Шагал тошларининг йўналишлилиги** - ўтириндилар ҳаракатининг гидродинамик режимига қараб аниқланади. Қирғоқ ёқасида шагалларнинг узун ўқлари денгиз қирғоғига параллел, калта ўқи эса денгиз тубига йўналган бўлади.

**Ориентировка материалов осадочных породах - Чўкинди тоғ жинсларида заррачаларнинг йўналганлиги** - чўкинди тўпланиши муҳитининг тўлқинланиши ёки сувости оқими таъсирида пайдо бўлади; чўкиндилар орасидаги узунчоқ м-л заррачалар, органик ва ноорганик қолдиқларнинг йўналиши билан ҳам аниқланади. Буларни ўрганиш учун дала шароитида кўплаб ўлчовлар ва т. ж. ларидан йўналтирилган штуфлар олинади.

**Орлит - Орлит** -  $Pb(UO_2)_3 \cdot [OH_8] \cdot (SiO_4)_4$ . Сол. оғ. 5,3. Шуъласимон структурали агрегатга эга м-л. Мумсимон хира ялтирайди, мўрт. Уран конларининг оксидланган зоналарида казолит ва б.лар билан бирга учрайди.

**Ороген - Ороген** - бурмаланган тоғ тизими. Келиб чиқишига қараб икки турга ажралади. 1) Эпигеосинклиналь О. — геосинклиналь ривожланишнинг охирида пайдо бўлади; 2) Эпиплатформа О.- платформанинг фаоллашиши натижасида юзага келади.

**Орография - Орография** - геоморфология ва табиий географиянинг бўлими бўлиб, ер сатҳи рельефи шаклини таснифлаш ва изохлаш билан шуғулланади.

**Орт - Орт** - ф. қ. уюми ичида, унинг йўналишини кўндаланг кесиб ўтувчи горизонтал тоғ-кон иншооти.

**Ортит - Ортит** -  $(Ca, Ce, Th)(Fe^{+3}, Mg, Fe^{+2})Al_2[O|OH|SiO_4|Si_2O_7]$ . Кат. 5,5. Сол. оғ. 4,1. Қорамтир, мумсимон қора, баъзан хира (яримнур ўтказувчан) шишасимон, ёғсимон ялтирайдиган, мўрт м-л. Нордон магматик т. ж. ларининг таркибида иккинчи даражали м-л сифатида учрайди.

**Орто... - Орто...** (тўғри, ҳақиқий маъносини билдиради) - 1. Мураккаб сўзлар олд қў-шимчаси бўлиб, метаморфлашган магматик жинсларни аниқлаш учун қўлланган (мас. ортогнейслар, ортосланецлар).

**Ортоклаз - Ортоклаз** -  $K[AlSi_3O_8]$ . Кат.б. Сол. оғ. 2,55-2,63. Оч қизил, қизғиш, жигарранг-қизил, сарғиш, қулранг-оқ, кўк рангли, шишасимон, садафсимон, ялтирайдиган, майда донадор, зич агрегатли м-л. Гранит, сиенит, риолит, пегматит, мигматитларнинг асосий т. ж. ҳосил қилувчи м-ли. Баъзида чўкинди т. ж. ларда ҳам учрайди. Баъзан жуда тиниқлари учраб, улар “адуляр”, “ой тош” деб аталади. қ. *Полевые шпаты*.

**Ортомигматит - Ортомигматит** - мигматит тури бўлиб, магматик моддаларнинг чўкинди т. ж. ларига эмас, балки нисбатан қари отқинди т. ж. ларига ёриб киришдан ҳосил бўлган маҳсулот.

**Ортопороды - Ортожинслар** - отқинди т. ж. ларининг метаморфланишидан ҳосил бўлган кристалланган сланецлар.

**Ортотектоника - Ортотектоника** - ортогеосинклиналлар учун хос бўлган тектоника. Улар учун альпийно туридаги бурмаланишлар мисол бўлади. Мазкур атама жуда камдан-кам қўлланилади.

**Оруденение - Маъданлашиш** - т. ж. ларида маъданли м-лларнинг уларнинг миқдорий кўрсаткичлари ва тарқалиш хусусиятларидан қатъий назар, мавжудлиги. Одатда ушбу тушунча маъданлашишнинг сифати ёки маъданнинг таркибига (кўп миқдорли, оз миқдорли, саноатбоп, саноат аҳамиятига эга бўлмаган, мисли, полиметалли ва ҳ.к.) ва морфологик турига (ҳол-ҳол, уясимон, томирли ва ҳ.к.) қараб аниқлаб олинади. Маъданлашиш т. ж. ларида маъданли м-лларнинг пайдо бўлишига сабабчи жараён сифатида ҳам тушунилади.

**Оруденение прожилковое - Майда томирчали маъданлашиш** - одатда турли йўналишларга эга бўлган кўп сонли маъданли майда томирчалар тўридан ташкил топган маъданлашиш.

**Осадка сооружения - Иншоотнинг чўкиши (ўтириши)** - иншоот асосида ётувчи т. ж. ларининг зичлашиши ёки сиқилиши ҳисобига унинг вертикал силжиши.

**Осадки - Чўкиндилар** - турли т. ж. ларининг, ҳайвонот ва ўсимлик қолдиқларининг парчаланишидан ҳосил бўлган маҳсулотларнинг (субакваль) ёки ҳаво (субаэраль) муҳитида механик ёки кимёвий йўл билан чўкиб тўпланиши. Кейинги б. жараёнларга (мас. диагенезга) дучор бўлмаганлиги сабабли чўкинди ҳали т. ж. га айланмайди. Баъзан “чўкинди” деб шамол, муз ҳаракатлари ва нураш жараёни натижасида ер юзасида пайдо бўлган ҳосилаларга ҳам айтилади. Қадимий ётқизикларнинг қатламлари ичида учрайдиган қумларни Ч. эмас, т. ж. деб аташ лозим.

**Осадки (геологические) - Чўкиндилар (геологик)** - физик, кимёвий ва биологик жараёнлар натижасида ҳосил бўлиб, т. ж. га айланиб улгурмаган ҳамда замонавий чўкинди тўпланувчи сатҳда (қум, гил ва б.) ётган ҳосилалар.

**Осадки абиссальные - Абиссал чўкмалар** - сув ҳавзаларининг 3-4 км ва ундан ортиқ чуқурликларида, океан тубларида ҳосил бўлган чўкмалар.

**Осадки алевроитовые - Алевроитли чўкиндилар** - таркибининг асосий қисмини ўлчамлари 0,01-0,1мм бўлган заррачалар ташкил этган чўкиндилар.

**Осадки атмосферные - Атмосфера ёгинлари** - ёмғир, қор, дўл, шудринг, қиров кўренишида ерга тушадиган намлик. Унинг миқдори вақтнинг маълум даври (йил, ой, сутка, кун)да Ер юзида тўпланган сувнинг қалинлиги (мм) билан ўлчанади.

**Осадки баянусовые - Баянусли чўкиндилар** - денгизлардаги оҳақтошли асосан баянус-қисқичбақалари чиганоқлари бўлак-ларидан иборат ҳосилалар. Булар совуқ сувли денгизларнинг жуда ҳаракатчанг қисмида 100-150 м. чуқурликларда учрайди.

**Осадки бассейновые - Сув ҳавзалари чўкиндилари** - кўл, денгиз ва океан тубларида ҳосил бўлган турли ётқизиклар.

**Осадки бентогенные - Бентоген чўкиндилар** - сув ости организмлари (бентос)-ҳайвон ва ўсимликлар ҳаёт фаолияти натижасида ҳосил бўлган, улар танасининг қаттиқ (корбонатли, кремнийли) қисмлари ва б.лардан иборат бўлган биоген чўкиндилар

**Осадки биогенные - Биоген чўкиндилар** - биоген органик модда ёки м-л скелет қолдиқларидан иборат

трик организмлар ҳаёт фаолияти натижасида ҳосил бўлган чўкиндилар. Денгиз ва океанлардаги Б.ч. кремний, карбонат таркибли чўкиндилар ҳосил қилади.

**Осадки вулканогенные морские - Денгиз вулкани чўкиндилари** - вулкан фаолияти натижасида ҳосил бўлган (бўлакли ёки хемоген) сувости чўкинди ҳосилалар.

**Осадки вулканогенно-кремнистые - Вулканоген-кремнийли чўкиндилар** - жуда катта миқдордаги пирокластик материал (вулкан шишаси, кул заррачалари, пемза, плагиоклаз) га эга бўлган денгиз ва океан биоген (диатомли, радиолярийли) кремнийли чўкиндилар. Бу икки генетик типдаги моддалар бир-бирлари билан аралашиб гетероген чўкинди т. ж. ларини ҳосил қилади.

**Осадки глауконитовые - Глауконитли чўкиндилар** - 70-80 % глауконитдан иборат бўлган чўкиндилар. Яшил, кулранг яшил тусга эга. Зарралар ўлчами қумдан то пелит ўлчамигача ўзгаради. Чўкиндилар таркиби: қум, алеврит, алеврит-пелитли балчиқ ва б.лардан иборат.

**Осадки глинистые - Гил чўкиндилари** - асосан гилли м-лардан иборат бўлиб, пелитли фракциядан фарқ қилади.

**Осадки гравийно-галечниковые - Шағал ва майдашағалли чўкиндилар** - майда шағалли тошлар (1-10мм) ва шағал тошлардан (10-100мм), сиртлари силлиқланган т. ж. лари зарраларидан иборат чўкиндилар.

**Осадки гравийные - Майда шағалли чўкиндилар** - заррачалари ўлчамлари 1-10мм. бўлган чўкинди.

**Осадки грубообломочные - Дағал бўлакли чўкиндилар** - заррачалари ўлчами 1мм.дан катта бўлган, турли даражада силлиқланган, турли генезисга мансуб т. ж. лари.

**Осадки доломитовые - Доломитли чўкиндилар** - хемоген карбонатли чўкиндилар бўлиб, таркибида юқори миқдорда (30 %дан кўп  $MgCO_3$ ) карбонат-доломитли, доломит ва оҳакли- доломитли (30 % дан кам  $MgCO_3$ ) чўкиндилар бор.

**Осадки железисто - карбонатные - Темир - карбонатли чўкиндилар** - қизғиш жигарранг тусдаги карбонатли (фораминиферали), таркибида - 5 % дан кўпроқ  $CaCO_3$  ва 5 % Fe бўлган балчиқ чўкиндилари. Бу чўкиндилар карбонатсиз бўлса, улар таркибида 10-30 % Fe ва 5 % Mn бўлади. Fe улар таркибида қизғиш рангда аутиген гидрооксиди сифатида учрайди. Бу чўкиндилар Ni, Co, Cu, Pb элементлари билан бойиган бўлади.

**Осадки железистые - Темирли чўкиндилар (таркибида >5 % Fe бор)** - таркибидаги Fe миқдорига қараб, улар: кам темирлашган (5-10 % Fe), темирлашган (10-20 % Fe), ўта темирлашган (20-30 % Fe) ва темир маъдани (>30 % Fe) чўкиндиларига бўлинади.

**Осадки известковые - Оҳактошли чўкиндилар** - хемоген, диоген, камроқ терриген типдаги кальцит ва арагонитлардан ташкил топган, таркибида 30 % дан ортиқ кальций карбонат бўлган чўкинди. Улар  $CaCO_3$  нинг миқдорига қараб оҳакланган. (30-50 %), оҳакли (50-70%) ва ўта оҳакланган (>70 %) чўкиндиларга бўлинади. Замонавий чўкиндиларда  $CaCO_3$  миқдори 99 % ни ташкил этади.

**Осадки илистые - Балчиқ чўкиндилари** - сув ҳавзалари тубидаги пеллит фракциясидан (<0,01мм) таш-

кил топган чўкиндилар.

**Осадки карбонатные - Карбонатли чўкиндилар** - таркибининг 30 % дан ортиқ карбонат м-лар (кальцит, арагонит, доломит ва б.лар) дан ташкил топган чўкинди. Улар биоген, хемоген ва терриген турларга ажралади.

**Осадки кремнистые - Кремнийли чўкиндилар** - аморф кремнезем (>10 ёки 30 %  $SiO_2$ ) билан бойиган чўкиндилар. Улар кам кремнийли (20-30 % аморф  $Si-O_2$ ), кремнийли (30-50 % аморф  $Si-O_2$ ) ва ўта кремнийли (>50 % аморф  $Si-O_2$ ) чўкинди турларига бўлинади.

**Осадки марганцовистые - Марганецли чўкиндилар** - таркибида  $Mn > 0,2$  % бўлган чўкинди. Марганец чўкиндиларда аутиген ҳосилалар (оксид, гидрооксид) ва айрим м-лар таркибида аллотиген м-л заррачалар сифатида учрайди. Марганецнинг чўкиндидаги миқдорига қараб: кам марганецлашган (0,2-5 % Mn), марганецлашган (5-10 % Mn) ва ўта марганецлашган (>10 % Mn) чўкиндилар ажратилади.

**Осадки океанские - Океан чўкиндилари** - океан тубидаги седиментацион чўкиндилар. Улар денгиз чўкиндиларидан терриген моддаларнинг йўқлиги, чўкиндилар ҳосил бўлишида биоген жараёнларнинг устуворлиги билан фарқ қилади.

**Осадки пелитовые - Пелитли чўкиндилар** - қ. *Ил пелитовый*.

**Осадки пирокластические - Пирокластик чўкиндилар** - пирокластик материаллардан иборат вулканоген ҳосилаларнинг (вулкан кули, вулкан бомбаси ва ҳ.к.) бир жойдан иккинчи жойга кўчиши ва қайта ётқизилиши натижасида ҳосил бўлади.

**Осадки пляжевые - Пляж чўкиндилари** - қирғоқ чизигидан қуруқлик тарафга тўлқин таъсирида олиб келиб ётқизилган чўкиндилар.

**Осадки прибрежные - Қирғоқ бўйи чўкиндилари** - қирғоқ зонасида тўпланган чўкиндилар. Улар фациясининг ҳар хиллиги ва қатламланиш турлари билан ажралади. Қатламларни ташкил қилувчи т. ж. ларининг келиб чиқишига қараб иккига: денгизга 1) дарё олиб келган тўлқин ёрдамида қайта ётқизилган қатламлар; 2) денгиз қирғоғи ва тубининг абразияси натижасида ётқизилган қатламларга бўлинади.

**Осадки радиоактивные - Радиоактив чўкиндилар** - радиоактив элементлар зарраларининг аэрозолли, газли ва уларни парчаланишидан ҳосил бўлган ҳосилаларнинг ҳаво, туман ва булутлар орқали тўпланиб, ёмғир ва қор билан бирга ёғишидан ҳосил бўлади.

**Осадки ракушечные - Чиганоқли чўкиндилар** - сув ҳавзалари (океан, денгиз) нинг саёз сувости шельфларида замонавий икки табақали моллюскалар (шунингдек гастропода, брахиопода) чиганоқларидан ва уларнинг синиқларидан ҳосил бўлган чўкиндилар.

**Осадки рифовые(рифогенные) - Рифли (рифоген) чўкиндилар** - риф маржонлари районида ҳосил бўлган карбонатли чўкиндилар комплекси. Карбонат чўкиндилар комплексига замонавий яхлит рифли ҳосилалар, уларнинг денгиз тубида ташқи ва ички томондан қоплаб турувчи нураган бўшоқ ётқизиқлари киряди.

**Осадки современные - Замонавий чўкиндилар** - замонавий геологик давр чўкиндилари. Улар қуйидагича: 1. Сув ҳавзалари-даги замонавий чўкиндилар, яъни

диагенез жараёнига тўла учрамаган седиментация ҳавзаларидаги ёш чўкмалар. 2. Ҳозирги замон жараёндари натижа-сида ҳосил бўлаётган замонавий чўкиндилар. 3. ч. литологик хусусиятлари, таркибий тузилиши ва гранулометрик ҳоссалари билан таснифланади. 3. ч.нинг йирик фашиал типлари чўкиндилар ҳосил бўлишининг табиий-географик муҳитига боғлиқ. Денгиз туби чўкиндилари стратиграфиясида айрим ҳолларда, голоценни ёки унинг устки қисмини қамраб олувчи горизонтларни ажратиш мумкин.

**Осадки терригенные - Терриген чўкиндилар** - қуруқликда юз берган денудация жараёнида ҳосил бўлган турли ўлчамли заррачаларни турли кўчириш воситалари ёрдамида сув ҳавзаларига келтириши ва чўкиндига тушиши натижасида ҳосил бўлади.

**Осадки хемогенные - Хемоген чўкиндилар** - кимёвий ва биокимёвий реакциялар натижасида ҳосил бўлган чўкиндилар. Булар буғланиш, оксидланиш-қайтарилиш реакциялари натижасида кам эрийдиган бирикмаларнинг ҳосил бўлиши ёки муҳитдаги эритма — коллоидлар коагуляцияси жараёнида ҳосил бўлади. Х. ч. ларга ҳар хил тузлар (галит, мирабилит) ва б. оҳақтош чўкиндилари (оолитлар) ва темирли гуддалар (замонавий темир — марганецли конкрециялар), оқмалар ва б.лар киради.

**Осадки щелочные - Қиррали шагал (чақиқтош) чўкиндилари** - таркибда думалоқланмаган, қирралик, чақиқ бўлақлар (ўлчами 10-100) устивор миқдорда бўлади. Уларнинг ўлчами майда (10-25 мм), ўрта (25-50 мм) ва катта (50-100 мм) турлари бўлади.

**Осадки золово-морские - Денгиз-ёол чўкиндилари** - шамол билан олиб келтирилиб денгиз тубига ётқизилган чўкиндилар. Арид иқлимли худудлар яқинида ривожланган бўлади.

**Осадкообразование - Чўкинди ҳосил бўлиши** - литосферанинг атмосфера, гидросфера, биосфера ва космик Ҳазо билан ўзаро таъсири натижасида юзага келган фазилалари. Жараён оқибатида литосфера моддасининг ер устида қайта тақсимланиши, б. геосфералар билан модда ва энергия алмашинуви, космосдан Ерга тушаётган қуёш энергияси ва моддасининг ютилиши ва кўмилиши рўй беради..

**Осадкообразование современное аридное - Замонавий арид иқлим шароитида чўкиндилар ҳосил бўлиши** - Ернинг қуруқочил (арид) зоналарида чўкиндилар ҳосил бўлиши. Қуруқликда улар кимёвий чўкиндиларга нисбатан устунлик қилади. Улар қуруқликда физик нурашнинг кимёвий нурашга нисбатан устунлиги; ёол жараёнининг жадаллиги ва сув оқими модулининг пастлиги; материк ичидаги сув ҳавзасидаги хемоген ва биоген; карбонат чўкиндиларнинг ҳосил бўлиши; терриген ва биоген чўкиндиларнинг камлиги, ёол материаллари ролининг ошиши билан тавсифланади.

**Осадкообразование современное гумидное - Замонавий гумидли иқлимли шароитида чўкинди ҳосил бўлиши** - Ернинг намлик (гумидли) зоналарида чўкиндилар ҳосил бўлиши. Булар қуруқликда кимёвий нурашнинг ривожланиши (нураш пўсти), континентал сувли ва қуруқ чўкиндиларнинг (аллювий, делювий, кўл ва ботқоқликларда) ривожланиши; континент ичи сув ҳавзаларида терриген, биоген чўкиндиларнинг ҳосил бўлиши; океан ва денгизларда биоген - кремнийли (диатомли, радиолярийли), карбонатли

(фораминефера, маржон) ва терриген чўкиндиларнинг жадал ҳосил бўлиши билан тавсифланади.

**Осадочные породы - Чўкинди тоғ жинслар** - Ер пўстининг устки қисмида жойлашган, ҳар хил т. ж. ларининг нурашидан ҳосил бўлган маҳсулотларнинг қайта ёқтизилиши оқибатида вужудга келади. Улар кимёвий, биологик, механик йўл билан ҳам пайдо бўлади.

**Осаждение - Чўкиш** - 1) муаллақ ҳолатдаги заррачаларнинг сув ҳавзаси ёки оқар сув тубига чўкиши; 2) эритмаларнинг буғланиши натижасида ҳосил бўлган туз ва ўта тўйинган туз эритмаларининг кимёвий когуляция реакциялари жараёнида чўкиши, 3) эритмадаги бирор бир бирикмани чўкма ҳолида ажратиб олиш.

**Осаждение гидродинамическое - Гидродинамик чўкиш** - сув оқимининг жадаллигига боғлиқ бўлиб, сувнинг гидродинамик оқим режими чўкинди доналарининг ҳаракатини тавсифлайди. Натижада оқим остида қия қатламликка эга дўнгликлар ҳосил бўлади. Қия қатламли чўкиндиларнинг ҳаммаси гидродинамик чўкиндилар синфига киради. Уларнинг ҳосил бўлиши гидродинамик омилларга (оқим, тўлқин ва б.ларга), яъни турбулент оқимларнинг структураси, тезлиги ва йўналиш қувватига боғлиқ. Чўкинди доналарнинг ўлчамлари ва қалинликлари турбулент оқимнинг структурасига боғлиқ бўлади.

**Осаждение гравитационное - Гравитацион чўкиш** - сув массаси гидродинамик фаоллигининг пастлиги, чўкинди бўлақларини суришга ва ташишга кучи етадиган сув оқимининг ўз тезлигини йўқотиши билан фарқланадиган тинч сув ҳавзаларида ҳосил бўлади. Бу ҳавзага оқиб келган муаллақ дона ўз оғирлиги билан ишқаланиш, муҳит қаршилиги ва муаллақликни енгиб чўкинди ҳосил қилади. Гравитацион чўкиш тезлиги дона оғирлигига тўғри, чўкиш масофаси эса унинг диаметрига (оғирлигига) тескари пропорционалдир.

**Осаждение химико -биологическое - Био - кимёвий чўкиш** - сувда эриган моддаларнинг кимёвий чўкиши ёки чўкинди ҳосил қилувчи организмлар ёрдамида м-л зарраларининг биологик синтезланиши натижасида рўй берадиган чўкиш. Б. к. ч. да эритманин кимёвий хусусияти ва биологик фаоллиги натижасида эритмадан айрим элементларнинг алоҳида танланган ҳолда ажралиб чўкишидан ҳосил бўладиган чўкинди.

**Осаризавит - Осаризавит** -  $Pb (Cu Al)_3 \cdot [(OH)_6 (SiO_4)_2]$ . Al:Fe=0,81:0,19 нисбатларда биверитнинг алюминли аналоги.

**Оси кристаллографические - Кристаллографик ўқлар** - кристаллнинг учта ҳақиқий ёки тахминланган қирраларининг кесишишидан ҳосил бўлган ўқлар шу кристаллнинг координата ўқлари ҳисобланади.

**Осланцевание - Сланецланиш** - кўмир шахталарида кўмир чангларини портлаши хавфини олдини олиш мақсадида чанг таркибига аргиллитнинг инерт чангини киритиш учун шахта деворларига пуркаш.

**Осмий - Осмий, Os** - М.д.с. нинг VIII-гурухига мансуб к.э. Т.р. 76, ат.м. 190,2. Табиий О. 7 та барқарор изотопдан иборат:  $Os^{184}(0,018 \%)$ ,  $Os^{186}(1,59 \%)$ ,  $Os^{187}(1,64 \%)$ ,  $Os^{188}(13,3 \%)$ ,  $Os^{189}16,1 \%)$ ,  $Os^{190}(26,4 \%)$ ,  $Os^{192}(41,1 \%)$ . О. Ер пўстининг масса жиҳатидан  $5 \cdot 10^{-6} \%$  ни ташкил қилади. О. -кўкимтир тусли қаттиқ металл. Металлар ичида энг оғири, зичлиги  $22,6 \text{ г/см}^3$ , сууюқланиш ҳарорати  $3027^\circ\text{C}$ , қайнаш ҳарорати  $5027^\circ\text{C}$ . О.табиатда иридий билан қотишма ҳолида, платина

гурухи металлларининг маъданларида учрайди. Тиббиётда ва фотографияда ишлатилади.

**Осмий самородный - Соф осмий** - Os. Платина гуруҳига мансуб м-л. Табиатда платина гуруҳининг б. металлари билан биргалликда. Лекин жуда кам учрайди.

**Осмистый иридий - Осмийли иридий** - (Ji, Os) Қат. — 6-7. Сол. оғ. 17-21. Бир-бирига яқин хусусиятли м-лларнинг изоморф қаторини ташкил қилади. О.и. м-лида Rh, Ru қўшилмалари мавжуд. Ранги оқдан қулрангача. Ўта асосли т. ж. ларида Pt, хромшпинелидлар, Си сульфидлари, камроқ кварц томирларида Au билан; Pt, Au ли сочмаларда ҳам учрайди.

**Основная масса - Асос масса** - петрографияда майда донадор, гоҳида шишасимон масса. Ўзида порфирлашган ажралмаларни, фенокрис-талларни жойлаштирувчи магматик тана.

**Осовы - Тоғ жинслари оқими** - заррачалари боғланмаган бўшоқ т. ж. ларининг қия сатҳлардаги алоҳида сурилувчи блоклар, блоклар кўринишидаги ҳаракати.

**Останец - Қолдиқ** - т. ж. ларининг денудацияси натижасида баланд тепаликдан ажралиб, жойида сақланиб қолган қисми.

**Останец тектонического покрова - Тектоник қоплама қолдиғи** - тектоник қопламанинг ювилишидан кейин алоҳида ажралиб сақланиб қолган қисми.

**Остатки органические - Органик қолдиқлар** - т. ж. ларида жонзотлар танаси қаттиқ қисмларининг тошга айланган (мумиё-лашган, музланган, кўмирлашган) қисмининг ёки қаттиқ танаси айрим қисмларининг (чиганоқлари, суяклар, барглари, уруғлар ва б.лар), баъзан эса бутун организмларнинг, шунингдек ҳаёт фаолиятининг тош қотган излари.

**Остаток сухой - Қуруқ қолдиқ** - сувни буғлатиш натижасида (t-105-110°C) қолган модда. Улар 1кг ёки 1л. сув ҳажмидаги грамм ёки миллиграмм билан ифодаланади.

**Остраит - Остраит** - пироксен тури; таркибида магнетит билан бирга 20 % гача шпинель ҳам учрайди.

**Остров - Орол** - океан, денгиз, кўл ва дарё ўртасидаги, атрофи сув билан ўралган қуруқлик.

**Осыпь - Тўкилма** - тик сатҳларда нураш натижасида (сувнинг таъсирисиз) ҳосил бўлган т. ж. бўлакларини оғирлик кучи таъсирида пастга қараб силжишидан тўпланиб қолган ҳосилалар. Т. қия ёнбағирга суяниб қолган конус шаклига эга. Конуслар бир-бирлари билан бирикиб тик ёнбағирларни ўраб турувчи шлейфлар ҳосил қилади.

**Ось двойниковая - Қўшалоқлик ўқи** - қўшалоқлар ҳосил бўлишида бир кристалл иккинчисига нисбатан масъул ўқ атрофида 180°га бурилади. Шу ўқ “Қ.ў.” дейилади. Қ.ў. қўшалоқлик юзасига ёки қўшалоқлик қиррасига перпендикуляр бўлади ёки қўшалоқлик текислигида ётади.

**Ось оптическая - Оптик ўқ** - анизотоп кристалллардан ўтаётган ёруғлик нурунинг иккига ажралмайдиган, кутублан-майдиган, синмайдиган йўналиши.

**Ось складки - Бурма ўқи** - бурма ўқи текислигининг горизонтал ёки вертикал текислик ёхуд ер юзи билан кесишган чизиғи. Б. ў. бурма йўналиши билан мос келади.

**Ось тектоническая - Тектоник ўқ** - горизонтал текислигининг вертикал ёки ўта қия юза билан кесишиши натижасида ҳосил бўлган чизиқ. Ер қобиғининг турли

структурвий элементларини тахминан симметрик қисмларга бўлади.

**Оталькование - Талькланиш** - ўта асосли т. ж. ларидаги оливин ва пироксенларнинг ёш гранитли интрузиялар билан боғлиқ бўлган нордон гидротермал эритмалар таъсирида тальк билан алмашилиши жараёни. Талькланиш серпентинлаштишнинг қўшимча иккиламчи аллометаморфик жараёни бўлиб, талькли, тальк - карбонатли, тальк - хлоритли т. ж. лари ҳосил қилади.

**Отбор грунтов - Грунт олиш** - бурғи қудуқларидан т. ж. намуналари ва ф. қ. ларни кўтариб чиқариб олиш.

**Отвал - Тўкма** - тоғ иншооти (шурф, шахта, штольня) ни қазишда ер юзасига чиқариб ташланган т. ж. лари уюми.

**Отдел - Бўлим** - умумий стратиграфик шкаланинг учинчи ўриндаги бирлиги бўлиб, планетар миқёсдаги аҳамиятга эга.

**Отделение рудоносных растворов - Маъданли эритмаларнинг ажрлиши** - магма кристалланишида, маъдан компонентларини ўзида сақловчи сув эритмасининг ҳосил бўлиши.

**Отенит - Отенит** - Ca [UO<sub>2</sub> | PO<sub>4</sub>]<sub>2</sub> · 8 ÷ 12 H<sub>2</sub>O. Қат. 2-2,5. Сол. оғ. 3,1—3,2. Сарик, яшил, рангли, садафсимон, шишасимон ялтирайдиган, тангасимон, думалоқ агрегатли жадал люминесценцияга эга м-л. Гидротермал ва пегматит конларнинг оксидланган зоналарида фосфат, арсенат, силикат, U, гидронастуран, ургит, марганец оксидлари, ярозитлар билан ассоциацияларда учрайди. Йўлдош м-ллари: торбернит, уранинит, уранли охра, кварц. Син.: отунит, кальций-фосфоруранит, калькуруранит, метаотенит.

**Откачка длительная - Узоқ муддатли сув чиқариш** - ўрганилаётган сув манбаининг самарадорлигини ўрганиш мақсадида бурғи қудуғи, қудуқлар ва б.дан сув тартиб чиқариш. Унинг давомийлиги 1 ойдан 10 ойгача давом этиши мумкин. Унинг давомийлиги чизмадаги депрессия эгри чизигининг турғун ҳолатга ўтгунигача ҳисобланади.

**Откачка опытная - Тажриба мақсадида сув чиқариш** - бурғи қудуқлари, қудуқлар ва б. тоғ иншоотларидан т. ж. фильтрация коэффициентини, сув сатҳи пасайишининг дебитга боғлиқлигини, таъсир доирасини, депрессия воронкасининг вақт давомида ривожланишини аниқлаш мақсадида сув тартиб чиқариш.

**Откачка пробная - Синаш мақсадида сув чиқариш** - сувли горизонтни баҳолаш мақсадида бурғи қудуғи ёки қудуқдан унинг дебитини ва сув сифатини аниқлаш учун ўтказиладиган қисқа муддатли сув тартиб чиқариш.

**Откачка пробно-эксплуатационная - Синаш-ўзлаштириш мақсадида сув чиқариш** - бурғи қудуқлари ва қудуқлардан тажриба йўли билан узоқ муддат мобайнида чиқариб туриш мумкин бўлган сув миқдорини аниқлаш.

**Откос - Нишаб, қиялик** - заррачалари боғланмаган т. ж. лари массасини чеклаб турувчи қия сатҳ. Заррачалари боғланмаган т. ж. ларини мувозанатда ушлаб турадиган қисмининг чегаравий бурчаги “табийий қиялик бурчаги” деб юритилади.

**Открытая горная разработка - Очиқ усулда қазиб олиш** - қ. *Разработка горная открытая.*

**Отливы - Сув қайтишлари** - Ой ва ернинг ўзаро

тортишиш кучи таъсирида қуруқликка босиб келган денгиз ва океан сувларининг орқага қайтиши.

**Отложения абиссальные - Абиссал ётқиқиқлар** - ҳозирги замонда океанлари тубининг катта (90%) қисмида ҳосил бўлган чўкиндилар. Бундай ётқиқиқлар кўпинча 3 км.дан ортиқ чуқурликдаги оксидланиш муҳитида пайдо бўлади. А.ё.: 1) майда ҳайвон организмларининг скелетларидан; 2) қуруқдикдан шамол ёки денгиз оқими натижасида келтирилган м-л зарралардан, сув ости ва сув усти вулкан т. ж. ларидан, космик чанглардан ташкил топади.

**Отложения автохтонные - Автохтон ётқиқиқлар** - геологик жараёнларда ҳосил бўлган таркибий қисмлари ўрнидан қўзғалмай ўз жойида сақланиб қолган ётқиқиқлар. Буларга асосан кўмир, сув ўтли, маржонли, органик, элювий ва айрим кимёвий ётқиқиқлар кирди.

**Отложения аллювиально-делювиальные - Аллювиал-деллювиал ётқиқиқлар** - қия сатҳлардаги эрозия жараёнлар ва делювиал ювилишнинг биргаликда кечиши натижасида ҳосил бўлган ҳосилалар. Улар водийларни тоғ ён бағирлари атрофларида аллювиал ҳосилалар аккумуляциясинг ва кимёвий аккумуляциясини ўзаро алмашишни турларидан ҳосил бўлади. Бу ётқиқиқлар яхши сараланмаганлиги ва силлиқланмаганлиги, аллювий (шағал тош, қум) ва делювий (сланец, супес, майда қиррали шағал тош) фазаларига мос қатламлар билан тавсифланади.

**Отложения аллювиально-морские - Аллювиал-денгиз ётқиқиқлари** - оқар сувларнинг денгиз ёки кўлга қуйилиш жойи (дельта)да пайдо бўлган шағал, қум, гил, балчиқ ва б.лардан иборат ётқиқиқлар.

**Отложения антропогенные - Антропоген ётқиқиқлар** - қ. *Отложения техногенная.*

**Отложения батальные - Батал ётқиқиқлар** - денгиз ва океан чўкиндилари. Материк ён бағри ёки шельф зонасида йиғилади. Б. ё. 200-3000м чуқурликда учрайди. Б. ё. Дунё океани майдонининг қарийб 20 % ини қоплаган.

**Отложения биогенные - Биоген ётқиқиқлар** - организмларнинг ҳаёт фаолияти маҳсулотлари ёки скелетлари (маржон оҳак тошлари, сув ўсимликлари оҳактоши, ёзиш бўри ва б.) тўпланишидан ҳосил бўлган ҳосилалар.

**Отложения валунные - Харсангтошли ётқиқиқлар** - ўлчами 100 мм. дан катта бўлган силлиқланган харсанг тошлар. Булар музликлар моренасида, денгиз музликларида, денгиз қирғоғи чўкиндиларида ва тоғ дарёлари аллювий чўкиндиларида учрайди.

**Отложения верхнечетвертичные - Юқори тўртламчи давр ётқиқиқлари** - сўнги муз босишидан аввалги муз босган вақтлар орасида ва сўнги тўртламчи давр муз босишининг барча босқичларида шакланган турли генезисли ётқиқиқлар.

**Отложения временных потоков - Вақтинча оқар сувларнинг ётқиқиқлари** - тоғлик областлардан текисликка вақтинча оқар сувлар келтириб ётқиқган ётқиқиқлар. Бош оқим ўзани ётқиқиқлари, ўзанлар оралиғи, ўзан ётқиқиқларига бўлинади. Улар қирқим бўйча бир-бирдан фарқ қилади.

**Отложения гемипелагические - Гемипелагик ётқиқиқлар** - океонларнинг ўртача чуқурликларида (2000-5000м) ва денгизларда ҳамда улар оралиғида ҳосил бўладиган карбонатли ётқиқиқлар.

**Отложения горных озёр - Тоғ кўллари ётқиқиқлари** - нураган, органик ва кимёвий чўкиндиларнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Қуйидаги типлар ажратилган: 1) кучсиз қурийдиган, чиганоқ қолдиқлари ва синиқлари билан бойиган оч рангли мергелли гиллар; 2) кўп миқдорда оҳактош аралашмали, кучли қурийдиган, майдаланадиган, оч сариқ - яшил рангли, совунсимон гил; 3) юққа, гоҳида варақсимон, гоҳида эса лентасимон қатланган, очик ва тўқ яшил рангли гил; 4) шамоллар таъсирида ҳосил бўлган қатли ва линзасимон тоза қум чўкиндиси; 5) органик чўкиндилардан диатомли балчиқлар; 6) кимёвий чўкиндилардан кремнийли ётқиқиқлар; 7) кўлнинг қояли чегараларида қум ва йирик донатор чўкиндилардан иборат бўлган пляж ётқиқиқлари. Бу ётқиқиқлар бетакрор бўлиб, кесмада ва горизонтал йўналишда тез-тез ўзгариб туради.

**Отложения горных рек - Тоғ дарёлари ётқиқиқлари** - сув оқими тезлигининг катталиги сабабли, тоғ дарёларида текисликдаги дарёларга нисбатан кўп миқдорда бўлакли чўкиндилар ҳосил бўлади. Тоғ дарёси аллювийларида галкалар қум ва гилли чўкиндилар билан бирга ётқиқилади.

**Отложения гравитационные - Гравитацион ётқиқиқлар** - тоғ ён бағри ётқиқиқлари. Т. ж. лари бўлақларининг гравитацион куч таъсирида ҳаракатланиши натижасида ҳосил бўлади. Ётқиқиқлар ағдарилмалар, сурилмалар сочилма солифлюкция жараёнлари ҳосиласидир.

**Отложения грязепотоковые - Лой оқимлари ётқиқиқлари** - . *Отложения силевые. (селевые) терминининг синоними.*

**Отложения дельтовые - Дельта ётқиқиқлари** - дарёларнинг қуйи қисмидаги ётқиқиқлар. Дельта чўкиндилари 3 комплексга бирлаштирилди: юқори, олди ва сув ости.

**Отложение делювиально-коллювиальные - Делювиал-коллювиал ётқиқиқлар** - тоғ ён бағирларида нураган т. ж. ларини делювиал ювилиши ва гравитацион ҳаракати натижасида ҳосил бўлади. Литологик жиҳатдан шағал-суглинкалардан иборат, уларда катта ўлчамли т. ж. лари бўлақлари ҳам учраб туради.

**Отложения делювиально-солифлюкционные - Делювиал-солифлюкцион ётқиқиқлар** - қиялиги нисбатан катта бўлмаган сатҳларда делювиал ва солифлюкция жараёнларининг биргаликда кечишидан ҳосил бўлади. Кўп йиллик музликлари бўлган нам иқлимли минтақаларда тарқалади.

**Отложения делювиальные - Делювиал ётқиқиқлар** - қ. *Делювий.*

**Отложения дюнные - Дюна ётқиқиқлари** - дарё, денгиз, кўллар қирғоқларида қум материалларининг шамол таъсирида йиғилишидан ҳосил бўлади.

**Отложения источников - Булоқларнинг ётқиқиқлари** - Ер ости сувларининг ер сатҳига чиқиши ва бугланиши натижасида чўкиндилар тушишидан ҳосил бўладиган хемоген ётқиқиқлар. Улар учун оҳактошли туфлар ва травертинлар хос.

**Отложения карстовые - Карст ётқиқиқлари** - карст ҳосилаларида т. ж. материаллари эриганда ва кўчганда тўпланадиган йтқиқиқлар. Улар таркиби бўйича кимёвий (сталактит ва сталагмитлар), чақик ва органик т. ж. ларига бўлинади.

**Отложения коллювиальные - Коллювиал ётқиқиқлар** - қ. *Коллювий.*



**Отложения континентальные - Континентал ётқи-зиқлар** - қуруқликдаги барча чўкиндиқлар турлари киради. Улар қуруқликдаги фауна ва флора қолдиқлари билан тавсифланади. Айрим ҳолларда эса улар мутлақо бўлмаслиги ҳам мумкин. Денгиз фораминифералар қолдиқлари қайта ётқизилиши натижасида К.ё.да учраши мумкин. К.ё.лар билан денгиз ётқиқиқлари ўртасида ўтиш ётқиқиқи типи - лагуна чўкиндиқлари (сувостии дельтаси чўкиндиқлари) учрайди.

**Отложения лагуныые - Лагуна ётқиқиқлари** - нам иқлимли ҳудудлардаги саёз ёки асосий сув ҳавзаларидан ажралган кўллардаги қумтошли, шағалли ётқиқиқлар, тўсиқиқлар ва б.лар киради. Л. ё. лар асосан майда донатор қумтош, алевроит ва гилли чўкиндиқлардан ташкил топган.

**Отложения ледниковые - Музлиқ ётқиқиқлари** - музлиқларнинг эришидан ҳосил бўлган сув оқими ётқиқиқлари. Бу ётқиқиқлар морена, флювиогляциаль ва кўл музлиги чўкиндиқларидан иборат. Бу ётқиқиқлар бўлакли материаллар таркибига кўра гил ва мергель харсангтошлири, шағал, қум, қумтупроқ, қумоқ тупроқ, лентасимон гил ва б. лардан иборат.

**Отложения лёссовые - Лёсс ётқиқиқлари** - таркибидан чанг заррачалари миқдори 50 % дан ортиқ бўлган, гил заррачаси миқдори 30 % гача бўлган, лёсс т. ж. лари тавсифига эга бўлиб, бир ёки иккита кўрсаткичи билан фарқланувчи тўртламчи давр континентал ётқиқиқлари.

**Отложения литоральные - Литорал ётқиқиқлар** - денгиз ёки океан суви кўтарилиш қайтиш зонасининг ётқиқиқлари (лито-раллар). Таркиби, бўйича ҳилма-хил: уларда турли даражадаги табиий силлиқланган харсанглар, шағал, қум, балчиқли чўкиндиқлар, баъзида органик қолдиқларнинг катта миқдори борлиги кузатилади.

**Отложения межгорных бассейнов - Тоғлиқлар орасидаги ҳавзалар ётқиқиқлари** - атрофи тоғлар билан ўралган сув оқмайдиған сув ҳавзалари чўкиндиқларидан ҳосил бўлган ётқиқиқлар. Мазкур ҳавзаларда чўкма тўпланишининг бошланиши ва бу жараённинг тугаши ҳавзаларни ўраб турган тоғлардаги тоғ ҳосил қилувчи жараёнларнинг бошланиши ва тугаши билан бир вақтда рўй беради.

**Отложения мелководные - Саёз сув ётқиқиқлари** - ҳосил бўлишида сув тўлқинларининг таъсири катта бўлади. Бу ётқиқиқлар асосий белги, текстураларга эга: 1) ётқиқиқнинг қия ва тўлқинсимонлиги; 2) мавжланиши; қатламларнинг қуришидан ҳосил бўладиган дарзликлар, турли хил фауна ва флора қолдиқларининг мавжудлиги.

**Отложения обломочные - Чақиқ тоғ жинслари ётқиқиқлари** - Ч. т. ж. ё. қуруқликдаги т. ж. лари ва м-ларнинг емирилиши, сув ҳавзаси тубининг ювилиши, карст жараёнлари, сурилишлар ва б. жараёнларда ҳосил бўлади. Бу атама "отложение терригенные" атамасидан кенгроқ кўламга эга.

**Отложения озерные - Кўл ётқиқиқлари** - кўл тубида ҳосил бўлиб механик (шағал, қум, гил), кимёвий ва органик ҳосилалардан иборат. К. ё. чучук сувли ва шўр сувли кўл ётқиқиқларига ажратилади. Чучук сувли кўлларда механик чўкиндиқлар, қиргоқ яқинида майда шағал, қум; кўл ўртасида гил ва диатомит, гидрогетит кўпроқ тўпланади. Чучук кўллар қирғоғида ўсимликлар кўпайиб, аста-секин кўл ичкарасига кириб бо-

ради. Шўр кўллар тубига тузлар чўкиб, табиий сода, мирабилит, астраханит ва эпсомит ҳосил бўлади. Кўллар турли иқлимли минтақага жойлашганлиги сабабли ҳам кимёвий чўкиндиқлар таркиби турлича бўлади.

**Отложения покровные - Қопловчи ётқиқиқлар** - т. ж. нинг, маъданли жисимлар устини қоплаб ётувчи ётқиқиқлар.

**Отложения предгорные - Тоғ олди ётқиқиқлари** - баланд тоғ дарёлари ва тоғ ораллиги водийларидаги ётқиқиқлар. Уларнинг тавсифли белгиларига ётқиқиқларнинг қалинлиги, органик қолдиқларнинг йўқлиги, чўкиндиқларнинг сараланиб (тоғ олдидан текисликка қараб - конгломерат, қумтош ва ҳ. к.) ётқизилиши ва б.лар киради.

**Отложения пресноводные - Чучук сув ётқиқиқлари** - континентал шароитда музлиқлар, дарёлар ва кўлларда сув оқими билан келтирилиб ётқизилган т. ж. лари. Ётқиқиқларнинг хусусияти: табиий шароит, сув оқимининг тезлиги, сув ҳавзасининг чуқурлиги, ҳудуднинг рельефи ва геологик тузилиши, тектоник ҳаракатлар ва б.ларга боғлиқ. Бу ётқиқиқларда кўпинча чучук сув фауналари қолдиқлари бўлади.

**Отложения пустынные - Чўл ётқиқиқлари** - эол, делювий, пролювий, элювий, карбонатли ва кремнийли нураш қобиклари, тақир ва шўр-аччиқ қуриған туз кўллари каби шароитларда ҳосил бўлган ётқиқиқлар. Айрим чўл зоналаридан тоғ дарёларининг оқиб ўтиши натижасида, чўл ётқиқиқлари ёнида чучук сув ётқиқиқлари (думалоқланган шағал тош, алевроитли фракция чўкиндиси, чучук сув фауналари қолдиқлари ва б.лар) ҳам ҳосил бўлади.

**Отложения силевые (селевые) - Сел ётқиқиқлари** - тоғлиқ ҳудудларда кучли ёмғир (жала) ёғиши, қор ва музлиқларнинг жадал эришидан, табиий ва сунъий сув эмборларининг бузилишидан ҳосил бўлган кучли сув оқимлари натижасида морена, харсанг, йирик донатор қум, гил ва б. сараланмаган жинсларнинг оқиб келишидан ҳосил бўлган ётқиқиқлар.

**Отложения терригенные - Терриген ётқиқиқлар** - қуруқликнинг бузилиши натижасида ҳосил бўлган т. ж. лари ва м-лар бўлақларидан иборат. Т.ё. сув остида ва ер юзасида ҳосил бўлиши мумкин.

**Отложения техногенные - Техноген ётқиқиқлар** - инсоният фаолияти натижасида ҳосил бўлган ётқиқиқлар.

**Отложения угленосные - Кўмир қатламли ётқиқиқлар** - кўмир қатлами мавжуд бўлган ётқиқиқларнинг умумий номи. Улар кўмир қатлами қазиб олинаётган маҳсулдор ва кўмир қатлами қазиб олишга яроқсиз бўлган номаҳсулдор ётқиқиқларга ажратилади.

**Отложения хемогенные (химические) - Хемоген (кимёвий) ётқиқиқлар** - кимёвий ёки биохимёвий реакциялар, сув ҳароратининг ўзгариши натижасида ҳосил бўлган чўкинди ётқиқиқлар. Буларга айрим оҳактошлар, доломитлар, силицитлар (яшмалар, кремнийлар, джеспилитлар ва б.лар), ҳар хил тузлар, гуддалар киради.

**Отложения золовые - Эол ётқиқиқлари** - қум ва чанг заррачаларни шамол таъсирида учириб олиб келиб ётқизилиши натижасида ҳосил бўладиган субэроал ётқиқиқлар. Эол қумлари тахминан бир хил механик таркибга эга бўлиб, 0,15-0,3 ммли фракциялар миқдори б.ларидан кўп бўлади. Улар барханлар, дюналар ва б. аккумулятив рельеф турларини ҳосил қила-

ди.

**Отмель - Сайёзлик** - денгиз, кўл, дарёлар тубининг қирғоққа яқин, баъзан эса узоқроқдаги сув юзасидан чиқиб турадиган саёз қисми.

**Отметка высотная - Баландлик белгиси** - жойнинг мутлақ ёки нисбий баландлигининг метрлардаги ифодаси.

**Отмучивание - Лойқадан тозалаш** - гил суспензиясидан гил фракциясини ажратиш усули ( $<0,001\text{мм}$ ). Гил суспензия лойқалатилади ва ундан маълум вақтдан сўнг лойқанинг маълум қисми б. идишга қуйиб олиб қуритилади.

**Относительная влажность горной породы - Тоғ жинсининг нисбий намлиги** - қ. *Влажность горной породы относительная*.

**Отношение аргон-азотное - Аргон-азот нисбати** - эриган ва сорбцияланган Ar ва N нисбати. Бу нисбат табиатда 0,019 нинг ташкил этади. Шу нисбатдаги Ar ва N нинг т. ж. да бўлиши унинг атмосферадан кириб келганлиги ҳақида фикр юритиш имконини беради.

**Отношение гелий-аргоновое - Гелий-аргон нисбати** - ҳаводаги He концентрациясининг Ar концентрациясига нисбати. Табиатда бу қиймат 0,00056 ни ташкил этади. Бу нисбат, агарда изотоп нисбатлар ҳисобга олинмаса, газларни мутлақ ёшини аниқлашдаги катталikka олиб келади.

**Отпечаток - Тамга** - геологияда қатламларда қолдирилган турли излар (ҳайвон ва ўсимликлар, механик излар ва ҳ.к.).

**Отрицательные формы рельефа - Рельефнинг манфий шакллари** - рельефнинг сойлик, ботиқ, воронка, водий ва х. к. кўринишдаги эгилган шакллари.

**Отроги горные - Тоғ тармоқлари** - катта тоғ тизмаларидан ажралган тоғнинг нисбатан кичик қисмлари.

**Отходы горного производства - Тоғ-кон саноати чиқиндилари** - конни ўзлаштириш жараёнида қазиб олинган, фойдаланилмайдиган т. ж. массаси, шунингдек м-л хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш, бойитиш ва кимёвий-металлургик қайта ишлашдаги чиқинди маҳсуллар.

**Отчет геологический - Геологик ҳисобот** - маълум объектда (участка, район, кон, планшет ва ҳ.к.) ўтказилган тадқиқотлар натижалари ҳақидаги ҳисобот. Унда объектда бажарилган геологик съёмка, излаш, баҳолаш, қидириш, тадқиқот, фойдаланиш ишлари натижалари келтирилади ва таҳлил қилинади; асосланган хулосалар чиқарилиб муфассал аниқланиши лозим бўлган вазибалар ҳал қилинади. Айрим регион, район, майдонлар геологик хусусиятлари таҳлилланади, тугалланган геология-қидириш ишлари бўйича ф. қ. нинг ресурс ва заҳиралари ҳисобланади, уларнинг саноат учун аҳамияти баҳоланади.

**Офикальцит - Офикальцит** - янги ҳосил бўлган форстеритнинг гидротациясидан ҳосил бўлган уяли, ҳол-ҳол ва томирли парасерпентинитли, контактли метаморфлашган доломитли оҳақтош. О. асбестли парасерпентинитларни ва хризотил - асбест конларини қидиришда қидирув белгиси бўлиб хизмат қилади.

**Офиолиты - Офиолитлар** - натрий-базальтлар, серпентинитлар ва б. ўта асосли жинсларнинг умумий номи.

**Охра - Охра** -  $\text{Fe}_2\text{O}_3 \cdot \text{MnO}_2$ . Сарик ва қизил марганец ва темир оксидлари массасидан иборат м-л. 1. Темирнинг кукунсимон ёки тупроқсимои табиий оксиди (лимонит);

2. Оксидлар синфига кирувчи баъзи м-лларнинг номларидаги атамаларининг асосий қисми. Тупроқдек бўшқ ҳолда учрайди.

**Оценка месторождений полезных ископаемых экономическая - Фойдали қазилма конларини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш** - конни ишга туширишнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини аниқлаш. У минерал хом ашёнинг ҳар бир тури бўйича базасининг ҳолатини ва унга халқ хўжалигидаги талабни, уларни б. турлар билан алмаштириш истиқболини, қазиб олиш технологияси ва хом ашёни қайта ишлашни, айрим районларнинг ривожланиш истиқболини, давлатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашни ва б.ларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бундай баҳолаш техник-иқтисодий кўрсаткичлар комплекси бўйича, яъни металл ва маъдан саноат заҳираларининг ҳажмини, корхонанинг йиллик и. ч. қувватини, маъдан концентратини ва металл таннархини, конни ўзлаштириш рентабеллигини, солиштирма ва умумий капитал сарфларнинг, капитал сарфларнинг ўзини оқлаш муддати ва коннинг баҳоланишини ҳисобга олиб бажарилади. Кон дастлабки ва муфассал ўрганилгандан сўнг унинг морфологияси, тузилиш хусусиятлари ва маъдан жисмларининг ётиш шароитлари, хом ашё сифати, бойитиш ва қайта ишлаш шароитлари ва б. ўрганилган бўлиши керак.

**Оценка прогнозная перспективности отдельных площадей - Алоҳида майдонлар истиқболлигини башоратли баҳолаш** - геологик, геокимёвий ва б. съёмка маълумотлари, маъданлиликнинг потенциали, геологик-статистик усул, маъдан назорат қилувчи омилларни мувофиқ бириктириш принциплари қўлланган ҳолда майдонлар иқтидорини батафсил кўриб чиқиш ёрдамида амалга ошириладиган, келажакга йўналтирилган баҳолаш.

**Оценка промышленной значимости месторождения - Коннинг саноат аҳамиятини баҳолаш** - ўзлаштирилиши режаланаётган ф. қ. нинг миқдор, сифат, технология, геологик-иқтисодий жойлашув, бозор конъюнктураси нуқтаи назаридан ўзлаштиришга яроқлилигини яппи баҳолаш.

**Оценочные работы - Баҳолаш ишлари** - асосий вазибалари ф. қ. нинг  $\text{C}_1$  ва  $\text{C}_2$  тоифасидаги заҳираларини ҳамда  $\text{P}_1$  тоифасидаги башорат қилинган ресурсларни ҳисоблаш воситасида саноат учун аҳамиятини аниқлаш.

**Очаг вулканический - Вулкан ўчоғи** - алоҳида магма камераси ёки резервуари. Вулкан ҳаракатини таъминлаб турувчи ўчоқ. Ер усти билан вулкан канали орқали боғланади.

**Очаг вулканический-мантийный - Мантия вулкани ўчоғи** - Ер пўстининг остида, юқори мантия қисмида жойлашган, "М.в.ў." деб тахмин қилинадиган вулкан ўчоғи. Базальт магмаларининг асосий турлари магма ўчоқларининг мантияда жойлашган чуқурлигига қараб аниқланади.

**Очаг землетрясения - Зилзила ўчоғи** - Ер қаъридаги ички жараёнлар таъсирида тўсатдан потенциал энергия ажралувчи область. Бу энергиянинг ажралиши ўз навбатида т.ж. ларининг қайтмас деформацияси, бузилиши билан бирга содир бўлади. З. ў. дан ташқарида т. ж. ларининг жипсланувчан деформацияси кузатилади.

**Очаг рудоносный - Маъданли ўчоқ** - тасаввурларга кўра маъданли қоришмаларнинг пайдо бўлган жойи.

Маъдан ҳосил бўлишининг магматик назариясига кўра, у ёки бу таркибли эриган магманинг ўчоғи бўлиб, таркибида маъданли компонентлар бўлган газ ёки суюқлик ажратади.

**Очаги (окна) питания подземных вод - Ер ости сувларини таъминловчи манбалар** - . маълум сувли қатламга атмосфера, ер усти ва ер ости сувлари жадал кириб борадиган минтақа (туйнук).

**Очаговые структуры - Ўчоқсимон структуралар** - чуқурликдаги массаларни бўшоқчилиги ошиши участкалари устидаги специфик эндоген дислокация натижаси сифатида пайдо бўлувчи айлана шаклидаги гумбаз. Унинг майдони 100 дан то 1500-2000 км<sup>2</sup> гача етади.

**Паводок - Тошқин** - ёгингарчиликлар натижасида дарё сувлари сатҳининг ва сарфининг қисқа муддатга кўтарилиши. Тўлиқ сув даврида мунтазам бўлмаслиги билан фарқланади ва у ёгингарчиликлар рўй берган вақт билан боғлиқ бўлади.

**Павонит - Павонит** - (Ag, Cu) (BiPb)<sub>3</sub>S<sub>5</sub>. Қат. 2. Сол. оф. 6,7. Қўрғошин-кулрангли, зич агрегатли, металлсимон ялтирайдиган м-л. Гидротермал конларда халькопирит ва висмутинлар билан бирга учрайди.

**Падение - Ётиш** - горизонтал текислик томонларига нисбатан аниқланадиган ётқиқиқ (томир, қатлам, узилма ва бошқа геологик жисм сатҳлари)нинг энг катта нишаблиги. Ётиш тарафи ёки азимути ва ётиш бурчаги одатда тоғ компаси ёрдамида, даражаларда ўлчанади.

**Падение пласта - Қатламнинг ётиши** - нормал ҳолдаги қатламнинг горизонтал текисликка нисбатан бир тарафга ётиши.

**Пакет - Пакет** - геологияда, узилмалар билан чегараланган, бир томонга ёнбошлаган (моноклинал) қатламлар гуруҳи.

**Паксит - Паксит** - Cu<sub>2</sub>As<sub>3</sub> Қат. 3,5-4. Сол.оф. 5,3. Кулранг, очиқ ҳавода қорамтирлашиш хусусиятга эга, металлсимон ялтирайдиган м-л. Гнейсларни кесиб чиққан кальцитли томирларда новакит, коутекит ва соф маргимуш м-ллари билан бирга учрайди.

**Палеоантропы - Палеоантроплар** - тахминан 300 минг йил олдин маймунсимон одамлар ўрнида пайдо бўлган одам эволюциясининг иккинчи босқичи вакиллари. П. ларга неандертал туридаги одамлар киради.

**Палеобиогеохимия - Палеобиогеохимё** - геохимё фанининг ўтган геологик даврда организмлар таъсирида биосферада рўй берган геохимёвий жараёнларни ўрганувчи бўлими. Бу фан биолитлар ва бошқа чўкинди т. ж. лари ҳосил бўлишидаги жараёнларда ўша даврдаги организмларнинг геохимёвий ролини ўрганади. Чунки қадимги организмлар қолдиқларининг кимёвий таркибини ўрганиш чўкинди т. ж. лари дијагенези хусусиятларини тиклашга асос бўлади.

**Палеоботаника - Палеоботаника** - ўтган даврлардаги ўсимлик-ларнинг қолдиқлари ва тошда сақланиб қолган изларидан уларнинг морфологияси, анатомияси, филогениясини ўрганувчи ва системага солувчи фан. Тадқиқотлар натижаси ўтган геологик даврлардаги ўсимлик дунёсининг тараққиёт тарихини қайта тиклаш ва ҳозирги замон ўсимликларининг келиб чиқишини тушинишга имкон беради.

**Палеовулканология - Палеовулканология** - ўтган геологик даврларида содир бўлган вулқан жараёнларини ўрганувчи фан.

**Палеогеновая система - Палеоген системаси** - кайнозой эрасининг пастдан биринчи системаси. Бўр системаси устида ва неоген системасининг тагида жойлашган. Ётқиқиқлари қирқимини ажратиш ва таққослаш планктон жонзотлар - фораминефералар, оҳакли нанопланктон, радиолярий ва диатомлар асосида бажарилади. П.с. қуйи (палеоцен), ўрта (эоцен) ва юқори (олигоцен) бўлимларга ажратилади.

**Палеогеновый период - Палеоген даври, Pg** - кайнозой эрасининг бошланиш даври, 65-66 млн. йил муқаддам бошланиб 40-42 млн. йил давом этган. П.д. палеоцен, эоцен ва олигоцен бўлимларига бўлинади.

**Палеогеографическая карта - Палеогеографик харита** - қадимги геологик даврларнинг табиий-географик шарт-шароитларнинг тасвирловчи харита.

**Палеогеография - Палеогеография** - тарихий геология бўлими, қадимги геологик даврлар географияси.

**Палеогеоморфология - Палеогеоморфология** - палеогеография билан боғлиқ бўлган геоморфологиядаги йўналиш. Қадимий рельеф морфологияси, унинг морфографияси, генезиси, ёши, тарихи ва ривожланиш қонуниятларини ўрганиш билан шуғулланади.

**Палеогидрогеология - Палеогидрогеология** - қадимий гидрогеологик шароитни ва унинг геологик даврларда ўзгаришини ўрганувчи фан.

**Палеозой - Палеозой** - "палеозой эраси" ва "палеозой гуруҳи" атамаларининг қисқартириб юритиладиган номи.

**Палеозойская группа - Палеозой гуруҳи** - палеозой эрасида пайдо бўлган ҳамма т. ж. лари.

**Палеозойская эра - Палеозой эраси** - 300-350 млн. йил мобайнида давом этган бўлиб, 6 та даврга бўлинади (кембрий, ордовик, силур, девон, карбон ва перм).

**Палеозойская эратема - Палеозой эратемаси** - фанерозойнинг бошланғич йирик бўлими. Протерозой (кембрий олди)дан кейин ва мезозой эратемасидан олдин келади.

**Палеолит - Палеолит** - тош асри. Инсоннинг яшаши учун зарур бўлган қуроолларни тошдан ясаши билан тавсифланадиган маданият даврининг бошланиши. Бу давр қуйидагиларга бўлинади: шелль, ашель (қуйи палеолит), мустье (ўрта палеолит), ориньяк, солютре, мадлен (юқори палеолит). П. тўртламчи даврининг бошланишидан то музлик даврининг охиригача бўлган вақтни ўз ичига олади.

**Палеолитический век - Палеолит асри** - Ер тарихининг қадимий одам қолдиқлари топилган тўртламчи давр ўрталаридаги аср.

**Палеомагнетизм - Палеомагнетизм** - геологик ўтмишдаги Ер магнит майдонини ўрганувчи фан соҳаси. Т. ж. лари шакилланаётган даврда Ер магнит майдони таъсири билан уларнинг магнитланиш хусусияти ва кейинги даврларда бу хусусиятни сақлаб туриш хоссасини ўрганади.

**Палеонтология - Палеонтология** - организм қолдиқлари ва уларнинг ҳаёт фаолияти изларини қазилмалар бўйича, қадим ўтган геологик даврдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ривожланиш тарихини, организмларнинг филогенетик муносабатларининг ва уларнинг шак-

лраниши ўзаро нисбатларининг яшаш муҳитига боғлиқлигини ўрганувчи биологик фан.

**Палеопедология - Палеопедология** - геологик эпохада мавжуд бўлган ўсимлик-тупроқ қатламларини ўрганувчи фан. Қадимий тупроқ қатламини илмий жиҳатдан ўрганиш палеогеографик шароитларни тиклаш имконини беради.

**Палеоцен - Палеоцен** - палеоген системасининг қуйи бўлими. Аввал “зоцен” деб номланган.

**Палеоэкология - Палеоэкология** - ўтган геологик даврларда тирик организмлар ва ўсимликларнинг яшаш ва ривожланиши, организмлар билан яшаш муҳити ўртасидаги боғлиқлик ва ўзаро алоқадорликни ўрганидиган фан.

**Палермоит - Палермоит** -  $[Li, Na)_2 (Sr, Ca)Al_4 [(OH, F) PO_4]_4$ . Кат. 5,5.. Сол.ог. 3,2. Узун призмасимон шакли, рангсиз, оқ рангли, олмоссимон ялтирайдиган м-л. Гидротермал конлардаги пегматитлар орасидаги бўшлиқ-ларда учрайди.

**Палыгорскит - Палыгорскит** -  $(Mg, Al)_2 [(OH) | Si_4 O_{10}] \cdot 4H_2O$ . Кат. 3.. Сол. ог. 2, 1-2,3. Кулранг, оқ, сарғиш, жигарранг м-л. Шойисимон ялтирайди. Магнезиал т. ж. ларининг нураш қобиғида, линзасимон, уясимон ва дарзликларни тўлдирувчи шаклида ҳамда чўл тупроқларида учрайди. Син.: аттапульгит, тоғ ёғочи, лассалит. Йўлдош м-ллари: халцедон, опал, хлорит, магнезит

**Палладий - Палладий, Pd** - М.д.с.нинг VIII-гурухига мансуб к.э. Т.р. 46, ат.м. 106,42. Табиий П.да 6 та барқарор изотоп:  $Pd^{102}$  (1%),  $Pd^{104}$  (11,4%),  $Pd^{105}$  (22,33%),  $Pd^{106}$  (27,33%),  $Pd^{108}$  (26,46%) ва  $Pd^{110}$  (11,72%) бор. Ер пўстининг масса жиҳатидан  $1 \cdot 10^{-6}$  % ини ташкил этади. Табиатда туғма ёки б. ноёб металллар ва кимёвий бирикмалар билан қотишмалар ҳолида учрайди. П. кумуш каби ялтироқ.  $1554^\circ C$  да суюқланади,  $2940^\circ C$  да қайнайди, зичлиги  $12,02 \text{ г/см}^3$ . П. сульфидли мис-никель маъданларидан, олтин сочилмаларидан ва маъданларидан олинади. Электротехникада, кимё саноатида, заргарликда, стоматологияда фойдаланилади.

**Палладий самородный - Соф палладий** - Pd. Кат. 4-5. Сол. ог. 10,84-11,97. Сочмаларда ва платина конларининг оксидланиш зонасида учрайди. Ранги пўлат каби кулранг, металлсимон кучли ялтирайдиган м-л. Йўлдош м-ллари: палладинит, соф платина, порпечит.

**Пан . . . - Пан . . .** - мураккаб атамалар олдида қўйиладиган олд қўшимча. “Хаммаси, умумий” маъносини билдиради. Мас.: Панидиоморф донатор структура.

**Пандаит - Пандаит** -  $(Ba, \dots) (Nb, Ti, Ta)_2 O_6 (H_2O)$ . Кат. 4,5.-5. Сол. ог. 4. Ранги сарғиш-кулранг м-л. Гидратланган барийли пироксид. Карбонатитларда учрайди. Йўлдош м-ллари: биотит, ортоклаз, флюорит, кварц, апатит, циркон, хлорит, плагиоклаз, рутил, гематит.

**Пантеллерит - Пантеллерит** - шишасимон ёки трахитоидли массада анортотлаз, диопсид, эгирин-авгит, кроссит ва сийрак кварц ажралмаларини ўз ичига олган ишқорли липарит.

**Пантограф - Пантограф** - харита ва чизиқлар масштабини катталаштирадиган ёки кичиклаштирадиган мослама (асбоб).

**Панцирь пустыни - Чўл қобиғи** - Ер юзасидаги нураган т. ж. нинг майда бўлақларини шамол учириб кетиши натижасида йирик т. ж. бўлақларининг сараланиб қолишидан ҳосил бўлган юпқа қатламли (эл-

лювий) ётқирик. У юпқа бўлишига қарамай, пўст ҳосил қилиб қолган бўшоқ т. ж. ларини шамол учиритишдан сақлайди. Бундай қобиқ чўл ва ярим чўл зоналарига хосдир.

**Пара (. . .) - Пара (. . .)** - мураккаб атамалар, номлар олдида қўйиладиган олд қўшимча. Мас.: парагнейслар, параамфиболитлар, парасланецлар.

**Пара дивергентная - Дивергент жуфтлик** - тангенциал ҳаракатларнинг марказдан четга кўчиши натижасида икки бурмаланиш (қўпроқ эвгеосинклиналь) системасининг бир-бири билан жуфтлашиши.

**Парагенез (парагенезис) - Парагенез (парагенезис)** - бирга ҳосил бўлиш. Маълум бир жараёнда бирга пайдо бўлган м-ллар, т. ж. лари, фациялар.

**Парагенезис запрещенный - Тақиқланган парагенезис** - т. ж. ларида кузатилмай-диган бир неча м-лларнинг маконий бирлиги.

**Парагенерация - Парагенерация** - кўриниши ва сифати жиҳатидан бир хил бўлган, б. т. ж. ларидан фарқ қиладиган, геологик жисм. Бу тушунча бўйича П. бир таркибли бўлади. П., шунингдек бир хил структуравий муносабатдаги, парагенезит бир таркибли таналарнинг статистик йиғиндиси.

**Парагнейсы - Парагнейслар** - чўкинди т. ж. ларининг кучли метаморфизмга учраши натижасида ҳосил бўлган гнейслар.

**Параллелизация пластов - Қатламларнинг параллеллашиши** - қатламларни ёши бўйича бир-бирига мос келишини аниқлаш. Бунинг учун энг ишончли бўлган палеонтологик усул, яъни қатламда сақланиб қолган организм қолдиқлари комплексини аниқлаш усули қўл келади. Унча катта бўлмаган ҳудудларда қ.п.ни кузатиш, стратиграфик чегараловчи қатлам ёки қатламларни белгилаш, т. ж. ларининг литологик таркиби, ранги ва б. ларга асосланади.

**Параметры месторождения геолого-промышленные - Конларнинг геологик-саноатбоп параметрлари** - конни ишлашнинг шароити ва техник - иқтисодий кўрсаткич-ларига, хом ашё бойитишга ва қайта ишлашга таъсир қиладиган ф. қ. уюмларини ва хом ашёни табиий хусусиятларининг миқдорий геологик тавсифи. Уларнинг ичида асосийлари: қалинлиги, узунлиги, шакли, ички тузилиши, таркиби, сифати, технологик хоссалари, ф.қ. ётиш шароитлари ва кондан фойдаланишнинг тоғ-техник шароитларидир.

**Параметры оценочных кондиций - Баҳолаш кондицияларининг параметрлари** - улар доирасига қуйидагилар қиради: ф. қ. нинг минимал саноат миқдори, борт миқдори, маъдансиз оралиқ қатламларнинг қалинлиги, минимал рухсат этилган қалинликлар.

**Параметры структур - Структуралар кўрсаткичлари** - структуралар элементларининг қирра ва бурчак ўлчамлари:  $a, b, c; \alpha, \beta, \gamma$ . **Параметры трещиноватости - Дарзлилик кўрсаткичлари** - т. ж.лари дарзликларини миқдорий усул билан ифодалаш имконини берувчи кўрсаткичлар. Д. к. га дарзликни очқлиги, ҳажмий зичлиги, дарзликни йўналишлари ва б. қиради.

**Парасерпентиниты - Парасерпентинитлар** - ўрта ва нордон интрузивларнинг оҳақтош ва доломитлар билан туташган жойларда гидротермалар таъсирида ҳосил бўлган серпентинитлардан ташкил топган контакт-метасоматик т. ж. Апоультрабазит серпентинитларидан темир моддасининг жуда камлиги ва хромшпи-

нелларнинг мутлақо йўқлиги билан фарқланади.

**Паратуффиты - Паратуффитлар** - 50 % дан кўпроқ терриген, кимёвий ва б. ётқизиқлардан ташкил топган вулканоген чўкинди т. ж. лари. Чўкинди т. ж. лари таснифига кўра туфогравелитлар, туфли кумтошлар, туфоалевролитлар, туфосланецлар, туфли оҳақтошлар, туфодоломитлар, туфогалитлар, туфогипслар каби турларга ажратиш тавсия этилган.

**Парафин - Парафин** - қаттиқ углеводородлар аралашмаси. Асосан метан қаторидан иборат. Зичлиги 0,865-0,940г/см<sup>3</sup>; эриш ҳарорати 35-65°C, молекуляр массаси 300-450. Ҳарорат t-40°C. дан ошганда П. нефтда бутунлай эрийди, t-40°C. дан пасайганда эса, майда кристал ҳолатига ўтади. Агар П.нинг миқдори ортса нефтни қазиб олиш қийинлашади. П. нефтларнинг барча турларида, учрайди, кўпинча унинг миқдори 5 % дан ошмайди.

**Паредрит - Паредрит** - олмосли сочма конларда учрайдиган рутилли шағал тош.

**Паризит - Паризит** - м-л,  $(Ce, La)_2 Ca[F_2](CO_3)_3$ . Қат.4,5. Сол.оғ.4,35. Сариқ, қўнғир рангли донадор агрегатли м-л. Ялтираши шишасимондан мумсимонгача. Гранитли пегматит, нефелинли ва ишқорли сиенит, доломитли ва базит-сидеритли томирларда учрайди. Син.: бунзит, мусит.

**Парообразная вода - Буғсимон сув** - аэрация зонасида, вулкан областларида ва катта чуқурликлардаги т. ж. да буғ ҳолида учрайдиган сув. Т. ж. нинг ғовак бўшлиқларида ҳаво билан аралашган ҳолатда бўлади. Конденсация (томчи) ланиши ҳаво намлиги 100 % га етганда содир бўлади. Атмосферадаги сув буғлари билан тупроқдаги ҳавонинг зичлиги ҳар хил бўлганда улар мувозанат ҳолатини олишга ҳаракат қиладди.. Яъни зичлиги катта сув буғлари зичлиги кам сув буғлари томон ҳаракатланади.

**Паскоит - Паскоит** -  $Ca_3[V_{10}O_{28}] \cdot 16 H_2O$ . Сол.оғ. 2,46. Тўқ қизилдан сариқ-жигаррангача бўлган қобиқсимон агрегатли, жилоси хира м-л. Йўлдош м-ли: патронит. Син.: ванадийли охра.

**Паспорт буровой скважины - Бурғи қудугининг паспорти** - бурғилаш натижасида олинган асосий маълумотларни ўзида жамлаган ҳужжат.

**Паспорт горной выработки - Тоғ иншооти паспорти** - тоғ-кон иншоотини барпо этиш мобайнида риоя этилган асосий кўрсаткичлар ва олинган маълумотлар қайд қилинадиган ҳужжат.

**Паспорт колодца - Қудуқ паспорти** - қудуқ қазилган вақтини, очилган т. ж. лари таркибини, жиҳозлаш турини, ундаги сувнинг физик хоссалари, кимёвий таркибини, сарфини кўрсатувчи ҳужжат.

**Патронит - Патронит** -  $V(S_2)_2$ . Қат. 1-2.. Сол. оғ. 2,81. Ранги тўқ кулранг. Металлсидон ялтирайди. Ванадий м-ли. Кўмирли кумтошларда соф тузма олтингурт, кальцит, кварцлар билан чатишган ҳолда учрайди. Йўлдош м-ллари: хьюэтит, паскоит, олтин-гурт, бравоит.

**Пачка - Пачка** - 1) Маълум фациал-литологик ва палеонтологик асослар билан тавсифланган, қалинлиги катта бўлмаган, сон ёки ҳарфлар билан белгиланган свита ёки свита таркибидаги ётқизиқ. 2) Қалинлиги катта бўлмаган, геологик белгилари билан бир-бирига ўхшаш, сон ёки ҳарфли белгилар билан ажратилмаган ётқизиқ қатламлари мажмуи.

**Пачка литолого- стратиграфическая - Литолого-**

**стратиграфик пачка** - б. т. ж. ларидан литологик ва палеонтологик таркиби ва хусусиятлари билан ажралиб турувчи, қалинлиги бир неча ўн метргача бўлган чўкинди т. ж. лари мажмуи. Булар стратиграфик қирқимда алоҳида ўз ўрнига эга бўлиб, свитанинг маълум бир қисмини ёки ярусни ташкил этади.

**Пачка слоев - Қатламлар пачкаси** - умумий геологик белгилар билан тавсифланган юпқа қатламлар мажмуи. Қ.п. қайтарилиши шарт эмас.

**Пачка фациальная - Фациал пачка** - бир хил динамик зонада ҳосил бўлган қатламлар қатори.

**Пегматит десилицированный - Силикатсизланган пегматит** - гранитлашган пегматит эритмасининг ўта асосли ёки оҳақтошли т. ж. ларга суқилиб кириши ва ўз таркибидаги кремнезем ва ишқорларни қамровчи т. ж. ларга бериши натижасида ҳосил бўлган силикатсизланган пегматит тури.

**Пегматит керамический - Кулолчилик пегматити** - фақатгина калийли дала шпати ёки кварцли альбит ёхуд нефелин ва оз миқдорда б. м-ллардан ташкил топган, кулолчилик маҳсулотлари и. ч. да ишлатиладиган т. ж.

**Пегматит корундовый - Корундли пегматит** - таркиби бўйича кескин фарқ қилувчи, кам кремнекислота ва ишқор-сиз ультрабазитлар ичидаги гранитлашган пегматит. Бу пегматит таркиби плагиоклаз ва корунддан иборат.

**Пегматит письменный - Ёзма пегматит** - ушбу пегматит турида, дала шпати билан кварц м-ллари қонуниятли равишда бир-бирига ўсиб кириб, қадимий яхудий ёзувларини эслатувчи структура ҳосил қиладди.

**Пегматитовая структура - Пегматитли структура** - томир шаклидаги т. ж. ларининг структураси. Икки м-л (мас. кварц ва ортоклаз) нинг бир вақтда кристалланишидан, яъни пегматит ўсимталар ўсишидан ҳосил бўлади. Уларнинг бири катта кристалл кўринишида бўлиб, иккинчиси шу м-лда ўсимта ҳолида ривожланади. Агар т. ж. майда заррали бўлса т. ж. лар микропегматитли структурага эга бўлади.

**Пегматиты - Пегматитлар** - асосан кварц, ортоклаз, озроқ биотит ва мусковитдан иборат, томир шаклида пайдо бўлган интрузив т. ж. Камёб (шу жумладан, маъданли) м-ллар учраши билан диққатга сазовордир.

**Пегматиты ураноносные - Уранли пегматитлар** - бу пегматитлар (мигматитлашган пегматитлар тури) токембрийгача бўлган платформа ва қалқонлар четларидаги жадал метаморфлашган ҳудудлардаги архей ва протеразой т. ж. ларида ривожланган.

**Педогенез - Педогенез** - (қуруқликда тупроқ ҳосил бўлиши.) Ер юзида ўсимлик-тупроқ қатламини ҳосил бўлишини тақозо этувчи кимёвий, биокимёвий ва физик жараёнлар мажмуи. Бу жараёнлар ҳудуднинг турли табиий шароит ва баланс-пастилигига қараб ҳар хил намоеён бўлади. Ҳудудларда ўсимлик, тупроқ қатламининг ҳосил бўлишида она т. ж. таркиби муҳим роль ўйнайди.

**Пелитизация - Пелитланиш** - каолинит ривожланиши натижасида дала шпатларининг хиралашиши.

**Пелитовая структура - Пелитли структура** - ўлчамли 0,01мм.дан катта бўлмаган заррача (пелит)лардан ташкил топган чўкинди т. ж. ларининг ўзига хос, структураси. П.с. асосан микроскоп остида кузатилади.

**Пелитовые образования - Пелитли ҳосилалар** - ўлчами 0,01мм.дан кичик зарралардан таркиб топган

ҳосилалар.

**Пелитолит** - Пелитолит - 50 % ва ундан кўпроқ қисми пелит заррачиларидан иборат чўкинди т. ж.

**Пелиты** - Пелитлар - ўлчами 0,01мм дан кичик заррачалардан ташкил топган чўкинди т. ж. ларининг умумий номи.

**Пемза** - Пемза - оқ ва кулранг тусли, ўта ғовакли, енгил (сувда чўкмас) т. ж. Буларга йирик пуфакли, узун толали, сочсимон, нордон таркибли вулкан шишаси киради.

**Пемза (в осадках)** - Пемза (чўкиндилардаги) - вулкан бўғзидан минг км.лар йироқдаги, океан ва денгиз чўкиндилари таркибига кирган, ўта ғовак шишасимон нордон лаванинг чақиқ ёки донадор (баъзан юмалоқланган) бўлаклари. Сувда сузиб юрувчи бу пемзаларни сув оқимлари турли томонга ташиб кетади. Ғовакликлари сув билан тўлгандан сўнг эса сув ҳавзаси тубига чўқади.

**Пемза обсидиановая** - Обсидианли пемза - ўта ғоваклашган (кўпиксимон), сувсиз, нордон таркибли, вулкан шишасидан иборат вулкан маҳсулоти.

**Пенеплен** - Пенеплен - қадимий тоғликлар дислокацияланган-бурмаланган ёки кристалли субстрат ўрнида денудация натижасида ҳосил бўлган деярли текис сатҳлар. Бу ерларда нураш қобиғи қалинлиги 100 м. дан катта бўлади.

**Пенепленизация** - Пенепленланиш - узоқ давр мобайнида кўламли нураш жараёни натижасида сувайирғичларнинг пасайиб, умумий эрозия базиси сатҳи билан тенглашиши. П. пенеплен ҳосил бўлишига олиб келади.

**Пеннин** - Пеннин -  $(Mg,Al)_2[(OH)_2 | [Al_{0,5-0,9}Si_{3,5-3,1}O_{10}]Mg_3(OH)_6]$ . Қат. 2-3. Сол. оғ. 2,5-2,6. Ранги пиёэсимон, кўк шишаранг. Шишасимондан то садафсимонгача ялтирайди. Магнийнинг м-ли. Ҳосил бўлиши гидротермал бўлиб, дарзликларни тўлдиради. Метаморфик т. ж. ларида жинс ҳосил қилувчи м-л сифатида бўлиши мумкин. Йўлдош м-ллари: прохлоритлар, гранат, диопсид, циркон, магнезит, доломит, магнетит, адуляр, альбит, кварц. Син.: гидроталькит, жапанит, пеннинит.

**Пентагон-додекаэдр** - Пентагон-додекаэдр - учта бешқирралик тетраэдрга ўхшаш, ўзаро туташган ўн икки қирралик кристалл.

**Пентландит** - Пентландит -  $(Ni,Fe)_9S_8$ . Қат. 3,5-4. Сол. оғ. 4,6-5. Сарик, оч бронзасимон, бронзасимон жигаранг, юпқа кристалсимон агрегатли металсимон ялтирайдиган м-л. Сульфидлар синфига мансуб никелнинг м-ли. Ҳосил бўлиши ликвацион-магматик; оксидланиш зонасида никелнинг эрувчи сульфатига ўтади ва шунингдек бўшлиқларда иккиламчи м-ллари ҳосил бўлади. Син.: лиллекхаммерит, никопирит, темир-никель колчедани, фольгерит. Йўлдош м-ллари: пирротин, халькопирит.

**Пепел вулканический** - Вулкан кули - вулкандан отилиб чиққан лаванинг энг майда заррачалари, м-л ва айрим ҳолларда т. ж. лари бўлакчалари. Бу ётқиқлар зарраларининг ўлчами 0,1-2ммгача бўлади.

**Пепел ювенильный** - Ювенил кул - вулкан отилишидан ҳосил бўлган, цементлашмаган (бўшоқ) витрокластик заррачалар (бўлакчалар).

**Пептизация** - Пептизация - коллоидлардаги, чўкиндилардаги, геллар ва суспензиялардаги агрегатларни бирламчи заррачалар ҳолатигача ажратиш. Бу жараён пептизаторлардан фойдаланиб амалга оширилади.

**Первичные породы** - Бирламчи тоғ жинслари -

бевосита магмадан пайдо бўлган ёки сувли эритмалардан чўккан ва кейинги жараёнларда ўзгармаган т. ж. лари.

**Первичные руды** - Бирламчи маъданлар - шакилланиганидан кейин ўзгаришларга дучор бўлмаган маъданлар.

**Первичные структуры** - Бирламчи структуралар - чўкинди ёки магматик т. ж. ҳосил бўлишида пайдо бўлган ва кейинги метаморфик ёки бошқа жараёнларда ўзгармаган структуралар.

**Первоначальное залегание** - Бирламчи ётқиқ - ҳосил бўлгандан бери ётиш ҳолатини ўзгартирмаган т. ж. лари қатламининг ётиши.

**Перевал** - Довон - тоғ тизмасининг ошиб ўтиш осонроқ бўлган энг паст қисми.

**Пережим пласта** - Қатлам сиқиги - қатлам қалинлигининг жойларда турли сабабларга кўра (нотекис жойларга чўкинди чўкиши, тектоник кучлар тасирдасиқилиши натижасида) қалинлигининг ўзгариши.

**Перекатывание** - Думалатиб аралаштириш - таҳлил учун оз миқдорда олинган, майдаланган намунани аралаштириш. Бу жараён тўрт бурчакли клеёнка устида, унинг қарама-қарши бурчакларини кўтариш йўли билан амалга оширилади.

**Перекристаллизация** - Қайта кристалланиш - янги шарт-шароитларга мос равишда кристаллар шаклининг ўзгариши.

**Перемещение береговой линии геократическое** - Қирғоқ чизигининг геократик сурилиши - денгиз қирғоқ чизиги ҳолатининг ер пўстидаги тебранма ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган ўзгариши.

**Перенос (транспорт) тировка осадков** - Чўкмалар кўчиши - нураш жараёнида ҳосил бўлган бўлакчи ва чақиқ маҳсулотларнинг денудация кучлари, турли кўчириш агентлари таъсирида бир жойдан иккинчисига кўчиши. Бу жарён катта қияликдаги ёнбағирларда рўй беради. Кичик қияликдаги сатҳларда эса аккумуляция, яъни тўпланиш юз беради.

**Перенос осадочного вещества** - Чўкинди модданинг кўчиши - чўкинди модданинг ҳосил бўлиш жойидан чўкмага ўтиш жойига кўчиши. Турли ташувчи экзоген омиллар таъсирида қаттиқ жинслар (муаллақ ёки сурилувчи), ионли ёки коллоидли эритмалар ҳолида, тирик организмлар танаси таркибида ва б. кўринишларда амалга ошади.

**Перерыв стратиграфический** - Стратиграфик танаффус - қатламлар ёшига нисбатан ётишидаги кетмакетликнинг бузилиши.

**Перерывы в осадконакоплении** - Чўкинди тўпланишидаги танаффуслар - кўтарилишлар натижасида чўкинди т. ж. ларининг тўпланмаслиги.

**Пересчет запасов** - Заҳираларни қайта ҳисоблаш - ўзлаштирилаётган конларда тасдиқланмаган заҳираларни қайтадан ҳисоблаш.

**Перешеек** - Бўйин - қуруқликнинг икки катта қисмини бир бири билан сув ҳавзаси орқали боғлаб турувчи (ёки бирлаштириб турувчи) узун, ингичка йўлаксимон қуруқлик.

**Перидотит** - Перидотит - тўлиқ кристалланган ўта асос жинс. Одатда, оливин ва пироксенлардан ташкил топган. Акцессор (иккинчи даражали) м-л сифатида таркибида хромит ва магнетит қатнашади. Оливин ва ромбик пироксен кейинчалик ўзгариб серпентинга айланади. П. таркибидаги пироксен турларига кўра

қуйидаги хилларга бўлинади: а) гарцбургит-оливин ва ромбик пироксен; б) лерцолит-оливин, ромбик ва моноклин пироксен; в) верлит-оливин ва моноклин пироксен.

**Периклиналъ - Периклиналъ** - антиклиналнинг тугаётган ҳамда шарнирнинг чўккан жойидаги чекка қисми. **Периклиналъное залегание вулканитов - Вулканитларнинг периклиналъ этиши** - вулканитларнинг вулкан марказидан четга қараб қия ётиши.

**Периморфозы (псевдоморфозы) - Периморфозалар (сохта морфозалар)** - бир м-лнинг иккинчи м-л билан қопланиб, юпқа қобиқ ҳосил қилиши ва биринчи м-л шаклини қайтариши, ўхшашлигини ҳосил қилиши. Бу қобиқ бир ёки бир неча м-ллар турларининг ривожланишидан ҳосил бўлади. Бу толасимон м-ллар тўри қандайдир т. ж. нинг шишасимон пахта-си ёки кристаллашган массаси билан тўлдирилган бўлса, унда бу қобиқ “магматик периморфоза” дейилади.

**Период - Давр** - геологик эранинг Ер ривожининг катта босқичига мос келувчи бир қисми. Икки ёки уч бўлинмадан ташкил топади.

**Периодическая система элементов Д.И. Менделеева - Д.И. Менделеевнинг Элементлар Даврий системаси** - ядро мусбат зарядининг (атом оғирлигининг ошишига қараб) ошиши, Паули принципига асосан системани минимал энергия даражасига интилиши билан ва ядро қобиғидаги элементлар қатори сифатининг ўзгариши қонунини аниқлайди. Элементларнинг кўп сифатлари системанинг даврларига қараб қайтарилади 2,8,8,18,18, 32,32.. М.д.с. нинг ҳар бир элементининг тавсифи ушбу лугатда келтирилган.

**Периодичность геологических процессов - Геологик жараёнларнинг даврийлиги** - иқлимий ўзгаришлар, Ернинг тектоник ривожланиши, магматизм намоёни, чўкинди т. ж. лари ҳосил бўлиши, тошқўмирнинг тўпланиши, туз тўпланиши ва б. ларда намоён бўлади.

**Периодичность осадконакопления - Чўкинди ҳосил бўлишининг даврийлиги** - кесмаларда петрографик бир ёки ўхшаш номли т. ж. ларининг бир неча бор қайтарилиши.

**Пермская система - Пермь системаси** - палеозой эрасининг энг охири системаси (38 млн. йил давом этган). Тошқўмир системаси ётқизиклари устида ва мезозой ётқизиклари остида жойлашган. Қуйи ва юқори бўлимларга бўлинади. П.с.нинг биостратиграфик бўлиниши фузулинидалар ва гониатитларга асосланган.

**Пермский период - Пермь даври** - давом этган муддати тахминан 45 млн. йил бўлган, палеозой эрасининг охири геологик даври.

**Пермь - Пермь** - системаси ва даврининг қисқартирилган номи.

**Перфорация обсадных колонн - Мустаҳкамлаш колонкасини перфорациялаш** - бурғи қудуғига қатламлардан сувлар, нефть-газлар кириб келишини таъминлаш мақсадида жиҳозлаш қувурларида тешикчалар тешиш.

**Пески - Қумлар** - 1. Эол Аккумулятив эол шаклидаги рельефни ифодаловчи йиғма атама. 2. Майда заррачало, заррачалари ўзаро боғланмаган т. ж. лари. Ҳамлари 0,1-1мм, баъзи адабиётларда 0,05-2 мм.га тенг бўлган заррачалар. Қумлар элювиал, делювиал, аллювиал, эол ва б. генезисларга эга бўлиши мумкин.

**Пески бугристые - Дўнглик қумлар** - баландлиги

ўн м.дан ошмайдиган, ўсимликлар билан тўла ёки ярим қопланган, шаклсиз, тартибсиз жойлашган қум дўнгликлари. Чўл ҳудудларда катта майдонларни иш-гол этиб, майдон рельефини мураккаблаштиради.

**Пески грядовые - Тепалик қумлар** - эгри-бурғи, умумий йўналиши бўйича эса бир-бирига параллел жойлашиш билан тавсифланади.. Баландлиги 1 м. дан 300мгача, асосининг кенглиги 5м.дан 2км.гача, узунлиги бир неча ўн км.гача бўлади. Қ.т.нинг қиялиги шамол томонидан анча ясси. Катта Қ.т. қум барханлари, қуббалари ва майда қум тепаликлари билан мураккаблашган бўлади. Қ.т. аккумулятив ёки эрозия жараёнлар натижасида ҳосил бўлади. Қ.т. дунё қум саҳролари рельефининг асосий шакли ҳисобланади.

**Пески современные железистые - Замоновий темирли қумлар** - таркибида 5 %дан ортиқ Fe моддаси бор бўлган қумлар бўлиб, асосан маъдан м-ллари (лимонит, магнетит, титаномагнетит, ильменит) ва глауконитдан ташкил топган. Қирғоқ чўкиндилари орасида, баъзан эса чуқур сув ҳавзаларида ҳосил бўлади.

**Пески современные карбонатные - Замоновий карбонатли қумлар** - асосан кальций карбонатларидан ташкил топган. Улар ҳосил бўлишига қараб хемоген, биоген ва терриген турларига ажратилади.

**Пески золотые - Эол қумлари** - эол ётқизикларининг литологик тури. Шамол таъсирида қумларнинг қайта ётқизилишидан ҳосил бўлади. Таркибида 0,15-0,3мм.ли заррачалар б.ларига қараганда кўпроқ учрайди.

**Песок - Қум** - асосан кварц, дала шпати ва слюданнинг майда, заррачалари ўзаро боғланмаган ҳосилаларидан иборат.

**Песок (песчаник) гипсовый - Гипсли қум (қумтош)** - гипс бўлақларидан ташкил топган қум. Гоҳида шу бўлақлар гипс ёки гиллар билан цементлашган қумтошлар сифатида учрайди. Бундай қумлар кам бўлиб, ҳудудларнинг чўл ва ярим чўл зоналаридаги сульфатли т. ж. лари яқинида ҳосил бўлади.

**Песок заиленный - Лойлашган қум** - таркибининг 20-25 % 0,01мм.лик заррачалардан иборат балчиқли қум.

**Песок золотоносный - Олтинли қум** - сочма олтинли, бўшоқ, асосан қумли т. ж.

**Песок кварцевый - Кварцли қум** - 90 % дан ортиқ сараланган, яхши юмалоқланган кварц доналаридан иборат қум. К. қ. ларнинг тарқалиши платформа ҳудудларига хос. Туб т. ж. ларининг кимёвий нураши ва қайта ётқизилишидан, шу қаторда бу қум ва қумтошларнинг ювилиши натижасида ҳосил бўлади.

**Песок стекольный - Шиша саноати қуми** - шиша и. ч. учун яроқли кварцли қум. Бу қум ўрта донадор бўлиб 95 % кварцдан иборат бўлиши керак. Fe, Cr, Ti ва шиша массасида қийин эрийдиган м-ллар тайёр маҳсулотни рангли қилиши ва нур ютишини кучайтириши сабабли зарарли қўшимчалар ҳисобланади.

**Песок формовочный - Қолиплаш қуми** - чўян, пўлат ва рангли металллардан ҳар хил маҳсулотлар қуйиш учун қолиплар тайёрлашда ишлатиладиган қум. Бу мақсад учун турли йирикликдаги тоза ва гиллашган кварц қумлари ишлатилади.

**Песчаник - Қумтош** - заррачалари 0,1- 1 мм бўлган цементлашган қум. Аркоз қумтошлар кварц ва дала шпатидан ташкил топади.

**Песчаник аркозовый (Аркоз) - Аркоз қум тоши** - асосан гранит ва гнейсларнинг нурашидан ҳосил бўлиб, кварц, дала шпати, слюдалар ва гидрослюда, каолинит, карбонатлар билан цементлашган қумтош. А. қ. т. ларида дала шпатлари миқдори 20-25 % дан то 75-80 % гача бўлиши мумкин.

**Песчаник (и алев- ролит) олигомиктовый - Олигомиктли қумтош (ва алевролит)** - буларга икки хил м-лнинг чақиқ доналаридан иборат бўлган кварц-дала шпати, далашпати-кварцли, глауконит - кварцли ва шунга ўхшаш қумтошлар киради.

**Песчаник (и алев- ролит) полимиктовый - Полимиктли қумтош (ва алевролит)** - таркиби ҳар хил бўлган қумтош (алевролит). Булар турли (магматик, чўкинди, метасоматик) т. ж. ларининг чақиқ доналаридан ва ҳар хил м-ллар аралашмасидан иборат.

**Песчаник (и алев- ролит) опоковидный - Опокасимон қумтош (ва алевролит)** - базал гомоген ёки номаълум бўлган микроглобуляр опалли цементга эга қумтош. Ташқи кўринишида опокага ўхшайди ва енгиллиги, бироз қаттиқлиги, чиғаноқсимон синувчанлиги билан фарқланади.

**Песчаник кварцитовый - Кварцитли қумтош** - чақиқ кварц доналаридан иборат ва кварц, халцедон ёки опал билан мустаҳкам цементлашган; ташқи кўринишидан кварцитга ўхшаш т. ж.

**Песчаник медистый - Мисли қумтош** - таркибида халькозин, борнит ва халькопирит каби Си м-ллари бўлган ўрта ва майда заррачали қумтош. Бундай қумтошлар мисли сланец, алевролит, аргиллит, конгломерат каби мисли т. ж. лари гуруҳига киради. Етарли даражада Си бўлган бундай жинслар мис маъдани ҳисобланади.

**Песчаник тонкозернистый - Жуда майда заррачали қумтош** - асосан 0,1-0,15мм, баъзан эса 0,1-0,12мм. ли ўлчамга тенг бўлган кластоген бўлақлардан иборат қумтош. Кўпинча таркибида алевроит ўлчамига тенг келадиган қўшимчалар бўлади. Булар б. гранулометрик таркибдаги қумтошларга нисбатан чўкинди ҳосил бўлувчи ҳавзаларнинг чуқур фашиал зоналар чўкиндиларига тўғри келади.

**Песчаник туфогенный - Туфоген қумтош** - таркиби 50-90 % пирокластик материаллардан иборат бўлган қумтош.

**Песчаник туффитовый - Туффитли қумтош** - таркиби пирокластик ва нормал чўкинди моддалардан иборат қумтош. Чўкинди моддалар миқдори 50-90 % ни ташкил этади.

**Песчаник-алевролит - Қумтош-алевролит** - цементлашган алевролитли қумтош.

**Песчаники ураноносные - Уранли қумтошлар** - таркиби ва ҳосил бўлиш шароити ҳар хил бўлган мазкур қумтошларда U элементи миқдори кларкка нисбатан бир неча ўнлаб марта юқори ( $2 \cdot 10^{-4} \%$ ). Қумтошдаги U элементи V, Se ва Mo лар билан бирга учраб, кўмир ва нефть қаторидаги органик моддалар билан бойиған жойларга уюмлашган.

**Петрогенез - Петрогенез** - магматик ва метаморфик т. ж. лари ҳосил бўлишида кузатиладиган жараёнлар мажмуаси.

**Петрогенезис - Петрогенезис** - т. ж. ҳосил бўлиши ва келиб чиқиши ҳақидаги таълимот. У т. ж. ларининг тарқалишини структурасини, текстурасини, ҳосил бўлишини ўргатади.

**Петрография - Петрография** - т. ж. м-л ва кимёвий таркибларини, структурасини ва геологик хусусиятларини ўрганувчи фан.

**Петрография осадочных пород - Чўкинди тоғ жинслари петрографияси** - чўкинди т. ж. ларининг м-л таркиби, тузилиши, таснифи сифати ва ҳосил бўлиши (генезис) ни ўрганади.

**Петрология - Петрология** - магматик ва метаморфик т. ж. ларининг таркиби, геологик хусусияти ҳамда генезиси (келиб чиқиши) нуқтаи назаридан атрофлича ўрганувчи фан.

**Петрометаллогения - Петрометаллогения** (Ҳ.М.Абдуллаев 1958) - металлогениянинг петрография ва ф. қ. ҳақидаги таълимотнинг чегарадош областларидаги тадқиқотларни қамраган бўлими.

**Петротектоника - Петротектоника** - деформациялашган т. ж. лари йўналган микроструктураларининг тектоника тарихи билан боғлиқлигини ўрганадиган фан.

**Петрофизика - Петрофизика** - т. ж. нинг физик хоссалари тўғрисидаги фан.

**Петрохимические особенности магм - Магмаларнинг петрохимёвий хусусиятлари** - магмалар кимёвий таркибининг петроген элементлар ва улар билан алоқадор қўшилма элементларга боғлиқлиги хоссалари. Бу хоссалар ҳосил бўлиши бир-бирига яқин бўлган геокимёвий элементлар гуруҳининг магматик жараён ва изоморфизм қонуниятларининг ўзаро муно-сабатлари орқали аниқланади. Бу хусусиятлар ичида элементларнинг ҳар хил даражадаги (кларк) миқдори асосий ўрин эгаллайди.

**Петрохимия - Петрохимё** - геология фанининг т. ж. кимёвий таркиби ва уларнинг шаклланишидаги кимёвий жараёнлар ҳақидаги бўлими.

**Петцит - Петцит** -  $Ag_3AuTe_2$ . Кат. 2,5-3. Сол. оғ. 8,7-9,8. Кумушнинг пўлатсимон кулрангдан жигарранг қорагача, металлсимон ялтирадиган, донадор агрегатли м-ли. Гидротермал, олтин-кумуш кварцли томирларда ҳосил бўлади. Йўлдош м-ллари: гессит, соф олтин, нагиагит, пирит, сфалерит.

**Пещера - Фор** - т. ж. лари қатламларидаги турли катталикдаги бўшлиқлар. Баъзи ҳолларда улар қисман сув, оҳақтош ва б.лар билан тўлган бўлади. Форларнинг карст, абразион, эрозион, дефляцияцион, денудацияцион, суффозион ва б. турлари мавжуд.

**Пигменты природные - Табиий бўёқлар** - Fe, Mn, Cr оксидлари ва органик моддалар табиий м-л бўёқларни ҳосил қилувчи-лардир. Ранги, ёруғликка бардошлилиги, бўяш кучи ва ёрқинлиги, намликка чидамлиги, ёпишқоқлик ва суртилиш хусусиятлари, коррозияга қаршилиги, сувга чидамлиги Т. б. ларнинг асосий техник кўрсаткичлари ҳисобланади.

**Пизолитовая структура - Пизолитли структура** - бутунлай ёки қисман пизолитлардан иборат т. ж. структураси. П.с. асосан оҳақтошли т. ж. ларида кўпроқ (ўлчами 2 мм.дан катта бўлган думалоқ шаклдаги), Mn ва гидрогетит оксидларида эса камроқ бўлади.

**Пизолиты пирокластические - Пирокластик пизолитлар** - вулкан кули зарраларининг сув томчилари (сув парлари) ёрдамида цементлашишидан пайдо бўлиб, концентрик қатлашган ва эллипссимон шаклдаги, ўлчамлари 1см ва ундан ортиқ бўлган шарчалар. Булар ёмғир ёки тўйинган буғдан ҳосил бўлган томчиларнинг вулкан кули зарралари атрофида тўплани-



шидан, айрим ҳолларда эса вулкан кули зарраларининг думалаши пайтида уларнинг бир-бирига ёпишишдан ҳосил бўлади.

**Пик - Чўққи** - 1) кўп ҳолларда-пирамида ёки конуссимон шаклдаги тоғ тепалиги. 2) тоғ шаклидан қатъий назар, унинг юқори қисми.

**Пикет - Пикет** - жойларда ўлчаш ёки кузатиш ишларини олиб бориш учун қозик, тош уюми ва б. нарсалар билан белгиланадиган нуқта. Тоғ-қазилма иншоотлари ичида репер ёки иншоот устунларига (крепларга) қоқиб қўйиладиган миҳ ёки қозик. Пикетлар остидаги ёзма маълумотномалардаги пикет рақами остига ёзилган сон икки пикет оралиғидаги масофани англади.

**Пикнит - Пикнит** - устунсимон агрегатли топаз. Касситерит конларига учрайди. Син.: шорлит, штангенштейн.

**Пимелит - Пимелит** -  $(\text{Ni}, \text{Mg})_3 \text{Si}_4\text{O}_{10}(\text{OH})_2 \cdot 4\text{H}_2\text{O}$  1) серпентин м-лининг никелли аналоғи; 2) таркибида Ni бўлган гилли м-л. Йўлдош м-лари: гарниерит ва никелининг б. силикатлари.

**Пинит - Пинит** - яшил рангли, кигизсимон т. ж. Мусковит, хлорит, гоҳида биотитларнинг Fe оксиди билан аралашмаси. Кордиерит, баъзан эса андалузитнинг ўзгаришидан ҳосил бўлади.

**Пинноит - Пинноит** -  $\text{Mg}[(\text{OH})_6 | \text{B}_2 \cdot \text{O}]$ . Қат. 3-4. Сол. оф.-2,27. Сарғиш, пистасимон яшил рангли, майда донатор, юпқа плиткасимон агрегатли, жилоси шисасимон м-л. Туз ётқиқиқларидаги борнитлар билан бирга учрайди. Йўлдош м-ли: каинит.

**Пинтадоит - Пинтадоит** -  $\text{CaH}[\text{VO}_4] \cdot 4\text{H}_2\text{O}$  (?). Гулсимон, докси-мон агрегатли м-л. Ранги яшил. U-V конларига қумтошларда учрайди.

**Пирометасоматизм - Пирометасоматизм** - интрузив танадаги юқори ҳароратли магма эманацияларининг оҳактошлар ёки содда таркибли б. қамровчи т. ж. ларига таъсири жараёнида баъзи м-ларнинг б. м-ларга айланиши.

**Пирамида - Пирамида** - ҳамма қирралари бир нуқтада учрашадиган оддий кристаллографик шакл. Бунга оддий кристалларнинг қуйи ва ўрта сингониялари мисол бўлади.

**Пирамида гексагональ ная - Гексагональ пирамида** - ҳаммаси бир нуқтада кесишадиган олти қиррали пирамида кўринишидаги м-л сингонияси. Кўндаланг кесмаси - тўғри олтибурчак (гексагон).

**Пираргирит - Пираргирит** -  $\text{Ag}_3\text{SbS}_3$ . Қат. 2,5-3. Сол. оф. 5,85. Sb баъзан қисман As билан алмашилади. Тўқ кулранг, қорамтир, донатор агрегатли, олмоссимон ялтирайдиган м-л. Паст ҳароратли гидротермал Pb-Zn-Ag ва Ag-Co-Ni конларига, кварц-кальцитли томирларда соф кумуш, прустит, сульфидлар, Sb ва Pb сульфотузлари билан бирга учрайди. Йўлдош м-лари: прустит, анкерит, кварц, родохрозит, пирит, барит, марказит, хлоантит, смальтин, аргентит, флюорит, никелин ва б.

**Пирит - Пирит** -  $\text{FeS}_2$ . Қат. 6-6,5. Сол. оф. 5-5,2. Сульфидлар синфига мансуб темир сульфиди. Ранги тилларанг сариқ. Металлсимон ялтирайди. Гидротермал ва чўкинди маъданли конларда ҳамда т. ж. ларининг акцессор м-ли сифатида учрайди.. Сульфат кислотаси олишда асосий хом ашё. Син.: инк тоши, темир ва олтингурт колчедани, купорос колчедани. Йўлдош м-лари: марказит, грейгит, сидерит, пирротин, сфалерит, галенит,

гетит, барит.

**Пироаурит - Пироаурит** -  $\text{Mg}_6\text{Fe}_2 \cdot [(\text{OH})_{16} | \text{CO}_3] \cdot 4\text{H}_2\text{O}$ . Қат. 2,5. Сол. оф. 2,12. Букилма пластинкасимон, сарғиш, яшил рангли. Ялтироқлиги садафсимон, серпентинитларда ва Fe-Mn маъданларида учрайди

**Пирокластиты - Пирокластитлар** - пирокластик материалларнинг цементлашмаган тўплами.

**Пирокластолиты - Пирокластолитлар** - вулкан отиши маҳсулоти бўлган бўшоқ т. ж. лари тўпламидан ҳосил бўлган чўкинди т. ж. нинг йиғма номи.

**Пирокласты - Пирокластлар** - пирокластик материалдаги алоҳида т. ж. бўлаги.

**Пироксенизация - Пироксенланиш** - бирламчи магматик т. ж. ларида пироксен-энстатит, диопсид, диаллаг ва б.ларнинг янгича ҳосилалари ривожланишига олиб келувчи метасоматик жараёнларнинг умумий номи. П.ўта асосли (дунит, перидотит, серпентинит) жинсларда  $\text{SiO}_2$  гидротермлари таъсирида яхши ривожланади.

**Пироксенит - Пироксенит** - тўлиқ кристалланган магматик т. ж. П. таркиби асосан пироксен (моноклин ёки ромбик, баъзан эса улар бирга учрайди)дан, шунингдек шох алдамчиси, оливин ва плагиоклаздан иборат. Бундан ташқари, акцессор м-лардан магнетит, ильменит, хромит учрайди.

**Пироксенолит - Пироксенолит** - таркиби 75 % авгит, 20 % биотит, 4 % лейцит ва 1 % апатитдан иборат бўлган дала шпатисиз йирик донатор интрузив т. ж.

**Пироксены - Пироксенлар** - умумий формуласи -  $\text{AB}[\text{Si}_2\text{O}_6]$ . Магматик, регионал-метаморфик ва контакт-метасоматик т. ж. ларида жинс ҳосил қилувчи силикатлар синфига мансуб м-лар гуруҳидир. Авгит, диопсид, геденбергит каби 28 м-лардан иборат гуруҳ бўлиб, "метакремний кислота тузлари" деб аталади.

**Пиролозит - Пиролозит** -  $\beta\text{-MnO}_2$ . Қат. 2-6,5. Сол. оф. 4,7-5. Оддий оксидлар синфига мансуб, қора рангли металсимон ялтирайдиган, толасимон агрегатли м-л. Чўкинди т. ж. лари ичида учрайдиган марганец маъдани. Син.: кальвонигрит. Йўлдош м-лари: псиломелан, манганит, браунит, рамсделлит, гаусиманит, биксбиит.

**Пироморфизм - Пироморфизм** - юқори ҳарорат таъсирида юз берадиган барча метаморфизм жараёнларининг умумий номи.

**Пироп - Пироп** -  $\text{Mg}_3\text{Al}_2[\text{SiO}_4]_3$ . Қат. 6,5-7,5. Сол. оф. 3,5. Гранатлар гуруҳига мансуб, ранги қизил, виносимон олчасимон қизил, бинафшаранг, ойнасимондан то мўмсимонгача ялтирайдиган, думалоқ донодор агрегатли м-л. Ультрабазитларда, гранитли перидотитларда, пироксенитларда, кимберлитларда ҳол-ҳолликлар кўринишида, шунингдек базальтли брекчияларда, аллювиал-делювиал сочмаларда учрайди. Кенг тарқалган заргарлик тоши. Йўлдош м-лари: кварц, биотит, мусковит, дистен, силлиманит, графит, рутил. Син.: богема гранати, қизил гранат, карбункул, кап рубини.

**Пиросмарагд - Пиросмарагд** - яшил рангли флюорит м-ли.

**Пирофанит - Пирофанит** -  $\text{MnTiO}_3$ . Қат. 5. Сол. оф. 4,5. Лоларанг-қизил м-л. Олмоссимон ялтирайди, Mn ли маъданларда гранат билан, Mn ли слюдаларда учрайди.

**Пирохлор - Пирохлор** -  $(\text{Na}, \text{Ca})_2(\text{Nb}, \text{Ti}, \text{Ta})_2\text{O}_6(\text{OH}, \text{F}, \text{O})$ . Қат. 5,5. Сол. оф. 4,3-6,4. Ниобий-танталитлар гуруҳига мансуб, жигаррангдан қора ранггача, сарғиш жигарранг,

сарғиш қўнғир рангли, олмосимон ялтирайдиган м-л. Фойяитлар, ишқорли сиенитлар ва гранитларнинг пегматитларида, шунингдек ишқорли гранитларда, асосан карбонатитларда учрайди. Таркибида  $Nb_2O_5$ -47,13 %. Ёўлдош м-ллари: циркон, нефелин, альбит, форстерит, биотит, флогопит, апатит, ильменит, кальцит. Син.: флюорит, хальколамприт, эндейолит.

**Пирротин - Пирротин** -  $FeS$ . Кат. 4. Сол. оф. 4,58-4,77. Сульфид-лар синфига мансуб, бронзасимон сариқ рангли, металлсмон ялтирайдиган, юпқа донадор агрегатли м-л ёки магнитли колчедан. Магматитларда, ўта асосли ва асосли т. ж. ларида, камроқ ўртача асосли т. ж. ларида, баъзида чўкинди т. ж. ларида учрайди. Магнит хусусиятига эга. Кўпинча никель ва кобальт аралашган бўлади. Баъзан бунга тилла, платина, мис ҳамроҳ бўлади. Саноат аҳамияти унга аралашган элементлари миқдорига қараб белгиланади. Ёўлдош м-ллари: пирит, калькопирит, сфалерит, галенит, магнетит. Син.: магнит колчедани, магнетопирит.

**Пирсеит - Пирсеит** -  $Ag_{16}, As_2S_{11}$ . Кат. 3. Сол. оф. 6,13-6,17. Қора рангли, донадор агрегатли, м-л. Металлсмон ялтирайди. Гидротермал  $Ag$  конларида соф  $Ag$ , аргентит,  $Ag$  ва  $Pb$  сульфотузлари билан бирга учрайди. Ёўлдош м-ли: полибазит. Син.: арсенополибазит, пирсит.

**Пирссонит - Пирссонит** -  $CaNa[CO_3] \cdot 2H_2O$ . Кат. 3-3,5. Сол. оф. 2,35. Оқ тусли, рангсиз м-л. Ялтироқлиги шишасимон, кислотада эрувчан, пирозлектрлашиш хусусиятига эга. Гил ва нефтли сланецларда нортупит, тихит, гейлюсситлар билан бирга учрайди.

**Плавиковый шпат - Плавик шпати - "Флюорит"** м-лининг синоними.

**Плавиковый шпат вонючий - Қўланса ҳидли плавикли шпат** - қора-бинафша рангли флюоритнинг радиоактивлашган тури. Флюорит ишқаланганда ёки болға билан урилганда озод фтордан қўланса ҳид чиқади. Син.: радиофлюорит, қўланса флюорит, антозонит.

**Плавление чистое - Соф эриш** - учувчан м-л изатопларсиз магна таъсирида ҳароратнинг оддий кўтарилиши билан т. ж. ларининг эриши натижада иккиламчи магна ҳосил бўлади.

**Плагногранит - Плагногранит** - нордон интрузив т. ж. лари. Калийли дала шпати алоҳида м-л бўлиб иштирок этмайди, аксинча фақат қўшимча м-л шаклида учрайди. Таркиби кварц (25-30 %) ва нордон плагиоклаз (альбит-олигоклаз)дан иборат. Озроқ рангли м-ллар (биотит ва амфибол) бўлиши ҳам мумкин. Кимёвий таркибига кўра нормал гранитга яқин. Аммо ундаги калий натрий билан алмашган бўлади.

**Плагноклазиты - Плагноклазитлар** - плагиоклазит т. ж. ларининг умумий номи. Одатда ўрта ва нордон таркибли плагиоклазлардан (андезитлар, олигоклазитлар) ташкил топган т. ж. лари "П". деб аталади.

**Плагноклазы - Плагноклазлар** - триклин оҳақтош-натрийли дала шпатларини бирлаштирувчи ном. Ер қобиғининг юқори қисмида энг кўп тарқалган. Силикатлар синфига мансуб асосий т. ж. ҳосил қилувчи м-ллар. Ранги кўпинча оқ, ҳар хил товланадиган, бўзранг зангори, сарғиш, қизил, тўқ пушти ва ҳ.к.

**Плагнолипарит - Плагнолипарит** - порфирли бирикмалари дала шпатининг фақат ўрта таркибли плагиоклазларидан ташкил топган липарит (ёки риолит). Нордон дала шпати асосий массаси таркибига кира-

ди. П.лар делленитлар билан жуда ўхшаш бўлиб, кимёвий таҳлилсиз ажратиб бўлмайди. Б. компонентлар миқдорларининг ўхшашлиги ҳамда  $Na$  нинг  $K$  дан устунлигига кўра П. липаритлардан петрокимёвий фарқ қилинади.

**Плагнонит - Плагнонит** -  $Pb_5Sb_8S_{17}$ . Кат. 2,5. Сол. оф. 5,4-5,6. Қорамтир-кулранг, донадор, майда игнасимон агрегатли, ялтироқлиги металлсмон, м-л.  $Pb-Zn$ ,  $Pb-Sb$ ,  $Sb$  ва ер юзига яқин  $Sn$  гидротермал конларда  $Pb$  сульфотузи билан бирга учрайди. Син.: розенит.

**Плагнопегматит - Плагнопегматит** - асосан плагиоклаз, гоҳида оз миқдорда биотит, кварц, калийли дала шпати, апатит ва маъдан м-ллардан иборат бўлган пегматит.

**Плагнопорфир (плагиоклазовый порфир) - Плагнопорфир (плагиоклазлы порфир)** - фақат плагиоклаз фенокристалларидан иборат бўлган, липарит ёки трахит таркибли порфир.

**План гипсометрический - Гипсометрик план (чизма режа)** - қидириш участкаси чизмасида бирор бир қатламнинг изогипсларда акс эттирилиши. Ушбу чизмада тоғ иншоотларининг бошланиш ва тугалланиш ерлари мутлақ баландлик кўрсаткичлари билан ифодаланади.

**План погоризонтный - Горизонтлар бўйича план (чизма режа)** - маълум бир сатҳда (горизонтда) горизонтал кесмалар кўринишидаги кон (маъданли жисмининг) геологик тузилишининг чизмадаги тасвири.

**Планктон - Планктон** - тўлқин ва оқимлар таъсирида секин ҳаракатланувчи ўсимлик (фито-планктон) ва ҳайвон (зоопланктон) организмлари.

**Планктон мертвый - Улик планктон** - танасининг юмшоқ қисмидан халос бўлган планктон чиғаноқларининг денгиз суви оқими билан оқиб келган ва б. ерларда чўккан чўкиндиси. Булар б. чўкинди т. ж. лари билан параллел чўкиб, катта стратиграфик аҳамият касб этади.

**Плановые потери - Режадаги йўқотишлар** - корхона иш меъёрларида кўзда тутилган маъдан ва металлнинг нобудгарчилиги. Одатда амалдаги нобудгарчилик режадагидан анча кўп бўлади.

**Пласт - Қатлам** -: 1) ясси (япалоқ) шаклли, қалинлиги эгаллаган майдонидан кўп марта кичик; 2) ости ва устидаги қатламлардан уни ажратиб турадиган икки: остки (стратиграфик қарироқ) ва устки (ёшроқ) юзали; 3) таркиби бир хил (баъзан ўзгарувчан) геологик жисм.

**Пласт (залежь) нефтяной запечатанный - Табиий беркитилган нефть қатлам(уюми)** - нефть уюмини ўтказмайдиган қатлам. 1. Нефть қатлами юқори қисмининг Ер юзига чиқиб ётиши ва ундан сизиб чиқаётган нефтнинг оксидланиши натижасида келгусида нефтнинг сизиб оқишига йўл бермайдиган асфальт қобиғи 2. Нефтнинг бактериявий оксидланиши натижасида асфальт-смолали бирикма ҳосил қилиб, нефть уюмини ташқи таъсирдан сақлайдиган қобиқ.

**Пласт водоносный - Сувли қатлам** - бир хил литологик таркиб, говаклик, сув ўтказувчанликка эга бўлган эркин (гравитацион) сув сақловчи т. ж. лари қатлами.

**Пласт золотоносный - Олтинли қатлам** - таркибида саноат талабига жавоб берувчи олтини бўлган бўшоқ (кўпроқ аллювиал) т. ж. лари ётқиқиқлари.

**Пласт рудный - Маъданли қатлам** - параллел сатҳлар билан чегараланган маъдан жисми. Одатда унинг қалинлиги эгаллаган майдонидан кўп мартаба кичик бўла-

ди.

**Пласт угольный - Кўмир қатлами** - остки ва устки ёндош т. ж. ларининг деярли параллел юзалари орасидаги кўмирли модда қатлами.

**Пластическая деформация - Пластик деформация** - қ. *Деформация пластическая.*

**Пластичность горных пород - Тоғ жинсларининг қайишқоқлиги** - т. ж. нинг ташқи куч таъсирида жипслигини сақлаган ҳолда шаклини ўзгартириши ва бу куч йўқолгач эса, бирламчи шаклига қайта олиш хусусияти.

**Пластовая (пластообразная) залежь - Қатлам (қатламсимон) уюм** - қатламланган шаклга эга маъданли уюм.

**Пластовая жила - Қатлам томирлари** - чўкинди ёки метаморфик қатламли т.жлари оралигида чегараларини кесиб ўтмай, уларга мос жойлашган томирлар.

**Пластовая интрузия - Қатлам интрузияси** - қамровчи т. ж. ларига мос ётувчи қатламсимон интрузив т. ж. лар.

**Пластовые воды - Қатлам сувлари** - қирқимидаги усти ва остидан сув ўтказмайдиган т. ж. лари билан чегараланган сувли т. ж. қатламлари.

**Платина - Платина, Pt** - М.д.с.нинг VIII-гурӯҳига мансуб к.э. Т.р. 78, ат.м. 195,08. Оғир, қийин эрувчи металл. Табиатда П. нинг 4 та барқарор; Pt<sup>194</sup>(32,9%), Pt<sup>195</sup>(33,8%), Pt<sup>196</sup>(25,2%), Pt<sup>198</sup>(7,2%) ва 2 та кучсиз радиоактив изотопи; Pt<sup>190</sup>(0,013%), Pt<sup>192</sup>(0,78%) учрайди. Нодир ва тарқоқ элемент. Ер пўстининг масса жиҳатидан 5·10<sup>-7</sup>%. ни ташкил қилади. Таркибида П. бўлган 100 дан ортиқ м-ллар маълум. Асосийлари: темирли платина, изоферроплатина, тетраферроплатина, осмирид, иридосмин, фрудит, геверсит, сперилит, лазурит ва б. Ўзбекистонда таркибида П.металлари асосли ва ўта асосли магматик т. ж. билан хромитлар, мис-никелли-сульфидли, титан-магнетитли ва б. маъданлар ассоциацияси шаклида учрайди.

**Платина самородная - Соф платина** - Pt. Кат. 4-4,5. Сол. оғ. 14-19. Ўта асос ва асос т. ж. ларида ва сочма конларда учрайдиган м-л. Ранги оқ, кумушсимон, оч кулранг. Металлдек ялтирайди. Син.: платина, поликсен.

**Платинит - Платинит** - Pb<sub>4</sub>Bi<sub>7</sub>Se<sub>7</sub>S<sub>4</sub>. Кат. 2-3. Сол. оғ. 7,89. Қўрғошинсимон кулранг, металлсимон ялтирайдиган, пластинкасимон, вараксимон агрегатли м-л. Халькопирит билан бирга учрайди.

**Платиновые руды - Платина маъданлари** - қ. *Руды платиновые.*

**Плато вулканическое - Вулкан платоси** - асосли (базальт) лаванинг Ер юзига оқиб чиқиб ўзининг оқувчанлиги билан катта майдонларнинг рельеф нотекистикларини тўлдириши натижасида ҳосил бўлган, бироз кўтарилган лава текислиги ёки нордон т. ж. ларидан, кўпроқ игнимбритлардан ташкил топган плато.

**Плато - Плато** - платформа областларида денгиз сатҳидан юқорида зина ҳосил қилиб жойлашган текислик. Плато асосан горизонтал ҳолатдаги ёки султ дислокацияланган, емирилган т. ж. ларидан иборат бўлади.

**Плато подводное - Сувости платоси** - 1. Тоғлик ёки текисланган рельефга эга ўрта океан тизмасининг тик қияли ён бағирлар билан чегараланган йирик кўтарилмаси. 2. Ўрта океан тоғ тизмаси ташқарида, унинг ўқига параллел ҳосил бўлган, рифтли тоғ этакларига бориб туташувчи парчаланган текислик. 3.

Материк ёнбағри ҳосил қилган қия ёки тўлқинсимон сувости текислиги.

**Платформа - Платформа** - Ер пўстининг ўзига хос тузилишга эга бўлган, султ ҳаракатланувчи қисми. Қитъаларнинг бир неча млн. км<sup>2</sup> майдонини эгаллайди. П. лар бурмали ўлкалар ўрнида пайдо бўлади П. лар тузилишида иккита структура қатнашади. Пастки қават кучли бурмаланишга учраган метаморфик ва вулкан жинсларидан иборат бўлиб, уларнинг ичида кўплаб интрузиялар мавжуд. Юқори қават (чўкинди ва вулкан жинсларидан иборат) 3-7 км. қалинликда бўлиб деярли горизонтал равишда ётади. П. асосидаги, т. ж. ларининг ёшига қараб қадимги (архей, протерозой эралари) ва ёш П. лар асоси полезой жинсларидан ташкил топган юқори қоплама жинслар юқори полезой ва кайназой ётқиқиқларидан иборат.

**Платформа активизированная - Фаоллашган платформа** - Ф. п. ларга: тоғаро чўкма ва букилмалар орқали ажралиб турган баланд палахса тоғ ва тоғ тизмалари хосдир. Чўкинди қоплама ва тоғлараро чўкма молассининг бурмаланиши султ ва ўртача бўлиб, фақат ёриқлар бўйлаб кучлироқдир. Кўтарилма ва чўкмалар ўзаро узилма хилидаги ёриқлар орқали бир-бирдан ажралган ўлкаларнинг чет қисимлари бўйлаб сурилмалар ҳосил қилади.

**Платформа океаническая - Океан платформаси** - чекка томонидан чуқур сувли новлар (замонавий геосинклиналь структуралари), ташқи чеккаси материк этаклари ва океан ўрталиқ тизмалари системаси билан чегараланган океан тубининг тектоник барқарор ва амалда асейсмик майдони.

**Плауэнит (плаун-ский тип сиенита) - Плауэнит (сиенитнинг плаун-тури)** - ортоклазга бой ва қисман олигоклаз микдорига эга бўлган сиенитнинг шох алдамчиси бор тури.

**Плащ - Плаш** - қ. *Покров.*

**Плащеобразное залегание - Қопламасимон (плашсимон) ётиш** - қопловчи ётишнинг ўзи.

**Плейстоцен - Плейстоцен** - уламчи даврнинг тўртинчи бўлинмаси.

**Плеохроизм - Плеохроизм** - қутубланган нурнинг тебраниш тўлқини йўналиши оптик анизотроп моддадан ўтганда шу модда рангининг ўзгариши.

**Пликативное нарушение - Пликатив бузилиш** - т. ж. яхлитлигининг (боғлиқ-лигининг) бузилмай бурмаланиши.

**Пликативные дислокации - Бурмали дислокациялар** - қатламлар бутунлиги бузилмасдан содир бўлган деформациялар. Антиклиналь, синклиналь моноклиналь бурма ва флексура каби структуралар Б. д. таъсирида ҳосил бўлади.

**Плиоцен - Плиоцен** - неоген даврининг юқори бўлими. Учга бўлинади.

**Плита - Плита** - платформаларнинг йирик, ботиқ тектоник тизими. Ривожланиш суръати бўйича ҳаракатчан ва турғун платформаларга ажратилади.

**Плитчатость - Плиталилик** - т. ж. ларининг параллел қатланиш юзалари бўйлаб алоҳида плиталарга ажралиш хусусияти.

**Плиты литосферные - Литосфера плиталари** - ер литосферасининг нисбатан турғун, йирик ва изометрик қисмлари "плиталар" деб, ўлчами улардан кичик блоклар эса "микроплиталар" (микронтинентлар") деб аталади. Ривожланиш суръати бўйича улар хара-

катчанг ва турғун платформаларга ажратилади. Л.п.нинг силжиши уч хил бўлади: 1) океан ўрталик тоғ тизмаларининг рифт зонасидан ҳар томонга силжиши; 2) қия, ўта чуқур ёриқлар бўйича океан четларидаги яқинлашув (конвергенция); 3) трансформ (кўндаланг) Ер ёриқлари бўйлаб горизонтал сурилиш. Л.п. қитъа ва унга чегарадош океан қисмларини ўз ичига олади.

**Плойчатость - Жуда майда бурмалилик** - чўкинди ва метаморфик т. ж. ларидаги тектоник деформациялар натижасида ривожланувчи жуда майда бурмаланиш.

**Плоскогорье - Текис тоғлик** - горизонтал ётган ёки бироз бурмаланган т. ж. ларидан иборат бўлган баландлик. Тоғ текислиги ичида гоҳида аниқ ифодаланган, тик қияликлар билан чегараланган нотекисликлар (ботиқлик, гумбазлар) ҳам мавжуд. Булар платолардан мутлақ баландликлари (1000м. ва ундан юқори) билан фарқ қилади.

**Плоскость двойниковая - Қўшалоқлик текислиги** - кристал қўшалоқ-ларининг бири иккинчисига нисбатан 180°га бурилиб, иккинчисига бириккан текислик. Бу ҳодиса кўпроқ плагиоклазларда учрайди.

**Плоскость сброса - Узилма юза текислиги** - Ер пўсти қисмларининг ташланма-узилма юза бўйича бири-бирига нисбатан силжийдиган текислиги. **Плоскость сдвига - Силжиш юзаси** - уринма кучланиши билан силжиётган жисмнинг маълум қисми кўчадиган текислик.

**Плоскость сланцеватости - Сланецланиш текислиги** - ўзининг кенг ва узун қирралари билан қат-қат, тангасимон ва чўзилган м-ллар жойлашган текис юза.

**Плотность - Зичлик** - т. ж. массасининг унинг эгаллаган ҳажмига нисбати билан ифодаланувчи физик хусусият. Зичлик сон қиймати бўйича солиштирма оғирликка тенг бўлиб, м-лларда 0,9дан 23 г/см<sup>3</sup> оралиқда ўзгаради. Асосий т. ж. ҳосил қилувчи м-лларнинг зичлиги 2 дан то 3,5 г/см<sup>3</sup> гача бўлиши мумкин.

**Плотность (веществ, горных пород, минералов) - Зичлик** - моддалар, т. ж. , м-ллар массасининг эгаллаган ҳажмига нисбатан аниқланадиган физик катталиқ.

**Плотность осадочных пород - Чўкинди тоғ жинслари зичлиги** - чўкинди т. ж. лари массаси оғирлигининг эгаллаган ҳажмига нисбати.

**Плотность разведочной сети - Қидириш тўрининг зичлиги** - майдон бирлигига (км<sup>2</sup>, участка, ҳисоблаш блоки ва ҳ.к.) тўғри келадиган тоғ-кон иншоотларининг сони.

**Плотность трещин объёмная - Дарзликларнинг ҳажмий зичлиги** - т. ж. ларининг маълум бир бўлагини кесиб ўтувчи ёриқлар деворларининг, юзаси йиғиндиси ярмининг шу жинс бўлаги ҳажмига нисбатига тенг бўлиб, айна пайтда дарзликларнинг солиштирма юзаси ҳамдир. Т. ж. лари дарзланганлигини тавсифлашнинг энг объектив мезони.

**Площадь дренажирования - Дренажлаш майдони** - Ер усти ва ер ости сувларини табиий ёки сунъий гидрографик тармоқлар (канал, қудуқ ва б.лар) орқали оқиб чиқишини таъминлайдаган майдон.

**Площадь разведочная - Қидириш майдони** - ягона лойиҳа бўйича қидириш ишлари олиб бориладиган ҳудуд. Одатда маъдан майдонидаги битта ёки бир қатор конларини ўз ичига олади.

**Площадь рудоносная - Маъданли майдон** - маъ-

данлилик даражаси юқори бўлган майдонларнинг умумий номи, металлогеник тадқиқотлар объекти.

**Площадь угленосная - Кўмирли майдон** - 1. Излаш ва қидириш ишлари натижасида аниқланган кўмирли майдон. 2. Генетик умумийлиги ва саноат аҳамияти аниқланмаган алоҳида кўмир намоёнлари мавжуд бўлган, етарли даражада ўрганилмаган катта ҳудуд.

**Плутон - Плутон** - келиб чиқиши магматик бўлган мустақил чуқурлик жисми. Унга батолит, штокга ўхшаш чуқурликда шакллаган, ер юзаси билан алоқаси бўлмаган интрузив массивлари киради.

**Плутонизм - Плутонизм** - Ер пўстидаги интрузияларнинг ҳосил бўлишига олиб келувчи магматик жараён.

**Пльвун - Оқувчи қум** - оқиш ҳаракатига эга бўлган сувга тўкилган қум ва қумли тупроқлар, қумоқ тупроқларнинг оқиши. Т. ж. ларининг оқувчанлик хусусияти улар таркибидаги коллоидлар миқдорига боғлиқ бўлади, музланганда ўз ҳажмини оширади. Оқувчан т. ж. лари қурилиш ишларини бажаришда катта қийинчиликлар туғдиради.

**Плюмбоколумбит - Плюмбоколумбит** - PbO. М-л, плюмбониобит синоними.

**Плюмбониобит - Плюмбониобит** - (V, Vb, Cd)<sub>2</sub>(Fe, Pb, Ca, U)•Nb<sub>2</sub>O<sub>7</sub>(?). Кат. 5,5-5. Сол. оғ. 4,8. Dy, Er, Ho, Sc каби элементлар аралашмасига эга м-л. Қўнғир-қора рангли, ҳол-ҳол агрегатли, ялтироқлиги смоласининг хира м-л. 7,6 % PbO га эга бўлган самарскитнинг бир кўриниши. Син.: плюмбоколумбит.

**Плюмбоферрит - Плюмбоферрит** - PbFe<sub>4</sub>O<sub>7</sub>. Кат. 5. Сол. оғ. 6,07. Қора рангли, тангасимон, агрегатли м-л. Метаморфлашган Мп маъданларида учрайди.

**Плюмбоярозит - Плюмбоярозит** - Pb<sup>2+</sup>Fe<sup>+3</sup><sub>6</sub>[(OH)<sub>6</sub>[(SO<sub>4</sub>)<sub>2</sub>]]. Сол. оғ. 3,67. Тангасимон, зич жойлашган, ясмиқсимон, тупроқ ва охрасимон кукун ёки пўстлоқ сифатида учрайдиган м-л. Ранги олтинсимон-сарик рангдан то тўқ жигаранггача. Оксидланиш зоналарида англозит, ярозит, скородит, белдантит, церуситлар билан бирга учрайди. Син.: вергасит.

**Пляж - Пляж** - қирғоқ тўлқини таъсирида ҳосил бўлган қум, гравий, шағал тош, харсанг каби юмалоқланган бўшоқ т. ж. лари ётқизилган ва денгизга томон бироз қия қирғоқ зонаси. Кучли тўлқинлар таъсирида бу қирғоқ ўз қиёфасини тезда ўзгартириши мумкин.

**Пневматогидратогенезис - Пневматогидратогенезис** - магма газлари, сув буғлари ва эритмалари таъсирида м-лларнинг ҳосил бўлиши жараёни.

**Пневматолитиз - Пневматолитиз** - магмадан ажралиб чиққан учувчи бирикмалар (ўта иссиқ сув буғлари, фтор, хлор, фосфор ва б. лар)нинг т. ж. ларига таъсир этишидан ҳосил бўлган м-ллар.

**Пневматолитиз, пневматолитические процессы - Пневматолитиз, пневматолитик жараёнлар** - магмадан ажралган учувчан газ фазаларидан тўғридан-тўғри ёки газларнинг ўзаро таъсири, ёхуд аввал ҳосил бўлган м-лларга таъсири (пневматолитик метасоматоз) натижасида м-лларнинг ҳосил бўлиши.

**Пневматолитовые образования - Пневматолит ҳосилалар** - пневматолит жараёнларида ҳосил бўлган м-л ва конлар. Пневматолит конлар гоҳида контактли метасоматик конларга ўхшатилади.

**Пневматолитовый и гидротермальный метаморфизм - Пневматолит ва гидротермал метаморфизм** - совиятган магма ўчоғидан юқорига кўтарилаётган қайноқ сув эритмалари (гидротермлар), газ зма-

нацияси (газсимон маҳсулот) таъсирида т. ж. ларининг ўзгариши. Одатда пневматолит метаморфизми гидротермал метаморфизмидан аввалроқ рўй беради.

**Пневматолиты - Пневматолитлар** - гранитли магманинг совишидан ҳосил бўлган гранитдан ташқари қолдиқ эритма ёки пегматитли ва пневматолитли ҳайдалма маҳсулот.

**Повеллит - Повеллит** -  $\text{Ca}[\text{MoO}_4]$ . Кат. 3,5-4.. Сол. оғ. 4,3. Ранги зангор сариқ тангачасимон агрегатли, олмосимон, ялтирайдиган м-л. Молибденитнинг ер сатҳида ўзгаришидан ҳосил бўлади. Молибден конларининг оксидланиш зонасида учрайди.

**Поверхность артезианская - Артезиан юза** - қ. *"Поверхность напорная"*.

**Поверхность депрессионная - Депрессион юза** - Ер ости грунт ва босимли сувларнинг ер юзасига табиий ва сунъий чиқиши билан уларнинг сатҳининг пасайиши майдони юзаси. Д.ю. сувли горизонтдан сувнинг пастки, сувга тўйинмаган қатламларига ўтиши ҳолларида ҳам кузатилиши мумкин.

**Поверхность Конрада - Конрад юзаси** - Ер пўстининг гранит ва базальт қатламларини ажратиб турадиган чегара.

**Поверхность Мохоровичича (Мохо, М) - Мохоровичич юзаси (Мохо, М)** - бўйлама ва кўндаланг сейсмик тўлқинлар тезлигининг ўзгаришига асосланиб аниқланган ер пўсти ва мантия орасидаги чегара.

**Поверхность надвига - Сурилма юзаси** - тўшалма т. ж. лар устидаги сурилма осилма қанотининг ҳаракатланадиган юзаси. Одатда бу нотўғри шакилдаги текислик бўлиб, осилма жинс сурилишидан текисланиши билан тавсифланади.

**Поверхность напластования - Қатламланиш юзаси** - бир қатламни иккинчисидан ажратадиган чўкинди т. ж. қатламнинг зичлашган юқори юзаси. Бу юза чўкинди т. ж. лари ҳосил бўлишидаги танаффус ёки чўкинди ҳосил бўлиши шароитидаги ўзгаришларни кўрсатади.

**Поверхность напорная - Босимли сатҳ** - босимли сувнинг кўтарилган ёки кўтарилиши мумкин бўлган сатҳи. *"Поверхность артезианская"*, *"Поверхность пьезометрическая"* синоними.

**Поверхность несогласия - Номослик юзаси** - турли даврда ҳосил бўлган т. ж. ларининг иккита мажмуаларини туташтириб турган нотекис сатҳ.

**Поверхность пород внутренняя - Жинсларнинг ички юзаси** - т. ж. ларидаги дарзликлар, ёриқликлар ва ғовакликлар юзаси; улар қанча катта бўлса нураш жараёни шунча тез кечади. **Поверхность равных напоров - Тенг босимлар юзаси** - оқим йўналишига кўндаланг ўтказилган кесим юзаси. Улар бир хил пьезометрик босимга эга босим миқдорларини ифодаловчи нуқталар ўрни ҳисобланади.

**Поверхность размыва - Ювилиш юзаси** - қадимий т. ж. ларининг ёшроқ ётқиқиқлар ҳосил бўлгунча сув ва денудация жараёнлари таъсирида ювилган нотекис юзаси.

**Поверхность сброса - Ташлама-узилманинг силжиш юзаси** - узилма қанотини чегараловчи устки нотекис қисми.

**Поверхность структурная - Структуравий юза** - структуравий харитада тасвирлаш учун танланган геологик юза.

**Погашенные запасы - Ҳисобдан чиқарилган захи-**

**ралар** - кон ўзлаштириш жараёнидаги нобудгорчиликларга йўл қўйилиши натижасида тоғ-кон корхонаси ҳисобидан чиқарилган ф. қ. лар. Миқдори ҳар бир қазиб олиш участкаси учун алоҳида аниқланади.

**Погребенная структура - Кўмилиб ётган структура** - нисбатан ёш, қалинлиги катта қоплама ётқиқиқлар остида кўмилиб кетган антиклиналь ёки синклиналь бурма.

**Погребенные россыпи - Кўмилган сочмалар** - сочмалар ҳосил бўлиш жараёнлари билан генетик боғлиқ бўлмаган т. ж. лари билан кўмилган сочмалар.

**Подвижность горных пород - Тоғ жинслари ҳаракатчанлиги** - турли таркибдаги қалин қатламлар орасидаги катта массага эга бўлган жинсларнинг парчаланиши ёки ситиб чиқарилиши. Жинслар комплексининг ҳаракатчанлиги улардаги тузли ва гилли қатламлар, ёриқлар, қатламлилиқ, метаморфизм ва магматизм жараёнларининг намоён бўлиши, шунингдек орогенез жараёнида сурилмалар содир бўлиши билан боғлиқ.

**Подводный вулканизм - Сув ости вулканизми** - сув остида содир бўладиган вулкан жараёни. Магманинг отилиб чиқишидан океанларда вулкан ороллари ҳосил бўлади. **Поделочные камни - Безак тошлари** - чиройли рангга, сайқалланиш хусусиятига эга бўлган, бадийи буюмлар ва безатиш мақсадлари учун шакл бериладиган м-ллар ва т. ж. лари.

**Подземная геофизика - Ер ости геофизикаси** - бурги қудуқлари ва тоғ-кон иншоатлари воситасида аниқланган т. ж. лари массивларининг таркиби, тузилиши ва ҳолатини ўрганишга асосланган қидирув геофизикасининг бўлими.

**Подзона выщелачивания сульфидных месторождений - Сульфидли конларнинг ишқорсизланган кичик зонаси** - оксидланиш зонасининг қуйи қисмидан грунт сувлари сатҳигача тарқалган зона. Унинг ҳосил бўлишида оксидланиш кучсизланиб эрувчан бирикмаларнинг ишқорсизланиши ортади. Бунда кварц, барит, пирит каби м-ллар бўшоқ масса сифатида тўпланиб қолади.

**Подземные рассолы - Ерости номокоблари** - қ. *Рассолы подземные*.

**Подзона окисного обогащения сульфидных месторождений - Сульфидли конларнинг оксидлар билан бойиган кичик зонаси** - айрим конларнинг оксидланиш ва иккиламчи сульфидлар билан бойиш зоналари чегараларида учраб, мис конларида куприт, тенорит каби м-ллар билан тавсифланади.

**Подножие материковое - Материк этаги** - қитъа ёнбағрининг пастки (этак) қисми. 2000-4000 м. чуқурликда океан томонга энгашган текисликни ташкил қилади, кенглиги 1000 м.га етади. М.э.да паст-баланд рельеф минтақалари ёки қитъа олд нови кузатилади. Улар 2-3 км қалинликдаги чўкиндилар қитъа ёки қитъага яқин хилдаги Ер пўсти бўлиши билан ажралиб туради.

**Поднятие антиклинальное - Антиклиналь кўтарилма** - бурмали областларда, шунингдек унга туташ ҳудудларда кузатиладиган гумбазсимон тектоник ҳосила. Ўлчамлари, ташқи кўриниши, амплитудаси, хос бўлган чўкинди ва вулкан т. ж. ларининг турлари жуда хилма-хилдир.

**Поднятие сундучное - Сандиқсимон кўтарилма** - кенг ва ясси гумбазли, узунлиги ўнлаб км. бўлган бра-

хиантиклиналь шаклидаги йирик массивли кўтарилма. Бунинг қанотлари тик бўлиб, флексурали букилмаларга эга. Кўтарилиш амплитудаси юзлаб м.га тенг.

**Подошва пласта - Қатлам таги** - қатламни стратиграфик чегаралайдиган остки юза.

**Подпор подземных вод - Ер ости сувларининг тиралиши** - т. ж. ларида ҳаракатланаётган ер ости суви оқими тезлигининг камайиши (сув сатҳи қисмининг камайишини ҳисобига) кузатиладиган ҳолат. Бу ер ости оқимининг ер юзасига чиқиши (сув омборлари ҳар бирларида) участкаларида кузатилади. **Подразделение (единица) геохронологическое - Геохронологик бўлим (бирлик)** - нисбий геологик вақтнинг Ер ва унинг органик дунёси ривожланиши муваққат даврини белгилловчи бўлими. Г.б. уларнинг ҳажмини ва тобелигини ифодаловчи геохронологик шкалага бирлашган. Ҳар бир Г.б.га унга тенг бўлган стратиграфик бўлим мос келади.

**Подразделение стратиграфическое - Стратиграфик бўлинма** - нисбий изохрон чегараси бўлган, ер қобиғини ташкил қилувчи геологик ҳосилаларни умумий кетма-кетликда маълум ўрин эгалловчи органик ва ноорганик хусусиятларига кўра биргаликда ажратилувчи ётқизиклар. Улар регионнинг ёки Ернинг табиий геологик ривожланиш босқичларини акс эттириб, 3 тоифага бўлинади: 1) умумий (планетар) Ер курраси учун гуруҳ, система ва ярус; 2) провинциал (палеобиогеографик минтақалар доирасида-ярус, зона); 3) регионал горизонт (географик номлари бўлган қатламлар ва маҳаллий зона).

**Подсчет запасов полезных ископаемых - Фойдали қазилмалар захирасини ҳисоблаш** - Ер қаъридаги м-л хом ашёнинг сифати ва миқдорини аниқлаш. Кон доирасини чегаралаш, захираларни халқ ҳўжалигидаги аҳамияти, қидирилганлилик даражаси, ётиши, маъдан сифати ва уларни қазиб олиш шарт-шароитлари, таркиби ва б.лар бўйича тақсимлаш, қалинлиги, миқдори ва кўрсаткичлари бўйича ҳисоблаш блокларини ажратиш, кўрсаткич-ларнинг ўртача қийматини аниқлаш ҳамда айрим блоклар бўйича захираларни ҳисоблаш ишларини ўз ичига олади.

**Подтопление - Сув босиши** - сув ҳавзаларининг қирғоқ зоналарида сув сатҳининг кўтарилиши билан грунт сувлари тиралишларининг ҳосил бўлиши ва ер юзасигача сатҳининг кўтарилиши.

**Подушка водяная - Сув ёстиғи** - катта босим остида маълум чуқур-ликда жойлашган берк сув ҳавзаси. Бурғи қудуғи ёрдамида сув чиқариб ташланса, ер юзасининг С. ё. тепасидаги қисми чўкиб ботиқ ҳосил қилиши мумкин.

**Пожар подземный - Ер ости ёнғини** - кўмир ва пирит конларида рўй беради. Ёнғинлар экзоген (гулхан, шахта электр симларининг қисқа туташуви) ва эндоген (кўмирларнинг ўз-ўзидан ёниши) омилларга боғлиқ равишда келиб чиқиши мумкин.

**Позднемагматические месторождения - Кечки магматик конлар** - магматизмнинг сўнгги босқичида ҳосил бўлган конлар. қ. *Месторождение густеромагматическое.*

**Поиски (месторождений полезных ископаемых) - Излаш ишлари** - ф. қ. конларини топиш ва истиқболли баҳолашга йўналтирилган ишлар мажмуаси; алоҳида майдоннинг геологик тузилишини ўрганиш, излаш белгилари, шартларини таҳлил ва геологик съёмка асо-

сида амалга оширилади. И.и. 2 этапга- ихтисослашган дастлабки излаш ва муфассал (излаш-қидириш) излаш ишларига бўлинади.

**Поиски гидрохимические - Гидрокимёвий излашлар** - табиий сувларда кимёвий элементларнинг эриб тарқалиши қонуният-ларини ўрганиш асосида ф. қ. конларини башорат-лашга асосланган геокимёвий излаш усули.

**Поиски геохимические - Геокимёвий излашлар** - кимёвий элементларнинг литосфера, гидросфера ва биосферадаги тақсимланиш қонуниятларини конларни қидириш мақсадларида тадқиқ қилишга асосланган усули. Шунингдек, уларнинг доирасига атмогеокимёвий ва радиометрик усуллар ҳам киради. Маъданли конларни излашда айниқса литокимёвий усуллар жуда катта аҳамиятга эга. Улар геология қидирув ишларининг барча босқичларида қўлланилади.

**Поиски и разведка гидрогеологические - Гидрогеологик излаш ва қидириш** - гидрогеологиянинг ер ости сувлари захирасини ва сифатини аниқлаш, муҳандислик иншоотлари қурилишида пайдо бўладиган гидрогеологик шароитини аниқлаш, тоғ-кон ишлари, заҳни қочириш ва қуритиш, суғориш ишларида ва шу кабиларда келиб чиқадиган гидрогеологик муаммоларни ҳал қилиш.

**Поиски и разведка подземных вод - Ер ости сувларини излаш ва қидириш** - ичимлик ва техник сув таъминоти, шифобахш ва кимёвий хом ашё олиш учун яроқли бўлган ер ости сувларини қидиришнинг геологик, гидрогеологик, геофизик, геологик қидирув ва тажриба ишларининг мажмуи.

**Поиски литохимические - Литокимёвий изланишлар** - ф. қ. конларини туб т. ж. ёки бўшоқ ҳосилаларида кимёвий элементларнинг кўпайган ёки камайган канцентрацияларни (фон билан солиштирганда) аниқлашга асосланган геокимёвий усуллари.

**Поиски методом геологической съёмки - Геологик съёмка усули билан излаш** - конларни излаш мажмуидаги асосий усул. У ф. қ. конларининг жойлашиш қонуниятларини аниқлаш ва излаш омилларини топиш, геологик съёмка ишларини, бажарилган башоратли чизмаларни текшириш, геологик структуралар, қатламлар, шлихли хариталарни кесмалари билан тузишга йўналтирилган. Шу асосида районда топилган ф. қ. конлари ва намоёнларининг истиқболи баҳоланади.

**Поиски опережающие специализированные - Ихтисослашган илдамловчи излаш ишлари** - ф. қ. конларини излашнинг биринчи кичик босқичи. қ. *"Поисковая стадия"*.

**Поисковая стадия - Излаш босқичи** - иккита иқтисослашган кичик босқичга бўлинади: А- ихтисослашган дастлабки излаш ишлари ва Б-излаш ишлари. Биринчи кичик босқичда (А) берилган геологик шарт-шароитдаги ф. қ. нинг барча мажмуаларини аниқлаш мақсадида истиқболли майдонларда геокимёвий, геофизик, шлихли ва б. тадқиқотлар ўтказилади. Иккинчи (Б) кичик босқичда бундан олдин бажарилган ишлар натижасида ажратилган истиқболли майдонларда излаш ишлари бажарилиб, башоратлаш майдони Р, тоифасида геологик иқтисодий жиҳатдан баҳоланади.

**Поисковое бурение - Излаш мақсадида бурғилаш** - ф. қ. ларни қидириш учун бурғилашнинг бир тури. Бирор ҳудудда маъдан уюмлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумот. ёрдамида олинади. Сўнг, унга

асосланиб қидиришнинг кейинги, муфассал босқичларига ўтилади ва коннинг саноат миқёсидаги аҳамияти белгиланади.

**Поисковые признаки - Излаш белгилари** - маълум бир майдон ёки участка доирасида ф. қ. нинг мавжудлигини бевосита ёки билвосита кўрсатувчи геофизик, минералогик, геохимёвий омиллар, геологик излаш белгиларини умумий ва муайян турларга бўлиш мумкин. Умумий белгиларига стратиграфик, литологик, структуравий, магматоген (шу билан бирга маъданлашув сабабли т. ж. ўзгаришнинг турли намоёнлари ҳам), гидрогеологик ва геоморфологик белгилар мансубдир. Муайян излаш белгилари маълум бир район учун ҳам хос.

**Поисковые работы - Излаш ишлари** - ф. қ. ларини топиш учун ўтказиладиган геологик-қидирув ишларининг мустақил босқичи. қ. "Поисковая стадия".

**Поит (паугит) - Поит** -  $Fe_2 [SiO_4(TeO_3)_2] \cdot 2H_2O$ . Қат. 2,5. Сол. оғ. 3,75. Сарикдан яшил рангача бўлган ромбик сингонияли, қобиксимон агрегатли м-л. Лимонитли кварц брекчияларида пирит билан бирга учрайди.

**Пойма - Қайир** - дарё, сойлар ва кўллар ёқаси бўйлаб чўзилган ва тошқин вақтида сув босадиган пастак захоб ерлар; икки қисмдан иборат бўлиб, асосида дарё ётқизиғи (аллювий), юқори қисмида эса қайир лёсс ва қум ётқизиғи мавжуд. Қ. кўпинча дарёнинг эгри-бугри, илон изи шаклида оқиши (меандрла-ниши) натижасида ҳам вужудга келади. Юқори ва пастки Қ.лар бўлади. Юқори Қ.ни бир неча йилда бир марта, пасткисини эса ҳар йили сув босиши мумкин.

**Пойменная терраса - Қайир террасаси** - дарё водийсининг сув тошқин-лари вақтида сув босадиган қисми. Қайирнинг асоси кўп ҳолларда аллювиал шагаллардан, устки қисми майда қумлардан, иллардан ташкил топган бўлади. Агар дарё тектоник эгикликлар бўйлаб оқса, у ҳолда қайир кенглиги уларнинг ўлчамларига боғлиқ бўлади.

**Показатели поисковые гидрохимические на каменную соль - Тош тузининг гидрохимёвий излаш кўрсаткичлари** - ер ости сувлари таркибининг туз уюмлари мавжудлигини кўрсатувчи компонентлари: хлорид-натрийли намакоб ёки  $rNa^+ = rCl^-$  ва юқори (1000 ва ундан ортиқ) хлор бромли коэффициентли м-л.лашган сувлар ош тузи конларининг қидирув мезони ҳисобланади. Калийли туз конлари учун ер ости сувларидаги К. ионларининг юқори концентрацияси қидирув кўрсаткичи ҳисобланади.

**Показатели поисковые гидрохимические на сульфидные руды - Сульфидли маъданларнинг гидрохимёвий излаш кўрсаткичлари** - маъдан минераллашувининг гидрохимёвий белгилари мавжуд. Бевосита кўрсаткичларга сувдаги металлларнинг, маъдан таналарнинг саноат қимматини белгиловчи аномал миқдорлари киради. Билвосита кўрсаткичларга эса ер ости сувларининг юқори даражада м-л.лашуви, йўлдош металлари миқдори, сульфат ионларининг тўпланиши ва сувнинг нордон ( $pH < 7$ ) реакцияси киради.

**Показатель консистенции глинистой породы - Гилли тоғ жинслари консистенция кўрсаткичи** - гил т. ж. ларининг табиий консистенциясини тавсифловчи катталик бўлиб, табиий намлик ва қайишқоқлик чегараси намликлари фарқининг қайишқоқлик сонига нисбатидан иборат.

**Показатель преломления - Нур синдириш кўрсаткичи** - маълумки, нур бир муҳитдан иккинчи муҳитга ўтганда маълум бурчак остида синади. Ушбу миқдорий тавсифловчи хусусият т. ж. ва м-лларнинг диагностикаси мақсадида геологияда қўлланилади.

**Показатель разведанности запасов - Захираларнинг қидирилганлик кўрсаткичи** -, бир хил санада ҳисобланган  $A+B+C$  тоифали захиралар йиғиндисининг (тонна ёки  $m^3$ да)  $A+B+C_1+C_2$  захиралар йиғиндисига нисбати.

**Показатель степени сжатия породы - Тоғ жинсининг сиқилганлик даражаси кўрсаткичи** - т. ж. ҳажми камайишининг бошланғич т. ж. ҳажмига нисбати билан тавсифланади.

**Показатель уплотнённости породы - Тоғ жинсининг зичланганлик кўрсаткичи** - табиий ва минимал говаклик коэффициентлари айирмасининг табиий говаклик коэффициентига нисбатлари билан ишлатилади.

**Покров - Қоплама** - геологияда бу атама Ер юзасида нисбатан катта майдонларни қоплаган т. ж. ларини аташ учун ишлатилади.

**Покров лавовый - Лавали қоплама** - суюқ базальтли ва айниқса дарзликлар билан боғлиқ лаваларга хос ҳосила.

**Покров осадочный - Чўкинди тоғ жинслари қопламаси** - "платформенный чехол" атамасининг синоними.

**Покров почвенный - Тупроқ қатлами қопламаси** - Ер қобигининг ўсимликга эга ва маҳсулдор бўлган сиртқи қуруқлик қисми.

**Покров тектонический - Тектоник қоплама** - сурилма юзаси бўйича ўнлаб км масофага горизонтал ёки қияликка кўчирилган т. ж. массаси.

**Поле аномалий - Аномалиялар майдони** - бир хил физик ва тахминан умумий геологик табиатга эга бўлган бир неча асосий аномалиялардан ташкил топган система. Умумий аномалияга эга бўлган райондан бир неча муайян аномалия эпицентрларини бирлаштирувчи майдон сифатида ажралиб туради.

**Поле барханное - Барханли майдон** - арид иқлимли ҳу-дудлардаги қалин сочма қум уюмларидан ҳосил бўладиган кўчма қумли майдонлар. Иқлимий режим, мавжуд заррачалари боғланмаган, субстрат хусусиятлари, ўсимликлар ва инсон фаолияти, шунингдек б. омиллар таъсирида ўзига хос эол (шамол) рельефи ҳосил бўлади. Бунда бархан ва барханлар тизими бирига тутшиб мураккаб (полисинтетик) барханлар системасини ҳосил қилади.

**Поле валунное - Харсанг тошлар майдони** - харсанг тошлар тўпланган ёки қалин жойлашган майдон. Денгиз тўлқинлари ёки дарё сувлари ўз фаолияти давомида харсанг тошли ётқизикларни ювиб, майда зарраларни олиб чиқиб кетиши натижасида денгиз ёки дарё терассаларида ҳосил бўлади.

**Поле выемочное - Қазиб олиш майдони** - коннинг қазиб олиш қаватининг бир қисми. Унинг доирасида ф.қ. қатламларини ишлатиш битта участка бремс-берги, квершлаги, нишаби ёки (камдан-кам ҳолларда) қиялиги бўйича амалга оширилади.

**Поле геофизическое - Геофизик майдон** - Ернинг маълум ҳудудида табиий ёки сунъий йўл билан ҳосил бўлган физик майдонни тавсифловчи катталик.

**Поле россыпей - Сочмалар майдони** - маълум литологик, структуравий, магматик ва геоморфологик ху-

сусиятларга эга бўлган ва унча катта бўлмаган металл майдон.

**Поле рудное - Маъдан майдони** - муайян тектоник элементни қамровчи т. ж. ёки интрузия билан боғлиқ маконнинг ҳосил бўлиши ва ёш жиҳатдан нисбатан бир хил бўлган маъдан конлари ёки жисмлари жойлашган, нисбатан катта бўлмаган (ўнлаб км<sup>2</sup>) майдон.

**Поле шахтное - Шахта майдони** - иқтисодий шароитларга кўра ф. қ. конининг бир қисми. И.ч. учун мазкур шахтага ажратиб берилган қисми. Унинг майдони бирдан бир неча ўн км<sup>2</sup> гача бўлиши, мумкин.

**Полевые шпаты бариевые - Барийли дала шпатлари** - ВаО миқдори >2 %, цельзиан -  $Ba[Al_2Si_2O_8]$  ва гиалофан (K,Ba)  $[(AlSi)Si_3O_8]$  лардан ташкил топган дала шпати. Цельзиан - >90 % миқдорда, гиалофан - <30 % миқдорда барий компонентига эга. Анортитга нисбатан кўп миқдорда цельзианга эга бўлган дала шпати "кальциоцельзиан", 10-20 % цельзиан миқдorigа эга бўлган дала шпати эса "барийли плагиоклаз" деб аталади.

**Полевые шпаты калиевые - Калийли дала шпатлари** -  $K[AlSi_3O_8]$ . Кат. б. Сол. оф. 2,55-2,63. Оқ, қизғиш, сариқ, тўқ-қизил ва б. ранглардаги м-л. Гидротермал эритмалар таъсири ва нураш жараёнида осон емирилади ва натижада каолинит, галлуазит, серицит ва гиббситларга айланади.

**Полевые шпаты - Дала шпатлари** - т. ж. ҳосил қилувчи силикатлар синфига мансуб асосий м-ллар. Кўпчилик дала шпатлари  $K[AlSi_3O_8]$  -  $Na[AlSi_3O_8]$  -  $Ca[Al_2Si_2O_8]$  учлик системасининг намоёндалари бўлиб, уларнинг охириги аъзолари мос равишда - альбит (Ab), ортоклаз (Or) ва анортитдир (An). Улар иккита изоморф қаторга бўлинади: биринчи қатор - "ишқорли", иккинчи қатор "плагиоклазлар қатор" деб юритилади. Ер қобиғи массасининг 50 фоизидан кўпроғини ташкил қилади.

**Полезное ископаемое - Фойдали қазилма** - халқ хўжалигида ишлатилиши мумкин бўлган т. ж. ва м-лларнинг ер пўстидаги табиий йиғиндиси. Ф. қ. лар тўплами конларни ташкил қилади. Маъдан, номаъдан ва ёнувчи ф. қ. лар ажратилади. Бундан ташқари, улар физик ҳолатига қараб қаттиқ, суюқ, газсимон, ҳосил бўлиши шароитига кўра чўкинди, магматик, контакт-метасоматик ва метаморфик турларга бўлинади.

**Полезные компоненты - Фойдали компонентлар** - ф. қ. нинг минералогик таркибий қисми бўлиб, ундан sanoатда қўлланилиш мақсадида фойдали элементнинг ва м-лларни технологик ажратиб олиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлиши шарт.

**Полиаргирит - Полиаргирит** -  $Ag_{24}Sb_2S_{15}$ . Кат. 2,5. Сол. оф. 6,97. Қора-темир рангли м-л. Доломит ва аргентитлар таркибида учрайди. Полибазитли аргентит, пираргирит ёки тетроздритлар аралашмаси бўлиши мумкин.

**Полибазит - Полибазит** -  $(Ag,Cu)_{16}Sb_2S_{11}$ . Кат. 1,5-2., Сол. оф. 6-6,2. Кумуш м-ли. Одатда варақсимон ва донали агрегатлар ҳосил қилади. Ранги кулранг ва қорамтир темирсимон. Металл каби ялтирайди. Паст ҳароратли гидротермал томирларда кумуш сульфотузлари билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари: галенит, стефанит, пираргирит, аргентит (акантит), фрейбергит.

**Полигалит - Полигалит** -  $K_2Ca_2Mg[SO_4]_4 \cdot 2H_2O$ . Кат. 3,0-3,5. Сол. оф. 2,78. Ранги оқ, кулранг, гишсимон қизғиш, жилоси шишасимон ялтироқ, мумсимон хира донадор, толасимон, қат-қат агрегатли м-л. Бирламчи

ва иккиламчи сульфатли ётқиқиқларда галит, сильвин, кизерит, ангидрит ва карналлитлар, камдан-кам ҳолларда вулкан возгонларида учрайди. Йўлдош м-ллари: галит, ангидрит, гипс. Син.: ишелит, маманит. **Полидимит - Полидимит** -  $Ni_3S_4$ . Кат. 4,5-5,5. Сол. оф. 4,8-5,8. Ранги оқиш-кулранг, металлсимон ялтирайдиган, донадор, айрим ҳолларда оқма агрегатли м-л. Гидротермал конларда Cu, Ni, Fe сульфид ва арсенидлари билан бирга учрайди. Палеоген-неоген гилларида милеритли коломорф т. ж. ларида топилган. Син.: никель-линнеит.

**Полилитнионит - Полилитнионит** -  $KLi_2Al[(Si_4O_{10})F_2]$ . Кат. 3. Сол. оф. 2,82. Оқ, пуштиранг, шишасимон ялтирайдиган, тангчасимон агрегатли м-л. Li ва Fe га. бой бўлган лепидолит. Ишқорли пегматитларда, гранитларда, нефелинли сиенитларда учрайди.

**Полиметаллическая руда - Полиметалл маъдан** - таркибида кўрғошин, рух, одатда мис ҳамда доимий қўшимча сифатида олтин ва кумуш, айрим ҳолларда кадмий ва б. нодир металллар мавжуд бўлган маъдан.

**Полиметаллы - Полиметаллар** - кўрғошин, рух сульфидларидан иборат маъданлар. Таркибидаги металллар миқдорига қараб маъданлар "кўрғошин-рухли", "кумуш-кўрғошинли" деб аталади. П. эндоген шароитда гидротермал эритмаларнинг кристалланишидан ҳосил бўлади. У сланец, гнейс, оҳақтош, туф, гранитоидлар орасида жойлашиб, турли катталиқдаги шакллардан иборат қатлам, томир ва маъданли устун ҳосил қилади. Таркибида пирит, сфалерит, халькопирит, галенит ва б. сульфидлар, баъзан кумуш, висмут мавжуд.

**Полиметаморфизм - Полиметаморфизм** - регионал миқёсда метаморфлашган т. ж. ларининг қайта (устма-уст) метаморфланиши натижасида кўп босқичли ўзгариши.

**Полимигнит - Полимигнит** -  $(Ce,La,Y,Th,Mn,Ca)(Ti,Zr,Nb,Ta)_2O_6$ . Кат. 6-6,5. Сол. оф.- 4,77-4,85. Қора рангли, жилоси полиметаллсимон, авгитли сиенитларда ва ларвикитларда ҳосил бўладиган, пегматитларда учрадиган м-л. Син.: циркон-эвксенит.

**Полимиктовая порода - Полимикт тоғ жинси** - турли таркибдаги м-л зарралари ва бўлақлардан иборат чўкинди т. ж.

**Полихроизм - Полихроизм** - 1. *Плеохроизм* атамасининг кам қўлланиладиган синоними. 2. Оддий (кундузги) ёруғлик нурининг тушиши йўналишига қараб м-лларнинг ўз рангини ўзгартириши хусусияти.

**Поллуцит - Поллуцит** -  $(Cs,Na)(AlSi_2O_6) \cdot 0,5H_2O$ . Кат. 6,5. Сол. оф. 2,9. Рангсиз, оқ рангли, шишасимон ялтирайдиган м-л. Гранитдаги литийли пегматитларда учрайди. Йўлдош м-ллари: берилл, петалит, лепидолит, сподумен, турмалин, кварц, альбит-клевеландит. Син.: поллукс.

**Полоска Бекке - Бекке чизиги** - м-ллар микроскоп остида қутбланган нур билан ўрганилганда, ёруғликнинг синиш кўрсаткичи ҳар хил бўлган икки модда чегарасида ҳосил бўладиган очиқ рангли нур тасмасидан иборат оптик ҳодиса. Агар микроскоп тубуси юқори кўтарилса Б.т. синиш кўрсаткичи катта м-л томонга, тубус туширилганда эса синиш кўрсаткичи кичик м-л томонга сурилади.

**Полосчатая руда - Йўл-йўл маъдан** - м-л.ларга миқдорий боғлиқлиги ёки доначаларининг йириклиги билан аниқ фарқланувчи, ҳар хил м-л.лардан иборат, юпқа қатлам (чизик)лар шаклидаги маъдан.



**Полосчатая текстура руд - Маъданларнинг йўл-йўл текстураси** - тузилиши, ранги, заррачанинг йириклиги ёки м-логик таркиби бўйича ажралиб турувчи, маъданда нисбатан юпқа йўлларининг (қатламларнинг) галма-галлиги билан тавсифланувчи текстура.

**Полосчатость - Йўл-йўллик** - м-л таркиби, ранги, т. ж. нинг структураси, м-лларнинг йўналиши ва б. белгилари билан фарқланадиган т. ж. ларининг ҳар хил қалинликдаги ва бир-бирига деярли параллел юпқа тасмаларнинг алмашилиши.

**Полосчатость (ленточность) льда - Музнинг (тасмасимон) йўл-йўллилиги** - горизонтал ёки тик ётувчи оқ ҳаворанг ёки кўкимтир, гоҳида тиниқ ва сутранг оқ. муз қатларининг музлик қатламларида ҳосил қилган тасмалари. Музнинг йўл-йўллилиги тўғрисида аниқ тушунча йўқ.

**Полудрагоценные камни - Ярим қимматбаҳо тошлар** - қимматбаҳо тошларга ўхшаш хусусиятларга эга бўлган, лекин нисбатан табиатда кўп миқдорда учрайдиган м-л.лар ва т. ж. лари.

**Полукальдера - Яримкальдера** - ички тик ва ташқи қия ёнбағирли, ярим айланма шаклидаги вулкан кальдераси ботиқлиги. Бу структура бирламчи ботиқликнинг магма оқиб чиқиши натижасида чўкишидан ёки вулкан отилиши пайтида кальдера бир қисмининг емирилишидан ҳосил бўлади.

**Польценит - Польценит** - оливин (50 % гача), мелит, биотит, гаюин, нефелин, магнетит, перовскит ва оз миқдорда хромитдан иборат базальт кўринишидаги ишқорли лампрофир.

**Поля рудные-типы - Маъдан майдонлари турлари** - геологик-структуравий хусусиятлари ва б. белгиларига кўра ажратилган маъданли майдон турлари. Кўпгина таснифларда етакчи тасниф белгиси қилиб М. м. т. структураси қабул қилинган.

**Поперечных волн метод - Кўндаланг тўлқинлар усули** - кўндаланг тўлқинларни ёзиб олиш ва уларни таҳлил қилишга асосланган сейсмик қидирув усули.

**Поноры - Понорлар** - ер сатҳидаги сувларнинг чуқурликлардаги карст форликларига кириб боришини таъминловчи катта дарзликлар, бўшлиқлар.

**Пористость - Говаклилик** - т. ж. ларидаги барча сингенетик ва эпигенетик бўшлиқлар ҳажми. F. Коэффициенти говаклар ҳажмининг т. ж. нинг м-л скелети ҳажмига нисбати билан % да ифодаланади. Энг катта говаклилик чўкинди т. ж. учун хос бўлиб, 80-50 % атрофида, баъзан 1 % гача бўлиши мумкин.

**Пористость абсолютная - Мутлақ говаклилик** - говаклар ҳажмининг м-л заррачалар эгаллаган ҳажмига нисбати билан тавсифланади.

**Пористость активная - Фаол говаклик** - ер ости сувларининг гравитацион ҳаракати кузатиладиган говаклик. Ф. г. ликлардаги сув ҳаракатига т. ж. заррачаси атрофидаги гигроскопик ва пардасимон сувларнинг таъсири кузатилмади.

**Пористость весовая - Говаклик оғирлиги** - т. ж. нинг тўла намлиги "Влажность горной породы (грунта) полная" атамасининг синоними.

**Пористость закрытая - Ёпиқ говаклилик** - т. ж. ларидаги майда, юмалоқ, ўзаро бирлашмаган берк говакликлар йиғиндиси.

**Пористость трещинная - Дарзлик говаклиги** - маълум бир ҳажмдаги т. ж. ини кесиб ўтувчи дарзликлар ҳажмининг шу т. ж. ҳажмига нисбати билан ўлча-

надиган катталиқ.

**Пористость угля - Кўмирнинг говаклиги** - кўмирдаги говакларнинг умумий нисбий ҳажми. Говакликлар очиқ ва ёпиқ турда бўлади. Биринчиси бир-бири билан ва очиқ ҳаво билан боғлиқ бўлиб, уларнинг умумий нисбий ҳажми кўмирнинг очиқ говаклигини ҳосил қилади. Умумий нисбий ёпиқ (ўзаро боғланишсиз) говаклик "кўмирнинг ёпиқ говаклиги" деб аталади. Кўмирнинг умумий говаклиги очиқ ва ёпиқ говаклик йиғиндисига тенг.

**Порода абиссальная - Абиссал тоғ жинси** - ер қобиғининг чуқур қисмида вужудга келган т. ж. лари.

**Порода анизотропная - Анизотроп тоғ жинси** - турли йўналишлар бўйича сув ўтказувчанлиги, говаклиги, силжишга ва зичланишга қаршилиги, оптик хусусиятлари турлича бўлган т. ж. лари.

**Порода асфальтовая - Асфальтли тоғ жинси** - қумтош, оҳактош, доломит каби коллектор жинсларнинг мальта, асфальт, асфальтит ёки битумлар билан тўйиниши.

**Порода битуминозная - Битумлашган тоғ жинси** - ноаниқ атама. Маъноси бўйича бу атамани битум, яъни нефть ва унинг ҳосилалари (нафтоидлари) билан тўйинган т. ж. ларига қўллаш керак. Амалиётда бу атама кероген (битумлашмаган модда) билан тўйинган, урилганда ҳид берадиган, эритмалар таъсирида қора рангга бўялган, қизитилганда битумсимон моддалар ажратадиган ёнувчи сланецларга нисбатан қўлланилади.

**Порода бокситовая - Бокситли тоғ жинси** - ҳосил бўлиши, м-л таркиби бўйича бокситларга яқин, лекин кимёвий таркиби бўйича алюминий маъданининг сааноат кондицияси (ажрати олиш меъёри)га (ГОСТ 972-50) жавоб бермайдиган т. ж. Бу т. ж. ларига: аллитлар ва сиаллитлар, шу қаторда латеритлар ҳам киради.

**Порода боратовая - Боратли тоғ жинси** - одатда катта конлар ҳосил қилмайди. Шу сабабли қазиб олишга лойиқ бўлган кичик уюмлари бор "маъдани" деб қаралади. Бу уюмлар табиатда уч хил: галогенли, вулканоген-чўкиндили ва контакт-метасоматитли генетик турларга бўлинади.

**Порода вмещающая - Қамровчи тоғ жинси** - маъданли ётқизиқлар, томирли ва б. ф. қ. таналарини ўз ичига қамраб олган т. ж. лари.

**Порода водоносная - Сувли тоғ жинси** - говакликлари, дарзликлари гравитацион сув билан тўлган т. ж. лари. Улардан эркин сувни чиқариб олиш мумкин.

**Порода вулканическая - Вулканли тоғ жинси** - бу т. ж. лар вулкан жарёнида ҳосил бўлади. Вулкан т. ж. ларига вулқандан оқиб чиққан (эффузив), гумбаз шаклида кўтарилган (экструзив) ва эксплозияда отилиб чиққан вулканокластиклик (пирокластик) жинслар киради.

**Порода вулканокластическая (вулканическая обломочная) - Вулканокластик тоғ жинси** - чақилган т. ж. лари учун умумлаштирилган атама бўлиб, магма эксплозиясида чиқариб ташланган ва совиган лаванинг механик таъсир остида майдаланишидан ҳосил бўлади.

**Порода вулканомиктовая (вулканотерригенная) - Вулканомикт (вулканотерриген) тоғ жинси** - вулкан ҳосилаларининг механик таъсири натижасида парчаланиб бир жойдан иккинчисигача кўчирилиб қайта

ётқизилиши ва у билан синхрон бўлмаган чўкинди т. ж. лари билан цементлашшидан ҳосил бўлган т. ж. лари. *"Вулканотерриген тоғ жинслари"* атамасининг синоними.

**Порода гипабиссальная - Гипабиссал тоғ жинси** - катта чуқурликка эга бўлмаган зоналарда ҳосил бўлган интрузив т. ж. Мавжудлик шароити ва структураси бўйича абиссал ва эффузив т. ж. лари оралиғини эгаллайди. Г.т. ж. лари дайка, локолит, лаполит, шток ва кичик интрузив таналар ҳосил қилади.

**Порода горная - Тоғ жинси** - маълум ички ва ташқи тузилишга, м-л ва кимёвий таркибга эга бўлган м-лларнинг табиий бирикмаси. Т. ж. лари бир ёки бир қанча м-ллардан иборат. Т. ж. ларининг пайдо бўлиши ва ҳар хил турларга ажралиши Ер пўстининг ички ва ташқи қисмидаги эндоген ва экзоген геологик жараёнларга боғлиқ. Эндоген жараёнлар натижасида магматик ва метаморфик т. ж. лари пайдо бўлади. Экзоген жараёнларда эса ер юзидаги мўътадил шароитларда (физик-кимёвий нураш оқибатида) чўкинди т. ж. лари вужудга келади.

**Порода грейзенизированная - Грейзенлашган тоғ жинси** - таркибига кўра грейзен ва бошланғич (дастлабки) т. ж. оралиғидаги ўрин алмашилишга дучор бўлган метасоматик т. ж. Унда м-ллар янги ҳосилалар билан бир қаторда туб т. ж. нинг бир ёки бир неча реликт т. ж. ҳосил қилувчи м-ллари мавжуд ҳамда уларнинг текстуравий ва структуравий хусусиятлари сақланади.

**Порода жильная - Томир тоғ жинси** - кўпинча интрузив массивлар билан ёнма-ён ва бирга учрайдиган томир (томир, дайка) т. ж. лари. Қолдиқ магманинг кўтарилиб чиқиб, асосий ва ёндош т. ж. ларидаги контракцион узилмалар ва дарзликларни тўлдириши натижасида ҳосил бўлади.

**Порода заохренная - Охралашган тоғ жинси** - Ер юзасига чиққан темир сульфидлари билан тўйинган, натижада кўнғир-сарик ранга эга бўлган т. ж.

**Порода зеленокаменная - Яшил тошли тоғ жинси** - хлорит, эпидот ва б. иккиламчи м-ллар билан боғлиқ ҳолда турли даражада ўзгарган, яшил рангли, асосли магматик т. ж. (порфиритлар, диабазлар ва б.) ларининг умумий номи.

**Порода кислая - Нордон тоғ жинси** - таркибидagi кремнекислота миқдори юқори (>65 %) бўлган магматик т. ж. Ортиқча SiO<sub>2</sub> кварц шаклида ажралади; фақат айрим эффузив т. ж. лари асосий массасининг ("потенциал кварц" деб аталувчи) аморф қисмида ўзгармай қолиши мумкин. Нордон т. ж. лари қаторига гранитлар, гранодиоритлар, липаритлар, дацитлар киради.

**Порода коренная - Туб тоғ жинси** - магматик, чўкинди ва метаморфик т. ж. ларининг умумий номи. Т.т. ж. цементлашган, денудация жараёни таъсирида бир ердан иккинчи ерга кўчирилмаган, элювийга айланмаган бўлади.

**Порода кристаллическая - Кристаллашган тоғ жинси** - келиб чиқишидан қатъий назар, кристалл доналаридан иборат т. ж.

**Порода лавокластическая - Лавокластик тоғ жинси** - қотган лава чақиқ бўлақларининг лава билан цементлашганидан ҳосил бўлган т. ж. қ. *"Брекчия лавовая"*

**Порода лейкократовая - Лейкократли тоғ жинси** - кўпроқ оқиш рангли м-л (дала шпати, кварц ва б.)лар-

дан иборат булган магматик т. ж.

**Порода магматическая - Магматик тоғ жинси** - магманинг ер қарида (интрузив) ёки ер юзига лава сифатида чиққандан сўнг (эффузив) совиб қотишидан ҳосил бўлган т. ж. лари. Ҳосил бўлиши шароитига кўра чуқурликда, катта чуқурликларда (абиссал) ва унча чуқур бўлмаган, ер юзига яқин шароитларда қотган (субвулкан) жинслар. Кремнезём миқдорида кўра нордон (SiO<sub>2</sub>-80-65 %), ўрта (≈ 60 %), асосли (≈ 50 %) ва ўта асосли (45 % дан кам) турларга ажратилди.

**Порода массивная - Массив (яхлит) тоғ жинси** - массив текстурага эга магматик, баъзи чўкинди (оҳактошлар) ва метаморфик (мармар) т. ж. лари.

**Порода мезократовая - Мезократли тоғ жинси** - лейкократли ва меланократли т. ж. лар оралиғидаги магматик т. ж. Таркибида 37,5 дан 62,5 % гача рангли м-ллар аралашмаси бўлади.

**Порода меланократовая - Меланократли жинс** - 1. Қорамтир рангли м-ллардан ташкил топган магматик т. ж. 2. Ўрта типдаги магматик т. ж. ларига нисбатан рангли м-лларга кўпроқ тўйинган магматик т. ж.

**Порода меловая - Бўр жинси** - 1. Бўр даври ҳосиласи бўлган жинслар. 2. Бўр ёки бўрсимон мергель жинслари.

**Порода метасоматическая - Метасоматик тоғ жинси** - қ. *"Метасоматоз"*

**Порода микрокристаллическая - Микрокристаллик тоғ жинси** - бундай т. ж. ҳосил қилувчи м-ллар кристаллари фақат микроскоп остида аниқланади.

**Порода моногенная - Моноген тоғ жинси** - бир хил таркибли моддалардан (м-л т. ж.) иборат т. ж.. Улар туб жинсларнинг нурашидан ва нураш маҳсулотлари бўлган бўлақларнинг энг мустақамларидан бошқаларининг ювилиб кетиб фақат бир таркиблилари сақланиб қолишидан ҳосил бўлади.

**Порода нефтеносная - Нефтли тоғ жинси** - нефтга тўйинган т. ж. Одатда буларга ғовакли т. ж. лари, кум, кумтош, дарзланган оҳактошлар, айрим ҳолларда гил ва сланецлар каби зич т. ж. лари ҳам киради. Бирламчи Н.т. ж. ларига ўзида ҳосил бўлган нефтни сақловчи; иккиламчисига эса миграция туфайли келиб қолган нефтни жамлаган т. ж. лари киради.

**Порода обломочная карбонатная - Чақиқ карбонатли тоғ жинси** - б. чақиқ т. ж. ларидан турлича келиб чиқиши билан фарқ қилади. Унча чуқур бўлмаган сув ҳавзаларида қадимги карбонат т. ж. қатламларининг ювилишидан ҳосил бўлган тури кенг тарқалган.

**Порода олигомиктовая - Олигомиктли тоғ жинси** - икки хил таркибли т. ж. лари чақиқ бўлақлари ёки икки хил м-ллардан ёхуд бир хил т. ж. ва бир хил м-ллардан ташкил топган т. ж. Бунинг бири т. ж. ни ташки этса, қўшилмалар миқдори 5-10 % дан кам бўлмаслиги шарт.

**Порода оруденелая - Маъданлашган тоғ жинси** - таркибида ҳол-ҳол, донатор маъданли м-ллар мавжуд бўлган т. ж.

**Порода (и руда) осадочная железистая - Темирлашган чўкинди тоғ жинси ва маъдани** - маълум миқдорда темир элементини мужассамлаштирувчи ҳар хил таркибли чўкинди т. ж. лари гуруҳи. Оксидланиш муҳитида темир оксиди маъдани ҳосил бўлди. У кенг тарқалган ва амалда Т.ч.т. ж. нинг энг муҳим тури

ҳисобланади. У ғётит ( $\text{HFeO}_2$ ), лепидокрокит ( $\text{FeOON}$ ), лимонит ( $\text{HFeO}_2 \cdot n\text{H}_2\text{O}$ ) ва гематит ( $\text{Fe}_2\text{O}_3$ ) м-лларидан иборатдир. Қайта тикланиш муҳитида сидеритли ( $\text{FeCO}_3$ ) ва шамозитли маъдан ҳосил бўлади. Кескин тикланиш муҳитида эса темир сульфидидан ташкил топган олтингурут-темирли бирикма (пирит, марказит) тўпланади.

**Порода осадочно-вулканогенная - Чўкинди-вулканоген тоғ жинси** - "Туффиты" атамасининг синоними. қ. "Породы вулканогенно-осадочные".

**Порода осадочно-метаморфическая - Чўкинди-метаморфик тоғ жинси** - чўкинди т. ж. ларининг метаморфлашиши натижасида ҳосил бўлган ҳосилалар.

**Порода основная - Асос таркибли тоғ жинси** - таркибида кремнезём миқдори 50-55 % дан ошмаган ва юқори миқдорда Al, Ca, Fe Mg элементлари бўлган, оз миқдорда Na ва айниқса K бўлган магматик т. ж.

**Порода первичная - Бирламчи тоғ жинси** - маъдан ҳосил бўлган ва кейинги жараёнлар таъсирида ўзгармаган магматик т. ж.

**Порода перенасыщенная водой - Сувга ўта тўйинган тоғ жинси** - т. ж. ларидаги сув миқдори тўлиқ сувга тўйиниш миқдоридан кўп бўлади. Майда заррачалардан ташкил топган т. ж. лари бундай намлиқда оқувчан ҳолатга ўтади.

**Порода пересыщенная - Ўта тўйинган жинс** - нордон магматик т. ж. бўлиб, таркибида магматик келиб чиқишига эга бўлган эркин кремний кислотаси мавжуд бўлади. Тўлиқ кристалланган т. ж. ларида кварц, тўлиқ кристалланмаган т. ж. ларида эга порфир кўринишидаги кварц шаклида ёки шишасимон асосий массани ҳосил қилади.

**Порода плотная - Зичланган тоғ жинси** - оддий кўз ёки лупа орқали говаклиги ёки таркиби кўринмайдиган т. ж.

**Порода полимиктовая - Полимиктли тоғ жинси** - турли т. ж. лари (чўкинди, магматик, метаморфик) ва м-ллар бўлакларидан ташкил топган чўкинди т. ж. лари.

**Порода полнокристаллическая - Тўла кристалланган тоғ жинси** - шишасиз т. ж. бўлиб, ташкил қилувчи таркиби айрим ҳолларда микроскоп остида кўринади.

**Порода пропили-тизированной - Пропилитлашган тоғ жинси** - ҳар хил таркибли лава, интрузив, пирокластик ва терриген т. ж. ларининг пропилитланишидан ҳосил бўлган метасоматик т. ж. Асос ва ўрта асос таркибли т. ж. лари пропилитланиши ҳисобига яшил рангли, нордон т. ж. ларидан эса таркибида эпидот бўлгани учун, очиқ рангга эга бўлган П. т. ж. лари ҳосил бўлади. Ишқорли дала шпати (альбит ёки адуляр), кальцийли гидрослюда, хлорит, кварц, пирит, кальцит одатда эпидот, актинолит, цеолитлар П. т. ж. ларининг доимий м-л компонентларини ташкил этади. Бу м-лларнинг миқдорий нисбати бошланғич т. ж. нинг таркибига қараб ўзгариб туриши мумкин.

**Порода рыхлая - Бўшоқ тоғ жинси** - цементлашмаган ёки кучсиз цементлашган, осон сочилиб кетадиган (шағал тошлар, тупроқ, қум) т. ж. лари.

**Порода серная - Олтингурутли тоғ жинси** - ўз таркибида бир неча % дан то 40 % гача соф олтингурурти бўлган т. ж. Агар т. ж. таркибида  $S > 8-9$  % бўлса, и. ч.га лойиқ олтингурут маъдани ҳисобланади.

**Порода соляная калийно-магнезиальная - Калий-магнезиал тузли тоғ жинси** - асосан сильвин-КСI, карналлит -  $\text{K} \cdot \text{MgCl}_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ , полигалит -  $\text{K}_2\text{Ca}_2 \cdot \text{Mg}[\text{SO}_4]_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ , кизерит -  $\text{Mg}[\text{SO}_4] \cdot \text{H}_2\text{O}$ , каинит -  $\text{KMg}[\text{Cl}[\text{SO}_4]] \cdot 3\text{H}_2\text{O}$ , лангбейнит -  $\text{K}_2\text{Mg}_2[\text{SO}_4]_3$  ва эпсомит -  $\text{Mg}[\text{SO}_4] \cdot 7\text{H}_2\text{O}$  лардан таркиб топган т. ж.

**Порода средняя - Ўрта асосли тоғ жинси** - таркибида кремний кислота миқдори 60 % атрофида бўлган, нордон ва асосли т. ж. лари ораллигидаги магматик т. ж. лари (диоритлар, андезитлар).

**Порода углистая - Кўмирли тоғ жинси** - таркибида 20-50 % органик модда бўлган т. ж.

**Порода ультраосновная - Ўта асосли тоғ жинси** - таркибида кремний кислотаси миқдори 45 % дан кам, дала шпати бўлмаган магматик т. ж. ларининг умумий номи. Улар таркиби асосан оливин, ромбик ва моноклинал пироксенлар каби бир ёки бир неча рангли м-ллардан ва ҳар хил миқдордаги амфиболлардан иборат.

**Порода цементированная - Цементлашган тоғ жинси** - чўкиндилардан ҳосил бўлган, диагенез жараёнида зичланган т. ж. лари. Уни ташкил қилувчи компонентлар турли моддалар (карбонатлар, гиллар, кремний, темир бирикмалари ва б. билан цементлашган. Бундай т. ж. ларига алевролит, қумтош, конгломерат, брекчия ва б. киради.

**Порода щелочная - Ишқорли тоғ жинси** - таркибида анча миқдорда ишқорлар мавжуд бўлган магматик т. ж. Одатда ишқорли пироксенлар, ишқорли амфиболлар, фельдшпатидлар, ишқорли дала шпатлари билан ёки уларсиз учраши мумкин.

**Порода экструзивная - Экструзив тоғ жинси** - ёпишқоқ лаванинг сиқиб чиқарилишидан ҳосил бўлган ва кўпинча вулкан гумбазларини ташкил этувчи т. ж. Петрографик жиҳатдан эффузив т. ж. ларига ўхшаш; фақат автометасоматоз жараёни ўзгаришлари ва яхши кристалланиш даражаси билан фарқ қилади.

**Порода эндогенная - Эндоген тоғ жинси** - "Породы глубинные" атамасининг синоними.

**Порода эффузивная - Эффузив тоғ жинси** - вулкан бўғзидан ер юзига чиқиб оқма ёки қоплама сифатида қотиб қолган магматик т. ж.

**Породообразование осадочное - Чўкинди тоғ жинслари ҳосил бўлиши** - қ. "Литогенез".

**Породообразующие минералы - Тоғ жинси ҳосил қилувчи минераллар** - т. ж. лари таркибига доимий асосий компонент сифатида кирувчи м-ллар. Улар ичидан силикатлар энг кўп тарқалган (Ер пўсти массасининг қарийб 75 % ини ташкил этади) м-ллардан бўлиб уларнинг хиллари 3000 дан зиёд бўлишига қарамай фақат 100дан ортиқроғи т. ж. ҳ.қ.м. Ҳар қайси т. ж. гуруҳи ўзига хос м-лларга эга. Магматик т. ж. лари учун дала шпатлари, кварц, слюдалар, пироксенлар, оливинлар; чўкинди т. ж. лари учун гипс, ангидрид, гидрослюда, галит, каолинит, галлаузит, кальций ва б.; метаморфик т. ж. ларига эса каинит, андалузит, силлиманит, глаукофан ва б. хосдир.

**Породы анорганогенные - Анорганоген тоғ жинслари** - организмлар иштирокисиз ҳосил бўлган т. ж. лари.

**Породы безрудные - Маъдансиз тоғ жинслари** - таркибида маъданли м-ллар бўлмаган т. ж. лари.

**Породы вулканогенно-осадочные - Вулканоген - чўкинди тоғ жинслари** - вулкан ва чўкинди мате-

риаллардан ташкил топган т. ж. лари. Вулканларнинг портлаб отилишидан ҳосил бўлиб қаттиқ, бўлакли ва кимёвий бўлиши мумкин. Чўккан жойларида цементлашишдан ёки б. жойга олиб бориб ётқизилганда тоза, кўпинча бир хил таркибли, озроқ чўкинди маҳсулотли (10 % дан кўп эмас) В. ч. т. ж. - вулкан туфлари ҳосил бўлади.

**Породы галогенные - Галоген тоғ жинслари** - хемоген - чўкинди т. ж. лари. Булар кўлларда ва қўлтиқларда юқори концентрацияли тузли эритмалар чўкиши натижасида пайдо бўлади. Бу т. ж. ларига тоштуз, ҳар хил калий ва магний тузлари (силвин, карналлит, калцит ва б.), натрий сульфат тузлари (мирабилит, тенардит), кальций сульфатлари (гипс, ангидрит) ва б. кимёвий чўкиндилар кирди.

**Породы глубинные - Ўта чуқурлик тоғ жинслари** - катта чуқурликларда ҳосил бўлган т. ж. лари кирди. Одатда бу атама интрузив (плутоник) т. ж. лари учун қўлланилар эди. Энди бу қаторга генезисидан қатъий назар, чуқурликда ҳосил бўлган барча (магматик, ультраметаморфик, метасоматик ва б.) турдаги т. ж. лари кирди.

**Породы железистые - Темирли тоғ жинслари** - таркибида темир м-ллари кўп бўлган т. ж. лари. Уларда лимонит, гематит, магнетит ва б. м-ллар учрайди. Одатда темир миқдори саноат аҳамиятига эга эмас.

**Породы закарстованные - Карстлашган тоғ жинслари** - Ер ости сувларининг эритиш таъсирига учраган ва натижада турли катталиқдаги карст бўшлиқлари ҳосил қилган т. ж. лари (оҳактош, доломит, мергель, бўр, гипс, тоштуз ва б.).

**Породы зоогенные - Зооген тоғ жинслари** - сув ҳавзаларида яшаган ҳайвонлар қолдиги ёки уларнинг ҳаёти давомида қолдирган маҳсулотларининг тўпланишидан пайдо бўлган т. ж. лари.

**Породы излившиеся - Оқиб чиққан тоғ жинслари** - "Порода эффузивная" атамасининг синоними.

**Породы карбонатные - Карбонатли тоғ жинслари** - таркибида 50 % ва ундан кўп карбонат м-ллари бўлган чўкинди т. ж. лари. Чўкинди қопламаларда К.т. ж. кенг тарқалган (20-25 %) бўлиб, улар кальцит (оҳактош), доломит ва аралаш т. ж. лари (доломит-оҳактошлар)дан таркиб топади.

**Породы комагматические - Комагматик жинслар** - қ. *Комагматиты*.

**Породы лейкократовые - Лейкократли тоғ жинслари** - 1) кенг маънода -нисбатан оч рангли м-ллардан ташкил топган магматик т. ж. лари; 2) тор маънода-оч рангли м-ллар (дала шпатлари, кварц ва б. билан бойиган магматик т. ж. лари.

**Породы мезократовые - Мезократ тоғ жинслари** - лейкократли ва меланократли т. ж. лари оралигидаги магматик т. ж.

**Породы метаморфические - Метаморфик тоғ жинслари** - магматик ва чўкинди т. ж. ларининг бирламчи белгилари қисман ёки тўлиқ йўқолиши ва минералогик таркиби, структураси, текстураси метаморфизм жараёни натижасида юзага келгант. ж. лари гуруҳи. Контактли (муайян), регионал динамометаморфик турлари ажратилади.

**Породы обломочные (кластические, кластогенные) - Чақиқ (кластик, кластоген) тоғ жинслари** - турли м-ллари ва т. ж. лари бўлақларидан ҳосил бўлган чўкинди т. ж. лари. Бўлақлар ўлчамларига кўра

псефитларга (дағал бўлакли ч.т. ж.), псамитларга (қумли ч.т. ж.), алевритларга (чангсимон ч.т. ж.), пелитларга (гилли ч.т. ж.) бўлинади.

**Породы органогенные - Органоген тоғ жинслари** - тирик мавжудодлар ва уларнинг қолдиқлари иштирокида ҳосил бўлган. бўш ёки цементланган т. ж. лари.

**Породы осадочно-туфогенные - Чўкинди туфоген тоғ жинслари** - "Туффитлар" атамасининг синоними. қ. *Породы туфогенно-осадочные*.

**Породы основные - Асосли тоғ жинслари** - таркибида 45 % дан 53 % гача кремнезём бўлган магматик т. ж. лари. Асосан плагиоклаз (лабрадор, битовнит, анортит, ромбик ва моноклинал пироксен), оливинлардан иборат.

**Породы первичные - Бирламчи тоғ жинслари** - бевосита магмадан пайдо бўлган ёки сувли эритмалардан чўккан ва кейинги жараёнларда ўзгармаган т. ж. лари.

**Породы рыхлые - Бўшоқ тоғ жинслари** - цементлашмаган ёки суст цементланган, енгил сочилувчан (шағал, лёсс, қум ва б.) т. ж. лари.

**Породы средние - Ўртача асосли тоғ жинслари** - нордон ва асос т. ж. оралигидаги магматик т. ж. лари бўлиб, таркибидаги кремнекислота миқдори 53-64 % атрофида бўлади (диоритлар, андезитлар ва б.).

**Породы туфогенно-осадочные - Туфоген-чўкинди тоғ жинслари** - таркибининг асосий миқдори пирокластик маҳсулотлардан иборат бўлган чўкинди т. ж. лари. Улар таркибининг пирокластик маҳсулотларнинг % миқдорига қараб чўкинди туфоген т. ж. лар, туффитлар (пирокластик маҳсулот 50-90 %) ва Т. ч. т. ж. (10-50 %) турларига ажратилади. Т. ч. т. ж. қатламланиш хусусиятларига эга бўлиб, қатламлар орасида фауна қолдиқлари, цементида эса чўкинди м-лларнинг янги ҳосилалари учрайди.

**Породы туфогенно-хемогенные - Туфоген-хемоген тоғ жинслари** - пирокластик, чўкинди-хемоген ёки чўкинди-биохемоген маҳсулотлардан ташкил топган аралаш чўкинди т. ж. лари.

**Породы ураноносные - Уранли тоғ жинслари** - кларк кўрсаткичларидан ўнлаб баробар юқори миқдордаги U элементига эга бўлган т. ж. лари.

**Породы ураноносные карбонатные - Уранли карбонатли тоғ жинслари** - кларк кўрсаткичларидан юзлаб ва минглаб марта юқори миқдордаги U элементига эга бўлган оҳактош, баъзан доломитлашган оҳактош ва доломитлар. Бу жинслар денгиз қирғоғи ва қўл битумлашган оҳактошларидан иборат бўлиб, U қора доғи ва U.ли оксидитларга эга. Кўпинча U билан бирга V, Mo, Fe, Cu ва б. элементлар ҳам учрайди. Қатор хорижий мамлакатларда бундай U.ли жинслар саноат аҳамиятига эга бўлиб, атом хом ашёси олиш учун манба ҳисобланади.

**Породы хемогенные - Хемоген тоғ жинслари** - эритмалардан чўкиндига чўкиш натижасида ҳосил бўлган кимёвий т. ж. лари (чўкиндилар). Қуйидагилардан иборат: 1) чўкинди тузлар; 2) баъзи бир карбонатли ётқиқлар ва фосфоритлар; 3) аутиген алюмосиликатли ҳосила-лар; 4) алюмогель ва опал ётқиқлар.

**Породы экзогенные - Экзоген тоғ жинслари** - чақиқ т. ж. лари. улар пирокластик (туфлар, эруптив брекчия), автокластик (сохта брекчия, чақиқ т. ж. лари),

атмокластик (чақиқ т. ж. лари, латерит), гидрокластик (сув ичида чўккан чақиқ т. ж. лари: когламерат, қумтош, гилли т. ж. лари) ва биокластик (хайвонот ва ўсимлик фаолиятдан ҳосил бўлган) гуруҳлардан иборат.

**Породы экранирующие - Тўсувчи тоғ жинслари** - маъданли эритмалар (ёки флюидлар)ни ўзидан ўтказмайдиган ёки яхши ўтказмайдиган т. ж. лари. Эритмалар ҳаракати чекланиши натижасида уларнинг контактида ёки пастроқда маъданлар жамланиши кузатилади.

**Породы-индикаторы полезных ископаемых - Фойдали қазилмаларнинг индикатор тоғ жинслари** - ф. қ. мавжудлиги ҳақида фикр юритиш имконини берувчи кўрсаткичларга, белгиларга эга бўлган т. ж. лари.

**Порфир - Порфир** - ишқорли дала шпати, нордон плагиоклаз, кварц, биотит ва баъзан микрофелъзитдан ёки ўша м-лларнинг ўзидан ташкил топган асосий массадаги шох алдамчиси т. ж. ларининг умумий номи. Атама палеотип эффузив т. ж. лари (кварцли порфир) учун ҳам, шунингдек гипабиссал ва томирли т. ж. лари (гранит-порфир) учун ҳам бирдай қўлланилади.

**Порфир кварцевый - Кварцли порфир** - таркибида кварц ёки кварц-дала шпати, фенокристаллар бўлган липарит-порфирлар турига кирувчи, порфирли нордон палеотип т. ж. Улар кварц фақат асосий массаси таркибидагина бўладиган фелъзит порфирлардан фарқ қилади. Айрим ҳолларда "К.п." атамаси "липаритли порфир" синоними маъносида ҳам қўлланилади.

**Порфир плагиоклазовый - Плагиоклазли порфир** - "Плагиопорфир" атамасининг синоними.

**Порфирит - Порфирит** - асоси ёки ўрта плагиоклаз, шох алдамчиси ёки пироксенларнинг, ушбу м-ллари-нинг ўзидан ва хлоридлашган шишасидан иборат асосий массада ажралиб турувчи порфирларига эга бўлган палеотипли эффузив т. ж. ларнинг умумий номи. "Порфирит" атамаси чуқурликлар ва томирларда жойлашган (диоритли порфирит, габбропорфирит) т. ж. ларига ҳам қўлланади.

**Порфиробласты - Порфиробластлар** - метаморфик т. ж. ларининг гетеробласт, кристаллобласт структураларидаги м-лларнинг йирик индивидлари. Улар ўз ўлчамлари билан майда донали асосий массадаги индивидлардан бир неча марта катта бўлади.

**Порфиновые выделения - Порфирли ажралмалар** - маълум даражада йирик кристаллар ёки кристалли доначалар ҳосил қилиб кристалланишнинг интрателлурик фазасида ажралиб чиққан, асосий массаси порфирли т. ж. ларининг майда доначали, ярим шиша ёки шишасимон массаси устида жойлашган ҳосилалар.

**Поры - Фоваклар** - геологияда фовак т. ж. ларини ташкил этувчи заррачалар орасидаги ҳамда қаттиқ т. ж. ла-ридаги 1 мм.гача бўлган турли бўшлиқлар. Фоваклар бирламчи ва иккиламчи бўлишлари мумкин.

**Поры (пустоты) вторичные - Иккиламчи фовакликлар (бўшлиқлар)** - тўлиқ шаклланган т. ж. ларида кейинги жараёнлар таъсирида ҳосил бўладиган фовакликлар (бўшлиқлар). Уларга т. ж. лари таркибидаги тузларнинг эриши, ер қаъридаги босимнинг ўзгариши, нураши натижасида ҳосил бўлган дарзликлар ва б.қ. киаради.

**Поры капиллярные - Капилляр фовакликлар** - т. ж. лардаги диаметри  $< 1$ мм.ёки кенглиги  $< 0,25$ мм. бўлган фоваклик ёки дарзлик. Агар фоваклик  $d = < 0,0002$ мм,

дарзлик кенглиги эса  $< 0,0001$ мм.бўлса уларни субкапилляр фоваклик дейилади.

**Послойное описание разреза - Кесимни қатламлар бўйича тавсифлаш** - конлардаги қатламларнинг табиий очилмалари ҳамда тоғ иншоотлари кесимидаги т. ж. ларини турларга ажратиш, таркибини қайд этиш. Ҳар бир қатлам учун т. ж. нинг номи, хусусиятлари, ётиши кўрсаткичи (ётиш қиялиги азимутлари ва б.лар), чегаралари, қалинлигининг ўзгариши, органик қолдиқлари ва таркиби аниқланади. Ҳар бир қатлам, м-л.лашган ерлар ва тошга айланган организмлардан намуна олинади. Маълумотлар умумлаштирилиб стратиграфик колонкалар тузилади.

**Послойное продвижение воды - Сувнинг қатламлар бўйлаб ҳаракатланиши** - "Ўзлаштириладиган объектдан фойдаланиш" қатлам ва қатламчалари бўйлаб ҳайдалаётган сувларнинг нотекис тезланишга эга бўлган ҳаракати..

**Постмагматические минералы - Магматизмдан сўнг ҳосил бўлган минераллар** - магма кристалланиб бўлгандан сўнг вужудга келган м-л.лар.

**Постмагматические процессы - Магматизмдан кейинги жараёнлар** - бевосита магманинг кристалланишидан кейин кечувчи м-л ҳосил қилувчи жараёнлар.

**Постседиментационный - Седиментациядан кейинги** - седиментация жараёни натижасида тўлиқ шаклланган т. ж. ла-рида кузатиладиган жараёнларни ифода-лаш учун қўшиб ишлатиладиган ибора.

**Потарит - Потарит** - PdHg Қат. 3,5. Сол.оғ. 14,9 Майда устунсимон ёки толасимон структурали, кумуш-симон оқ рангли, жилоси металсимон м-л. Олмос сочмаларида соф тарзда учрайди. Син.: палладий амальгамаси.

**Потенциал окислительно-восстановительный - Оксидланиш-қайтариш потенциали** - милли вольтларда ифодаланувчи электр юритиш кучи ёрдамида оксидланиш қайтарилиш реакцияларида электронларнинг қўшилиш ёки қайтарилиши жадаллигининг ўлчо-ви. Eh белгиси билан белгиланиб, катталиги эритмаларда  $H^+$  ва  $OH^-$  ионларининг эритмадаги концентрациясининг ўзгаришига (кислоталик ёки ишқорлилик) боғлиқ бўлади.

**Потенциал термодинамический - Термодинамик потенциал** - мавжуд бўлган энергиянинг ўлчамлилиги, маълум шароитда бир хил кучга эгаллиги ва системадаги жараённинг йўналтириш имкониятини аниқловчи термодинамик кўрсаткич.

**Потери плановые - Режадаги йўқотишлар** - корхона иш меъёрида кўзда тутилган маъдан ва металнинг нобудгарчилиги. Одатда амалдаги нобудгарчилик режадагидан анча кўп бўлади.

**Потери полезного ископаемого - Фойдали қазилманинг йўқотилиши** - қазиб олиш, бойитиш ва бирламчи ишлов бериш даврида ажратиб олиб бўлмайдиган ҳамда лойиҳадаги режали ва амалдаги турларига бўлинадиган ф. қ. заҳираларининг қисми.

**Поток агломератовый - Агломерат оқими** - ёпишқоқ лавали вулкан портлашидан отилиб чиққан лава бўлаклари вулкан қуми, кули ва қизиган газлардан иборат енгил ҳаракатланувчи масса оқими.

**Поток базальтовый - Базальт оқими** - базальтли лаванинг оқим кўринишида тарқалган массаси. Оқимнинг узунлиги, шакли ва қалинлиги жойнинг қиялиги лаванинг ёпишқоқлик даражаси ва оқувчанлигига боғ-

лик. Тик қиялик бўйлаб оққан лаванинг эни тор, қалинлиги юпқа; нисбатан кичик қияликларда эни кенг ва қалин бўлади.

**Поток грунтовых вод - Учар қум оқими** - тезлиги 3,5м/сек.дан кам бўлмаган ер сатҳига яқин бўлган ҳаво оқими билан 0,05дан 2мм.гача бўлган қаттиқ м-л зарраларининг кўчиши. Зарралар муаллақ ҳолда, сакраб ва юмалаб ҳаракатланадилар. 98 % қум зарралари 10см қалин-ликдаги ер сатҳи устидаги ҳаво қатламида ҳаракатланади. Ташилаётган зарраларнинг кўп қисми юмаланиш билан кўчирилади.

**Поток воды подземный - Ер ости суви оқими** - гидравлик босимини пасайиши йўналиши бўйича ер ости сувларини т. ж. ларидаги ҳаракатланиши.

**Поток грунтовых вод - Грунт сувлари оқими** - эркин сув алмашилиш зонасида ер ости сувлари оқимининг тўйиниш областидан сарфланиш майдонига қараб ҳаракатланиши.

**Поток лавовой - Лава оқими** - лаванинг ер юзаси бўйлаб ёйилиши шакли. Унинг узунлиги ва кенглиги лаванинг ёпишқоқлиги ва жойнинг қиялигига қараб тавсифланади.

**Поток ламинарный - Ламинар оқим** - суюқликнинг сокин оқиши. Оқим табиати фақат таъсир этувчи кучлар ва ташқи муҳитнинг ўзгариши билан ўзгаради. Л.о.да сув қатламлар ҳосил қилиб аралашмаган ҳолда оқиши билан тавсифланади.

**Поток турбулентный - Турбулент (тартибсиз) оқим** - суюқликнинг тартибсиз ҳаракатлари кузатиладиган оқим. Бу оқим муддатли бўлиб, кўп оқова моддаларни олиб келиш хусусиятига эга.

**Потоки рассеяния - Тарқалиш оқимлари** - маъдан таналарининг парчаланиши ҳамда ф. қ. ларнинг қаттиқ ва суюқ фазаларида денудация областларидан чўкинди тўпланиш областларига олиб ўтилиши натижасида ҳосил бўлган, сув ҳамда ғовакликлар ётқизиқларидаги микроэлементларнинг юқори концентрацияли майдонлари.

**Почва - Тупроқ қатлами** - қуруқликнинг ўсимлик дунёсига озуқа берадиган қатлами. Т. қ. туб т. ж. ларидан, ҳарорат ва жой рельефидан иборат неорганик, ҳамда ўсимлик ва ҳайвонлардан ташкил топган органик моддаларнинг мураккаб ўзаро таъсирдан пайдо бўлади. Бирламчи Т. қ. таркибида кварц, дала шпати, слюда кўпроқ бўлса, иккиламчи Т. қ. таркибида эса монтмориллонит, каолинит ва гидрослюда миқдори устун бўлади. Ўсимлик қолдиги, ҳар хил чиринди ва эритма ҳамда органик бирикмалар Т. қ. ни бойитади ва унинг унумдорлик даражасини оширади.

**Почва ископаемая - Қазилма тупроқ қатламлари** - ўтган геологик даврларда ҳосил бўлган ва кўмилиб кетган тупроқ қатламлари. Улар лесс қатламлари орасидаги гумусли қатламлар, кўмир қатламларини тўшовчи, таркибида илдишлар, томирлар бўлган гиллар; қисман нураш қобиғи ва б. лардан иборат. Қазилма тупроқ қатламларини палеопедология фани ўрганади.

**Почвенный покров - Тупроқ қатлами қопламаси** - Ер қобигининг ўсимликга эга ва маҳсулдор бўлган сиртки, қуруқлик қисми.

**Почвоведение - Тупроқшунослик** - тупроқ қатламларининг ҳосил бўлиши, ривожланиши ва хусусиятларини ўрганувчи фан.

**Почка рудная - Бўйраксимон маъдан** - чўкинди т. ж. ларидаги анча қаттиқлиги туфайли ундан осон ажралуви унча катта бўлмаган маъданли ҳосила. Ўлчам-

лариға кўра маъданли уяларға яқин.

**Пояс аномальный - Аномал минтақа** - бир хил физик ва тахминан, умумий геологик табиатга эга геофизик аномалияларни бирлаштирувчи энг йирик тизим.

**Пояс вулканогенный - Вулканли минтақа** - асосан вулкан т. ж. лари ривожланган тўғри ёки ёйсимон чўзилган (узунлиги юз ва минглаб км) зоналар. У структуравий элементларнинг йирик, турли хил ёшдаги чок бирикмали зоналарида ривожланади.

**Пояс геосинклинальный складчатый - Геосинклиналь бурмали минтақа** - ҳаракатланувчи минтақа турларини ташкил этувчи тектоносферанинг йирик (узунлиги ўнлаб минг км) структуравий элементи.

**Пояс гидрохимический - Гидрохимёвий минтақа** - Ер қаъридаги гидрохимёвий зоналарнинг маълум тартибда алмашилиши кузатиладиган, б. қўшни минтақалардан фарқланувчи майдон.

**Пояс глубинных разломов - Чуқур узилмалар минтақаси** - геосинклиналь минтақа (областларда) чуқурликларида ҳосил бўлган ёриқлар, узилмалар мажмуи.

**Пояс горный - Тоғ камари** - материкларни кесиб ўтиб, кетма-кет жойлашган тоғли ҳудудларни бирлаштирувчи йирик тоғ қурилмалари.

**Пояс металлогенический планетарный - Планетар металлогеник минтақа** - Ер шарининг катта геотектоник минтақаси билан мос келадиган планетар миқёсдаги маъданлашган минтақа.

**Пояс металлогенический - Металлогеник минтақа** - алоҳида минераллашув турига эга бир неча тектономагматик цикллар давомида вужудга келувчи ва ўзаро алоқадор металлогеник провинциялардан ташкил топган, Ер шарининг йирик геотектоник минтақаларига мос келувчи планетар маъданли майдон. Узунлиги 10000 км.гача, эни эса юзлаб км.ни ташкил этади.

**Пояс нефтегазона-копления - Нефть-газ тўпланиш камари** - бирор бурмаланиш системаси ҳудудида жойлашган ва шу геосинклиналь минтақанинг келиб чиқиши ва ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган нефтьгазли ҳавзалар тизмаси.

**Пояс подвижный - Ҳаракатчан камар** - материк ичида ривожланган ўта йирик тектоноструктуравий элементлар. Улар океан ва денгизларни чегаралаши ёки бевосита океан ичида жойлашиши мумкин. Ҳ.к. ер қаъридаги тектоник жараёнларнинг ер юзида акс этувчи узун областларини, юқори тектоник фаол бўлган улкан зоналарнинг мураккаб ва узоқ муддатли полицикли ривожланишини тавсифлайди.

**Пояс россыпей - Сочма конлар камари** - бир хил литологик структуравий, магматик, тектоногеоморфологик омиллар билан тавсифланган катта геологик бурмаланиш майдони. Ҳаракатчан минтақанинг маълум бир ривожланиш босқичига мос бўлиб, кўлами бўйича у структуравий металлогеник зоналар билан қиёсла-ниши мумкин.

**Пояс рудный - Маъданли камар** - турли ўлчамли, узунасига жойлашган маъданли майдонлар тизими. Маъноси ноаниқ атама.

**Пояс соляной - Тузли минтақа** - арид ва ярим арид иқлим шароитида ҳосил бўлган тузли (м-лли) кўллар минтақаси.

**Пояса глубинных разломов диагональные - Чуқур узилмаларнинг диагонал минтақалари** - чуқур узилмаларнинг планетар системасига кирувчи жануби-ғар-

бий - шимולי-шарқий ва жануби-шарқий - шимולי-гарбий йўналишдаги узилмалар.

**Пояса глубинных разломов ортогональные - Чукур узилмаларнинг ортогонал минтақалари** - чукурликдаги диагонал ёриқлар мажмуи билан биргаликда, Ер шарини алоҳида тектоник блоklarга ажратадиган кенглик ва меридионал ёриқлар системаси.

**Правила техники безопасности в горнодобывающей промышленности - Тоғ-кон саноатида техника хавфсизлик қоидалари** - меҳнат хавфсизлиги ва зарарсизлиги шароитларини таъминлаш бўйича кўзда тутилган тадбирларнинг ҳуқуқий меъёрлари. Бу нуқтаи назардан корхона, и. ч. хоналари, ускуналарнинг ҳамма турлари ва технологик жараёнлар талабга жавоб бериши керак.

**Правила технической эксплуатации в горнодобывающей промышленности - Тоғ-кон саноатида техник фойдаланиш қоидалари** - техник ривожланиш йўналишларини аниқловчи, иш олиб боришнинг иқтисодий самарадорлиги, тўғрилигини ва бошқаришнинг асосий принципларини белгилувчи тадбир, қоида ва талаблар тўғрисидаги меъёрий-техник ҳужжат. У тоғ-кон корхонаси лойиҳалаштирилаётганда ва ундан фойдаланилаётганда албатта бажарилиши шарт.

**Празем - Празем** - актинолитнинг игнасимон кристаллари ёки тангасимон хлорит қўшимчалари мавжуд бўлган кварц.

**Предварительная оценка месторождения - Конни дастлабки баҳолаш** - баҳолаш босқичининг бошланғич қисми. У топилган коннинг саноат учун умумий аҳамияти ва ф. қ. нинг геологик жойлашиш қонуниятларини аниқлашга йўналтирилган. Шу билан бирга,  $C_2$  тоифадаги маъдан заҳиралари ва  $P_1$  тоифадаги ресурслар ҳисобланади.

**Предгорья - Тоғ олди** - тоғлик ва текислик чегарасидаги тепалик, ботиқлик, зинасимон, ясси тоғлик ва ҳ.к. структуралардан ташкил топган рельеф тури. Улар тоғ системасига нисбатан ёш ва яхши сақланган т. ж. ларидан иборат. Тектоник-структуравий жиҳатдан бурмаланган, моноклинал бурмаланган бўлади.

**Предел пластичности - Қайишқоқлик чегараси** - қаттиқ ёки ярим қаттиқ гилларнинг қайишқоқлик ҳолатига ўтиш чегарасидаги намлиги.

**Предел прочности породы - Тоғ жинсининг мустаҳкамлик чегараси** - т. ж. ларининг парчаланишини ёки йўл қўйиб бўлмайдиган деформацияни юзага келтирувчи максимал зўриқиш чегараси.

**Предел прочности породы на сжатие - Тоғ жинсининг сиқилишга қаршилиги чегараси** - намуна жинсининг майдаланишига олиб келувчи зўриқиш катталиги ёки бир томонлама куч таъсири остида т. ж. нинг йўл қўйиб бўлмайдиган деформацияланишига кўрсатган қаршилиги чегараси. У таъсир этаётган кучнинг намуна кўндаланг кесими юзасига нисбати ( $кг/см^2$ ) билан ўлчанади.

**Предел текучести - Оқувчанлик чегараси** - т. ж. ларининг берилган шаклини сақлаб қолиш қобилятини йўқотиб оқувчан ҳолатга ўтишини юзага келтирувчи намлик миқдори: Оқувчанликнинг юқори ва пастки чегаралари ажратилади.

**Предел упругости породы - Тоғ жинсининг танганглик чегараси** - т. ж. га таъсир этувчи куч билан ва унинг деформацияси миқдори ўртасидаги тўғри пропорционаллик сақланиб турувчи зўриқишнинг че-

гаравий қиймати.

**Предел усадки - Ҳажм кичрайиши чегараси** - гилли т. ж. намлигининг камайиши қуриши натижасида унинг ҳажмининг максимал кичрайиши. Агар т. ж. нинг қуриши Ҳ.к.ч.дан ташқарида рўй берса, унда сувнинг буғланиб чиқиб кетиши кейинги ҳажм зичланишини таъминлай олмайди. Натижада т. ж. капиллярларидаги намнинг камайиши, т. ж. рангининг эса тўқдан оқишга ўтиши юз беради.

**Предпосылки поисковые - Дастлабки излаш асослари** - ф. қ. конларида излаш ишларини олиб бориш учун уларни йўналтирувчи назарий геологик асослар. Улар: литологик-фациал, стратиграфик, структуравий, магматик, геоморфологик, геокимёвий гуруҳларга бўлинади. Агар улардан Ф. қ. конлари жойлашишининг геологик қону-ниятлари билан алоқадорликда ва комплекс равишда фойдаланилса, башоратлашда самарали натижаларга эришилади. Син.: излаш мезонлари.

**Предпосылки поисковые геоморфологические - Геоморфологик излаш асослари** - ф. қ. конларининг худуд рельеф шакллари ва ривожланиши тарихи билан боғлиқ ҳолда тарқалиши қонуниятлари ва бу қонуниятларнинг майдонларда излаш ишларини йўналтиришда қўлланилиши. Булар айниқса ер ости рельефи шаклланиши билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўлган конларни қидиришда аҳамиятга эга.

**Предпосылки поисковые геохимические - Геокимёвий излаш асослари** - ф. қ. конларининг пайдо бўлиши ва жойлашишида ер пўстида рўй берувчи геологик жараёнлар ва физик-кимёвий шароитга боғлиқ ҳолда кимёвий элементларнинг ўзларининг хоссалари тақозо этувчи назарий геокимёвий хусусиятлари. Излаш ишларида қуйидаги геокимёвий қонуниятлар аҳамиятлидир: 1) эндоген маъданлашиш жараёнида ва элементларнинг бирламчи тақсимланиши ореоллари ҳосил бўлишида кимёвий элементларнинг муносабати; 2) экзоген маъданлашиш жараёнида элементларнинг иккиламчи тақсимланиш ореоллари ҳосил бўлишида кимёвий элементларнинг муносабати; 3) кон м-ллари элементларининг парагенетик ассоциацияланишидаги қонунияти (ёки табиий парагенетик ассоциациялар).

**Предпосылки поисковые литолого-фациальные - Литологик-фациал излаш асослари** - ф. қ. конларининг маълум т. ж. фацияси ва уларнинг литологик таркибига боғлиқ равишда тақсимланиши қонуниятлари асосида излаш ишларининг йўналишини белгилаш. Бу алоқадорлик асосан қуйидаги уч омил билан боғлиқ: 1) чўкинди конлар фацияси б. чўкинди т. ж. лари фацияси ичида алоҳида ўрин тутати. 2) маъдан қамровчи ва остида ётувчи т. ж. лари таркиби ушбу т. ж. ларининг маъдан эритмалари билан ўзаро таъсирланиш қобилятини белгилайди. Шу сабабли кўп эндоген конлар маълум литологик таркибли т. ж. ларида жойлашади; 3) Ф. қ. нинг жойлашишига т. ж. нинг мўртлик, дарзлик, ғоваклик ва б.лар каби физик хусусиятлари фаол таъсир этади.

**Предпосылки поисковые магматические - Магматик излаш асослари** - магматизм ривожланган худудларда ф. қ. конларини излаш ишларини йўналтиришда конларнинг район магматизми билан назарий табиий боғлиқлиги. М.и.а. қуйидагиларда ўз ифодасини топади: 1) эндоген ф. қ. конлари худудий ва генетик тарзда маълум таркибли эндоген жинслар

билан боғлиқ; 2) эндоген қазилма бойлигининг муҳитда жойлашиши, миқёси ва м-л таркиби интрузив тана шакли, устки юзасининг хоссалари, ўлчами, тузилиши ва эрозион кесимининг чуқурлигига боғлиқ; 3) экзоген (сочма ва нураган) конларнинг генезиси ҳам магматик жинслар билан боғлиқ.

**Предпосылки поисковые стратиграфические - Стратиграфик излаш асослари** - ф. қ. конларини излаш ишларини йўналтиришда маълум ёшдаги т. ж. га қонуният билан жойлашган конлар асос бўлади. Айрим ҳолларда С.и.а. иккиламчи (билво-сита) тавсифга эга бўлади: Ф.қ.лар стратиграфик тургун (ёки изчил) т. ж. лари горизонти билан ёки маъдан ҳосил бўлишида экран вазифасини ўтаган горизонтлар билан боғлиқ бўлади.

**Предпосылки поисковые структурные - Структурный излаш асослари** - ф.қ. конларининг маълум геологик структураларга қонуниятли жойлашиши қидирув ишларини йўналтиришга асос бўлади. Маъдан жойлашишини регионал ва маҳаллий структуралар белгилайди. Бурмаланиш районлари, регионал структуралар, узилмали структуралар, букилмали зоналар регионал структураларга кириди ва улар маъдан районлари, майдонлари ва конларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Бевосита маъдан уюмлари эса II-III ва янада қуйи тартибли бурмали ва дизъюнктив структуралар билан белгиланади.

**Предпосылки угленосности - Кўмирлилик асослари** - иқлим, ўсимлик дунёси (ёки фитологик) палеогеографик, геотектоник, гидрологик каби асосий шартшароитларнинг, ўсимлик маҳсулотларининг ривожланиши, тўпланиши, сақланиши ва уларнинг торфга, торфнинг эса кўмирга айланиши учун ўзаро таъсир этиши. қ. *Углеобразование*.

**Представительность пробы - Намунанинг ишончлилиги** - намунада аниқланган ф.қ. таркибий кўрсаткичлари ва хусусиятларини аниқроқ манбалардан олинган якуний натижаларга мос келиш даражаси.

**Представительность разведочных данных - Қидириш натижаларининг ишончлилиги** (ҳақиқатга мослиги) - қидириш жараёнида аниқланган кўрсаткичларни қидириладиган объектнинг кўрсаткичларига ҳақиқатдан ҳам эга бўлган мослик даражаси.

**Пржевальскит - Пржевальскит** -  $Pb[UO_2|PO_4]_2 \cdot 4H_2O$ . Уран слюдалари гуруҳига мансуб, оч-сарик, яшилсимон рангли, тангасимон агрегатли ялтироқлиги шишасимон м-л. Оксидланган зоналарнинг устки қисмида, уран фосфати ва силикатлари уюшмасида учрайди.

**Пренит - Пренит** -  $Ca_2Al[(OH)_2 | AlSi_3O_{10}]$ . Қат. 6-6,5. Сол. оғ. 2,80-2,95. Fe, Si га оз миқдорда Al қўшилган, оч-кулранг рангли, нурсимон, буйраксимон, пластинкасимон агрегатли, шишасимон ялтирайдиган м-л. Гидротермал пренит магматик т. ж. ларнинг бўшлиқларида, томир ва гуддалар шаклида, габбро ва диабазларда - плагиоклаз ва алюмосиликатларнинг парчаланиш маҳсулотлари сифатида; эндоскарнларда эса - эпидот, пироксен, гранатлар билан учрайди.

**Пренитизация - Пренитланиш** - айрим м-лларнинг пренитга айланиш жараёни.

**Преображенскит - Преображенскит** -  $Mg_3B_{11}O_{15} \cdot (OH)_9$ . Қат. 4,5-5. Сол. оғ. 2,45. Линзасимон кристалланган, майда гуддали, лимонсимон-сарик қўнғир, тўқ-кулранг м-л. Шишасимон ялтирайди. Борат конларини да учрайди.

**Приборы для гидрогеологических исследований - Гидрогеология тадқиқотлари учун ускуналар** -

1. Бурғи қудуқларида, шурфларда ер ости сувлари сатҳини ўлчаш учун механик, пўкаклик, пневматик, электр сатҳ ўлчагичлардан фойдаланилади. 2. Сув сарфини ўлчаш учун сув ҳисоблагичлари, сув ўтказувчилар, сув йиғиш идишлари ва секундомерлардан фойдаланилади. 3. Сув ҳароратини ўлчашда симобли, спиртли банка термометрларидан фойдаланилади. 4. Сув намуналарини олишда намуна олиш ускуналаридан фойдаланилади. 5. Газ сарфларини ўлчашда анемометрлар, пневматик найчалардан фойдаланилади.

**Привязка геологоразведочных выработок - Геологик қидирув иншоотларининг жойлашиш ўрнини боғлаш** - жойларда тоғ кон иншоотлари ўрнини аниқлаб, уларни геология-қидирув ишлари планига тушириш бўйича бажариладиган топографик иш.

**Привязка керн - Керн олинган маконни боғлаш** - каротаж ёки б. тадқиқотлар жараёнида колонкали бурғулашда кўтарилмай қолган кернни ўша оралиққа мансуб ётқизиклар билан боғлаш.

**Призма Никола - Николь призмаси** - оддий нурни қутблантирувчи қурилма. Н. п. исланд шпати кристаллидан тайёрланади. Табиий ёруғлик нурлари Н. п. га тушиши билан иккиланиб, синган ҳолда иккита текис қутбланиш нурга ажралади.

**Призмы или клинья аккрационные - Аккрацион призмалар ёки поналар** - субдукция зонаси олдида юқори субдукциялашаётган плиталар фрагментлари (моддалар, т. ж. лари ва бўлаклари) қириб олинганда ҳосил бўлган конвергент чегараларнинг муҳим элементи.

**Признаки нефтегазоносности - Нефть-газлилик белгилари** - Н-г. б.нинг бевосита хилига нефть ва газнинг ёки нефтга тўйинган т. ж. нинг ер юзасига чиқиши, тоғ иншоотлари (қудуқлар, шахталар, шурфлар ва ҳ.к.)да нефть-газларнинг, қаттиқ битум қатламларининг, қатлам сувларида газсимон ва суюқ углеводородларнинг, газларда юқори гомологли оғир углеводородларнинг мавжудлиги киради. Эмпирик ёки назарий жиҳатдан исботланган қонуниятлар асосида ўрганиладиган майдонда нефть ва газ тўп-ламлари мавжуд бўлишини башоратлаш билвосита белги ҳисобланади.

**Признаки поисковые - Излаш белгилари** - маълум майдонда ф. қ. конларининг мавжудлиги ёки топиш имконияти борлигини кўрсатувчи омиллар: конларнинг ҳосил бўлиши, ўзгариши ва парчаланиши билан бирга юз берган жараён ва намёнларнинг излари, ф. қ. ларнинг ва қамровчи т. ж. ларининг ер қобиғи қатламида кон мавжуд бўлишини белгиловчи алоҳида физик, минералогик ва кимёвий хоссалари. Ўзининг аҳамиятига кўра бевосита (ф. қ. ларнинг чиқиши, т. ж. лари ёки шлихларда маъданли м-лларнинг мавжудлиги, уларнинг тарқалиш доираси, қадимги тоғ-кон иншоотларининг қолдиқлари, шлаklar ва б.лар) ва билвосита (маъдан атрофидаги ўзгарган т. ж. лари, қамровчи т. ж. ларида фойдали компонентли м-лларнинг мавжудлиги, геокимёвий ва геофизик аномалиялар ва б.) излаш белгиларига бўлинади.

**Признаки слоистости - Қатланиш белгилари** - қатларнинг шакли, ўлчами (қалинлиги, узунлиги), ички тузилиши, бир-бири билан муносабати, қатлам бирликлари чегараси киради. Бундай белгиларни аниқлаш



билан ҳар қандай қатланишни биронр бир морфологик таснифга киритиш мумкин бўлади. Қ.б.лари ҳосил бўлишининг чўкинди ҳосил бўлиши шароитларига боғлиқли-лигини ўрганиш т. ж. нинг ҳосил бўлиш генезисини аниқлашга имкон беради.

**Прииск - Кон** - қимматбаҳо ф. қ. ларни (олтин, сочма олтин, платина, қалай ва б.ни) қазиб олиш жойи (майдо-ни).

**Прикладная геофизика - Амалий геофизика** - геология фанининг Ернинг физик хоссалари ва унда содир бўладиган физик жараёнларни геологик жараёнларга боғлаб ўрганадиган амалий тармоғи.

**Приливы (и отливы) - Сув сатҳининг кўтарилиши (ва қайтиши)** - океан ва денгиз сувлари сатҳига Ой ва Куюш тортиш кучи таъсирида, ярим сутка даврийлигида (1/2 Ой суткаси - 12 соат 25 мин ва 1/2 Куюш суткаси - 12 соат) сув сатҳининг кўтарилиб ва пасайиб туриши.

**Принцип последовательного приближения - Изчиллик билан яқинлашиш принципи** - геология-қидириш ишларини ривожлантириш усули. Аввалги тадқиқотлар натижаларини инobatга олган ҳолда ҳамда энг шубҳали ҳолатларни текшириш учун янги тоғ иншоотларини қовлаб ўтишга асосланади. Унинг ёрдамида бирламчи башоратлаш хариталари босқичма-босқич аниқланиб бориб, тоғ-маъдан корхонаси қурилишини лойиҳа-қалаштириш талабларини қониқтирадиган барқарор ва тўлиқ геологик хариталар тузилиши таъминланади.

**Природные горючие газы - Ёнувчи табиий газлар** - Ер пўстининг чўкинди қобиғида эркин тўплалар ҳамда эриган (нефтда ва қатлам сувларида), тарқоқ т. ж. ларидаги мавжуд газ конденсати ва қаттиқ (газогидрат уюмларида) ҳолда учрайдиган метан қаторидаги углеводородлар ва углеводород бўлмаган компонентлар аралашмалари.

**Прирост запасов - Заҳираларнинг миқдорини ошиши** - янги кон, маъдан жисмларининг топилиши, маъданли майдоннинг кенгайиши каби далилларга асосан заҳираларнинг кўпая бориши.

**Присыпки - Сепма** - тектоник ҳаракат жараёнида томирларда ҳосил бўладиган кристаллар ёки кристал заррачалари бўлаклари. Улар б. кристалларнинг тепага қараган қирралари устига сочилиб, ўсишдан тўхтади.

**Причины движения рудоносных растворов - Маъданли эритмалар ҳаракатланишининг сабаблари** - Бу атама бўйича турлича дунёқарашлар мавжуд: 1) Магматик ўчоқдан ажралувчи буғ босимининг конденсацияланган эритма устунига таъсири; 2) кичик зичликга эга бўлган маъданли флюиднинг литостатик босим таъсирида юқорига сиқиб чиқарилиши; 3) магматизмдан кейин ҳосил бўлган эритмаларнинг сўрилиш таъсирида очилаётган дарзликлар бўшлиқлари вакуумига кўчиши; 4) нисбатан унча чуқур бўлмаган чуқурликлардаги гидротермларнинг ҳаракатига артезиан туридаги ҳавзанинг гидростатик босими таъсири.

**Пришлифовка - Силлиқлаш** - шлифлаш ва жило бериш воситасида штуфда структура ва текстура яққол кузатилиши таъминланадиган кесим ясаш.

**Проба - Намуна** - 1. Ўрганилаётган объектдан (т. ж. , ф. қ.) тадқиқот учун мавжуд қондаларга биноан олинган материал. 2. Олинган соф олтин ёки кумуш ва улардан тайёрланган буюмлардаги тоза метал миқдорини 1000 қисмига (‰) оғирлик улушида аниқлаш.

**Проба бороздовая - Жўякли намуна** - одатда қалин маъданли т. ж. қатлампидан жўяклар олинган материал. Шакли бўйича ҳажми нуқтали ва тўғри кесишган бўлиши мумкин. Жўяклар сонининг кўпайиши шилиб намуна-лашга ўтишни таъминлайди. Шилиб олиб намуналаш чуқурлигининг ортиши эса ялпи намуналашни таъминлайди.

**Проба валовая (объемная) - Ялли (ҳажмли) намуна** - қазиб олинган маъданли массанинг ҳаммаси намуна сифатида олиб қолинади. Намуна оғирлигининг миқдори 0,5 т дан 5 т гача етади ва ундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Намуналарни танлаш ва юклаш одатда механизациялаштирилган усулда бажарилади. Чуқурда ётувчи конлардан бундай намуналар бургилаш орқали керндан олинади.

**Проба групповая - Гуруҳли намуналар** - маъданнинг бир хил табиий тури ёки саноат навидан олинган оддий ва умумлаштирилган намуналар тўплами. Г.н.лар етакчи, иккиламчи, шлак ҳосил қилувчи ва балласт компонентларга ажратиш учун таҳлил қилинади. Бу намуналаш оддий ва гуруҳли намуналарнинг дубликатларидан тайёрланади.

**Проба задирковая - Қириб олинadиган намуна** - тоғ- кон иншооти билан очилган маъданли уюм қалинлигининг 3-10 см дан 20 см гача бўлган қисмини ўйиб олиш йўли билан олинadиган намуна. Намуна олиш маъданли уюмнинг бутун қалинлиги бўйича амалга оширилади.

**Проба комбинированная - Уйғунлаштирилган намуна** - оддий ва гуруҳли намуналар мажмуасидан иборат бўлган умумлаштирилган намуна.

**Проба мономинеральная - Мономинерал намуна** - маъдан ёки т. ж. дан олинган битта м-л.дан ташкил топган намуна. У ф. қ. нинг табиий ва саноат турларидан минераллашиш босқичлари ва генерацияларини инobatга олиб бажарилади. Маъдандаги фойдали элементларнинг тарқалишини, балансини ва концентрацияларини аниқлаш учун ишлатилади.

**Проба объединенная - Умумлаштирилган намуна** - анализлар сонини қисқартириш учун оддий намуналарни бир бирига қўшиш натижасида ҳосил қилинади. Маъданларнинг табиий турлари ёки саноатбоп навлари доирасида маъдан уюмларининг йўналиши, кўтарилиши ва қалинлиги бўйича бирлаштирилиш амалга оширилади.

**Проба объемная - Ҳажмли намуна** - қ. *Проба валовая.*

**Проба рядовая (простая) - Оддий намуна** - ф. қ. намоён бўлган кесим ёки айрим қисмидан олинган намуна. Алоҳида намуна фойдали ва зарарли компонентларни аниқлаш учун кимёвий лабораторияларда анализ қилинади.

**Проба секционная - Секцион намуна** - ётиш қалинлиги бўйича кесимнинг айрим қисмидан олинган материал. - маъданли жисмнинг қалинлиги катта бўлганда ф. қ. нинг литологик таркибини ва маъданларнинг табиий турлари ва саноатбоп навларини ҳисобга олган ҳолда олинadиган намуналар.

**Проба тигельная - Тигелда таҳлиллаш намунаси** - ёнувчи ф.қ.даги учувчи моддалар миқдори ва ёнмайдиган қолдиқ моддалар хоссаларини аниқлайдиган лаборатория усули.

**Проба шлиховая - Шлихли намуна** - намуналанаётган т. ж. даги оғир м-лларнинг таркибини ва миқдорий

ўзаро боғлиқлигини аниқлаш мақсадида заррачалари боғланмаган (цементлашмаган) ётқизиклардан олинган кумли-гравийли материалнинг (одатда 30-50 кг) маълум миқдори.

**Проба-протолочка - Намуна-протолочка** - минералогик тадқиқотлар ўтказиш учун мўлжаллаб майдаланган т. ж. намунаси.

**Пробность золота - Олтиннинг софлик миқдори** - қ. *Проба*.

**Провал вулканический - Вулкан ботиғи ўпирилмаси** - вулкан бўшоқ т. ж. ларининг ер ости сувлари билан ювилиши ва қисман эриб кетиши натижасида ҳосил бўладиган рельефнинг манфий шакли. В.б.нинг ҳосил бўлиши вулкан-экзоген омиллар таъсири билан боғлиқ.

**Провинции и пояса металлогенические - Металлогеник провинциялар ва минтақалар** - турлари ривожланишдаги хусусийликлари, минераллашув ва б.лар асосида ажратилувчи металлогеник минтақа ҳамда провинциялар турлари.

**Провинция геохимическая - Геохимёвий провинция** - геохимёвий бир хил ҳамда кимёвий элементларнинг маълум ассоциациялари билан тавсифланадиган майдон.

**Провинция гидрогеологическая - Гидрогеологик провинция** - маълум геологик структуравий ҳудудларда тарқалган ер ости сувлари зонаси.

**Провинция металлогеническая - Металлогеник провинция** - маълум турдаги минераллашиш билан тавсифланувчи бир ёки бир неча тектоник-магматик жараёнлар таъсирида шаклланивчи геосинклиналь область, тизим ёки маълум миқёсдаги йирик структуравий платформформа билан мос келувчи генетик ва таркибий жиҳатдан яқин жуда катта маъданли майдон.

**Провинция минеральных вод - Минерал сувлар провинцияси** - маълум м-логик ассоциацияга эга бўлган ер ости сувлари тарқалган ҳудуд.

**Прогиб - Эгиклик (бурилма)** - ер қобиғининг чўккан ёки букилган, одатда чўзилган ҳамда чўкинди, чўкиндивулканоген, вулканоген т. ж. билан тўлган қисмларининг умумий номи.

**Прогиб пригеосинклинальный - Геосинклиналь олди эгиклиги** - геосинклиналь доирасида ёки геосинклинальлар яқинидаги платформаларда жойлашган ер қобиғининг ҳаракатчанг участкаси. Геосинклиналь эгилиш босқичида шакилланиб, бир хил ёшли геосинклинальлар билан боғлиқ бўлади. Асосий геосинклинальларга нисбатан параллел ёки кўндаланг жойлашади.

**Прогнозирование - Башоратлаш** - ф. қ. ларнинг янги майдонларини геологик далиллар асосида қандай ва қаерга жойлашганлигини, ресурслар миқдорини олдиндан айтиб бериш, тавсия этиш, фикр билдириш..

**Прогнозные карты геологические - Геологик башоратлаш хариталари** - янги ф. қ. ва конлар уюмларини топиш учун истиқболли бўлган майдонларни аниқлаш ва тасвирлаш мақсадида тузиладиган хариталар.

**Продольный разрез - Бўйлама кесим** - т. ж. лари ва маъдан жисмлари ёки ётқизиклар йўналиши (чўзилиши)га мос йўналишда тузилган қирқим..

**Продуктивная толща - Маҳсулдор қатлам** - таркибида ф. қ. лар бўлган чўкинди ётқизиклар қатлами.

**Продуктивность месторождения - Коннинг маҳсулдорлиги** - ф. қ. (маъдан) компонентлари миқдорларининг т., кг., г, қаратлардаги ўлчамларининг кон

майдони ёки унинг чуқурлик бирлигидаги миқдори.

**Продукты выветривания - Нураш маҳсулотлари** - турли магматик, метаморфик ва чўкинди т. ж. ларининг физик ва кимёвий нураши натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлар.

**Продукты подводных извержений - Сувошти вулканларининг маҳсулотлари** - сувошти вулкан маҳсулотлари Ер усти вулканлари маҳсулотларига ўхшаш бўлса ҳам, улар физик хусусиятлари билан фарқ қиладилар. Мас., Ер юзидаги вулқандан чиққан ювенил тоза куллар ўрнига сув остида газли моддалар билан тўйинган, қотган силикат эритмадан ташкил топган маҳсулот сув юзига пемза сифатида сузиб чиқади. Сув остида экструзив жараён етакчи ўрин эгаллайди. Ҳосил бўлган сувошти тоғлари ҳам шу жараён билан боғлиқ. Ер қаъридан қайнаб чиққан асосли лава сувошти тоғ оралиқларини тўлдиради.

**Проектирование геологических работ - Геология қидирув ишларини лойиҳалаш** - геологик (техник) топшириқда қўйилган масалаларни ҳал қилиш мақсадида тузиладиган геология қидирув ишлари лойиҳаси. Лойиҳада ишлаш усуллари мажмуаси, бажариш техникаси ва технологияси асосланади. Геология қидирув ишларининг лойиҳаси ва сметаси уларни тузиш бўйича тасдиқланган йўриқнома асосида амалга оширилади.

**Проектирование горных предприятий - Тоғ-кон корхоналарини лойиҳалаштириш** - геология қидирув, гидрогеологик, муҳандислик геологияси ва технологик тадқиқотлар натижасига таянган ҳолда тоғ-кон корхонасини лойиҳалаштириш. Лойиҳа зарурий техник асбоблар, техник чизмалар, ҳисоблар, лойиҳалаштирилаётган ишларни амалга оширишдаги сарф-ҳаражатлар ҳисоб-китобини ўз ичига олувчи техник ҳужжат.

**Прожиловое орудение - Майда томирчали маъданлашиш** - турли йўналишга эга бўлган, кўпсонли майда томирчалар тўри билан ифодаланадиган маъданлашув.

**Производственная мощность рудника - Коннинг ишлаб чиқариш қуввати** - вақт бирлигида (йил, ой, кун ва б.) қазиб олинган маҳсулотни ҳажм ёки оғирлик ўлчовида ифодалаш.

**Происхождение нефти - Нефтьнинг ҳосил бўлиши** - жуда кўп фаразлар мавжуд. Уларни органик ва ноорганик гуруҳларга бўлиш мумкин. Биринчи фарзга кўра, нефть биосферадаги тирик моддаларнинг қайта ўзгаришидан ҳосил бўлган маҳсулот ҳисобланади. Иккинчи фараз нефтни, Ер мантияси ёки пўстидаги, фазодаги оддий углеводород бирикмалар ва дастлабки оддий моддалар -  $C$ ,  $H_2$ ,  $CO$ ,  $CO_2$ ,  $CH_4$ ,  $H_2O$  ва б.ларнинг мураккаб синтези ҳосиласи сифатида кўради. Микстгенетик фаразга кўра, Ернинг чуқур қисмидан келаётган юқори ҳароратли флюидларнинг чўкинди т. ж. ларидаги органик моддаларга таъсирдан углеводородлар ҳосил бўлади.

**Проллювиальные отложения - Проллювиал ётқизиклар** - пролювий жараёнида ҳосил бўлган т. ж. лари.

**Проллювий - Проллювий** - нураш жараёнида ҳосил бўлган маҳсулотларнинг оқар сувлар ёрдамида оқизилиб кетиши ва қайта ётқизилиши натижасида пайдо бўлган бўшоқ ҳосилалар.

**Промилле - Промилле** - фоизнинг ўндан бири ( %) ёки қандайдир кўрсаткичнинг мингдан бирига тўғри келувчи нисбий ўлчов бирлиги.

**Промывка (отмывка) шлиховой пробы - Шлих намунасини ювиб тозалаш** - айрим м-ларнинг солиш-

тирма оғирлигидан фойдаланиб, сув ёрдамида б. ара-лашмалардан тозалаш.

**Промывка в обогащении полезных ископаемых - Фойдали қазилмаларни бойитишда ювиш** - ф. қ. ларни гравитацион бойитиш жараёни бўлиб, кераксиз қўшимчалардан (асосан цементловчилардан, гилли мас-садан) сув ва механизмлар таъсирида ажратиб олиш.

**Промышленная минеральная вода - Саноат мине-рал суви** - таркибида саноат аҳамиятига эга бўлган миқдорда фойдали элементлар (бром, йод, радий ва ҳ.к.) мавжуд бўлган сувлар.

**Промышленность горная - Тоғ-кон саноати** - ф. қ. ларни қидириш (геология), қазиб чиқариш (тоғ-кон қазиб чиқариш), уларни дастлабки бойитиш ва тайёр маҳсулотларни олиш (қайта ишлаш) билан шуғулланадиган и.ч. соҳаларининг мажмуаси **Промышленные стоки - Саноат оқавалари** - ишлаб чиқариш (заводлар, кон-геология корхоналари ва ш.к.) чиқиндилари билан ифлосланган сувлар.

**Промышленные типы месторождений - Конларнинг саноат турлари** - Ўзбекистонда ўзлаштирилаётган ёки ўзлаштирилишга тайёрлаш учун ўрганилаётган конлар қаторига: нодир, рангли, ноёб, қора металллар; ишқорли ноёб ва радиоактив элементлар киради.

**Проницаемость пород - Тоғ жинсларининг ўтказувчанлиги** - босим ўзгарганида т. ж. ларининг ўзидан суюқлик ва газларни ўтказиш хусусияти. Одатда табиий гидростатик босим остида сув ва б. суюқликларни ўзидан ўтказадиган т. ж. лари ўтказув-чан ҳисобланади.

**Проницаемость породы абсолютная (физическая) - Тоғ жинсининг мутлақ ўтказувчанлиги** - т. ж. ларининг ғоваклиги муҳити билан сезиларли физик-кимёвий алоқада бўлмаган бир таркибли инерт суюқликлар ёки газлар учун ўтказувчанлик хусусияти.

**Проницаемость трещинная - Дарзликлар ўтказувчанлиги** - Т. ж. ларидаги мавжуд дарзликлар билан мужассамлашган ўтказувчанлик. Бу ўтказувчанлик ўзгармас босим градиенти таъсирида маълум ёпишқонликка эга бўлган суюқликнинг вақт бирлигида дарзлик кесимидан ўтган миқдори. Суюқликларнинг дарзликлар бўйлаб ҳаракати флюидлар ҳаракати қонуниятларига бўйсунди.

**Пропан - Пропан** -  $C_3H_8$ , рангсиз газ. Табиий газларда, нефть олишда йўл-йўлакай чиқадиган газларда, шунингдек айрим саноат газларида учрайди. Газ уюм (қатлам)ларидан чиқадиган газларда П. 0,5 % дан кам, нефть ва конденсат газларида - 5 % гача.

**Пропилитизация - Пропилитланиш** - унча чуқур бўлмаган шароитларда вулканоген қатламларда юз берадиган карбонкислота ва олтингурутга бой гидротермал эритмалар таъсиридаги метасоматик ўзгаришлар. Олтин ва кумуш конларини аниқлашда даракчи белгидир.

**Пропилиты - Пропилитлар** - вулканлар гипабиссал ва ер юзига яқин интрузивлар таъсир доирасида ҳосил бўлган ва альбит, серицит, кварц, карбонат, пирит, лейкоксенли рутил ва цеолит каби асосий м-ллар билан тавсифланадиган, гидротермал ўзгарган ва аксарият ҳолларда, маъдан қамровчи т. ж. лари шакли.

**Просадка при протаивании - Эриш натижасида чўкиш** - т. ж. лари ғоваклик-ларидаги музлаган сув линзалари эриши натижасида т. ж. ларининг зичланиши.

**Просадочность горных пород - Тоғ жинсларининг чўкувчанлиги** - намликнинг ошиши билан айрим т. ж. ларининг зичланиши натижасида ер сатҳининг пасайиши хусусияти.

**Прослоек - Юпқа қатламча** - чўкинди (ёки метаморфик) т. ж. лари қатламлари орасида ўзгача таркибли, рангли ва структурали юпқа қатламча.

**Простейшие флоры - Содда флоралар (ҳайвонлар ёки бир ҳужайралилар)** - булар жумласига майда организмлар киради. Улар мустақил организмлардан иборат бўлиб, бир ёки бир неча ядроли цитоплазмадан ташкил топади. Ҳужайранинг айрим қисмлари муайян ҳужайранинг ҳосилалари бўлиб, улар "органеллалар" деб аталади ва тури вазифаларни бажаради.

**Простирание - Йўналиш** - шимолий меридианга нисбатан қатлам, қават ва томир шаклида ётувчи т. ж. ларининг горизонтал йўналган томони. Тоғ компаси ёрдамида аниқланади. Қатламларнинг ётиш бурчаги, ётиш ва йўналиши томонлари ҳамда уларнинг азимутлари биргалашиб т. ж. лари қатламларининг ётиш элементларини ташкил этади. Қатламлар, қаватлар йўналиш азимути икки қарама-қарши томонга  $180^\circ$  бурчак билан йўналади ва улардан фақат бир томони аниқлаб ёзилади.

**Простирание пласта - Қатлам йўналиши** - қатламнинг ер юзига чиқиб қолган ва бир тарафга чўзилган қисми бўйлаб, горизонтал текислигига тегиб туришидан ҳосил бўлган йўналиш. Қия ётган қатламнинг горизонтал текислик билан кесишиш чизиғи ушбу қатламнинг йўналишини белгилайди. Қатламнинг горизонтал текисликка нисбатан қиялиги 0 дан  $90^\circ$  гача ўзгаради.

**Протактиний (Pa) - Протактиний (Pa)** - М.д.с. нинг III гуруҳидаги радиоактив кмёвий элемент. Даврий системадаги № 91 тартиб рақамига эга, кўп яшайдиган изотопларининг ҳажмий сони  $^{231}Pa$  радиоактив актиноуран қаторига кириб,  $U^{235}$ ни қўшимча ҳосиласи ҳисобланади, парчаланиш даври  $T_{1/2} = 3,43 \cdot 10^4 Pa$ . Палладийнинг оғирлиги бўйича табиатда тарқалиши  $1 \cdot 10^{-10} \%$ .  $U^{235}$  и. ч.даги ташлама эритмалардан  $Pa^{231}$  олинади. Бунда Pa нинг 225-236 изотоплари маълум.

**Протектиты - Протектитлар** - магма кристалланишининг дастлабки фазаси маҳсулоти. Ортотектитлар (бош фаза маҳсулоти), эвтектитлар (қолдиқ магма маҳсулоти) ва пневматолитлар (пневматолит фазасида ҳосил бўлган маҳсулотлар) дан фарқлаш мақсадида қабул қилинган.

**Протерозой - Протерозой** - протерозой гуруҳи ва эрасининг қисқартирилган номи.

**Протерозойская группа - Протерозой гуруҳи** - токембрийнинг юқори стратиграфик гуруҳи. Ернинг геологик тарихида тахминан 2,6 млрд. йил олдин ҳосил бўлган ётқизиқларни ўз ичига олади. Кўпинча бу ётқизиқлар кучли метаморфизмга учраган. Унинг қабул қилинган умумий стратиграфик бўлиниш схемаси йўқ.

**Протерозойская эра - Протерозой эраси** - протерозой гуруҳини ташкил қилган т. ж. лари ҳосил бўлган геохронологик вақт бирлиги; давомийлиги тахминан 2-2,2 (2,6) млрд. йилга боради. П.э. одатда учга бўлинади: илк протерозой (2600-1900 млн.й.), ўрта протерозой (1900-1600 млн.й.) ва кечки протерозой (1600-570 млн.й.). Кечки протерозойда айрим ҳолларда венд (670-570 млн.й.) ажратилади. Кечки протерозой ётқи-

зиқларида органик қолдиқлар - яшил сув ўтлари ва бактериялар маҳсулоти: строматолит ва микрофитолитлар (онколит, катаграфия ва б.лар) учрайди. Аниқ номланган ва тўла ўрганилган ҳайвонот қолдиқлари протерозой-кембрий чегараларида учрайди. Улар жуда ноёб ва сийрак тарқалган умуртқасиз чувалчанг ва медузасимонлардан иборат.

**Прото . . . - Прото . . .** - мураккаб сўзлар олдига қўйиладиган олд қўшимча бўлиб, структура, т. ж, м-л, жараёнларнинг бирламчи ҳолатини кўрсатади.

**Протобластез - Протобластез** - тектоник зўриқиш таъсири остида кристалланишда юз берадиган магматик т. ж. ларининг структуравий ўзгаришлари.

**Протодиагенез - Протодиагенез** - чўкиндининг т. ж. айланишидаги бошланғич ўзгариш босқичи.

**Протодоломит - Протодоломит** - “Доломиты *первично - осадочные*” атамасининг синоними.

**Протокристаллизация - Протокристалланиш** - базальт магмасининг бирламчи дифференциацияси бўлиб, оливин таркибли т. ж. ларининг бутун қаторини (перидотит, дунит, пироксенит қисман базальт, габбро ва норитлар) ташкил қилади. Жараён 1600°C да бошланиб, протоминераллар: корунд, шпинел, магнетит, ильменит ва б.лар ажралади. П. магма кристалланишининг асосий босқичи бўлиб, дала шпати, слюда, метасиликат ва б. лар ажралиб диоритдан то гранитгача бўлган т. ж. лари ҳосил қилади. Охириги босқичда жисм кристалланиши юқори ҳароратли аплитли фаза (800°C) дан бошланиб, гранитли пегматитлар билан тугалланади.

**Протометаморфизм - Протометаморфизм** - чўкинди т. ж. ларининг асосан ҳарорат таъсирида чуқур м-логик, структуравий ва текстуравий ўзгаришлари.

**Протопегматит - Протопегматит** - қамровчи т. ж. лари таъсирига учрамаган, соф гранитли пегматитлар тури.

**Прототектоника - Прототектоника** - суюқ магма оқишида ёки пластик магмада ҳосил бўлган бирламчи структуравий элементлар ёки қотган плутонда ҳосил бўлган интрузив массивлардаги бирламчи тектоника элементлари (бирламчи дарзликлар). Бу элементлар мутлоқ қотиб бўлмаган плутонитларда ташқи муҳит таъсирида эмас, балки ички кучлар таъсирида ҳосил бўлгани учун бу структуралар “бирламчи тектоника элементлари” деб аталади.

**Профил береговой - Қирғоқ кесими** - қирғоқ зонасининг кўндаланг кесими бўлиб, сув ости қирғоғи ва қирғоқнинг қуруқлик қисмини ўз ичига олади. Қ.к.нинг абразив ва аккумулятив турлари ажратилади.

**Профил геоморфо-логический - Геоморфологик кесма** - Ер усти айрим участкаларининг вертикал кесмаларда график кўринишда тасвирланиши. Кесманинг устки чизиги ер юзининг аниқ гипсометрик кўринишини тасвирлайди; пастада эса геологик тузилишини акс эттиради.

**Профилирование в геофизике - Геофизикада профил тузиш** - геолого-географик кесмаларни олиш мақсадида маълум йўналиш (профиллар) бўйича бажариладиган тўхтовсиз геофизик кузатиш ишлари. Геофизик иш усуллари сейсмик, гравиметрик, магнит ва электрқидирув кесмаларини тузиш учун бажарилади.

**Профиль - Кесма** - вертикал кесма ёки маълум бир нарсанинг ҳақиқий тузилишини ўрганиш учун тузиладиган кесма. Тоғ массивлари, қатламлар, свиталар ва

б.ларнинг ички тузилишини билмоқ учун тузилади.

**Профиль (разрез) гидрогеологический - Гидрогеологик кесма (қирқим)** - вертикал кесма гидрогеологик структураларни, сувлик ва сув тўсувчи жинсларни, ер ости сувларининг кимёвий таркибини, м-ланиш даражасини ва б. гидрогеологик маълумотларни чизма шаклида тавсифлайди. Кесма гидрогеологик хариталарнинг ажралмас қисми бўлиб, у билан бир хил услубда тузилади.

**Профиль (разрез) опорный геолого- геофизический - Геолого-геофизик таянч кесма (қирқим)** - т. ж. лари очилмалари, бурғи кернлари ва тоғ қазилма иншоотлари асосида аниқ тузилган кесма. Кесма бўйлаб геологик тузилишига қараб, геофизик аномалияларни геологик тузилмалар билан солиштириб, шунга ўхшаш райондаги аномалиялар ва бу аномалияларга сабаб бўлган объектлар ажратилади.

**Профиль (разрез) палеогеографический - Палеогеографик кесма (қирқим)** - маълум ҳудуддаги ва йўналишдаги, алоҳида шартли белгилар билан тарихий-геологик ва палеогеографик ривожланишининг маълум босқичидаги табиий-географик шароит акс эттирилган вертикал кесма. Шу билан бирга кесмада геоструктуравий бирликлар, иқлим зоналари, рельеф элементлари, чўкиш ва ювилиш областлари кабилар ҳам кўрсатилади.

**Профиль геологический - Геологик кесма** - қ. *Разрез геологический.*

**Профиль геохимический - Геохимёвий кесма** - маълум йўналиш бўйича олиб борилган геохимёвий кузатувлар асосида кимёвий элементлар миқдорининг ўзгаришини тасвирловчи чизма.

**Профиль равновесия подводного склона - Сув ости ён бағри мувозанат кесими** - қирғоқ саёзлигида ботиқ шаклидаги бўшоқ ётқизиқ заррачаларининг тўлқин туфайли аста-секин қирғоқ томон кўринмайдиган даражада силжишидан ҳосил бўлади.

**Профиль равновесия абразионный - Абразион мувозанат кесими** - сув тўлқинлари узоқ вақт давомида туб т. ж. ларида содир этган абразион қирғоқнинг сув ости қиялик ёнбағри. Ушбу қия ёнбағир юзасининг ҳар бир нуқтасидаги тўлқин ҳаракатининг кучи доимий ва энг кам қийматга тенг бўлиб, шундан ошгандагина т. ж. нинг емирилиши бошланади. А. м.к. шаклланганда абразион платформа юзасининг кенгайиши тўхтади.

**Профиль сейсмический - Сейсмик кесма** - сейсмик қидирув ишларида сейсмик тўлқинларни қабул қилувчи асбобларнинг Ер юзасида жойлашиш чизиги.

**Проходка - Ковлаб ўтиш** - конни айрим тоғ иншоотлари ёрдамида ковлаб ўтиш жараёни.

**Процентное содержание атомное - Атомар фоиз миқдори** - ўрганилаётган кимёвий элемент атомлари т. ж. ёки м-лни ташкил этувчи кимёвий элементларнинг 100 атомидан қанчасини ташкил этишини кўрсатувчи катталиқ. Қуйидаги нисбатлар кўринишида ифодаланиши мумкин: 100N:  $\Sigma N$  ёки 100A:  $\Sigma A$ ; бу ерда: N ва  $\Sigma N$  - мос равишда, т. ж. ёки м-л стандарт ҳажмидаги кўрилаётган элемент ва ҳамма элементлар атомлари миқдори; A ва  $\Sigma A$  - т. ж. ёки м-лда кўрилаётган элемент атоми ва ҳамма элементлар атоми миқдори.

**Процентное одержание весовое - Оғирлик фоиз миқдори** - кўрилаётган компонентга 100 грамм моддадан қанча грамм тўғри келишини кўрсатувчи катталиқ.

У элемент, оксид ва м-лларники бўлиши мумкин.

**Процентное содержание молекулярное - Молекуляр фоиш миқдори** -  $100M:\Sigma M$  нисбатнинг катталиги; бу ерда:  $M$  ва  $\Sigma M$ -анализ натижаларига кирувчи мос равишда кўрилатган оксид ва барча оксидларнинг молекуляр миқдори.

**Процесс рудообразования - Маъдан ҳосил бўлиш жараёни** - қ. *Рудообразование*.

**Процессы внутренние - Ички жараёнлар** - қ. *Процессы эндогенные*.

**Процессы выполнения трещин - Дарзликларнинг тўлиши жараёнлари** - очик ёки очилаётган дарзликлар бўшлиғига эритмалардан чўкинди тушиши. Постмагматик конлардаги маъдан кристификацияцион ва друзасимон текстуралари улар учун хосдир.

**Процессы геологические - Геологик жараёнлар** - Ер пўстининг таркибини, структурасини, рельефи ва ички тузилишини ўзгартирадиган жараёнлар.

**Процессы геохимические - Геохимёвий жараёнлар** - Ер қаъри ва юзасида юз берадиган кимёвий жараёнлар. Т. ж. ва м-лларнинг ҳосил бўлиши ёки парчаланиши, кимёвий таркибининг ўзгариши, айрим кимёвий элементларнинг тўпланиши, қайта тақсимланиши, яъни уларнинг миграцияси билан ифодаланади.

**Процессы геохимические осадочные - Чўкинди тоғ жинслари геохимёвий жараёнлари** - қ. *"Геохимия осадочных пород"*.

**Процессы гидротермальные - Гидротермал жараёнлар** - магмадан ажралиб чиққан иссиқ сувли эритмаларнинг қамровчи т. ж. ларига таъсирини тавсивловчи жараёнлар.

**Процессы магматогенные - Магматоген жараёнлар** - магманинг қайта кристалланишидан м-лларнинг ҳосил бўлиши.

**Процессы минералообразования - Минерал ҳосил бўлиши жараёнлари** - Ер қобиғида м-лларнинг ҳосил бўлиши, ўзгариши ва парчаланишига сабаб бўладиган физик-кимёвий жараёнлар. Уларнинг таснифи бир томондан модда ва энергия манбаига, иккинчи томондан эса, ушбу жараён ва реакция тури юз берган муҳит хусусиятига асосланган.

**Процессы поствулканические (поствулканическая деятельность) - Вулкандан сўнги жараёнлар** - вулканизмдан сўнг давом этувчи жараёнлар тўплами.

**Процессы постмагматические - Магматизмдан сўнги жараёнлар** - магманинг кристалланишидан кейин бевосита кечувчи ва у билан м-л ва маъдан ҳосил қилувчи жараёнлар тўплами.

**Процессы рельефообразующие - Рельеф ҳосил қилувчи жараёнлар** - рельеф шакилланишига сабаб бўлувчи жараёнлар. Улар эндоген ва экзоген турларга бўлиниб, морфогенез агентлари мажмуаси сифатида намоён бўлади.

**Процессы склоновые - Тоғ ён багирларидаги жараёнлар** - қия сатҳда тарқалган, заррачалари боғланмаган ва туб т. ж. лари блокларининг силжиши билан мужассамлашган жараёнлар. Қия сатҳлардаги ҳаракат гравитацион кучлар таъсири, солифлюкция, майдонлар сатҳининг ювилиши натижасида юз беради.

**Процессы субаквальные (подводные) - Субаквал (сув ости) жараёнлар** - Ер сатҳидаги сувлар остида юз берадиган жараёнлар.

**Процессы субаэральные - Субаэрал жараёнлар** - Ер сатҳида, қуруқликда юз берадиган жараёнлар.

**Процессы тектонические деструктивные - Деструктив тектоник жараёнлар** - конструктив тектоник жараёнлар натижасида ҳосил бўлган бурмаланиш иншоотларининг майдаланиши ва емирилишига олиб келувчи тектоник жараёнлар. Айрим ҳолларда континентларнинг емирилиши, айрим қисмларининг чўкиши ва улар ўрнида ёш океанлар пайдо бўлиши тушинилади. **Процессы тектонические конструктивные - Конструктив тектоник жараёнлар** - геосинклиналь областларда альп бурмаланиш типларидаги қурилмаларнинг ҳосил бўлиши ва бу жараён натижасида континентларнинг кенгайиши.

**Процессы экзогенные (поверхностные) - Экзоген (ер юзасидаги) жараёнлар** - Ердан ташқарида мавжуд бўлган кучлар таъсири юз берадиган геологик жараёнлар. Улар ер юзасида ёки литосферанинг юқори қатламларида кузатилади. Бу жараёнлар асосан куёш ҳарорати радиацияси, оғирлик кучлари таъсирида, организмларнинг ҳаёт фаолияти билан боғлиқ.

**Процессы эндогенные - Эндоген жараёнлар** - Ернинг ички кучлари таъсирида юзага келувчи геологик жараёнлар бўлиб, асосан Ернинг ичида кенади. Ер моддаларининг ривожланишида ажраладиган энергия билан боғлиқ Уларга тектоник, магматик ва гидротермал жараёнлар, шу жумладан бир қатор ф. қ. конларининг ҳосил бўлиши мансуб.

**Процессы золотые - Зол жараёнлари** - шамол таъсирида рельеф ҳосил бўлиш жараёни. Бунга зол денудацияси (дефоляция, коррозия), шунингдек аккумуляцияси киради. Э.ж.лари натижасида зол шаклидаги рельеф ва зол ётқизиклари ҳосил бўлади.

**Прочность горных пород - Тоғ жинслари мустаҳкамчилиги** - т. ж. ларининг зичланиш, чўзилиш, эгилиш, зарбалар таъсирида ўз яхлитлигининг бузилишига кўрсатадиган қарши-лиги.

**Прочность механическая (углей-кокса) - Механик мустаҳкамлик (кўмир, кокс)** - т. ж. ларининг ташқи кучлар таъсирида емирилишга қаршилик кўрсатиш қобилияти.

**Прустит - Прустит** -  $Ag_3AsS_3$ . Кат. 2-2,5. Сол. оғ. 5,57-5,67. Кумуш сульфотузлари гуруҳига мансуб м-л. Ранги тўқ қизил, олмооссимон ялтирайди. Маргимушга бой гидротермал томирларда ва экзоген шароитда цементланиш зоналарида учрайди. Йўлдош м-ллари: кумуш, аргентит (акантит), пираргирит, маргимуш, хлоантит, галенит, пирит, флюорит, барит, кварц. Син.: маргимуш-кумуш алдамчиси, қизил кумуш маъдани.

**Псевдоконгломераты - Сохта конгломератлар** - ташқи кўринишидан у ёки бу даражада конгломератга ўхшаш, келиб чиқиши эса б. бўлган т. ж. Олмосли портлаш трубкаларида ҳам т. ж бўлаклари одатда яхши юмалоқланган бўлиб, конгломератларга ўхшаш бўлади.

**Псевдомалахит - Сохтамалахит** -  $Cu_5[(OH)_2|PO_4]_2$ . Кат. 4-5. Сол. оғ. 4,30-4,40. Сол. оғ. 4,35. Ранги тўқ зумрадсимон-яшил, жилоси шишасимон, буйраксимон, нурсимон толали агрегатли м-л.. Си конларининг оксидланган зоналарида учрайди. **Псилоомелан** -  $[(Ba,H_2O)_2Mn_5O_{10}]?$ . Кат. 5-6. Сол. оғ. 4,7-4,8. Марганец м-ли. Ранги қора, айрим ҳолларда қора кўнғир. Ярим садафсимон ялтирайди. Мўрт.. Марганец

конларининг оксидланиш зонасида, (чўкинди, асосан П) экзоген йўллар билан б. марганец м-ллари - брануит, гаусманнит, шунингдек марганец карбонлари ва силикатлари ҳисобига, камроқ ҳолларда гидротермал йўл билан ҳам ҳосил бўлади. Аниқ бўлмаган агрегатлар ҳосил қилади. П. энг зарур марганец маъдани ҳисобланади. Йўлдош м-ллари: пиролозит, сидерит, гётит, кольцит, барит. Син.: белдонгирит, манганомелан, қора охра, псиломеланит, қора ёки қаттиқ марганец маъдани, протомелан.

**Пузыры лавовые - Лава пуфакчалари** - лава қотиши мобайнида ажралиб чиққан буг ва газлар ўрнида ҳосил бўладиган думалоқ, яримшарсимон, нотўғри шаклли бўшлиқлар.

**Пульсация земной коры - Ер пўстининг тебраниши** - сейсмологияда ер пўстининг унча катта бўлмаган амплитудали (0,05), тўғри, текис ва юза тўлқинлар кўринишидаги, ишончли аниқланган тебранишлари. Тектоникада бу жараён анчагина катта миқёсдаги сиқилиш ва кенгайиш “эпохаларининг ўрин алмашиниб туриши” деб ҳисобланади.

**Пустоты миаролитовые - Миаролитли говаклик** - чуқурликдаги магмани кристалланиши жараёнида ҳажмининг қисқаришидан ҳосил бўлади. М.ғ. нотўғри, бурчаксимон говакликлар ва майда бўшлиқлар шаклларига эга. Улар қолдиқ магма эритмалари кристаллари билан тўлган бўлади. Булар гранит, диорит, габбро ва б. жинслар учун хосдир.

**Пустоты, полости карстовые - Карст бўшлиқлари, говакликларлари** - эрувчан т. ж. (оҳактош, доломит, туз, баъзан мергель ва бўр) ларининг эритувчи ер ости сувлари таъсирида эришидан ҳосил бўладиган бўшлиқлар. Бу бўшлиқлар ўлчами энг катта горлар ҳажмидан то майда говакларгача бўлади.

**Пустыня - Чўл** - қуруқ иқлимли, нам кўп буғланиб, ёғин-сочин кам тушадиган географик майдон. Ер юзасининг бундай минтақаларида нам буғланиши ёғин-сочинга нисбатан бир неча баравар жадал кечади. Чўллар бу минтақаларда қумли ерларда ёки қадимги аллювиал ётқизиғи ўрнида, денгиз соҳилидаги текисликларда вужудга келади. Чўллар юзаси қум, тақир, гипсли гил ва шағалдан, баъзан эса лёсс ҳамда лёссимон ҳосилалардан иборат бўлиши мумкин. **Пустыня песчаная - Қумли чўллар** - Ер юзасининг қум ва қисман гил билан қопланган, турли эол рельефи пайдо бўлган қисми.

**Пухерит - Пухерит** -  $\text{Bi}[\text{VO}_4]$ . Кат. 4. Сол. оф. 6,57. Тўқ жигарранг, кўнғир-қизғиш рангли, мўрт агрегатли м-л. Жилоси шишасимондан, то олмос жилосигача. Вi конларининг оксидланиш зоналарида учрайди.

**Пучение грунта - Грунтнинг кўпчиши** - Ер юзасидаги грунтлар таркибидаги сувларнинг музлаши, улар ҳажмининг ошиши ва эриши натижасида структуравий боғланишларнинг сусайиши оқибатида мустаҳкамлигининг йўқолиши билан боғлиқ ҳодиса.

**Пучина - Ер қатламининг кўтарилиб қолиши** - сув билан тўйинган гилли т. ж. ларининг музлаши ва бунинг натижасида ҳажмининг ошишидан темир йўл ва автомагистралларнинг айрим жойларида ҳосил бўлган маҳаллий кўтарилишлар.

**Пыль - Чанг** - бўйли шакли ва ўлчами  $10^{-4}$  -  $10^{-2}$  см бўлган, ҳаводаги муаллақ қаттиқ заррачалардан иборат дисперс система.

**Пыль каменноугольная - Тошкўмир чанги** - кўмир

ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган учувчан, механик ёки кимёвий боғлиқ бўлган ёнувчи ёки ёнмайдиган газлар ва эркин кремний қўш оксиди каби моддалар. Маълум шароитларда портлаш хавфига эга.

**Пьезоизобаты - Пьезоизобатлар** - харитада ёки чизма планда, Ер юзидан бир хил чуқурликда бўлган нуқталарни бирлаштирувчи чизик.

**Пьезокварцы - Пьезокварцлар** - пьезоэлектрик асбоблар тайёрлаш учун яроқли бўлган, асосан радиотехника саноатида тўлқинларни маромлаштириш учун қўлланиладиган, таркибида қаттиқ аралашмалари, ҳаво газ пуффакчалари бўлмаган монокристалл тоғ биллури ва морион.

**Раббитит - Раббитит** -  $\text{Ca}_3 \text{Mg}_3 [(\text{UO}_2)_2 | (\text{OH})_2 | (\text{CO}_3)_6] \cdot 18 \text{H}_2\text{O}$ . Кат. 2. Сол. оф. 2,6. Кристаллари игнасимон, оч яшил-сариқ рангли юмшоқ агрегатли м-л. Ялтироқлиги шойисимон, сувда эрувчан, HCl кислотада қайнайди. Оксидланиш зоналарида, тоғ кониншоотлари деворларида гипс ва U сульфатлари билан бирга учрайди.

**Рабдит - Рабдит** -  $(\text{Fe}, \text{Ni})_3 \text{P}$ . Кат. 6,5 Сол. оф. 7,1 Ni га бой шрейберзит м-лнинг тури. Кумушсимон - оқ рангли, м-л юзасида олтинсимон - сариқ рангли қоченит пленкаси ҳосил бўлади. Темир метеоритларида учрайди.

**Работы буровые - Бургилаш ишлари** - геология-қидирув ишларини амалга оширишдаги бургилаш ҳамда у билан бирга бажариладиган иш турлари.

**Работы вскрышные - Очиш ишлари** - ф. қ. конларини очиқ усулда ўзлаштириш учун ф. қ. ни юқоридан қопловчи т. ж. ларини олиб ташлаш ишлари.

**Работы геолого-разведочные - Геология-қидирув ишлари** - ф. қ. конларини излаш, баҳолаш, қидириш, саноатда ўзлаш-тиришга тайёрлаш каби махсус ишлар мажмуи.

**Работы поисковые - Излаш ишлари** - ф. қ. ларни топиш учун ўтказиладиган геологик-қидирув ишларининг мустақил босқичи.

**Равнина - Текислик** - Ер юзининг текис шакли. Ундаги нотекисликлар бир-биридан кам фарқ қилади. Т.лар емирилиш ёки нураган т. ж. ларининг тўпланиши натижасида юзага келади. Ернинг энг катта Т.лари океан ёки қитъа платформалари ичидан ўрин олади. Т.лар: ясси абиссал, паст-баланд, абразион, аккумулятив, қирғоқ бўйи, денудацион, денгиз ости, тоғ олди ва б. турларга бўлинади.

**Равнина абиссальная - Абиссал текислик** - океан ва денгизларнинг чекка сойликлари ва ботиқларидаги чуқур сув ости ясси ва сертепа текисликлари. Океан қаъри ва ўтиш зонасида кенг тарқалган. Ясси А.т. океан ва денгиз сойликларининг четки қисмларида тўғри келади.

**Равнина абиссальная плоская - Ясси абиссал текислик** - денгиз тубидаги деярли горизонтал ҳолатда бўлган текислик. Қозонсимон ботиқликлар тубида тарқалган ва бироз қияланган бўлади. Асосан, океан тубининг чеккаларида қуруқликдан анча миқдорда чўкинди маҳсулотлари олиб келиб, ётқизиладиган жой-

ларда, ҳавзасимон ботиқ денгиз тубларида ривожланади.

**Равнина абиссальная холмистая - Абиссал паст-баланд текислик** - юзаси паст-баланд тепаликлардан иборат бўлган текислик. Қалинлиги катта бўлмаган юмшоқ чўкинди (300-500 м гача) т. ж. ларидан иборат, океан тубидаги қозонсимон ботиқлик. Тепаликлар юзасида баъзан базальт лавалари чиқиб ётади.

**Равнина абразионная - Абразион текислик** - денгиз абразияси фаолияти билан боғлиқ равишда ҳосил бўлган текис, қисман денгиз томон нишабликка эга бўлган рельеф тури. А. т. нисбатан тор, узунчоқ ҳудуд бўлиб, денгиз қирғоғи бўйлаб жойлашади ва юпқа қалинликдаги ётқиқиқлар билан қопланади.

**Равнина аккумулятивная подводная - Сув ости аккумулятив текислиги** - чўкиндилар билан қопланган текис ёки тўлқинсимон сувости текислиги. Материк қирғоқлари ва сувости ботиқлиги тубларида учрайди. С.а.т. саёз сувларда сув тўлқинлари ва оқимлари билан олиб келинган т. ж. ларининг чўкиши, чуқур сув ҳавзаларида эса сув олиб келган т. ж. лари ёки сувда эриган эритмаларнинг чўкиши натижасида ҳосил бўлади.

**Равнина аккумулятивная - Аккумулятив текислик** - анчагина чўзиқликка эга текисланган юза; турли қалинликдаги аккумулятив (тўпланган) т. ж. лари билан қопланган. Унинг остки қисми (асоси) ни сув юзмаган бўлиши шарт. А. т. платформа (қуруқлик ва океан), шунингдек ороген ҳудудлардаги ботиқликларда тарқалган.

**Равнина аллювиальная аккумулятивная - Аллювиал аккумулятив текислик** - оқар сувлар оқизиб келтирган маҳсулотларнинг ер юзасидаги ботиқ ёки ясси жойларида чўкиб қолишдан вужудга келган текисликлар. Шағал, чақиртош ва қум, қумоқ ҳамда лойқалардан ташкил топади.

**Равнина аллювиально-аккумулятивная - Аллювиал аккумулятив текислик** - кенг аллювиал - аккумулятив дарё террасаси сифатида намоён бўлган текислик. Бундай кенг текисликлар (терраса ва қайир) дараёдаги сув миқдори билан боғлиқ равишда ҳосил бўлади.

**Равнина вогнутая - Букилма текислик** - дарё сув ҳавзаларининг марказий қисмидаги марказга интилувчан ботиқлик текислиги. Қуруқ иқлимли ўлкалар учун тавсифлидир.

**Равнина волнистая - Тўлқинсимон текислик** - яссилашиб узунасига чўзилган, алмашилиб келувчи тепаликлар чуқур бўлмаган сойликлар билан ажратилган текисликлар.

**Равнина дельтовая - Дельта текислиги** - денгиз томонга бироз қияланган паст текислик; юзаси кичик-кичик (баъзида қуриб қоладиган) ўзанлар билан ўйилиш натижасида тўлқинсимон кўринишга эга. Баъзан ўзанлар ўлчами катта бўлиши ҳам мумкин.

**Равнина денудационная - Денудация текислиги** - тектоник ҳаракатлар натижасида кўтарилган ерларнинг вақтинчалик ёки доимий равишда емирилиши кучлироқ кечган ҳудудлари. Денудация (емирилиш) таъсири натижасида текислашиб ҳосил бўлган юза.

**Равнина (береговая) морская - Денгиз қирғоғи текислиги** - денгиз қирғоғи бўйлаб, узунчоқ, баъзида жуда катта кенглик ҳосил қилиб чўзилиб ётади. Юзасининг қиялиги денгиз томонга йўналган. Денгиз туби

кўтарилганда ёки унинг сатҳи пастга тушганда платформаларнинг абразион-аккумулятив юзаси сув бети-га чиқиб қолишдан ҳосил бўлади.

**Равнина предгорная - Тоғ олди текислиги** - тоғ этагига мансуб ҳудуд. Асосан чиқариш конусларининг бир-бири билан қўшилиши натижасида ҳосил бўлади. **Равновесие в магмах - Магмалардаги мувозанат** - магматик системалардаги мувозанат бўлиб Гиббс фазалар қондасига бўйсунди ва қуйидагича ифодаланди:  $S=K+2\Phi+x$ , бунда:  $S$  - эркинлик даражаси қиймати,  $K$  - компонентлар сони,  $\Phi$  - мавжуд фазалар сони,  $x$  - мувозанатлилик параметрлари эркинлиги даражаси сони. Агар босимлар, ҳарорат ва кимёвий потенциал барча фазаларда мувозанат ҳолатида бўлса магма эритмаси мувозанат ҳолатда ҳисобланади.

**Равновесие в метаморфических породах - Метаморфизм тоғ жинсларидаги мувозанат** - т. ж. даги метаморфизм шароитларида барқарор м-ллар ассоциацияларининг мавжудлиги. Бу ассоциациялар уларни ташкил қилувчи элементлар м-ллари ўртасида қонуниятли тақсимланиши билан тавсифланади.

**Равновесие гидростатическое - Гидростатик мувозанат** - ташқи қўшимча таъсир кузатилмаган вақтда юзага келувчи суюқликлардаги мувозанат ҳолат. Суюқлик сатҳига таъсир этувчи капилляр қучлар, сувга чўккан жисмга таъсир этувчи статик кўтариш қучлари ўзгариши натижасида гидростатик мувозанат бузилиши мумкин.

**Равновесие гранитное - Гранитли мувозанат** - босим ва ҳарорат миқдоридан қатъий назар, маълум гуруҳлардаги кимёвий таркиби бўйича гранитларга мос келувчи гидрофил элементлар ( $Si$ ,  $Al$  ишқорлар) концентрацияларининг мавжудлиги. Гравитацион омиллар таъсирида гранитофил элементлар ( $Mg$ ,  $Ca$ ,  $Fe$ ) Г. м. зонасидан тепага ёки пастга кўчади. Бунинг натижасида турли таркибли чўкинди т. ж. лари бир сифатли гранитга айланади.

**Равновесие литостатическое - Литостатик мувозанат** - Ернинг маълум чуқурликдаги нуқталарга таъсир этаётган, шу нуқтадан юқорида тарқалган т. ж. лари оғирлиги бирламчи босими. Л. м. нинг физик моҳияти - ҳар бир нуқтада гравитацион сиқилиш босим билан мувозанатланади.

**Равновесие радиоактивное - Радиоактив мувозанат** - бири иккинчисидан ҳосил бўладиган радиоактив моддалар орасидаги статистик мувозанат. Табиатдаги ҳар қандай радиоактив қатор бир-бири билан мувозанатда бўлади. Ўзаро генетик боғлиқ радиоактив моддалар радиоактив парчаланишининг  $\lambda_1, \lambda_2, \lambda_3$  ҳ.к. каби доимий миқдорларига эга бўлса, улар узоқ муддатдан сўнг радиоактив мувозанатга келади. Бу хусусият қатордаги элементлар атомларининг сони вақт ўтиши билан ўзгармаслиги, аксинча уларнинг мутлақ сони қатордаги биринчи элемент ( $\lambda_1$ ) га нисбатан камайиши билан тавсифланади. Агар  $\lambda_1$  қаторнинг парчаланиш элементлари б. парчланаётган элементларга нисбатан кам бўлса, элементлар атомларига нисбатан:  $\lambda_1 N_1 = \lambda_2 N_2, \dots \lambda_n N_n$  сифатида тавсифланади. Бундай муносабатда ҳамма элементлар парчаланиши бир хил бўлиб, парчаланиш даври асрларга тенглашади.

**Радий - Радий, Ra** - М.д.с.нинг II-гуруҳига мансуб радиоактив к. э. Т.р. 88, ат.м. 226,0254. Р. масса

жиҳатидан Ер пўстининг  $10^{-10}$  % ини ташкил этади. Унинг 14 та изотопи маълум. Соф Р. ҳавода тез оксидланадиган кумушдек оқ металл.  $700-960^{\circ}\text{C}$  да суюқланади,  $1140^{\circ}\text{C}$  қайнайди, зичлиги  $5,5 \text{ г/см}^3$ . Р. нинг бирқанча комплекс бирикмалари маълум. Уран маъданининг 1 тоннасида 0,34г гача Р. бўлади. Р. ёрқин бўёқлар тайёрлашда, радон олишда кўплаб ишлатилади. Р. тузлари ўғитга оз миқдорда қўшилса ўсимликларнинг унумдорлиги ошади.

**Радиоактивность - Радиоактивлик** - баъзи атом ядроларини ўз-ўзидан парчаланиши билан элементлар заррачаларининг тушиб қолиши натижасида янги элементлар ҳосил қилиш хусусияти. Ҳозирда 3 та:  $\lambda$ ,  $\beta$  ва  $\gamma$  ўз-ўзидан парчаланишлари аниқланган. Бу парчаланишлардан радиоактив нурлар ҳосил бўлади. Уларнинг амалий қўлланишлари радиоактив нурланишларнинг ионлашган ҳаракатига асосланган. Радиоактивлик бирлиги сифатида Кюри (яъни 1гр. радийнинг радиоактивлигига, яъни  $3,7 \cdot 10^{10}$  парчаланиш / сек.га тенг) қабул қилинган.

**Радиоактивность атмосферы - Атмосфера радиоактивлиги** - ҳавода радиоактив газлар, элементлар, уларнинг парчаланиш маҳсулотлари ва аэрозолларнинг мавжудлиги. Т. ж. лари оғир элементларининг радиоактив парчаланиши жараёнлари, космик нурлар таъсиридаги реакциялар, атом қуролларини синовдан ўтказишда ва атом саноатидаги парчаланишлар атмосферанинг радиоактивланишига асосий сабаблар бўлади. Радиоактив газсимон маҳсулотлар (радон, торон, актинон) доимо Ер қобигидан ҳавога кўтарилиб, тарқалади.

**Радиоактивность горных пород - Тоғ жинсларининг радиоактивлиги** - т. ж. ларида U, Th, уларнинг парчаланишидан ҳосил бўлган K ва Rb моддаларининг мавжудлиги билан боғлиқ. Қолган элементларнинг мутлақ активлиги  $10^3-10^{17}$  марта кам. Т. ж. ларининг радиоактивлиги Ернинг иссиқлик мувозанатини сақлашда катта аҳамиятга эга. Магманинг дифференциацияси натижасида U ва Th элементларининг тўпланиши ҳам қонуният билан ўзгаради. Магматизмнинг бошланғич ва илк босқичларида т. ж. лари радиоактивлиги паст; ўрта ва кечки босқичларида-юқори, интрузиянинг якунловчи фазасида эса баъзан радиоактивликнинг пасайиши билан тавсифланади.

**Радиоактивность природных вод - Табиий сувларнинг радиоактивлиги** - табиий сувлар радиоактивлиги улардаги радиоактив элементларнинг концентрацияси бўйича аниқланади. Уран концентрацияси  $n \cdot 10^{-9}$ - $n \cdot 10^{-2}$  %, радий  $n \cdot 10^{-15}$ - $n \cdot 10^{-9}$  %, радон концентрацияси эса  $n$ - $n \cdot 10^4$  эманни ташкил этиши мумкин.

**Радиоактивные минералы - Радиоактив минераллар** - Ер пўстидаги жинслар таркибида ўртача миқдордан кўпроқ радиоактив элементлари бўлган м-ллар. Таркибида уран торий, элементлари бўлган 250 га яқин Р. м. маълум. Улар радиоактив элементлар изоморф аралашмаси (уран ва торий таркибли) ҳолида бўлган Р.м. га бўлинади.

**Радиоволновые методы разведки - Қидиришнинг радио-тўлқинли усуллари** - маъданли ф. қ. конларини излаш ва қидириш ҳамда ҳудудни геологик стёмка қилиш мақсадида электромагнит майдонларни бир неча кГц дан юз мГц гача бўлган диапазон частотасида ўрганишга асосланган радиоқидирув-электроқидирув усуллари.

**Радиогидрогеология - Радиогидрогеология** - гидрогеология фанининг табиий радиоактив сувларнинг ҳосил бўлиши ва тарқалиш қонуниятларини ўрганувчи тармоғи. Радиоактив сувлардан радиоактив жинслар конини излаш мезони сифатида фойдаланиш имкониятларини ўрганади.

**Радиометр - Радиометр** - геологик мақсадларда майдонларни ўрганишда  $\gamma$  - нурланишни ўлчайдиган асбоб. Нурланишни қабул қилувчи мослама сифатида газ-разрядли ҳисоблагич (Гейзер-Мюллер) ва сцинтиллятор ишлатилади.  $\beta$  - нурланишни ўлчашда сцинтилляция қилувчи пластмассалардан фойдаланилади.

**Радиус влияния скважины, колодца и т.п. - Бурғи қудуғи, қудуқ ва бошқаларнинг таъсир этиш радиуси** - сув чиқариш иншоотидан унинг таъсир этиш майдони чегарасигача бўлган масофа.

**Радиус гидравлический - Гидравлик радиус** - сув оқими кўндаланг кесими майдонининг сув билан намланган майдонга нисбати.

**Радиус питания колодца приведенный - Қудуқнинг келтирилган таъминланиш радиуси** - сув чиқариш вақтида асиметрик депрессия воронкаси ҳосил қилувчи қудуқларнинг айлана шаклига келтирилган ҳолатдаги радиуси. Келтирилган радиус билан аниқланган майдон қудуқларнинг мавжуд сарфини таъминлайди.

**Радиус полезного действия при откачке - Сув чиқаришдаги фойдали радиус** - қудуқ ёки б. иншоот марказидан то талаб этилган сув сатҳининг пасайиши таъминланган нуқтагача бўлган масофа.

**Радон - Радон** - М.д.с.нинг VIII-гурӯҳига мансуб радиоактив к.э. Т.р. 86, инерт газлари жумласига киради. Энг барқарор изотопининг масса сони 222. Р. нинг 20 дан ортиқ изотопи маълум, улардан 3 таси (радон, торон, актинон) табиий 3 радиоактив қаторидаги изотоплар жумласига киради. Улар ҳавода, сувда ва тупроқда учрайди. Р. рангсиз, ҳидсиз, таъмсиз газ.  $-71^{\circ}\text{C}$  да суюқланади,  $-62^{\circ}\text{C}$  да қайнайди, зичлиги  $9,9 \text{ кг/м}^3$ . Радиоактивлиги жиҳатидан жуда ҳавфли захарли модда. Р. радий тузларидан олинади. Илмий тадқиқотларда ва тиббиётда ишлатилади. Металл сиртларининг нотекислигини аниқлашда, радиоактив элементларни топишда қўлланилади.

**Разбивка пикетов - Пикетларга бўлиш** - жойларда қидирув иншоотлари ўтказиш, геологик, геофизик, геокимёвий ва б. изланишлар олиб бориш учун қўйиладиган махсус белгилар (пикетлар). Белгилар маълум тартиб билан рақамланади. Уларга кўпинча топогеодезик нуқталар ёки чизиқлар асос қилиб олинади. **Разбивка сети геологоразведочных выработок - Геологик қидирув қазилма иншоотларини жойлаштириш тўри** - геологик-қидирув қазилма иншоотларини ўтказиш нуқталарини жойларда аниқлаш. Бунинг учун топографик харитада бериладиган иншоот ҳолатини аниқлаш, уларни пикетлар орқали харитадан жойларга ўтказиш ва иншоотлар бошланадиган жойларни белгилаш ишлари киради. Бу ишлар ҳам топогеодезик нуқта ва чизиқларга боғланган ҳолда олиб борилади.

**Разведка - Қидириш** - конни ҳар томонлама тавсифловчи бир қатор геологик-саноат параметрларини аниқлаш, уни саноат учун баҳолаш, лойиҳалаш ва тоғ - маъдан корхонасини қуриш мақсадида бажариладиган геологик ишлар мажмуи. Муайян коннинг геологик тузи-



лиши, ундаги ф. қ. тарқалиши, сифати, миқдори, қазиб олиш шароити, бойитиш ва қайта ишлашнинг самарали усуллари мажмуини қўллаш натижасида В, С<sub>1</sub> ва С<sub>2</sub> тоифали заҳиралар, Р<sub>1</sub> тоифали ресурслар ҳисобланади.

**Разведка аэрогеофизическая - Аэрогеофизик қидириш** - самолёт ёки вертолётга ўрнатилган аппаратура билан табиий ёки сунъий қўзғатиладиган ернинг физик майдонларини ўлчаш усуллари (аэрогамма съёмка, аэромагнит съёмка, аэроэлектро қидирув ва б.) нинг мажмуи. Ф. қ. конлари (нефть, газ, рангли металллар, радиоактив маъданлар) ни излаш тектоник районлаштириш ва геологик съёмка мақсадларида қўлланилади.

**Разведка вскрышная - Кон юзасини очишда қидириш ишлари** - очиқ усулда ўзлаштириладиган конлар устки қисмида назорат мақсадида қидириш иншоотларини қовлаб ўтиш.

**Разведка эксплуатационная - Эксплуатацион қидириш** - ф. қ. ни қазиб олишдан бир оз олдин ва кондан фойдаланиш даври давомидаги қидириш ишлари. Унинг асосий вазифаси - эксплуатацион ишларни режалаштириш ва тўғри олиб боришни таъминлаш учун ишончли геологик маълумот ва материалларни олиш натижасида В ва С<sub>1</sub> тоифасидаги заҳиралар ҳисобланади.

**Разведочная сеть - Қидириш тўри** - қ. *"Сеть разведочная"*.

**Раздув пласта - Қатлам бўртмаси** - қатлам қалинлигининг бирдан кенгайиб кетган қисми.

**Разгруженные грани разломов - Узилмаларнинг бўшоқлик юзалари** - геодинамик кучлар таъсирида ҳосил бўлган узилманинг бўшоқ қисми. Ҳар хил катталиқдаги қамровчи т. ж. лари бўлаклари билан тўлган бўлиб, гидротерма ҳаракат-лари, маъданли м-лларни тўпланиши учун қулай шароит туғдиради.

**Разлинзование - Линзаланиш** - эгилувчан (пластик) т. ж. лари қатламлари орасидаги мўрт т. ж. лари қатламлари, шунингдек дайка ва томирсимон таналарнинг бир-бири билан бўғинлар орқали боғланиб турувчи линза ва блоklarга ажралиб туриши. (қ. *Будинаж*).

**Разлом - Ёриқ** - Ер қобиғидаги кенг миқёсли дизъюнктив силжиш натижасида пайдо бўлган йирик дарзликлар. Улар катта чуқурликка етиб боради ҳамда сезиларли узунлик ва кенгликларга эга бўлади. Т. ж. лари ёриғи одатда турли хусусиятли тектоник тузилмалар орасида пайдо бўлади ва узоқ муддат ривожланади.

**Разломы внутригеосинклинальные глубинные - Геосинклиналлар ичидаги чуқур ёриқлар** - геосинклинал ботиқликларни геоантиклинал қабариклар ва ўрталик массивлардан ажратиб турувчи ёриқлар.

**Разломы глубинные - Чуқур ёриқлар** - Ер пўстининг ҳаракатчан йирик блоklarини ажратувчи ва мантиянинг юқори қисмигача етиб боровчи ёриқлар. Уларнинг узунлиги бир неча юз, ҳатто минг км гача, кенглиги бир неча ўнлаб км ларга етади.

**Разломы межглыбовые глубинные - Палахсаларо чуқур ёриқлар** - бурмаланиш зоналари фундаменти тузилишини юзага келтириб, геосинклинал областлар ботиқликлари ва қабариклари ичида айрим блоklarни ажратиб туради. Ер пўстидаги чуқур ёриқларга мансуб. Кўпинча улар билан ер пўсти ичидаги гранитоид (сиал) магматизм ўчоқлари боғлиқ.

**Разломы парные глубинные - Чуқурликдаги жуфт**

**ёриқлар** - бир-бирига яқин жойлашган чуқур ёриқлар. Бу ёриқлар ораси горст, ёриқ бўйи эгилмалари, грабен кўринишидаги боғловчи зоналардан иборат. Ораси бир-бирига яқин бўлса яхлит чуқур ёриқ сифатида қараш керак.

**Разломы перикратонные глубинные - Чуқурликдаги перикратон ёриқлар** - геосинклинал областларни платформалардан ажратиб туради. Бу ёриқлар чекка эгилмаларни ҳосил қилади. Гоҳо бу ёриқлар платформага геосинклинал ҳосилаларни суради.

**Разломы периокеанические глубинные - Чуқурликдаги периокеан (океан қирғоқ бўйи) ёриқлари** - океан ва материкларни, уларни турли хил пўстлари билан ажратувчи чуқур ёриқлар.

**Разломы поперечные глубинные - Чуқурликдаги кўндаланг ёриқлар** - геосинклиналь минтақаларнинг йўналишини кўндаланг тарзда кесувчи чуқур ёриқлар.

**Разломы продольные глубинные - Чуқурликдаги бўйлама ёриқлар** - геосинклиналь системалар билан умумий йўналишга эга бўлиб, геосинклинал областларнинг кўпчилик чуқур ёриқларини қамраб олади.

**Разломы рудовмещающие - Маъдан қамровчи ёриқлар** - физик-кимёвий жиҳатдан маъданларнинг жойлашишига мос келадиган геологик муҳитдаги бўшоқ юзали ёриқлар. Маъдан келтирувчи ёриқлар билан (кесмада ва планда) тик ва ётиқ ўткир бурчак остида бир-бири билан уланган, кесишган, бир-бирига параллел ёриқлар орасидаги нарвонсимон ёриқлар ва б. лар мажмуаси.

**Разломы рудоподводящие - Маъдан келтирувчи ёриқлар** - магма ўчоғидаги сульфидлашган қолдиқ магмалар ва маъданли флюидлар (эритмалар) ни маъдан тўпланадиган ер билан боғловчи ёриқлар.

**Разломы рудораспределяющие - Маъдан тақсимловчи ёриқлар** - маъдан келтирувчи ёриқлар билан бурчак остида бирлашган ёки уларни кесиб ўтган ёриқлар. Маъданлашган магма қолдиғи ёки флюидлар (эритмалар) нинг маъданлар жойлашишига таркибий ва физик томондан мос бўлган муҳитга етиб боришига шароит яратувчи ёриқлар мажмуаси.

**Разломы сверхглубокие глубинные - Ўта чуқурлик ёриқлари** - "мантияда вужудга келган" деб тахминланувчи ёриқлар.

**Разломы сквозные глубинные - Чуқурликдаги кесувчи ёриқлар** - материк ва океанларни кесиб ўтувчи яхлит чуқур ёриқлар.

**Разломы сейсмогенетические - Сейсмогенетик ёриқлар** - Ер қимирлаши билан боғлиқ бўлган, ернинг тебраниши натижасида сурилиш ва узилишлар ҳосил қиладиган йирик тектоник структура.

**Размягчаемость пород - Тоғ жинсларининг юмшаш қобиляти** - қаттиқ т. ж. ларининг намлиги ошиши билан юмшаш хоссаси. Юмшаш коэффициенти билан аниқланиб, сувга тўйинган т. ж. ларини зичланишга вақтинча кўрсатадиган қаршилигини, сувга тўйинишгача бўлган зичланишга кўрсатган вақтинча қаршилиги нисбати билан ифодаланади. Бу катталик т. ж. ғоваклиги, минералогик таркибига боғлиқ бўлиб, т. ж. ларининг нурашга қаршилигини билвосита тавсифлайди.

**Разметка выработки - Тоғ-кон иншоотини белгилаш** - режалаштирилган тоғ-кон иншоотлари ўлчамларини, йўналишларини, қайрилиш бурчакларини ва б. ларни жойида қазувчи-ларга кўрсатиш ва уларда таянч нуқ-

таларни (реперларни) белгилаш.

**Размокаемость горных пород - Тоғ жинсларининг ивиши, бўқиши** - намланиш натижасида т. ж. лари заррачалари орасидаги боғла-ниш камаяди ёки йўқолади. Бу хусусият т. ж. ларининг таркиби, цементлашиши, донадорлиги, зичлиги, намлиги, таъсир этувчи сувнинг кимёвий таркиби каби омилларга боғлиқ.

**Размыв - Нураган тоғ жинсларини ювилиши** - т. ж. ларининг сув оқими, музликлар, шамол ва б. табиий кучлар таъсирида нураши ва бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиш жараёни. Бу жараён ер усти ва сув ости шароитларида кечади. **Разработка временных кондиций - Вақтинчалик кондицияларни ишлаб чиқиш** - заҳираларни тезлик билан ҳисоблаш мақсадида ишончлилик даражаси паст бўлган маълумотлар асосида кондициялар тузиш. қ. *Кондициш.*

**Разработка месторождений полезных ископаемых - Фойдали қазилма конларини ўзлаштириш** - Ер бағридан ф. қ. ларни қазиб олишнинг ўзаро боғланган тоғ ишлари жараёни мажмуи. У ер ости тоғ иншоотлари (шахта усули), тоғ иншоотлари мажмуи (карьер ёки очиқ усул) ва бурғи қудуқларини эксплуатация қилиш тизими (бурғи қудуқлари усули) ёрдамида, шунингдек, денгиз сатҳидан пастдаги ишлар (денгиз усули) билан боғлиқ усуллар қўлланиб амалга оширилади. Дастлабки икки усул қаттиқ ф. қ. ларни қазиб чиқариш учун қўлланилади. "Бурғи қудуқлари" усули эса асосан суюқ ва газсимон ф. қ. ларни чиқариб олишда қўлланилади. **Разрежение - Сийраклаштириш** - қидирув тўри зичлигининг рационал ўлчамларини аниқлаш усуллари билан бири. Маълум участка ёки кон доирасида жуда зич тўр бўйича олинган параметрларини (одатда қалинлиги, миқдори) 2,3,4 ва ундан ортқроқ марта камроқ иншоотлардан олинган маълумотлар билан таққослашдан иборат.

**Разрез геологический - Геологик қирқим** - геологик тузилишнинг вертикал текисликдаги тасвири. У қуйидагиларни ўз ичига олади: т. ж. ётиш шароитлари, турли ёш ва таркибдаги т. ж. ларининг бир-бирига нисбати, геологик жисмларнинг шакли ва улар қалинлигининг ўзгариши, бурмаланиш ва узилмаларнинг хоссалари, турли фациялар ва уларнинг биридан иккинчисига ўтиш хусусиятлари ва ҳ.к. Геологик харита билан бир вақтда тузилади ва унга аниқлик киритиб тўлдиради.

**Разрез геологический скважины - Геологик бурғи қудуғи қирқими** - бурғи қудуқларидаги т. ж. қатламларининг кетма-кетлигини тавсифлаш ва чизмаларда ифодалаш.

**Разрез геолого-геофизический - Геологик-геофизик қирқим** - геологик-геофизик маълумотлар асосида ҳудуднинг геологик ички ва ташқи тузилишини тавсифловчи маълум йўналиш бўйича график ифода. Қирқим бурғи қудуқларида ва ер юзасида ўтказилган тадқиқотлар маълумотларига асосланиб тузилади.

**Разрез гидрогеологический - Гидрогеологик қирқим** - қ. *Профиль (разрез) гидрогеологический.*

**Разрез палеогеографический - Палеогеографик қирқим** - бирор ҳудуднинг тарихий - геологик ва палеогеографик ривожланишидаги табиий географик шароитлари муайян босқичларининг алоҳида шартли белгиларда берилган ҳамда йўналиш бўйича кўрсатилган вертикал текисликдаги тасвири.

**Разрез (профиль) разведочный - Қидирув қирқимлари** - кон участкаси ёки маъдан майдонининг қиди-

риш ҳамда фойдаланиш маълумотлари асосида вертикал, баъзида қия текисликда умумлаштирилган чизма тасвири. Геологик харита ва стратиграфик колонка билан биргаликда маъдан жисмлари тузилиши бўйича ҳажмий тасаввур беради.

**Разрез продольный - Бўйлама кесим** - т. ж. лари ва маъдан жисмлари ёки ётқизиклар йўналишида тузилган қирқим.

**Разрез стратиграфический опорный - Стратиграфик таянч қирқим** - ер пўсти маълум участкасининг ёки унинг бир қисми ётқизикларининг муфассал қирқими. Регионнинг б. қисмидаги ёки регионлараро қирқимларни солиштиришга хизмат қилади.

**Разрез стратиграфический сводный - Умумлаштирилган стратиграфик қирқим** - ер пўстининг хусусий қирқимларини таянч қатламлар ва горизонтларини бир бири билан солиштириш асосида тузиладиган қирқим.

**Разрыв - Узилма** - бир-бирига нисбатан силжиган геологик жисмларнинг бўлаклари кузатиладиган кўп турдаги тектоник бузилишларнинг умумий номи.

**Разубоживание полезного ископаемого - Фойдали қазилманинг камайиб кетиши** - ф. қ. ни ўзлаштириш жараёнида маъдансиз т. ж. лари билан аралашishi натижасида фойдали компонентлар миқдорининг камайиб кетиши. У ер ости сувлари таъсирида фойдали компонентларнинг олиб чиқиб кетилиши натижасида ҳам содир бўлиши мумкин.

**Район гидрогеологический - Гидрогеологик район** - ётиш шароити, тўйиниши ва оқими, ҳосил бўлиши бўйича геологик структурада, унинг бир қисмида ёки бир хил структураларда жойлашган ер ости сувлари тарқалган ҳудуд.

**Район инженерно - геологический - Мухандислик-геологик район** - муҳандислик геологик ҳудуднинг катта қисми бўлиб, районнинг б. қисмини ташкил этувчи т. ж. лари комплексидан фарқланувчи геологик ҳосилалардан иборат.

**Район карстовый - Карстли район** - маълум бир турдаги (очиқ ёки ёпиқ, карбонат, галоген ва б. т. ж. да тарқалган, ёши бўйича ва яна шунга ўхшаш бир қанча белгилар бўйича) карстларнинг тарқалганлиги бўйича ажратилган районлар.

**Район россыпей - Сочмалар райони** - охирги сочма ҳосил бўлиш босқичлари, нураш ва денудация, ғовак т. ж. лари стратиграфияси ва саноат учун аҳамиятли сочма турлари ўхшаш бўлган майдонлар.

**Район рудный - Маъданли район** - металлогеник провинция, область ва зоналарнинг таркибий қисми бўлган, нисбатан изометрик ёки нотўғри шаклли маъданлашишга эга майдон.

**Районирование - Районлаштириш** - геоморфологик, металлогеник, сейсмик ва б. хусусийликлари бўйича айрим ҳудудларни чегаралаш.

**Районирование геоморфологическое - Геоморфологик районлаштириш** - ҳудуд рельефининг фақат маҳаллий сабаблар билан боғлиқ қайтарилмайдиган хусусиятлари - иқлим ва ўсимликлари, фундамент ва платформа филофининг тузилиши, бўшоқ қопламнинг ётиши, инсон фаолияти ва шу каби сабаблар бўйича районлар (таксономик бирликлар) га бўлиниши.

**Районирование металлогеническое - Металлогеник районлаштириш** - турли аҳамиятга, ўлчамларга

ва хоссаларга эга бўлган маъданли майдонларни ажратиш ҳамда уларнинг аҳамиятини нисбий баҳолаш. Металлогеник районлаштиришда металлогеник ҳудудлар, минтақалар, структуравий металлогеник зоналар ва янада кичикроқ миқёс-ларда - маъдан райони, зонаси, майдони кам кичик таксонометрик бирликлар ажратилади.

**Районирование сейсмическое - Сейсмик районлаштириш** - сейсмик фаоллик фарқига қараб ҳудудларни районларга ажратиш. Сейсмик районлаштириш маълум зилзила оқибатларини, турли кучга эга бўлган зилзила марказлари жойлашини, маълум энергия ресурсига эга бўлган зилзилаларнинг қайтарилувчанлиги, статистик, тектоник ва геоморфологик маълумотларни ҳисобга олган ҳолда ажратилади. Сейсмик районлаштириш - қаерда, қандай куч билан зилзила бўлиши мумкинлигини харитада кўрсатиш.

**Районирование тектоническое - Тектоник районлаштириш** - Ер қобиғининг ёки тектоносферанинг табиий участкаларини тарихий-геологик риводланиши ва морфологик хусусиятлари бўйича геологик-геофизик ҳамда геохимийвий ўрга-ниш асосида ажратиш.

**Районы (зоны, узлы) рудные - типы - Маъдан районлари (зоналари, тугунлари) - турлари** - маъдан формацияси структуравий белгилар ва б. бўйича турларга ажратилади.

**Ракушечники (ракушняки) - Чиганоқтошлар** - яхлит ёки парчаланган чиганоқ-лардан ташкил топган оҳак тошлар. Одатда литорал ва сублиторал зоналарда ривожланади. Ташкил этувчи чиганоқларга қараб турларга бўлинади.

**Ральстонит - Ральстонит** -  $\text{Na}_x \text{Mg}_y \text{Al}_{2-x} (\text{F}, \text{OH})_6 \cdot \text{H}_2\text{O}$ . Қат. 4,5. Сол. оғ. 2,5-2,67. Рангсиз, оқдан қўнғиргача рангли, друзали, сталактит агрегатли, шишасимон ялтироқликка эга м-л. Пегматитларда томсенолит билан бирга учрайди. Син.: болдыревит.

**Рамзаит - Рамзаит** -  $\text{Na}_2 \text{Ti}_2 [\text{O}_3 | \text{Si}_2 \text{O}_6]$ . Қат. 6-6,75. Сол. оғ. 3,4. Жигаррангдан қора ранггача, оч сариқ, олмооссимон ялтироқликка эга бўлган м-л. Нефелинли сиенитларда ва пегматитларда лампрофиллит, эвколит, лопарит ва б.лар билан бирга учрайди. Син.: лоренценит.

**Раммельсбергит - Раммельсбергит** -  $\text{Ni As}_2$ . Қат. 5-6. Сол. оғ. 7,2. Сферолит изоморф қаторининг аъзоси. Қалайсимон оқ рангли, кулранг - қора, радиал нурсимон, донатор агрегатли, металсимон ялтироқликка эга м-л. Ni-Co конлариди ва Ag-Ni-Co-Bi-U формациясида Ni-Co-U билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари: амальтин, никелин, маухерит.

**Ранкилит - Ранкилит** -  $\text{Co} [(\text{UO}_2)_2 | (\text{Si}_6 \text{O}_{15})] \cdot 5\text{H}_2\text{O}$ . Қат. 3,5. Сол. оғ. 3,35. Сариқ рангли, садафсимон ялтирайдиган, сферолитсимон агрегатли м-л. Гранатпироксен-эпидотли скарнлардаги кварцли томирларда учрайди. люминесценцияланиш хоссасига эга. Оксидланиш зонасида гипс, кальцит, лимонит билан ассоциация ҳосил қилади. Син. хейвиит.

**Рапа - Рапа** - табиий ва сунъий шўр сув ҳавзаларидаги тузли эритма. Таркиби сув ҳавзасининг иқлим шароитига, унинг ёшига, ҳавзага олиб келинаётган туз таркибига ва б. омилларга боғлиқ.

**Рапа донная - Ўзан туби рапаси** - қ.. *Рапа межкристалльная.*

**Рапа межкристалльная - Кристалларо рапа** - ўзан туби кристаллари орасидаги говакликларни тўлдириб

турувчи тузли эритма. Унинг миқдори говаклик ҳажмига боғлиқ бўлиб 10 дан 20-30 % гача етиши мумкин. Таркиби KCl, NaCl Br ли туз сувларидан иборат. **Рапакиви - Рапакиви** - биотит ёки биотит-шоҳ алдамчиси порфири кўринишидаги гранит бўлиб, порфирли ажратмаларнинг атрофини ортоклаз ўраб туради. Улар нураш жараёнида тез парчаланнади.

**Раскальвание керна - Керни синдириш** - намуналар олиш жараёнида кернлар ўқи бўйича синдирилади. Секцион намуналар олишда эса маъдан турлари контакти бўйича ҳам ёрилади.

**Распространённость химических элементов - Кимёвий элементларнинг тарқалганлик даражаси** - қ. *Кларк.*

**Рассечка - Рассечка** - катта узунликка эга бўлмаган Ер ости горизонтал тоғ иншооти. Ф. қ. таналари бўйлаб ёки уларни кесиб ўтиш мақсадида б. қазилма иншоотлари ичидан қовланади.

**Рассеянные элементы - Тарқоқ элементлар** - қ. *"Элементы рассеянные"*

**Рассолы - Намакоблар** - тузлар концентрацияси 50 г/л дан кўп бўлган табиий ёки сунъий сувли эритмалар.

**Рассолы подземные - Ер ости намакоблари** - таркибиди эриган м-л моддалар, асосан нитратлар ёки сульфатлар концентрацияси 36 г/л дан ортиқ бўлган ер ости сувлари. Е. о. н. седиментация ҳавзаларида кенг тарқалган. Шунингдек Е. о. н. шельфларда ҳамда кристалли қалқонларнинг гиперген дарзланиш зоналарида маълум. Улар одатда чучук ва шўр сувлар остида чўкинди филофнинг қалин қатламларида жойлашган бўлади. Е. о.. н. лари ётиш шароитига қараб туз усти, оралиқ ва туз ости турларига ажратилади. Туз усти намакобларинатрийли (300-320 г/л) оралиқ ва туз ости намакоблари кўп компонентли туз эритмалари 600 г/л га етади.. Е. о. н. дан йод, бром, ош тузи., магний, кальций, калий олинади. Е. о. н. тиббиётда даволанишда ишлатилади. Е. о. н. Ўзбекистонда Устюрт, Жан. Оролбўйи, Бухоро, Қарши, Сурхондарё ва Фарғонада мавжуд. Улар 500 м ва ундан ҳам чуқурроқда чучук ва шўр сув қатламлари остига жойлашган.

**Расстеклование - Шисаланиш** - қаттиқ ҳолдаги вулкан шишасининг ёпиқ агрегатли м-л.лар кристалларига ўтиши. Бу жараён босим ва ҳарорат остида, атомларнинг қайта гуруҳланиши ҳисобида юз беради.

**Раствор насыщенный - Тўйинган эритма** - эриётган модданинг ортиқча қисми билан мувозанатда бўлган эритма. Т.э. да эриган қаттиқ модданинг миқдори кўпинча ҳароратнинг ортиши билан ортади.

**Раствор нормальный - Меъёрий эритма** - 1 л эритмада 1 гр/экв модданинг мавжудлиги ҳолати.

**Раствор перенасыщенный - Ута тўйинган эритма** - мазкур шароитда эриётган модданинг миқдори унинг меъёрий эрувчанлигидан ортиқ бўлган эритма. Бундай эритма анча юқори ҳароратда тўйинган эритмани аста-секин эҳтиёткорлик билан совутиш натижасида ҳосил бўлиши мумкин.

**Раствор поровый - Говакликдаги эритма** - Син.: *"Вода отжатая"*.

**Раствор титрованный - Титрланган эритма** - концентрацияси аниқ бўлган реактив эритмаси. Амалиётда ҳажмий анализларда концентрация модданинг 1 л. эритмадаги грамм - экв. ёки грамм - молекула бирликларида ифодланади.

**Растворы гидротермальные - Гидротермал эритмалар** - кўпинча газ компонентлар билан бойиған, ер қобигида кўчиб юрүвчи м-л моддаларни ташиш ва тўпланишида иштирок этүвчи қайноқ сувлар.

**Растворы гипогенные - Гипоген эритмалар** - магманинг кристалланишида ажраладиган ва чуқурликдан кўтариладиган эритмалар.

**Растворы нисходящие - Пастга сингүвчи эритмалар** - Ернинг юза қисмида ҳосил бўлувчи эритмалар. Улар босимсиз, гравитацион кучлар таъсирида ҳаракатланади.

**Растворы рудоносные - Маъданли эритмалар** - Ер пўстининг катта чуқурликларида ҳосил бўлиб, маъдан компонентларини юқорига кўтариб чиқиб ётқизувчи эритмалар.

**Растворы супергенные - Суперген эритмалар** - қ. *Растворы нисходящие*.

**Растворы трансмагматические (сквозьмагматические) - Трансмагматик эритмалар** - енгил учувчан ва ҳаракатланувчи компонентларнинг ( $H_2O$ ,  $CO_2$ ,  $K_2O$ ,  $Na_2O$ ,  $HU$  ва б). гипотетик эритмалари бўлиб, т. ж. ларида магманинг таъсирида юзага келувчи гранитли эритмаларнинг ҳосил бўлишини тақозо этүвчи оқимлар. Тахмин қилинишича, интрузив массивлар қотгандан сўнг бу эритмалар уларни турли маъдан ҳосиллари билан бойитади.

**Растительность - Ўсимликлар** - Ер шарининг маълум ҳудудларида тарқалган ўсимликлар мажмуаси. Уларнинг бўлинишида ассоциациялар, турлар каби таксономик бирликлардан фойдаланилади.

**Растрескивание подводное - Сув ости дарзланиши** - диагенез жараёнида чўкиндилар ҳажмининг кичрайиши ҳисобига дарзликлар пайдо бўлиши. Одатда улар чўкиндиларни ташкил этүвчи коллоид моддаларнинг тузилиши билан боғлиқ бўлиб, намлик камайиш ҳисобига юзага келувчи дарзликлардан фарқ қилади.

**Расход (уровень) воды бытовое - Хўжалик сув сарфи (даражаси)** - турар жойларни хўжалик суви билан таъминлаш учун кўзда тутилган сув сарфи миқдори.

**Расход колодца - Қудуқ сарфи** - Син. *"Дебит колодца скважины"*.

**Расход руды - Маъдан сарфи** - 1т концентрат ёки фойдали компонент (металл) олиш учун керак бўладиган маъдан миқдори.

**Расход скважины - Бурғи қудуғи сарфи** - Син. *"Дебит колодца (скважины)"*

**Расчистка - Тозаланган майдонча** - туб т. ж. ва ф. қ. ни очиш мақсадида қопловчи қатламларни геологик қидириш ишлари жараёнида четга суриб ташлаш натижасида юзага келувчи энг содда тоғ-кон иншооти.

**Расщелина - Очиқ дарзлик** - қоя т. ж. ларидаги очиқ дарзлик бўлиб, баъзан сув ювиши ёки денудация таъсирида кенгайган бўлади.

**Расщепление пласта - Қатламлар ажралиши** - т. ж. лари қатламининг чўкинди ҳосил бўлиш жараёни ҳосиласи сифатида 2 ёки ундан кўп қатламларга бўлиниши (ёки ажралиши).

**Рауенталит - Рауенталит** -  $Ca_3[AsO_4]_2 \cdot 10H_2O$ . Сол. оғ. 2,36. Рангсиз, оқ рангли м-л. Жуда мўрт, мис конларидаги б. иккиламчи арсенатлар билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари: фармакалит, сенфельдит. Син.: рауенталит.

**Реакции ядерные в природе - Табиатда ядровий**

**реакциялар** - термоядровий ҳамда ядроси фаол заррача ва ядро бўлиниши натижасида юзага келади. Биринчиси миллионлаб даража ҳарорат талаб этгани учун юлдузлар бағрида юз берса, иккинчиси атмосферада ва литосферада космик нурланиш ҳисобига юзага келади.

**Реакция Мейгена - Мейген реакцияси** - м-лларни бўяш реакцияси кукунларда кальцийни арагонитдан фарқлашда қўлланилади. Бунинг учун  $CO (NO_3)_2 \cdot 6H_2O$  10 % эритмасида арагонит бир неча минут қайнатилгандан сўнг бинафша рангга бўялади. Кальций эса рангсиз ҳолатда қолади.

**Реакция Хиндена - Хинден реакцияси** - кальцитни доломитдан фарқлаш учун қўлланиладиган бўялиш реакцияси. Бунда 1 г оҳақтош-доломит кукуни 5 см<sup>3</sup> ҳажмдаги 10 % ли  $Fe Cl_2$  эритмасига солинади ва совуқ ҳолатда силкитиб аралаштирилади. Агарда жадал  $CO_2$  ажралиб чиқиб жигаррангли қизғиш чўкинди ҳосил бўлса у кальций, агарда ўзгариш юз бермаса доломит эканлиги аниқланади.

**Реальгар - Реальгар** -  $As_4S_4$ . Сол. оғ. 3,5-3,6. Сульфидлар синфига мансуб, ранги қизил, ёғсимон ялтирайдиган, яхлит донатор агрегатли м-л. Қизил маргимуш. Одатда ўрта ва паст ҳароратли вулканоген ва телетермал конларда ҳамда вулкан кратери деворларида, сольфатар ва фумаролларда ҳосил бўлади. Таркибида 70 % маргимуши бор. Йўлдош м-ллари: аурипигмент, антимонит, киноварь. Син.: қизил олтингургурт, сандарагат ва б. лар.

**Ребра кристалла - Кристалл қирралари** - кристал томонларининг кесишишидан ҳосил бўлган тўғри чизиқ.

**Регенерация месторождений - Конлар регенерацияси** - олдин шаклланган маъдан таналарининг кейинги тектоник жараёнлар (метаморфик, магматик, гидротермал) ўзгариш-ларига учраган ва қайта ёшарилиш ҳисобига янгидан ҳосил бўлган иккиламчи эндоген конлар.

**Регидратация - Қайта сувга тўйиниш** - олдиндан сувсизланган т. ж. ларининг қайта сувга тўйиниши.

**Регион инженерно-геологический - Мухандислик-геологик регион** - маълум бир тектоник структурадан иборат, инженер-геологик районлаштиришнинг энг йирик таксономик бирлиги. Майда масштабли обзор хариталарида умумий геологик тузилиши, гидрогеологик ва геоморфологик шароитлари ҳамда геологик жараёнларнинг кечиши бўйича бир хил бўлган майдонлар регион сифатида ажратилади.

**Реголит - Реголит** - ернинг табиий йўлдоши - оининг сатҳидаги қатлам бўлиб, бирламчи ой т. ж. га зарбали таъсирлар натижасида ҳосил бўлган. Таркибан базальтга яқин. Унинг қалинлиги 10м. гача боради.

**Регрессивный метаморфизм - Регрессив метаморфизм** - қ. *Метаморфизм регрессивный*.

**Регрессия моря - Денгиз регрессияси** - қуруқликдан денгиз сувларининг қочиши. Бу ҳодиса қуруқликнинг кўтариллиши, сув ҳавзасида сув сатҳининг пасайиши, ички денгизларда сув ҳажмининг камайиши, иқлим шароитининг ўзгариши ҳисобига юзага келади.

**Реддингит - Реддингит** -  $(Mn, Fe^{2+})_3 [PO_4]_2 \cdot 3H_2O$ . Кат. 3,35. Сол. оғ. 3,0-3,2. Фосфоритли изоморф қаторининг вакили. Оч пушти ранг, сарғиш оқ рангли, шитасимон ялтирайдиган, донатор, толасимон агрегатли м-л. Пегматитларда учрайди.

**Редингтонит - Редингтонит** -  $(\text{Fe}^{2+}, \text{Mg}, \text{Ni}) (\text{Cr}, \text{Al})_2 [\text{SO}_4]_4 \cdot 22 \text{H}_2\text{O}$ . Галотрихит м-лининг  $\text{Mg}, \text{Ni}, \text{Cr}$  ли тури. Оқ, яшил рангли шишасимон ялтирайдиган, толасимон кристаллашган агрегатли м-л.

**Редкие металлы - Ноёб металлар** - қ. *Металлы редкие*.

**Редкоземельные элементы - Ноёб ер элементлари** - қ. *Элементы редкоземельные*.

**Редкометалльные руды - Ноёб металли маъданлар** - мустақил м-ллар ёки изоморф аралашма кўринишидаги ноёб элементларнинг табиий бирикмаларидан ташкил топган маъданлар. Маъданли ва томирли м-ллар билан бирга тарқалган. Уларни саноатда ажратиб олиш қулай ва самарали.

**Реестр - Реестр (рўйхат)** - геология қидирув иншоотлари, намуналар ва б. ларнинг рўйхати. Р. Да тоғ қазилма-иншоотининг ўрни, ўлчамлари, мутлақ баландлиги, тартиб рақами, ундан олинган намуналар, кесиб ўтилган ф. қ. танасининг қалинлиги, сувли горизонтлар ва б. лар ҳақидаги маълумотлар ўз аксини топади.

**Режикит - Режикит** - ишқорий амфиболлар гуруҳининг толасимон ҳаворанг асбест м-ли.

**Режим гидрологический - Гидрологик режим** - мазкур сув ҳавзасидаги физик-кимёвий жараёнлар ва ҳодисалар мажмуаси. Г.р. кўшни сув ҳавзалари, литосфера ва атмосфера билан иссиқлик ва намлик алмашилиши ҳисобига юзага келади.

**Режим гравитационный - Гравитацион режим** - нефть гидрогеологиясида нефть қатламининг ишлаш режими. Бунда нефть харакати оғирлиги ҳисобига юз беради.

**Режим движения наносов - Ўтиринди жинсларнинг ҳаракатланиш режими** - чўкинди материалларни бир ердан иккинчисига кўчирувчи оқимнинг йўналиши, кнематик структурали ва бошқа оқимлар билан муносабати тавсифи.

**Режим осадков окислительно -восстановительный - Чўкиндиларнинг оксидланиш - қайтарилиш режими** - қуйидаги омилларга боғлиқ: 1) органик моддалар миқдори; 2) газ режими (олтингугурт водородининг мавжудлиги даражаси); 3) турли аэрация даражасини юзага келтирувчи гидродинамик режим; 4) чўкинди тўпланиш тезлиги (органик моддалар жадал тўпланганда оксидланиш тўлиқ юз бермайди); 5). чўкма чўкиш ҳавзасининг чуқурлиги ва ҳ.к.

**Режим подземных вод - Ер ости сувлари режими** - ер ости сувларнинг кимёвий ва газ таркиби, ҳарорат ва б. миқдорий ҳамда сифат кўрсаткичларининг қисқа муддатли, мавсумий, кўп йиллик ва асрий ўзгаришлари. Е.о.с.р. белгилувчи омилларга ҳудуднинг геологик тузилиши, геоморфологик ва гидрометеорологик шароитлари, биосфера ва инсон фаолияти киради.

**Режим тектонический - Тектоник режим** - Ер қобиғининг асосий структуравий областларида узоқ вақт кузатилувчи тектоник ҳаракатлар ва деформацияларнинг устувор тури. Шаклларнинг ҳосил бўлишида етакчи омил ҳисобланади. **Резание керна - Керни кесиб** - кернлардан штуф ва аншлиф, намуналарни олиш усули. Тош кесувчи ускуналар ёрдамида бўлакларга ажратиб олинади.

**Рейдность - Рейдлилик** - узоқ муддат мобайнида модда томонидан синаладиган қаттиқ ҳолатдаги пластик деформация ва оқувчанлик. Деформацияловчи куч

тузларга 10 йил, гранитларга 100000 йил таъсир этганда улар оқувчанлик хусусиятига эга бўлади.

**Рейкебурит - Рейкебурит** -  $(\text{Ba}, \dots) (\text{Ta}, \text{Nb}, \text{Ti})_2 \text{O}_6 (\text{O}, \text{OH})$ . Таркибида 5 % гача ВаО бўлган микролит м-ли тури.

**Река - Дарё** - водийларда оқувчи ва етарли даражада катталikka эга бўлган сув оқими. Оқим тавсифига кўра: доимий, мавсумий; тўйинишига кўра ёмғир, қор, музлик, ер ости ва аралаш тўйинишига эга бўлган дарёларга бўлинади. Дарёлар бош дарёга, ирмоқларга бўлинади ва дарёлар системасини ҳосил қилади.

**Река сухая - Қуруқ дарё** - баҳор ва эрта ёзда қорларнинг жадал эриши натижасида вулкан этақларида, ўзидан сув ўтказмайдиган пирокристалл т. ж. ларидан иборат водийларда вақтинча сув оқими кузатиладиган дарёлар.

**Река транзитная - Транзит дарё** - таъминланиш майдонидан куйилиш майдонигача бўлган ораликда ирмоқлар қуйилмайдиган, арид иқлимли минтақани кесиб ўтувчи дарёлар. Кичик дарёлар одатда “кўр дарёлар” деб юритилади. Чунки улар ерға сингиб ўз фаолиятини тугатади. Фақат катта дарёлар асосий қуйилиш ҳавзасига етиб боради.

**Реконструкция физико- географической обстановки - Табиий-географик шароитни реконструкциялаш (қайта тиклаш)** - мазкур чўкинди т. ж. лари комплекси ёки алоҳида т. ж. ҳосил бўлган табиий-географик шароитни қайта тиклаш. Бу иш т. ж.ларининг моддий таркибини, уларнинг терриген ва аутоген м-л.ларини, т. ж. ларидаги органик қол-диқларни, ёндош т. ж. ва қатламларига бўлган муносабатларини муфассал ўрганиш орқали амалга оширилади. Унинг асосида фацциал-палеогеографик харита ва хариталар серияси тузилади.

**Рельеф - Рельеф** - ер сатҳи шакллари мажмуаси бўлиб, ҳар бир участка ўз рельеф шаклига эга бўлади. Ерда юз берадиган эндоген ва экзоген жараёнлар натижасида ҳосил бўлади.

**Рельеф аккумулятивный - Аккумулятив рельеф** - рельеф шакллари мажмуи. Денгиз, дарё, кўл, музлик ва б. ётқизиқлар, шунингдек вулкан фаолияти (лава, кўл ва ҳ.к.) маҳсулотлари тўпланиши (аккумуляция) натижасида ҳосил бўлади.

**Рельеф альпийский - Альп туридаги рельеф** - музнинг геологик иши натижасида ҳосил бўлган рельеф. Емирилган, ёнбағирлари тик, қояли, чўққили (кар, цирк, трог ва б.) рельеф шакллари кенг тарқалганлиги билан фарқланади. А.т.р. мутлақ баландлиги қор чизигидан 2800 м юқорида, экзарация ва нивация жараёни натижасида ҳосил бўлади.

**Рельеф антропогенный - Антропоген рельеф** - одамларнинг фаолияти натижасида ҳосил бўлади. Денудация ва аккумулятив хилларига бўлинади. Денудацион хилига техноген зина, супача чеккаси, карьер, канал, зовур, кўл, сув омборлари ва б. Аккумулятив хилига эса кўрғон, дамба, пирамидасимон тепача, уюм (шахта ҳамда карьердан чиққан ортиқча т. ж. лари уюми) ва б. лар киради.

**Рельеф высокогорный - Баланд тоғ рельефи** - 3000-5000 м баландликларда жойлашган ва ер қобиғининг ҳаракат градиентларига эга бўлган тоғ рельефи турлари мажмуаси. Кўпинча қор чизигидан баландда жойлашган бўлади. **Рельеф низкогорный - Пастоглик рельефи** - баланд тоғликларни денуда-

ция жараёнлари натижасида ҳосил бўлган тогликнинг энг паст яруси. П.т.р. га 1000-2000м. баландликдаги текисликлар канъонлар шаклидаги жарликлар, қияликлар киради.

**Рельеф карстовый - Карст рельефи** - манфий шаклга эга бўлган, карст жараёни кенг тарқалган майдон рельефи шакли.

**Рельеф пластовый - Қатлам рельефи** - структуравий рельеф тури. қ. *Рельеф структурный.*

**Рельеф структурный - Структуравий рельеф** - геологик структура рельеф билан бир хил бўлган ҳолатларда намоён бўлувчи рельеф

**Рельеф ступенчатый - Зинасимон рельеф** - зинасимон қия сатҳлар учун тавсифли бўлган рельеф. Горизонтал ёки нисбатан қиялик ҳосил қилиб ётувчи, нураш жараёнига чидамсиз ёки кам чидамликка эга бўлган эффузив ва интрузив т. ж. лари тарқалган майдонларда кузатилади.

**Рельефа подводного формы вулканогенные - Сув ости рельефининг вулканоген шакллари** - сув ҳавзасининг туби рельефи шакли. Вулкан фаолияти натижасида (сув ости вулканлари, лава оқимлари, пирокластик материалларнинг тўпланиши, сув ости абиссал тепаликлари) ҳосил бўлади.

**Ренардит - Ренардит** -  $Pb[(UO_2)_4(OH)_4] \cdot (PO_4)_2 \cdot 8H_2O$ . Қат. 3. Сол. оф. 4,35. Уран смолаларига яқин бўлиб улардан  $UO_3$  нинг кўплиги билан фарқланади. Друзали қобиқсимон агрегатли, ёғсимон олмоосимон ялтирайдиган, сариқ рангли м-л.

**Рений - Рений** - Re. М.д.с.нинг VII-гурухига мансуб к.э. Т.р. 75; ат.м. 186,207. Р. табиатда икки изотоп ҳолида учрайди  $Re^{185}$ (37,07 %) ва  $Re^{187}$ (62,93 %). Р. Ер пўстининг масса жиҳатидан  $7 \cdot 10^{-8}$  % ини ташкил этадиган тарқоқ элемент. Молибден, вольфрам, тантал, платина, мис маъданлари, айниқса молибденит м-лида кўп. Р. оч кулранг оғир металл  $3180^\circ C$  да суюқланади,  $5900^\circ C$  да қайнайди, зичлиги  $21,03 \text{ г/см}^3$ . Р. га фтор таъсир эттирилиб, аммоний (ёки калий) перренатни ёхуд Р. оксидларини водород оқимида қайтариш йўли билан олинади. Ундан ташқари, Р. галогенитларини юқори ҳароратда вольфрам симда парчалаб ҳам соф Р. олиш мумкин.

Кимёвий элемент. Вольфрамитда аралашма ҳолида учрайди. Ташқи кўринишидан соф платинага ўхшаш.

**Рентабельность освоения месторождения - Конни ўзлаштиришнинг самарадорлиги** - ажратиб олинadиган компонент (металл) қийматининг унинг таннарихидан ошиши.

**Реньерит - Реньерит** -  $Cu_2(FeGe)S_4$ . Қат. 4-4,5. Сол.оф. 4. Тўқ сариқ рангли, металлсимон ялтироқликка эга бўлган м-л. Магнитлилик хусусиятига эга. Гидротермал т. ж. ларида учрайди.

**Реология - Реология** - моддаларнинг оқувчанлиги ҳақидаги физик механика фанининг бўлими. Яхлит муҳитнинг оқиши ва деформацияланиши масалалари, шунингдек т. ж. лари кучланиши релаксацияси билан шуғулланади.

**Реплика - Реплика** - т. ж. лари юзасининг аниқ нусхаси. Нусха шаффоф коллоидли ёки целлюлоза-ацетатли пленкага туширилади. Т. ж. ларидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси изларини ўрганишда қўлланилади.

**Ресилификация - Ресилификация** - қамровчи ва ён атрофидаги т. ж. ларидан ўтиб грунт сувларининг

боксит уюмларига кириб бориши натижасида улардаги Al нинг эриши оксидлари ёки гидрооксидларининг кремний кислотаси билан ўзаро таъсири натижасида иккиламчи (эпигенетик) каолиннинг ҳосил бўлиши.

**Ресурсы водные - Сув ресурслари** - халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланиш мумкин бўлган ер юзаси ва ер ости сувлари миқдори.

**Ресурсы водоносного пласта естественные (динамические) - Сувли қатламнинг табиий (динамик) ресурслари** - табиий шароитда ер ости сувларини таъминлаб турувчи манбалар. Атмосфера ёғинлари, дарё, кўл, сув омбори ва б. лардан сувнинг т. ж. қатламига сингишидан ҳосил бўлади. Сувли қатламнинг устида ва остида жойлашган қатламлардаги сув ҳам сингиши мумкин.

**Ресурсы минеральные - Минерал ресурслар** - геология қидирув ва геологик изланишлар натижасига кўра миқдорий баҳоланган, sanoатда фойдаланиш учун лаёқатли бўлган, мамлакат ҳудудларида топилган жами ф.қ. бойликлар мажмуаси. Улар қайта тикланиб, янгиланиб бўлмайдиган м-л бойлик ҳисобланади. Ўзлаштириш учун тайёрлаб қўйилган м-л ресурслар қисми м-л хом ашё базаси ҳисобланади.

**Ресурсы подземных вод естественные - Ер ости сувларининг табиий ресурслари** - ер ости сувларининг динамик (тикланувчи) ресурслари.

**Ретгерсит - Ретгерсит** -  $\alpha-Ni[SO_4] \cdot 6H_2O$ . Қат. 2,5. Сол.оф. 2,04. Яшил рангли м-л. Сувда эрийди. Ni конларининг оксидланиш зоналарида учрайди.

**Рецессия - Рецессия** - денгиз қуруқлик билан алмашмаган шароитдаги чўкинди тўпланишидаги танаффус. Бундай ҳодиса сув ҳавзаси тубида катта тезликка эга бўлган сув оқими мавжуд бўлган ҳолларда кузатилади.

**Решетка атомная - Атом панжараси** - ковалент боғланишга эга бўлган, қурилиш бирлиги кимёвий элементлардан ташкил топган кристалли панжара ёки умуман кристал. Шуни таъкидлаш лозимки, А. п. да атомлар бўлмайди.

**Решетка кристаллическая - Кристаллик панжара** - "Решетка пространственная" атамасининг синоними.

**Решетка пространственная - Фазовий панжара** - фазони тўлдириб турувчи параллелопипеднинг мос нуқталарига жойлашган нуқталар мажмуаси бўлиб, улар тенг томонлар ва тенг қовурғалар кесишиш жойларида тугунлар ҳосил қилади. Тугунларда эса бир хил атомлар, ионлар ёки атомлар гуруҳлари (молекулалар) жойлашган бўлади. Син.: *Решетка кристаллическая.*

**Риккардит - Риккардит** -  $Cu_2Te_2$ . Қат. 3,5. Сол. оф. 6. Янги ҳосил бўлган юзаси бинафша-қизил рангли бўлиб, тезда хиралашадиган, ранги қизил м-л. Металлсимон ялтироқликка эга. Сульфид маъдани конларида, мисли ва олтинли, кварцли томирларда соф Те, петцит, халькозин, пирит ва б. билан учрайди. Син.: Санфордит.

**Ринкит - Ринкит** -  $Na_2Ca(Ca,Ce)_4(Ti,Nb) \cdot [(F,O)_2 | Si_2O_7]_2$ . Сол. оф. 3,4. Се билан бойиган ринколит м-ли тури. Қизғиш рангли м-л. Фояитларнинг иккиламчи даражаги компоненти сифатида учрайди. Син.: мозандрит, ринколит.

**Ринколит - Ринколит** -  $Na_2, Ce(Ca,Ce)(Ti,Nb) \cdot [(FO)_2 | Si_2O_7]_2$ . Қат. 5. Сол. оф. 3,3-3,5. Кулрангдан жигар-

ранггача ўзгарувчан, ёгсимон ялтироқ м-л. Нефелинли сиенитлар ва пегматитларда учрайди. Син. джонструнит.

**Риннеит - Риннеит** -  $K_3 Na [Fe Cl_4]$ . Кат. 2,5-3. Сол. оф. 2,55. Рангсиз, пушти сариқ рангли, ипаксимон ялтироқ м-л. Сувда яхши эриydi. Туз конларидаги иккиламчи маҳсулот. Метаморфлашган денгиз туз уюмларида учрайди. Йўлдош м-ллари: галит, сильванит, казе-рит, ангидрит. **Рио. . . - Рио. . .** - т. ж. ларида эркин кварц мавжудли-лигини кўрсатувчи олд қўшимча.

**Риолит - Риолит** - "*Liparum*" атамасининг синоними

**Рипидолит - Рипидолит** -  $(Mg, Fe, Al)_3 [(OH)_2 | Al_{1,2-1,5} Si_{2,8-2,5} O_{10}] \cdot \{Mg_3 (OH)_6\}$ . Кат. 1,5-2. Сол. оф. 2,7-2,9. магнезиал - темирли хлорит. Яшил, гоҳида кўнғир рангли шишасимон садафсимон ялтирайдиган, тангачасимон агрегатли м-л. Паст даражада метаморфлашган кристалли сланецларда гидротермал маъдан конларидан учрайди. Йўлдош м-ллари: тоғ биллури, ангидрит. Син.: хромфиллит, гельминт, лофоит, огкоит, прохлорит.

**Ритм - Ритм** - седиментация шароитида бир хил кетма-кетликда ҳосил бўлган, такрорланувчи қатламлар мажмуаси. Ушбу мажмуа қалинлигига қараб, макро-ритм (қалин), мезоритм (ўртача) ва микроритм (юпқа) турларига ажратилади. Ҳар бир қайтари-лиши қонуний равишда мос қатламлар ҳосил қилади.

**Ритмичности осадочных толщ - Чўкинди тоғ жинслари қатламларининг ритмчилиги** - қирқимда т. ж. қатламларининг маълум кетма-кетликда бир маромда қайтарилиши. Бу хусусиятни ўрганиш фациал, стратиграфик ва тектоник тадқиқотларда асосий усул ҳисобланади.

**Ритмичность осадконакопления - Чўкинди тўпланишининг ритмчилиги** - асосан тектоник ва иқлим шароитининг даврий ўзгариб туриши билан боғлиқ равишда чўкинди т. ж. ларининг ҳосил бўлиши. Син. "*Периодичность осадконакопления*".

**Ритмокомплекс - Ритмокомплекс** - қатламларнинг такрорланувчи йирик серияси. Ҳажм жиҳатидан формациялар мажмуасига тўғри келади. Ҳосил бўлиши учун жуда кўп вақт талаб қилинади (125-75 млн. йил).

**Ритмопачка - Ритмопачка** - ўрта тартибли ритмосерия. Ҳажми бўйича фациал пачка ўлчамлари билан бир хил. Ритмосвитага бирлаштирилувчи, микроритмосерияларга бўлинади.

**Ритмосвита - Ритмосвита** - қатламларининг ўртача тартибли серияси; фациал свиталардан иборат. Ритмоқатламларга бирлашувчи ритмопачкаларга бўлинади.

**Ритмосерия - Ритмосерия** - қатор қатламлар, пачкалар, ёки свиталар бўлиб, исталган тартибдаги чўкинди (ритмосвита, ритмопачка, микроритмосерия ва ҳ. к.) ритмга нисбатан қўлланилади.

**Ритмостратиграфия - Ритмостратиграфия** - геологик жараёнлар даврийлигини чўкинди қатламларининг такрорланиши орқали аниқлаш.

**Ритмы лимнические - Лимник ритмлар** - моласс ва кўмирли қатламлар учун тавсифли бўлган ва кўл-континентал ётқизикларда кузатиладиган ритмлар.

**Ритмы непрерывные - Узлуксиз ритмлар** - чўкинди тўпланишида катта танаффусларсиз, бўлинмаган регрессив қисмга эга бўлган ритмчилик.

**Ритмы прерывные - Танаффусли ритмлар** - чўкинди тўпланишида катта танаффуслар (ювилиш) натижа-

сида бир бирдан ажратилган ритмчилик.

**Риф - Риф** - сув остидаги ёки сувдан озгина чиқиб турувчи қоя.

**Риф барьерный - Риф тўсиқлиги** - қирғоқдан маълум масофа узоқликдаги маржон полиплардан ташкил топган қоялар тизмаси. Асосан қитъенинг чекка саёзлигига жойлашади. Устки қисми нотекнис, ён томонлари тик, баъзан ўта тикликдан иборат.

**Риф береговой - Қирғоқ рифи** - денгиз сатҳи па-сайганда қуруқликка айланадиган маржон оҳақтошлардан тузилган саёзлик.

**Риф коралловый - Маржонли риф** - замонавий маржон оҳақтошлардан ташкил топган массив; био-ген оҳақтошли ҳосила. Тропик денгизларда кенг тарқалган бўлиб, ҳарорати 20°C дан кам бўлмаган меъёрий шўрликдаги тиниқ сувларда ҳосил бўлади.

**Рифей - Рифей** - токембрийнинг юқори бўлими. Геологик ёши 1650-570 млн. йилга тенг. Нисбатан ўзгармаган т. ж. лари йигиндисидан иборат. Строматолит ва микрофитолит фаунасининг тарқалишига қараб, тўрт гуруҳга: қуйи (1650-1400 млн. й.), ўрта (1400-1110 млн. й.), юқори (1100-680 млн. й.) ва венд (680-570 млн. й.). Венд кўпинча "якунловчи Р." ёки "юдомий" деб юритилади.

**Рифообразователи (рифостроители) - Риф ҳосил қилувчилар** - карбонат суякли, тўда тарзда ҳаёт кечирувчи ва ўзининг асл шаклини қазилма ҳолатда сақлаб қолувчи ва сув ҳавзалари тубига ёпишиб яшайдиган организмлар.

**Рифт - Рифт** - ёриқлар билан чегараланган, чўзиқ катта-кичиклиги ҳар хил грабен. Кўпинча узунлиги бир неча 100 км. Кенглиги бир неча км. дан юзлаб км. гача чўзилади. Плиталар тектоникаси назарияси бўйича, Р. лар қитъаларнинг горизонтал ҳаракати натижа-сида ҳосил бўлади.

**Рихтерит - Рихтерит** -  $(K, Na)_2 Ca(Mg, Fe^{2+}, Fe^{3+}, Mn)_3 [(OH)_2 | Si_8 O_{22}]$ . Ишқорий амфибол Р. ва тремолит оралигида узлуксиз изоморф серия ҳосил қилиши мумкин. Р учун Mg ни  $Fe^{3+}$  билан алмашилиши ва  $Fe^{3+}$ :  $Fe^{2+}$  нисбати катта қийматга эга бўлиши тавсифли. Кўнғир, сариқ, яшил рангли, асбестсимон, толасимон агрегатли м-л. Метаморфлашган оҳақтошли ва ишқорий магматик баъзан гидротермал т. ж. ларида учрайди. Йўлдош м-ллари: спессартин, шафферит, родонит, браунит. Син.: Натрийли тремолит.

**Ришеллит - Ришеллит** -  $Ca_3 Fe^{3+}_{10} [(OH, F)_3 | (PO_4)_2] \cdot n H_2O$ . Кат. 2-3. Сол. оф. 2. Боржитскитга яқин м-л. Қизғишдан жигаранггача. Гил м-л.лари билан бирга учрайди.

**Робинсонит - Робинсонит** -  $Pb_7 Sb_{12} S_{25} (?)$ . Кат. 2,5-3. Сол. оф. 5,2.. Қўрғошинсимон кул рангли, металлсимон ялтироқ м-л. Гидротермал симоб конларида антимонит, сфалерит, буланжерит билан бирга учрайди.

**Ров - Ҳандақ** - рельефдаги чуқурлик бўлиб, у узил-мали эндоген (масалан, риф) ёки экзоген сурилмалар билан боғлиқ равишда ҳосил бўлади.

**Ров взрывозивный - Взрывозив Ҳандақ** - чўзилиш зоналари атрофида, шламли конусларнинг бир-бирига қўшилиб занжир ҳосил қилган, дайкалар ёнида ҳосил бўлган дарзликсимон бтиқлик.

**Роговая обманка - Шох алдамчиси** -  $(Na, K, Ca)_{2-3} (Mg, Fe^{2+} Fe^{3+}, Al)_5 [(OH, F)_2 | (Si, Al)_2 Si_6 O_{22}]$ . Кат. 5,5. Сол. оф. 3,1-3,3. Силикатлар синфига мансуб т. ж. ҳосил

қилувчи м-л. Ҳосил бўлиши бўйича: интрузив, магмали, вулканли ва метаморфоген. Ранги оч зангордан-тўқ зангорча ва қора, шишасимон ялтирайдиган, нурсимон, донатор агрегатли м-л. Тузилиши тола-тола. Кўпинча рангли т. ж. ларида учрайди. Йўлдош м-ллари: гранат, геденбергит, эпидот, магнетит, сфалерит, халькопирит, титанит. Син.: оддий шох алдамчиси, филипстадит.

**Роговая обманка базальтическая - Базальтик шох алдамчиси** -  $(\text{Na}, \text{K})_{0,5-1} \text{Ca}_2(\text{Mg}, \text{Fe}^{2+})_{3-4}(\text{Fe}, \text{Al}, \text{Ti})_2$   $[(\text{O}, \text{OH}, \text{F})_2 \text{Al}_2 \text{Si}_6 \text{O}_{22}]$ . Кат. 5, б. Сол. оф. 3, 1-3, 4. Амфиболларнинг кенг тарқалган, кальцийга бой тури. Қора қўнғир рангли, шишасимон ялтироқ м-л. Таркибида жуда кўп уч валентли оксидлар, жумладан  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  ва  $\text{TiO}_2$  (2-3 % гача) бўлиши билан ажралиб туради. Одатда б. амфиболлар сингири вулкан т. ж. ларида оддий шох алдамчиси билан бирга учрайди.

**Роговая обманка обыкновенная - Оддий шох алдамчиси** - м-л,  $(\text{Ca}, \text{Na}, \text{K})_{2-3}(\text{Mg}, \text{Fe}^{2+}, \text{Fe}^{3+}, \text{Al})_5[(\text{OH}, \text{F})_2 | (\text{Si}, \text{Al})_2 \text{Si}_6 \text{O}_{22}]$ . Кат. 5-6. Сол. оф. 3, 02-3, 45. Кальцийли амфибол. Таркиби ўзгарувчан. Ранги яшилдан қора-гача. Гранитоидлар, габброидлар ва метаморфик т. ж. ларнинг асосий рангли м-ли.

**Роговик - Роговик** - контакт метаморфизми натижасида ҳосил бўлган т. ж. . Кўпинча чўкиндиларга нордон ёки асосли магманинг таъсир қилишидан ҳосил бўлади.

**Родий - Родий, Rh** - М.д.с.нинг VIII-гурухига мансуб к.э. Платина гуруҳидаги металллар туркумига киради. Т.р. 45, ат.м. 102,905, 1 та барқарор изотопи  $\text{Rh}^{103}$  бор. Уран емирилганда Р.нинг масса сонлари 95 дан 110 гача бўлган бир неча изотоплар ҳосил бўлади. Р. Ер пўстининг масса жиҳатидан  $1 \cdot 10^{-7}$  % ини ташкил қилади. Кумушсимон-кўкиш металл. 1960°C да суюқланади, 4500°C да қайнайди, зичлиги 12,42 г/см<sup>3</sup>. Р. платина аффинажида ҳосил бўладиган маҳсулотлардан олинади. Платина билан қотишмаси термопаралар, катализатор, кимёвий жиҳозлар тайёрлашда ишлатилади. Тузларидан тиббиётда, чинни учун қора бўёқ олишда фойдаланилади.

**Родит - Родит** - соф Au.нинг бир кўриниши. Таркибида 43 % гача Rh бор. Сол.оф. 15,5-16,5. Мўрт. Олтин сочилмаларида учрайди.

**Родонит - Родонит** -  $\text{CaMn}_4[\text{Si}_5 \text{O}_{15}]$ . Кат. 5,5-6,5. Сол. оф. 3,57-3,76. Силикатлар синфига мансуб марганец м-ли. Қизил жигарангсимон, қизгиш-жигаранг, қизгиш-кулранг, зич ёки донатор агрегатли шишасимон ёки садафсимон ялтирайдиган м-л. Линзасимон ётқиқиқлар кўринишида метаморфлашган конларнинг гилли ва кристалли сланецларида ва контакт метасоматик т. ж. ларида учрайди. Йўлдош м-ллари: гаусманнит, браунит, манганит, франклинит, цинкит, пироксен, кальцит. Син.: германнит, гетероклин, капникит, манганолит, орлец пайсбергит ва б. лар.

**Родословное древо - Шажара** - системали бирлик (насаб, насл, оила ва ҳ.к.) ларнинг ўзаро генетик боғлиқлигини график ифодалаш усули. Син.: филогенетик шажара.

**Родостаннит - Родостаннит** -  $\text{Cu}_2 \text{Fe Sn}_3 \text{S}_8$ . Сол. оф. 4,79. Қизгиш, кулранг, металлсимон ялтирайдиган, таркиби доимий бўлмаган, кўп ҳолларда Mg ва Zn ли м-л. Оддий станнин билан ассоциация ҳосил қилади.

**Родохрозит - Родохрозит** -  $\text{Mn}[\text{CO}_3]$ . Кат. 4. Сол. оф. 3,3-3,5. Карбонатлар синфига мансуб марганец м-ли. Ранги пуштисимон қизил, тўқ қизил, сарғиш бўзранг.,

шишасимон ялтирайдиган колломорф донатор агрегатли м-л. Субвулканик гидротермал томирларда - темир пўстлоқларда учрайди. Бунда 47,8 % марганец бор. Йўлдош м-ллари: гематит, лимонит, пирротин, сфалерит, марказит, пирит. Син.: диалогит, марганецли шпат, штрёмит.

**Роза диаграмма - Роза-диаграмма** - т. ж. лари ётиш йўналиши ва бошқа азимут кўрсаткичларини графикда ифодалаш усули.

**Роза железная - Темир гули** - гематит м-ли пластинкасимон кристалларининг наъматак гулини эслатувчи ўсимталари.

**Розазит - Розазит** -  $(\text{Cu}, \text{Zn})_2 [(\text{OH})_2 | \text{CO}_3]$ . Кат. 4. Сол. оф. 4,2., пушти рангли, друзали, сферик агрегатли шишасимон ялтирайдиган м-л. Халцедон ва кварц друзалари билан кварц томири бўшлиқларида учрайди. Нефелинли сиенитларда ва гранитли-диопсид т. ж. ларида эгирин, ловенит, эвколит ва б. билан ассоциация ҳосил қилади. Йўлдош м-ллари: халькопирит, сфалерит. Син.: купроцинкит, розелит.

**Розы гипсовые - Гипс гули** - радиал нурли тузилишга эга, айлана шаклидаги гипс конкрециялари. Гулни эслатувчи ўсимталарга эга. Баъзан жуда катта ўлчамларга эга бўлади.

**Ромбододекаэдр - Ромбододекаэдр** - қиррали ромбга ўхшаш, туташ, ўн икки қиррали кристалл.

**Россыпи - Сочмалар** - туб кон ёки т. ж. парчаланиши натижасида ҳосил бўлувчи ер юзасидаги ёки кўмилган т. ж. ва м-ллар майда бўлақларининг тўпламлари. Уларнинг турига кўра олмос, олтин, киноварь, платина, касситерит, моноцит, рубин, сапфир, ильменит, циркон, қахрабо кабилар киради. С. келиб чиқиши (аллювиал, элювиал ва б.), ёши, рельефга нисбатан қадимийлиги, тошқотганлиги ёки нураганлиги, жойлашув майдони ва ўзлаштириш усули билан фарқланадилар.

**Россыпи аллювиальные - Аллювиал сочмалар** - аллювиал т. ж. лари таркибида мавжуд бўлган сочмалар. Делювиал ва элювиал сочмаларнинг, т. ж. ларининг ёки конларнинг оқар сувлар билан ювилиши ва қайта ётқизилиши натижасида тасма шаклида ҳосил бўлади. А.с. воҳа, ўзан ва терраса сочмаларига ажратилади ҳамда олмос, платина, олтин каби ф. қ. ларнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

**Россыпи береговые - Қирғоқ сочмалари** - денгиз ва йирик кўллар қирғоқларида қирғоқ олди оқимлари ва тўлқинлар таъсирида ҳосил бўлади. Чақиқ т. ж. дан иборат материаллар сув ҳавзасига дарё сувлари билан олиб келиниши ва тўлқин таъсирида т. ж. ларининг парчаланишидан ҳосил бўлади. Денгизларда сув сатҳининг ўзгариб туриши эвазига 2 ва 3 қаватли сочмалар пайдо бўлади. Син. қирғоқ бўйи сочмалари.

**Россыпы дельтовые - Дельта сочмалари** - чақиқ материаллар ва ф. қ. ларнинг сув оқимлари билан дарё дельта-ларига келтирилиб ётқизилишидан ҳосил бўлади. Улар учун ф. қ. нинг нотекис, оқим йўналиши бўйича, қирқимнинг юқори қисмларида тарқалиши хосдир. Улар камдан-кам ҳолларда саноат аҳамиятига эга.

**Россыпы делювиальные - Делювиал сочмалар** - туб конларнинг нураш жараёнида парчаланиши ва парчаланган т. ж. лари билан пастга сурилиб тушиб тўпланишидан ҳосил бўлади. Қия сатҳларда тарқалган сочмалар (делювиал) ва қоя т. ж. ташқарисида тарқалган (колювиал) сочмалар ажратилади. Туб т. ж. ларидаги конларни аниқлашда катта аҳамиятга эга.



**Россыпи долинные - Водий сочмалари** - дарё ўзанининг тубида, тасмасимон шаклда терассаларда жойлашган ва сув оқимининг йўналиши билан боғлиқ бўлган сочма чўкиндилар.

**Россыпи ископаемые - Қазилма сочмалар** - қ. *Россыпи погребенные*.

**Россыпы морские - Денгиз сочмалари** - денгиз ётқизиқлари-дан тарқалган бўлиб унинг террасали, қирғоқлари ва сув ости сочмалари турлари ажратилди. Улар оқар сувлар, тўлқинлар таъсирида ф. қ. ларнинг олиб келиниши ва ётқизилишидан ҳосил бўлади.

**Россыпы переотложенные - Қайта ётқизилган сочмалар** - нисбатан қари сочмаларнинг ювилиши ва қайта ётқизилишидан ҳосил бўлади. Кўп ҳолларда бирламчи сочмаларга қараганда уларда ф. қ. лар кўпроқ бўлади.

**Россыпи погребенные - Кўмилган сочмалар** - сочмалар ҳосил бўлиши жараёнлари билан генетик боғлиқ бўлмаган т. ж. лари билан кўмилган сочмалар.

**Россыпи золотые - Эол сочмалари** - фойдали компонентларнинг дефляцияси ва қайта ётқизилишидан ҳосил бўлади.

**Россыпы элювиальные - Элювиал сочмалар** - таркибида фойдали м-ллар ёки металллар (олтин, платина, касситерит, вольфрамит ва б.) мавжуд бўлган маъданли т. ж. ларининг нураши оқибатида пайдо бўладиган ётқизиқлар.

**Рост кристалла - Кристалл ўсиши** - кристалларнинг ўсиши жараёни. Тўйинган эритмаларда, аралашмаларда газли ёки қаттиқ фазали муҳитда кўп қиррали кристаллар томонларида модданинг янги қатламларининг ётқизилишидан ҳосил бўлади.

**Рошерит - Рошерит** -  $(Ca, Mn, Fe)_3 Be_3 [OH | PO_4]_3 \cdot 2H_2O$ . Қат. 4,5. Сол. оғ. 2,92. Тўқ қўнғир, зайтун-яшил рангли, чувалчангсимон агрегатли, м-л. Гранитлар ва пегматитларда учрайди.

**Ртутвые руды - Симобли маъданларлар** - қ. *Руды ртутовые*.

**Ртуть самородная - Соф симоб** - Hg. Сол.оғ. 13,55. кумуш рангли суюқ м-л. С.с. таркибида кўпинча Ag, Au аралашган бўлади. С.с. нормал ҳароратда буғланиб туради, ҳатто ҳароратнинг жуда оз даражасида ўзгаришига нисбатан ҳам сезувчанлиги гоят юқоридир. С. с. нинг сол. оғ.  $0^\circ$  да-13,59,  $20^\circ$  да - 13,55,  $100^\circ$  да 13,35 га тенгдир; - 38,89  $^\circ C$  совуқликда ромбоэдр шаклига эга майда кристалларни ҳосил қилади.  $357^\circ$  да қайнайди. С.с. конлари оксидланиш зоналарида киноварнинг парчаланиши натижасида ҳосил бўлади.

**Рубидий - Рубидий Rb** - М. д. с. жадвалининг 1 гуруҳига мансуб к. э. Т. р. 37, ат. оғ. 85,47. Унинг 10 дан ортиқ сунъий радиоактив изотоплари аниқланган. Р. бирикмалари табиатда калий билан бирга учрайди. У Ер пўстининг оғирлик жиҳатидан  $3,1 \cdot 10^{-2} \%$  ини ташкил қилади. Р. ишқорий металллар жумласига киради; жуда юмшоқ, кумушранг - оқ металл. соф. оғ.  $20^\circ$  да  $1,532 \text{ г/см}^3$ . Суюқланиш ҳарорати  $39^\circ C$ , қайнаш ҳарорати  $700^\circ C$ . Саноатда крандаллит ва лепидолитдан ажратиб олинади. Кимёвий жиҳатдан жуда фаол; сув ва кислота билан реакцияга киришганида портлаш юз беради.

**Рубин - Ёқут (лаъл)** - м-л,  $Al_2O_3$ . Қат. 9. Сол. оғ. 4. Корунд м-лининг қизил рангли тури. Шаффоф ёқут

юқори тоифали қимматбаҳо тош ҳисобланади. Ранги оч пуштидан тўқ қизилгача. Таркибида 2 % гача Cr ионлари мавжуд. Ё.нинг туб конлари ўта асосли т. ж. ларида кристалли мрамарлашган оҳақтошларда, плагиоклазларда ва слюдитларда учрайди. Йўлдош м-ллари: хризоберилл, гранат, сапфир, шпинель, флогопит, топаз, турмалин, доломит, кальцит. Син.: баркмит.

**Руда - Маъдан** - фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан наф келтирадиган табиий м-ллар уюми. Агар М. бир м-лдан иборат бўлса, "мономинерал", кўп м-ллардан ташкил топган бўлса, "полиминерал" деб юритилади. Кимёвий таркибига кўра, силикатли, кремнийли, оксидли, сульфидли, карбонатли ва аралаш хилларга бўлинади. Ташқи кўринишига кўра эса массив, йўл-йўл, доғдоғ, томирли, ҳол-ҳол, сфероид, говак турларга ажралди. Ички тузилиши жиҳатдан оолитсимон, порфирсимон, радиал-нурсимон ва б. хилларга эга. М. туб ва сочма ҳолда бўлади.

**Руда (минералы) супергенная - Суперген маъдан** - экзоген, (ер сатҳида юз берадиган геологик) жараёнлардан ҳосил бўлган маъданлар.

**Руда бедная - Оз миқдорли маъдан** - фойдали компонент миқдори кондичия чегарасида бўлгани учун саралаб бойитишни талаб қиладиган маъдан.

**Руда бобовая - Дуккаксимон маъдан** - ҳосил бўлишида коллоид, баъзида биокимёвий жараёнлар иштирок этганини билдирувчи, дуккаксимон структурага эга темир, марганец, алюминий (бокситлар) маъданлари.

**Руда богатая - Бой маъдан** - фойдали таркибий қисмлар миқдори кондичия миқдоридан 2-3 баробар ортиқ бўлган маъданлар. Бундай маъданлар бойитилмасдан қайта ишланади.

**Руда болотная - Ботқоқлик маъдани** - конкреция, қаттиқ қатқалоқ ва қатлам сифатида ботқоқ тубида ҳосил бўлган қўнғир темир (лимонит) .

**Руда брекчиевая - Брекчиясимон маъдан** - брекчия текстурасига эга маъдан. Фойдали компонент брекчия бўлаклари ёки цементдан иборат бўлиши мумкин.

**Руда валунчатая - Ҳарсангсимон маъдан** - ҳарсангтош ёки тош парчалари кўринишидаги, ф. қ. дан (боксит, фосфорит ва б.) ва маъдансиз т. ж. бўлақларидан иборат маъданлар.

**Руда вкрапленная - Ҳол-ҳол маъдан** - кўп қисми қамровчи т. ж. ларидан иборат, орасида деярли бир текисда айрим доначалар, тўпламлар ёки томирсимон кўринишда маъданли м-ллар жойлашган маъдан. Кўпинча бундай ҳол-ҳолликлар яхлит маъдан жисмининг чеккаларида жойлашади ва мустақил, гоҳида йирик конларни ҳосил қилади.

**Руда вторичная - Иккиламчи маъдан** - қ. *Руда (минералы) супергенная*.

**Руда галмейная - Галмейли маъдан** - рух элементи конларининг оксидланиш зонаси учун тавсифли, асосан калмин ва смитсонитдан ташкил топган маъдан.

**Руда гипергенная - Гиперген маъдан** - қ. *Руда супергенная* .

**Руда (минералы) гипогенная - Гипоген маъдан (минераллар)** - эндоген геологик жараёнлар натижасида ҳосил бўлган маъданлар. Экзоген шароитда пайдо бўлган суперген м-ллар ва маъданлар билан таққосланади.

**Руда желваковая - Гуддасимон маъдан** - чўкинди темир, фосфорит конларида учрайдиган, гудда шаклидаги маъданлар.

**Руда кокардовая** - Кокарда текстурали маъдан - қамровчи т. ж. ёки илгариги генерация маъдани бўлак-лари атрофида ҳосил бўлган м-л агрегатларнинг так-рорланишидан таркиб топган маъдан.

**Руда комплексная** - **Комплекс маъдан** - таркиби мураккаб бўлган, ундан иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган бир неча метал ёки фойдали компо-нентлар ажратиб олинадиган маъданлар.

**Руда металлическая** - **Металли маъдан** - фойдали таркибий қисмида саноатда ишлатилувчи бирон бир металл бўлган маъдан.

**Руда милонитизированная** - **Милонитлашган маъдан** - баъзида параллел текстурага эга, майдаланган, дисперс маъдан.

**Руда монетная** - **Тангасимон маъдан** - аввалда те-мир маъдани сифатида ишлатилган майда тангасимон темир оксиди конкрецияларининг кўл тубидаги тўплан-масидан иборат маъдан.

**Руда озерная** - **Кўл маъдани** - кўл тубидаги тўплан-ган темир маъдани (лимонит).

**Руда окисленная** - **Оксидланган маъдан** - бирлам-чи маъданларнинг оксидланишидан пайдо бўлган суль-фид конларининг ер юзасига яқин қисми (оксидланиш зонаси).

**Руда оолитовая** - **Оолитсимон маъдан** - хлорит гу-руҳига тааллуқли силикатлардан (шамуазит, тюрингит) таркиб топган майда шарсимон концентрик-пўстлокси-мон ёки радиал-нурсимон ҳосилаларга эга темир маъ-дани.

**Руда первичная** - **Бирламчи маъдан** - кейинги тур-ли ўзгаришлар таъсирига учрамаган, бирламчи шакли ва таркибини сақлаб қолган маъдан.

**Руд перекристаллизованная** - **Қайта кристаллан-ган маъдан** - кимёвий таркибни ўзгартирмаган ҳолда, турли жараёнлар ёки метаморфизм таъсирида текстура-си ва структураси ўзгарган маъдан.

**Руда полиметаллическая** - **Полиметалл маъдан** - таркибида кўрғошин, рух, одатда мис ҳамда доимий, қўшимча сифатида олтин, кумуш, айрим ҳолларда кад-мий ва б. нодир металллар мавжуд бўлган маъдан.

**Руда полосчатая** - **Йўл-йўлли маъдан** - таркиби, доналарни йириклиги ёки м-лларнинг ўзаро нисбати бўйича фарқланувчи бир қанча юпқа қатламлардан иборат маъдан.

**Руда порфировая медная** - **Мис порфирли маъдан** - кучли кварцланган гипабиссал, етарли даражада нордон гранитоидлар ёки субвулканик порфирли инт-рузивларда ва уларни қамровчи эффузив, туфоген ёки метаморфик т. ж. ларидаги сульфидли ҳолдор мисли ёки молибден-мисли маъданларнинг формацияси. Маъ-данлар пирит, халькопирит, халькозин, борнит, молибде-нит ва б. м-ллардан иборат.

**Руда природнолегируваная** - **Табий легирланган маъдан** - олинадиган чўян, пўлат каби маҳсулотларга алоҳида сифат бағишловчи никель, кобальт, марганец, хром ва б. шу каби металлларнинг юқори миқдорига эга латерит темир маъдани.

**Руда радиоактивная** - **Радиоактив маъдан** - тарки-бида радиоактив элементлар (уран, торий, радий) м-лла-ри бўлган маъдан.

**Руда разборная** - **Сараланган маъдан** - фойдали компонентини оддий кўл кучи ёки бойитиш (силталаш, ювиш, элакдан ўтказиш ва б.) билан тозалаб ажратиш мумкин бўлган маъдан.

**Руда рядовая** - **Оддий маъдан** - маълум коннинг ўртача маъдани (қ. *Руда средняя*) олингандан то саралаш ва бойитилишгача бўлган ҳолати ёки сара-лашга қарама-қарши тушунча (қ. *Руда разборная*).

**Руда сажистая** - **Курумсимон маъдан** - миснинг иккиламчи оксидлари (тенорит) ва сульфидлари (ковел-лин ва халькозин) дан таркиб топган қора майда дис-перс ғовак ҳосилалар.

**Руда серная** - **Олтингургурт маъдани** - олтингургурт ажратиб олишга лойиқ, соф олтингургурт ёки унинг ки-мёвий бирикмалари мавжуд бўлган т. ж. ёки м-л.

**Руда сплошная** - **Яхлит маъдан** - ҳолдор маъдан-лардан фарқли, фақат маъданли м-ллардан ташкил топ-ган ҳосила.

**Руда средняя** - **Ўртача маъдан** - таркибидаги фой-дали компонент миқдори кондицияга тенг ёки ундан 10-50 % ошиқ бўлган маъданлар.

**Руда убогая** - **Оз миқдорли маъдан** - замонавий шароитда ўзлаштиришга яроқсиз, фойдали компонент миқдори кам (балансдан ташқари) маъдан.

**Руда урановая смоляная** - **Уран-смолали маъдан** - уранинит м-лининг синоними.

**Руда штуфная** - **Маъдан бўлаги** - бойитиш талаб этилмайдиган маъдан бўлаги (штуфи).

**Руда эндогенная** - **Эндоген маъдан** - бирламчи геологик жараёнлар натижасида ҳосил бўлган маъданлар.

**Рудная формация** - **Маъдан формацияси** - пайдо бўлиш вақтидан қатъий назар, яқин геологик шароитла-ларда шаклланган ва барқарор м-ллар ассоциацияси таркиби бўйича ўхшаш конлар гуруҳи.

**Рудник** - **Кон** - ф. қ. ларни ўзлаштириш учун ажра-тилган ҳудуд; ўтилган тоғ иншоотлари мажмуаси.

**Рудничная атмосфера** - **Кон атмосфераси** - тоғ қазилма иншоотларини тўлдириб турувчи газлар, буғ-лар ва чанглар аралашмаси. Тоғ қазилма иншоотла-рига кириб келаётган атмосфера ҳавоси ўзгаради, унинг таркибидаги ис газли, турли захарли ва портловчи газ-лар, буғлар, ҳосил бўлган чанглар миқдори ошади; Ҳарорат, намлик ва босим ҳам юқори бўлади.

**Рудное месторождение** - **Маъдан кони** - металл маъданлар ёки м-лларнинг тўпламлари. Кон саноат ама-лиётида битта ёки бир неча маконда бир-бирига яқин жойлашган ва генезиси жиҳатдан боғлиқ саноат аҳами-ятига эга маъдан жисмлари тўплами.

**Рудное тело** - **Маъдан танаси** - турли шаклдаги, са-ноат аҳамиятига эга маъдан тўпламларининг умумий номи.

**Рудные (рудоподводящие) каналы** - **Маъдан (маъданларни ташувчи) каналлари** - қ. *Каналы (рудо-подводящие) рудные*.

**Рудные минералы** - **Маъданли минераллар** - қ. *Минералы рудные*.

**Рудные точки** - **Маъданли нуқталар** - ўлчамлари ёки металллар миқдори саноат аҳамиятга эга бўлмаган ру-дали (намоёнда) нуқта.

**Рудный (рудоносный) пласт** - **Маъданли (маъдан-лашган) қатлам** - қатлам шаклида ётувчи (худди чўкин-ди т. ж. ларига ўхшаш) маъдан танаси.

**Рудный комплекс** - **Маъданли комплекс** - маълум магматик комплекс билан генетик боғлиқ бўлган ҳар хил турдаги маъдан мажмуалари намоёнлари..

**Рудный прожилок** - **Маъданли томирча** - кичик қалин-ликдаги маъданли томир.

**Рудовмещающие морфологические контакты**

**интрузивных тел - Интрузив таналарнинг маъдан қамровчи морфологик контактлари** - буларга т. ж. остида қолган интрузив т. ж. ларининг текис устки қисмидаги ботиқликлар, ён бағирларидаги қия ва тик (флексура ҳосил қилувчи) контактлар, интрузив ва чўкинди т. ж. лари контактнинг кўндаланг ва бўйлама узилмалар билан мураккаблашган участкалари ва б. лар киради.

**Рудовмещающие породы - Маъдан қамровчи тоғ жинслари** - маъдан таналарини қамровчи т. ж. лари.

**Рудоносность - Маъданлилик** - айрим район, майдон ёки т. ж. лари қатламларида, свиталарда ва б.ларда маъданли ҳосилаларнинг мавжудлиги.

**Рудообразование - Маъдан ҳосил бўлиши** - маъдан компонентларининг концентрацияланиши. Ер пўстида ва унинг остида кимёвий элементлар дифференциацияси - кўчиб юриши билан боғлиқ бўлиб маъданли конларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Улар м-л ҳосил бўлиш жараёнларининг асосий қисми ҳисобланади.

**Рудоотложение - Маъдан ётқизилиши** - маъданли модданинг фаол муҳитдан (магматик эритмалардан, сувли ва газ-сувли эритмалардан, газлардан) тургун ҳолатга ўтиб тўпланиш жараёни. Эритмаларда кристалланиш, кимёвий реакциялар, механик чўкиш, тирик организмлар фаолияти, коллоидларнинг коагуляцияси, сорбция ва б.лар натижасида рўй беради.

**Рудопроявление - Маъдан намоёни** - маъдан м-ларининг табиий ҳолдаги йиғиндиси. У сифати бўйича кондиция талабларига деярли жавоб беради. Лекин миқдори жиҳатидан шу давр иқтисодий шароитида қазиб чиқариш объекти бўла олмайди. Заҳиралари қидириш натижасида оширилганда ёки кондиция талаблари камайтирилганда кон тоифасига ўтиши мумкин.

**Рудоразборка, ручная сортировка - Маъданларни саралаш, қўлда навларга ажратиш** - катталиги 25-300 мм. ли маъдан бўлақларини қўлда қамровчи т. ж. ларидан ажратиб олиш.

**Руды агрономические - Агрономик маъданлар** - м-л ўғитлар сифатида ишлатиладиган ёки уларни олишда хом ашё ҳисобланадиган м-ллар ва т. ж. лари. Уларнинг асосий турлари: *апатит, фосфорит, калий тузлари*. Бундан ташқари микроэлементларга бой бентонит, глауконит, оҳақтош, доломит, торф, тошқумир, мергель, гипслар ҳам ўғит сифатида ишлатилади.

**Руды алюминевые - Алюминий маъданлари** - асосан бокситдан, шунингдек нефелинли сиенитлар (комплекс хом ашё), алунитли, нефелин-апатитли т. ж. лари ва б. лардан алюминий олинадиган маъданлар.

**Руды блёкые - Хира маъданлар** - теннантит - тетраэдрит ( $Ca_{12} Sb_4 S_{13}$ ) изоморф қаторига мансуб м-ллар. Аралашмалари: Ag, Zn, Fe, Bi; кам холларда Hg, Pb, Ni, Co, V, Sn, Se, Te, W. Гидротермал, скарн, пегматит ва метаморфлашган конларда иккиламчи маъдан.

**Руды ванадиевые - Ванадий маъданлари** - таркибида ванадий мавжуд бўлган м-л ҳосилалар. Улардаги ванадийнинг миқдори замонавий талабларга жавоб берадиган ва ундан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан фойда келтиради. Асосий м-ллари: ванадинит, деклаузит, купродеклаузит, карнотит, роскоэлит, титаномагнетит, магнетит, рутил ва ильменит маъданли м-лларда кўшимча ҳолида учрайди. В.м. магматик, контакт-метасоматик, гидротермал конларда учрайди.

**Руды висмутовые - Висмут маъданлари** - висмут ажратиб олинадиган табиий м-л бирикмалар. Соф туғ-

ма висмут, висмитин, тетрадимит, козалит, бисмит, бисмутит м-лларида иборат. Қалай, вольфрам, мис, кўрғошин ва б. металлларнинг маъданлари билан кўпинча бирга учрайди.

**Руды вольфрамовые - Вольфрам маъданлари** - вольфрам ажратиб олишда фойда келтирадиган табиий м-л ҳосилалар. Вольфрамнинг 20 дан ортиқ м-ли (шеелит, гюбнерит, вольфрамит ва б.) маълум. В.м. табиатда касситерит, молибденит, рух, мис, кўрғошин, соф олтин билан бирга учрайди. Вольфрамитда 74-76 % гача, шеелитда 80 % гача  $WO_3$  бўлади. В.м. ларида кўп миқдорда тантал, скандий элементлари кўшимча ҳолида учрайди.

**Руды графитовые - Графитли маъданлар** - таркибида саноат томонидан ўзлаштириш талабларига мос миқдорда графит м-ллари бўлган т. ж. лари.

**Руды золотоносные - Олтинли маъданлар** - таркибида саноат томонидан ўзлаштириш талабларига мос миқдорда олтин м-ли бўлган табиий ҳосилалар (табиатда 30 дан ортиқ олтинли м-ллар маълум). Булардан ташқари таркибида олтин бўлган мис, никель, кўрғошин, рух, кумуш, темир, марганец маъданларидан ҳам олтин олинади. Соф олтин асосий и. ч. аҳамиятига эга ф. қ. ҳисобланади. Кюстелит (Au 20-30 %) каллаверит (40-43 %), креннерит (40 %), сильванит (25-27 %), петцит (25 %), купроаурид, родит, ауристобит кабилардан ҳам олтин олишда фойдаланилади. Барча О. м. гидротермал йўл билан ҳосил бўлади. Кейинчалик гиперген жараёнлар таъсирида бойитилган ҳамда сўчма конлар ҳосил бўлади. О. м. ларнинг бир тоннасида 2-3 грамдан бир неча 100 гр. гача олтин бор. Булар плитасимон, томирсимон, қувурсимон, штокверкли таналар ҳосил қилади. О. м. таркибига 200 дан ортиқ турли м-ллар киради. Олтин-сульфид-кварцли маъданлар кенг тарқалган.

**Руды кобальтовые - Кобальт маъданлари** - таркибида саноат талаблари миқдоридаги кобальт бўлган маъданлар. К. нинг маъдандаги миқдори жуда кам (4 %). Асосан никель-кумуш, мис қолчедани, темир ва б. конларда бирикма ҳолида учрайди. К. маъдани 3 хил: маргимушли кобальт, К. аралашган темир-никелли ва оксидланган кобальт маъданлари. Асосий м-ллари: эритрин, асболан ва б. лар.

**Руды литиевые - Литийли маъданлар** - таркибидаги литийнинг концентрациясини ажратиб олиш иқтисодий жиҳатдан фойдали даражада бўлган табиий м-л ҳосилалар. Литийнинг ушбу маъданлардаги маълум бўлган 40 дан ортиқ м-ллари қаторига сподумен, петамит, лепидомит, амблигонит, цинивальдит киради. Бу хилдаги маъданлар т. ж. ларининг грейзенлашиши ва пегматитларнинг ташкил топиш жараёнларида юзага келади.

**Руды массивные - Массив маъданлар** - "Руды сплошные" атмасининг синоними.

**Руды платиновые - Платинали маъданлар** - таркибида платина металлари (Pt, Pb, Jr, Rh, Os, Ru) м-ллари бўлган табиий ҳосилалар. П. м. конлари туб ёки сочма бўлади. Конларда П. м. лари нотекис тарқалган бўлиб, миқдори ҳар тоннада бир неча г. дан кг. гача ўлчанади. Туб конларда П. м. турли шаклда (массивли, ҳол-ҳол кўшимчалардан) иборат. Бу турдаги маъдан таналари асосли ва ўта асосли интрузив т. ж. лари билан генетик ва фазовий тектоник дарзликлар билан боғлиқ бўлиб, 0,5-1,0 дан 3-5 км гача чуқурликда жойлашган. Бу кон-

ларда: пирротин, халькопирит, пентландит, кубанит, платина ва палладий етакчи м-ллардан ҳисобланади.

**Руды редкометальные - Ноёб метали маъданлар** - мустақил м-ллар ёки изоморф аралашма кўринишидаги ноёб элементларнинг табиий бирикмаларидан иборат маъданлар. Маъданлар томирли м-ллар билан тарқалган. Уларни саноатда ажратиб олиш қулай ва самарали.

**Руды ртутовые - Символи маъданлар** - таркибида симобнинг саноатда фойдаланишнинг техник имконияти мавжуд бўлган табиий м-л ҳосилалар. Асосий маъдан м-ли киноварь  $HgS$  таркибидаги симоб 86,2 %. Иккинчи даражали маъдан м-ллари: метациннабарит, соф симоб, ливингстонит ҳамда таркибида симоб бўлган мис, сурьма, маргимушнинг сульфидлари.

**Руды серебрянные - Кумушли маъданлар** - таркибида кумуш ва унинг бирикмалари бўлган маъдан. Буларга асл кумуш ва кумуш иккинчи даражали бўлган қатор маъданлари киради. Булар қаторига олтин-кумуш, кумуш-полиметалл, нодир металл-кумуш маъданлари киритилади. Кумуш маъдани Ер пўстининг чуқур қисмида гидротермал сувлардан ҳосил бўлади. Табиатда учрайдиган кумуш м-лларининг: кумуш, аргентит, прусит, пираргирит, кераргирит каби турлари саноат аҳамиятига эга.

**Рукав рудный - Маъданли тармоқ** - кўндаланг кесимда изометрик, чўзинчоқ шаклга эга маъдан таналарининг қисми. Одатда трубкасимон маъдан жисмларининг тармоқланиши натижасида ҳосил бўлади.

**Русло погребенное - Кўмилган дарё ўзани** - дарёларни қадимий ўзанлари тектоник ҳаракатлар натижасида кўмилиши мумкин. Кўмилган ўзанлар тўлдирган т. ж. ларига ва улар эгаллаган майдон т. ж. ларига қараб ажратилади.

**Русселит - Русселит** -  $(Bi_2W)O_3$ . Кат. 3,5. Сол. оғ. 7,35.  $Bi$   $U$  ва  $Tg$  билан,  $W$   $Ti$ ,  $Mo$  билан,  $O$  эса  $OH$  билан ўрин алмашади.  $P$  нинг кёхлинит изоморф қатори мавжуд бўлиши мумкин. Сарғиш, яшил рангли, майда, донадор, зич агрегатли м-л. Оксидланиш зоналарида, кварц томирларида, грейзенларда учрайди, бисмутит, соф  $Bi$  вольфрамит билан ассоциация ҳосил қилади.

**Рустумит - Рустумит** -  $Ca_4[(OH)_2 | Si_2O_7]$ . Сол. оғ. 2,86. Рангсиз м-л. Гроссуляр воллостонитли мрамарда спёррит, мервинит, ларнит билан бирга учрайди.

**Рутил - Рутил** -  $TiO_2$ . Кат. 6. Сол. оғ. 4,3. Қизил, қизғиш-жигарранг, қора рангли, ярим металлсимон ялтирайдиган, зич, донадор агрегатли, титан м-ли. Отқинди ва метаморфик т. ж. ларининг аксессуар м-ли; гранитли ва габброли пегматитларда, альп туридаги томирларида, сочилмаларда учрайди. Муҳим титан маъданларидан бири. Йўлдош м-ллари: тоғ биллури, кварц, альбит, адуляр, ильменит, апатит, амфибол, гранат. Син.: галлитцинит, кажувэлит, кахувэлит, каюэлит, титан маъдани, титаншерл, эдисонит.

**Рутил танталовый - Танталли рутил** - таркибида 15,44 %  $Ta_2O_5$  ва 8,64 %  $Nb_2O_5$  бўлган рутилнинг тури.

**Рывина - Ер юзасидаги ўйиқлар** (ариқча) - ёмғир сувларининг тўпланиши ва оқиши натижасида ҳосил бўладиган эрозия ариқчалар. Улар ривожланиб жарликлар ҳосил қилиши мумкин.

**Рябь - Мавж** - қум текисликлари юзасида жимжима-ли (денгиз тўқинини эслатувчи) мураккаб рельеф кўриниши.  $M$ . муҳитнинг доимий ҳаракати натижасида юзага

келади.

**Рябь дефляционная ветровая - Шамолнинг дефляцияли мавжи** - жимжимадор шакл. Тўлқиннинг узунлиги 40-260 ва баландлиги 7-16 см. Бунга узун чегаралари ёпиқ, шамолга қараб чўзилган, кўп қирралилар айниқса хосдир. Чўққичалар устида субстратнинг йирик ( $> 2$  мм) фракциялари ётади.

**Ряд континентальных отложений парагенетический - Континентал ётқиқларнинг парагенетик қатори** - турли генетик типдаги континентал ётқиқларнинг табиий мажмуаси. Улардаги нураш қобигини ташкил этувчи элювиал ҳосилалар алоҳида ажралиб туради.

**Ряд кристаллобластовый - Кристаллобластли қатор** - эмперик йўл билан аниқланган қатор бўлиб, магматик т. ж. ларидаги (ёки т. ж. лари гуруҳидаги) м-лларнинг маълум кетма-кетликда (солиштирма оғирлигининг) камайиб бориши билан ҳосил бўлади.

**Ряд магматических формаций - Магматик формациялар қатори** - бир даврда ёки бир бирига яқин бўлган даврларда ҳосил бўлган комагматик интрузив ва эффузив т. ж. лар.

**Ряд подвижности минералов - Минералларнинг ҳаракатчан қатори** - мазкур метасоматик жараён учун тавсифли бўлган компонентлар системаси (элементлар ва оксидлар) ҳаракатчанлигининг сўниб боришини ифодаловчи тартибда жойлаштирилганлик.

**Ряд пространственной решетки - Фазовий панжара қатори** - кристаллографияда - фазовий панжарадаги тугунларнинг тўғри чизиқ бўйича бир биридан бир хил масофада жойлашиши билан мужассамлашган қатор.

**Ряд углекислотной - Кўмирлашиш қатори** - кўнғир кўмирдан тортиб то антрацитгача бўлган турларни ўз ичига олувчи қатор.

**Ряд формационный - Формацион қатор** - Ер пўстининг бирор участкасида маълум кетма-кетликда формацияларнинг ҳосил бўлиши.

**Ряд элювиальный - Элювиал қатор** - қуруқликдаги нураш қобиги билан тупроқ элювиал қобигини ўз ичига олган, парагенетик алоқадор бўлган континентал чўкинди т. ж. ларини ўз ичига олган қатор.

**Саамит - Саамит** — таркибида 10 % гача  $SrO$  бўлган апатит м-лининг бир тури.

**Сабугалит - Сабугалит** —  $(H,Al)_{0,5}[UO_2 | PO_4]_2 \cdot 10H_2O$ . Сол. оғ. 3,2. Уран слюдаси гуруҳидаги сарғиш-яшил рангли, садафсимон ялтирайдиган, ўта люминесценцияли (табиий нурланадиган) м-л. Пегматит конларининг оксидланиш зоналарида учрайди. Син.: алюминли отенит.

**Сагениит - Сагениит** — ингичка игнасимон рутил кристаллининг қўшалок ўсиши.

**Сажа угольная - Кўмир қуруми** — Ер юзасига чиқиб қолган ёки номос ётқиқлар остига жойлашган, жадал нураган ёки оксидланган қора ёки кўнғир кўмир маҳсулоти.

**Сай - Сои** — Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги мавсумий (кўклам куз) ёки доимий сув оқадиган кичик водий-

лардаги ўзан.

**Салеит - Салеит** —  $Mg[UO_2 | PO_4]_2 \cdot 10H_2O$ . Кат. 2-3. Сол. оф. 3,27-3,30. Оч сариқ, лимонсимон сариқ рангли, баргсимон агрегатли уран слюдкаси м-ли. Гидротермал конларидаги оксидланиш зоналарида U нинг торбернит, девиндтит, цейнерит ва б. м-ллари билан бирга учрайди.

**Салинит - Салинит** —  $Pb_{14} [Cl_4 | O_9 (ASO_4)_2]$ . Кат. 2,5. Сол. оф. 7,9. Кулранг-сариқ, кристаллари тангасимон тузилган м-л. Доломитли т. ж. ларида гаусманнит билан бирга учрайдиган монокристалли м-л.

**Самарскит - Самарскит** —  $(Y, U, Ca) \cdot (Nb, Fe^{3+})_2(O, OH)_6$ . Кат. 6. Сол. оф. 5,4-6,2. Вольфрамитлар билан бир хил структурали призматик мон. м-л. Ранги қорадан кўнғир қорагача, ялтироқлиги шишасимондан мумсимонгача. Кристаллари кўнғир, ўзгарган маҳсулотлар билан қопланган, пегматитларда учрайди. Фитингофит, хлопинит, кальциосамарскит турлари маълум. Йўлдош м-ллари: турмалин, гранат, колумбит.

**Самородок - Соф туғма металл** - сочмаларда б. металл заррачаларидан ўлчовлари билан кескин ажралиб турадиган соф металлнинг (олтин, платина ва б.) зарраси ёки бўлаги. Оғирлиги 0,1-0,2 граммдан бир неча кг. гача ўлчаниб, кўпинча б. м-ллар уларда кам миқдорда учрайди.

**Самоцветы - Рангли тошлар** — шаффоф рангсиз ва рангли, қимматбаҳо, яримқимматбаҳо камёб хусусиятли безак м-ллари ёки т. ж. лари. Заргарликда чирой бериш ва декоратив маҳсулотларни безашда ишлатилади.

**Самсонит - Самсонит** —  $Ag, Mn, Sb_2 S_6$ . Кат. 2,5. Сол. оф. 5,51. Пўлатсимон кул рангли, ялтироқлиги ярим металлсимон, нурсимон агрегатли м-л. Кварц-кальцитли томирларда пираргирит, дискразит, галенит ва б. лар билан бирга учрайдиган камёб м-л.

**Санидин - Санидин** -  $K[AlSi_3O_9]$ . Кат. 6. Сол. оф. 2,56-2,62. Калийли дала шпати, рангсиз, оч кулранг, шишасимон ялтирайдиган м-л. Нисбатан янги пайдо бўлган вулканилларда ва уларнинг туфларида кўпроқ трахит, риолит, фонолит, санидинитларнинг асосий м-ли сифатида учрайди. Ортоклазининг шишага ўхшаш тури. Син.: музли шпат, тиаколит.

**Сапфир - Сапфир** -  $\alpha-Al_2O_3$ . Кат. 9. Сол. оф. 3,9-4,1. Рангсиз, тўқ сариқ, мовий ранг, қора рангли, шишасимон ялтирайдиган м-л. Корунднинг бир тури. Асосан аллювиал, делювиал ва элювиал сочмалардан қазиб олинади. Мармар, базальт ва пегматитларда туб конлари бор. Кўк тиниқ корунд “сапфир” дейилади. У қимматбаҳо тош ҳисобланади. Йўлдош м-ллари: рубин, шпинель, пироп, кврац, попаз, турмалин, циркон, хлорит, магнетит. Син.: мовий корунд, саламштейн.

**Саратит - Саратит** —  $Ni_3[(OH)_4 | CO_3] \cdot 4H_2O$ . Кат. 3,5. Сол. оф. 2,69. Зумрадсимон-яшил рангли, осилган сталактит ва қобиқсимон агрегатли м-л. Асосли отилиб чиққан магматик т. ж. ларида ва серпентинитларда хромит, пентландит, пирротин билан бирга учрайди. Доломит, арагонит, кальцит, гидромагнезит, бруситлар билан уюшма ҳосил қилади.

**Сардер - Сардер** - кўнғир ёки жигаррангли халцедон м-л нинг бир тури.

**Сардоникс - Сардоникс** — оқ ва кўнғир рангли, қатлари йўл-йўлли агат м-ли.

**Сассолин - Сассолин** -  $V(OH)_3$ . Кат. 1. Сол. оф. 1,48.

Қат-қат боратлар синфига мансуб борнинг м-ли. Оқ, сарғиш, кулранг, ёғсимон, садафсимон, ялтироқ, бўшқоқ, тангачасимон агрегатли м-л. Вулкан конуслари дарзликларида ва термал булоқлар чўкиндиларида ҳосил бўлади. Син.: бор кислотаси.

**Сателлит - Сателлит** — петрологияда катта интрузив бўртмасининг ўсимтаси сифатида қамровчи т. ж. ларининг чуқур қисмигача суқулиб кирган интрузив тана.

**Сатпаевит - Сатпаевит** —  $(Al, V^{3+}, V^{4+}, Mg \dots) (OH, O)_3$ . Кат. 2-3. Сол. оф. 2,4. Сариқ, яшил, сарғиш рангли, майда, юпқа тангасимон, қобиқсимон, қатламсимон агрегатли м-л. Кўмирли сланецларнинг оксидланган зоналарида хьюэтит, штейгерит, дельвоксит, гипслар билан бирга учрайди.

**Саффорит - Саффорит** —  $CoAs_2$ . Кат. 4,5-5,5. Сол. оф. 6,9-7,3. Кўрғошинсимон оқ рангдан-кулранг, оқ ранггача бўлган металлсимон ялтироқ, донатор, шуьласимон, нурсимон, шарсимон агрегатли м-л. Ni-Co гидротермал конларида ва Ag-Ni-Co формацияларида учрайди. Йўлдош м-ллари: эритрит, шмальтин, хлоантин. Син.: кобальт-лёлленгит, темир-кобальтли маъдан.

**Сахамалит - Сахамалит** —  $(Ce, La, Nd)_2(Mg, Fe) | (CO_3)_4$ . Сол. оф. 4,3. Кристаллари жадвалсимон, рангсиз м-л. Ишқорли т. ж. ларидаги доломитли томирларда кальцит, бастнезит, кварцлар билан бирга учрайди.

**Сахароваит - Сахароваит** —  $(Pb, Fe)(Bi, Sb)_2S_4$ . Bi ли джемсонит м-ли. Кулранг, металлсимон ялтирайди.

**Сброс - Ташлама-узилма** - қатламлар, т. ж. ларининг қияланиб, ёриқ бўйлаб пастга узилиб силжиши.

**Сброс закрытый - Ёпиқ ташлама-узилма** - қанотлари бир-бирига зич ёндошган ташлама узилма.

**Сброс зияющий (открытый) - Очиқ ташлама-узилма** - узилмалар қанотлари, улар ўртасидаги ёриқ юқори қисмининг очиқ ҳолати. Икки қаноти ўртасида очилиб қолган бўшлиқнинг кенглиги узилманинг эни ёки қалинлиги ҳисобланади.

**Сброс обратный - Тесқари ташлама-узилма** — ётиқ қаноти тушиб, осма қанотнинг устига сурилиб кетган ташлама узилма.

**Сброс прямой - Тўғри ташлама узилма** — осма қаноти тушиб кетган ташлама узилма.

**Сбросо-сдвиги - Узилмали силжима** - тектоник ҳаракат натижасида пайдо бўлган ёриқ бўйлаб қатламларнинг пастга  $60^\circ$  дан  $90^\circ$  гача қияликда узилиб тушиши.

**Сбросы глубинные - Чуқур ташлама-узилмалар** - чуқур ёриқлар бўйлаб асосан тик йўналишда чўзилиш шароитида силжувчи ташлама узилмалар.

**Свет отражений - Қайтарилган ёруғлик** - ўрганилаётган модда (м-л)лар сатҳидан ёруғлик нурининг қайтарилиши кўрсаткичларига асосланган оптик тадқиқотлар усули. Тиниқ бўлмаган моддаларнинг (маъдан, қотишма ва б.) диагностикасида қўлланилади.

**Светотравление - Минералларни ёруғлик (нур) ёрдамида аниқлаш** - минераграфияда асосан кумушли м-ллари (аргентит, пираргерит ва б.) кучли ёритиш ёрдамида аниқлаш.

**Свинец - Кўрғошин Pb** - М.д.с.нинг IV-гурухига мансуб к.э. Т.р. 82, ат.м. 207,2. Табиий Қ. 5 та барқарор изотоплардан иборат. Ер пўстининг масса жиҳатидан  $1,6 \cdot 10^{-3} \%$  ини ташкил этади.  $327,4^\circ C$  да суюқланади,  $1725^\circ C$  да қайнайди, зичлиги  $11,34 \text{ г/см}^3$ . Асосий м-ллари галенит, англезит, церуссит, крокоит ва б. Полиметалл маъданларининг оксидланиш зоналарида Қ. нинг иккиламчи маъданлари ҳосил бўлади. Аккумуля-

торлар, радиоактив моддалар учун идишлар, рентген хоналари учун қурилмалар тайёрлашда ишлатилади. **Свинец самородный - Соф кўрғошин** - Pb. Кат. 2,5. Сол. оф. 4,4. М-л. Сульфидли маъданларнинг оксидланиш зонасида ва сочмаларда, шунингдек радиоактив парчаланишдан (радиоген) ҳосил бўлади. Ранги ўзига хос кўрғошинсимон кул рангли. Металлсимон ялтирайди.

**Свинец ториевый - Торийли кўрғошин** — Pb<sub>208</sub>· Торий (Th<sub>232</sub>) элементи радиоактив парчаланишининг охирги ҳосил бўлган маҳсулоти.

**Свинец урановый - Уранли кўрғошин** — Pb<sub>206</sub>· Уран (U<sub>235</sub>) элементининг радиоактив парчаланишидан ҳосил бўлади.

**Свинчак - Свинчак** — галенит м-лининг қатламсимон зич тури.

**Свита - Свита** - маҳаллий стратиграфик бўлинмаларнинг асосий бирлиги. Маълум ўлка ва вилоятдаги табиий географик шароитда ҳосил бўлган т. ж. лари мажмуаси.

**Свита жильная - Томирли свита** — маълум интрузив тана билан генетик боғлиқ бўлган томирли т. ж. лари гуруҳи.

**Свита фациальная - Фациал свита** - битта фациал минтақадаги чўкинди т. ж. лари. Бир-бирига боғлиқ бўлган майда фацияларни бирлаштиради.

**Свиты водоносные - Сувли свиталар** - маълум табиий географик шароитларда пайдо бўлган ҳар хил фациал-литологик таркибли сувли т. ж. лари.

**Свод - Гумбаз** - чизма планда доирасимон ёки чўзинчоқ шаклдаги, майдони 10-100 минг км<sup>2</sup>, баландлиги 500-1500 м. бир ёки бир нечта тепаликлардан иборат йирик кўтарилган структура.

**Свойства горных пород водные - Тоғ жинсларининг сув билан боғлиқ хоссалари** - т. ж. ларининг сув билан боғлиқ хоссалари (намлик сифими, сув ўтказувчанлиги, сувда бўкувчанлиги, ивувчанлиги, капиллярлиги ва б. хоссалари).

**Свойства физических веществ (горных пород, минералов) - Моддаларнинг (тоғ жинслари, минераллар) физик хусусиятлари** — т. ж. лари ва м-лларнинг таркиби ва тузилишига боғлиқ бўлган, ҳамда маълум шароитда доимий бўлган физик хоссалари. Зичлик, қаттиқлик, эгилувчанлик каби физик хоссалари ва б.

**Свойства частиц гидравлические - Чўкинди тоғ жинс зарраларининг гидравлик хусусиятлари** — Ч.т. ж. з.г.х.нинг сувдаги, эритмалардаги ҳаракатлари уларнинг ўлчамига, шаклига ва улар ва улар шаклининг сатҳига боғлиқ.

**Связность горных пород - Тоғ жинслари зарраларининг боғлиқлиги** — т. ж. лари зарралари ва агрегатлари бирикмалари орасидаги боғланиш мавжуд. Табиатда молекуляр, кристаллик, цементлашиб боғланиши ва б.лар кузатилади.

**Связь оруденения с магматическими комплексами генетическая - Маъданлашувнинг магматик комплекслар билан генетик боғлиқлиги** - маъдан конларининг маълум магматик комплекс (интрузив, эффузив ва б.) билан умумий генетик боғлиқлиги.

**Связь оруденения с магматическими породами генетическая - Маъданлашувнинг магматик тоғ жинслари билан генетик боғлиқлиги** - маъдан конларининг макон ва замонда ассоциацияда ҳамда бевосита

маъданлашишнинг манбаи бўлган магматик т. ж. лари билан генетик боғлиқлиги.

**Связь оруденения с магматическими породами парагенетическая - Маъданлашувнинг магматик тоғ жинслари билан парагенетик боғлиқлиги** - маъдан конларининг макон ва замонда ассоциацияда бўлган магматик т. ж. ларининг унинг бевосита манбаи бўлмаслик ҳолати.

**Связь оруденения с магматическими телами генетическая - Маъданлашувнинг магматик таналар билан генетик боғлиқлиги** - маъданлашишнинг айрим тадқиқот учун магматик жисм (интрузив, субвулкан, вулкан аппарати ва б.) билан генетик алоқадорлиги.

**Связь оруденения с магматизмом временная - Маъданлашувнинг магматизм билан вақтинчалик боғлиқлиги** - айрим районлардаги айрим маъдан ва магматик т. ж. ларидан фарқли равишда маълум маъдан ва магматик ҳосилалар вужудга келиш вақтидаги нисбий яқинлик.

**Связь оруденения с магматизмом генетическая - Маъданлашувнинг магматизм билан генетик боғлиқлиги** - маълум комплекс ва турга мансуб магматик ва маъдан ҳосилаларининг систематик қайталанувчи маконий ассоциациялари.

**Связь оруденения с магматизмом структурная - Маъданлашувнинг магматизм билан структуравий боғлиқлиги** - маълум маъдан ва магматик ҳосилаларнинг ўзи вужудга келишига сабабчи ягона структураларда (турли жадалликда) жойлашиши.

**Сдвиг - Силжиш** - т. ж. лари қисмларининг бир-бирига нисбатан узилма текислиги бўйлаб горизонтал силжиши.

**Сдвиги глубинные - Чуқур силжималар** - Ер пўстида палахсаларнинг бир-бирига нисбатан горизонтал силжиши кузатиловчи чуқур ёриқлар.

**Сдвиго-взброс - Силжима-кўтарилма-узилма** - силжиш текислигининг ётиши ва йўналишига нисбатан осма қанотлардаги блок кўтарилган бўлади. Уларда кўтарилма-узилма, силжиш биргаликда ҳосил бўлади.

**Сдвиго-взброс и взбросо-сдвиг - Осма сурилма-кўтарилиш ва кўтарилма-сурилиш** — геологик блокларнинг узилма ётиш бурчагига нисбатан сурилиб-кўтарилиши ёки кўтарилиб-сурилиши. Сурилиб-кўтарилишда узилманинг ётиш бурчаги тик, кўтарилиб-сурилишда эса ётиш бурчаги вектори қия бўлади. Иккала ҳолатда ҳам осма блоклар ҳаракатда бўлади.

**Сдвижение горных пород - Тоғ жинсларининг сурилиши** — т. ж. ларининг баъзан Ер юзига чиққан сурилиш деформацияси.

**Себестоимость 1т концентрата - 1 т концентрат таннархи** - 1 т. концентрат олиш учун кетган ҳаражатлар йиғиндиси. Қуйидаги формула билан аниқланади:  $D_k(a+v)x d_k$ ; бунда: а- 1 т. маъданни қидириш учун кетган сарф ҳаражатлар; в- 1 т. маъданни қазиб олиш ва бойитиш учун кетган сарф ҳаражатлар;  $d_k$  - 1 т. концентрат олиш учун кетган маъдан миқдори, т. да.

**Себестоимость 1т металла - 1 т. металл таннархи** - 1 т. металл олиш учун сарфланган ҳаражатлар йиғиндиси. Қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:  $D_m=(D_k+D_{зр})x d_{зр}$ ; бунда:  $D_k$ -1 т. концентрат олиш таннархи;  $d_{зр}$ -1 т. концентрат эритишнинг таннархи;  $d_{зр}$ -1 т. Металлни олиш учун кетган концентрат миқдори, т. да.

**Себестоимость добычи 1т руды - 1т. маъданни қазиб олиш таннархи** - 1 т. маъданни қазиб олишга

сарф қилинган ҳаражатлар. Маъданларни қазиб олишнинг таннархи конни ишлатиш тартиби ва усулга боғлиқ бўлиб, энг маҳсулдор ва арзони очиқ усулида (маълум чуқурликгача) ишлашдир. Бироқ очиқ усулда ишлашда очилма ишларининг чуқурлиги, 1 т. маъданга тўғри келадиган очиш ишлари миқдори, очилма т. ж. ларининг хусусиятлари (бўшоқ, қоясимон, мустаҳкам, мустаҳкам бўлмаган) ва карьернинг чуқурлиги ҳамда карьер деворлари (зиалари) баландлигига қараб 1 т. маъданнинг таннархи жуда ҳам катта бўлиши мумкин. Маъданларни ер ости усулида қазиб олишда 1 т. маъданнинг таннархи конда қўлланилаётган қазиб олиш ишлари технологиясига боғлиқ. Ундан ташқари, иш ҳақиға қўшимча коэффициентлар қўллаш, материалларнинг электроэнергия, транспорт таъминоти нархлари ва б. лар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

**Себестоимость переработки 1т руды - 1т маъдани қайта ишлаш таннархи** - қабул қилинган технология схемаға мувофиқ маъданларни майдалаш даражаси, вақти, оксидланганлик даражаси, қимматбаҳо компонентларни ажратиб олишнинг охириги натижалари, сарф реагентлар нархи ва б. асосида аниқланадиган қиймат. Агар маъданларнинг бир неча технологик турлари мавжуд бўлса, бойитиш фабрикасида капитал ва ўзлаштириш сарфларини ошириб, қўшимча секциялар қуриш керак бўлади. Булардан ташқари, таннархнинг кўпайишига иш ҳақиға қўлланиладиган коэффициентлар, электроэнергия ва транспорт ҳаражатлари ҳам таъсир кўрсатади.

**Севит - Севит** — йирик заррачали кальцитли карбонатит.

**Сегрегация - Сегрегация** - 1. Геологияда магманинг дастлабки кристаллашиши маҳсулотидан иборат м-лларнинг тўпланиши. Уларни қамровчи т. ж. ҳам шу материаллардан тузилган. 2. Намуналаш материалларининг йириклиги, зичлиги ва зарраларининг шаклига қараб ажратиш.

**Седиментация - Седиментация** - ҳаракатдаги ёки муаллақ ҳолатдаги (сув ва ҳаво муҳитида) заррачаларнинг табиий шароитда ҳаракатсиз чўкинди ҳолатига ўтиши.

**Седиментогенез - Седиментогенез** — чўкинди ҳосил бўлиш жараёни.

**Седиментология - Седиментология** — чўкинди т. ж. ларини ўрганувчи фан. Бу атама нафақат замонавий чўкмалар учун балки қадимги чўкинди т. ж. лар учун ҳам бирдек қўлланилади. Ҳозирда “литология” деб аталади.

**Седло - Эгарсимон структура** — бурма структураси. Бўйлама-вертикал кесимида горизонтга нисбатан ўтмас бурчакли синклиналь, кўндаланг-вертикал кесимида эса антиклиналь структура. Антиклиналь ва синклиналь структураларнинг мужассамлашган жойига тўғри келади, туянинг қўшалоқ ўрқачини эслатади.

**Седло воздушное - Бўшлиқдаги эгарсимон структура** — ювилиб кетган эгарсимон структура. Чўкинди т. ж. ётиш бурчагига қараб Ер юзи устидаги тузилишини ҳаёлан қайта тиклаш усули билан, кесма тепасида пунктир чизиғи билан ифодаланади.

**Седловина - Давон** — икки чўққи ораси. Тоғ тизмасининг эгилган ва ошиб ўтиш осон бўлган жойи.

**Седовит - Седовит** —,  $U[MoO_4]_2$ . Сол. оф. 4,2. Кўнғир, қизғиш-қўнғир рангли, радиал нурсимон агрегали м-л. Уран-полиметал конларининг оксидланиш зоналари-

да вульфенит, U қуруми, Мо нинг шакланмаган сульфиди, гипс ва б.лар билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари: моурит, вульфенит.

**Сейсмика геометрическая - Геометрик сейсмика** - сейсмик тўлқинлар тарқалиши қонунларини йиғиндиси. Улар орасида т. ж. қатламлари ётиш элементларининг миқдорий кўрсаткичлари аниқланади.

**Сейсмокаротаж - Сейсмик каротаж** - сейсмоқидирув усули бўлиб, бурғи қудуқларида кузатиш ўтказиш, унда кесимдаги тезликни аниқлаш, сейсмик чегараларни стратиграфик боғлаш, шунингдек сейсмик тўлқинларни ажратиш ва ўрганишдан иборат.

**Сейсмические волны - Сейсмик тўлқинлар** - қ. *Волны сейсмические.*

**Сейсмичность - Сейсмиклик** — ҳудудларда зилзилаларнинг тарқалиши ва кучига оид кўрсаткичлар.

**Сейсмограмма - Сейсмограмма** - махсус асбоблар - сейсмографлар ёрдамида Ер тебранишларини автоматик равишда ёруғликка сезгир фото қоғоз, фототасма ёки замонавий рақамли сейсмик станцияларда электрон воситаларга ёзиб олинади.

**Сейсмология - Сейсмология** - геофизика фанининг зилзилалар ва улар билан боғлиқ ҳодисалар тўғрисидаги бўлими. “Сейсмос” сўзи грекча “ер қимирлаши”, сейсмик тўлқин маъноларини билдириб, бу атамани фанга 18 асрда ирланд олими Роберт Малле киритган.

**Сейсморазведка - Сейсмоқидирув** - юқори мантия ва Ер пўсти геологик тузилишининг тадқиқот усуллари мажмуи. Сунъий равишда юзага келтирилган таранг тўлқинларининг тарқалишини ўрганишга асосланган. Манбадан тарқалаётган тўлқинлар турли чегараларга урилиб, бир қисми синиб ер юзига қайтади ва улар қайд қилинади. Қайд қилинган тўлқинлар шу чегараларнинг чуқурлигини, қиёфасини, т. ж. нинг геологик, геофизик хоссаларини аниқлаш имконини беради.

**Сейсмотектоника - Сейсмотектоника** - 1. Ҳозирги замон тектоник жараёнларнинг сейсмик жиҳатдан намён бўлиши. 2. Геологиянинг регионларда сейсмик жиҳатдан намён бўлган жараёнларнинг тектоника билан боғлиқлигини ўрганувчи бўлими. Сейсмик кўрсаткичлар геотектоник режимни, геотектоник ҳаракатлар зонасини, силжишларнинг йўналишини тавсифлашда қўлланилади. Зилзила ўчоқларининг жойлашиши чуқурлигига қараб узилмаларнинг чуқурлиги ҳақида фикр юритилади.

**Сейсмотектонический метод - Сейсмотектоник усул** - қ. *Метод сейсмотектонический.*

**Секреция - Секреция (ажралма)** — т. ж. бўшлиқларни тўлдириб турувчи, айна пайтда таркиби бўйича улардан фарқ қилувчи кристаллашган ёки коллоидли м-л модда. С. конкрециядан ғовак деворларининг четдан олиб келинган моддаларга тўлдирилиши билан фарқ қилади. Натижада зонал-концентрик, ҳар хил рангли ва турли м-ллардан тузилган қатланишлар ҳосил бўлади.

**Селадонит - Селадонит** -  $K < (Fe^{3+}, Al, Mg, Fe^{2+})_2 x [(OH)_2 | Al_{0.5-0} Si_{3.5-4} O_{10}]$ . Кат. 1-2, Сол. оф. 2,8-2,9. Гидрослюда-лар гуруҳига мансуб м-л. Оливин, авгит ва гиперстен псевдоморфоза кўринишида учрайди. Калийнинг ажралиб чиқиши билан боғлиқ кузатиловчи гидротермал-автометасоматик жараёнларда ҳосил бўлади. Ранги - оч яшил, яшил, сариқ ва кўкиш, тўқ яшил. Хира. Син. веронит.

**Селен - Селен** — Se . М.д.с.нинг VI-гуруҳига мансуб

к.э. Т.р. 34, ат.м. 78,96. Табиатда 6 та барқарор изотопи мавжуд:  $Se^{74}$  (0,87 %),  $Se^{76}$  (9,02 %),  $Se^{77}$  (7,58 %),  $Se^{78}$  (23,52 %),  $Se^{80}$  (49,82 %),  $Se^{82}$  (9,19 %). 16 та радиоактив изотопларидан фақат  $Se^{75}$  амалий аҳамиятга эга. С. Ер пўстининг масса жиҳатидан  $5 \cdot 10^{-6}$  % ини ташкил қилади. Муҳим м-лари: кумуш, кўрғошин, симоб ва мис селенидлари, науманит, клаусталит, тиманит, берцманит, онофрит ва халькоменит. С. - жигарранг тусли тўқ кулранг модда.  $217^{\circ}C$  да суюқланади,  $685^{\circ}C$  да қайнайди, зичлиги  $4,81 \text{ г/см}^3$ . С. сульфат кислота ва целлюлоза-қоғоз заводларининг ва мисни электролиз йўли билан тозалашда чўкадиган “балчиқларидан” олинади. Яримўтказгичлар, шиша и.ч. да, металлургия, кимё, фармацевтика ва резина sanoатида қўлланилади.

**Селеносера - Селеносера** —  $\alpha$ - (S, Se). 0,19 % дан 5,18 % гача селени бўлган  $\alpha$ -олтингургурт м-ли. Ранги тўқсарик-қизилдан то кўнғир-қизилгача. Вулқон жараёнида ҳосил булади. Син.: Волконит.

**Селенотеллур - Селенотеллур** — Te, Se. Кат. 2-2,5. Тўқ кулранг, зич жойлашган агрегатли м-л. Жилоси металсимон. Енгил эрийди. Ag конларининг кварцбаритли томирларида учрайди. Син. гондурасит.

**Селлаит - Селлаит** -  $MgF_2$ . Кат. 5. Сол. оф. 3,15. Рангсиз, оқ рангли, толасимон агрегатли, ялтироқлиги шишасимон м-л. Туз, доломит-ангидритли ва вулқон фумаролалари (вулқон газлари, лавалари ва б. маҳсулотлари) да учрайди. Йўлдош м-ллари: доломит, ангидрит. Син.: белонезит.

**Сель - Сел** — лой ва тошлар билан аралашган, қисқа муддатли, ер усти иншоотларини вайрон қилувчи сув оқим. Булар тоғ ва тоғ олди қияликлари, кичикроқ дарё ҳавзалари ҳудудларида шиддатли ёмғир ёғиши, музликларнинг жадал эриши натижасида сув оқимининг катта тезлик билан оқиб ўтишидан ҳосил бўлади. Сув оқимидаги аралашмаларга қараб улар: лойқа-ли, лойқа-тошли ва сув-тошли С. ларга ажралади.

**Семсейит - Семсейит** —  $Pb_3 Sb_8 S_{21}$ . Кат. 2,5. Сол. оф. 6,08. Оч ва тўқ кулрангли нурсимон, шарсимон думалоқ агрегатли, жилоси металсимон м-л. Pb-Zn, Pb-Sb, Ag-Sn гидротермал конларида ангидрид, сфалерит ва б.лар билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари: галенит, сфалерит.

**Сепарация магнитная - Магнитли сепарация** — майдаланган т. ж. ва маъданлардан магнитланиш хусусиятига эга бўлган м-лларни ажратиш олиш жараёни. Бу жараён электромагнит, доимий магнит ёки соленоидлар ёрдамида олиб борилади. Улар ҳаво ёки сувли муҳитда амалга оширилади.

**Сера - Олтингургурт, S** - М.д.с. нинг VI-гурухига мансуб к.э. Т.р. 16, ат.м. 32,064. О. 4 та барқарор изотоп  $S^{32}$ ,  $S^{33}$ ,  $S^{34}$ ,  $S^{36}$  дан иборат. Ер пўстининг масса жиҳатидан  $5 \cdot 10^{-2}$  % ини ташкил қилади. Табиатда эркин ва бирикма ҳолида учрайди. О. сарик тусли, зичлиги  $2,07 \text{ г/см}^3$ .  $112,8^{\circ}C$  да суюқланади,  $445^{\circ}C$  да қайнайди. О. конларидан туғма О. ҳолида қазиб олинади. Сульфат кислота целлюлоза, резина sanoатида, сунъий тола, портловчи модда и. ч. да ва тиббиётда фойдаланилади.

Сера в углях - **Кўмирдаги олтингургурт** — тўрт хил шаклда учрайди: 1) сульфидли (асосан пирит таркибида); 2) нураш зонасидаги сульфатли (гипс ва ярозит таркибида); 3) оддий; 4) органик. Охирги учта шакли — ёнувчан, сульфатлиси — ёнмайдиган олтингургурт-

дир. Бу шаклларнинг келиб чиқиши геокимёвий шароит ва бошланғич модданинг ўзгаришига боғлиқ.

**Сера самородная - Соф олтингургурт** - S. Кат. 1,5-2,0. Сол. оф. 2,05-2,09 Кимёвий элемент, м-л. Ҳосил бўлиши вулканик ёки хемоген-чўкинди. Оксидланиш зонасидаги сульфидларнинг парчаланишида, фумаролалар, сольфатарлар, иссиқ булоқлар ва вулканлардан эритма кўринишида ажралади. Ранги бўзранг-қора, сомонга ўхшаш сарик. Син.: альфа сера.

**Серандит - Серандит** -  $(Mn, Ca)_2 NaH | [Si_3 O_9]$ . Пектолитнинг марганецли аналоги. Mn га бой бўлган С, шизолит-пектолит изоморф қатори. 50 % гача Mn элементига эга. Ранги қизил, нефелинли сиенитларда учрайди.

**Сервантит - Сервантит** —  $Sb_2 O_4$ . Сол. оф. 4,1-5. Кристаллари игнасимон, оқ, сарик рангли упасимон, зич агрегатли м-л. Антимонит м-лининг оксидланишидан ҳосил бўлади.

**Сердолик - Сердолик** — қизғиш, тўқ сарик ёки сарик рангли м-л. Халцедоннинг бир тури.

**Серебро - Кумуш, Ag** - М.д.с. нинг I-гурухига мансуб к.э. Т.р. 47, ат.м. 107,87. Иккита табиий барқарор изотоп-  $Ag^{107}$  (51,35 %) ва  $Ag^{109}$  (48,65 %) дан иборат. Ер пўстининг  $1 \cdot 10^{-5}$  % ини ташкил қилади. Соф ҳолда ва гидротермал конларда аргентит м-лида учрайди. Унинг юстелит, конгсберит, анимекит ва электрум каби табиий м-ллари ҳам бор. Соф Ag чиройли оқ металл; зичлиги  $10,5 \text{ г/см}^3$ , суюқланиш ҳарорати  $960,5^{\circ}C$ , қайнаш ҳарорати  $2212^{\circ}C$ . Кат. 2,7. К. асосан, таркибида К. ва кўрғошин мавжуд маъданлардан ажратиш олинади. К. қотишмалари танга пул, заргарлик ва уй-рўзгор буюмлари и. ч. да, электроникада, кимё sanoатида, тиббиётда ва б. да фойдаланилади.

**Серебро самородное - Соф туғма кумуш** - Ag. Кат. 2,5-3. Сол. оф. 9,6-12. Ранги- оқ кумуш ранг. Металлсимон ялтирайди. Одатда унга тилла аралашган ҳолда бўлади. Эгилувчан, пластик ва болғаланувчан металл. Гидротермал томирларда кўпроқ сульфидли-полиметалл конларининг цементлашиш ва оксидланиш зоналарида учрайди. Муҳим кумуш эритилиб олинандиган маъдан. Йўлдош м-ллари: аргентит, пираргирит, галенит, флюорит, пирит, хлоантит, барит, кварц, хлораргирит, халькопирит. Син.: кумуш.

Серебряная обманка - **Кумуш алдамчиси** — 1) *пруссит*нинг син. 2) *пираргирит*нинг син. 3) *ильванит* — теллурли К..а. нинг син.

**Серебрянные руды - Кумушли маъданлари** - қ. *Руды серебрянные*.

Серебряный блеск - **Кумуш ялтироғи** — “*Аргентит*” нинг син.

**Серицит - Серицит** - слюдалар синфига мансуб *мусковит*нинг майда тангачасимон тури. Метаморфик сланецларда ва кўпчилик алюмосиликатларнинг нураш маҳсулотларида плагиоклазлар, ишқорли дала шпатлари, лейцитлар, нефелинларнинг кристалларида аралашма кўринишида учрайди. Син.: пикнофиллит.

**Серицитизация - Серицитланиш** - серицитнинг метасоматик гидротермал шароитда кўпинча юпқа дисперсланган калийли гидрослюдалар ва иллитлар кўринишида ҳосил бўлиши. Бу ўзгаришларда бирламчи (айниқса дала шпати) ва иккиламчи (андалузит, хлорит ва б.) алюмосиликатли м-ларни кўп учрайди. Гидротермал серицитланиш кварцланиш ва пиритланиш билан бирга намоён бўлиб, мис, рух, кўрғошин, кумуш, симоб каби



сульфидли, баъзан эса номаъдан ф. қ. лар билан чамбарчас боғлиқ. *Березит, лиственит, пропилит, кварцит, грейзен* кабиларнинг ҳосил бўлиши учун хос.

**Серия - Серия** — жойлардаги катта (регионал) страшиграфик бўлинма бўлиб, умумий йирик седиментацион, вулканоген ёки тектоник цикларга мос келувчи мураккаб таркибли ва катта қалинликдаги чўкинди, вулканоген ёки метаморфик ҳосилалардан ташкил топади. Бу цикл свиталарга бўлинади.

**Серия изверженных пород - Магматик тоғ жинслари серияси** — ягона бирламчи магмадан маълум физик-кимёвий ёки фракцион кристалланиш жараёнида ҳосил бўлган плутоник, гипабиссал ва вулқон маҳсулотлари, т. ж. лари серияси.

**Серия магматических комплексов - Магматик комплекслар серияси** — магматик комплекслар мажмуаси; маълум бурмали ва платформа областларининг геологик ривожланиши ва тектоник магманинг циклар даврида ҳосил бўлиши. Ер қобиғи остидаги магма ҳосил қилувчи жараёнлар эволюцияси натижасида пайдо бўлган ва Ер қобиғининг юқори қисмига ёриб кирган ёки Ер юзига оқиб чиққан ҳар хил таркибли магманинг намоён бўлиши.

**Серия магматических формаций - Магматик формациялар серияси** — битта бурмаланиш ҳудудида ёки битта платформа шаклланиши давридаги тектономагматик циклда ҳосил бўлган интрузив (плутоник) ва эффузив (вулканоген) формациялар тўплами.

**Серия месторождений - Фойдали қазилма конлари серияси** - магматизмдан сўнгги маълум магматик комплекс билан генетик боғлиқ бўлган ф. қ. конлари серияси.

**Серия осадочная - Чўкинди тоғ жинслари серияси** — бир континентнинг бир марта текисланишдан иккинчи мартасигача бўлган давр ораллигида ҳосил бўлган т. ж. лари қатлами. Трансгрессив ва регрессив қисмларидан иборат ва уларга мувофиқ равишда чўкинди формацияларининг бир неча турлари фарқланади. Давомийлиги 12-15 млн. йилга боради.

**Сероводород - Олтингургурт водороди** —  $H_2S$  ёқимсиз хидли, рангсиз, захарли газ. Кучсиз кислоталик хусусиятга эга. 1 литр 0. в.  $0^\circ C$ , 760мм босимда 1,539г. га тенг. Нефть ва табиий сувларда биокимёвий газларда, оқсилларнинг парчаланиши ёки микроорганизмлар билан сульфатларнинг қайта тикланиши, вулқон газлари ва б.ларда учрайди.

**Серпентин - Серпентин** - қат-қат силикатлар синфига мансуб м-л. Сувли магнезиал силикат. Таркибида пироксен ва оливин бўлган магматик т. ж. лари, доломитларнинг метасоматик ўзгаришларида ҳосил бўлади. Кристалл шаклида учрамайди. Ранги қора, тўқ зангор, бўзранг. Кўпинча йўл-йўл ва холдор сифат тузилган бўлади. Син.: бареттит, гимнит, кифолит, офит ва б. лар..

**Серпентинизация - Серпентинланиш** - дала шпати бўлмаган, асосан оливиндан иборат ўта асосли т. ж. ларида кенг тарқалган жараён. Бу жараёнда ўта асос т. ж. ларидаги ультрабазитларнинг бирламчи темир-магнезиал силикатлари (оливин, ромбик ва камроқ моноклин пироксенлар) сувсиз магнийли силикатлар - серпентин билан қамралади. Янги ҳосил бўлган серпентин таркибига қисман кирмай қолган темир эса иккиламчи серпентинланган магнетит сифатида ажралади.

**Серпентиниты - Серпентинитлар** - ўта асосли (аксариат, перидотит) т. ж. ларининг гидротермал, автомета-

соматик жараёнлар натижасида ўзгарган маҳсулот.

**Сетки стереографические - Стереографик тўрлар** — меридиан ва параллелар системасининг стереографли проекцияси бўлиб ўлчанган сферик координатлар бўйича кристалл қирраларини лойиҳалашга хизмат қилади. Энг кенг қўлланиладиган С.т. Вульфники бўлиб, бунда меридианлардан бирининг текислигидаги параллел ва меридианларнинг проекцияларидан фойдаланилади.

**Сеть гидрографическая - Гидрографик тўр** — дарёлар ва мавсумий оқар сув ўзанлари, кўллар ва ботқоқликлар мажмуаси.

**Сеть поисковая - Излаш тўри** - ф. қ. ни излаш мақсадида бажариладиган турли тадқиқотларда сунъий очилмалар (бурғи қудуқлари, тоғ иншоотлари ва б.), намуналаш нуқталари ва кузатувларнинг энг рационал жойлаштирилиши. Унинг иккита туридан фойдаланилади: 1) т. ж. горизонтал жойлашганда, маъдан жинслари изометрик жойлашганда ва уларнинг ўзгариши қонунийсиз бўлса, излаш нуқталари квадрат тўғри бурчакли ёки ромбик шаклдаги тўғри бурчакларда (ёки марказида) жойлашади; 2) т. ж. қия ётганда ф. қ. жисми чўзинчоқ бўлганда ёки ўзгарувчанлик йўналтирилган бўлса, излаш нуқталари жисмининг узун ўқиға тик равишда чизиқ бўйлаб қўйилади.

**Сеть разведочная - Қидириш тўри** - қидирув иншоотларини маконий жойлаштиришнинг системаи. Қидирув иншоотлари т. ж. ва ф. қ. жисмлари жойлашишига мос равишда қаторлар ёки қидирув тўри қадаги бурчакларига жойлаштирилади. Улар учбурчак, ромб, кўп ҳолларда квадрат ва тўғри бурчакли бўлади. Ўлчамлари конларнинг геологик-саноат тури ва ўзгарувчанлигига, шу билан бирга қидирув босқичига боғлиқ.

**Сеть речная - Дарё тўри** — дарёлар ва мавсумий оқар сувлар ўзанлари. Уларнинг шакли Ер сатҳи рельефи, т. ж. ларининг ётиши ва таркиби, замонавий тектоник ҳаракатлар билан белгиланади. Дарё тўри: 1) тектоник қурилмаларга нисбатан бўйлама ва кўндаланг; 2) бирламчи қияликка асосан; а) консеквентли — т. ж. қиялиги ва ётиш бурчаги бўйлаб ривожланаётган; б) субсеквентли — кўндаланг ва геологик қурилмалар йўналиши бўйлаб; в) обсеквентли — қатламлари ни уларнинг қиялигига тескари йўналишда кесиб ўтувчи; г) ресеквентли — оқими бўйлаб консеквентли дарё ўзанларининг оқим йўналиши бўйича қайтарувчи ирмоқ сойлар; д) инсеквентли — қиялик ва т. ж. ларининг ётишига нисбатан боғлиқ бўлмадлиги; э) пландаги чизмаси бўйича: тўғри бурчакли буқилма, эгилган, ҳалқасимон, бир-бирига параллел ва б. кўп кўринишлари билан фарқланади.

**Сжатие Земли - Ернинг сиқилиши** —

$$\frac{(a - \beta)}{a} = x$$

бу ерда:  $a$  — экваториал радиус,  $\beta$  — кутбий радиус. Ернинг сиқилиши Халқаро келишувга кўра  $\sigma = 1:297$  деб қабул қилинган. қ. *Земля*.

**Сжимаемость горных пород - Тоғ жинсларининг сиқилувчанлиги** — т. ж. ҳажмининг ташқи босим таъсирида кичрайиши. Ҳажмининг камайиши ва камайиш тезлиги т. ж. га тушган босим, сувлилик нисбати, структураси ва ғоваклигига боғлиқ. Т. ж. с. муҳандислик иншоотларини қуришда катта аҳамиятга эга.

**Сиаллит - Сиаллит** — т. ж. ларини нурашидан ҳосил бўлган, сувли алюмосиликатлардан ташкил топган гил-

ли ҳосила С. ларга аллитлар билан генетик боғлиқ бўлган, кремнийлилик модули  $<1$  бўлган, лекин эркин глиноземли чўкинди ва қолдиқ т. ж. ларининг  $Fe_2O_3$  миқдори  $Al_2O_3$  га тенг ёки кўп бўлган т. ж. лари “феррисаллитлар” деб аталади.

**Сиаллитизация - Сиаллитизация** — бирламчи алюмосиликатли т. ж. ларининг нураш натижасида мазкур физик-кимёвий шароитда турғун бўлган гилли м-лларга айланиши.

**Сидерит - Сидерит** -  $FeCO_3$ . Кат. 4,-4,5. Сол. оф. 3,7-3,9. Ранги тилла сариқ ёки жигарсимон малла, йирик ва майда донатор агрегатли шишасимон ялтирайдиган ёки хира м-л. Карбонатлар синфига мансуб темир шпати м-ли. Гидротермал ёки метасоматик ўзгаришлар (оҳактош, доломит ва карбонатитларнинг алмашилиш маҳсулот-лари сифатида) ва катта бўлмаган чуқурликларда коллоидларнинг чўкиши натижасида ҳосил бўлади. Энг яхши темир маъданларидан ҳисобланади. Йўлдош м-ллари: касситерит, криолит, галенит, сфалерит, пирит, халькопирит, магнетит, хлорит, анкерит ва б. Син.: бемеленит, гирит, сферосидерит, флинц ва б. лар.

**Сидеритизация бокситов - Бокситларнинг сидеритланиши** — иккиламчи (эпигенетик) сидеритнинг гидраргиллит таркибли бокситларда ҳосил бўлиш жараёни. Бунда  $Fe_2O_3$  нинг  $FeO$  га қайта тикланиши ва уларга ер ости сувлари билан олиб келинган  $CO_2$  нинг қўшилиши ёки бокситлардаги органик моддаларнинг оксидланиш натижасида ҳосил бўлади

**Сидеритолиты - Сидеритолитлар** — 50 % ва ундан ортиқ сидеритли чўкинди т. ж. лари.

**Сидериты - Сидеритлар** — аксарият никеллашган  $Fe$  дан иборат темир метеоритларининг умумий номи.

**Сидеродот - Сидеродот** —  $(Fe,Ca)CO_3$ . Сидерит-кальцит узлукли изоморф қаторининг аъзоси бўлган м-л. Гоҳида таркибида  $Mg$  бўлмаган,  $CaFe(CO_3)_2$ , анкерит ҳам шундай аталади.

**Сидеронатрит - Сидеронатрит** —  $Na_2Fe_3^{3+}[OH|(SO_4)_2] \cdot 3H_2O$  Кат. 1,5. Сол. оф. 2,35. Толасимон. Сариқ, тўқсариқ рангли, кукнсимон агрегатли м-л. Экзоген жараёнлар маҳсулоти.

**Сидероплезит - Сидероплезит** —  $(Fe, Mg) CO_3$ . Сидерит-магнезит изоморф қаторининг аъзоси бўлган м-л.

**Сидеромелан - Сидеромелан** — палагонит туфидан иборат базальт шишаси. Ранги сарғиш-яшилдан, қора-қўнғиргача.

**Сиенит - Сиенит** — оч қизил, пушти, баъзан кулранг ёки қўнғир; тўлиқ кристалланган ишқорий т. ж. М-л таркибига кўра икки турга бўлинади: 1) оддий ; 2) ишқорий дала шпатли. Биринчи турдаги С. нинг таркиби: калий-натрий дала шпати плагиоклаз, клинопироксен, биотит, иккинчи даражали ва аксессуар м-ллар — кварц (0-5 %), оливин (0-2 %), магнетит, титаноманетит, ильменит, апатит, циркон, титанит. Иккинчиси: калий-натрийли дала шпати, клинопироксен, амфибол, биотит; иккинчи даражали ва аксессуар м-ллар — плагиоклаз (10 %), кварц (0-5 %), магнетит, апатит, циркон, баъзан титанит, ортопироксен, флюрит ва гранитдан иборат. Таркибида кварц 5 % дан кўпроқ бўлса, “кварцли С.” деб аталади. Плагиоклазнинг миқдори ортиши билан С. диоритга ва монзонит орқали габброга айланади. Рангли м-лларнинг миқдори ошган сари С. меланократ С. Га, сўнгра шонкинитга ўтади.

**Сиенит-аплит - Сиенит-аплит** — таркибида кварц

бўлмаган ёки жуда кам миқдорда учрайдиган лейкократ ўта майда донали сиенит. Ички тузилиши бостонит ёки аллотриоморф донали. Одатда дайкалар ҳосил қилади.

**Сиенит-пегматит - Сиенит-пегматит** — таркиб жиҳатидан сиенитларга мос келадиган пегматит. Асосан ишқорий дала шпатидан ташкил топган ҳар хил донали т. ж.

**Сила извержения - Вулкан отилиш кучи** — магма ҳажми, қовушқоқлиги, ёпишқоқлиги ва ундаги газ босими ҳақиқатда вулкан эруптив, кўп ҳолларда портлаш йўли билан намоён бўлиши. Бу жараён жадаллиги вулқандан отилиб чиққан маҳсулот, унинг миқдори, т. ж. ларининг вулкан бўғзидан бориб тушган узоқлигига қараб аниқланади. Вулкан портлаши кучи: 1) кратернинг ягона оғзи — боккадан оз миқдорда маҳсулотлар отилса — кучсиз; 2) маҳсулотлар юқори кўтарилиб отилса, бироқ кратер ости очилмаган бўлса — кучли; 3) газ массаси ва лава жуда юқорига кўтарилиб кратер ости очилиб қолса — ўта кучли портлаш турларига бўлинади.

**Сила тяжести - Оғирлик кучи** — гравитацион тортишиш кучи ва Ер айланишидан ҳосил бўлувчи марказдан қочма кучнинг вектор йиғиндисидан иборат. Экваторда марказдан қочма куч гравитацион кучнинг 0,3 % ташкил этади, қутбларда эса 0 %. Ер юзида тақсимланиши аналитик усулда ифодалаш имконини бермайди. Чунки Ер юзаси мураккаб шаклга эга; ер ичида массаларнинг тақсимланиши ҳар хил. Бунга Ой ва Қуёшнинг тортиш кучларининг ҳам таъсири бор.

**Силексит - Силексит** - отқинди ёки гидротермал кварцдан ташкил топган т. ж. Отилиб чиққан магматик т. ж. ларини таснифлаш ва системалаш бўйича халқаро комиссия С. атамасини 60 % дан зиёд кварци бўлган ҳамма отилма т. ж. ларига қўллашни тавсия этган.

**Силиколиты - Силиколитлар** - таркибида 50 % ва ундан кўп крем-неземдан ташкил топган хемоген чўкинди т. ж. лари. Т. ж. ҳосил қилувчи етакчи м-ллар таркибига қараб опалолит, халцедонолит ва б.ларга бўлинади. Халцедонолит турларига кремни, роговик, яшма ва б.лар киради.

**Силл - Силл** - интрузияларнинг чўкинди т. ж. лари қатламларининг юзаси бўйлаб оқиб кириб, мослашган ҳолда ётиш шакли. Уларнинг қалинлиги бир неча мм. дан юзлаб м.гача, майдони эса бир неча квадрат метрдан то минглаб квадрат км.гача боради.

**Силурийская система (период) - Силур система-си (даври), S** - палеозой эрасининг учинчи даври 435±5 млн. йил аввал бошланиб 25-30 млн. йил давом этган. Юқори ва қуйи бўлимларга бўлинади.

**Силурийский период - Силур даври** - палеозой эрасининг 30 млн. йил давом этган, бошидан учинчи геологик даври.

**Сильванит - Сильванит** -  $AgAuTe_4$ . Кат. 1,5-2. Сол. оф. 8,0-8,3. Оролсимон структуралар гуруҳига мансуб қалайсимон оқ рангли, металлсимон ялтирайдиган, дендрит агрегатли м-л. Эффузивлар билан боғлиқ олтин маъданли кварц томирларида учрайди. Пичоқ билан кесиладиган даражада юмшоқ ёки мўрт. Таркибида  $Au$  23-32 %,  $Ag$  9-14 %,  $Te$  51-65 %. Тилла эритиб олинadиган маъдан. Син.: оқ олтин маъдани, графика маъдани, графика ялтироғи (ёзувга ўхшаш структурали).

**Сильвин - Сильвин** -  $KCl$ . Галогенидлар синфига мансуб, ранги қизғиш ёки сутдек оқ, кўпинча рангсиз шиша-

симон, ёғсимон ялтирайдиган м-л. Таркибида  $MgSO_4$  бўлмаган туз ётқиқиқларида ва метаморфик м-л сифатида сильвинли т. ж. ларида, баъзида вулкан лавалари билан боғлиқ ҳолда учрайди. Сувда тез эрийди. Ўғит тайёрлаш учун асосий хом ашё. Син.: гёвелит, леопольдит, калий хлориди, шетцеллит.

**Сильвинит - Сильвинит** - кристаллашган донадор галит (25-85 %) ва силвин (10-60 %) дан иборат тузлар аралашмаси. Т. ж. да галит одатда етакчи ўринда туради. Таркибида ҳар доим оз миқдорда ангидрит, карбонат ва гилли аралашмалар мавжуд. Сульфатли турдаги калий конларида учровчи С. да полигалит, казерит, каинит, лангбейнит, эпсомит, шенит каби аралашмалар учрайди. Ранги сутранг оқ ва қизғиш тусда; охириги Fe окиси ва сильвин аралашмалари туфайли ҳосил бўлган. Одатда туз штоклари тепасида ва ёнида қатламли ётқиқиқлар ташкил қилади.

**Симметрия - Симметрия** - шакли (м-ли) ҳосил қилувчи тенг қисмларнинг қонуниятли қайтарилиши. С. тегишли симметрик ҳосилаларни англатувчи симметрия элементлари орқали тавсифланади. С. ҳақидаги назарий маълумотлар ва уларни ўрганиш натижалари назарий кристаллографиянинг асоси ҳисобланади.

**Симплотит - Симплотит** -  $CaV_4O_9 \cdot 5H_2O$ . Сол. оғ. 2,64. Кристаллари слюдасимон ўхшаш юмшоқ, ранги тўқ кулрангдан қорагача бўлган м-л. Қумтошлардаги U-V маъданида монтроузит, меланованадит, соф. Se, уранотит ва б. V ва U м-ллари билан бирга учрайди.

**Симпсонит - Симпсонит** -  $Al_6Ta_4O_{19}$ . Қат. 6,5. Сол. оғ. 7,1. Хол-хол донадор агрегатли м-л. Ранги рангсиздан то оч жигарангача пегматитларда учрайди.

**Син... - Син...** (биргалиқда) - мураккаб атамалар олдидан қўшиб ёзиладиган олд қўшимча бўлиб, воқеа ва ҳодисаларнинг биргалиқда, бир вақтдалиги маъносини кўрсатади.

**Сингенез - Сингенез** - м-лларнинг чўкиндилар билан биргалиқда ҳосил бўлиши.

**Сингенетический - Сингенетик** — бирга ёки бир вақтда пайдо бўлиш.

**Сингония - Сингония** - кристаллографияда симметрик кўринишлар гуруҳи бўлиб, бир хил сондаги бир хил йўналишдаги, симметриянинг бир ёки бир неча ўхшаш элементларига эгаллиги. Уларнинг триклиналь, моноклиналь, ромбик, тригонал, тетрагонал, гексагонал, куб сингониялари аниқланган. С. лар қуйи, ўрта ва олий категорияларга гуруҳланган.

**Синеклиза - Синеклиза** - платформа тузилишини мураккаблаштирувчи ёки унинг чет қисмларида жойлашган йирик букилган структура. Унинг майдони юзлаб км<sup>2</sup>гача етади.

**Синисит - Синисит** - эшинит-приорит қаторидаги U билан бойиган м-л.

**Синклиналь - Синклиналь** - пастга қараб букилган бурма; ядросида ёш қатламлар ётади. Унинг қанотларидаги қатламлар бир-бирига қарама-қарши йўналган.

**Синклиналь перевернутая - Тўнкарилган синклиналь** - ўқ текислиги кўп эгилганидан қулф қисми тепага қараб қолган бурма.

**Синклинорий - Синклинорий** — нисбатан кичик бурмалардан ташкил топган, умуман синклинал қурилмага эга бўлган йирик мураккаб структура. Одатда у геосинклиналь эгикликларда, умуман геосинклиналга айланиши ёки унинг қисмларида бурмаланиш жараё-

нида ҳосил бўлади.

**Синседиментационный - Синседиментацияли** - чўкинди ҳосил бўлиши билан бир вақтда рўй берган. “Конседиментация” атамасининг синоними.

**Синтексис - Синтексис** - 1. Магманинг ёндош т. ж. лари билан ассимиляцияси натижасида таркибининг ўзгариши (гибридланиши). 2. Ер қаърида бир неча хил т. ж. ларининг магма билан аралашиб эриб кетишидан ҳосил бўлган магма ҳароратида соф ҳолда эриши ва шунингдек, ўзга таркибли т. ж. ларининг магма таъсирида ассимиляцияланишини ифодаловчи умумий атама.

**Система - Система** — табиатшунослик ва жамиятшунослик фанларининг ҳамма соҳаларида кенг қўлланилаётган умумий назариядаги асосий тушунча. С. тушунчаси гоёт серқирра маънога эга. Стратиграфияда гуруҳнинг таркибий бир қисми ёки умумий (планетар) стратиграфик жадвалнинг иккинчи даражали бирлиги. Маълум геологик даврда ҳосил бўлган ва Ер ҳамда ундаги ҳаётнинг ривожланиш тарихидаги маълум бир катта табиий даврини акс эттирувчи қатламлар. С. учга, камдан-кам иккига бўлинади. Кўпчилик С. номлари биринчи марта улар ажратилган жойларнинг қадимги ёки ҳозирги замон номларига тўғри келади (кембрий, девон, пермь, юра) ёки шу жойларда яшаган қадимги халқ — элатлар (ордовик, силлур) номи билан ёки уларга хос чўкиндилар хилига (кўмир, бўр), ёки жойларнинг ўзига хос тузилиши (триас); ёки пўстидаги, ниҳоят, органик дунёсининг ривожланганлик даражасига қараб (палеоген, неоген) аталади.

**Система (зона) глубинных разломов планетарная - Ўта чуқур планетар ер ёриқлари системаси** - Ер қобигини планетар миқёсда катта блокларга ажратувчи тўғри чизиқли ва диагональ ёриқлар тўри. “Ҳосил бўлиши ер шари қутбларидан экваторга қарата йўналган ва ер шаклининг ўзгаришига олиб келувчи сиқилиш кучи натижаси” деб қаралади.

**Система геологическая - Геологик система** - Ернинг табиий ривожланиши босқичларини ўзида акс эттирувчи Халқаро стратиграфик шкаланинг асосий бўлими.

**Система геосинклинальная - Геосинклиналь система** — геосинклиналь минтақаларнинг бир қисми. Г.с. бир қатор ботиқлар, чўкмалар ва уларнинг ажратиб турган геоантиклиналь, ўрталик массивларидан иборат бўлиб, ривожланишнинг сўнги босқичида бурмаланган минтақага айланади.

**Система горная - Тоғ системаси** — орасида ботиқлар, водийлар ва кўндалангига ҳамда узунасига йўналган сойлар билан ажралган, бири иккинчисига параллел йўналган тоғ системаларидан иборат. Т.с. узунасига йўналган б. тоғлардан ажралган ёки бири иккинчиси билан қўшилиб, яхлит тоғ минтақаларни ҳосил қилган ҳолда учрайди.

**Система островных дуг - Ороллар ёйи системаси** — океан ва қитъалар орасида жойлашган, мураккаб тектоник қурилмалар. Тўла ривожланган О.ё.с. ороллар ва сувли тоғликлар ҳосил қилади Ҳозирги вақтда кўпчилик О.ё.с. да ўта юқори сейсмик ҳаракатлар вулканлар жойлашган.

**Система разведки - Қидириш системаси** - қидириш иншоотларини ўтиш кетма-кетлиги, тури, чуқурлиги, миқдори ва мақонда оптимал жойлашиши бўлиб, ф. қ. конларини баҳолаш ва қидириш ишларини олиб

боришга кам ҳаражат ва вақт кетиши ҳамда тўлиқ маълумот олинишини таъминлашга йўналтирилган.

**Система разрабтки месторождений подземным способом - Конларни ер ости усули билан ўзлаштириш системаси** - ер ости тоғ иншоотлари системасини қовлаб ўтиш йўли билан ер сатҳини ўзгартирмаган ҳолда ф. қ. ларни ўзлаштириш. Бу ер ости иншоотлари шахта ўзаги, қвершлаг, штольня ва б. лардан иборат бўлиб, ф. қ. ларни чиқариб олиш ишларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

**Система рудообразующая - Маъдан ҳосил қилувчи система** - маъданли модда манбаи, уни ҳаракатланиш йўллари ва маъданлаштиришнинг муайянлашув жойларини ўзида мужассамлаштирувчи физик система; унда конларнинг ривожланиш тарихида, биологик эволюциядаги каби янада мураккабланишига йўналган тенденциялари намоён бўлади.

**Система складок - Бурмалар системаси** - маконда озми-кўпми ажралган ва шаклланиш даври бир-бирига яқин бўлган бурмалар гуруҳи. Одатда унинг таркибига кирувчи бурмалар шакли, ўқининг йўналиши, асосий ўқ юзасининг ўхшаш жойлашиши каби умумий морфологик хусусиятларга эга.

**Система трещин - Дарзликлар системаи** - асосий максимал кучланишлардан бирининг таъсири натижасида т. ж. да ҳосил бўлган дарзликлар мажмуи.

**Систематика месторождений полезных ископаемых на геологической основе - Фойдали қазилма конларини геологик асосда системалаштириш** - қ. *Генетическая классификация меторождений полезных ископаемых.*

**Сита механического анализа - Механик таҳлил элаклари** - заррачалари бирлашмаган, сочма ва нураган бўлакли т. ж. лари, шунингдек, қаттиқ чўкиндилардан ажратиб олинган терриген т. ж. ларининг гранулометрик таркибини аниқлаш учун маълум фракцияларга ажратилган қўлланиладиган ҳар хил диаметрли элаклар. Таҳлил учун: 0,1; 0,25; 0,5; 1,0; 2,0; 3,0; 5,0; 7,0; 10,0 мм. ли элаклар қўлланилади.

**Скальвание горной породы - Тоғ жинсларининг парчаланиши** - тектоник ҳаракатлар, табиий эндоген ва экзоген жараёнлар таъсирида т. ж. ларининг дарз кетиб майда бўлақларга ажралиши.

**Скандий - Скандий, Sc** - М.д.с. нинг III-гуруҳига мансуб к.э. Т.р. 21, ат.м. 44,4559. Табиатда 1 та изотопи  $Sc^{45}$  бор. Нодир ер элементлар жумласига кирди. Ер пўстининг масса жиҳатидан  $6 \cdot 10^{-4}$  % ини ташкил қилади. Асосий м-ллари: тортвейтит ва стерреттит ниҳоятда кам учрайди. С. - оч сариқ тусда товланиб турадиган енгил, юмшоқ металл. Зичлиги  $3,020 \text{ г/см}^3$ ,  $1539^\circ\text{C}$  да суюқланади,  $2700^\circ\text{C}$  да қайнайди. С. тарқоқ ҳолда нодир ер м-лларида берилл, вольфрамитда ва б. ларда учрайди. Вольфрам, қалай, уран ва чўян и. ч. корхоналарининг чиқиндиларини қайта ишлаш йўли билан ҳам олинади. С. дан ракета созлаш ва самолётсозликда материал сифатида фойдаланилади. Ядро реакторларида, металлургияда, шиша, керамика, кимё саноатида, тиббиётда қўлланилади.

**Сканирование - Сканирлаш** - айрим сатҳ ёки унинг тасвирини кенгайтириб ҳамда ташкил этувчи бўлақларини муфассал ва изчил тадқиқ қилиш.

**Скаполит - Скаполит** - силикатлар синфига мансуб м-лларнинг калийли гуруҳи. Қат. 5-6. Сол. оғ. 2,54-2,77. Оқ, қулранг, тўқ кўк ёки қизил ранг, шисасимон

ялтирайдиган, донадор, нурсимон, толасимон зич агрегатли м-л. Чекка натрийли тури мариалит -  $Na_8 [(C_2, SO_4, CO_3) | (Al Si_3 O_8)_{6,13}]$ ; калийли тури мейонит -  $Ca_8 [(C_{12}, SO_4, CO_3)_2 | (Al_2 Si_2 O_8)_6]$  гача бўлган м-ллар серияси, изоморф қаторининг м-ли. Асосан мрамар, гнейя, сланец т. ж. ларида, шунингдек пневматолит жараёнларида вулкан т. ж. лари бўшлиқларида баъзан контакт метасоматик жараёнларида нордон ва ишқорли магматик т. ж. ларининг оҳактош ва доломитлар билан туташган жойлари скарнларида яхши кристалланган м-ллар шаклида учрайди. Нураш жараёнида С. дан каолин ҳосил бўлади. Йўлдош м-ллари: гранат, эпидот, авгит, везувиян. Син.: элайншпат.

**Скарн - Скарн** - гранит магмасининг оҳактош билан ўзаро таъсири оқибатида метасоматик вужудга келувчи оҳакли-темирли ёки оҳакли-магнезиал-темирли т. ж. лари. 1-40 км чуқурлик,  $400-1000^\circ\text{C}$  ҳароратлар диапазолида ҳосил бўлади.

**Скарнирование - Скарнлашиш** - Ер қобиғининг чуқур бўлмаган, гоҳида ўрта ва чуқур қисмларидаги оҳактош, баъзан силикатли т. ж. ларининг юқори ҳароратли метасоматози натижасида таркибининг маълум миқдордаги ўзгариши. Скарнлашиш бевосита скарн ҳосил бўлишидан ўзининг кам сонли янги м-ллашишлари билан фарқ қилади.

**Скарновые месторождения - Скарнли конлар** - қ. *Месторождения скарновые.*

**Скарноид - Скарноид** - генезиси бўйича скарн ва роговиклар ўртасидаги оралик т. ж.

**Скарнообразование - Скарн ҳосил бўлиши** - метасоматик м-л ва т. ж. лари ҳосил бўлиш жараёни. Ҳар хил (кўпроқ оҳактош ва доломитлар) юқори ҳароратли, таркибида темир, магний, кальций, кремний, алюминий ва б. лар бўлган ҳосилаларнинг учувчи моддалар (сув, углекислота, хлор, фтор ва б.), ҳарорат ҳамда босимнинг кенг диапазоли ва эритмаларнинг умумий эволюцияси таъсирида ишқорлидан нордон силикатларга ўтиб бориши.

**Скарнообразование магматической стадии - Магматик босқичда скарн ҳосил бўлиши** - карбонатли т. ж. лари билан магматик фаолиятларни (юқори ҳароратли пневматолитлар) ёки суюқ ва кристалланаётган магмалардан ажралувчи ва карбонатли т. ж. лари билан қамровчи т. ж. ларининг гранитлашувини (магматик алмашинишини) амалга оширувчи эритмаларнинг ўзаро таъсир жараёнлари.

**Скарнообразование послемагматической стадии - Магматизмдан кейинги босқичда скарн ҳосил бўлиши** - магматизмдан кейин вужудга келувчи пневматолитли-гидротермал эритмаларнинг таъсири остида скарн ҳосил бўлиши; интрузив т. ж. ларининг консолидацияланишидан кейин ёки магматик т. ж. лари контакт олди қисмларининг қотишидан кейин контакт зоналарида рўй беради. Бу экзо- ва эндоскарнларнинг мавжудлигини тасдиқлайди.

**Скарны водные - Сувли скарнлар** - барча пироксен-гранатли таркибга эга бўлган қуруқ скарнлардан ташқари скарнли зоналарнинг ҳамма (амфиболли, эпидотли, хлоритли ва б.) метасоматик ҳосилалари.

**Скарны известковые - Оҳактошли скарнлар** - юқори ҳароратли оҳактош-магнезиал-темирли метасоматик т. ж. лари. Силикатлар ва алюмосиликатли т. ж. лари контактларида ва уларнинг чеккасидаги юқори ҳароратли ( $1000-1400^\circ\text{C}$ ) эритмалар ҳароратининг пасайиши шаро-

итларида, м-л ҳосил бўлишининг магматизмдан кейинги босқичидаги илк ишқорлар таъсири остида ҳамда гип-абиссал ва мезоабиссал шароитларда (1 км.дан 15-16 км. га-ча) шаклланади.

**Скарны магнезиальные - Магнезиал скарнлар** - контакт-метасоматик т. ж. лари; кўпинча гранитоидли интрузияларнинг доломитлар билан контакт қисмларида ҳосил бўлади.

**Скважина буровая - Бурғи қудуғи** - узунлигининг диаметрига нисбати анча катта миқдорий кўрсаткичларни ташкил қилувчи, бурғилаш асбоблари ёрдамида ер қаърига т. ж. лари бағридан цилиндрсимон шаклда ўтилувчи иншоот. У 25 мм-5 м диаметр билан турли йўналиш, мақсадларда (съемка, қидириш, излаш, ўзлаштириш ва б.) ковлаб ўтилиши мумкин.

**Скважина опорная - Таянч бурғи қудуғи** - геологик тузилиши аниқланмаган майдонларда кесимни ва ф.қ.ни излаш йўналишларини аниқлаш мақсадида бурғилаб ўтиладиган маҳсус чуқур бурғи қудуғи.

**Складка - Бурма** — шаклига қараб икки асосий-антиклинал ва синклинал турга ажратилади. Антиклинал ва синклинал турлари қанотлари, қулфи, маркази, қиялик бурчаги, ўқи, ўқ текислиги, шарнири, узунлиги, эни, баландлиги ва амплитудаси бўйича ўзаро фарқланади. Аксарият Б. лар катталиги, шакли ва пайдо бўлишига қараб табақаланади.

**Складка асимметричная - Асимметрик бурма** - бўйлама ўқи тик бўлмаган ва унга нисбатан бурма қанотлари ҳар хил бурчак билан ётган бурма.

**Складка гребневидная - Қоясимон бурма** - узун, тик қанотли, қоясимон антикилиналь. Қанотлари шарнирдан узоқлашганда қиялашиб кенг синклиналь бурма ҳосил қилади.

**Складка диапировая - Диапир бурма** - ядроси (ўзаги) кучли деформацияланган, юқори пластиклик хусусиятга эга бўлган туз, гипс, гил ва шу кабилардан иборат ётқизиқлар антикилиналь бурмаси. Бурма ўзаги нисбатан ёш қатламларни ёриб ўтиб қанотларни ҳосил қилади. Қанотлар тик жойлашади. Д. б. ядроси “тешиш ядроси” деб аталади. Д. б. ядроси бурмаланган зоналарнинг эгилган қисмларида гил т. ж. ларидан, геосинклиналь областларининг тоғ олди ва тоғ оралиги эгилмаларида ҳамда платформаларнинг чуқур ботиқларида тузлар (туз гумбаз) дан таркиб топади.

**Складка изоклиальная - Изоклинал бурма** - қанотлари бўйлама ўқи текислигига параллел бўлган бурма.

**Складка коробчатая - Қутисимон бурма** - бурманинг қулф (тепа ўқи) қисми горизонталь ёки қия текислик шаклида, тик қанотлари эса иккита букилма орқали қулф билан туташган.

**Складка моноклиальная - Моноклинал бурма** - бир ёқлама ётишга мослашган т. ж. лари қатламларининг “тирсак” симон эгилиши натижасида ҳосил бўлган тектоник структура. “Флексура” атамасининг синоними.

**Складка наложенная - Устқурма бурма** — аввалги бурмалар устида ҳосил бўлган, уларга нисбатан кўри-ниши, структуравий элементлари билан мутлақо фарқ қиладиган ва аввалги бурмаланишни мураккаблашти-радиган бурма.

**Складка нормальная - Одатдаги бурма** - асосий юзаси вертикал, қанотлари эса ҳар томонга бир хил бурчакда қияланган бурма (букилма).

**Складка опрокинутая (запрокинутая) - Тўнтарилган бурма** - ўқ текислиги нишаб, иккала қаноти ҳам бир томонга тушадиган бурма.

**Складка простая - Оддий бурма** - янада кичик босқичларга мансуб бурмаланишлар билан кўшимча мураккаблашмаган бурма.

**Складка синклинальная - Синклиналь бурма** - бўйлама ўқи бўйлаб сой ҳосил қилувчи бурма.

**Складка сундучная - Сандиқсимон бурма** - “Складка коробчатая” атамасининг синоними.

**Складки конседиментационные - Конседиментацион бурма** - чўкиндилар билан бир вақтда ҳосил бўладиган бурма.

**Складки приразломные - Ёриқлар олди бурма-лари** — узилма ва уст сурилма ёки силжиманинг ётувчи томонида ҳосил бўлади. Биринчи турдаги бурмалар ўқи текислиги ер ёриқлари текислигига параллелиги, иккинчиси эса ёриқларда сурилма ва силжималарга нисбатан 5-30° елпигицсимон жойлашганлиги билан тавсифланади

**Складки разбухания - Бўртама бурмалар** — т. ж. ларининг ва ангидритларнинг намланиши, ерости сувларининг музлаши ва эриши натижаларида ҳажм ортишидан ҳосил бўлади.

**Складки экзогенные - Экзоген бурмалар** — ташқи геологик жараёнлар натижасида ҳосил бўлган бурмалар. Бундай бурмаларга қопланиш, зичланиш, кепчиш, бўртиш, қулаш, ўпирилиш, музлик бурмалари киради.

**Складки эндогенные - Эндоген бурмалар** — пайдо бўлишида ички геологик жараёнлар (вулканизм, плутонизм ва б.) муҳим аҳамиятга эга бўлган бурмалар. Бундай бурмаларга: регионал сиқилиш, ер ёриқлари атрофидаги бурмалар, гравитацион силжиш, ер қобигида магманинг ҳаракати билан боғлиқ бурмалар, диапирлар киради.

**Складкообразование - Бурма ҳосил бўлиши** - Ер пўстидаги тектоник ҳаракатлар ва қисман экзоген жараёнлар натижасида т. ж. ётқизиқларида турли миқёс ва шакллардаги бурмаланишларнинг ҳосил бўлиш жараёни.

**Складчатость - Бурмаланиш** - т. ж. ётишининг ўзгариши жараёни. Ушбу жараённинг асл маъноси - шаклан ва миқёсан турлича бўлган геологик (одатда стратификацияланган) жисмларнинг букилишидан иборат.

**Складчатость альпийская - Альп бурмаланиши** - асосан кайназойдаги тектоногенез эраси. Геосинклинал областларида вужудга келиб, мезозой ва палеогенда ривожланган. А. б. натижасида геосинклиналлар бурмали тоғларга айланган. Ўша вақтда Альп бурмали тоғлари (“А. б.” номи шундан), Альп геосинклиналь (бурмали) области ва б. структуралар шакллانган.

**Складчатость варисцийская - Варисций бурмаланиши** - т. ж. ларининг палеозой эраси иккинчи ярмида содир бўлган бурмаланиши.

**Складчатость герцинская (герциниды) - Герцин бурмаланиши (герцинидлар)** - палеозой эраси охири ва мезозой бошида содир бўлган бурмаланиш. Г.б. мустақил бурмаланган минтақа ва областларни ҳосил қилган.

**Складчатость диапировая - Диапир бурмаланиш** — антиклинал, гумбаз каби структуралар ядросига туз, гипс, гил каби пластик т. ж. ларининг кўшни ҳудудлардаги т. ж. лари босими остида ёки тектоник кучлар

таъсирида суқулиб киришдан ҳосил бўлади.

**Складчатость каледонская (каледониды) - Каледон бурмаланиши (каледонидлар)** — эрта палеозой (кембрий, ордовик) даврида кечиб, баъзи жойларда девонда тугаган бурмаланишлар. Унинг энг кучли намён бўлиши кембрий охири, ордовик охири, силур охирига тўғри келади.

**Складчатость киммерийская - Киммерий бурмаланиши** - Мезозой эрасида юз берган бурмаланиш.

**Складчатость конседиментационная - Конседиментацион бурмаланиш** - чўкинди т. ж. лари ётқи-зилаётган даврда пайдо бўладиган бурмаланиш.

**Складчатость мезозойская - Мезозой бурмаланиши** — ўрта ва кечки мезозой оралиғида ҳосил бўлган бурмаланиш.

**Скловит - Скловит** —  $MgH_2 [UO_2 | SiO_4]_2 \cdot 5H_2O$ . Кат. 2-3. Сол. оф. 3,45-3,64. Ранги сариқ, шишасимон ярқироқ, радиал нурсимон, сферолитга ўхшаш, кигизсимон, друзали агрегатли м-л. Кучсиз сарғиш яшил нур қайтариш хусусиятига эга. Гидротермал конларининг оксидланган зоналарида, чўкинди U конларида учрайди.

**Склон платформы моноклиальный - Планформанинг моноклинал қиялиги** - плиталар қиғоғида, антеклиза ёки синеклизалар оралиғида супалар, гумбазлар, ботиқликлар, тўлқинсимон кўтарилмалар билан мураккаблашган қатламларни бир томонга қияла-ниб ёнбошлаб ётиши.

**Скользющие грани разломов - Тектоник ёриқларнинг сирғалиш юзалари** - геодинамик кучлар таъсирида икки қарама-қарши силжувчи тектоник блокларнинг ёриқ ташкил этувчи сатҳлари. Уларнинг орасини тўлдирган қамровчи т. ж. лари бўлақлари блокларнинг бир-бирига ишқаланиб сурилишидан ва атмосфера, ер усти ва ости намликлари таъсирдан ёриқлик лойларига айланади. Т.ё.с.ю. кон қидирув омиллари қаторига кириб, тектоник сурилишнинг йўналишини кўрсатади.

**Скородит - Скородит** -  $Fe^{3+}[AsO_4]2H_2O$ . Кат. 3,5. Сол. оф. 3,1-3,3. Каркас структурали м-лларнинг кичик синфига мансуб м-л. Арсенопиритнинг оксидланишидан пайдо бўлади. Син.: лоазит, саримсоқ тош.

**Скорость тектонических движений - Тектоник ҳаракатлар тезлиги** - Ер қобиғида массаларнинг янги ва ҳозирги замон тектоник ҳаракатлари таъсирида силжиш тезлиги.

**Скорость фильтрации - Фильтрация тезлиги** — маълум бир вақт ичида, сувли қатлам кўндаланг кесимининг маълум юзасидан оқиб ўтган сув миқдори.

**Скрытокристаллический - Яширин кристалланган** — “Криптокристаллический” атамаснинг синоними.

**Славикит - Славикит** —  $Mg Fe^{3+}_8 [(OH)_3 \cdot (SO_4)_4 \cdot 18H_2O]$ . Сол. оф. 2,1. Яшил-сариқ рангли, ялтироқлиги шишасимон, донадор, тангасимон агрегатли м-л. Оксидланган ва нураган зоналарда пирит оксиди сифатида учрайди. **Сланцеватость - Сланецсимонлик** - ўзаро параллел ҳолда тахланган ва шу параллел текисликлар бўйича майда қатламларга ажралиш хусусиятига эга бўлган т. ж. ларининг тузилиши.

**Сланцы черные ураноносные - Уранли қора сланецлар** — U миқдори унинг кларк миқдорига нисбатан икки ( $3 \cdot 10^{-4} \%$ ) тартибга ортиқ ( $1 \cdot 10^{-1} \%$  -2 ·

$10^{-1} \%$ , камдан-кам  $5 \cdot 10^{-2} \%$ ) гилли ёки углерод кремнийли сланец.

**Сланцы - Сланецлар** — турли хил таркибдаги метаморфик т. ж. лари тури. Уларнинг тузилиши деярли параллел ҳолда жойлашган чўзиқ ёки варақсимон м-ллар мажмуасидан иборат бўлгани туфайли юпқа варақларга осон ажралади.

**Сланцы глинистые - Гилли сланецлар** — зич (ғовак-лиги 1-3 %), қатлам-қатлам қора, кулранг ва тўқ кулранг метаморфик т. ж. Унинг тузилишида гидрослюда, хлорит, баъзан каолинит ва б. гилли м-лларнинг қолдиқлари (монтмориллонит ва б.) мавжуд. Бундан ташқари, таркиби кварц, дала шпати ва б. гилсиз м-ллардан иборат турлари ҳам учрайди.

**Сланцы горючие - Ёнувчан сланецлар** — гилли, оҳақли, кремнийли, майда қатламли, емирилган вақтда варақсимон ёки яхлит, органик моддалар қолдиғидан ташкил топган кўнғир-кулранг ва сариқ-жигарранг, метаморфлашган жинс. Қатламчалари жуда майда; ёниб турган гугурт тутилса, резинка ёнганга ўхшаш ҳид чиқаради. Ёнувчи бўлаги сапропелли ёки гумусли сапропелли. Ё.с. лар ҳавосиз ерда  $500^\circ C$  гача, ҳавоси бор ерда эса  $1000^\circ C$  гача қиздирилганда ҳайвонот қолдиғидан ташкил топган моддалар парчаланиб, нефтсимон мум, қуруқ ёнадиган газ ва сув ҳосил бўлади.

**Сланцы диафоритовые - Диафоритли сланецлар** - метаморфлашган сланецлар. Сланецланиш ва уларнинг м-ллашиш жараёнлари диафорез жараёни натижасида ҳосил бўлади.

**Сланцы кристаллические - Кристаллик сланецлар** — ўртача, (қисман кучли) метаморфизмга учраган метаморфик т. ж. ларининг умумий номи. Кварц, дала шпати ва рангли м-ллар сон жиҳатидан ўзаро муносабатлари турли бўлиши билан гнейсдан фарқланади.

**Сланцы магнетитовые - Магнетитли сланецлар** - таркиби кўроқ кварц, магнетит, ва шох алдамчиси иборат бўлган қорамтир сланецлар.

**Сланцы медистые - Мисли сланецлар** — мис сульфидларига бой алевролит, аргиллит, мергел ва доломитдан иборат т. ж. М. с. лари денгиз ётқиқиқларида (қадимий лагуналарда) тарқалиши билан тавсифланади. Бу ётқиқиқлардан мисдан ташқари Ag, Zn, Mo, V, Co, Ni, Re ва б. металл олинади.

**Сланцы углистые - Кўмирли сланецлар** — зичлашган сланецсимон кўмирли т. ж. Улар кучли метаморфлашган кўмир қатламларида учрайди. Таркибдаги органик моддалар 20-50 % ни ташкил қилади.

**Слоистость - Қатламлик** - дастлабки таркиби, заррачаларининг йириклиги, ранги, жойлашиши ва б. хусусиятлари бўйича бир хил бўлмаган чўкиндиларнинг кесмада қайтарилиши.

**Слоистость в углях - Кўмирларда қатламлик** — алоҳида кўмир қатламларидан иборат кўмирли модданинг бирламчи ҳилма хиллиги. Турли петрографик таркибдан ташкил топган, ўсимлик моддаларининг ҳар хил даражада майдаланганлиги ва сингенетик м-л компонентларининг турли хил таркиби билан ифодаланади.

**Слоистость магматическая первичная - Бирламчи магматик қатламланиш** — бирламчи магманинг кристаллизация дифференциацияси натижасида интрузиянинг шаклланиши жараёнида пайдо бўлувчи қатламланиш. Осойишта тектоник шароитда кристал-

лашган интрузиялар учун, айниқса асосли ва ўрта асосли т. ж. ларининг қатламлашган интрузиялари учун хос. Асосли ва ўта асосли т. ж. ларида маромли қатламлашни (турли таркибли т. ж. лари қатламларининг маромли қонуниятли алмашилиши) ва ёпиқ қатламлаши (интрузиянинг вертикал қирқимида асосий жинс ҳосил қилувчи м-ллар таркибининг қонуниятли ўзгариши) аниқланади.

**Слоистость ритмичная - Ритмик қатламланиш** — чўкинди т. ж. лари кесмасида қатламларнинг қайталанishi билан тавсифланади.

**Слой - Қатлам** - стратиграфик тушунча бўлиб, умумий литологик белгилари билан тавсифланадиган ётқизикларни англатади.

**Слой базальтовый - Базальт қатлами** - Ер пўстининг қуйи қатлами. Конрад юзаси билан Мохоровичич юзаси оралиғида жойлашган бўлиб, қалинлиги 15 км дан 25-30 км гача ўзгаради. Унда бўйлама сейсмик тўлқинларнинг тарқалиши тезлигидан (6,5-7,5 км/сек) келиб чиқиб “қатлам габбродан тузилган” деб эҳтимол қилинади.

**Слой “Гранитный” - “Гранит” қатлами** — Ер пўстининг сейсмик маълумотлар ёрдамида ажратилиб, шартли номланган қатлами. Т. ж. лари чўкиш ҳавзалари пойдеворларини ташкил қилади ва кристалланган қалқонлар (щит) ҳамда бурмаланган минтақаларда Ер юзасига чиқиб ётади. Унинг остки чегараси Конрад чизиги билан белгиланади. Г.қ. континент Ер пўстида уларнинг қалинлиги ҳар хил (5-10 км дан 40 км гача). Океан тубидаги Ер пўстида бу қатлам йўқ. Таркиби мураккаб бўлиб, асосан гнейслар, сланецлар, мигматитлар ва нордон магматик т. ж.ларидан иборат

**Слой мертвый - Ўлик қатлам** - гидрогеологияда азрация зонасидаги намлиги ўзгариб турадиган юқори горизонт билан қуйи капилляр кўтарилиш юзаси орасидаги қуруқ тупроқ (ўлик) қатлами. Йилнинг кўп қисмида унда маҳкам боғланган намлик мавжуд бўлади.

**Слой угольный - Кўмир қатлами** — бир неча физик, петрографик, химёвий белгилари билан ажраладиган кўмир қатламининг бир қисми. Бир хил таркибли тузилишида мазкур қатлам кўмир пачкаларига тенг бўлиши мумкин.

**Слойчатость - Қатламланиш** — чўкинди т. ж. лари қатламлилиги. Қ. кичик қатламларнинг такрорланиши билан ажралиб туради (текис, нотекис, тўлқинли). Қалинлиги бир неча м. га етади.

**Слойчатость речная - Дарё чўкиндилари қатламлилиги** — дарё ўзани ётқизиклари ва қайир ётқизиклари қатламлилиги ажратилади. Ўзан ётқизиклари текстураси учун бир-бирининг устига ётувчи қия қатламлар серияси хос.

**Слойчатость эоловая - Эол қатламлилиги** — шамол фаолияти таъсирида қуруқликда ҳосил бўладиган қум барханлари, лёсслар, вулкан туфлари.

**Слюдит - Слюдит** — Ернинг чуқур қаърида ҳосил бўладиган, фақат слюдадан иборат бўлган голомеланократли т. ж.

**Слюдки урановые (группа) - Уран слюдалари (гурух)** - уран м-ллари гурухи бўлиб, уларга сабугалит, салеит-отенит, торбернит, новачекиб, цейнерит, ураноспирит, ураноцирцит, калерит, кирхеймерит, хейнричит, бассетит, урамфит ва б. мета - ва параураниллар киради. Улар учун хос ранглар: оч сариқ, сарғиш-яшил ёки яшил.

**Слюды - Слюдалар** — қатламли структурали димета-

силикатларнинг катта гуруҳи. С. нинг хусусиятларидан бири, унинг таркибида сувнинг мавжудлиги ва ҳар хил С. да турли ҳароратда ажралишидир.

**Слюды лития - Литий слюдалари** - лепидолит, цинвальдит ва б. м-ллар гуруҳининг номи бўлиб, кристалл шаклда кам учрайди.

**Смальтин - Смальтин** —  $(\text{Co}, \text{Ni}) \text{As}_3$ . Кат. 5,5-6,0. Сол. оф. 6,4-6,9. Оқдан кулранггача бўлган, донадор агрегатли, ялтироқлиги металлсимон м-л. Гидротермал ф. қ. Ni-Co ва Ag-Ni-Co формацияларида хлоантит, скуттерудитлар билан парагенетик тарзда, карбонатли ва кварц томирларида учрайдиган Ni-Co ва Ag ф. қ. да, баъзан Ag-Co-Ni-Bi-U формацияли, гоҳида Cu ва темир конларида учрайди.

**Сметана железная - Темир қаймоғи** - бўшоқ каллоид-дисперс гематит.

**Смитсонит - Смитсонит** -  $\text{Zn}[\text{CO}_3]$ . Кат. 5. Сол. оф. 4,5. Кулранг, оқ, рангсиз, сариқ, оч яшил, мовий, жигаррангсимон, қизил ранг, шисасимон ёки садафсимон ялтирайдиган, колломорф агрегатли, карбонатлар синфининг кальцитлар гуруҳига мансуб м-л. Оҳақтошларда жойлашган рух конларининг оксидланган зоналарида, сфалеритнинг ўзгариши ҳисобига пайдо бўлади. Рух эритиб олинadиган рухга бой маъданлардан ҳисобланади. Йўлдош м-ллари: сфалерит, галенит, малахит, гидроцинкит, кальцит ва б. Син.: бонамит, карбонат - гальмей, рух шпати.

**Смоли - Мумлар** — тирик ўсимликларда эритма кўринишида эфир мойларида қатнашувчи игна баргли ўсимлик мумлари. ўсимлик ўлгандан кейин ҳосил бўлган ҳосилалар “қазилма мумлар” дейилади. 2. Битумлар муми — битумнинг асфальт муми бирикмаларининг петролейли эфирда эрийдиган қисми. 3. Қаттиқ ёнувчи қазилмаларни қуруқ ҳайдашда ҳосил бўладиган суюқ қолдиқлар (сув қаватидан ташқари).

**Снаряд буровой - Бурғи снаряди** - бурғилаш учун мўлжалланган асбоблар йиғиндиси.

**Совложанность генеральная - Генерал мажмуа** - хусусий қийматлар мажмуаси. Хар бир эксперимент, лаборатория анализларидан олинган маълумотлар хусусий қиймат ҳисобланади. Геологияда маълумотларни статистик усуллар ёрдамида таҳлил қилишда қўлланиладиган атама.

**Согласное залегание - Мос ётиш** - қ. *Залегание согласное.*

**Сода - Сода** —  $\text{Na}_2[\text{CO}_3] \cdot 10\text{H}_2\text{O}$ . Кат. 1-1,5. Сол. оф. 1,42-1,47. Моноклин сингонияли Ранги оқ, бўзранг, сарғиш, оқ, рангсиз м-л. Ялтироқлиги хира, шисасимон. Сувда эриydi.

**Содалит - Содалит** -  $\text{Na}_2[\text{Cl}_2 | (\text{AlSiO}_4)_6]$ . Кат. 5-6. Сол. оф. 2,27-2,33. Мовий, жигаррангсимон, қизғиш-жигарранг, рангсиз, ёғсимон-олмооссимон ялтирайдиган, ўсимтасимон, донадор агрегатли, силикатлар синфига мансуб магматик м-л. Фойяит ва улар пегматитларининг жинс ҳосил қилувчи м-ли; ҳол-ҳоллик кўринишида содалитли трахитлар ва тингуаитларда учрайди. Син.: глауколит, содалит.

**Содалитовая группа - Содалит гуруҳи** - силикатлар синфига мансуб м-ллар: содалит  $\text{Na}_8[\text{Al}_6\text{Si}_6\text{O}_{48}]\text{Cl}$ , нозеан  $\text{Na}_8[\text{AlSiO}_4]\text{SO}_4$ , гаюин  $\text{NaCl}[\text{AlSiO}_4]_6(\text{SO}_4)_2$ , ложувард  $\text{Na}_6\text{Ca}_2[\text{AlSiO}_4]_6 \cdot [\text{SO}_4]\text{S}$ . Кат. 5,5. Сол. оф. 2,3-2,5. Улар жинсларда доначалар ҳолида учрайди. Ранги кўк, ҳаворанг, сариқ, оч яшил, кулранг. С.г. м-лларида Узбекистонда фақат лазурит топилган. Содалит ва лазуритнинг

қўқ турлари асл тошлар ҳисобланади. С.г. м-ллари м-л бўёқ сифатида, радиоэлектроникада ва телевидениеда ишлатилади.

**Содержание бортовое - Чегаравий миқдор** - конни чегаралашнинг энг мувофиқ варианты ва фойдаланишнинг максимал даражада иқтисодий самарасини таъминловчи, маъданлардаги йўл қўйилган ф. қ. нинг энг кичик миқдори. Ф. қ. миқдори бир текис, қонуният асосида ўзгариб борадиган конларни чегаралаш минимал sanoat миқдори асосида олиб борилади. У балансдаги ва балансдан ташқаридаги захиралар учун аниқланади. Ч. м. нинг юқори қиймати одатда минимал sanoat миқдори ҳисобланади. Қуйи чегараси бўлиб бойитиш фабрикалари қолдиқлари (чиқиндилари) даги ф. қ. (металл) нинг миқдори ҳисобланади. Ч. м. нинг асослаб олиниши конни ишлатишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга.

**Содержание минимальное промышленное - Энг кичик sanoat миқдори** - маъданни қидириш, ўзлаштириш ва қайта ишлашга кетган харажатларни қайтариш ҳамда режали даромад олиш имкониятини яратувчи ҳисобланган блокдаги ф. қ. (металл) ўртача миқдорининг қуйи чегараси.

**Содержание фоновое - Фон миқдор** — маълум майдондаги т. ж. ларида тарқалган элементларнинг ўртача миқдори.

**Соединения интерметаллические - Интерметаллик бирикмалар** - металлларнинг бир-бири билан бирикиши. Кўпинча металл боғланишга эга бўлиб, кимёвий бирикмалардан фарқли равишда таркибнинг доимийлиги ва оддий каррали муносабатлар қонунарига бўйсунмайди.

**Сокращение пробы - Намунани қисқартириш** — намунанинг сифат таркибини сақлаб қолган ҳолда унинг бир қисмини бирор усулда ажратиб олиш. Бу жараён белкуррак билан қисқартириш, чораклаш ва Джонс бўлгичини қўллаш билан амалга оширилади.

**Соленость морской воды - Денгиз сувининг шўрлиги** — ҳамма галогенлар С1 нинг эквивалент миқдори билан алмашилган, карбонатли тузлар оксидларига ўтказилган, органик моддалар ёқиб юборилган шароитда 1 кг денгиз сувида қаттиқ м-л моддаларнинг граммда ифодаланган умумий миқдори. Ўлчов бирлиги промилле (‰) бўлиб 1 кг сувдаги 1г м-л моддалар миқдorigа тўғри келади. Денгиз сувининг асосий таркиби (ионларда): Cl — 18,97941 SO<sup>2-</sup> — 2,6486; HSO<sup>2-</sup> — 0,1397; Br — 0,0646; F — 0,00,13; H<sub>2</sub> BO<sub>2</sub> — 0,0260; Na<sup>+</sup> 10,556; Mg<sup>2+</sup>-1,2720; Ca<sup>2+</sup>-0,4001; K<sup>+</sup>-0,3800; Sr<sup>2+</sup>- 0,0133. Хозирги замон океанларида кузатилаётган шўрлик ўлчами 3-5 % дан 40-55 % гача фарқланади, ўрта ҳисобда 35 % ни ташкил этади.

**Солнечная система - Қуёш системаси** — Қуёш ва унинг атрофида айланувчи 8 та сайёралар (планеталар) (Меркурий, Венера, Ер, Марс, Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун), уларнинг табиий йўлдошлари, кичик планеталар — астероидлар, кометалар ва метеорлардан ташкил топган система.

**Солнце - Қуёш** — Қуёш системасининг марказий жисми, унинг йўлдошларидан бири Ер. Қ. ўртага бурчак диаметри йил фаслига қараб ўзгариб, ўртача 31°59'. 3. ни ташкил этади; йўналма диаметри 1391000 км, ҳажми Ердан 1301 маротаба катта, масса 1985 · 10<sup>33</sup> га тенг, зичлиги 1,41 г/см<sup>3</sup>, ташқи қобиғи ҳарорати 600000 К га, ядросига яқин жойда 200000000 К га тенг. Кимё-

вий таркиби асосан Н ва Не дан иборат ва шу қаторда бошқа ҳамма элементлар ҳам оз миқдорда бор. Қ. даги газлар плазма ҳолида (магнит майдонида юқори ҳароратли электр ўтказувчан муҳит турида). Энергиянинг Қ. нинг марказидан ташқарига чиқиши, унинг бирнеча бор термомодровий нурланиши ва ютилиши жараёнида амалга ошади.

**Солончак - Шўрхок ер** — сизот сувларининг кўтарилиши ва буғланиши оқибатида арид иқлимли чўл, саҳро ва яримсаҳро худудларида тупроқнинг шўрланиши натижасида пайдо бўладиган ҳосила. Кўпинча тупроқнинг юқори қисмида туз қатлами, унинг остида қисман сезиларли гумус қатлами, унинг пастиди эса шўр т. ж. ётади.

**Сольфатары - Сольфатарлар** — вулкан атрофида ва унинг ёнбағрида жойлашган олтингургурт гази ёки олтингургурт водородига тўйинган буғ манбаи; унинг ҳарорати 90-3000° С га етади. Баъзи бир С. лар фаолияти давомида кўп миқдорда олтингургурт ажралади ва sanoat аҳамиятига эга бўлган тўпламлар ҳосил бўлади.

**Сооружения водозаборные - Сув олиш иншоотлари** — ер ости, дарё, сув омбори, сувларини тўсиш ва уларни водопровод, сугориш, гидротехник ва б. системаларга узатиш мақсадида барпо этиладиган муҳандислик иншоотлари. Ер ости С.о.и. яқка бурғи қудуқлари ёки қудуқлар, коризлар системаси, ер ости сув тўплаш галереяси ва б. иншоотлар кўринишида барпо этилади.

**Сопка - Тепалик** — чўққиси текисланган ёки қояли конуссимон тоғлар, шу жумладан вулқон ҳосилалари.

**Сопротивление горной породы - Тоғ жинси қаршилиги** - муҳандислик геологиясида грунтнинг (т. ж. ларининг) ташқи босимига кўрсатадиган қаршилиги.

**Сорбенты природные - Табиий сорбентлар** — sanoatда маҳсулотларни турли зарарли аралашмалардан тозалаш учун қўлланиладиган т. ж. лари. Оқловчи гиллар, опокалар, трепеллар, диатомитлар ва бокситлар табиий сорбентларга киради. Улар нефть маҳсулотларини, ёғ, ўсимлик мойларини, сирка, вино, мева шарбатини, лойқа ва техник сувлар ҳамда б. маҳсулотларни тозалашда, шунингдек sanoat и. ч. нинг хилма-хил соҳаларида гоаят кенг миқёсда қўлланилади.

**Сорбция - Ютилиш** - қаттиқ жисм ва суюқликларнинг газ, буғ ва эриган моддаларни ютиши жараёни.

**Сорт полезного ископаемого промышленный - Фойдали қазилманинг sanoat нави** - олинаётган маҳсулотнинг зарурий sanoat сифатини таъминловчи ф. қ. нинг табиий тури.

**Сортированность - Сараланганлик** — майдаланган чўқиндиларни у ёки чўқинди т. ж. лари бўлакларининг бир хил ўлчамлилигига ёки таркиблилигига қараб ажратилганлиги. Бу жараён чўқинди ҳосил бўлишининг фацциал шароитига, бирламчи модданинг таркибига ва седиментация тезлигига боғлиқ. Бу хусусиятни ўрганиш майдаланган т. ж. ларининг техник сифати ва уларни литологик — фацциал ўрганиш йўли билан амалга оширилади.

**Сортировка осадков - Чўқиндиларни саралаш** — чўқинди т. ж. ларидаги зарраларнинг ўлчами ва сол. оғирлигига қараб ажратилиши. Бўлакли материални сув ёки ҳаво оқими ёрдамида чўқтирилиши натижасида амалга оширилади.

**Сортировка полезных ископаемых - Фойдали**



**қазилмаларни саралаш** - ҳар хил технология билан бойитиладиган ёки турли мақсадларда фойдаланиладиган ф. қ. ларни алоҳида маҳсулотларга дастлабки ажратиш.

**Соссюритизация - Соссюритланиш** - ўрта ва асос плагиоклазнинг альбит ёки олигоклаз ва эпидот м-ллари билан ўрин алмашиши. Бу эскирган атама бўлиб, ҳозир "плагиоклазнинг альбитланиши" деб юритилади.

**Состав вещественный - Моддий таркиб** - т. ж. ларини ташкил қилувчи моддий қисмлар (м-ллар, т. ж. бўлақлари, организм қолдиқлари ва б.) нинг таркиби.

**Состав осадков вещественный - Чўкиндиларнинг моддий таркиби** - қуруқ чўкиндилар таркибига кирувчи турли т. ж. ва м-лларнинг % миқдори.

**Состав осадков минеральный - Чўкиндиларнинг минерал таркиби** - қуруқ чўкинди т. ж. лари таркибига кирувчи ҳар хил м-лларнинг % миқдори.

**Спайность - Уланиш текислиги** - кристалл донларининг ҳақиқий ёки бўлиниши мумкин бўлган ёнларига параллел, муайян кристаллографик юзалар бўйича синиш хусусияти. Уларнинг қай даражада намоён бўлиши асосида ўта мукамал (слюдалар, хлоритлар ва б.), мукамал (галенит, кальцит ва б.), ўртача (дала шпатлари, силикатлар ва б.), номукамал (касситерит, аппатит ва б.) ва ўта номукамал (магнетит, платина ва б.) турлар ажратилган.

**Спандит - Спандит** — спессартит ва андрадит оралигидаги гранат.

**Спартаит - Спартаит** — кальцит м-лининг бир тури.

**Спектр гранулометрический - Гранулометрический спектр** — ҳар хил турдаги чўкиндидаги зарралар (бўлақлар) ўлчамларининг мажмуаси.

**Спектральный анализ - Спектрал анализ** - қ. *Анализ спектральный.*

**Спектрограмма - Спектрограмма** — спектрограф ёрдамида ўрганилаётган модданинг спектр нурланишини ёки спектрланишини тавсифловчи аналитик ҳужжат.

**Спектрометрия - Спектрометрия** — тор маънода ўрганилаётган намунада тўлқин узунлиги ва спектрал чизиқлар кучини спектометр, микрофотометр ва б. лар воситасида ўлчаш.

**Спектроскопия - Спектроскопия** — физика фанининг спектрограф ёрдамида ўрганилаётган модданинг спектр нурланиши ва ютилишини ва унинг, назарий муаммоларини ўрганишга қаратилган бўлими. Геологияда, спектрал анализ усули модда таркибини ўрганишда қўлланилади.

**Сперритит - Сперритит** -  $PtAs_2$ . Қат. 6-7. Сол. оф. 10,58. Пирит-марказит синфига мансуб, ранги оқ, қалайсимон рангли, металлсимон ялтирайдиган м-л. Халькопирит, магнетит, пирротин, соф олтин, платиналар ҳамда мис-никелли маъданлар билан бирга учрайди. Камёб м-л.

**Спессартин - Спессартин** -  $Mn_3Al_2 \cdot [SiO_4]_3$ . Қат. 6,5-7,5. Сол. оф. 4,19. Гранатлар гуруҳига мансуб, ранги таркибидаги аралашмаларига кўра оқ, пуштидан то кўнғир қизилгача, шишасимон, ёғсимон ялтирайдиган м-л. Заргарликда фойдаланиладиган турининг ноёб металл пегматитли гранитларда, марганецга бой скарнларда ва метаморфик т. ж. ларида борлиги маълум. Син.: боденбендерит, марганец - алюминийли гранат, парчин, парчинит.

**Специализация магм геохимическая - Магмалар-**

**нинг геохимическая** - концентрацияларда аралашма элементларининг кларк миқдорларига нисбатан кўп (ижобий М.г.и.) ёки кам (манфий М.г.и.) бўлиши хусусиятлари. Баъзи муаллифлар "М.г.и" нинг синоними сифатида "магманинг металлогеник ихтисослашиши" атамасидан фойдаланишади. Бироқ "М.г.и." тушунчаси "металлогеник ихтисослашиш" тушунчасига нисбатан умумий бўлиб, улар нафақат металллар ёки маъданли компонентларга, балки барча аралашма-элементларга тегишли. Бироқ улар минерализациянинг аниқ петрографик шакллари ёки комплекслари билан алоқасини ифодалайди.

**Специализация магм металлогеническая ассимиляционная - Магмаларнинг металлогеник ассимиляцион ихтисослиги** - магманинг металлогеник ихтисослашининг тури; бунда у ёки бу қамровчи т. ж. ларининг магма билан ассимиляцияси натижасида баъзи бир элементларнинг, шу жумладан металлларнинг, постмагматик эритмаларга ажралиб чиқиши фаоллашади ва охирилари геохимический ихтисослашади. Камроқ ҳолларда бундай турдаги металлогеник ихтисослашиш магманинг ассимиляцион қамровчи т. ж. лари ҳисобига бўлади. Бундай бойитиш фақат баъзи бир элементлар учун (хусусан Fe учун) исботланган.

**Специализация магм металлогеническая - Магмаларнинг металлогеник ихтисослиги** - магманинг геохимический ихтисослашининг хусусий хили; фақат маъданли конлар билан боғлиқ металл компонентларига тегишлидир.

**Спилит - Спилит** — палеотип базальт т. ж. Океан, денгиз туби лава оқиб чиқишидан ҳосил бўлади. Таркиби дала шпати, иккиламчи альбитдан иборат. Альбитлашган плагиоклаз ингичка ва узун микролит структураларни ҳосил қилиб, уларнинг оралиқлари хлорит ва маъдан м-ли билан тўлади. С. спилитли туф, шарсимон лава (уларга яқин м-ллар) денгиз тубида вулдуга келган чўкинди т. ж. лари билан бирга учрайди.

**Сподумен - Сподумен** -  $LiAl[Si_2O_6]$ . Қат. 6,5-7. Сол. оф. 3,1-3,21. Пироксен гуруҳига мансуб, кулранг, сарғиш, яшил, пушти, баъзан рангсиз, шишасимон ялтирайдиган, кристаллашган қалин устунсимон ёки пластинкасимон агрегатли м-л. Литийли, гранитли, пегматитларда учрайди. Тиниқ пушти ва бинафша тусдагилари—"кунцат", зумрад рангли яшили—"гидденит" деб аталади. Йўлдош м-ллари: амблигонит, лепидолит, петалит, ураннит, берилл. Син.: трифан.

**Способ взятия проб вычерпыванием - Сузиб намуна олиш усули** - ажратиб олинган ва нисбатан майдаланган маъдан материалдан намуна олиш. Намуна (вагонбункер ва б.) бор қалинлиги бўйича олинган алоҳида кичик намуналардан ташкил топади.

**Способ взятия проб горстевой - Ховичлаб намуна олиш усули** - маъдан тўплами юзасидан маълум масофали тўр бўйича намуна олиш. Бунда намуна таркибидаги йирик ва майда материаллар нисбати тўпландаги билан бир хил бўлиши керак. Намуналар сони 3-5дан 25тагача бўлиши, кам ҳолларда ундан ошиши мумкин.

**Способ взятия проб точечный - Нуқтавий намуна олиш усули** - маълум система бўйича ўрганилаётган маъдан уюми кесимида жойлашган, системали равишда алоҳида нуқталардан намуна учун материал танлаб олиш. Намуна материали диаметри 1,5-3 см.ли бир хил ҳажм-

ли маъдан бўлаklarидан иборат бўлиб, намуна олиш нуқталари уюм кесмасида квадрат ёки тўғри бурчак бўйича жойлашади. Битта намунада нуқталар сони ўрта ҳисобда 10 дан 100 гача, баъзан эса ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин.

**Способ взятия проб шпуровой - Шпурлардан намуна олиш усули** - шпурларни бургилашда чиққан чанг ёки шламлардан намуна учун материал олиш. Шпурларнинг тўғри цилиндрик шакли намунанинг узунлиги бўйича олинаётган материал ҳажмига қатъий пропорционал бўлишини таъминлайди.

**Способ взятия проб штуфной - Штуф намунасини олиш усули** - маъданли жисмнинг тузилишини ҳисобга олган ҳолда айрим типга хос маъдан бўлаklarини (штуфларини) намуна учун олиш. Бу усул маъдан минералогик-кимёвий таркибини, текстура ва структура тузилмасини, м-л хом ашёнинг физик хусусиятлари, ҳажм оғирлиги ва б.ларни ўрганиш учун қўлланилади.

**Способность минералов отражательная - Минералларнинг ёруғлик нуруни қайтариш қобилияти** - минераграфияда диагностика қилиш белгиси сифатида қўлланилувчи, м-лларнинг оптик доимийси константаси. Бу доимий миқдор кўрсаткичи

$$R = \frac{J_r}{J}$$

формуласи билан аниқланади: бунда:

J- тушаётган нурунинг жадаллилиги, J<sub>р</sub>-қайтган нурунинг жадаллилиги, R - нуру қайтариш кўрсаткичи. Амалда R эталон билан таққослаб ўлчанади. R ни ўлчаш учун микрофотометрлар ва фотоэлектрик кучайтиргичлардан фойдаланилади.

**Способы вскрытия полезных ископаемых - Фойдали қазилмаларни очиш усуллари** - ф. қ. ларни тоғ-кон саноатида белгиланган (ер ости, усти ва комбинацияланган) усуллар билан очиш.

**Способы определения густоты разведочной сети - Қидирув тўри зичлигини аниқлаш усуллари** - қидирув тўрининг керакли ва етарли зичлигини аниқлаш усуллари - статистик (аналитик), ўхшашлик, кондан фойдаланиш маълумотлари билан солиштириш, экспериментал, сийраклатиш, иқтисодий манфаатга мувофиқлилик, геологик тузилмаларидан иборат. Асосий усул геологик тузишлар усули бўлиб, қолганлари ёрдамчи усуллар ҳисобланади.

**Спумулит - Спумулит (кўпик)** — юқори даражада кўпиклашган лава ёки шлакли бомбалар. Уларнинг ҳажм оғирлиги 0,85-1,02 ва ғоваклиги 66-72 %, бомбалар ўлчами 10-30 см. Га тенг.

**Сравнение с эксплуатационными данными - Ўзлаштириш маълумотлари билан таққослаш** - қидириш ишлари натижаларининг ишончилиги ва қидириш тўри зичлигининг самарадорлилигини аниқлаш усуллари билан бири; коннинг ўзлаштириш маълумотлари бўйича олинган геологик-саноат кўрсаткичларини (қазиб олиш ишлари, кон геологияси ва маркшейдерлик хизмати) қидиришнинг ҳар хил тўрларида ёки шаклларидаги қидириш маълумотлари бўйича мос кўрсаткичлари билан таққослашдан иборат. Уларнинг бир бири билан мос келиш даражаси бўйича қидириш тўрининг мақбул зичлиги ва шакли белгиланади. Уларнинг айрим нуқталардаги хусусий кўрсаткичлари ва блоklar ҳамда кон учун ўртача кўрсаткичлари таққослашни мумкин.

**Среда рудообразования - Маъдан ҳосил бўлиш**

**муҳити** - геологик ҳосилалар мажмуаси; унда маъданли модданинг ажралиши, кўчиши ва тўпланиши жараёнлари рўй беради. Унинг таъсири маъдан таркибида (атрофдаги т. ж. ларидан компонентларни ўзлаштириш), маъданлашишининг турли маконларда тақсимлианиши ҳамда маъдан жисмлари морфологиясида (қамровчи т. ж. лари физик-кимёвий хусусиятларига нисбатан) намоён бўлади.

**Средний уровень поверхности литосферы Земли - Ер литосфераси сатхининг ўртача баландлиги** — агар “Ер юзининг қаттиқ сатҳи мутлақ текис ҳолда” деб фараз қилса, у ҳолда унинг баландлиги дунё океанининг ўртача юзасидан 2,4 км пастда бўлган бўлуру эди.

**Средняя амплитуда планетарного рельефа Земли - Ер рельефининг ўртача планетар амплитудаси** — ҳозирги вақтда тахминан 4,7 км (қуруқликда 0,875 км ва океан тубида 3,794 км) га тенг.

**Средняя высота суши - Қуруқликнинг ўртача баландлиги** — ҳозирги даврда дунё океанининг ўртача юзасидан 875 м. баландликга тўғри келади.

**Сростки кристаллические - Кристаллик ўсимталар** — кенг маънода икки м-л кристаллининг бирлашиб кетиши. Бу кристаллар бир хил ёки ҳар хил таркибли моддалардан қонуниятли (параллел двойниклар), ярим ёки тахминий қонуниятли (друзалар) ва қонуниятсиз ҳолда ўсадилар.

**Срыв - Узуқ, узилган жой** — чўкинди т. ж. ларининг қатламланган юзаси бўйича ёки кичкина қияликда ётган турли т. ж. лари орасидаги бўлиниш.

**Ставролит - Ставролит** - 4Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub> [SiO<sub>4</sub>]AlFe<sub>2</sub>O<sub>3</sub>(OH). Қат 7,5 Сол. оғ. 3,7. Ранги қизғиш, қўнғирдан то қора қўнғир гача, ойнасимон ялтирайдиган м-л. Амфиболит фацияларига мансуб кианитли гранат-биотитли сланецларда учрайди. Йўлдош м-ллари: дистен, альмадин, мусковит, силлиманит, кварц. Син.: қора гранатит, нордмаркит.

**Стадии геологоразведочных работ - Геология-қидирув ишлари босқичлари** - Г. қ. и. б. регионал миқёсда худуднинг геологиясини ва улардаги ф. қ. ларнинг регионал структураларда жойлашиши қонуниятларини ўрганишдан бошланади. Истикболли ва аниқланган маъданли майдонларда ф. қ. ларнинг геологик қидирув ишлари босқичма-босқич регионал масштабдан локал локал масштабларга ўтиш билан якунланади.

**Стадии литогенеза - Литогенез босқичлари** - чўкинди т. ж. ҳосил бўлишининг 5 та асосий босқичи- нураш, денудация (кўчиш билан бирга), седиментация, диагенез ва метаморфизм босқичлари ажратилади.

**Стадии развития подвижных зон - Ҳаракатчан зоналарнинг ривожланиш босқичлари** - геосинклиналь зоналарнинг тараққиёт йўналиши; беш босқичга бўлиб (бошланғич, эрта, ўрта, кечки ва сўнги) ўрганилади.

**Стадии тектонического цикла - Тектоник циклининг босқичлари** - чуқурлик жараёнлари билан боғлиқ бўлган геосинклиналь бурмали (ҳаракатчан) системаларнинг даврий ривожланиши. Умумий ҳолатда тектоник давр асосий эгиклик (геосинклиналь, демиссион ёки бош геосинклиналь) ва кўтарилиш (умумий инверсия ёки ороген) босқичларига бўлинади.

**Стадийность рудообразования - Маъдан ҳосил бўлиш босқиччилиги** - гидротермал кон шаклланиши жараёнидаги маъданлашиш турлари ҳосил бўлишининг кетма-кетлиги; маъданлашиш жойига маъданли эрит-

маларнинг ўқтин-ўқтин келиши билан боғлиқ. Турли ёшдаги маъданларнинг м-л парагенезислари ва гидро-термал ўзгарган т. ж. лари кетма-кет қаторларининг ҳосил бўлишини ифодалайди.

**Стадия внедрения магмы - Магманинг тоғ жинсларига кириб бориш босқичи** — геологик даврнинг қисқа вақти бўлиб, магманинг т. ж. ларига кириб бориши ёки ўрин алмашиши ёки Ер юзига оқиб чиқиб оддий магматик тана ёки унинг бир қисмини ҳосил бўлиши босқичлари.

**Стадия вулканической деятельности - Вулкан фаолияти босқичи** — “Фаза вулканической деятельности” атамасининг синоними.

**Стадия диагенеза - Диагенез босқичи** — чўкинди т. ж. лари ҳосил бўлишининг иккинчи босқичи, яъни чўкинди чўкишидан бошлаб, бу чўкиндиларнинг т. ж. ларига айлангунга қадар ўтган давр. Бу босқичда физик—кимёвий мувафиқлашган мураккаб гетероген системали чўкинди ҳосил бўлади. Д. б. давомийлиги узоқ вақтга, гоҳида ўнлаб млн. йилларга чўзилади.

**Стадия катагенеза - Катагенез босқичи** — қ. *Катагенез*.

**Стадия метагенеза - Метагенез босқичи** — қ. *Метагенез*.

**Стадия минерализации - Минераллашиш босқичи** - м-л ҳосил бўлиш жараёнининг вақт оралиғи; м-лланишиш этапида ажратилган, олдинги ва кейинги оралиқлардан тектоник силжишлар билан ажратилган, бир вақтнинг ўзида ҳосил бўлган битта ёки бир нечта сифати жиҳатидан ўхшаш минералогик мажмуалар билан ифодланади.

**Стадия основного осадочного ритма - Асосий чўкиш ритми босқичи** — чўкинди ҳосил бўлиши цикли (ритми) босқичига 3 га бўлинади: 1) қуруқликнинг чўкиши натижасидаги қисқа муддатли трансгрессия; 2) узоқ муддатли турғун шароит; 3) қуруқликнинг кўтарилиши (бурмаланиши) ва регрессия даври. Миқёс ҳисобида бу жараён даври ороген ва магматик фазаларга тенг бўлиб, металлогеник муносабатда маъдан ҳосил бўлиши фазасига киради.

**Стадия поисковая - Излаш босқичи** - 2 та ихтисослашган кичик босқичга бўлинади: А-ихтисослашган дастлабки излаш ишари; Б-излаш ишлари. (А) босқичда берилган геолгик шарт-шароитдаги ф. қ. барча м-лларини аниқлаш мақсадида истиқболли майдонларда геокимёвий, физик, шлихли ва б. тадқиқотлар ўтказилади. (Б) босқичда бундан олдин бажарилган ишлар натижасида ажратилган истиқболли майдонларда излаш ишлари бажарилиб, башоратлаш майдони  $P_1$  тоифасида геологик иқтисодий жиҳатдан баҳоланади.

**Стадия развития подвижных зон (поясов) конечная - Ҳаракатчан зоналар (минтақалар) тараққийнинг охириги босқичи** - бурмаланиш зоналарининг платформаларга айланиши. Кўп миқдорда узил-малар, жойларда ер усти чуқук сувли лагунлар ва континентал чўкиндилар, Ер усти султ вулкан жараёнлари ҳосил бўлиши билан тавсифлидир. Вулкан жараёни асосли ва нордон магма т. ж. лари ҳосилаларидан иборат. Чўкинди ҳосилалар эса кечки букилмаларда тўпланади. Қалин терриген ва карбонатли ётқиқиқлар аввалги ва охириги ҳаракатчан зоналар структуралари оралиғида ҳосил бўлиб, темир марганеци конлар, мисли ва тошқўмирли қумтошлар конлари ҳосил бўлишида

тавсифлидир. Охириги босқичида Ер юзига яқин, кичик танали ишқорга тўйинган гранитоидлар ва асос т. ж. ларидан ҳосил бўлади.

**Стадия развития подвижных зон (поясов) начальная - Ҳаракатчан зоналар (минтақалар) тараққийнинг бошланғич босқичи** — Ер қобиғининг геосинклиналь букиланишлари бошланиш даврига мос келади. Денгиз муҳитида чуқур ер ёриқларининг ҳосил бўлиши ва вулканларнинг жадал фаолияти билан тавсифланади. Вулкан ҳаракатлари натижасида спилит — кератофирли ва диабаз — порфирли вулқон — чўкинди формациялари ҳосил бўлади. Айрим бурмаланиш областларида бошланғич босқичининг магматик т. ж. лари қисман юқори ишқорлилик билан тавсифланади. Асосли вулқон т. ж. лари билан кварцит, яшма, кремнийли сланецлар чамбарчас боғланган.

**Стадия развития подвижных зон (поясов) поздняя - Ҳаракатчан зоналар (минтақалар) тараққийнинг кечки босқичи** — кечки эгилмаларнинг геосинклиналларнинг ички ва геосинклиналлар орасидаги платформаларда пайдо бўлиши билан тавсифланади. Букилмалар зонада ва унинг четларида чуқур ер ёриқлари, қуруқликда эса вулқонлар ва интрузиялар ҳосил бўлиши билан тавсифланади (андезит — дацит ва липарит формацияларидаги т. ж. лари ҳосил бўлади). Бошланиши гранитли магма (нордонлашган гранит, гоҳида гранит), ўта ишқорий гранитоидлар (аляс-китлар, граносиенитлар, квацли сиенитлар ва ҳ.к.), охири эса асосли интрузиялар ташкил топиши билан тавсифланади.

**Стадия развития подвижных зон (поясов) ранняя - Ҳаракатчан зоналар (минтақалар) тараққийнинг эрта (илк) босқичи** — геосинкилиналларнинг умумий чўкиши паитида айрим участкаларининг кўтарилиши даври билан боғлиқ. Терриген— вулканогенли, кремний—яшмали ва оҳақтошли қатламлар ҳосил бўлади. Вулканоген чўкиндилар бошланғич босқичига нисбатан оз миқдорда, таркиби (базальт магмаси маҳсулот) ва пайдо бўлиши шароити (денгиз ҳавзаларида) бўйича бошланғич босқичидаги вулқон маҳсулотларига ўхшаш бўлади. Чўкинди ҳосил бўлиши ва вулқон жараёнлари билан боғлиқ конлар турлари бошланғич босқичи ҳосил бўлган конлар турларига ўхшашдир. Эрта босқич охиридаги интрузив комплекслари таркибига кўра габбро—плагиогранитли ва габбро—граносиенитли турларга ажратилади. Интрузив жараён кўп фазали бўлиб, т. ж. нордонлигининг босқич бошланишидан унинг охирига қараб кўпайиши билан тавсифланади.

**Стадия развития подвижных зон (поясов) средняя - Ҳаракатчан зоналар (минтақалар) тараққийнинг ўрта босқичи** — ўта қалин терриген қатлам; унинг бурмаланиши ҳамда унда интрузияларнинг жойлашиши билан тавсифланади. Чўкинди т. ж. лари босқич бошида денгиз чўкиндилари сифатида геосинклиналь букилмалар тубида юз беради. Улар флишоидли ва қумтош—оҳақтошли формациялардан ташкил топади. Таркиби мураккаб чўкиндилар, оз бўлса ҳам вулканизм тараққий топган геосинклиналь чеккаларида ривожланади.

**Стадия россыпеобразования - Сочма конлар ҳосил бўлиши босқичи** — нураш маҳсулотларининг бир жойдан иккинчисига кўчиши ва йўлда тақсимла-

ниши. Бунда нураш маҳсулоти, жойлашиш ўрни, чўкиш шароити, литологик таркиби, қандай ф. қ. ларга эгаллигига қараб сочманинг турли генетик турларини ҳосил қилади. Сочмаларнинг : 1) элювиал— озми кўпми текисланган юзаларга (плато, сувайриғич ва б.) асосий туб манбалар (т. ж. ларни) устига; 2) делювиал—тепалик ёнбағирларидаги қияликларига; 3) алювиал — дарё ўзанларига; 4) денгиз қирғоғи ва денгиз туби, кўллар қирғоғи ва тубига тўпланиши кузатилади. Тектоник шароит, рельеф шакллари ва б. омиллар таъсирида сочмаларнинг жойлашиши вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин.

**Сталагмиты - Сталагмитлар** — ғорлар ва ер остидаги карст бўшлиқлари тубидаги кўпинча оҳақтошдан иборат ҳосилалар. М-лланган сув томиши ва буғланиши натижасида пастдан юқорига қараб ўсиб чиққан устунсимон, конуссимон ва б. шаклларда вужудга келади.

**Сталактиты - Сталактитлар** — карст ғорлар тепаси ва деворларининг юқори қисмидан сумалаксимон, қувурсимон ва б. шаклларда осилиб тушган (кўпинча, оҳақтошли) ҳосилалар. Ер остига сизиб кирган сув т. ж. лари фаолияти натижасида вужудга келади.

**Станнин - Станнин** -  $Cu_2FeSnS_4$ . Кат. 4. Сол. оф. 4,5. Сульфидлар синфига мансуб қалай м-ли. Ранги пуштисимон, кулранг. Майда, донатор агрегатли, металлсимон ялтирайдиган м-л. Ўртача Sn-25 %, Cu-28,5 %, Fe-11 %, Pb-2 %, Ag-0,9 %, S-27,8 %, Sb-3,7 %. Гидротермал маъданли томирларда ва грейзенларда учрайди. Йўлдош м-ллари: касситерит, тетраэдрит, галенит, арсенопирит, халькопирит, пирит. Син.: қалай - мис ялтироғи, касситероламприт, қалай колчедани, станнит.

**Станок буровой - Бурғилаш дастгоҳи** - турли геологик тадқиқотлар ўтказиш ҳамда ф. қ. ларни ўзлаштириш мақсадида қудуқларни бурғилашда қўлланиладиган дастгоҳ.

**Станция аэрогеофизическая - Аэрогеофизика станцияси** - аэрогеофизик съёмка учун мўлжалланган автоматик аппаратура; у бир вақтнинг ўзида магнит ва электромагнит майдонларини,  $\alpha$ -нурланиш жадаллигини ва учиш баландлигини ўлчаш имкониятини берувчи бир қанча каналларга эга.

**Станция гамма-каротажная - Гамма-каротаж (ГК) станцияси** - бурғи қудуғида гамма-каротаж ўтказишга мўлжалланган мослама. Унинг ёрдамида нурланишни ўлчаш учун қудуқ ичига махсус гильзада кабель орқали датчик туширилади.  $\gamma$ -нурланишнинг жадаллигини ўлчаш автоматик тарзда бошқариш пультада бажарилади.

**Станция каротажная - Каротаж станцияси** - бурғи қудуқларини ўрганишда каротаж диаграммаларини автоматик ёзиш ва бурғи қудуғига ўрнатилган асбобларнинг кўрсатган маълумотларини қайд қилиш.

**Станция сейсмическая - Сейсмик станция** - дала қидирув ишларини олиб боришда сунъий портлатиш йўли билан ҳосил қилинган сейсмик тўлқинларни қабул қилиш, кучайтириш ва ёзиб олиш учун мослаштирилган аппаратуралар тўплами. Аппаратуранинг асосий қисмини бир неча ўхшаш сейсмик каналлар ташкил этади.

**Стассфуртит** — толасимон м-л, таркибида темир бўлган борацит м-лининг тури.

**Стекло вулканическое - Вулканик шиша** - аморф вулкан т. ж. Ёпишқоқ, нордон лаванинг тез совишидан ҳосил бўлади. Нордон (липарит), баъзан асосли (базальт) эффузив т. ж. нинг ҳаммаси В. ш. дан таш-

кил топган бўлиши мумкин. Обсидан, смола тоши, перлит, пемза, тахилит ва сордавалитлар В. ш. дан иборат бўлиб, фақат айрим хусусиятларига қараб бир-биридан фарқланади.

**Стекло кварцевое - Кварц шишаси** — кремнеземдан ташкил топган сунъий шиша. Таркибидаги бегона қўшилмалар миқдори кам бўлган кварц бўлаклари ёки қумларини эритиб тайёрланади.

**Степень измельчения пробы (Su) - Намунани майдалаш даражаси (Su)** — Н.м.д. унинг энг катта ўлчамли (duc) бўлақларининг, намуна майдалангандан сўнги энг катта бўлақлар ўлчамига (dk) нисбатини тавсифловчи сонли ифода. Н.м.д. қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Su = \frac{duc}{dk}$$

**Степень изменчивости геологических признаков - Геологик белгиларнинг ўзгарувчанлик даражаси** — қидирув жараёнида аниқланган ф. қ. танасининг ўлчамлари, тузилиши, таркиби, зичлиги ва б. хоссалари ўзгаришининг сонли ифодаси. Кўпинча ўзгарувчанлик даражаси ўрганилаётган белгининг ўзгарувчанлик даражасини кўрсатувчи вариация коэффициенти (V) нинг унинг фоизда ифодаланган ўртача арифметик қиймати (M) га бўлган нисбатан билан ифодланади:

$$V = \frac{\delta}{M} \cdot 100\%$$

Бунда —  $\delta$  ўрганилаётган белгининг унинг бир қатор ўлчовларига кўра аниқланадиган ўртача қийматидан ўртача квадрат оғиши.

**Степень минерализации подземных вод - Ер ости сувларининг минераллашганлик даражаси** — “*Минерализация подземных вод*” атамасининг синоними.

**Степень насыщенности кремнеземом - Кремнезем билан тўйинганлик даражаси** — т. ж. ларининг кремнезем билан тўйинганлиги ёки етишмаслигини тавсифловчи петрокимёвий катталик.

**Степень разведанности месторождения - Коннинг қидирилганлик даражаси** - тоғ-кон корхонасини лойиҳалаш ва қуришда саноат талабларига коннинг геология саноат кўрсаткичлари ҳақида тайёрланган маълумотлар тўлиқлиги, аниқлиги ва ишончлигининг мослиги. Республикада турли мураккабликдаги конлар учун маълум заҳиралар тоифасининг миқдорий нисбатлари йўриқномалар билан белгиланган. Агарда шу талаблар бажарилган бўлсагина, конни муфассал ўрганиш тамомланган, деб ҳисобланади.

**Степень сокращения пробы (Se) - Намунани қисқартириш даражаси (Se)** — бошланғич намуна оғирлигининг ( $Quc$ ) қисқартирилган намуна оғирлигига ( $Qc$ ) нисбатининг сонли ифодаси. Бу ифода қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Se = \frac{Quc}{Qc}$$

**Стетefeldит - Стетefeldит** —  $Ag_{1-2} Sb_{2-1}(O,OH, H_2O)_7$ . (?) Кат. 3-4. Сол. оф. 4,6. Сарик рангли, донатор, опасимон агрегатли, галенит, пирит ва халькозинлар билан бирга темирли кварцларда учрайдиган м-л.

**Стефанит - Стефанит** -  $Ag_3Sb_4$ . Кат. 2-2,5. Сол. оф.

6,2-6,4. Кумушнинг занжирсимон силикатлар синфига мансуб, қаора-кул рангдан сарғиш қорагача бўлган, металлсимон ялтирайдиган, ҳол-ҳол майда донадор агрегатли м-л. Кумуш маъданли гидротермал конларда учрайди. Кумуш эритиб олинадиган иккинчи даражали маъдан. Кумушнинг занжирсимон силикатлар синфига мансуб м-ли. Йўлдош м-ллари: аргентит, пирит, галенит, барит, флюорит. Син.: сурма- кумуш ялтироғи, гольдшмидтин, меланокоцит, меланаргирит, псатуроза ва б. лар.

**Стибарсен - Стибарсен** -  $SbAs$ . Қат. 3-3,5. Сол. оф. 6,6. Қатламсимон-оқ, кулранг, металлсимон ялтирайдиган, майда донадор, йирик, кристаллашган м-л. Сурманинг маргимушли м-ли. Антимонит, сфалерит, сидерит, кальцитлар билан бирга учрайди (сурма ва маргимушнинг интерметалли табиий бирикмаси).

**Стибиконит (стибианит) - Стибиконит (стибианит)** —  $Sb_3 O_5 OH$ . Қат 4-4,5. Сол. оф. 4,1-5,8. Оч сариқ рангли, садафсимон ялтирайдиган, зич кукнсимон агрегатли м-л. Оксидланиш зоналарида,  $Sb$  охралари валентинит ва б. лар билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари: Сервантит, валентинит. Син.: гидросервантит, гидроромеит, стибианит, стиблит.

**Стибиопалладинит - Стибиопалладинит** —  $Pd_3 Sb$ . Қат. 4,5. Сол. оф. 9,5. Думалоқ донадор м-л Ранги кумушсимон — оқ, жигарранг — бронзасимон жилоси металлсимон.  $Pt$  конларида  $Fe$ ,  $Cu$ ,  $Ni$  сульфидлари билан бирга учрайди.

**Стихтит - Стихтит** -  $Mg_6 Cr_2(OH)_{16}[CO_3] \cdot 4H_2O$ . Қат. 1,5-2. Сол. оф. 2,16. Толасимон зичлашган тангасимон м-л. Қизил рангли агрегат. Ялтироқлиги мумсимон, ёғлашган. Серпентинитлашган ўта асосли т. ж. ларда барбертонит билан бирга учрайди. Син.: буаззерит, хромбрунъятеллит.

**Стоки промышленные - Саноат оқавалари** - и.ч. (заводлар, кон-геология корхоналари ва ш.к.лар) чиқиндилари билан ифлосланган сувлар.

**Столб рудный - Маъдан устун** - устунсимон шаклдаги, оз миқдорли маъданлар орасидаги бирламчи бойиган, одатда тик ётувчи маъдан танаси участкаси. Томирларнинг кенгайиб шйшишидан (морфологик тури) ва томирларнинг морфологиясига таъсир қилмайдиган, қимматли компонентларнинг концентрациялари кўпайган зоналардан литологик ва структуравий омиллар билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўлиши мумкин. Структуравий омил маъданлар билан юпқа майдаланган т. ж. ларининг томирлар билан кесишган еридаги алмашинувуда намоён бўлади. У кўпчилик постамагматик конларга, хусусан таркибида олтин бўлган кварц томирларига ва б. маъдан томирларига хос шаклдир.

**Страз - Страз** - бриллиантнинг ёки б. қимматбахо тошнинг шишадан тайёрланган ўхшатмаси.

**Странскиит - Странскиит** -  $Cu Zn_2 [As O_4]_2$ . Қат. 4. Сол. оф. 5,23. Қобиқсимон, очиқ-қўқ рангли м-л. Оксидланган зоналарда халькопирит устида ривожланади.

**Стронций - Стронций, Sr** - М.д.с.нинг II-гурухига мансуб к.э. Т.р. 38, ат.м. 87,62, ишқорий ер металллар гуруҳига киради. 4 та барқарор изотопи бор:  $Sr^{84}$ (0,55%),  $Sr^{86}$ (9,87%),  $Sr^{87}$ (7,02%) ва  $Sr^{88}$ (82,56%). С. Ер пўстининг масса жиҳатдан  $4 \cdot 10^{-2}$  % ини ташкил қилади. Унинг 30 га яқин м-ллари маълум бўлиб, фақат целестит ва стронцианит саноат аҳамиятига эга. С. - кумушдек оқ ва юмшоқ металл.  $770^\circ C$  да суюқланади,  $1380^\circ C$  қайнайди, зичлиги  $2,64 \text{ г/см}^3$ . С. қотишмалар

таркибига қўшила-ди. Вакуум техникасида, электр батареяларида ишлатилади, бирикмалари тиббиётда, косметикада ва б. қўлланилади.

**Стронциоборит - Стронциоборит** —  $(Mg, Ca) Sr(H_2O) [B_4O_6(OH)_2]$ . пластинкасимон м-л, Рангсиз микрокристаллашган агрегат. Тош тузларида бўлади.

**Стратиграфическая классификация - Стратиграфик таснифлаш** — қ. *Классификация стратиграфическая*.

**Стратиграфическая колонка - Стратиграфик устун** - т. ж. ларининг кетма-кетлиги, таркиби, ёши ва бошқа қатламлар билан муносабатини махсус белгилар билан акс эттирувчи турли миқёсдаги чизмалар.

**Стратиграфия - Стратиграфия** - тарихий геологиянинг бир қисми; чўкинди, вулкан т. ж. лари ҳосил бўлишининг тарихий кетма-кетлигини, географик тарқалишини, Ер ва ундаги органик дунёнинг табиий ривожланиш босқичларини ўрганади.

**Стратификация - Стратификация** - чўкинди т. ж. қатламларини вертикал кесмада бир-бирига нисбатан параллел ҳолда ётқизилганлиги.

**Стратовулкан - Стратовулкан** — лава оқимлари ва бўш пирокластик материалдан тузилган барча полиген вулканларнинг йиғма номи.

**Стратосфера - Стратосфера** — тропосфера ва ионосфера орасида жойлашган атмосферанинг иккинчи қобиғи.

**Стратотип - Стратотип** — у ёки бу стратиграфик бирлик (ярус, горизонт, свита) нинг тадқиқотчи томонидан аниқланган ўзига хос кесмаси. Қиёсий тадқиқотлар учун андоза сифатида хизмат қилади.

**Строение геологическое - Геологик тузилиш** - ер қобиғининг моддий тузилиши. Т. ж. ларининг таркиби, очиқ тузилиши, ривожланиши, маъданлар, конлар, ер ости сувларининг тарқалишини, турли геологик жараёнларни ва б. лани ўрганиш асосида матн харита ва кесмаларда акс эттириш.

**Строение кристаллов (минералов) зональное - Кристаллар (минераллар) нинг зонал тузилиши** - кристаллар (м-ллар) таркиби, физик ва оптик хусусиятлари билан фарқланадиган концентрик қобиқлардан (қаватлардан) иборат зонал тузилиши. Кўпинча порфир т. ж. ларининг фенокристалларида кузатилади.

**Строительные материалы естественные - Табиий қурилиш материаллари** — қурилишда ишлатиладиган ҳар хил т. ж. лари. Булар табиий (кесилган, текисланган, узилган) ва сочма (қум, шағал, қиррали шағал) турларига ажралади. Қурилишда ишлатилиши бўйича фундамент ва деворга ҳамда том ёпишда ишлатиладиган тош ашёлари ажратилади.

**Стронцианит - Стронцианит** -  $Sr[CO_3]$ . Қат. 3,5. Сол. оф. 3,72. Карбонатлар синфининг арагонит синфига мансуб, ранги оқ, оч зангори сариқ шишасимон, ёғсимон ялтирайдиган, толасимон, нурсимон агрегатли м-л. Гидротермал томирларда, карбонатларда ва чўкинди карбонат т. ж. ларида учрайди. Йўлдош м-ллари: кальцит, пирит, барит, целестин.

**Структура - Структура** - магматик ва метаморфик т. ж. лари учун кристалланиш даражаси, кристалларнинг мутлақ ва нисбий ўлчамлари ва шакли, уларнинг ўзаро бирикиши, шунингдек айрим м-л заррачаларининг ва улар агрегатларининг ташқи хусусиятлари билан ўзаро боғланганлиги бўлса, тектоникада - т. ж. нинг

маконда ётиш шакллари тушунилади.

**Структура (текстура) брекчиевая (брекчиевидная) - Брекчияли (брекчиясимон) структура (текстура)** — қиррали бўлаклар ва уларнинг цементловчи массадан иборат бўлган магматик ва метаморфик т. ж. ларнинг структураси. Бунда цементловчи масса-нинг м-л таркиби, структураси ёки генезиси бўйича брекчияни ташкил этувчи қиррали бўлаклардан фарқ қилади.

**Структура агломератовая - Агломератли структура** — вулқон бомбаси, лапилла, харсанг каби т. ж. ларининг йирик бўлакларидан ташкил топган бўлак-ли структура тури.

**Структура аплитовая - Аплитли структура** — кварц ва дала шпатлари ёки кварци бир хил даражадаги идиоморфизмни тавсифловчи структура. Кварц дала шпатларидан ташкил топган аплит томир жинслари учун хос. Кристаллари дала шпатларига нисбатан идиоморфроқ бўлади.

**Структура вулканно- тектоническая - Вулканотектоник структура** — кенг маънода ер қаъридаги магманинг ер қобиғига кўтарилиши ва ер юзига чиқиши билан боғлиқ ҳудуд тузилишининг ўзгаришлари. Тор маънода магма массасининг ер юзига яқин жойида механик таъсирдан ҳосил бўладиган маҳаллий структура. Буларга II даражали — чўкиш (вулқон депрессияси, грабень — синклиналь, ботиғлик) ва кўтарилмалар (стратовулқон ва қалқонсимон вулканларнинг вулканотектоник тизмалари, горстлар, гумбазсимон тепаликлар) киради. Маҳаллий В.с. вулқон бўғзидан магма чиқаётгандаги кучни (зўриқишни) акс эттиради. Бу куч таъсирида вулқон атрофида радиал нурсимон ва ҳалқасимон томирли дайкалар, вулкан ости фундаменти-нинг гумбазсимон дўнгликлари ҳосил бўлади. Жадал чўзилган зоналардан лавалар оқиб чиққанда маҳаллий В.с. ҳосил бўлмайди. Бундай ҳолларда дайкалар системаси ташкил бўлиб улар магманинг дифференциалланиш ўчоғи билан боғланган бўлади.

**Структура глубинная - Чуқурлик структураси** - ер қобиғининг тузилишида шу қобиқнинг ўзи ва қисман мантиясининг юқори қисми қатнашган энг йирик структура.

**Структура гранит- порфировая - Гранит-порфирли структура** — нордон т. ж. ларининг асосий массаси майда донатор бўлган порфирли структура.

**Структура гранитовая - Гранитли структура** — тўлиқ кристалланмаган гранитоид т. ж. лари структурасига тааллуқли бўлиб, рангли м-лларнинг дала шпатларига, уларнинг эса кескин ксеноморфли кварцга нисбатан гипидиоморфлиги билан тавсифланади.

**Структура гранофировая - Гранофирли структура** — айрим ўрта ва нордон т. ж. лари асосий массасининг дала шпати ва кварцнинг қонуниятли бирга ўсишидан ҳосил бўлган структура.

**Структура зернистая (кристаллическая) - Донадор (кристаллашган) структура** - шиша ёки микроклиндан холи бўлган, тўлиқ кристаллашган донатор тузилишли магматик т. ж. лари структураси. Т. ж. зарралари текис ёки нотекис донатор бўлади. Текис донатор тузилишли структурага: гранит, пегматит, габбро, нотекис донатор структурага эса порфирсимон структурани: киритиш мумкин.

**Структура зубчатая - Тишсимон (нотекис) структура** — т. ж. лари доналари структурасининг нотўғри,

тишсимон кўринишида чегараланиши билан тавсифланувчи гранобластли структуранинг бир тури. Бу структура кварцит, мрамор, контакт-метаморфик т. ж. ларига тааллуқли.

**Структура изометрическая (изометрически зернистая) - Изометрик (изометрик донатор) структура** - тўлиқ кристалланган т. ж. ларининг структураси. Унда ҳар бир донача учта ўлчамларнинг ҳаммасида озми-кўпми, бир ҳил ривожланишга эга.

**Структура катакластическая - Каталастик структура** — т. ж. лари парчаланишининг бошланғич даврини кўрсатади. У механик куч таъсирида т. ж. ва м-лларнинг эгилиши, ёрилиши, парчаланиши ва эзилиши натижасида вужудга келади.

**Структура лампрофировая - Лампрофирли структура** — лампрофирларга хос тўла кристалланган, порфирли ички тузилиш. Бунда рангли м-ллар (оддий шох алдамчиси, биотит, пироксен) идиоморф фенокристалл ҳосил қилиб, асосий массадан ажралиб туради.

**Структура макрокристаллическая - Макрокристаллик структура** - йирик кристалли (донатор) м-ллар тузилишига эга бўлган т. ж. ларининг ички тузилиши. Кристалларини оддий кўз билан ажратиш мумкин бўлган м-ллар ёки т. ж. лари.

**Структура милонитовая - Милонитли структура** — майдаланган, ишқаланган метаморфик т. ж. лари ички тузилишининг умумий номи. Бундай т. ж. ларининг ташқи кўриниши параллелдир. Майдаланганлик ва ишқаланганлик даражасига кўра, кўпол ва юпқа ички тузилишли хилларига ажратилади.

**Структура осадочных пород - Чўкинди тоғ жинсларининг структураси** — бирламчи чўкинди т. ж. лари, шунингдек уларнинг иккиламчи қайта ўзгартирувчи жараёнларга дучор бўлган хилларида учрайдиган турли кўринишдаги структураларни бирлаштирувчи кенг маънодаги атама.

**Структура осадочных пород алевритовая - Чўкинди тоғ жинсларининг алевритли структураси** — ўлчами 0,01 дан 0,1 мм. гача бўлган майда заррали чўкинди т. ж. лари структураси. Ўлчамига қараб йирик (0,05-0,1мм) ва майда (0,01-0,05мм) алевритли бўлади. Бу структуралар нураш маҳсулотли бўлган бўшоқ ва цементлашган майда заррачали чўкинди т. ж. ларига тааллуқли.

**Структура осадочных пород зернистая - Чўкинди тоғ жинсларининг донатор структураси** — барча майда бўлакли, донатор бўшоқ ёки цементланган чўкинди т. ж. лари структурасини белгиловчи умумий атама.

**Структура осадочных пород мраморовидная - Чўкинди тоғ жинсларининг мраморсимон структураси**- кальцит кристаллари заррачаларини бир-бирига зич жойлашган оҳақтош т. ж. структураси. Доналар чегараси нотўғри чизиқли бўлиб: майда, ўрта, йирик ва дағал донатор мраморсимон структураларга ажралади.

**Структура осадочных пород оолитовая - Чўкинди тоғ жинсларининг оолитли структураси** — оолит (шарсимон) доналари ва уларни цементловчи моддадан таркиб топган т. ж. структураси. Ўлчами 1 мм. Дан катта бўлган оолитлардан иборат т. ж. структураси “йирик оолитли структура” деб аталади.

**Структура осадочных пород пелитовая - Чўкинди тоғ жинсларининг пелитли структураси** — зар-

ралар ўлчами 0,01 мм дан кичик бўлган (95 % дан кам бўлмаган) гилли т. ж. ларига, вулкан туфларига ва баъзи б. кластик чўкинди жинсларга хос структура.

**Структура осадочных пород порфиридная - Чўкинди тоғ жинсларининг порфирсимон структураси** — майда кристалл донали асосий масса таркибида бирор-бир м-лнинг (оҳактош ва доломитлар сульфатланиши жараёнида гипс ва ангидритларнинг) каттароқ доналар шаклида ажралиб туриши билан тавсифланувчи чўкинди т. ж. структураси.

**Структура осадочных пород сахаровидная - Чўкинди тоғ жинсларининг оққандсимон структураси** — карбонатли, ангидритли, гипсли, полигалитли, галитли ва б. хемоген кимёвий чўкинди т. ж. ларининг майда ва бир хил донадор структураси. Мазкур т. ж. ларининг штуфлари ва синиқли юзалари қандсимон кўринишга эга.

**Структура осадочных пород скрытокристаллическая - Чўкинди тоғ жинсларининг яширин кристаллик структураси** — кристалли структуранинг заррачаларнинг жуда майда ўлчамлари билан тавсифланувчи тури. Бунда айрим м-л индивидлари фарқланмайдилар (ёки ҳатто микроскопда жуда кучли катталаштирилганда ҳам жуда қийинчилик билан фарқланади) ва кристаллашиш фақат м-л агрегатларининг қутбланишган ёруғликка жами таъсири туфайли намоён бўлади.

**Структура осадочных пород чешуйчатая - Чўкинди тоғ жинсларининг тангасимон структураси** — қайта кристалланишдан ҳосил бўлган ва япроқсимон ёки тангасимон шакли м-ллардан иборат, гилларнинг тўлиқ кристалли структурасининг бир тури.

**Структура пегматитовая - Пегматитли структура** — томир т. ж. ларининг структураси. Икки м-л бир вақтда кристалланишидан (мас., кварц ва дала шпати) ҳосил бўлади. Уларнинг бири катта кристалл шаклида бўлиб, иккинчиси шу м-лда ўсимта ҳолида ривожланади.

**Структура пелитовая - Пелитли структура** - ўлчами 0,01мм дан катта бўлмаган заррача (пелит) лардан ташкил топган чўкинди т. ж. ларининг ўзига хос структураси. П.с. асосан микроскоп остида кузатилади.

**Структура пизолитовая - Пизолитли структура** - бутунлай ёки қисман пизолитлардан иборат т. ж. структураси. П.с. асосан оҳак-тошли т. ж. ларида кўпроқ (ўлчами 2 мм дан катта бўлган думалоқ шаклдаги), Мп ва гидрогетит оксидларида эса камроқ бўлади.

**Структура погребённая - Кўмилиб ётган структура** - нисбатан ёш, қалинлиги катта қоплама ётқиқиқлар остида кўмилиб кетган антиклиналь ёки синклиналь бурма.

**Структура пойкилитовая - Пойкилитли структура** — бунда бир қанча бир хил ёки турли м-л заррачалари б. анча йирик м-л ичида тартибсиз равишда ётади. Ўз ичига б. заррачаларни олган “мезбон” м-л ичидаги м-л эса “ксенокристалл” ёки “пойкилит”, дейилади. Пойкилитлар магманинг кристалланиши пайтида биринчи бўлиб ажралиб чиқади, сўнгра кейинги ҳосил бўлган кристалличиди сақланиб қолади.

**Структура порфириная - Порфирли структура** — магматик т. ж. ларининг ҳар хил катталиқдаги м-л тузилиши. Айрим м-л 2 генерацияси мавжудлиги билан ажралиб туради. Энг аввалги генерацияси йирик,

қирралари яхши ривожланган м-л (фенокристалл зарралар) бўлиб, умумий кўринишда б. лардан яққол тафовут қилади. М-лнинг сўнги генерацияси т. ж. нинг асосий массасини ташкил этади. Асосий масса бутунлай ёки қисман кристалланган ёки шишасимондир

**Структура руд - Маъдан структураси** - маъданларни ташкил қилувчи м-ллар заррачаларининг бирикиши, ўлчамлари ва шакли билан аниқланувчи м-л агрегат тузилиши.

**Структура руд внутреннего строения - Маъданнинг ички тузилиши структураси** - кўринмас бир хил мономинераллар агрегати бўлиб, бундай изотропик м-ллар структураси м-лларнинг жилоланган юзасига структуравий таъсир этиш йўли билан, анизотропик м-лларда эса кесишган николларда аниқланади. Қўшалоқ ички тузилишли, полисинтетик қўшалоқли, бурмаланган қўшалоқли, панжарали микроклин ва зоналлашган структуралар турлари ажратилади.

**Структура руд зональная - Маъданнинг зонал структураси** — кўпроқ айлана (концентрик), бир хил ёки ҳар хил, гоҳида номаъдан (томирли) м-ллар қатларининг алмашинуви кўринишида намоён бўлади. Булар кўпгина сульфидли маъданларда учрайди. Коллоид эритмалардан моддаларнинг чўкиш ёки бир модданинг б. си билан ўрин алмашиши натижасида ҳосил бўлади.

**Структура руд конкреционная - Маъданнинг конкрецион структураси** — маъдан ёки номаъдан моддалардан иборат қаттиқ ёки бўшоқ қамровчи (ёндоз) масса орасидаги турли ўлчамли (кўндаланг кесими < 1мм дан бир неча дм. гача) овалсимон ёки юмалоқ шакли маъдан конкрецияларига бой маъдан структураси. Конкрециялар мағзида (ўртасида) номаъдан (кварц, карбонат ва б.лар) м-л, доналари гил — қумтошли масса ёки бўшлиқлар (йирик конкрецияларда) кузатилади. Бу сифатлар темирли ва марганецли маъданларга тааллуқлидир.

**Структура руд оолитовая - Маъданларнинг оолитли структураси** — сингенетик ёки эпигенетик цементдаги оолит (думалоқ) маъдан донаси. Оолит марказида кварц зарраси, карбонат, фауна бўлаклари ва б.лар бўлиши мумкин. Булар атрофида маъдан моддаси қатланган концентрик шаклда ўсади. Ўлчами 0,1 мм. дан 2 мм. гача бўлади. Цементи маъданли ёки кальцитли, баритли, қумтош — гилли бўлиши мумкин.

**Структура руд ориентированно — волокнистая - Маъданнинг йўналтирилган толасимон структураси** — β - пирротиннинг ингичка толали кристалларининг α - пирротиннинг асосий массасидаги йўналиш бўйича жойлашиши. Булар қаттиқ эритмали β - пирротиннинг α - пирротинга парчаланишидан ҳосил бўлади.

**Структура руд пластинчатая - Маъданнинг пластинкасимон структураси** — ҳамма ёки устувор компонентларнинг пластинкасимон шакли билан тавсифланувчи структураси. Ётқиқиқлар структураси, мономинерал ва қаттиқ эритмаларнинг парчаланиши структураси.

**Структура руд радиальнолучистая - Маъданнинг радиал нурсимон структураси** — “*Структура руд сферолитовая*” атамасининг синоними.

**Структура руд сетчатая - Маъданнинг тўрсимон структураси** — аввал ҳосил бўлган м-л бўйлаб кейинроқ пайдо бўлган м-л ингичка томирларининг ке-

сишишидан ҳосил бўлган тўрсимон структура. Ушбу структура иккиламчи сульфидларнинг бирламчилари ёки маъданли карбонатларнинг сульфидлар бўйлаб ривожланишидан ҳосил бўлади.

**Структура руд спутанноволокнистая - Маъданнинг чалкаш толали структураси** — бир-бирига ёки маъдан таркибидаги б. м-лга нисбатан тартибсиз жойлашган толасимон кристалл бирикларидан қисман ёки тўлалигича ташкил топган м-л агрегати кристалл заррали структурасининг бир тури.

**Структура руд сферолитовая - Маъданнинг сферолитли структураси** — ҳар хил катталикдаги (0,1 мм дан бир неча мм. гача) радиал нурсимон сферолит (юмалоқ тана) лардан иборат маъдан структураси. Коллоидларнинг қайта кристалланишидан ҳосил бўлади. “*Структура руд радиально - лучистая*” атамасининг синонимиди.

**Структура руд цементная - Маъданларнинг цементли структураси** - кварц, дала шпати ва б. м-ллар майда қиррали ёки силлиқланган заррачалари билан цементланган лимонит, марказит, пиролюзит, халькозин, халькопирит, карнотит ва шу каби маъданли моддаларга эга баъзи бир чўкинди т. ж. ларининг тузилиши. Кўпинча цемент қумларнинг мис сульфидли, марганецли ва б. моддалар билан ўрин алмашилиши натижасида ҳосил бўлади. Ўрин алмашилиш қумлиқнинг коррозияси билан бирга юз бериши мумкин.

**Структура спилитовая - Спилитли структура** — т. ж. нинг асосий массаси спилит бўлиб узун, ингичка, альбитлашган плагиоклаздан иборат. Улар ораси асосан иккиламчи, қисман эса бирламчи (хлорит, лейкоксен ва маъданли) м-ллар билан тўлган бўлади.

**Структура стекловатая - Шишасимон структура** — асосий массаси аморф шишасимон моддадан тузилган вулкан т. ж. структураси.

**Структура тектоническая - Тектоник структура** — Ер қобиғи маълум қисмининг геологик тузилишини белгиловчи ва бирор тектоник режим кучли мавқеи сабабли шаклланган структуралар мажмуи. Т.с. системаловчи ва бир-бири билан узвий алоқадорликда бўлган энг муҳим белгилари масштаб, морфология ва уларнинг генезисидир.

**Структура трахитовая - Трахитли структура** — порфир т. ж. лари асосли массасининг структураси. Дала шпатлари призматик микролитларининг субпараллел жойлашилиши билан ажралиб туради. Улар орасида шишасимон базис йўқ ёки жуда оз миқдорда мавжуд.

**Структура фельзитовая - Фельзитли структура** — нордон эффузивлар асосли массасининг микрокристалл структураси. Жуда ҳам майда кристалл ҳосилалар вулкан шишаси зарраларидан ташкил топади.

**Структура флюидаляная - Флюидал структура** — фенокристалларни (агар улар мавжуд бўлса) айланб ўтувчи т. ж. кристалларининг асосий массаси микролитларининг оқимсимон жойлашилиши билан тавсифланувчи структура. Ф. с. совиятган ёпишқоқ лаванинг ҳаракати натижасида вужудга келади.

**Структурная карта - Структуравий харита** - қ.  
*Карта структурная.*

**Структурный ярус - Структуравий ярус** — тузилма қаватининг бир қисми бўлиб бир тектономагматик босқич давомида орогеник фазалар ораллиги даврида вужудга келади. Тузилма қаватининг пастки ва устки

қисмларидан регионал номос бурчак билан ажралади.

**Структуры глубинные - Чуқурлик структуралари** — Ер қобиғининг энг йирик структуралари. Уларнинг тузилишида қобиқ (ер пўсти) ва қисман юқори мантия қатнашади.

**Структуры концентрические - Концентрик структуралар** - маъданлар структураларининг бир тури. Улар куйидагиларга: 1) оддий концентрик, 2) концентрик зоналли, 3) концентрик йўл-йўл структураларга бўлинади.

**Структуры очаговые - Ўчоқ структуралар** - чуқурликдаги массалар бўшоқчилигининг ошиши участкалари устидаги ўзига хос эндоген дислокациялар натижаси сифатида пайдо бўлувчи айлана шаклидаги гумбаз. Унинг майдони 100 км<sup>2</sup> дан 1500-2000км<sup>2</sup> гача етади.

**Структуры месторождений полезных ископаемых геологические - Фойдали қазилма конларининг геологик структуралари** - кон участкаси (бўлаги) ни ташкил қилувчи т. ж. ларининг муҳитга нисбатан тектоник структуралар билан ўзаро боғлиқ тузилиши. Улар кўп ҳолларда ер қобиғида м-лларнинг тўпланиш ўрни, морфологияси, жойлашиш шароитлари ва қонуниятларини белгилайди. Ф. қ. ларни ўзлаштириш усулларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Геологик структуралар: буқилмалар, узилмалар ва контактлар деформациялари натижасида пайдо бўладиган ҳосилалар. Буларга бурмалар, узилмалар, интрузив ва чўкинди жинслар контактлари билан назоратланувчи конлар киради.

**Суб ... - Суб...** — паст, ости, кам, деярли, ўхшаш ва ҳ.к. маъносини англатиб мураккаб сўзларга қўйиладиган олд қўшимча. Мас.: субвулкан, субгеоантиклиналь, субмагма ва ҳ.к.

**Субвулканы - Субвулканлар** — ҳосил бўлиши пайтида ер юзи билан боғлиқ бўлган, ўзи ҳам ер юзига яқин чуқурликда жойлашган интрузив тана. Ер юзи билан боғлиқ бўлмаган интрузиялар — плутонларнинг акси.

**Субгеоантиклиналь - Субгеоантиклиналь** — маълум тарихий тектоник босқичдаги платформа сатҳининг нисбатан кўтарилиши. С. лар узун, ортиқча қалин бўлмаган чўкинди т. ж. лари қатлами ва платформа формацияларининг тўлиқ бўлмаган қирқимлари учун тавсифлидир.

**Субдукция - Субдукция** - қия сейсмофокал зоналарда океан литосфераси четининг пасайиши (океан литосферасининг континентал ёки океан типидеги литосфера билан ёнма-ён жойлашган плита четининг остига сурилиши). Плиталарнинг континентал қисмлари ўхшаш бўлганда пайдо бўладиган коллизия зоналари конвергентлик зоналарининг бир тури ҳисобланади..

**Субформация - Субформация** — асосий формация ҳосил бўлган шароитга нисбатан кам ўзгарувчан муҳитда ҳосил бўлган, шунингдек кичик майдонни эгаллаган, қисқа вақт ичида ва кам қалинликда тўпланган чўкинди т. ж. лари комплекси. Булар асосий формациянинг ажралмас қисми бўлиб, айна пайтда ўзи макрофазиялардан иборат, яъни кенжа формация тушунчасини беради.

**Суглинки - Суглиноклар** — таркибида гил фракцияси миқдори < 0,002мм (<0,005) 10-20 % миқдорда



бўлган чанг заррачалари миқдори аксарият кўпчиликни ташкил этган континентал ёш ётқирик.

**Суглинки валунные - Харсангли суглинкалар** — тартибсиз ҳолда тарқалган ҳар хил т. ж. бўлақларидан, асосан морена ва баъзан, сохта морена (сел ва делювиал ётқириклар) ҳосилаларидан иборат.

**Судонит - Судолит** —  $(Al, Mg, Fe)_{4,5} \cdot (Si, Al)_4 O_{16} \cdot (OH)_9$  хлорит м-ли тангасимон, чувалчангсимон кристалланган. Ранги сарғишдан оқ гача. Қумтош ва мергелли т. ж. ларида учрайди.

**Сузалит - Сузалит** —  $(Mg, Fe^{3+})_3 (Al, Fe^{3+})_4 \cdot [(OH)_3 | (PO_4)_2]_2 \cdot 2H_2O$ . Кат. 5. Сол. оф. 3,09. Полисинтетик, яшил рангли қўшалок агрегатли м-л. Пегматитларда иккиламчи м-л сифатида учрайди.

**Сульфиды - Сульфидлар** - олтингуртнинг металл, шунингдек нометалл кимёвий элементлар (В, Si) билан ҳосил қилган табиий кимёвий бирикмалари. Уларга “водород сульфид ( $H_2S$ ) кислотасининг тузлари” деб қараш керак. Айрим кимёвий элементлар олтингурт билан бириктириб, олтингурт кислотаси  $H_2S_x$  тузлари бўлган С. ни ҳосил қиладилар. С. ларни ҳосил қилувчи асосий элементлар гуруҳига Fe, Zn, Cu, Mo, Ag, Hg, Pb, Bi, Ni, Co, Mn, V, Ga, Ge, As, Sb лар киради. Улар маъданлашиш жараёнининг фаол иштирокчиси ва кўпчилик металллар маъдани сифатида диққатга сазовордирлар.

**Сульфоантимониты свинца - Қўргошин сульфоантимонитлари** - жемсонит-буланжерит қатори м-лларининг гуруҳланган номи. “Сульфосоли свинца” атамасининг синоними.

**Сульфоарсениды свинца - Қўргошин сульфоарсенидлари** - сарторит-иорданит қатори м-лларининг гуруҳланган номи. “Сульфосоли свинца” атамасининг синоними.

**Сульфоборит - Сульфоборит** —  $Mg_3 \cdot [OH | F | SO_4 | (B(OH)_4)_2]$  Кат. 4. Сол. оф. 3,9. Рангсиз, қизғиш рангли м-л, ялтироқлиги шишасимон, сувда эриб парчаланаяди. Борат конларида учрайди.

**Сульфовисмутиды свинца - Қўргошин сульфовисмутидлари** - галено-висмутит-козалит қатори м-лларининг гуруҳланган номи.

**Сульфогалит - Сульфогалит** —  $Na_4 [F | Cl | (SO_4)_2]$ . Кат. 3,5. Сол. оф. 2,5. Рангсиз, яшил - сарғиш рангли, жилоси шишасимон, ёғсимон м-л. Совуқ сувда эрийди, таъми шўр. Тузли чўкинди қатламларида учрайди.

**Сульфосоли - Сульфотузлар** - тиокислоталарнинг кимёвий тузлари ҳисобланган м-ллар. Улар таркибидagi кислород олтингурт билан алмашган кислородли кислоталар тузларнинг олтингуртли ўхшашлари. Барча сульфотузлар гидротермал шароитда, жуда кам ҳолларда эса пегматитларда ва сульфидли конларнинг оксидланиш зоналарида ҳосил бўладилар. Улар Ер юзасига яқин, ўрта чуқурликларга хос бўлиб, Ag, Sb, As, Pb-Zn ва б. паст ва ўрта ҳароратли конларда учрайди. Баъзи бирлари эса Ag, Pb, Cu, Bi, As ларнинг маъдани ҳисобланадилар.

**Сульфосоли свинца - Қўргошин сульфотузлари** - жемсонит-буланжерит м-лларининг гуруҳланган номи.

**Сульфосоли свинца и серебра - Қўргошин ва кумушнинг сульфотузлари** - ленгенбахит-физелиит, андорит, фрейес-лебенит, диафорит ва ширмерит қаторлари м-лларининг умумий номи.

**Суперкапилляры - Суперкапиллярлар** — сувнинг оғирлик кучи таъсирида ҳаракат қиладиган т. ж. ларидаги ўлчами 0,1-0,5 мм бўлган ғоваклик ва дарзлик-

лар.

**Суперпровинция металлогеническая - Металлогеник суперпровинция** — планетар миқёсдаги маъдан майдони. “Пояс металлогенический планетарный” атамасининг синоними.

**Супеси - Супесьлар** — таркибида гил фракциясининг  $< 0,002$  мм ( $< 0,005$ ) миқдори 3-10 % дан иборат, аксарият таркибида катта миқдорда чанг заррачалари мавжуд бўлган чўкинди т. ж.

**Супраструктура - Супраструктура** — нисбатан паст даражада метаморфлашган, бурмаланиш қурилмаларининг юқори тектоник қавати.

**Сурик - Сурик** -  $Pb_3O_4$ . Кат. 2-3. Сол. оф. 8,2.

Қўргошин гуруҳига мансуб, галенит ва церруситнинг иккиламчи м-ли. Ранги - гиштранг қизил. Хира.

Ёғсимон ялтирайди. Майда толасимон агрегат.

**Сурьма - Сурма, Sb** - М.д.с.нинг V-гуруҳига мансуб к.э. Т.р. 51, ат.м. 121,25. 2та барқарор изотопдан иборат:  $Sb^{121}$  (57,24 %) ва  $Sb^{123}$  (42,75 %), сунъий изотопларидан муҳимлари  $Sb^{122}$ ,  $Sb^{123}$  ва  $Sb^{125}$ . Ер пўстининг масса жиҳатидан  $4 \cdot 10^{-5}$ % ини ташкил қиладди; кристалл ва аморф шаклларда бўлади. С. кумуш каби оқ, ялтироқ, мўрт металл,  $630,5^\circ C$  да суёқланади,  $1640^\circ C$  да қайнайди, зичлиги  $6,69$  г/см<sup>3</sup>. Табиатда С. нинг сульфиди-антимонит, мураккаб сульфидлари-бартьерит, жем-сонит, тетраэдрит, ливингстонит, оксидлари-сенармо-тит, сервантит, стибиконит ва б. кенг тарқалган. С. Конларининг асосий массаси генетик жиҳатдан гидротермал, телетермал ва вулканоген. С. тиббиётда, техникада, тўқимачилик ва резина саноатида, пиротехникада, қотишмалар тайёрлашда ва б. ишлатилади.

**Сурьма самородная - Соф сурма** — Sb. Кат. 3-3,5. Сол. оф. 6,61-6,72. Оқ-сарғиш рангли, нурсимон, мўрт агрегатли м-л. Металсимон ялтирайди. Sb, Au, As, Ag, U, Pb-Zn конларида антимонит, соф табиий висмут билан бирга кумуш м-лларида учрайди. Йўлдош м-ллари: стибинт, кермезит, соф олтин.

**Сурьяный блеск - Сурма ялтироғи** — қ. *Антимонит*.

**Сфалерит - Сфалерит** -  $ZnS$ . Кат. 3,5-4. Сол. оф. 3,9-4,2. Ранги кулранг-жигарранг, қизил қора баъзан сариқ, зангор. Олмоссимон ёки ёғлиқсимон ялтирайдиган, қобиқсимон, колломорф агрегатли м-л. Сульфидлар синфига мансуб. Кўпроқ ўрта ҳароратли гидротермал конларда, скарнларда ва ҳар хил чўкинди ёки вулканоген чўкинди конларда учрайди. Мўрт. Рух эритиб олинадиган асосий маъдан.

**Сфен (титанит) - Сфен (титанит)** -  $CaTi(SiO_4)$ . Кат. 5-5,5. Сол. оф. 3,5. Ортосиликатлар синфига мансуб титаннинг м-ли. Сарик, қўнғир, яшил, кулранг, баъзан қора ёки қизил. Олмосга ўхшаб ялтирайди. Бу м-л сарғиш, қўнғир рангли кристалларининг ёнлари орасида ўткир учли понага ўхшаш қиёфаси билан б. м-ллардан ажралиб туради. Сфен иккинчи даражали (акцессор) м-л сифатида циркон, апатит, магнетит билан биргаликда магматик т. ж. (диорит, гранодиорит, сиенит ва х.к.)да кўпроқ учрайди.

**Сфериолит - Сфериолит** - катта солиштирма оғирликга эга бўлган думалоқ шаклдаги м-ллар — сферитлар мавжуд бўлган эффузив т. ж.

**Сфероид земной - Ер сфероида** — Ер шаклига яқин бўлган айланиш эллипсоиди. қ. *Земля, Сжатие земли*.

**Сферокобальтит - Сферокобальтит** —  $Co [CO_3]$ .

Қат. 4. Сол. оф. 4,13. Қисман Ni, Fe<sup>1+</sup> ва Са билан бирга учрайдиган м-л. Ранги лоласимон қизил, қобиғи концентрик думалоқ ва шуласимон думалоқ нурга ўхшаш тузилган агрегатли м-л. ялтироқлиги шишасимон м-л. Гидротермал конларнинг оксидланган зоналарида бирламчи Со-Ni ва Су-Со маъданларида розелит, эритрик ва аннабергитлар билан бирга учрайди.

**Сферокристаллы - Сферокристаллар** — нордон эффузив т. ж. ларининг асосий массасида учрайдиган думалоқ, мономинераллар. Булар сферолитларнинг қайта кристалланишидан ҳосил бўлади.

**Сферолиты - Сферолитлар** — игнасимон кристалл агрегатлардан иборат, радиал-нурсимон тузилишга эга шарчалардан ташкил топган т. ж. лари. Магматик ва чўкинди т. ж. ларида учрайди. Нордон лавалар қотаётганда унинг шишасимон массасидан консолидация йўли билан, бундан ташқари, цеолитлар, кварц ва б. м-лларнинг иккиламчи ажралиши натижасида қаттиқ т. ж. ларининг бўшлиқларида ҳам шаклланиши мумкин. Чўкинди т. ж. ларида карбонатли, марганец-темирли, фосфатли, халцедонли ва б. С. лар учрайди. С. га бой лава сферолитли лава деб юритилади.

**Сферосидериты - Сферосидеритлар** — темир ва пирит оксидли гил ёки алеврит моддали, думалоқ шаклга яқин сидеритли конкрециялар.

**Схема обработки проб - Намуналарга ишлов бериш схемаси** - ф. қ. намуналарини тадқиқотларга тайёрлашнинг кетма-кетлиги ва шароити бўлиб, қисқа ва схема шаклида ифодаланади. Маъдан хусусиятлари, намунанинг дастлабки оғирлиги, заррачалар диаметри, турли майдаловчи дастгоҳлардан тўғри фойдаланиш ҳамда тадқиқотчи олдида турган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда етакчи геолог томонидан тузилади.

**Цементированность осадочных пород - Чўкинди тоғ жинсларининг цементлашганлиги** — т. ж. лари бўшоқлиги ёки зичлигининг даражаси. Диagenез ва эпигенез жараёнларида ҳосил бўлади. Бу жараён бирор бир майда заррали модданинг чўкинди т. ж. лари бўлаклари орасига, атрофидаги б. чўкиндилардан ёки қоплаб турган сув муҳитидан олиб келиниб жойлаштирилишидан, шунингдек ушбу сингенетик материалларнинг литификациясидан ҳосил бўлади. Карбонатлар, кремнезем, гилли моддалар ва темир оксидлари, (камроқ хлорит, цеолит, гипс ва б.) асосий цементловчи моддалар ҳисобланади.

**Съемка аэрогеологическая - Аэрогеологик съёмка** - самолёт ва вертолетлар ёрдамида аэрофотосуратларни олиш ва аэровизуал кузатувларни қўллаб амалга ошириладиган геологик съёмка. У мустақил съёмка тури эмас.

**Съемка аэромагнитная - Аэромагнит съёмка** - Ер магнит майдонини самолетлар, вертолетлар ва б. лар ёрдамида ўрганиш усули.

**Съемка геологическая - Геологик хариталаш** - геологик тадқиқот усулларида бири. Муайян жойларда Ер юзасининг рельефи, геологик тузилиши, т. ж. ларининг ёши, дастлабки ички тузилиши, кейинги жараёнлардаги ўзгаришлари, магматик т. ж. ларининг пайдо бўлиши хусусиятлари, турли ф. қ. ларнинг жойлашиш қонуниятларини ўрганиш ва келажак истиқболларини аниқлаш мақсадида амалга оширилидиган ишлар мажмуи. Табиий ва сунъий йўл билан очилган т. ж. ларини навбати билан ўрганиш, т. ж. ҳамда м-лларнинг пайдо бўлиши, тарқалиши ва таркибини

аниқлаш, улардан олинган намуналарни ўрганиш маълумотлари асосида махсус хариталар комплекти тузилади.

**Съемка геолого- гидрогеологическая - Геологик- гидрогеологик хариталаш** - ҳудудларнинг геологик тузилиши ва гидрогеологик шароитларини мукаммал ўрганиш ҳамда маълум масштабда геологик-гидрогеологик хариталар тузиш мақсадида бажариладиган ишлар мажмуи. У табиий ва сунъий очилган ер ости сувларининг таркибини ўрганишдан, сувлилигини белгилашдан ҳамда уларнинг гидрогеологик шароитларини ва тарқалиш доирасининг ўрнашган жойлари ва тарқалган чегараларни топографик харитага туширишдан иборат.

**Съемка геоморфологическая - Геоморфологик хариталаш** - маълум ҳудуднинг геоморфологик тузилишини ўрганувчи асосий усуллардан бири.

**Съемка геофизическая - Геофизик съёмка** - Ернинг табиий физик майдонлар кўрсаткичларини (гравитацион, магнит, иссиқлик, электр, гамма- нурланиш) мунтазам кузатишга асосланиб, уларнинг харитасини тузиш.

**Съемка гравиметровая - Гравиметрик съёмка усули** — гравиметрик асбоб ёрдамида маълум майдонда оғирлик кучининг тезланишини ўлчаш орқали амалга оширилади.

**Съемка инженерно — геологическая - Геологик — муҳандислик хариталаш** — иншоотлар қурилиши ва ҳужалик мақсадлари учун ажратилган майдоннинг геологик тузилиши, геоморфологик хусусиятлари, кечаетган геологик жараёнлари ва т. ж. ларининг механик — физик хусусиятларини ўрганиш учун олиб бориладиган ишлар мажмуи. Съёмка натижасида махсус геологик — муҳандислик харитаси тузилади.

**Съемка литогеохимическая - Литогеохимёвий хариталаш** — ф.қ. ларни қидиришда туб ва ёки бўшоқ т. ж. ларидан намуналар олиб, уларни анализ қилиб, натижасидан микроэлементлар тақсимланишининг юқори кўрсаткичли (ореоллари ва тақсимланиш оқимлари) майдонларини аниқлашнинг геохимёвий усули.

**Съемка литохимическая (съёмка металлометрическая) - Литохимёвий хариталаш (металлометрик хариталаш)** - ф. қ. ларнинг излашнинг энг муҳим геохимёвий усули. Т. ж. лари ва уларнинг нураш маҳсуллари кимёвий таркибини режали равишда ўрганишга асосланган. Олинган намуналарнинг барча хусусиятларини кимёвий ва спектрал усуллар ёрдамида аниқлайди. Натижада ф. қ. асосий ёки йўлдош элементларнинг литохимёвий аномалиялари ҳамда таркиби аниқланади.

**Съемка металлометрическая - Металлометрик хариталаш** — “Съёмка литогеохимическая” атамасининг синоними.

**Съемка структурная - Структуравий хариталаш** — геологик хариталашнинг бир тури. Бунинг учун таянч горизонт (қатлам)лар мукаммал ўрганилади ва кузатилади. Таянч қатламларнинг ер юзасига чиқиш нуқталари топографик харитага махсус асбоблар ёрдамида туширилади ва структурали харита тузилиши керак бўлган майдоннинг баландлик нишонлари аниқланади. Ушбу харитада муайян майдондаги тектоник структуралар шакли, турлари т. ж. ларининг морфологик тузилиши тўлиқ ифодаланади; геологик тузилиш жиҳатидан мураккаб бўлмаган майдонлар юзасида, шу-

нингдек чуқурликда жойлашган қатламлар тузилиши мутлақ белги ҳамда махсус чизиклар ёрдамида акс эттирилади.

**Съёмка уранометрическая - Уранометрик съёмка** — U конларини қидириш мақсадида нураган ва туб т. ж. ларидан олинган намуналардаги U миқдорини аниқлашга асосланган литокимёвий усул. Олинган намуналарда U люминесцент ёки радиометрик усул билан аниқланади. Усулнинг қўллашнинг асосий мақсади - U конларини башоратлаш. Намуналар замонавий гидротармоқларнинг чўкиндиларидан (элементларнинг оқим бўйлаб тарқалиши усули) олинади.

**Съёмка шлиховая - Шлихли хариталаш** - геологик тасвирлашнинг бир тури. Бўшоқ ҳосилаларда (аллювий, пролювий, делювий, элювий) одатда маъданли м-лларнинг тақсимланишини аниқлаш учун қўлланиладиган махсус усул. Ноёб, нодир ва рангли металл конларини излаш, шлихли намуналарни олиш йўли билан амалга оширилади. У геологик съёмка ишларини бажариш усули сифатида оғир фракцияларнинг хусусиятларига қараб таққослаш ҳамда уларнинг миграция (кўчиш) йўлларини ва чўкинди қатламларининг шаклланишидаги асосий манбаларни аниқлаш имконини беради.

**Сыпучка - Сочма** — сульфидли конларнинг ишқорланиш кичик зонасидаги нураган м-ллар. Булар кўпинча баритдан, кварцдан ёки пиритдан ташкил топган майда донатор кум сифатида учрайди. Одатда бу кумдан маъдан м-ллари чиқиб кетади. Миқдори кескин ортиб кетувчи Au бундан мустасно.

**Сырьё огнеупорно- керамическое - Ўтга чидамли керамик хом ашё** - керамик йўл билан ўтга чидамли маҳсулотларни и. ч. учун фойдаланиладиган табиий материаллар.

**Сырьё флюсовое - Флюс хом ашёси** - маъданни қайта ишлаш жараёнида осон эрийдиган тошқолларни ҳосил қилиш ва ф. қ. ни бегона аралашмалардан ажратиб олиш мақсадида металлургияда қўлланиладиган табиий ва сунъий кўшилмалар..

**Сырьё химическое - Кимёвий хом ашё** - кислота, ишқор, туз, баъзи кимёвий элементларни, углеводород ва уларнинг ҳосилаларини, ўғит ва бошқаларни и. ч. учун фойдаланиладиган ф. қ.лар.

**Сюрсассит - Сюрсассит** - эпидот тури.

**Таблица дихотомическая - Дихотомик жадвал** - систематик белгиларнинг дихотомия принципида тузилган жадвали бўлиб ўсимликлар ва жонзотларни аниқлаш учун фойдаланалади.

**Табуляты - Табуляталар** - маржонли полиплларнинг қирилиб кетган кичик синфи. Ички тузилиши жуда оддий бўлган, найсимон кораллитларининг ўлчамлари жуда кичик бўлган организмлар калонияларини ҳосил қилади. Ордовик ва Пермь даври ётқизикларида кўплай учрайди.

**Тавит - Тавит** - нефелин ўрнидаги, содалитли ийолит.

**Таворит - Таворит** -  $\text{LiFe}[\text{FPO}_4]$ . Сол. оғ. 3,29. Амблигонитнинг темирли аналог. Сарик рангли м-л. Пегматитларда учрайди.

**Тайниолит - Тайниолит** -  $\text{KLiMg}_2[\text{F}_2\text{Si}_4\text{O}_{10}]$ . Қат. 3. Сол. оғ. 2,9. Рангсиз, кулрангли м-л. Ишқорий пегматитларда ва метасоматитларда учрайди.

**Таксон - Таксон** - маълум мезонлар асосида ажра-

тилган, турли табақалилик даражасидаги объектлар гуруҳи.

**Такыр - Такыр** - даврий қуриб қолувчи кўлларнинг туби. Т. юпқа сув қатлами билан қопланади ва бугла-ниш натижасида сув остидан ёпишқоқ ва қовушқоқ балчиқ очилиб қолади. Қуриш жараёнининг давом этиши натижасида чўкма ҳажмининг қисқариши сабабли дарзликлар билан ажратилган турли ўлчамли ва шаклли полигонлар пайдо бўлади. Т. лар эгаллаган майдон бир неча кв. м. дан то ўнлаб кв.км.га етиши мумкин. Т.лар ер ости сувлари сатҳи 1,5 м. дан ортиқ бўлган чуқурликда ҳосил бўлиб, бунда сувда эриган тузлар капиллярлар орқали ер юзига қайтмайди. Эриган грунт сувлари томон оқиб кетади.

**Таласскит - Таласскит** - оливин м-лининг тури. Таркибида 12 % гача  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  бўлади. Пегматитларда учрайди.

**Таленит - Таленит** -  $\text{V}_2(\text{Si}_2\text{O}_7)$  Қат. 6,5. Сол. оғ. 4,3-4,4. Изоморф (10 % гача) кўшимчага эга бўлган, оқ, кўнғир, қора рангли, мойсимон ялтироқликка эга бўлган м-л. Ишқорий гранитнинг пегматитларида учрайди.

**Талик - Талик** - йил даврмида ўртача ҳарорати нольдан юқори бўлган, қуруқ ёки суюқ ҳолатдаги нам бўлган т. ж. лари қатлами. Музлоқ жинслар билан қуршалган бўлади. Т. да мавжуд бўлган сув кучли м-ллашган бўлса, талик т. ж. лари ва ундаги сувнинг ҳарорати манфий бўлиши мумкин.

**Таллий - Таллий, Тl** - М.д.с. нинг III-гуруҳига мансуб к.э. Т.р. 81, ат.м. 204,37. Унинг:  $\text{Tl}^{203}$  (29,5 %) ва  $\text{Tl}^{205}$  (70,5 %) ва  $\text{Tl}^{207}$  -  $\text{Tl}^{210}$  радиоактив изотоплари бор. Т. - тарқоқ элемент. Ер пўстининг масса жиҳатидан  $4,5 \cdot 10^{-5}$  % ини ташкил қилади. Лорандит, крукезит, врбаит, гутчинсонит, авиценнитлар Т. м-лларига киради. Кўпинча галлий ва индий билан бирга учрайди. Кумушранг оқ металл, 303,6°C да суюқланади, 1457°C да қайнайди, зичлиги  $11,85\text{г}/\text{см}^3$  Т. ва унинг бирикмалари жуда заҳарли. Оғир металлларнинг полиметалл маъданлари чиқиндиларини қайта ишлаб, соф Т. эса унинг сульфати эритмасини электролиз қилиб олинади. Т. ва бирикмалари оптик асбобларда, ярим ўтказгичлар техникасида катализатор сифатида, антидетонатор сифатида ва б. ишлатилади.

**Тальвег - Тальвег** - дарё ўзанининг энг чуқур нуқталарини бирлаштирувчи чизик.

**Тальк - Тальк** -  $\text{Mg}_3[(\text{OH})_2 | \text{Si}_4\text{O}_{10}]$ . Қат. 1. Сол. оғ. 2,58-2,83. . Ранги оқ, зангорисимон, сарғишсимон ва рангсиз. Садафсимон ялтирайди. Магнийга бой бўлган т. ж. ларининг ўзгариши маҳсулоти. Гидротермал жараёнларда ёки метаморфизм натижасида ҳосил бўлади. Талькли сланецлар ва лиственитларнинг т. ж. ҳосил қилувчи м-ли. Қўлга ёғдек уннайди. Син.: агалит, жировик, стеатит.

**Талькит - Талькит** - таркибида 75 % гача тальк бўлган, майда тангасимон талькли т. ж. Одатда нордон интрузиялар яқинида жойлашган доло-митлар ва дала шпатларисиз ультра асос т. ж. ларининг (перидотитлар, серпентитлар) гидротермал - метасоматик ўзгаришлари натижасида ҳосил бўлади.

**Тальк-хлорит - Тальк-хлорит** -  $\text{Mg}_3[(\text{OH})_2 | \text{Si}_4\text{O}_{10}] \cdot (\text{Mg}_3(\text{OH})_3]$ . Хлорит структураси ва серпентин тарки-

бига эга магний ва кремнийга бой бўлган хлорит.

**Талнахит - Талнахит** -  $\text{Cu}_9(\text{Fe,Ni})_8\text{S}_6$ . Қат. 3-4. Сол. оф. 4,36. Тўқ сариқ, зангори-кўк рангли, металсимон ялтироқ м-л.  $\text{Cu-Ni}$  маъданларида кубанит, пентландит, валлерит, магнетит билан ассоциация ҳосил қилади. Монхукит  $\text{Cu}_9\text{Fe}_9\text{S}_{16}$ , хейкокитга  $\text{Cu}_4\text{Fe}_3\text{S}_8$  жуда ўхшаб кетади.

**Тамаругит - Тамаругит** -  $\text{Na Al}[\text{SO}_4]_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ . Қат. 1-3. Сол. оф. 2,07. Оқ рангли, шишасимон ялтироқ, толасимон, майда донадор м-л. Сувда яхши эрийди.

**Тампонаж скважини - Бурғи қудуқларини тампонажлаш (ёки тампонлаш)** - қ. *Цементация скважини*.

**Тангерит - Тангерит** -  $\text{V}_2(\text{CO}_3)_2 \cdot n\text{H}_2\text{O}(?)$ . Оқ тупроқсимон масса, радиал нурсимон агрегатли м-л, гранитоидли пегматитлардаги иттриалит, гадолинитларнинг нураши маҳсулоти.

**Танеллит - Танеллит** -  $\text{Sr}[\text{B}_5\text{O}_9(\text{OH})_2] \cdot 3\text{H}_2\text{O}$ . Қат. 2,5. Сол. оф. 2,4. Рангсиз, шишасимон ялтироқ м-л. Сувда эрийди. Борат конларида учрайди.

**Тантал - Тантал, Та** - М.д.с. нинг V-гурухига мансуб к.э. Т.р. 73, ат.м. 180,9479. 2 та табиий изотопи бор:  $\text{Ta}^{180}(0,012\%)$  (радиоактив),  $\text{Ta}^{181}(99,99\%)$  (барқарор). Т. Ер пўстининг масса жиҳатидан  $2 \cdot 10^{-4}\%$  ини ташкил қилади. Табиатда доим ниобий билан бирга колумбит ва танталит м-ллари ҳолида учрайди. Т. бир оз кўкимтир-кулранг металл. 2996° да суюқланади, зичлиги 16,6 г/см<sup>3</sup>. Таркибида Т. ва ниобий бўлган маъданлар бойитиб олинади. Нодир металл пегматит, танталли гранит, лопарит таркибли нефелинли-сиенит конларида учрайди. Т. электроникада, кимё машинасозлигида, ядро энергетикасида, тиббиёт асбоблари тайёрлашда, металлургия ва б. соҳаларда ишлатилади.

**Танталит - Танталит** -  $(\text{Fe,Mn})(\text{Ta,Nb})_2\text{O}_6$ ;  $\text{T} > \text{Nb}$ . Қат. 6-6,5. Сол. оф. 7,9-8,1. Оддий занжирсимон оксидлар ва гидрооксидлар қуйи синфининг колумбит - тантал гуруҳига мансуб тантал м-ли. Гранитли пегматитларда ва гранитларда топаз, фосфатлар, альбит, лепидолит, касситерит, мусковит, сподумен ва б. м-ллар билан бирга учрайди. Ранги қора ва қора кўнғир. Полиметаллсимон ялтирайди. Син.: ильдефонсит, қаттиқ тантал маъдани.

**Танталкарбид - Танталкарбид** -  $\text{TaC}$ . Қат. 6-7. Сол. оф. 14,5. Танталнинг карбиди. Кўп ҳолларда Nb аралашмаси билан учрайдиган м-л. Олтинли сочмаларда тарқалган.

**Тантало-ниобаты - Тантал-ниобатлар** - м-л ҳосил қилувчи компонентлар сифатида Та ва Nb қатнашган м-ллар.

**Тапиолит - Тапиолит** -  $(\text{FeMn})(\text{Ta,Nb})_2\text{O}_6$ . Қат. 6. Сол. оф. 7,3-8,0. Та:Nb нисбати 1 дан ошмайди. Қора рангли, металсимон ялтироқликка эга бўлган м-л. Эффузив т. ж. ва оҳақтошларнинг контактларида учрайди.

**Тарамеллит - Тарамеллит** -  $\text{Ba}_2(\text{Fe}^{3+}, \text{Ti}, \text{Fe}^{2+})[(\text{OH})_2\text{SiO}_4 \text{O}_{12}]$ . Қат. 5,5. Сол. оф. 3,92. Қизил-жигаррангли, агрегатлари толасимон, радиал нурсимон, ипаксимн ялтирайдиган м-л. Оҳақтошларнинг отқинди т. ж. лари билан контактларида учрайди. Цельзиан, диопсид ва б. лар билан ассоциация ҳосил қилади.

**Тарамит - Тарамит** - гастингситга, катфоритга яқин амфибол м-ли. Нефелинли сиенитларда учрайди. Фтортарамит тури мавжуд.

**Тарновитцит - Тарновитцит** - таркибида 18 % гача  $\text{PbCO}_3$ , бўлган аргонит м-ли. Син.: плюмбоаргонит.

**Татарскит - Татарскит** -  $\text{Ca}_3\text{Mg}[\text{Cl}_2(\text{OH})_2\text{CO}_3[\text{SO}_4]] \cdot$

$3,5\text{H}_2\text{O}$ . Қат. 2,5. Сол. оф. 2,34. Рангсиз, донадор агрегатли шишасимон ялтироқ м-л. Каракалили ва бишофитли магнетит-ангидрит т. ж. уячаларида тарқалган.

**Таурисцит (таурит) - Таурисцит (таурит)** -  $\text{Fe}[\text{SO}_4] \cdot 7\text{H}_2\text{O}(?)$  хусусиятлари бўйича эпсомитга яқин, яшил рангли шаффоф м-л. Мелантерит ва калийли аччиқтошлар билан оксидланиш зоналарида учрайди.

**Тафогарм - Тафогарм** - якка ўсувчи ўсимликлар ва жонзотлар қолдиқларининг тўпланишидан ҳосил бўлган геологик таналар.

**Тафрогеосинклиналь - Тафрогеосинклиналь** - чўзилган ботиқликлар, икки томонидан ер ёриқлари билан чегараланган бўлиб ортогеосинклиналлар ривожланиш босқичларининг охирида ҳосил бўлади.

**Таффейт (Таафейт) - Таффейт (Таафейт)** -  $\text{Mg Al}_4\text{BeO}_6 \cdot \text{Fe}^{2+}$ . Қат. 8. Сол. оф. 3,61. Аралашма сифатида, оч яшил рангли м-л. Сапфирин билан ассоциацияда метапироксидларда учрайди.

**Тахигидрит - Тахигидрит** -  $\text{CaMg}_2\text{Cl}_6 \cdot 12\text{H}_2\text{O}$ . Қат. 2. Сол. оф. 1,6. Мумсимон ва миссимон сариқ, рангсиз м-л. Шишасимон ялтироқ. Ҳавода тезда эриб кетади. Таъми ўткир, аччиқ, калий конларида учрайди.

**Тахилит - Тахилит** - базальт таркибли обсидианга ўхшаш вулкан шишаси. Яшил, кўнғир ва қора рангли, кислоталарда яхши эрийди.

**Твейтозит - Твейтозит** - меланократли фенитнинг тури, эгирин-диопсиддан (75 % атрофида), ишқорий дала шпатлари (15 % гача), шунингдек нефелин, апатит, сфен, циркон ва маъдан м-лларидан иборат.

**Твердость минералов - Минераллар қаттиқлиги** - м-лларнинг кристал структуралари мустақамлиги сабабли ташқи механик таъсирга кўрсатадиган қаршилиги. Одатда м-лларнинг қаттиқлиги тахминан, м-лларнинг Моос шкаласи бўйича аниқланади. Моос шкаласи 10 та м-лдан иборат бўлиб уларнинг катталиги 1 дан 10 гача ўзгаради. М-лларнинг аниқ қаттиқлиги эса склерометр ва микротведометр каби махсус асбоблар ёрдамида аниқланади.

**Твердость угля - Кўмирнинг қаттиқлиги** - кўмирларнинг деформацияланишга, яхлитлигининг бузилишига кўрсатган қарши-лиги. Қаттиқлик, шу жумладан кўмирларнинг қаттиқ-лиги деганда уларни б. материал билан чизишга, силлиқлашга, олмос пирамидали ёки шарнинг ботирилишига кўрсатган қаршилиги тушунилади. Уларнинг қаршилиги кўмирлашиш даражасига боғлиқ бўлади.

**Твиннит - Твиннит** -  $\text{Pb}(\text{Sb,As})_2\text{S}_4$ . Сол. оф. 5,32. Қора рангли, металлсимон ялтироқ м-л. Мармарларда учрайди. Мэдонит, веенит, буланжерит, желконит билан ассоциация ҳосил қилади.

**Текстура - Текстура** - т. ж. ларининг ташқи кўриниши. Доналар ёки кристалларнинг ўзаро жойлашиш тартиби, м-лларнинг бир-бири билан ўзаро муносабати ва жойлашишини ифодалайди. Кристалланиш жараёнларининг муҳим хоссаларини, магма совуши ва унга ташқи муҳит таъсирини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

**Текстура амигдалоидная - Амигдалоидли текстура** - "Текстура миндалекаменная", атамасининг синоними.

**Текстура атакситовая - Атакситли текстура** - такситли текстуранинг тури бўлиб, штуфларда нотўғри шакли участкаларнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Уларда м-лларнинг таркиби ва структуралари

билан фарқланувчи участкаларнинг т. ж. ларида бевосита жойлашиши кузатилади.

**Текстура беспорядочная - Тартибсиз текстура** - материалларнинг жойланиши тартибсиз, турли йўналишлар билан тавсифланувчи текстура.

**Текстура битуминозная - Битумли текстура** - т. ж. лари шифурларини бевосита ёки ультрабинафша нурлар остида кузатиш натижасида аниқланиши мумкин бўлган битумлашган участкаларнинг тақсимланиши билан тавсифланувчи текстура. Униг бир текис, дарзли, нуқтали, линзали ва б. турларини ажратиш мумкин.

**Текстура гнейсовая (гнейсовидная) - Гнейсли (гнейссимон) текстура** - сланецли ёки сланецлашган отқинди т. ж. лари, гнейслар, мигматитлар амфиболитларга хос бўлиб, қалайлашган т.ж.ларида баъзи м-лларнинг параллел йўналганлиги Т. ж. ларининг қатламланиши ва б.лар билан ифодаланади.. Уларда турли таркибли ва структурали м-ллар линзалари ва қатламлари алмашилиб йўл-йўл шакл ҳосил қилиб жойлашади.

**Текстура друзовая - Друзали текстура** - т. ж. ларининг қаттиқлашиши жараёнида ҳосил бўлган бўшлиқларнинг деворларида пневматолитли ва гидротермал генезисга эга бўлган м-ллар кристалларининг ўсишидан ҳосил бўлган текстура.

**Текстура линейная - Чизиқли текстура** - ўзаро параллел йўналган игнасимон ёки призматик м-л индивидлар, ёхуд бирор бир чизиқ бўйлаб параллел йўналган пластинкали м-ллар мавжуд бўлган т. ж. ларига хос структура.

**Текстура линзовидная - Линзасимон текстура** - одатда пластинкали ва игнасимон м-ллар (слюда, хлорит, тальк, шох алдоқчиси ва ҳ.к.) билан бойиган майда донали, ичи қаттиқ м-ллар (кварц, дала шпати, гранат)дан ташкил топган ва параллел йўналишга эга бўлган йирик ва майда, қалин ва юпқа линзалар мавжудлиги билан тавсифланувчи метаморфик т. ж. га хос структура.

**Текстура миндалекаменная - Бодомсимон текстура** - ғовак вулкан т. ж. лари текстураси бўлиб, бу ғовакликлар кейинги м-л ҳосилалари билан (кварц, хальцедон, карбонатлар, цеолит, хлорит ва б. постмагматик маҳсулотлар) тўлдирилган бўлади. Син.: текстура амигдалоидная, мендельштейновая.

**Текстура осадочных пород алеврито- пелитовая - Чўкинди тоғ жинсларининг алеврит-пелитли текстураси** - майда заррачали чўкинди т. ж. лари учун хос бўлиб, бунда алевролит ва пелит структурали юпқа қатламлар кетма-кетлиги кузатилади.

**Текстура осадочных пород беспорядочная - Чўкинди тоғ жинсларининг тартибсиз текстураси** - т. ж. таркибий қисмларининг тартибсиз жойлашганлиги билан тавсифланувчи текстура. Бунда ташкил этувчи қисмлар маълум йўналишлар, текисликлар ва марказларга нисбатан йўналтирилмаган бўлиб массив т. ж. лари учун хосдир.

**Текстура осадочных пород биогенная - Чўкинди тоғ жинсларининг биоген текстураси** - турли организмларнинг ҳаёт фаолияти натижасида ҳосил бўлувчи текстура.

**Текстура осадочных пород чешуйчатая - Чўкинди тоғ жинсларининг тангачасимон текстураси** - гил т. ж. лари текстураси бўлиб, унда органик бирик-

малар ва темир оксидлари тангачасимон шаклга эга бўлади.

**Текстура осадочных пород ячеистая - Чўкинди тоғ жинсларининг уясимон текстураси** - т. ж. ларида турли ўлчамларга ва шаклларга эга бўлган ғовакликлар мавжуд бўлган текстура.

**Текстура осадочных пород абиогенная- внутрипластовая - Чўкинди тоғ жинсларининг қатламлар ичра абиогенли текстураси** - кластик материалларнинг даврий чўкиши ёки нотекис динамикага эга бўлган сув ёки ҳаво муҳитларидан кимёвий компонентларнинг чўкин-дига ўтишидан ҳосил бўлади. Турли абиоген текстуралар кейинроқ, диагенез, метаморфизм ва нураш жараёнларида ҳам ҳосил бўлиши мумкин.

**Текстура осадочных пород зональная - Чўкинди тоғ жинсларининг зоналли текстураси** - т. ж. ларида бир-биридан ранги, таркиби ёки структураси билан фарқланувчи зоналарнинг мавжудлиги билан тавсифланувчи текстура. Зоналар параллел ёки концентрик жойлашган бўлиши мумкин. Уларнинг турларига йўл-йўл ва лентасимон текстуралар киради.

**Текстура осадочных пород конкреционная (желваковая) - Тоғ жинсларининг конкрецион (ғуддали) текстураси** - гил моддаларидан иборат бўлган нотекис думалоқ ва овал шаклидаги зичланган ҳосилалар. Диагенез жараёнида гил м-лларининг қайта гуруҳланиши ва қайта кристалланиши, шунингдек б. м-л бирикмаларнинг ўз-аро таъсири натижасида ҳосил бўлиши мумкин.

**Текстура осадочных пород ленточная - Чўкинди тоғ жинсларининг тасмали текстураси** - ритмик горизонтал қатламлиликка эга бўлган текстура. Унда таркиби, ранги ва б. белгилари билан фарқланувчи қатламчаларнинг қатламланиши кетма-кетлиги кузатилади. Тасмасимон гиллар учун хос.

**Текстура осадочных пород массивная - Чўкинди тоғ жинсларининг массив текстураси** - т. ж. сини ташкил этувчи баъзи қисмларининг бетартиб, маълум йўналиш бўйича йўналтирилмаган ҳолда жойлашиши ушбу текстура учун хосдир. Т. ж. лари синдирилганда нотекис шаклли бўлақларни ҳосил қилади.

**Текстура осадочных пород микрослоистая - Чўкинди тоғ жинсларининг микроқатламли текстураси** - қатламли текстура бўлиб, қатламлар қалинлигини фақат микроскоп остида кузатиш мумкин.

**Текстура осадочных пород натечная - Чўкинди тоғ жинсларининг оқмасимон текстураси** - концентрик қобиксимон ёки сталактит ва сталагмитларнинг қатламли, ярим сферик ёки сферик агрегатларининг қатламли, ярим сферик ёки сферик агрегатларининг кўринишидаги текстура. Оқмасимон текстура ғовакликларда ҳаракатланаётган эритмалардан м-л агрегатларнинг чўкиндига тушишидан ҳосил бўлади.

**Текстура осадочных пород очковая - Чўкинди тоғ жинсларининг кўзойнаксимон текстураси** - чўкинди т. ж. ларида (гипс, гиллар) доирасимон, эллипссимон, асосий т. ж. ларидан фарқланувчи кўшимчаларга эгаллиги билан тавсифланувчи текстура.

**Текстура осадочных пород пятнистая - Чўкинди тоғ жинсларининг доғсимон текстураси** - бу текстура асосий т. ж. лари массасидан м-логик ва гранулометриқ таркиби, ранги, баъзан қаттиқлиги ва нурашга чидамлилиги билан фарқланувчи доғсимон ҳосилаларининг мавжудлиги билан тавсифланади. Улар

организмларнинг чириши, чўкиндиларнинг лойқала-ниши ва диагенез, эпигенез ва нураш жараёнларида моддаларнинг қайта тақсимланишидан ҳосил бўлади. Гил т. ж. ларида доғли текстуранинг уясимон, тангаси-мон, зонал ва ҳ.к. турларини ажратиш мумкин.

**Текстура осадочных пород сетчатая - Чўкинди тоғ жинсларининг тўрсимон текстураси** - м-л, органик ва б. компонентларнинг т. ж. ларида тўр ҳосил қилиб жойлашиши билан тавсифланадиган текстура. **Текстура осадочных пород сланцеватая - Чўкинди тоғ жинсларининг сланецсимон текстураси** - гилли, алевроит-қум-гилли ва б. т. ж. ларининг динамометаморфизми натижасида сланецланиш юзаларининг ҳосил бўлиши билан тавсифланадиган текстура.

**Текстура осадочных пород слоистая - Чўкинди тоғ жинсларининг қатламли текстураси** - чўкинди т. ж. ларидаги таркиби, заррачаларнинг йириклиги ва жойлашиши, шунингдек б. хоссалари билан фарқланувчи турли қатламларнинг мавжудлиги билан тавсифланувчи текстура.

**Текстура параллельная - Параллел текстура** - т. ж. ларини ташкил этувчи қисмлари маълум чизик ёки текислик бўйича параллел равишда ётиши кузатиладиган текстура.

**Текстура руд - Маъданларнинг текстураси** - маъдан ташкил этувчи турли м-л агрегатларининг жойлашуви йўналиши ва нисбати билан боғлиқ бўлган маъданлар тузилиши.

**Текстура руд бобовая - Маъданларнинг ловиясимон текстураси** - диаметри 0,5-1см. ли маъданли м-лларнинг (одатда қўнғир темирнинг) сферик ёки овал заррачалари конкрецияли ёки конкрецион текстурасининг тури.

**Текстура руд массивная - Маъданларнинг массив текстураси** - бўшлиқнинг маъданли м-ллар билан таркибий қисмлари тарқалишининг қонуниятсиз, майда томирларсиз яхлит ва бир текис тўлиши. Таркиби ва генезиси турлича бўлган маъданларда учрайди.

**Текстура руд агатовая - Маъданларнинг ақиқли текстураси** - қ. *Текстура руд зональная.*

**Текстура руд блинчатая - Маъданларнинг япалоқ текстураси** - конкрецион текстуранинг тури; диаметри 2 см дан 15 см гача бўлган маъданли м-лнинг (одатда лимонитнинг) ясси конкрецияси.

**Текстура руд вкрапленная - Маъданларнинг ҳолҳол текстураси** - т. ж. лари ичида маъдан м-лларининг бир меъёрада, алоҳида доналар (ҳоллар) шаклида жойлашиши. Бундай тузилишларга майда томирчалар, шаклсиз тўпланишлар ҳам киради.

**Текстура руд гнейсовидная - Маъданларнинг гнейссимон текстураси** - маъдан ҳосил бўлишидан кейинги динамик метаморфизми таъсирига дучор бўлиб сланецланган, эгилувчан маъданли массаларнинг (гнейсли текстуранинг эслатиб турувчи) текстураси. Хусусан, бу галенитли маъданлардаги қўрғошин ялтироғи дончаларининг бир томонга қараб ялпоқланганлиги ва чўзилишида яхши акс этган.

**Текстура руд губчатая - Маъданларнинг говаксимон текстураси** - уясимон текстуранинг тури бўлиб, маъданли моддадан иборат бўлган юпқа деворчалар билан бўлинган, думалоқ шаклли ва турли ҳажмли бўшлиқларнинг кўплиги билан тавсифланади. Сфалерит, борнит, галенит, халькопирит ва хусусан пиритлар ҳисобига ҳосил бўлган лимонитлар учун хос.

**Текстура руд давления - Маъданларнинг босим остида ҳосил бўлган текстураси** - маъданга механик куч таъсир этганда ҳосил бўлган текстуралар. Буларга баъзи бир йўл-йўл, жуда майда бурмали, брекчиясимон ва б. текстуралар киради.

**Текстура руд денежная - Маъданларнинг тангасимон текстураси** - Син.: «*Текстура руд монетная*».

**Текстура руд дробовая - Маъданларнинг питрасимон текстураси** - «*Текстура руд конкреционная*» атамасининг тури. Маъданларнинг конкрецион текстурасининг тури

**Текстура руд друзовая - Маъданларнинг друзали текстураси** - деворларида кристалларнинг чўткасимон друзалари ривожланган бўшлиқларнинг мавжудлиги.

**Текстура руд жеодовая (жеодасимон) текстураси** - Маъданларнинг жеодали (жеодасимон) текстураси - кўп сонли жеодалар (ўлчамлари 1,5 дан 25 см. гача, камдан кам 1 м. гача бўлган овал ёки нотўғри шаклдаги бўшлиқлар) деворларидан марказга қараб концентрик қатламли кристалл агрегатларининг ўсиши. Жеодалар бўшлиқларида одатда қамровчи модданинг ўзи ҳосил бўлади. Темирли маъданларнинг қайта гуруҳланишига хос.

**Текстура руд жильная - Маъданларнинг томирсимон текстураси** - маъданли томирлар ривожланган т. ж. нинг тузилиши. Син.: «*Текстура руд пересеченная*».

**Текстура руд землистая - Маъданларнинг тупроқсимон текстураси** - кукунсимон текстуранинг тури. Ҳосил бўлиши экзоген бўлган, цементлашмаган, бўшоқ кукунсимон ва сочилувчан м-л агрегатлари учун хос. Деярли ҳамма конларнинг нураш зонасида учрайди.

**Текстура руд зональная - Маъданларнинг зонал текстураси** - турли хил м-л таркибли ёки структуравий қатламларнинг концентрик галма - гал келиши билан боғлиқ. Ақиқли, концентрик зоналли, концентрик қобиқли текстуралар тури.

**Текстура руд кавернозная - Маъданларнинг ковакли текстураси** - Син.: «*Текстура руд пещеристая*».

**Текстура руд кокардовая - Маъданларнинг кокардали текстураси** - атроф т. ж. ёки илк генерациядаги маъданлар бўлақларининг атрофларида бирин-кетин ҳосил бўлган м-л агрегатларнинг тарам-тарам бўлиб, галма-гал келиши билан ифодаланувчи текстура. Брекчиясимон тузилишли гидротермал томирларда кузатилади.

**Текстура руд конгломератовидная - Маъданларнинг конгломератсимон текстураси** - майда маъданли ёки номаъдан материаллар билан цементланган маъдан, кварц ёки конкрецияларнинг юмалоқланган бўлақларининг мавжудлиги;

**Текстура руд конкреционная - Маъданларнинг конкрецион текстураси** - маъданнинг ёки номаъдан материаллардан иборат бўлган зич ёки бўшоқ қамровчи масса ичидаги, ҳажми кўндалангига мм. дан бир неча дм. гача бўлган думалоқ ва овал шаклдаги маъданли конкрецияларнинг кўплиги билан тавсифланади. Конкрециялар марказларида номаъдан м-л (кварц, карбонат ва б.) дончалари, гил-қумли масса ёки бўшлиқлар (йирик конкрецияларда) кузатилади. Темирли ва марганецли маъданлар учун хос. Бўшоқ чўкинди т. ж. ларида ва уларнинг нураш маҳсулотларида, кўпинча микроорганизмларнинг салмоқли иштирокида маъданли моддаларнинг қайта гуруҳланиши натижасида ҳосил бўлади. Кон-

крецияларнинг ҳажмлари ва шаклларига қараб улар қуйидагиларга ажралади: кўкнори уруғсимон ёки питрасимон (0,3-0,5мм.), питрасимон (0,5-1 мм.), нўхатсимон (2-5 мм), ловиясимон (0,5-1 см), ёнғоқсимон (1-3 см) ва б.

**Текстура руд концентрическая зональная - Маъданларнинг концентрик зонал текстураси** - зонал текстура тури.

**Текстура руд концентрическая скорлуповидная - Маъданларнинг концентрик қобиқсимон текстураси** - зонал текстура тури.

**Текстура руд копеечная - Маъданларнинг тангасимон текстураси** - Син.: «*Текстура руд монетная*».

**Текстура руд корковая - Маъданларнинг пўстлоқсимон текстураси** - маъданли т. ж. да ёки массада зичлиги, ранги, таркиби ва кўпинча концентрик зоналли тузилиши билан фарқланувчи ўзгарган маъданли модда пўстлоғининг мавжудлиги билан тавсифланади. Баъзи бир чўкинди темир маъданлари учун хос.

**Текстура руд линзовидная - Маъданларнинг линзасимон текстураси** - қатламли текстуранинг тури; унда м-л агрегатлар линзасимон шаклдаги узук-юлуқ қатламлардан иборат.

**Текстура руд маковая (пороховидная) - Маъданларнинг уруғсимон (порохсимон) текстураси** - маъданлар конкрецион текстурасининг тури. Майда конкрецияли текстура «уруғсимон», йирикроғи «питрасимон» деб юритилади.

**Текстура руд массивная - Маъданларнинг массив текстураси** - маъданли м-ллар бўшлиқларда яхлит, бир текисда тўлиши. Таркибий қисми қатламли, йўл-йўл, ҳол-ҳол маъданларга қарама-қарши равишда бир йўналишга эга эмас.

**Текстура руд миндалекаменная - Маъданларнинг бодомсимон текстураси** - ҳол ҳолсимон текстуранинг тури. Оливинли базальтда ва б. лардаги Fe, Si ва Ni сульфидларининг томчи ва бодомсимон ажралмалари билан ифодаланадиган магматик мис - никелли маъданлар учун хос..

**Текстура руд монетная - Маъданларнинг тангасимон текстураси** - диаметри 1-2 см. бўлган ва кўнғир темир маъданлари ялпоқ конкрецияларидан ташкил топган конкрецион текстура тури.

**Текстура руд мучнистая - Маъданларнинг унсимон текстураси** - кукусимон текстура тури.

**Текстура руд натечно-скорлуповатая - Маъданларнинг оқмасимон-қобиқли текстураси** - Син.: «*Текстура руд почковидная*».

**Текстура руд ореховая - Маъданларнинг ёнғоқсимон текстураси** - сферик конкрециялари 1 см дан 3 см гача бўлган ўлчамдаги конкрецион текстуранинг тури. Темир маъданларида кузатилади.

**Текстура руд охристая - Маъданларнинг охрасимон текстураси** - кукусимон текстура тури.

**Текстура руд переотложения - Маъданларнинг қайта қатламланиш текстураси** - гуруҳга хос термин бўлиб, қайта ётиш йўли билан ҳосил бўлган маъданлар текстураларининг генетик белгиси бўйича бирлаштирилади.

**Текстура руд пересечения - Маъданларнинг кесишиш текстураси** - қамровчи т. ж. ларининг ёки илғари ётқизилган маъданларнинг ёриқларини тўлдирувчи ва қамровчи масса бўлган иккита м-л агрегатларининг

бирикиши. Син.: «*Текстура руд жильная*» «*Текстура руд прожилковая*».

**Текстура руд пещеристая - Маъданларнинг ковакли текстураси** - маъданда кўп миқдордаги (2-3 мм дан 1,5 см.гача), баъзан эса, ундан ҳам каттароқ ўлчамдаги, нотўғри шаклга эга бўлган ва алоҳида йирик доначаларнинг ва м-л агрегатларнинг ишқорланиб кетиши ёки механик ажратиб олиниши натижасида ҳосил бўлган бўшлиқлар мавжудлиги билан тавсифланувчи маъданлар текстураси. Син.: «*Текстура руд кавернозная*».

**Текстура руд полосчатая - Маъданларнинг йўл-йўл текстураси** - структураси, ранги, доначаларининг йириклиги ёки м-л таркиби билан фарқланувчи текстура бўлиб, маъданда нисбатан ингичка йўл-йўлликларнинг (қатламларнинг) галма-гал келиши.

**Текстура руд пористая - Маъданларнинг говакли текстураси** - ишқорланишга ёки механик ажралиб кетишга дучор бўлган маъданли м-л доначаларининг маъданли массада тарқалган жойида майда (0,3-2 мм.ли) говакларнинг ҳосил бўлишидан пайдо бўлади. Говаклар шакллари баъзан йўқ бўлиб кетган м-лларнинг тўғри кристалли чеккаларини сақлаб қолади. Ер сатҳига яқин шароитларда ҳосил бўлган бирламчи маъданларда кузатилади.

**Текстура руд порошокватая - Маъданларнинг кукунсимон текстураси** - маъданли массанинг бўшоқлиги ва майда доначалилиги билан тавсифланади. Нураш (кимёвий ишқорланиш ва физик бузилишлар) жараёни чуқурлашиб кетиши натижасида ҳосил бўлади. Хусусан шу каби текстуралар кўпинча темир ва марганецли маъданларнинг қатламларида, пўстлоқларида ва унча кўп бўлмаган тўпламларида учрайди.

**Текстура руд почковидная - Маъданларнинг куртасимон текстураси** - ялтироқ, силлиқ юзали, думалоқланган ва дўнгсимон ҳосилаларнинг мажмуи. Кесмада юпқа қатламлари билан кунгирасимон йўл-йўлликлар ёки концентрик қобиқликлар кўринади. Ҳосил бўлиши гидротермал ва гиперген бўлган маъданлар колломорф текстурасининг тури. Одатда ҳар хил турдаги бўшлиқларни (жеодалар, дарзликлар ва б.ни) тўлдирувчи ёки б. маъдан ёки т. ж. ларининг пўстлоғи сифатида ўсиб борувчи м-л массаларида учрайди.

**Текстура руд прожилковая - Маъданларнинг майда томирчали текстураси** - Син.: «*Текстура руд пересечения*».

**Текстура руд пузырчатая - Маъданларнинг пуфакчасимон текстураси** - маъданли агрегатларнинг юпқа деворчали майда сфероидал пуфакчаларидан иборат бўлган текстура. Син.: «*Текстура руд шляковидная*».

**Текстура руд реликтовая - Маъданларнинг реликтли текстураси** - бирламчи бўлмаган, бироқ ўрин алмашган ёки қайта ҳосил бўлган т. ж. лари ва маъданлардан мерос бўлиб қолган турли морфологик типдаги текстураларни бирлаштирувчи гуруҳли атама.

**Текстура руд сетчатая - Маъданларнинг тўрсимон текстураси** - т. ж. ларида кесишган дарзликларнинг маъданли м-ллар билан тўлишидан ҳосил бўладиган текстура.

**Текстура руд сланцеватая - Маъданларнинг сланецсимон текстураси** - динамометаморфизм натижасида ҳосил бўлган ва оқибатда маъдан майда, параллел плиталарга осон бўлинадиган текстурасига эга бўлади. Қатламли маъданлардаги сланецлилик қатламлилик билан мос келиши ёки келмаслиги мумкин.

**Текстура руд слоистая - Маъданларнинг қатламли текстураси** - м-логик таркиби, структураси, дончаларининг йириклиги ёки м-логик таркиби бир хил бўлганда физик белгилари билан фарқла-нувчи қатламларнинг кетма-кет келиши билан ифодаланган маъданлар структураси.

**Текстура руд такситовая - Маъданларнинг такситли текстураси** - м-л таркиби ёки структураси бўйича турли номос участкалардан иборат бўлган маъданлардаги текстура.

**Текстура руд шлаковидная - Маъданларнинг шлаксимон текстураси** - қ. *Текстура руд пузырьчатая.*

**Текстура руд ячеистая - Маъданларнинг уясимон текстураси** - кремнезем билан лимонит аралашмасидан иборат бўлган, ғовак уялар орасидаги юпқа тўсиқлари (каркаслари) сақланиб қолган ҳолда озми, кўпми қонуниятли жойлашган коваклар мўл бўлган текстура. Уялар бўш ёки бир оз тўлган, баъзан эса турли хил бўшоқ маъданлар билан тўлган бўлади. Умумий жойлашиши, ҳажми ва шакли бўйича уяларни 2 турга ажратиш мумкин: ғоваксимон ва қутисимон. Ҳосил бўлишига кўра - нураган ва ўрин алмашилган (метасоматик) маъдан текстуралари ажратилади.

**Текстура руд ящичная - Маъданларнинг қутисимон текстураси** - лимонитларнинг ўрин алмашишига хос бўлган уясимон текстураларнинг тури. Уяларининг шакли, ўлчамлари ва деворчаларининг қалинлигига кўра, турли м-лларнинг оксидланишида ҳосил бўладиган бир неча турларга (ромбоздрик, тригонал, тетраэдр, дагал, юпқа, туташган ва б.) ажратилади.

**Текстура современных осадков мраморовидная - Замоновий чўкинди тоғ жинсларининг мраморсимон текстураси** - чўкинди кесимдан олинган на-мунани шлифлаганда айрим мраморлар нусхасини эс-латувчи жинслар. Булар ҳар хил рангга бўлган бирик-маларни мураккаб диагенетик қайта тақсимланиши жараёни натижасидир. **Текстура течения - Оқим текстураси** - гнейсларнинг гранитлашувида ҳосил бўлувчи моддаларнинг пласттик ҳаракатла-ниши изла-рини сақлаб қолган мигматитли гнейсларнинг текстураси.

**Текстура трахитоидная - Трахитоидли текстура** - тўлиқ кристалланган т. ж. ларининг параллел текстураси тури.

**Текстура флюидальная - Флюидал текстура** - оқиб чиққан т. ж. ларининг таркиби ва структураси билан фарқланувчи участкаларининг оқимсимон ҳолатда, йўл-йўл шакл ҳосил қилиб намоён бўлиши.

**Текстура шаровая - Шарли текстура** - маълум мар-каз атрофида кристал моддаларнинг концентрик ёки радиал гуруҳланиб ётишидан ҳосил бўлган текстура. **Тектогенез - Тектогенез** - тектоник ҳаракат ва жараёнларнинг мажмуи; улар таъсирида Ер қобиғининг тектоник структуралари шаклланади.

**Тектоника - Тектоника** - геологиянинг Ер пўсти структураси ва унинг умуман Ер тараққиёти билан боғлиқ (тектоник ҳаракатлар ва деформациялар таъсирида) ўзга-ришини ўрганадиган тармоғи.

**Тектоника морфологическая - Морфологик тектоника** - тектониканиннг ҳар хил катта ва кичик тектоник шакллар геометриясини кўриб чиқувчи ва тартибга солиб таърифловчи қисми.

**Тектоника новая глобальная - Янги глобал тектоника** - Ер литосферасини ҳара-катдаги блоклар си-

стемаси-литосфера плиталари деб қарайдиган ва Ер мантияси моддаларининг дифференциацияси ҳамда океан, континентал ер пўстининг литосфера плиталари ҳаракати билан боғлиқ шаклланиши жараёнларини боғловчи янги геологик фараз.

**Тектоника новейшая - Замоновий тектоника** - геотектоника фанининг бўлими бўлиб, замонавий тектоник жараёнларни, улар таъсирида юзага келган рельефни ўрганади. Бу ҳаракатнинг ёши неоген-тўртламчи давр саналиб, унинг қўйи чегараси кайнозой гуруҳи бошланиш даврига мос келиши кузатилмоқда. Син.: неотектоника, тектоника живая.

**Тектоника региональная - Минтақавий тектоника** - қ. *Геотектоника региональная.*

**Тектоника сжатия - Сиқилиш тектоникаси** - тангенциал синувчи кучлар билан ифодаланган тектоника.

**Тектоника трещинная - Дарзликлар тектоникаси** - тектониканиннг т. ж. ларида дарзликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши қонуният-ларини, илгари яхлит бўлган т. ж. ларини бўлақларга бўлувчи ёки бўлиниши мумкин бўлган юзаларини ўрганиш билан шуғулланадиган соҳаси.

**Тектониты - Тектонитлар** - қайта кристалланиш билан бирга кечувчи ва бирга кечмайдиған модданиннг дифференциал номолекуляр ҳаракати таъсирида бўлган тектонопластли т. ж. лари - милонитлар, филлонитлар, кристаллизацион сланецланган т. ж. лари.

**Тектонический этап - Тектоник қават** - метаморфлашиш даражаси билан фарқланувчи, бир тектоник циклда ҳосил бўлган геосинклинал бурмали қурилма.

**Тектоносфера - Тектоносфера** - Ер пўстининг ҳаракати рўй берадиган зона; т. ж. ларида у ёки бу даражада механик деформацияланган кўринишда акс этади.

**Тектонофизика - Тектонофизика** - геодинамика тармоғи бўлиб, қаттиқ жисмлар физикаси, ре.ология, гидродинамика ва б. физика фанлари маълумотларини тадбиқ этиш йўли билан тектоник бурилишлар (бурмали ва узилмали дислокациялар ва ҳ.қ.) ва т. ж. лари парчаланишининг физик омилларини ўрганади. **Текучесть горных пород - Тоғ жинсларининг оқувчанлиги** - т. ж. (одатда гилли т. ж. ) ларининг сувга тўйиниб горизонтал юза бўйича силжиши ёки оқиши ҳолати.

**Телескопирование руд (рудоотложения) - Маъдан ётқиқиқларининг телескопланиши (маъданлар ўрнашуви)** - бир конда ёки маъданли жисмда магма-тик конларнинг (маъданлашишнинг) турли физик-кимёвий шарт-шароитларида (ҳарорат ва босимда) ҳосил бўлган турларнинг учраши.

**Теллур - Теллур** - Те, Қат. 2-2,5. Сол. оғ. 6,1-6,3 Қалайсимон оқ рангли майда донадор, устунчасимон агрегатли, металлсимон ялтироқ м-л. Гидротермал томирларда соф олтин, Au ва Ag теллуридлари, сульфидлар билан бирга учрайди.

**Теллур - Теллур, Те** - М.д.с. нинг VI-гуруҳига мансуб к.э. Т.р. 52, ат. м. 127, 60, 8 та барқарор (масса сонлари 120, 122, 123, 124, 125, 126, 128, 130 бўлган) изотоплардан иборат. Тарқоқ элемент, Ер пўстининг масса жиҳатидан-1·10<sup>-7</sup> % ини ташкил этади. Т. оқиш кулранг, металлдай ялтироқ, мўрт кристалл модда. Зичлиги 6,25 г/см<sup>3</sup>, 450°С да суюқланади, 999°С да қайнайди. Табиатда оғир металлларнинг сульфидли маъданлари таркибида ва мустақил м-ллари-калаверит, крен-



нерит, гессит, тетрадимит, теллур- висмутит ва б. ларда учрайди. Таркибида Т. ва селен бўлган маъданларни қайта ишлаш йўли билан олинади. Резина, шиша, металлургия саноатида, ярим ўтказгичлар, қуёш батареялари ва б. и. ч. да ишлатилади.

**Теллур самородный - Соф теллур** - қ. *Самородный теллур*.

**Теллуристый никель - Теллури никел** -м-л *"Мелонит"* атамасининг синоними.

**Теллуриит - Теллуриит** -  $\text{TeO}_2$ . Кат. 2. Сол. оф. 5,9., Оқ, сомонсимон сариқ рангли, радиал нурсимон, тупроқсимон агрегатли олмоосимон ялтироқ м-л. Теллуридилар ва соф теллуриинг оксидланиш маҳсули.

**Теллуровисмутит - Теллуровисмутит** -  $\text{Bi}_2\text{Te}_3$  Кат. 2. Сол. оф. 7,8. Қўрғо-шинсимон, кул рангли, баргсимон, пластинкасимон агрегатли, металсимон ялтироқ м-л. Олтинли томирларда б. теллуридилар, соф олтин ва сульфидлар билан бирга учрайди.

**Тело рудное - Маъданли тана** - маъданлар тўпланмаларининг умумий номланиши. (томирли, линзасимон, штоксимон қатламсимон ва ҳ.к.).

**Тело рудное секущее - Кесишувчи маъданли тана** - қамровчи т. ж. лари ички структуравий элементларининг ётиши билан ҳолати мос келмаган маъдан жисми. Бунга турли хил ва тузилишдаги томирлар, томирчалар, маъданли штоклар, устунлар ва ш.к. киради.

**Тело рудное согласное - Мос маъданли тана** - қамровчи т. ж. ларининг ички структуравий элементларига мос равишда ётувчи маъдан жисми. Эндоген тури баъзан чўкинди - метаморфит т. ж. нинг қатламланишига, камдан-кам ҳолда эса магматик жисмларнинг стратификациясига мос равишда ётади. Буларга маъданли қатлам, маъданли уюм, маъданли линза ва б.лар киради.

**Температура рудообразования - Маъдан ҳосил бўлиш ҳарорати** - гидротермал конлардаги маъдан ҳосил бўлишнинг асосий босқичидаги ҳарорат. Шунга кўра, юқори ( $500^\circ\text{-}300^\circ$ ), ўрта ( $300^\circ\text{-}200^\circ$ ) ва паст ҳароратли ( $200^\circ\text{-}50^\circ$ ) конлар ажратилади.

**Теннантит - Теннантит** -  $(\text{Cu,Fe})_{12}\text{As}_4\text{S}_{13}$ . Кат. 3-4. Сол. оф. 4,6-5,2. Пўлатсимон кул рангли м-л. Унда  $\text{Cu}$ -40-45%. Гидротермал конларда кўп тарқалган. Б. мис м-ллари билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари: тэтраэдрит, касситерит, арсенопирит, пирит. Син.: регнолит, маргимушли хира маъдан, фредерит, яшил энаргит, эритроконит.

**Тенорит - Тенорит** -  $\text{CuO}$ . Кат. 3-4. Сол. оф. 6,4. Қора, кулранг, радиал нурсимон, пўлатсимон, металлсимон ялтироқ м-л. Мис конларининг оксидланиш зоналарида учрайди.

**Теория литогенеза - Литогенез назарияси** - литология фаниниг умумлаштирувчи бўлими бўлиб, чўкинди т. ж. лари ҳосил бўлишининг умумий қонуниятларини аниқлаш ва уларни излаш билан шуғулланади.

**Теория рудообразования ортомагматическая - Маъдан ҳосил бўлишининг ортомагматик назарияси** - эндоген конларнинг м-л моддалари манбаи бўлган магматик т. ж. лари (асосан интрузивлар) билан генетик боғлиқлиги ҳақидаги тасаввурга асосланган назария. Унга кўра конларнинг м-л моддалари манбаи магматик дифференциация жараёнида, шунингдек, қолдиқ эритмалардан ажралиб т. ж. га ўтувчи маъданли флюидлардан ташкил топади.

**Теория рудоотложения зональная - Маъдан ётқирилишининг зоналик назарияси** - маъданлашув-

нинг бирламчи зоналиги эритмаларнинг магма кристалланиши еридан камроқ ҳароратли ва босимли областларга ҳаракатланиши (силжиши) натижасида кетма-кет чўкиши. Маъдан моддаларининг чўкиш тартиби уларнинг эрувчанлиги билан белгиланади.

**Теория рудоотложения термальная - Маъдан ётқирилишининг термал назарияси** - бу назария гидротермал конлар катта гуруҳининг ҳосил бўлишини чуқурликда ёки аралаш (метеор сувлар иштирокида) пайдо бўлган, юқорига кўтарилувчи қайноқ сувли эритмалар (гидротермаллар)дан чўкиши билан изоҳлайди. XIX аср охиридан бошлаб умум қабул қилинган ва XX аср бошида Линдгрэн томонидан такомиллаштирилган.

**Теория формирования подземных вод инфильтрационная - Ер ости сувлари ҳосил бўлишининг инфильтрацион назарияси** - Ер ости сувларининг ҳосил бўлишини ер юзаси сувларининг т. ж. ларига шимилиши ҳисобига ҳосил бўлишини тушунтирувчи назария. Ҳозирги кунда гидрогеологик массивларда, артезиан ҳавзаларнинг юқори қисмидаги сувли горизонтлардаги ер ости сувлари шу йўл билан бўлиши аниқланган.

**Теория формирования подземных вод конденсационная - Ер остки сувлари ҳосил бўлишининг конденсацион назарияси** - Ер ости сувларининг атмосфера ҳавосидаги сув буғларининг т. ж. лари говакликларида, дарзликларида ва б. бўшлиқларда суюқликка айланишидан ҳосил бўлишини тушунтирувчи назария.

**Теория формирования подземных вод седиментационная - Ер ости сувлари ҳосил бўлишининг седиментацион назарияси** - балчиқ сувларининг чўкинди тўпланиш жараёнида кўмилиши, диagenез ва катагенез жараёнлари таъсирида ўзгаришидан ҳосил бўлишини тушунтирувчи назария. Бу йўл билан терран қатламларда тарқалган артезиан ҳавза сувлари ҳосил бўлиши аниқланган.

**Теория формирования подземных вод юве-нильная (магматоген-ная) - Ер ости сувлари ҳосил бўлишининг ювенил (магматоген) назарияси** - Ер ости сувларининг магмадан ажралиб чиқувчи водород ва кислород, сув буғлари ҳисобига ҳосил бўлишини тушунтирувчи назария.

**Теплопроводность - Иссиқлик ўтказувчанлик** - ҳароратлар фарқининг тенглаштирилишига олиб келувчи, геологик таналарнинг қаттиқ қуриган жинсларидан (т. ж. лари, м-л.лари) камроқ қизиган элементларига иссиқликнинг тарқалиши. Молекулалар иссиқлик энергиясининг моддалар ўрнини ўзгартирмасдан узатилиши содир бўладиган тури.

**Теплота кристаллизации - Кристалланиш иссиқлиги** - модданинг суюқ ҳолатдан қаттиқ кристал ҳолатга тенг вазли изотермик ўтиши пайтида ажралиб чиқувчи иссиқлик. Унинг миқдори эриш ҳароратига тенг бўлади.

**Терлингуаит - Терлингуаит** -  $\text{Hg}_2\text{C}_{10}$  Кат. 2,5-3. Сол. оф. 8,725. Сариқ, яшилсимон-сариқ, жигар рангли, кукунсимон массали, зич кристалл пўстлоқли, олмоосимон ялтироқ м-л.  $\text{Hg}$  конларининг оксидланиш зоналарида соф  $\text{Hg}$  билан бирга учрайди.

**Термальный метаморфизм - Термал метаморфизм** - қ. *Метаморфизм термальный*.

**Термокаротаж - Термокаротаж** - чуқурликдаги иссиқлик кўринишлари ва жараёнларини бурғи қудуғига

тушириладиган махсус қаршилик электротермометрлари ёрдамида ўрганишга асосланган каротаж тури.

**Термометр геологический - Геологик термометр** - м-л ҳосил бўлиши табиий жараёнининг ҳарорати ҳақида фикр юритиш имконини берувчи м-л ҳосила. Бунинг учун қиздириш натижасида моддаларнинг полиморф ўзгариши, кристалланиш ҳароратининг ўзгариши билан кристаллик чекланишларнинг ўзгариши; м-ллардаги қўшимчаларнинг ўрга-нишда фойдаланилади.

**Термостойкость горных пород - Тоғ жинсларининг иссиқликка бардошлилиги** - юқори ҳароратда т. ж. нинг бирламчи ҳолатини сақлаб қолиш хусусияти.

**Тёрнебомит - Тёрнебомит** -  $(\text{Ce,La,Al})_3[\text{OHIO}(\text{Si}_2\text{O}_7)]$ . Қат. 4,5. Сол. ог. 4,94. Зайтунсимон яшил рангли м-л. Ишқорий пегматитларда, скарнларда церит, ортит, бритолит билан бирга учрайди.

**Терраса абразионная - Абразион терраса** - денгиз тубининг абразия натижасида ҳосил бўлган соҳил қисми. А.т. нинг кўндаланг кесими қавариқ эгри чиққдан иборат бўлиб, қирғоқда қиялиги кам. Қадимги А.т. кўмилган (сув остида қолган) ёки денгиз сатҳидан кўтарилган бўлади. Бир неча марта кўтарилган А.т. мажмуи террасаланган сатҳларни ҳосил қилади.

**Терраса надпойменная - Қайир усти террасаси** - қайир сатҳидан юқорида ҳосил бўлган терраса. Уларнинг тартиб рақами пастдан юқorigа қараб ҳисобланади (яъни қайир усти I-террасаси ва ҳ.к.).

**Терраса оползневая - Кўчки террасаси** - т. ж. ларининг сурилишидан ҳосил бўлган, нисбатан текис ёки қабариқ сатҳ.

**Терраса речная - Дарё террасаси** - дарёнинг емириш ва ювилган моддаларни ётқизиш фаолияти билан ҳосил бўладиган рельеф шакли.

**Терригенные отложения - Терриген ётқиқиқлар** - кўпинча *чақиқ тоғ жинслари* синоними сифатида қўлланади.

**Тетрадимит - Тетрадимит** -  $\text{Bi}_2\text{Te}_2\text{S}$ . Қат. 1,5-2. Сол. ог. 7,3-7,9. Пўлатсимон кул рангли қат-қат япроқсимон, донадор агрегатли, металлсимон ялтироқ м-л. Теллуридлар ичида энг кенг тарқалган м-л. Кварц томирларида соф олтин, теллурид, пирит, халькопирит, галенитлар билан бирга; олтин маъданли гидротермал, камроқ ҳолларда контактли метасоматик конларда учрайди. Йўлдош м-ллари: висмутин, олтин, пирит, халькопирит, галенит. Син.: борнин, дафиллит, ксафиллит, теллурвисмут ялтироғи, эвтомит..

**Тетраздрит - Тетраздрит** -  $\text{Cu}_3\text{SbS}_{3,25}$ . Қат. 3,5-4,5. Сол. ог. 4,2-5,2. Пўлатдек кулранг, металлсимон ялтироқ, донадор агрегатли, оролсимон структурали м-лларнинг хира маъданли м-ли. Кўрғошин- рух гидротермал конларида, шунингдек сурма- симоб, олтин, вольфрам конларида теллуридлар орасида кенг тарқалган. Йўлдош м-ллари: халькопирит, сфалерит, пирит, борнит, арсенипирит, швацит ва б.. Син.: непалит, панабаз, мис-сурманинг хира маъдани, стилотип, фалькенхайнит, филдит.

**Тефра - Тефра** - вулкан ҳаракати натижасида бўшоқ вулкан маҳсулотларининг отилишидан ҳосил бўлувчи материаллар.

**Тефрит - Тефрит** - тералит туридаги эффузив т. ж. Плагиоклаз, нефелин, лейцит, пироксен (авгит), баъзан биотит, амфибол, гаюин ва магнетитли таркибга эга бўлиб, т. ж. ларининг асосий массасини, шунингдек порфир ажралмаларини ташкил этади.

**Техника разведки - Қидирув техникаси** - ф. қ. конларини қидиришда ишлатиладиган техник воситалар ёки улар мажмуасини ташкил этувчи ишлаб чиқаришнинг техник усуллари.

**Технико-экономический доклад (ТЭД) - Технико-иқтисодий доклад (ТИД)** - конни геологик иқтисодий жиҳатдан тавсифлаш ва баҳолаш. Геологик ташкилот томонидан лойиҳалаш институтлари билан бирга, дастлабки қидириш ишларидан кейин тузилади ва тасдиқлаш учун давлат заҳиралар кўмитаси (ДЗК)га тақдим этилади. ТИД лардаги конларни баҳолаш материаллари кўп йиллик тоғ-кон саноатининг истиқболини ривожлантириш ва у билан боғлиқ бўлган саноатнинг б. турларини режалаштириш учун асос бўлади. Конни ижобий баҳолаш ва ТИДни тасдиқлаш муфассал қидириш ишларига маблағ ажратиш учун, шунингдек, бўлажак тоғ-кон корхонасининг лойиҳа топширигини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Технико-экономическое обоснование (ТЭО) кондиций - Кондицияларни техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш (ТИА)** - қидирув ишлари босқичи тугаллангандан сўнг заҳираларни ҳисоблаб уларни ДЗКга топшириш учун бажарилади. У ф. қ.нинг моддий таркибини, технологик хоссаларини, гидрогеологик, муҳандислик-геологик, тоғ-геологик каби табиий шароитларини қидириш талабларига мувофиқ ҳар томонлама ўрганишни назарда тутади.

**Технико-экономическое соображение (ТЭС) - Техник-иқтисодий мулоҳаза (ТИМ)** - геология қидирув жараёнининг бошланғич босқичларида (1:50000, 1:25000 масштаби съёмкада) ва махсус излаш ишлари босқичларида бажарилади. Унинг мақсади топилган конлар ва намоёнлар башоратли ресурсларининг  $P_1$  ва  $P_2$  тоифаси бўйича баҳолашдан иборатдир.

**Техногенез - Техногенез** - инсоннинг и. ч. фаолиятидан келиб чиқувчи геоморфологик жараёнларнинг мажмуи.

**Технология безотходная - Чиқитсиз технология** - ф.қ.лардан комплекс фойдаланиш ва атроф-муҳитни ифлосланишдан муҳофаза қилиш йўналиши. У хом ашёдан барча қимматли компонентларни ажратиб олишни ёки қаттиқ, суюқ ва газсимон ҳолдаги кераксиз қолдиқлар мутлақо бўлмас-лигини назарда тутади.

**Течение донное - Ўзан туби оқими** - дарё ўзани тубидаги чўкиндилашга бевосита таъсир кўрсатиб оқувчи сув қатлами.

**Течения морские - Денгиз оқимлари** - дунё океанида сув массаларининг илгариланма ҳаракатлари. Улар тўлқинли, дрейфли, сатҳ кўтарилиши ва б.га бўлинади. Сув қатламларининг ҳолати бўйича сув сатҳидаги, чуқурликлардаги, сув ҳавзаси тубидаги ҳаракатларга, ҳарорати бўйича иссиқ ва совуқ, вақт давомида ўзгариши бўйича эса даврий, нодаврий, доимий ва вақтинчалик оқимларга бўлинади. Денгиз оқимлари катта геологик иш бажаради.

**Течения морские волновые - Денгиз тўлқинли оқимлари** - тўлқин ҳаракати мужассамлашган оқим. Денгизларнинг саёз қисмида улар катта тезликка эга бўлади ва чўкиндилаш аккумуляцияси кўчирилишида муҳим омил ҳисобланади.

**Течения морские глубинные - Денгиз чуқурлигидаги оқимлар** - дунё океанининг катта чуқурликларида, сув сатҳига таъсир этаётган кучлар билан боғ-

лиқ бўлмаган равишда кузатиладиган оқимлар.

**Течения морские дрейфовые - Денгиз дрейфли оқимлари** - дунё океани юқори қатламларида, шамол таъсирида юзага келувчи оқим-лар. Уларнинг кузатилиш чуқурлиги 100 м.дан ошмайди.

**Течения морские поверхностные - Денгиз сатҳи оқимлари** - дунё океани юқори қатламларидаги оқимлар бўлиб, унга денгиз дрейфли оқими мисол бўлади.

**Течения морские приливные - Сув сатҳининг кўтарилиши билан боғлиқ оқимлар** - сув сатҳининг кўтарилиши натижасида ҳосил бўладиган тўлқинлар ҳаракати. Тўлқин ҳосил қилувчи кучлар бутун сув массасига таъсир кўрсатиб, сув ҳавзасидаги ҳамма қатламни ўз ичига олади. Денгиз тубида сувнинг кўтарилиш тезлиги 10-15 см/сек га етиши мумкин.

**Течения подкоровые - Қобиқ ости оқимлари** - Ер пўсти остида моддаларнинг бир ердан иккинчи ерга кўчиши. Баъзи геотектоник таҳминларга қараганда бу ҳодиса мантия ва қобиқларда юз берадиган физик ва кимёвий жараёнлар билан боғлиқ, қ. *Гипотеза подкоровых движений*.

**Течение послойное - Қатламли оқиш** - модда қатламларининг тектоник ва гравитацион кучлар таъсирида оқиши.

**Тигровый глаз - Йўлбарс кўзи** - ипсимон ва тангачасимон м-ллар аралашган кварц. У йўл-йўлликка эга бўлиб, ранги олтинсимон ёки тўқ қўнғир рангли, илонсимон ялтироқликка эга.

**Тиксотропия - Тиксотропия** - баъзи т. ж. ларининг ташқи механик таъсир (титратиш, аралаштириш) натижасида оқув-чанлик ҳолатига ўтиши жараёни. Механик таъсир тугагандан сўнг у ўз ҳолига қайтади.

**Тилазит - Тилазит** -  $\text{CaMg}[\text{FAlAsO}_4]$ . Кат. 5. Сол. оф. 3,77. Кул рангли, зангори, мумсимон ялтироқ аралаш, донадор агрегатли м-л. Пъезоэлектриклик хусусиятига эга. Марганец конларида барит, берцелит, гаусманит ва б. билан бирга учрайди.

**Тиллит - Тиллит** -  $\text{PbSnS}_2$ . Кат. 2. Сол. оф. 6,36. Қўшимчалари қисман Sn билан алмашиниб қалайли тиллит - Т. қатори азбоси-герценбергит ҳосил қилади. Оч кулрангли, металсимон ялтироқликка эга бўлган м-л. Гидротермал Ag-Sn ва сульфид-касситерит конларида, кичик чуқурликларда учрайди.

**Тинаксит - Тинаксит** -  $\text{K}_2\text{Na}(\text{Ca}, \text{Fe}^{2+}, \text{Mn}^{2+}, \text{Mg})_2(\text{Ti}, \text{Fe}^{3+})[\text{OHSi}_2\text{O}_9]$ . Кат. 6. Сол. оф. 2,82. Оч сариқ рангли, радиал нурсимон агрегатли, шишасимон ялтироқ м-л. Ишқорий т. ж. ларида учрайди. Йўлдош м-ллари: канасит, чароит.

**Тинкалкони́т - Тинкалкони́т** -  $\text{Na}_2\text{B}_4\text{O}_7(\text{OH})_4 \cdot 3\text{H}_2\text{O}$ . Сол. оф. 1,88. Рангсиз, юпқа зарачали, кукусимон агрегатли шишасимон ялтироқ м-л. Ҳавода осонгина намсизланади. Боратлар конида учрайди. Йўлдош м-ллари: кернит, бура.

**Тип воды генетический - Сувнинг генетик тури** - табиий сувнинг шаклланишини акс эттирувчи, маълум компонентлари бўйича ажратиладиган табиий сув типи. Бир неча коэффициентлар нисбати билан белгиланади. Чунончи: сульфат-натрийли

$$\frac{rNa}{yCl} > 1; \frac{rNa - yCl}{rSO} < 1; \frac{rCl - yNa}{yMg} < 0.$$

гидрокарбонат-натрийли (юқоридаги тенгсизлик қуйидагича:  $> 1$ ;  $> 1$  ва  $< 0$  бўлади), хлор-магнитли ( $< 1$ ;  $< 0$ ;  $< 1$ ); хлор-кальцийли ( $< 1$ ;  $< 0$ ;  $> 1$ ).

**Тип генетический - Генетик тур** - маълум бир геологик омиллар ва жараёнлар натижасида ҳосил бўлган ётқизиқлар. Чўкиндилари ўзига хос турли литогенетик ва литологик таркибли т. ж. лари мажмуидан иборат.

**Тип гли́н генетический - Гилларнинг генетик турлари** - гилли т. ж. ларининг турлари турли шароитларда ҳосил бўлади. унинг учун ҳам бир биридан литологик белгилари билан фарқ қилади. Гилли материалларнинг тўпланишига қараб қолдиқ ва чўкинди гиллар турлари ажратилади. Турли табиий географик шароитларда ҳосил бўлган гиллар турли фацциал гилларга ажралади.

**Тип континентальных отложений генетический - Континентал ётқизиқларнинг генетик тури** - т. ж. емирилиши маҳсулотлари денудацияси, кўчиши ва аккумуляцияси бир ёки бир неча динамик ўзига хос шаклларининг намоён бўлиши натижасида ҳосил бўлувчи ётқизиқлар. Уларнинг 2 тури: оддий (коллювий, делювий, аллювий, морена, эол ётқизиқлари) ва мураккаб (делювиал-кооллювиал, делювиал-аллювиал, делювиал-солифлюкция) континентал ётқизиқлар мавжуд.

**Тип кор выветривания фациальный - Нураш қобиларининг фацциал тури** - маълум фацциал шароитда пайдо бўлган нураш қобиллари гуруҳи; иссиқ гумидли минтақаларнинг бўлиган пенеplenлари, муътадил иқлимдаги ботқоқлашган паст текисликлар ва аридди иссиқ иқлимли текисликлар учун хосдир. Унинг ҳар бир элементлари ўзига хос миграция қобилиятлари ва м-л ассоциацияларини ҳосил қилиб, шунга мувофиқ элювий босқичи охирида маълум т. ж. ларининг шаклланиши билан тавсифланади.

**Тип месторождений генетический - Конларнинг генетик тури** - кон шаклланишидаги геологик ва физик-кимёвий шароитни умумий ифодалайдиган тушунча. У қуйидагиларга ажратилади: магматик, пегматит, постмагматик, чўкинди, метаморфик ва б. Тор доирада - гистермагматик, ликвацион, гидротермал, скармли ва ҳоказолар.

**Тип месторождений минеральный - Конларнинг минерал тури** - битта маъданли формация доирасидаги конлар гуруҳи; парагенетик бирикмаларга хос бўлганларнинг у ёки буниси кўплиги бўйича ёки битта парагенетик бирикмага кирувчи алоҳида етакчи м-ллар миқдорий нисбатининг ўзгариши бўйича ажратилади.

**Тип минерализации - Минераллашиш тури** - йирик маъданли майдонлар (металлогеник минтақалар) умумий металлогеник хусусиятларининг ўзига хос метали (ва м-лли) конлар ривожланишининг ифода этилиши.

**Тип морских отложений генетический - Денгиз ётқизиқларининг генетик тури** - аккумуляциянинг бирор бир динамик шаклининг намоён бўлиши натижасида денгизда пайдо бўлган ҳолатлар (суспензион оқим, биогерм ва б. ётқизиқлари) ёки унинг модификациялари (қирғоқ, ўзан туби оқимлари. Денгиз ётқизиқлари генетик типлари таснифига кўра асосий ва амалий энг кичик бирлик-генетик типдир. Бир неча типлар ўз навбатида генетик гуруҳларга, генетик гуруҳлар эса қаторларга ёки комплексларга бўлинади.

**Тип пород литологический - Тоғ жинсларининг литологик тури** - т. ж. ларининг фацциал таҳлил натижасида аниқланадиган литологик тури. У ёки бу фаццига мансублиги белгиланади. Бу бирламчи генетик белгилар, яъни чўкиндиларнинг тўпланиш шароити, ҳосил бўлиши билан боғлиқ т. ж. хоссалари, струк-

тураси, текстураси, моддий таркиби, аутиген органик қолдиқлар ва б. ларга қараб амалга оширилади.

**Тип пород литогенетический - Тоғ жинсларининг литогенетик тури** - фашиал анализда бирор бир аниқ фацияни (белгиловчи) аниқловчи тип. Бирламчи генетик белгилар комплекси чўкинди тўпланиши ва шаклланиши шароактлари билан боғлиқ хусусиятлари (структура, текстура, моддий таркиб, аутиген м-л.лар, оксидланиш коэффициентлари қиймати (катталиги), органик қолдиқлар, организмлар яшаш ва кўмилиш шароити ва б. т. ж. лари) билан маконда ва фазода ўзаро муносабати билан аниқланади.

**Тип рельефа - Рельеф тури** - маълум йўналишга эга бўлган замонавий тектоник ҳаракатлар ва экзоген жараёнларда ташқи кўриниши, генезиси ва ёши жиҳатдан бир хил бўлган рельеф шакллари комплекси. Ушбу компонентлардан бирининг қисман ўзгариши ҳам б. рельеф турини юзага келтиради.

**Типоморфизм минералов - Минералларнинг типоморфизми** - кристалларнинг шакли, таркиби, тузилмалари ҳамда м-лларнинг физик хоссалари, парагенези ва м-л ассоциацияларининг генетик боғлиқлиги.

**Типоморфные минералы - Типоморф минераллар** - қ. *Минералы типоморфные.*

**Типы геохимические - Геохимёвий турлар** - геохимёвий жараёнлар эволюциясида шундай турларни ажратиш мумкинки, улар билан маълум элементларнинг геохимёвий ассоциациялари боғлиқ бўлади. Уларнинг 3 та гуруҳи ажратилади: - магматик (магматик, пегматолитли, пневмотитли, гидротермал);- гиперген (гипергенез, метагенез, диагенез, галогенез ва б.);- метаморфизм (геотермик метаморфизм, кимёвий метасоматоз ва б.).

**Типы глин минеральные - Гил минералларининг турлари** - г.м.т. уларни ташкил этувчи компонентларнинг биринчи галда нисбатан кўп тарқалган м-л турига қараб ажратилади. <0,001мм ўлчамли фракция моном-л (каолинитли, монтмориллонитли, гидрослюдали ва б.) ҳамда полим-л турларга бўлинади. Моном-л гиллар юққа дисперс бўлиб нисбатан кам тарқалган; муҳим саноат аҳамиятига эга. Полим-л гилларда эса <0,001мм.ли фракция аралаш м-логик таркибга эга бўлиб, табиатда турли фашиал ётқизиқларда учрайди.

**Типы глин фашиальные - Гилларнинг фашиал турлари** - турли миқдордаги ёгин-сочинлар, атмосфера ва сувли муҳитлар ҳарорат-ларининг ўзгариши, турли ўсимлик ва ҳайвонат дунёсига ва б.ларга эга бўлган литосферанинг турли табиий географик ҳамда геохимёвий шароитларида гил материалларнинг чўкиндига тушиши билан белги-ланади. Йирик табиий географик шароитларда тўпла-нишига қараб континентал, денгиз ва улар ўртасида оралиқ гилли т. ж. лари турлари ажратилади.

**Типы литогенеза - Литогенез турлари** - т. ж. ларининг турли ҳил тўплам-лари пайдо бўлишига олиб келувчи седиментация ва диагенез босқичларида литогенез жараёнининг турли-ча ўзига хос кечишининг шакллари. Литогенезнинг музлик, арид, гумид ва вулкан-чўкинди турлари ажратилади.

**Типы минералов осадочных пород - Чўкинди тоғ жинслари минералларининг турлари** - чўкинди т. ж. лари м-лларининг турлари ажратилиши бу м-лларнинг чўкиндида ва т. ж. ларида намоён бўлишлари

рига сабабчи жараёнлар билан боғлиқ. М-лларнинг қуйидаги турлари ажратилади: 1) Мерос қолган (чақиқ бўлакли) м-л.лар (бирламчи т. ж. ларининг парчаланшидан ҳосил бўлади; буларга кварц, дала шпатлари, турли оғир м-ллар). 2) мотоген м-л тури чўкиндиларнинг бир ердан иккинчи ерга кўчири-лиши, кейинчалик чақиқ заррачаларнинг нураши, шунингдек коллоид заррачаларнинг коагуляциясидан ҳосил бўлган м-ллар; 3) бирламчи (аутиген) м-ллар. Улар эса ўз навбатида седиментацион, органиген, диагенетик м-лларга бўлинади; 4) иккиламчи м-ллар (эпигенетик, гиперген м-ллар).

**Типы руд - Маъдан турлари** - кондаги маъданларнинг таснифий турлари. М-л таркиби, текстураси ва структура хусусиятларига боғлиқ равишда қидириш ва намуналаш давридаги геологик хужжатлаштириш жараёнида турлар ажратилади. Ҳар бири камида маъдан умумий ҳажмининг 1-2 % ни ташкил этиши ҳамда м-логик-кимёвий таркиби, солиштирма ва ҳажм оғирлиги билан тавсифланиши лозим. Табиий маъдан турларини аниқлаш - қидириб-баҳолаш босқич-ларидаги ишларнинг асосий вазифасидир.

**Типы складок генетические - Бурмаларнинг генетик турлари** - бурмаларнинг таснифий турлари бўлиб, улар ҳосил бўлишидаги геологик жараёнлар ёки геологик муҳитларга қараб ажратилади. Мос равишда физик-генетик ва геологик-генетик таснифлар мавжуд. Физик-генетик таснифлашда бурмалар кинематик ва динамик белгиларга қараб ажратилади. Геологик-генетик таснифлаш турли тамойилларга яъни: а) уларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлувчи геологик жараёнлар (масалан, магматизм, метаморфизм, вертикал ва горизонтал тектоник ҳара-катлар, чўкинди тўпланиши жараёнлари, диагенез, гипергенез ва б.) асосида; в) Ер пўстининг маълум чуқурлик зоналарида ҳосил бўлиши асосида амалга оширилиши мумкин. Генетик таснифлаш юқорида келтирилган иккала белгилар асосида ҳам амалга оширилиши мумкин.

**Типы складок морфологические - Бурмаларнинг морфологик турлари** - бурмаларнинг қандай ҳосил бўлишидан қатъий назар уларнинг шакллари, тузилиши ва ўлчамларига қараб ажратилган гуруҳлар.

**Типы слоистости (слоистости) - Қатламланиш тури (қатламлилиқ)** - турли белгилар бўйича ажратилган қатламланиш гуруҳлари (қатламлилиқлар). Бу белгиларга қуйидагилар киради: қатламлар ва қатламлар сериясининг шакли, намоён бўлишининг тўлиқлиги ва аниқлиги миқёси, тузили-шининг мураккаблиги, қатламларнинг бир текис тақ-симланиши, ҳосил бўлиш механизми ва чўкинди-ларнинг ҳосил бўлиши фашиал шароитлари.

**Тиролит - Тиролит** -  $\text{Ca}_2\text{Cu}_9[(\text{OH})_{10}(\text{As}_3\text{O}_4)] \cdot 10 \text{H}_2\text{O}$ . Қат. 1,5-2,0. Сол. оғ. 3,18-3,23. Кўкимтир-яшил, рангли, шишасимон, садафсимон ялтирайдиган м-л. Куммингтонитнинг Mg-Mn ли тури. Унинг таркибида MnO ~8 %, MgO~31 %. Mn конларида учрайди. Йўлдош м-ллари: малахит, азурит.

**Титан - Титан, Ti** - М.д.с. нинг IV-гуруҳига мансуб к.э. Т.р. 22, ат.м. 47,88. Т. масса сонлари 46, 47, 48, 49, 50 бўлган 5 та барқарор изотопдан иборат. Ер пўстининг масса жиҳатидан 0,57 % ини ташкил қилади. Т. пўлат каби ялтироқ металл, 1668°C да суяқланади, 3227°C да қай-найди, зичлиги 4,51 г/см<sup>3</sup>, мустаҳкам ва пластик. Т. нинг табиатда рутил, анатаз, брукиит, ильме-

нит, титан-магнетит перосквит каби м-ллари бор. Санотда олинадиган Т. нинг асосий қисми авиация, ракета ва кемасозлик техникасига зарур қотишмалар тайёрлаш учун кетади.

**Титанит - Титанит** -  $\text{CaTi}(\text{SiO}_4) \cdot (\text{O}, \text{OH}, \text{F})$ . Қат. 5-5,5. Сол. оф. 3,4-3,6. Якка кристалли, баъзан радиал нурсимон агрегатли, жигарранг, сариқ, оқ, яшил рангли, шишасимон ялтироқ м-л. Отқинди ва магматик, кўп ҳолларда ишқорий т. ж. ларида аксессуар м-ллар сифатида учрайди. Йўлдош м-ллари: диопсид, гранат, эпидот, хлорит, кальцит, магнетит, альбит, адуляр, скаполит, апатит, циркон, кварц, дала шпатлари, амфиболлар. Син.: сфен, пиктит

**Титр - Титр** - 1мл эритмадаги моддаларнинг граммлари сони.

**Тихит - Тихит** -  $\text{Na}_5\text{Mg}_2[\text{SO}_4](\text{CO}_3)_4$ . Қат. 3,5-4. Сол. оф. 2,46. Рангсиз, оқ рангли, шишасимон ялти-роқ м-л. Барит конлари гилларида учрайди.

**Толща - Қалин қатлам** - 1. Эркин қўлланиладиган литостратиграфик бўлинма. Бу ном билан бир қанча қатламлар ёки қатлам ҳосил қилмай тўпланган жинслар мажмуи ажратилади. Уларнинг маълум бир чегарадаги на тарқалганлиги ёки қатлам ости ва қатлам усти чегаралари ноаниқ бўлганлиги сабабли ётқизиқларнинг стратиграфик ҳолатини аниқлаш қийин бўлади. 2. Умумий геологияда - эркин қўлланиладиган термин бўлиб, бирон бир белгиси генезиси, таркиби, ранги ва ш.к билан ажралиб турадиган ётқизиқлар мажмуи.

**Толща продуктивная - Маҳсулдор қатлам** - таркибида ф. қ. лар бўлган чўкинди ётқизиқлар қатлами

**Толща рудоносная - Маъданли қалин қатлам** - маъданли ҳосилаларни ўз ичига олувчи бирор-бир стратиграфик бўлим - свита, пачка ва шу кабиларга хос ётқизиқлар. Шу асосда маъданли свита, горизонт, қатлам ва б. лар ажратилади.

**Томография в геофизике - Геофизикадаги томография** - берилган йўналиш бўйича электромагнит ва эгилувчан (сейсмик ва б.) тўлқинларнинг геологик объектилардан ўтиш тезлигини ва хусусиятини тадқиқ этиш йўли билан ўрганиш.

**Тоналит - Тоналит** - меланократли, андезинли плагиогранит. Биотит ва шох алдамчиси рангли компонент сифатида қатнашади.

**Топаз - Топаз** -  $\text{Al}_2\text{F}_2\text{SiO}_4$ . Қат. 8. Сол. оф. 3,49-3,60. Рангсиз, кўк, пушти, қизғиш-сариқ рангли, донатор, баъзан друза шаклидаги агрегатли, шишасимон ялтироқ м-л. Шаффоф, рангли м-л турлари қимматбаҳо тош ҳисобланади. Грейзен ва пегматитли гранитларда учрайди. Йўлдош м-ллари: флюорит, касситерит, турмалин, ортоклаз, альбит, лепидолит.

**Топазит - Топазит** - фақат кварц ва топаздан ташкил топган грейзен тури.

**Топография - Топография** - Ер сатҳини геометрия нуқтаи назаридан (қуруқликнинг табиий сатҳи элементлари, ва уларда инсон фаолияти билан боғлиқ объекталарни жойлашиши) ни ўрганувчи ва уларни тасвирлаш масалалари билан шуғулланувчи илмий фан. Қуруқлик юзасини ўрганишда табиий ва иқтисодий география ва геоморфология фанига асосланади. Хариталарни тузишда геодезия ва хариташунослик маълумотларига асосланади.

**Торбастнезит - Торбастнезит** -  $\text{Th}(\text{Ca}, \text{TR}) [\text{F}(\text{CO}_3)] \cdot 3\text{H}_2\text{O}$ . Қат. 2,2,5. Сол. оф. 3,23—3,71. Криптокристал агрегатли, кўнғир рангли м-л. Нефелин-сиенитли инт-

рузияларнинг экзоконтактидаги т. ж. ларида ва темирлашган альбититларда торит ҳисобига ривожланган.

**Торбернит - Торбернит** -  $\text{Cu}[\text{UO}_2 | \text{PO}_4]_2 \cdot 8-12\text{H}_2\text{O}$ . Қат. 2-2,5. Сол. оф. 3,21-3,71. Ранги зумрад, зангори, оч зангори, шишасимон ялтироқ м-л, уранли слюдалар гуруҳига мансуб уранит ва уран м-лларининг оксидланишидан ҳосил бўлувчи иккиламчи м-л. Унда  $\text{UO}_2$ -57,50 %. Слюдага ўхшаш тўрт бурчакли таблеткадек майда кристалл шаклида учрайди. Одатда томирларнинг юқори қисмида балиқ тангасисига ўхшаш шаклни ҳосил қилиб тўпланади... Йўлдош м-ллари: отенит, уранли охра, гематит, кварц. Син.: купроуранит, уранли мис слюдаси, мисли уранит, уранофиллит.

**Торендрикиит - Торендрикиит** - магнезиорибекитга яқин бўлган ишқор-рий амфибол, м-л. Ишқорий сиенитларда тарқалган.

**Торианит - Торианит** -  $(\text{Th}, \text{U})\text{O}_2 \cdot \text{Th} \cdot \text{U}$ . 20-5. Қат. 6,5-7. Сол. оф. 9,7-9,8. Одатда Рb қўшилмалари учрайди.. Тўқ рангидан жигарранг-қорагача ва қора рангли, яримметал, мумсимон ялтироқ м-л. Радиоактивлк хусусиятига эга. U гидротацияси ва оксидланиши натижасида ўзгаради. Пегматитларда ва серпентенитларнинг оҳактош билан контактларида учрайди.

**Торий - Торий** - Th. Мд.с. нинг III гуруҳи радиоактив элементи, Т.р. 90, массаси 232 га тенг. Унинг массаси 232-235 гача бўлган изотоплари маълум.

**Торит - Торит** -  $\text{Th} [\text{SiO}_4]$ . Қат. 4,5. Сол. оф. 4,0-4,8. Таркибида Fe, U, Pb, Ca аралашмалари мавжуд. Кристаллари призма шаклида. Қора, кўнғир, қизғиш рангли, шишасимондан мумсимонгача ялтироқ м-л. Гидротацияланиш даражасига қараб ўзгаради. Кучли радиоактивлик хусусиятига эга. Пегматит томирларда берилл, флюорит, турмалин, циркон билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари: шох алдамчиси, слюда, циркон, эгирин, дала шпати, монацит, ксенотин.

**Торогуммит - Торогуммит** -  $(\text{Th}, \text{U}) [(\text{OH})_2(\text{SiO}_4)]$ . Th:U нисбати 2:1 га тенг. Тўқ кўнғир-сариқдан кўнғир ранггача, олмоосимон ялтироқ м-л. Торит ва б. торийли м-ллар гидротацияси маҳсули. Кучли радиоактивликка эга. Пегматитларда учрайди. Син.: макинтошит, мейтландит, хлоротонит, хиблит.

**Торон - Торон** - торий қаторининг қисқа вақт ичида мавжуд бўлувчи маҳсулоти бўлиб, массаси 220 бўлган радон изотопи ( $\text{Rn}^{220}$ ). Ярим парчаланиш даври 54,5 сек.га тенг.

**Торостенструпин - Торостенструпин** -  $\text{Ca ThMn}[\text{Si}(\text{O}, \text{OH})_3]_4 \cdot \text{F} \cdot 5\text{H}_2\text{O}$ . Қат. ~4. Соф. Оф. 3,02. Тўқ кўнғир рангли мўрт м-л. Метасоматик томир таналарида учрайди.

**Торутит - Торутит** -  $(\text{Th}, \text{U}, \text{Ca}) \text{Ti}_2(\text{O}, \text{OH})_6$ . Қора рангли м-л, Микроклин-нефелинли томирларда, торит, циркон, кальцит, барит, галенит билан ассоциация ҳосил қилади. Син.: Смирновит.

**Торф - Торф** - ўсимликларнинг кўмирга айланишининг биринчи босқичида ҳосил бўладиган қазилма ёнилғи.

**Торфообразование - Торф ҳосил бўлиши** - қисқа вақт давомида жадал кечувчи биокимёвий жараён. Грунт сувлари сатҳлари пасайганда қатламларнинг юқори қисмида озроқ микроорганизмлар таъсирида юзага келади. Т.ҳ.б. жараёни 2 босқичга бўлинади: 1) торф ҳосил қилувчи ўсимликларнинг ҳар йилги ўсиши натижасида тирик органик массаларнинг тўпланиши; 2)

дастлабки ўсимликлар қолдиқларининг тўлиқ чирымаслиги натижасида торфларнинг тўпланиши.

**Торфообразователи - Торф ҳосил қилувчилар** - торфларни ҳосил қилувчи ботқоқликнинг ўсимлик қопламлари. Улар орасида содда ва мураккаб ўсимликлар мавжуд. Содда ўсимликларга оқ ва яшил мохлар, микроорганик колониал сув ўсимликлари; мураккаб ўсимликларга турли ўтлар, буталар ва дарахтлар киради.

**Тосудит - Тосудит** -  $K_{0,02}Ca_{0,23}Na_{0,25}(Al_5Mg) \cdot (Si,Al)O_{18,2}(OH)_{11,8} \cdot 5H_2O$ . Аралаш қатламли, тартибли структурага эга бўлган м-л. Майда тангачали ҳаворанг-кўк рангли, суюқликда кўпчи хусусиятига эга м-л. Паст ҳароратли гидротермал томирларда, аргиллитларда ва кумтошларда учрайди.

**Точка Кюри - Кюри нуқтаси** - ҳароратнинг шундай нуқтасики, бу ҳароратдан юқорида ферромагнит моддалар парамагнит моддага айланади. Син.: Температур Кюри.

**Точка минерализованная - Минераллашган нуқта** - қ. *Точка рудная*.

**Точка рудная - Маъданли нуқта** - ўзининг ўлчамлари, ф. қ. сининг сифати билан саноатда ўзлаштириб бўлмайдиган жуда кичик маъдан намоёни. "*Точка минерализованная*" (*Минерал-лашган нуқта*) атамасининг синоними.

**Точки геохронологической шкалы опорные - Геохронологик шкаланинг таянч нуқталари** - ёшлари радиологик усуллар билан аниқланган, палеонтологик нуқтаи назардан тавсифланган икки қатлам оралиғидаги стратиграфик қирқимда маълум ўрин тутувчи геологик ҳосила (т. ж. ёки м-л).

**Точки горячие - Иссиқ нуқталар** - Ер юзасига четансимон шаклдаги мантия оқимлари чиқадиған жой. Бу оқимлар "плюмлар" деб аталади. Улар плиталар чегарасида, асосан уларнинг ичида учрайди. Рельефда асосан сув ости ва қисман сув усти вулкан фаолияти туфайли ҳосил бўлган занжирсимон чўзилган изометрик кўта-рилмалар кўринишида намоён бўлади.

**Точки рудные - Маъданли нуқталар** - саноат аҳамиятига эга бўлмаган (ўлчамлари ёки металллар миқдори бўйича) маъдан намоёнлари.

**Точность разведки - Қидиришнинг аниқлиги** - кон ёки ф. қ. жисми геологик-саноат параметрларининг миқдорий кўрсаткичларини муфассил аниқлаш; унинг шаклини, ётиш шароитини, ф. қ. нинг сифат хусусиятларини ва умуман саноатдаги баҳосини аниқлашга йўналтирилган кўрсаткич.

**Травертин - Травертин** - "*Туф известковый*" атамасининг синоними.

**Травление минералов - Минералларни синаш** - м-лларнинг кимёвий реактивлар таъсиридаги ўзгаришларини кузатишга асосланган диагностик таҳлил тури.

**Трансгрессивное залегание - Трансгрессив ётиш** - қ. *Залегание трансгрессивное*.

**Трансгрессия - Трансгрессия** - қуруқликни денгиз суви босиши жараёнининг тури. Бу жараён абразия, танаффуслар ва бурчак номосликларининг ҳосил бўлиши билан кечади. Кўп ҳолларда бу жараён қуруқликнинг чўкиши, камдан-кам ҳолларда эса сув сатҳининг кўтарилиши сабабли юз беради. қ. *Ингрессия*.

**Транспортировка осадочных частиц - Чўкинди заррачаларининг кўчирилиши** - заррачаларининг

кўчирилиши турли омиллар: сув, шамол, оғирлик кучи, музликлар фаолияти билан амалга ошади.

**Транспрессия - Транспрессия** - плиталарнинг бир вақтда қия бурчак остида яқинлашгандаги сиқилиш ва сурилиш жараёни.

**Трансформизм - Трансформизм** - т. ж. лари, биринчи галда гранитоидларнинг ҳосил бўлишини ўрганувчи фан йўналиши. Бошланғич маҳсулотларнинг метасоматоз жараёни натижасида ўзгариши, бир кимёвий компонентларнинг т. ж. сига кириб келиши, иккинчисининг олиб чиқиб кетилиши билан амалга ошади. Трансформизм бўйича гранитлар ҳосил бўлиши, шу жумладан гранитлашиш регионал метаморфизм ва чуқурликларда юз берувчи жараёнлар маҳсулидир.

**Транстенсия - Транстенсия** - плиталарнинг бир вақтда бир-бирдан қия бурчак остида узоқлашгандаги чўзилиш ва сурилиш жараёни.

**Траншея - Ҳандақ (траншея)** - кўндаланг кесими трапециясимон, чуқурлиги 2-5 м, узунлиги энгига нисбатан катта узунликка эга бўлган очиқ тоғ-кон иншооти. Унинг ёнбоши "борт" ёки "кичик девор", туби эса - "остки тўшама" дейилади.

**Трапп - Трапп** - платформа областларида тарқалган асос таркибли отқинди т. ж. лари (диабаз, базальт ва б.лар); магматизмнинг маълум бир даври жараёнида ҳосил бўлади.

**Трахибазальты и трахидолериты - Трахибазальтлар ва трахидолеритлар** - эффузив базальтли т. ж. лари. Асосан пироксендан (кўп ҳолларда титан-авгит), асосли плагиоклаздан, ишқорий дала шпатидан (санидин, анортотлаз, альбит), баъзан кам миқдордаги фельдшпатитлардан, шунингдек эгирин-авгит базальти, шох алдамчисидан, оливин, сфен ва шунга ўхшашлардан ташкил топади. Чуқурликлардаги эссенсит ва шонкинитларга мос келади.

**Трахилипарит - Трахилипарит** - эффузив т. ж. бўлиб, м-логик ва кимёвий таркиби бўйича трахит ва липарит оралиғидаги т. ж. га мос келади. Таркибида ~50 % санидин, 20 % кварц, 15 % плагиоклаз, 10 % биотит ва диопсид, шунингдек анатит, сфен, маъдан м-ллари мавжуд.

**Трахит - Трахит** - кайнотип эффузив т. ж.; таркибан ишқорий дала шпатлари, баъзан ўрта таркибли плагиоклаз ва бир ёки бир нечта рангли м-ллардан (одатда биотит ва авгит) иборат порфирли т. ж. Кўп ҳолларда трахитли структурага эга. Сиенитнинг эффузив аналогли.

**Трөггерит - Трөггерит** -  $H_2[UO_2]AsO_4 \cdot 8H_2O$ . Қат. 2,5. Сол. оғ. 3,3. Уранли слюдалар гуруҳи м-ли. Лимонсимон сариқ рангли, садафсимон ялтироқ м-л. U конларининг оксидланиш зонасида учрайди. Йўлдош м-ллари уранинит, уран қуруми, U сульфати, цейнерит, ураноспинит.

**Тремолит - Тремолит** -  $Ca_2(Mg,Fe^{2+})_5Si_8O_{22}(OH)_2$ , Қат. 5,5-6. Сол. оғ. 2,9-3. (қуйидаги нисбатда  $Mg/(Mg-Fe^{2+})=1.0-0.9$ ). Амфиболлар гуруҳига мансуб м-л. Ранги оқ ёки кўпинча оч кулранг тусли. Шишадек ялтиради. Регионал метаморфизмнинг қуйи даражаси маҳсулоти. Контактли метаморфик т. ж. ларининг жинс ҳосил қилувчи м-ли. Кигиз толасига ўхшаш, толаси чигаллашиб кетган агрегатлар ҳолида учрайди. Син.: грамматит, гепферит, ламамит, карамзинит, норденшельдит, рафиллит, себесит.

**Тремолит-асбест - Тремолит-асбест** - тремолитнинг

толасимон тури. Гидротермал ўзгарган гипербазитларда ва карбонат т. ж. ларида учрайди.

**Трепел - Трепел** - физик-кимёвий хоссалари бўйича диатомитга ўхшаш бўлган, органик қолдиқлардан умуман ёки қисман ҳоли бўлган бўшоқ ёки султ цементлашган, жуда енгил, жуда кичик ўлчамли ғовакликка эга бўлган опалли чўкинди т. ж.

**Третичная система - Учламчи система** - стратиграфик бўлинма бўлиб ўз ичига палеоген ва неоген системаларини олади.

**Третичный период - Учламчи давр** - ҳозирги кундаги мустақил палеоген ва неоген даврларини ўз ичига олади.

**Трецины - Дарзликлар** - геологик жисмларнинг асосан физик-механик таъсирлар натижасида яхлитлигининг бузилишида юзага келувчи янги сатҳлар. Ҳосил бўлиши шароитига қараб литогенетик, тектоник, гипергенетик турларга ажратилади. Дарзликларнинг ўлчамлари, юзага келиш тартиби, т. ж. лари билан тўлдирилганлиги ва б. кўрсаткичлари бўйича ишлаб чиқилган таснифлар мавжуд.

**Трециноватость горных пород - Тоғ жинсларининг дарзлилиги** - чўкинди, метаморфик ва отқинди т. ж. ларининг барча литологик турларида ривожланган, т. ж. ларининг дарзликлар билан бўлинганлик даражаси.

**Трецинная зона - Дарзлик зонаси** - қ. *Зона трецинная*.

**Трецинная пористость - Дарзлик ғоваклиги** - маълум ҳажмдаги т. ж. ни кесиб ўтувчи дарзликлар ҳосил қилган бўшлиқ ҳажмининг шу т. ж. ҳажмига нисбати билан ўлчанадиган катталики.

**Трецинные воды - Ёриқ сувлари** - интрузив, метаморфик, чўкинди ва вулкан т. ж. лари ёриқларида тўпланган эркин (гравитацион) ер ости сувлари. Асосан қор, ёмғир, баъзан эса оқар сувларнинг йиғилшидан пайдо бўлади.

**Трециноватость общая - Умумий дарзлик** - т. ж. ларнинг дарзликлар юза тектоникалари билан блокларга бўлиниши. Бу ҳолат тектоника, гравитация, т. ж. намлигининг йўқолиши, музлаши, эриши, нураши натижаларида содир бўлиши мумкин.

**Трециноватость планетарная - Планетар дарзлик** - одатда ўз йўналиши бўйича маҳаллий шароитлардаги тектоник сабабларга боғлиқ бўлмаган, лекин ҳосил бўлиши бўйича планетар миқёсдаги жараёнлар, (гарчи унинг ўзини олганда дарзликлар т. ж. нинг ўзида ҳаракатланувчи ички кучланиш таъсирида пайдо бўлса ҳам) билан боғлиқ бўлган дарзликлар. Бундай дарзликларга Ер шаклининг, уни айланиш бурчаги тезлигини ўзгариши, яъни рационал дарзликлар қиради. П.д. миқёси жиҳатдан Ер мантиясига етиб борувчи чуқурлик синишларидан тортиб то бир қатламни кесиб ўтувчи дарзликларгача бўлган кўламда кузатилади. Бу ўз навбатида Ернинг рельефига, ер пўстидаги структураларнинг жойланишига сабаб бўлади. қ. *Линеамент*.

**Трецины диагенетические - Диагенетик дарзликлар** - чўкинди т. ж. ларининг диагенези натижасида, юқорида жойлашган т. ж. лари оғирлиги таъсирида улар зичлигининг ўзгариши билан юзага келади.

**Трецины секущие - Кесувчи дарзликлар** - т. ж. лари қатламларининг ётиши ва йўналишидан фарқли йўналишга эга бўлган дарзликлар.

**Трецины скальвания - Ёрилиш (ажралиш) дарзликлари** - сиқилиш пайтида ҳосил бўлган ва босим йўналишига бурчак остида жойлашган дарзликлар.

**Трецины согласные - Мувофиқ дарзликлар** - қатламларнинг ётиш томони ва йўналиши билан бир хил бўлган дарзликлар.

**Трецины усыхания (высыхания) - Намликнинг йўқолишидан ҳосил бўлган дарзликлар (қуриш дарзликлари)** - сувга тўйинган гилли ва оҳақтошли гилларнинг ўз намликларини йўқотиши (қуриши) натижасида уларнинг юза қисмида дарзликлар юзага келади. Уларнинг чуқурлиги бир неча см.дан 3м.гача етиши мумкин.

**Трецины экзогенные - Экзоген дарзликлар** - Ер юзасига яқин қобикларда, асосан ёки фақат экзоген жараёнлар таъсирида юзага келувчи дарзликлар.

**Триады рудные - Маъданли триадалар** - гумид зонадаги Al-Fe-Mn ва арид зонадаги Cu-Pb-Zn маъданларини белгиловчи атама.

**Триасовая система - Триас системаси Т** - мезозой эрасининг биринчи даври, 230 млн. йил аввал бошланиб, 35 млн. йил давом этган. Юқори, ўрта, қуйи каби учта бўлимдан иборат.

**Триасовый период - Триас даври** - мезозой эрасининг биринчи даври. Бундан 230 млн йил аввал бошланиб, 35 млн йил давом этган. Ўрта Осиёдаги, жумладан Ўзбекистондаги триас даври ётқизик-лари денгиз ва қуруқликда ҳосил бўлган т. ж. ларидан иборат. Ётқизикларида ф. қ. лардан асосан тошқумир, кўнғир қумир, шунингдек боксит, гил, ош тузи, темир маъдани, мис, нефть ва бошқалар мавжуд.

**Тридимит - Тридимит** -  $\text{SiO}_2$ . Кат. 7. Сол. оғ. 2,2. Рангсиз, оқ, кулранг, сарғиш рангли, игнасимон садафсимон ялтироқ м-л. Вақт ўтиши билан кварцга ўтади. Пневматолит жараёнлари м-ли бўлиб, эксгалацион ҳосилларда, нордон эффузивларнинг дарзликлари ва ғовакларидан кўп учрайди. Кремний кислотасининг модификацияси. Ўтга чидамли моддаларнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади.

**Триплит - Триплит** -  $(\text{Mn}, \text{Fe}^{2+})_2[\text{F} | \text{PO}_4]$ . Кат. 5. Сол. оғ. 3,44-3,87. Ранги қизилдан кўнғир қизилгача. Пегматитларда, томирли кварцларда вольфрамит, шеелит, апатит, турмалинлар билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари: кварц, берилл, апатит, флюорит.

**Триплоидит - Триплоидит (Вольфент)** -  $(\text{Fe}^{2+}\text{Mn})_2[\text{OH} | \text{PO}_4]$  Кат. 4,5. Сол. оғ. 3,66-3,88. Ранги қизғиш, сариқдан кулранггача, ёғсимон. Шишсимон ялтироқ, параллел толасимон агрегатли м-л. Узлуксиз м-ллар қатори. Пегматитлар ва кварцли томирларда, триплит ўзгаришидан ҳосил бўлган маҳсулот сифатида, бошқа фосфоритлар билан, бирга учрайди. Син оливинит.

**Трипугит - Трипугит** -  $\text{FeSb}_2\text{O}_3$ ? Кат. ~7. Сол. оғ. 5,82. Яшил-сариқ рангдан то тўқ жигарранггача бўлган, микрокристалл агрегатли м-л. Гравийларда киноварь, дербилит ва льюисит билан бирга, Sb конларида стибиконит билан бирга, Pb-Zn конларининг оксидланиш зоналарида, надорит ва целестин билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари: ромеит, монцанит, рутил. Син.: флажолит.

**Троилит - Троилит** - FeS. Кат. 4. Сол. оғ. 4,82. Пирротин гуруҳига мансуб, ранги тўқ жигарранг, металлсимон ялтироқ м-л. Метеоритларда, шунингдек пирротинли маъданларда учрайди. Син.: колчедан.

**Троктолит - Троктолит** - асосли плагиоклаз (лабра-

дор ёки битовнит) ва оливиндан ташкил топган аниқ кристалли магматик т. ж. Пироксенлар жуда кам миқдорда ёки умуман кузатилмайди. Син.: фораменштейн.

**Троллит** - **Троллит** -  $Al_4[OH]PO_4$ . Лазулит билан бир хил бўлиши мумкин. Fe конларда учрайди.

**Трондъемит** - **Трондъемит** - таркибида нордон плагиоклаз (70 % атрофида) кварц (25 % гача), жуда кам миқдорда рангли м-лар: биотит ва амфибол бўлган лейкократли плагиогранит.

**Труба рудная** - **Маъданли қувур (труба)** - таркибида маъдан бўлмаган қамровчи т. ж. лари ичидаги қувур шаклидаги маъдан танаси. Маъданли устунлар оз миқдорли маъданлар ичида ётса, маъданли қувурлар маъдансиз т. ж. лари ичида учраши билан фарқланади. Ётиш шароитлари шўнгиш бурчаклари, шўнгиш йўналиши бўйича узунлиги ва кўндаланг кесими билан белгиланади. Тик ётувчи турларининг кўпроқ тарқалган ва қия ётувчи қувурсимон уюмлари ҳам учраб туради. Уларнинг узунлиги, кўндаланг кесими ва қалинлигидан анча катта бўлиб, ҳосил бўлиши кўпинча тектоник дарзликларнинг кесилган ерлари билан боғлиқ олмос конлари учун кўпроқ хосдир.

**Трубки взрыва** - **Портлаш қувурлари** - кесими тез-тез ўзгариб турувчи қувурсимон каналлар; газларнинг ёриб чиқишлари натижасида ҳосил бўладилар. Буларда лава оқиб чиқиши содир бўлмайди, бироқ лава инъекцияларининг қувурларни брекчиясимон тўлдиришлари учраб туради. Энг йирик қувурларнинг диаметри 1 км гача етади. Кимберлитнинг олмосли брекчияси билан тўлган қувурлар ўзига хос аҳамиятга эга. Қамровчи т. ж. ларига нисбатан улар тўртта турга бўлинади: Alb, Fife, Core ва кимберлитли қувурлар тури.

**Тунгстенит** - **Тунгстенит** -  $WO_2$ . Кат.~2,5. Сол. оғ. 5,5. Қўрғошин-симон, кул рангли Жуда кичик тангачали ва говакли агрегатли м-л. Pb-As конларида Fe, Pb, Zn сульфид-лари билан бирга учрайди.

**Туннели лавовые** - **Лавали тунеллар** - лава оқимларидаги коридор (йўлак) кўринишидаги бўшлиқлар. Улар асосан тўлқинсимон лава оқимларида кузатилиб, узунлиги бир неча юз метр, кенглиги 20 м. гача, баландлиги 5 м. гача етади.

**Турбидиты туфовые** - **Туфли турбидитлар** - лойқа оқимлар ҳосилалари. Зилзила ҳодисаси билан кечадиган маълум вулканларнинг эксплозив отилиши натижасида ҳосил бўладиган чўкиндилар. Бунда материалларнинг тўғридан тўғри градацион тақсимланиши кузатилади. Пастдан юқорига қараб ҳосилалар бўлаклари ўлчамларининг кичиклашиб бориши улар учун хосдир.

**Турбулентность** - **Турбулентлилик** - суюқликларнинг тартибсиз оқими бўлиб, бунда оқим тезлиги ва босими тартибсиз ўзгариб туришига қарамай уларнинг маълум аниқ-ликдаги статистик ўртача қийматларини аниқлаш мумкин.

**Турмалин** - **Турмалин** -  $NaFe_3Al_6[(OH)_4(BO_3)_3Si_6O_{18}]$ . Кат. 7-7,75. Сол. оғ. 3-3,25. Метасиликатлар кенжа синфига мансуб м-л. Яшил, қизил, кўк, жигарранг, қора рангли, баъзан рангсиз шишасимон ялтироқ, радиал нурсимон, баргсимон агрегатли м-л. Мураккаблашган В элементи алюмосиликатидан иборат. Кўпчилик т. ж. таркибига киради; пегматит, грейзен, кварц-турмалинли томирларда ва м-ллашиш зоналарида учрайди; қум ва қумтошларнинг оғир фракцияларида кўпроқ учрайди.. Жи-

лоланиб, қимматбаҳо тош қаторида, зийнат буюмлар тайёрлашда ишлатилади. Син.: эсмеральда, иохроит.

**Турмалинизация** - **Турмалинланиш** - турмалиннинг гидротермал метасоматик ҳосил бўлиши жараёни. Бу жараёнга асосан гранитоид интрузияларининг чекка ва апикал қисми, шунингдек қам-ровчи т. ж. ларининг экзоконтакт зоналари дучор бўлади. Айниқса маргимуш колчедани конларининг қалайли грейзенларининг кварцлашган ва серицитлашган т. ж. лари ва иккиламчи кварцитлар ҳамда пропилитларнинг серицитли фациялари учун хосдир.

**Турнейский ярус** - **Турней яруси** - бор системасининг юқори бўлимидаги пастдан иккинчи яруси бўлиб, у иккита кичик (кенжа) ярусларга бўлинади.

**Турьит** - **Турьит** - таркибан слюда (40 % атрофида), анальцим (20 % атрофида), гранат (20 % атрофида) ва кальцит (20 % атрофида) дан ташкил топган томирли т. ж. Аксессуар м-лардан эгирин, апатит, перовскит учраши мумкин.

**Туф агломератовый** - **Агломератли туф** - йирик ўлчамли бўшоқ вулкан маҳсулотларининг тўпланиши ва цементлашиши ҳосиласи, вулкан туфи. Син.: брекчия вулканическая, брекчия эксплозивная.

**Туф агломератовый шлаковый** - **Агломератли шлакли туф** - цементлашган шлакли агломерат. Син.: брекчия шлаковая.

**Туф вулканический** - **Вулканик туф** - вулкан отилишининг кул, қум, бомбалар, новулкан келиб чиқишига эга бўлган т. ж. лари бўлаклари каби қаттиқ маҳсулотларининг зичланишидан ва цементлашишидан ҳосил бўлган т. ж. лари. Таркибан отқинди т. ж. лари тури билан мос бўлган базальтли, андезитли, липаритли ва б. вулкан туфлари ажратилади.

**Туф известковый** - **Оҳактошли туф** - енгил говакли, уясимон, т. ж. бўлиб карбонат кислотали иссиқ ва совуқ булоқлардан кальций карбонатининг чўкмага тушишидан ҳосил бўлади. Кўп ҳолларда уларда ўсимлик дунёси ва организмларнинг тош қотганлари мавжуд бўлади. Син.: травертин.

**Туф кремневый (кремнистый)** - **Кремнийли туф** - қ. *Гейзерит*.

**Туф пепловый** - **Кулли туф** - баъзан қатламли, майда заррачали вулкан кулидан ташкил топган туф.

**Туф псаммитовый** - **Псаммитли туф** - таркибида псаммит заррачалари (0,1-1мм) нисбатан кўпчиликини ташкил этувчи туф.

**Туфпесчанник (туфовый песчанник)** - **Туф қумтош (Туфли қум тош)** - вулканоген-чўкинди т. ж. бўлиб, таркиби ўлчами 0,1-1мм бўлган чўкинди терриген материал ва пирокластик қўшимча маҳсулот (10-50 %) лардан иборат. қ. *Паратуффиты, Породы вулкано-генно-осадочные*.

**Туфоалевролит (туфовый алевролит)** - **Туфоалевролит (туфли алевролит)** - қ. *Породы вулканигенно-осадочные*.

**Туфоаргиллит (туфовый аргиллит)** - **Туфоаргиллит (туфли аргиллит)** - қ. *Паратуффиты*.

**Туфобрекчия** - **Туфобрекчия** - йирик заррачали, бўшоқ, сараланмаган вулкан материалларининг цементлашишидан ҳосил бўлган т. ж. Таркибан майда заррачали туф цементидаги суств юмалоқланган чақиқ заррачалар, лава, шлак, вулкан бомбаларининг йирик заррачаларидан иборат. Син.: брекчия туфовая.

**Туфоконгломерат** - **Туфоконгломерат** - вулканоген-



ген чўкинди т. ж. бўлиб, таркибан яхши юмалоқланган, ўлчамлари 10-100мм бўлган чўкинди чақиқ т. ж. бўлакларидан ва 50 % кам пирокристалли маҳсулотдан иборат. қ. *Породы вулканогенно-осадочные.*

**Туфолава (туфовая лава) - Туфолава (туфли лава)**

- лава ва туф ораллигидаги т. ж. Унинг асосий массаси лавадан фарқланмайди ва флюидал структурага эга. Улар таркибидаги қўшил-малар чўзилган ёки линзасимон шаклга эга бўлиб, таркиб жиҳатдан лава билан бир хил ёки бошқача таркибга ва тузилишга эга бўлиши мумкин.

**Туффит - Туффит** - аввал чўкинди ва синхрон пирокластик материалдан ташкил топган аралаш таркибли т. ж. лари тушуниланган. Мавжуд таснифлар бўйича туффит чўкинди-вулканоген т. ж. дан иборат бўлиб унда пирокластик материал миқдори 50 % дан ортиқ бўлиши шарт. Чўкинди материаллар терриген, хемоген-биоген (оҳактошли, кремнийли т. ва б.) компонентлардан ташкил топади.

**Туча эруптивная - Эруптив булут** - вулкан портлаши жараёнида отқизиш ташланган газлар ва қаттиқ т. ж. лари бўлаклари. Уларнинг шакли ва кўтарилиш баландлиги вулкан отилиш кучига боғлиқ бўлади. Т. ж. лари билан оғирлашган булутлар рангли карам шаклига эга бўлиб, юқорига кўтарилади ва ўз шаклини йўқотади.

**Тюямунит - Тюямунит** -  $\text{Ca}[(\text{UO}_2)_2\text{V}_2\text{O}_8] \cdot 8\text{H}_2\text{O}$ . Кат. 2. Сол. оғ. 3,6. Слюдали уран гуруҳи м-ли. Сарик рангли, садафсимон ялтирқ м-л. U-V - конларининг нураш зонасида, кумтошларда, оҳактошларда, кремнийли т. ж. ларида тарқалган. Карнотит ва б. ванадатлар, ураноталлит, шрекингерит, барит, гипс ва б.лар билан ассоциация ҳосил қилади. Йўлдош м-ли форбортит: форбортит. Син.: кальцийли карнотит.

**Тылаит - Тылаит** - меланократ оливинли габбро ёки оливинли эвкритдан иборат бўлиб, таркибан моноклинал пироксен - диаллаг (>60 %), юқори асосли оливин ва плагиоклаздан (битовнит ёки анортит), қисман гиперстен, шох алдамчиси, биотит, шпинел, ильменит, магнетитлардан иборат. Т порфирссимон структурага эга.

**Тыретскит - Тыретскит** -  $\text{Ca}_2[\text{OHIV}_5\text{O}_8(\text{OH})_2]$  Сол. оғ. 2,189. Рангсиздан то кўнғир ранггача бўлган, радиал нурсимон, сфалеритли агрегатли м-л тузли доломитли т. ж. ларида учрайди. **Тэниолит - Тэниолит** -  $\text{KLiMg}[\text{F}_2/\text{Si}_4\text{O}_{10}]$ . Кат. 3 Сол. оғ. 2,82. Мўрт кремнийли слюда. Рангсиз, кул рангли м-л. Ишқорий пегматитлар ва метасоматитларда учрайди. Син.: магнитли ленодолит, тайниолит, литийли флогопит.

**Тюрингит - Тюрингит** -  $(\text{Fe}^{2+}, \text{Fe}^{3+}, \text{Al})_3[(\text{OH})_2 | \text{Al}_{1-2}\text{Si}_{3-2}\text{O}_{10}] \cdot [(\text{Fe}^{2+}, \text{Fe}^{3+}\text{Mg})_3(\text{O}, \text{OH})_6]$ . Кат. 2,5. Сол.оғ. 3,15-3,19. Темирли хлорит. Зайтун-яшил рангли м-л. Чўкинди Fe конларида учрайди. Fe маъдани.

**Тяжелый шпат - Оғир шпат** - Син.: барит.

**Тяньшанит - Тяньшанит** -  $\text{Na}_2\text{BaMnTi}[(\text{BO}_2)_2 | \text{Si}_6\text{O}_{18}]$ . Кат. 6-6,5. Сол. оғ. 3,29. Бодомсимон яшил рангли, майда донатор, агрегатли, , шишасимон ялтироқликка эга бўлган м-л. Ишқорий сиенитлардаги кварц-эги-рин-микроклинли пегматитларда учрайди. Пирохлор, астрофиллит, бафертисит, данбуриит ва б.лар билан ассоциация ҳосил қилади.

**Уайтменит - Уайтменит** -  $\text{Mg}_9[(\text{OH})_6 | \text{BO}_3]_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ . Кат. 5,5. Сол. оғ. 2,59. Рангсиз, яшил рангли, дастасимон

агрегатли, шишасимон ялтироқ м-л. Флюорит, йирик заррачали доломитлардаги людвигит билан бирга учрайди.

**Увал - Тепалик (дўнглик)** - унчалик баланд бўлмаган, ён бағри яссиланган, узунлик бўйича чўзилган, этаклари ноаниқ бўлган рельеф элементи; нисбий баландлиги 150-200 м. ни ташкил этади.

**Увала - Увала** - қ. *Котловина карстовая.*

**Уванит - Уванит** -  $[(\text{UO}_2)_2\text{V}_6\text{O}_{17}] \cdot 15\text{H}_2\text{O}$ . Кат. 2-2,5. Жигарранг-сарғиш, олмоссимон ёки садафсимон ялтироқ майда донатор агрегатли м-л. U-V маъданлашиши кумтош-ларда учрайдиган м-л. Йўлдош м-ллари: карнотит, хеветтит, радувит, метаторбернит, гиалит ва б.лар.

**Уваровит - Уваровит** - м-л,  $\text{Ca}_3\text{Cr}_2^{3+}[\text{SiO}_4]_3$ . Кат. 6,5-7,5. Сол. оғ. 3,71-3,79. Тўқ яшил, зумрад-яшил рангли, шишасимон ялтироқ, донатор зич агрегатли м-л. Уграндитлар сериясидаги гранат. Асосан хромитлар билан, метоморфлашган оҳактошларда эса тавмавит билан учрайди. Йўлдош м-ллари: хромит, пирротин, халькопирит, пирит, кальцит, доломит. Син.: хром-граната.

**Увит - Увит** -  $\text{CaMg}_3(\text{Al}_5\text{Mg})[(\text{OH})_4 | (\text{BO}_3)_3 | \text{Si}_6\text{O}_{18}]$ . Кат. 7. Сол. оғ. 3. Тўқ жигарранг м-л. Турмалин гуруҳи м-лининг охири гипотетик аъзоси. Таркибида 80 % миқдоридан увит компонентлари бўлган турмалинлар мавжуд.

**Угледорододы - Угледородлар** - молекуляр оғирлигига ва кимёвий структурасига боғлиқ равишда, газ, суюқлик ва қаттиқ ҳолатлардаги, фақат углерод ва водород элементларидан ташкил топган органик бирикмалар.

**Угледорододы метановые (алканы, парафины) - Метанли угледородлар (алканлар, парафинлар)** - тўйинган алифатик угледородлар. М.у. нинг бутангача ( $\text{C}_4\text{H}_{10}$ ) бўлган қаторининг аъзолари. Хона ҳароратида газ ҳолатида  $\text{C}_5\text{H}_{12}$  дан  $\text{C}_{15}\text{H}_{32}$  гача суюқлик,  $\text{C}_{15}\text{H}_{34}$  дан эса қаттиқ модда ҳолида булади. М.у. кучли оксидланиш ўзгаришларига учрамаган нефтнинг асосий таркибий қисмини ташкил этади. Ёнувчи газларнинг угледорододли қисми ҳам тўла-лигича М.у.-дан иборат.

**Угледорододы тяжелые - Оғир угледородлар** - 1. Метаннинг газсимон гомологи бўлиб, табиий газларда учрайди. 2. Нефтнинг юқори қайнаш фракциясига кирувчи юқори молекуляр суюқ ва қаттиқ угледородлар.

**Угленосная площадь - Кўмирли майдон** - 1. Излаш ва қидириш ишлари натижасида аниқланган кўмирли қатлами мавжуд бўлган майдон. 2. Генетик умумийлиги ва саноат аҳамияти аниқланмаган алоҳида кўмир намоёнлари мавжуд бўлган, етарли даражада ўрганилмоган каттагина ҳудуд.

**Угленосность - Кўмирлилик** - кўмир қатламлари сони (умуман ва кондицияга жавоб берувчи), кўмирлилик коэффициенти, кўмирли қатламлар қирқимида кўмирнинг тарқалиши, кўмирли қатламлар қалинлиги ва уларнинг тузилиши, қатламлар шакли ва улардаги турли ўзгаришлар каби маълумотларнинг мажмуи.

**Углеобразование - Кўмир ҳосил бўлиши** - ўсимлик моддаларининг кўмирга айланиши икки босқичли жараёндан иборат: 1.- босқич-ўсимлик моддаларининг тўпланиши ва қоп-лама т. ж. лари ётқиазилишигача бўлган муддатда биокимёвий омиллар таъсирида торфга айланиши. 2. Торфнинг кўнғир кўмирга, унинг эса тошкўмирга (антрацитгача) айланиши. Бунда босим ва ҳарорат кўрсаткичига эга бўлган физик-кимёвий жараёнлар ва вақт (қизиш давомийлиги) муҳим роль ўйнайди.

**Угледлотность - Кўмир зичлиги** - кўмирли ҳавзанинг  $1\text{ км}^2$  майдонидаги кўмир захираси миқдори. Кўмирли қатламнинг кўмирга бойлиги даражасини кўрсатувчи муҳим кўрсаткич. Кўмирнинг умумий геологик захирасини ҳисоблашда қўлланилади.

**Углерод - Углерод, С** - М.д.с.нинг IV-гурӯҳига мансуб к.э. Т.р. 6, ат.м. 12.011. 2та борқарор изотопи  $\text{C}^{12}$  (98,892 %) ва  $\text{C}^{13}$  (1,108 %) бор. Радиоактив изотопларидан  $\text{C}^{14}$ . нинг аҳамияти катта. У. Ер пўстининг масса жиҳатидан  $2,3 \cdot 10^{-2}$  % ни ташкил этади. У. га хос м-ллар сони 112 та. У. нинг 4 кристалл модификацияси: графит, олмос, карбин ва лонсдейлит маълум. У. нинг анчагина қисми м-ллашади ва ер ости бойликларини ҳосил қилади. У. кўпгина қотишмаларнинг муҳим компоненти ҳисобланади. Таркибида У. кўп бўлган материаллар электродлар, тигеллар, маъданлардан металллар эритиб олишда, кимё саноатида ва б. соҳаларда қўлланилади. У.-Ердаги ҳаётнинг асосини ташкил қилувчи муҳим биоген элемент.

**Угли (и углстые сланцы) ураноносные - Уранли кўмирлар (ва кўмирлашган сланецлар)** - уран миқдори кларк кўрсаткичларидан 2 тартибдан кўпроқ миқдорда ортиқ бўлган кўмирли сланецлар, баъзан тошкўмир ва асосан кўнғир кўмирнинг паст даражада метоморфлашган турлари. Ураннинг қазиб олиниши мумкин бўлган саноат миқдори асосан кўнғир кўмир ва лигнитларда, шунингдек платформа туридаги кўмир ҳавзаларидаги кўмир қатламларининг қамровчи қумтошларида тўпланган.

**Угли ископаемые - Қазилма кўмир** - ўсимлик моддаларидан ҳосил бўлган ёнувчи қаттиқ чўкинди т. ж. Доимий равишда м-л қўшилмаларга (50 % дан кўп бўлмаган) эга. Б. қам-ровчи чўкинди т. ж. лари ичида қатлам шаклида ётади. Юқори куллилик хусусиятига эга бўлган ҳосилалар “кўмирли т. ж. лари” дейилади. Қ. к. элементлар таркибида углеродлар миқдори 65-98 %, кислород 30 %-1 %, водород 6 %-1 % гача бўлиши мумкин.

**Угол внутреннего трения - Ички ишқалиш бурчаги** - т. ж. ларининг силжишга бўлган қаршилигини ифодаловчи диаграмманинг тўғри чизиқли қисмининг абцисса ўқига нисбатан оғиш бурчаги. Босимнинг  $1\text{ кг}/\text{см}^2$  дан катта миқдорида мазкур кўрсаткич амалда доимийдир ва силжиш пайтида т. ж. ларининг ишқалиниш кучини ифодалайди.

**Угол несогласия - Номослик бурчаги** - номувофиқ ётувчи қатламларнинг ётиш бурчақлари орасидаги фарқ.

**Угол оптических осей - Оптик ўқлар бурчаги** - икки ўқли кристалларнинг оптик ўқлари орасидаги ўткир бурчак.

**Угол падения - Ётиш бурчаги** - қатлам текислиги (юзаси) ва горизонтал текислик орасидаги бурчак.

**Угол погасания кристалла - Кристаллнинг сўниш**

**бурчаги** - кристалл-оптик индикатрисаларининг (Ng, Nm, Np) бирортаси билан унинг бирор бир кристаллографик ўқи ўртасидаги бурчак.

**Угол складки - Бурма бурчаги** - бурма қанотининг давоми ёки унга ўтказилган уринманинг горизонтал сатҳ билан ҳосил қилган бурчаги.

**Уголь активизированный - Фаоллаштирилган кўмир** - юқори адсорбцион ва гидрофоблик хусусиятига эга ғовакли углеродли модда.

**Уголь блестящий - Ялтироқ кўмир** - бир жинсли ва йўл-йўл кўринишли қазилма кўмир. Ялтироқ инградиент қўшилмаларнинг таркибидаги устунлиги билан тавсифланади.

**Уголь бурый - Кўнғир кўмир** - қазилма кўмирлар кўмирланиш қаторининг қуйи аъзоси. Торфларнинг тошкўмирга айланиш босқичига мос келади. Торфлардан зичлигининг юқори ва ялтироқлиги, тошкўмирдан эса рангининг оч сариқдан жигарранг ва қорагача ўзгариши билан фарқланади. Ташқи кўриниши бўйича тупроқсимон ёки бўшоқ ва қаттиқ турларга бўлинади.

**Уголь доменный - Домна кўмири** - кичикроқ домна печларида писта кўмир ёки коксланувчи кўмир ўрнида ишлатиш мумкин бўлган тошкўмир. Д. к. сифатида метаморфизмнинг юқори даражасида ҳосил бўлган, олтингурти ва куллилик даражаси паст бўлган, турғун ҳароратли кўмирлар ишлатилади.

**Уголь жирный - Ёғлиқ (мойлик) кўмир** - кўмирлашишнинг маълум босқичидаги тошкўмир. Ранги қора, чизигининг ранги қора-жигар ранг, ялтироқлиги шишасимон, эндоген дарзликлари орасидаги масофа 1-2, кўп хилларда 3-5 мм бўлади. Зичлиги  $1,15-1,25\text{ г}/\text{см}^3$ , органик моддалар. Сол. оғ.  $1,25-1,27\text{ г}/\text{см}^3$  ни ташкил этади.

**Уголь каменный - Тошкўмир** - кўнғир кўмирга нисбатан юқори даражада кўмирлашган қазилма кўмир. Қора, кул ранг-қора рангли. Кучли мумсимон-, шишасимон-, олмооссимон- ва металлсимон ялтироқликка эга. Уларнинг ичида ҳамма кўмир гуруҳларининг генетик сифатларини ва петрографик турларини ажратиш мумкин.

**Уголь коксовый - Коксланувчи кўмир** - кўмирланишнинг маълум даражасидаги тошкўмир. Ранги қора, чизигининг ранги ҳам деярли қора, жуда юмшоқ, ялтираши шишасимон, ўта мўрт, дарзликлари орасидаги масофа асосан 1-3 мм, баъзан 5 мм гача етади.

**Уголь лигнитовый - Лигнитли кўмир** - кўнғир кўмирлар ичида ажратиладиган кўмирнинг петрографик тури. Асосан лигнитдан ташкил топган.

**Уголь матовый - Хира кўмир** - хира инградиентларга бой бўлган кўмир. Бу атама турли шароитларда ҳосил бўлган кўмирларни ўз ичига олади. Уларга дюренли кўмир, багхедлар, сапроколлитлар ва м-л аралашмали барча кўмирлар кирдади.

**Уголь минерализованный - Минераллашган кўмир** - аутиген ва сингенетик ҳосилалардан ташкил топган м-л компонентларга бой бўлган кўмир. М-л компонентлар сульфидлар ва карбонатлардан иборат.

**Уголь однородный - Бир сифатли кўмир** - ягона инградиентдан ташкил топган кўмир. Улар ялтироқ, ярим ялтироқ, ярим хира, хира бўлиши мумкин. Кўмир қатламларида кўп учрайди.

**Уголь пламенный - Алангали кўмир** - кучли аланга бериб ёнувчи кўмир. Метаморфизмнинг нисбатан қуй

ироқ даражаси ҳосиласи бўлган кўмирлар гуруҳининг мажмуасидан иборат.

**Уголь сажистый - Курумли кўмир** - жадал нураш жараёни таъсирида (оксидланиш) кукунга айланган, қўлга юкувчи кўмир моддаси.

**Уголь чистый - Соф кўмир** - м-л қўшилмаларни ҳисобга олмаган ҳолда кўмирларнинг микрокомпонентли таркибини ифодалашдаги 9414-60 ва 12112-66 ГОСТда қўлланилувчи шартли атама.

**Уграндиты - Уграндитлар** - уваровит-гроссуляр-андродитдан иборат гранатлар сериясининг умумий номи. Гроссулярдан андродитлар ва эҳтимол, уваровитга ҳам узлуksиз ўтиш хоссаси мавжуд 20 % гача пиральспит компонентига эга.

**Удельные капиталовложения - Солиштира капитал сарфлар** - капитал сарфнинг тоғ-кон саноатининг йиллик ишлаб чиқариш қувватини 1т. сига тўғри келадиган қисми. Солиштира капитал сарфнинг 1т маъдан, концентрат ва металл бўйича ҳисобланган турлари ажратилади.

**Удельный вес - Солиштира оғирлик** - қ. *Вес удельный.*

**Удельный объем - Солиштира ҳажм** - қ. *Объем удельный.*

**Узбекит - Узбекит** -  $\text{Cu}_2[\text{VO}_4] \cdot 3\text{H}_2\text{O}$ . Моноклинал шаклли кристаллдан иборат м-л. Ранги тўқ кўкиш-сарғиш, ойнасимон, садафсимон ялтирайдиган м-л. Син.: кна-уффит, фольбортит.

**Узел аномалий - Аномалиялар тугуни** - геофизикада- мураккаб тузилишга эга бўлган катта майдон, умумий физик ва тахминан умумий геологик табиатга эга бўлган икки ва ундан кўп аномалиялар кесишишидан ҳосил бўлади. Майдон жиҳатидан маъдан тугунларига тенглашади.

**Узел геохимический - Геохимёвий тугун** - турли тектоник ва иқлим шароитлари ёки цикларда элементларни геохимёвий концентрацияланишидан юзага келадиган катта миқёсли ҳудуд.

**Узел горный - Тоғлик тугуни** - икки ёки ундан ортиқ тоғ тизмалари ёки занжирларни тутатиш ери. Кўп ҳолларда бундай ерларда баланд чўққилар ҳосил бўлади.

**Узел рудный - Маъдан тугуни** - нисбатан изометрик ёки нотўғри шаклдаги маъданли майдон. У маъданли районлар ва зоналар қисми бўйлаб суст м-ллашган ёки маъдансиз майдонлардан ажралиб туради. Маъдан районларидан ўлчами жиҳатидан кичик бўлиб, ундаги муайян маъданлашиш гуруҳи атрофидагилардан тубдан фарқланади. Маъдан тугунларининг жойлашиши маъдан зоналари ва районларининг геологик тузилиши билан мужассамлашади. М. т. нинг узунлиги ва кенлиги бир неча ўнлаб км, юзаси эса бир неча юз км<sup>2</sup> дан 1500км<sup>2</sup> гача бўлади.

**Уклон - Қиялик (тоғ иншоотида)** - горизонталга нисбатан маълум бурчак остида ер юзасидан ёки тоғ иншооти ичидан ўтилган тоғ иншотлари.

**Уклонсковит - Уклонсковит** -  $\text{NaMg}[\text{OH}|\text{SO}_4]2\text{H}_2\text{O}$ . Сол.оғ. 2,42. Рангсиз, шишасимон ялтироқ м-л. Сувда эримайди. Туз уюмлари устидаги гил ётқиқиқлари бўшлиқларида тарқалган. Йўлдош м-ллари: глауберит, астраханит, полигалит, эпсомит.

**Улексит - Улексит** -  $\text{NaCa}[\text{B}_3\text{O}_6(\text{OH})]5\text{H}_2\text{O}$  Кат. 1-2,5. Сол. оғ.- 1,95. Ранги оқ, ипаксимон ялтироқ, бўшқоқ ва шингилсимон пўстли, толасимон агрегатли м-л. Сувда

қисман эрийди, таъмсиз, асосан туз конларида боратлар билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари: гипс, кернат, колеманит.

**Ульманнит - Ульманнит** -  $\text{NiSbS}$ . Кат. 5-5,5. Сол.оғ. 6,61-6,69 Пўлатсимон, оқ рангли, металсимон ялтироқ м-л. Карбонатли ва баритли томирларда Ni, Pb, Zn м-ллари билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари:герсдорфит, кальцит, сидерит.

**Ультраальбазиты - Ультраальбазитлар** - ўта асосли т. ж. ларининг генетик гуруҳи бўлиб, ишқорий-ўта асосли магмаларнинг кристаллик дифференциацияси жараёнида ажраладиган маҳсулотдан иборат.

**Ультрабазиты - Ультрабазитлар** - келиб чиқишидан қаътий назар, дала шпати бўлмаган ультраасос т. ж. ларининг умумий номи (дунитлар, оливинитлар, перидотитлар). Кремний кислота миқдорининг нисбатан камлиги (<45 %) хосдир. Син.: ультраосновные породы, гипербазиты.

**Ультрагеосинклиналь - Ультрагеосинклиналь** - энг қадимги (архей) вақтларга мансуб бўлган жуда ҳаракатчан тектоник структуралар. Ўша даврда шаклланаётган ер пўсти эриган магмаларининг ўтказувчанлиги билан тавсифланади. Натижада уларда вулканитлар кенг ривожланган. Бурмаланиш жараёнларининг жадал кечиши У. лардаги т. ж. ларининг ўта пластик ҳолда бўлганлигидан дарак беради. У.лардаги бурмалар ва интрузияларнинг чизма-планда мураккаб шаклларда намоён бўлиши кейинги геосинклиналларнинг аниқ йўналишларга эга бўлган бурмали структураларидан ажралиб туришини таъминлайди.

**Ультраглина - Ультрагил** - тупроқ қатламидаги нороганик, коллоид моддалар. Улар асосан кремнезем, Fe оксиди, сув ва б.лардан ташкил топган.

**Ультраметаморфизм - Ультраметаморфизм** - Ер пўстининг чуқур қисмидаги шиддатли регионал метаморфизм натижасида т. ж. ларининг эритма ҳолатига ўтиши ва магмага ўхшаш эритмага айланиши ҳамда қайтадан “магматит” деб аталадиган метаморфик т. ж. ларининг ҳосил бўлишини англатувчи атама.

**Ультрамикроструктуры - Ультрамикроструктуралар** - тектоник жиҳатдан парчаланган кварц ва микродўнгликларнинг юзаси.

**Ультрамилонит - Ультрамилонит** - милонитнинг тектоник жараёнлар таъсирида бирламчи бирор турларининг ўзгарган тури. Бунда бирламчи т. ж. сининг м-л заррачалари тўлиқ парчаланиб бир сифатли афанит кўринишига келади.

**Ультрапарабазиты - Ультрапарабазитлар** - қ. *Парасерпентиниты*

**Ультрапористость - Ультрағоваклилик** - қ. *Пористость.*

**Умохоит - Умохоит** -  $[\text{UO}_2|\text{MoO}_4]4\text{H}_2\text{O}$ . Кат. 2-2,5. Сол. оғ. 4,93. Пластина, игнасимон, агрегатли қоракўкиш, тўқ яшил рангли, шишасимон, ярим металсимон ялтироқ м-л. U-Mo формацияларида, фельзит-порфирларда уранинит билан бирга учрайди.

**Ундации - Ундациялар** - Ер пўстининг йирик ҳудудларини қамраб олувчи, чўкмалар (ботиқликлар) ва кўтарилмалар (қабариқликлар) ҳосил қилувчи, шунингдек денгиз трансгрессияси ва регрессияси билан бирга кечувчи тўлқинсимон букилмалар. Жуда секинлик билан ҳосил бўлади ва эпейрогенез жараёнлари туркумига киради.

**Ундуляци - Ундуляциялар** - 1. Бурмалар шарнирларининг кўтари-лиши ва чўкиши. 2. Геосинклиналларда ер қаъридаги тўлқинли букилмаларнинг бурмали структуралар ҳосил қилиши. У. жараёни бурмалар ҳосил бўлиш ҳаракатлари билан боғлиқ. Шаклланиши эса т. ж. ларини ётиш шароитининг ўзгариши билан бирга кузатилади.

**Уоджинит (водгинит) - Уоджинит (водгинит)** -  $(Ta, Nb, Mn, Sn, Fe)_2O_4$ . Кат. 5,5-6. сол. оф.- 7,2. Қўнғир рангдан қора ранггача бўлган донадор агрегатли м-л. Литийли пегматитларда учрайди.

**Уолстромит - Уолстромит** -  $BaCa_2[Si_3O_9]$ . Кат. 3,5. Сол. оф. 3,67. Рангсиз, донадор агрегатли, шишасимон ялтироқ м-л. Санборнит-кварцли т. ж. ларида, волластонитли кварцитларда цельзиан билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари: цельзион, тара меллит, краскопфит, мақдональдит, мюирит, верпланит, траскит.

**Уплотнение горных пород - Тоғ жинсларининг зичланиши** - т. ж. ларининг ташқи таъсир этувчи босим (куч) остида сиқилиб, ўз ҳажмини кичрайтириш хусусияти. Бундай ҳодиса т. ж. ичидаги бўшлиқ ва говакликларнинг йўқолиши ҳисобига юз беради.

**Уплотнение осадков - Чўкиндиларнинг зичлашиши** - диагенез ва катагенез жараёнларида чўкмалар қалинлигининг камайиши. Бунда т. ж. ларининг ҳажми оғирликлари ортиши кузатилади. Гилли, гил-алевритли ва гил-қумтошларда зичлашиш ҳодисаси кучли кечади.

**Упругость - Қайишқоқлик** - т. ж. ва м-лларнинг ташқи механик куч таъсирига қаршилик кўрсатиши, шаклини ўзгартириши ҳамда таъсир кучи тўхтагач, ўз ҳажми ва шаклини қайта тиклаш хусусияти.

**Уравнение баланса подземных вод - Ер ости сувлари мувозанат тенгламаси** - Ер ости сувларининг тўйиниши ва сарфланиши ўртасидаги боғлиқлик тенгламаси. Ёпиқ ҳавзаларда тўйиниш қисми хавзада кузатилаётган атмосфера ёғин-сочинлари, сув буғларининг конденсацияси, ер ости оқими ҳисобига, сарфланиши эса буғланиш ва ҳавзадан ер ости сувларининг оқиб чиқиб кетиши ҳисобига ҳосил бўлади.

**Уралборит - Уралборит** -  $Ca_2B_2O_4 \cdot 2H_2O$ . Кат. 4. Сол. оф. 2,6. Оқ рангли садафсимон ялтироқ, Радиал нурсимон агрегатли м-л. Скарнларда учрайди. Йўлдош м-ллари: котоит, людвигит, ссайбелит, сахаит, ольшанскит, коржинскит, боркарит.

**Уралит - Уралит** - амфиболларнинг пироксен бўйича сохта морфозалари, толасимон, очиқ ҳаворанг-яшил рангли, тремолит, актинолит, куммингтонитга яқин, таркибида  $Al_2O_3$  мавжуд м-л.

**Уралолит - Уралолит** -  $CaVe_3[OH|PO_4]_2 \cdot 4H_2O$ . Кат. 2,5. Сол. оф. 2,14. Рангсиз, оқ сарғиш рангли, толасимон, игнасимон, радиал нурсимон сферолитли м-л. Гиперген шароитда флюоритли, берилли, апатитли каолинит-гидромус-ковитли т. ж. ларида учрайди. Йўлдош м-ллари: берилл, мораесит, глюцин.

**Урамфит - Урамфит** -  $(NH_4)_2[UO_2|PO_4] \cdot 6H_2O$ . Сол. оф. 3,7. Шишасимон-яшил рангли, шишасимон ялтироқ, уран-кўмир конларининг оксидланиш зонасида ва кўмирлардаги дарзликларда учрайдиган м-л.

**Уран - Уран** - U М.д.с.нинг VI гуруҳига мансуб ва радиоактив III гуруҳ актиноидларига кирувчи. Т. р. 92. атом оғирлиги 238,07. Кимёвий бирикмаларда 3, 4, 5 ва 6 валентлик. Энг турғун ҳолати-6 валентли уран ( $UO_2^+$ ). У.-симобсимон ялтироқ метал, нисбатан юмшоқ,

уни қайта ишлаш осон. Сол.оф. 19,05. Эриш  $t-1133^{\circ}C$ . Қайнаш  $t-3500^{\circ}C$ . Табиатда U нинг турли ярим парчалануш даврига эга бўлган 3 та изотопи мавжуд:  $U^{234}-2,5 \cdot 10^5$  йил;  $U^{235}-10^8$  йил;  $U^{238}-4,5 \cdot 10^9$  йил. Уларни табиатдаги миқдори мос равишда 0,0057 %, 0,7204 %; 99,2739 % ни ташкил этади. Уран и. ч.нинг саноат манбаи уранит, настуран, уран қурумлари ҳисобланади.

**Уранаты - Уранатлар** -  $MeU^{6+}O_4$ ,  $MeU^{6+}O_7$  ва янада мураккаброқ  $Me=Na, K, Ca, Ba, Cu, Pb, Bi$  уран кислоталари тузлари. Сол. оф. 5-7. Улар радиогенлик хусусиятига эга. Ранги қизғалдоқ-сарикдан то қизил-қўнғиргача, Си-ли турлари яшилдан то қора ранггача бўлади. HCl да эрийди. Пегматитли ва гидротермал конларда уранитни гидротацияланиши ҳисобига оксидланиш зоналарида тарқалган. Уран силикатлари-уранофан, соддиит ва б. билан бирга учрайди.

**Уранинит - Уранинит** -  $UO_2$ . Кат. 4-6. Сол.оф. 8-10. Одатда  $U^{4+}$ , бир қисми  $U^{6+}$  гача оксидланган бўлади, таркибида доимо радиоген Pb нинг Th ва TR қўшилмалари мавжуд. Pb нинг миқдорига қараб м-лларнинг мутлақ ёши аниқланади. Хол-ҳолсимон, буйраксимон агрегатлар ҳосил қилади. Мумсимон-қорадан яшилсимон-қора ранггача. Мумсимон яримметал ялтироқ. Co, Ni, Bi, Ag ва As ли пегматитлар ва гидротермал томирларда учрайди.

**Уранопиллит - Уранопиллит** -  $(UO_2)_6(SO_4)(OH)_{10} \cdot 12H_2O$ . Кат. 2. Сол. оф. 3,7. Лимонсимон сариқ, тўқ сариқ, яшил-сариқ рангли, радиал нурсимон агрегатли м-л. Уран конларида кон сувларининг буғланишидан ҳосил бўлади. Оксидланган уранит ва сульфидлар, циппеит, ярозит, гипс ва б. билан ассоциация ҳосил қилади.

**Уранофан - Уранофан** -  $CaH_2[UO_2 | SiO_4]_2 \cdot 5H_2O$ . Кат. 2-3, Сол. оф. 3,8-3,9. Лимонсимон сариқ-кулранг, ипаксимон ялтироқ, юпка толасимон агрегатли м-л. Гранит ва пегматитларда учрайди. Син.: ламбертит, уранотил. Йўлдош м-ллари: флюорит, уранинит, уранли охра.

**Ураноцирцит - Ураноцирцит** -  $Ba[UO_2|PO_4] \cdot 8H_2O$ . Кат. 2-3. Сол.оф. 3,5 яшил рангли, садафсимон ялтироқ, баргсимон, радиал нурсимон агрегатли м-л. Гидротермал ва чўкинди конларнинг оксидланиш зоналарида торбернит, персонит, уран-ванадат ва б. уран м-ллари билан бирга учрайди.

**Ураношпатит - Ураношпатит** -  $Ca[UO_2|(AsP)O_4]_2 \cdot 12H_2O$ . Сол.оф. 2,5. Уран слюдалари гуруҳига мансуб, сариқ рангдан то оч яшил ранггача, садафсимон ялтироқ бўлган м-л. Гидротермал конларнинг оксидланиш зонасида отенит ва фосфуранилит билан ассоциацияда учрайди.

**Ургит - Ургит** -  $UO_3 \cdot nH_2O$ . Кат. 2-3. Ранги қизғиш-яшилдан қаҳрабо-яшилгача, шишасимон ялтироқ, зич агрегатли жуда мўрт м-л. U конларида гидронастуран ҳисобига ҳосил бўлади.

**Уровень гидростатический - Гидростатик сатҳ** - сув чиқариш ёки киритиш таъсири бўлмаган ҳолда бурғи қудуқларидаги ер ости сувларининг турғунлашган сатҳи. Унинг сон қиймати шартли равишда қабул қилинган солиштириш юзасига (ер сатҳи, денгиз суви сатҳи, сув ўтказмайдиган қатлам сатҳи ва б.) нисбатан олинади.

**Уровень гор вершинный - Тоғларнинг чўққилик сатҳи** - тоғли ўлкаларда тоғ чўққиларининг турли сабаблар таъсирида эгаллаган ўртача баландлиги (са-

тҳи).

**Уровень денудации верхний - Денудациянинг юқори сатҳи** - ундан тепада денудация жараёни кузатилмайдиган, баландлиги қор чизиги баландлиги билан мос келадиган сатҳ.

**Уровень денудации нижний - Денудациянинг қуйи сатҳи** - умумий эрозия базиси билан мос келувчи сатҳ. Ундан пастда денудация жараёнлари кузатилмайди.

**Уровень динамический - Динамик сатҳ** - Ер ости суюқликларига ташқи таъсир давомида (суюқлик чиқариш, босим остида суюқлик киритиш) бурғи қудуқлари ва қудуқларда кузатиладиган, вақт давомида ўзгарувчан сатҳ. Таъсир тўхтагандан сўнг динамик сатҳ, гидростатик сатҳга ўтади.

**Уровень карста предельный - Карстнинг чегаравий сатҳи** - грунт сувлари ва сув ҳавзалари ёки улар билан боғлиқ бўлган карст ҳодисалари ривожланиши мумкин бўлган энг қуйи чуқурликдан ўтувчи сатҳ. К. ч. с. доимий (агар қуйида нокарбонат т. ж. лари қатлами мавжуд бўлса) ёки муваққат бўлади; чегара эрозия базиси ҳолати билан белгиланади. Карст ҳодисаси эрозия базисидан қуйида ҳам ривожланиши мумкинлигидан ҳозирги вақтда "карст базиси" деган тushунча киритилди.

**Уровень напорный - Босимли сатҳ** - қ. *Уровень пьезометрический.*

**Уровень поверхности литосферы Земли - Ер литосфераси юзаси сатҳи** - қ. *Средний уровень поверхности литосферы земли.*

**Уровень подземных вод - Ер ости сувлари сатҳи** - солиштириш юзасига нисбатан мазкур майдонда ер ости сувларининг эркин сатҳи ёки пьезометрик сатҳининг эгаллаган ҳолати. Сув сатҳи турғун ёки динамик, доимий ёки нодоимий бўлиши мумкин.

**Уровень пьезометрический - Пьезометрик сатҳ** - бурғи қудуқлари ёки қудуқларда босимли сувларнинг очилиши натижасида юзага келувчи турғун сатҳи. Улар мутлақ ёки нисбий баландлик билан, шунингдек атмосфера бирликлари билан ифодаланади.

**Уровень рентабельности капитальных вложений - Сармоя киритишнинг самарадорлик даражаси** - тоғ-кон саноати корхонасининг 1т маҳсулоти учун олган фойдасининг киритилган сармоянинг солиштирма миқдорига нисбати.

**Уровень рентабельности освоения месторождения - Конни ўзлаштиришнинг самарадорлик даражаси** - 1т маҳсулотдан олинган фойданинг унинг таннархига бўлган нисбати. Улар металл бўйича, маъдан бўйича, концентрат бўйича аниқланиши мумкин.

**Уровень статический подземных вод - Ер ости сувларининг статик сатҳи** - сув чиқариш, сув киритиш билан ўзгаришга учрамаган ер ости сувлари сатҳи.

**Уровень эксплозии - Эксплозия сатҳи** - вулкан каналдаги газ пуфакларини ёрилиши билан кузатиладиган чуқурлик. Бунда лава зарраларининг қайноқ газда учиб юришидан ҳосил бўлган "қизиган (қайноқ) туман" пайдо бўлади. Агар Э. с катта чуқурликда бўлса портлашдан пайдо бўлган газлар бир оқимга бишлашиб юқори томон катта куч билан отилиб чиқади. Э. с. вулкан оғзига яқин жойлашган бўлса пуфакчалардан озод бўлган газлар юқorigа ва турли томонга отилиб қайноқ булутлар ҳосил қилади.

**Уровни геоморфологические - Геоморфологик сатҳлар** - Ер сатҳининг кўтарилиши кузатилаётган майдонларда экзоген жараёнлар (сув ва ҳаво) таъсирида т. ж. ларининг б. ерга кўчирилиши натижасида ҳосил бўлган текис сатҳлар. Морфогенез агентлари таъсирида ҳосил бўлганлиги сабабли улар денгиз сатҳига нисбатан турли баландликларга эга бўлиши мумкин.

**Усадка - Ҳажм кичрайиши** - т. ж. лари намлигининг камайиши ҳисобига ҳажмининг кичрайиши.

**Ускорение силы тяжести - Оғирлик кучининг тезланиши** - юқоридан эркин тушаётган жисмни оғирлик кучи таъсирида эришилган тезланиши. Сон жиҳатидан жисм массаси бирлигига таъсир этаётган кучга тенг. Чунки ердаги оғирлик кучи гравитацион тортилиш кучига тенг. О. к. т. ни ердаги зичлиги турлича бўлган т. ж. ларини нотекис тақсимланиши билан тушунтирилади.

**Условия рудоотложения - Маъдан ётқизилишининг шароитлари** - маъданлашиш жараёнининг ривожланиши, унинг тезлиги, м-ллар парагенезиси хусусиятлари, маъдан ажралиш шакллари ва ш.к.ларни рўёбга келтирувчи шарт-шароитлар. Маъданлашиш бир қатор физик-кимёвий омилларга боғлиқ бўлиб, буларга ҳарорат, босим, оксидланиш - тикланиш потенциали, маъданли эритмаларнинг ишқорлилиги, кимёвий фаоллиги, сорбцион хусусияти, қамровчи т. ж. ларининг суюқликларни ўтказувчанлиги, табиий электр майдонларнинг мавжудлиги ва ҳоказолар киради. Улардаги ўзгариш ёки ўзаро таъсирнинг юзага келиши табиий мувозанатни бузиб, маъдан ётқизилишини юзага келтиради деб тахмин қилинади.

**Условия рудоотложения абиссальные - Маъдан ётқизилишининг абиссал шароитлари** - маъдан ётқизилиши ер юзасидан 5 км дан 10-15 км гача бўлган чуқурликда амалга ошади. Хром, платина ва титаномагнетитларнинг магматик конлари, камёб металларнинг пегматитли ва грейзен-кварцли конлари ҳосил бўлади.

**Условия рудоотложения близповерхностные - Ер сатҳига яқин маъдан ётқизилиш шароитлари** - Ер юзасидан 1-1,5 км чуқурликкача бўлган шароитлар. Улар учун эффузив ва субвулкан ҳосилалар билан маконий ва парагенетик боғлиқ конлар (колчедан, эпитеpmал Cu, Au, Ag, Sn, Hg, Sb ва б.) хосдир. Бундан ташқари, маъданларнинг телескопланиши, металларнинг нотекис тарқалганлиги ҳамда колломорф текстураларнинг сезиларли ривожланганлиги ҳоллари ҳам кенг тарқалган.

**Условия рудоотложения гипабиссальные - Маъдан ётқизилишининг гипабиссал шароитлари** - Ер юзасидан 1-1,5 км.дан 3-5 км чуқурликкача бўлган шароитлар назарда тутилади. Булар учун Fe, Cu ва б.ларга эга, мураккаб таркибли, гидротермал ва скармли конлар хос бўлиб, маъданларида металларнинг нотекис тақсимланиши ва паст ҳароратли конлардаги каби маъданларнинг колломорф текстурасининг ривожланиши кузатилади.

**Условия сейсмогеологические - Сейсмогеологик шароитлар** - тадқиқот ўтказилаётган районда ер юзасидан то ўрганилаётган чуқурликкача тарқалган т. ж. лари қайишқоқлик хоссаларининг тақсимланиши мажмуаси. Ҳал қилиниши зарур бўлган геологик вазифалар биринчи навбатда геологик қирқимга ва бунда қўлланиладиган усулларга боғлиқ бўлади.

**Усовит - Усовит** -  $Ba_2Mg[AlF_6]$ . Кат. 3,5. Сол. оф. 4,18. Кўнғир, жигаррангли, шишасимондан то мойсимонгача ялтироқ донадор агрегатли пластинкасимон м-л. Кислоталарда эрийди. Флюоритли томирларда учрайди.

**Устарасит - Устарасит** -  $Pb(Bi,Sb)_6S_{10}$ . Кат. 2,5. Сол. оф. 6,9. Висмутиннинг Pb га бойроқ тури. Кристалли агрегатлардан иборат бўлган кумушсимон кулранг, металлсимон ялтироқ м-л. Кварц томирларида висмутин ва соф Bi билан бирга учрайди.

**Устойчивость минералов - Минералларнинг бардошлилиги** - ташқи таъсирга (физик ва кимёвий) м-лларнинг қаршилиқ кўрсата олиш қоби-ляти. Муҳит ва м-ллар хусусиятлари уларга кўрсати-ладиган таъсирнинг давомийлигига боғлиқ.

**Устойчивость пород - Тоғ жинсларининг бардошлилиги** - т. ж. нинг сув оқим-ларига, қия сатҳлардаги т. ж. ларининг турғунлиги, тоғ-кон иншоотларининг қазишга ҳамда бурғилашга қаршилиқ кўрсата олиш қоби-ляти. Ф. қ. ва т. ж. ўзгарувчанлигига тескари тушунча-ни ҳам билдиради.

**Уступ - Тик ён бағир (погона)** - 1. Турли баландликларда жойлашган текис юзаларни ажратувчи ҳар хил қияликдаги рельеф элементлари. Тектоник (бир хил ёшдаги юзалар), абразион, эрозион, дефляцияон, денудацион, техноген ва б. турлари ажратилади. 2. Конни қазиб олиш системаси элементларидан бири. 3. Тозаловчи забой шаклларида бири.

**Устье речное - Дарёнинг қуйилиш жойи** - дарёнинг денгиз, кўл ёки б. дарёга қуйилиш жойи қуйидаги ҳолларда мавжуд: 1) рисоладаги-қуйилиш жойидаги дарёнинг кенлиги унинг қуйи оқимларидагига тенг; 2) кенгайтирилган шакли-одатда денгиз босиши ва қочиши даврий равишда такрорланиб турадиган дельталарда кузатилади; 3) дельтали-одатда дарё материаллар ташиб келтириб қуйилиш жойларига ётқизиши билан тавсифли; 4) осилмали-дарё ўзининг қуйилиш жойида шаршаралар кузатилади. Дарё сувни бугла-нишга, тупроққа сингишига, карст бўшлиқларига оқиб кетишига сарфлаб юборса, унинг тугалланиш жойи “кўр огиз”ли деб аталади.

**Устье скважины - Бурги қудуғи оғзи** - бурги қудуғининг ер сатҳи билан кесишиш жойи

**Утяжелители - Оғирлаштиргичлар** - турли м-лларнинг (барит ва б.) майдаланган заррачалари. Бурғилаш эритмаларининг оғирлигини ошириш учун қўшилади. Бу қўшилмалар “оғирлаштиргичлар” деб юри-тилади.

**Участок россыпей - Сочмалар ҳудуди** - бу майдонлар қуйидагича тавсифланади: 1) маълум бир магматик комплекс т. ж. лари; 2) аниқ ўрнатилган структура элементлари, унинг оддий ва мураккаб (дарзликлар ва улар системаси) хиллари, шунингдек маъдан таналарининг ривожланиши ва жойлашишини назорат этувчи маълум бир литологик таркибдаги т. ж. лари; 3) ўзгармас ётиш шаклларига эга бўлган бир неча конлар бирлиги; 4) мунтазам ва бир хил бўлган эрозион кесими; 5) туб конлар билан сочмалар ўртасида мавжуд алоқадорлик.

**Учение о геологических формациях - Геологик формациялар ҳақида таълимот** - бир-биридан фарқ қилувчи стратиграфик, парагенетик ва генетик йўналишларга ажралади. 1. Стратиграфия нуқтаи назаридан формация-маҳаллий стратиграфик жадвал объек-

тлари бўлган кичик свита (подсвита), свита ва баъзан сериянинг ўзидир. 2. Парагенетик йўналишда формация т. ж. ларининг парагенез (пара-генерация) лари англанади. Турли ҳудудлардаги турли ёшга эга т. ж. лари парагенезларининг қайта-рилиши геологик формациялар тузилиши ва таркибининг статистик мунтазамлигини акс эттиради. 3. Генетик йўналишга мувофиқ формация (геоге-нерация) лар маълум бир шароитларда ҳосил бўлган ётқиқиқлар, свиталар, фациялар, чўкинди-вулканоген қатламлар комплекслари ва (ёки) магматик т. ж. лари уюшмасидир.

**Учение о симметрии - Симметриялар ҳақида таълимот** - кристалл моддаларнинг ички тузилиши ва ташқи шакли симметриясининг геометрик қонуниятларини изоҳлаш.

**Учение о фациях - Фациялар ҳақидаги таълимот** - Ер қаъридаги чўкиндиларнинг мазкур майдонда ва вақт давомида ўзгариши, бу ўзгаришларни мужассамлаштирувчи шароитлар ҳақидаги фан.

**Учет запасов оперативный - Заҳираларни тезкорлик билан қайд этиш** - ф. қ. ларни излаш ва ўзлаштириш жараёнида заҳираларни ҳисобга олиш. Бу конни ўзлаштириш билан заҳиралар ўзгариш динамикасини ифодалаш учун зарур. Заҳираларнинг ўсувчи ва балансли турлари ажратилади.

**Ущелье - Дара** - тоғлик ҳудуддаги тор водий. Кўндаланг кесими ўткир бурчак ҳосил қилиб каньонлардан водий тубининг ҳамма майдони ўзан билан эгалланмаганлиги билан фарқланади.

**Ущелье рифтовое (океанское) - Океандаги рифт даралари** - жуда тор, чўзилган, тик ёнбағирли ( $10-20^\circ$ , жойларда  $90^\circ$ гача), V шаклли, чуқур (5-7 км гача) депрессия (сой) ли рифт зонаси. Бундай зоналар океанларда ривожланган бўлиб, одатда ўрта-океан тизмалари ўқи бўйлаб йўналган ёки уларга бурчак остида жойлашган бўлади.

**Фаза - Фаза** - геокимёда-термодинамик (модданинг миқдорига боғлиқ бўлмаган ҳолда) хусусиятлари бўйича бир хил бўлган ва бўлиниш юзалари қисми билан ўзаро ажратилган ҳамжинс бўлақлар тизимининг мажмуи. Бундай маъданнинг табиий ҳосил бўлишида суюқ, қаттиқ ва газсимон фазалар иштирок этиши мумкин. Тарихий геологияда эса, бирор бир вақтни белгилаш учун ишлатиладиган атама.

**Фаза геохимическая - Геокимёвий фаза** - магматик эритмалар ва улар ҳосилаларининг совishi физик-кимёвий жараёнларининг энг кичик бир қисми.

**Фаза кристаллизации интрателлурической - Интрателлурик кристалланиш фазаси** - вулкан отилгунга қадар магманинг ер қаърида унинг юзасига чиқмай кристалланиши.

**Фаза кристаллизации эффузивная - Эффузив кристалланиш фазаси** - лаванинг ер юзасига оқиб чиққандан сўнг кристалланиши фазаси. Порфирли т. ж. ларининг асосий массасининг ҳосил бўлиши шу фаза билан боғлиқ.

**Фаза магматической деятельности - Магматик фаолият фазаси** - тектоно-магматик цикл босқичи-

нинг бир қисми бўлган геологик вақтнинг нисбатан аниқ ифодаланган интервали. Ушбу вақт бирлиги алоҳида магматик (интрузив ёки эффузив) комплекслар шаклланадиган маълум тектоник шароит билан тафсифланади. Ушбу атамани бирор вақт давомида ҳосил бўлган т. ж. ларини эмас, балки шу муддатда ривожланган магматизм жараёнини тавсифлаш учун қўллаш лозим.

**Фаза оруденения (рудообразования) - Маъданлашиш фазаси** - магматик т. ж. лари комплекслари билан боғлиқ, турли маъданли формацияли конларнинг фаразларга кўра магматизм фазасига тўғри келувчи, ҳосил бўлиш даври. Фаза чегарасида маъданлашиш жараёни босқичларга, улар эса, ўз навбатида даврларга бўлинади. **Фаза складчатости (тектогенеза) - Бурмаланиш фазаси** - Ер қобиғининг ривожланишида юқори даражадаги тектоник фаоллик кузатилган давр.

**Фаза эрозии - Эмирилиш фазаси** - оқар сув таъсирида маълум кетма-кетликда алмашинувчи эмирилиш цикллариининг бир қисми. Фазалар ёши аниқ чегараланмайди ва бир-бирига ўтиши мумкин. Дарё водийларининг ривожланишида 4 та фаза ажратилади: 1) ўзан эмирилиши; 2) қирғоқ эрозияси; 3) водийда чўкиндиларнинг тўпла-ниши; 4) тинчлик ёки чўкиндиларнинг кўчиши.

**Фазинит - Фазинит** - ийолитнинг тури бўлиб, асосан авгитдан (50 % гача) ва нефелиндан (15 % атрофида), шунингдек оливин, биотит, микроклин, маъдан м-ллари ва апатитдан иборат.

**Фазы аллювиальной аккумуляции - Аллювиал аккумуляция фазалари** - аллювийнинг ётқизилиш жараёни вақти бўлиб, эрозион водийнинг ривожланиш босқичини ифодалайди. Маълум тартибда ётқизиларни ётқизилиши ва катта қалинликдаги қатламларнинг ҳосил бўлишини тавсифлайди. А.а.ф. нинг ўзгариши тектоник ҳаракатларнинг ривожланиши ҳамда иқлим шароитининг ўзгариши билан мужассамлашади.

**Файрфильдит - Файрфильдит** -  $\text{Ca}_2(\text{Mn}, \text{Fe}^{2+})[\text{PO}_4]_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ : Кат. 3,5. Сол. оф. 3,08. Оқ, яшил-сарик рангли, олмооссимон ялтироқ, баргсимон, нурсимон, толасимон агрегатли м-л Пегматитларда трифиллит бўйича ривожланувчи иккиламчи м-л сифатида учрайди. Син.: лейкомагнит, ферфильдит.

**Файткнехтит - Файткнехтит** -  $\beta\text{-MgOON}$  Кат. 2. Сол. оф. 3,67. Жигар рангли-қора, олмооссимон ялтироқ м-л. Пирохроит ҳисобига ҳосил бўлиб,  $\text{Mn}_3\text{O}_4$  билан бирга гидрогаусманнитни ташкил қилади.

**Факолит - Факолит** - антиклинал (кам ҳолларда синклинал) бурма қулфида линза шаклида сиқилган, илдишсиз, унча катта бўлмаган интрузив тана шакли. Одатда бурмаланиш жараёни сабабчиси эмас, балки унинг оқибати сифатида намоён бўлади.

**Фактор нефтегазоносности - Нефть-газлилиқ омили** - Ер пўстида углеводород ва унинг уюмларининг пайдо бўлиши, бирламчи миграцияси (эмиграция), тўпланиши ва бузилиши жараёнларини юзага келтирувчи кучлар, сабаблар бу жараёнларнинг умумий ёки айрим белгиларини тавсифлаб беради. Асосий Н.-г.о. қуйидагилардан иборат: оғирлик кучи, геостатик босимлар, ҳарорат, уларнинг вақт ва маконда ўзгариши, шунингдек т. ж. лари, ер ости газлари ва суви.

**Фактор устойчивости - Турғунлик омили** - свита ёки пачкаларнинг катта литологик ўзгаришларсиз тар-

қалиш майдонининг қалинлигига нисбати.

**Факторный анализ - Омиллар таҳлили** - ўрганилаётган тасодифий катталарга турли омилларнинг таъсири тўғрисидаги гипотезаларни текширишда қўлланиладиган статистик усул.

**Факторы металлогенические - Металлогеник омиллар** - конларнинг, маъданли комплекс ва формацияларнинг вақт ва маконда тақсимланишини таъминлаб турувчи омиллар. Асосан тектоно-магматик, структуравий-литологик ва эрозия кесими чуқурлиги гуруҳларига бўлинади. Экзоген конларнинг жойлашиши фашиал-стратиграфик, палеогеографик, геоморфологик ва б. омиллар билан белгиланади.

**Факторы металлогенические геолого-геофизические - Металлогеник геологик-геофизик омиллар** - планетар металлогеник минтақаларнинг ривожланишига сабаб бўлувчи литосфера ҳаракати, қобиғидаги магматик массаларнинг кўчиши, радиоактив парчаланиши ва б. мураккаб тектоник-магматик жараёнлар.

**Факторы металлогенические глубинности - Чуқурликнинг металлогеник омиллари** - интрузив ва улар билан боғлиқ бўлган маъданли комплекслар ҳосил бўлиш чуқурлиги. Ушбу омилларни инobatга олиш интрузив жинсларнинг чуқурлик даражаси билан кетма-кет келадиган маъданли комплексларни корреляция қилиш имконини беради.

**Факторы металлогенические глубины эрозионного среза - Эрозион кесим чуқурлигининг металлогеник омиллари** - турли маъданли майдонларнинг эрозияланиш хусусиятини ва чуқурлик даражасининг маъданлашиш жойлашишига таъсири назарда тутилади. Ушбу омиллар маъданли комплексларнинг эрозия сатҳига нисбатан жойлашишини баҳолаш имкониятини яратади.

**Факторы металлогенические структурно-литологические - Структуравий-литологик металлогеник омиллар** - қамровчи т. ж. структуралари, маъданлашиш билан боғлиқ интрузиялар ўлчамлари, морфологияси, ички структуралари ва маконда тарқалиши, бевосита маъданли т. ж. ларини, дарзликларни инobatга олувчи структуравий омилларни литологик омиллар билан ўзаро чамбарчас боғлаб ўрганиш.

**Факторы металлогенические структурно-фациальные - Структуравий-фациал металлогеник омиллар** - геосинклиналь эгикликларда ва герантиклинал кўтарилишларда, четки ва ички эгикликлардаги бир қатор чўкинди ва чўкинди - вулканоген формациялар қаторининг пайдо бўлиши ва ўзгариши қонуниятларини боғловчи сабаблар. Улар кўп жиҳатдан турли структуравий ярусларнинг шаклланишини ва тузилишини белгилайди. Магматик жисмларнинг шаклланиши ва маъданли майдонларга жойлашишига таъсир кўрсатади.

**Факторы металлогенические тектоно-магматические - Тектоник-магматик металлогеник омиллар** - Ер пўсти ривожланишининг айрим даврида магматизм намоён бўлиши хусусиятларини ўзида жамловчи металлогеник омиллар гуруҳи.

**Факторы миграции - Миграция омиллари** - миграция омиллари ички ва ташқи омилларга бўлинади. Ташқи омилларга ҳарорат, босим, элементлар концентрацияси, рН, гН ва б. лар; ички омилларга элементларнинг хусусий хоссалари (валентлиги, ўлчами, электрон қобиқларининг тузилиши, ионлашиш потенциали, кимёвий боғланишларда ўзини тутиши) ва гравитацион

омиллар киради. Элементлар миграцияси турли геосфераларда турли омиллар таъсирида юзага келади. Атмосферада ҳарорат ва босим, гидросферада уларга рН ва gH, кимёвий боғланишлар хоссалари, гидротация ҳодисаси, гравитацион хоссалар кўшилади. Литосферада энг катта таъсири ҳарорат ва босим кўрсатади. Биосферада эса кўпроқ тирик организмларнинг мустақил ҳаракатлана олиш хусусияти муҳим аҳамият касб эта бошлайди.

**Факторы рудоконтролирующие магматические - Магматик маъдан назорат қилувчи омиллар** - маъданлашишнинг намоеъ бўлишига сабабчи бўлган магматик т. ж. ларининг хоссалари. М.м.н.қ.о.га магматик формациялар таркиби, гибридизм, ассимиляция жараёнлари, т. ж. ларининг экзоконтакт ва эндоконтактлари ўзгаришининг хусусиятлари киради.

**Факторы рудоконтролирующие - Маъданни назорат қилувчи омиллар** - кўпгина тадқиқотчилар фикрича, бу *металлогеник омиллар* атамасининг синоними.

**Факторы рудоконтролирующие геоморфологические - Геоморфологик маъдан назорат қилувчи омиллар** - экзоген маъданлашишларни муайянлашувини (нураш қобиғи, сочилмалар), шунингдек эрозия кесим чуқур-лигини белгилувчи рельеф шакли.

**Факторы рудоконтралирующие литологические - Литологик маъдан назорат қилувчи омиллар** - т. ж. ларининг маъданларининг ётқизилиши учун қулай кимёвий ва физик-механик хоссалари (таркиби, говаклиги, дарзлилиги ва б. лар).

**Факторы рудоконтролирующие литолого-стратиграфические - Литологик-стратиграфик маъдан назорат қилувчи омиллар** - литологик ва стратиграфик назорат қилувчи омиллар мажмуаси. Ф. қ. маълум таркибдаги ва ёшдаги чўкинди ва чўкинди-вулканли т. ж. ларида тарқалганлик қонуният-ларининг таҳлилини муҳассамлаштирувчи омиллар.

**Факторы рудоконтролирующие литолого-петрографические - Литологик-петрографик маъдан назорат қилувчи омиллар** - қ. *Факторы рудоконтролирующие литологические*.

**Факторы рудоконтролирующие метаморфические - Метаморфик маъдан назорат қилувчи омиллар** - маъданлашишнинг жойлашишида т. ж. метаморфизмининг асосий сабаб ёки шароит сифатида намоеъ бўлиши.

**Факторы рудоконтролирующие стратиграфические - Стратиграфик маъдан назорат қилувчи омиллар** - маъданлашишнинг жойлашишида т. ж. ёшининг асосий сабаб ёки шароит сифатида намоеъ бўлиши.

**Факторы рудоконтролирующие структурно-магматические - Структуравий-магматик маъдан назорат қилувчи омиллар** - магматик жинслар мажмуасининг ҳосил бўлиши билан боғлиқ равишда ҳосил бўлган геологик структуралар ҳамда маъданлаш учун мос бўлган интрузив жинсларнинг морфологияси, тузилмаси ва прототектоникаси: ушбу шаклларнинг фацциал шароитлари умумийлигини кўрсатувчи магматик жинсларнинг ва маъданли конлар шаклланишининг таққосланган чуқурликлари; ҳар хил турдаги маъданлашишнинг зоналлиги ва ш.к. омиллар.

**Факторы рудоконтролирующие структурные - Структуравий маъдан назорат қилувчи омиллар** - кон ва маъданли жисмлар жойлашишига таъсир қилувчи бурмали ва узилмали структуралар элементлари ва

уларнинг бирикмалари.

**Факторы рудоконтролирующие литологические - Литологик маъдан назорат қилувчи омиллар** - маъдан ётқизилиши учун мос бўлган т. ж. ларининг кимёвий ва физик-механик хоссалари (таркиби, говаклиги, дарзлилиги ва б.). Структура омиллари билан биргалликда маъданли эритмаларнинг ҳаракат йўлларини, маъданлашишни, маъдан жисмларининг шаклини белгилайди. Баъзида қамровчи т. ж. ларининг литологик хусусиятлари магматик жинслар ва постмагматик эритмаларнинг таркибига таъсир ўтказиб магманинг ассимиляция-он металлогеник ихтисослашишига сабаб бўлади.

**Факторы слоеобразования - Қатлам ҳосил бўлиш омиллари** - чўкинди тўпланишидаги танаффуслар. Чўкинди тўпланишидаги танаффуслар қатламлиликини ҳосил қилади. Қатлам ҳосил қилувчи омилларга вақт давомида тебранувчан ҳаракат кузатиладиган барча геологик жараёнлар киради.

**Факторы среды - Муҳит омиллари** - организмларнинг ҳаёт фаолияти билан боғлиқ бўлган физик, кимёвий ва биологик шароитлар.

**Факторы эндогенные - Эндоген омиллар** - геологияда Ернинг ички қисмида юзага келадиган жараёнлар билан боғлиқ бўлган омиллар.

**Фаматинит - Фаматинит** -  $Cu_3SbS_4$ . Қат. 3,5-4,5. Сол. оф. 4,6. Ранги қизил, мис рангдан то бинафша-қизил, кулранггача бўлган металлсимон ялтироқ, донатор, буйраксимон агрегатли м-л. Гидротермал мис ва кўрғош-симоб конларида энаргит, борнит, теннантитлар билан бирга учрайди.

**Фангломерат - Фангломерат** - т. ж. ларининг турли ўлчамлардаги силлиқланмаган бўлақларидан иборат, қатламлилики кузатилмайдиган ётқизиқлар бўлиб вақтинча оқар сувлар ёрдамида тоғ ёнбағирларидаги чиқарма конусларда ётқизилади.

**Фанерозой - Фанерозой** - палеозой, мезозой ва кайназой гуруҳлари йиғиндисининг умумий номи.

**Фармаколит - Фармаколит** -  $CaH[AsO_4] \cdot 2H_2O$ . Қат. 2. Сол. оф. 2,6. Рангсиз, оқ, кулрангроқ, шишасимон ялтироқ, сталактитсимон, буйраксимон, шингилсимон, радиал толасимон агрегатли м-л. Маргимуш конларининг оксидланиш зоналарида учрайди. Йўлдош м-ллари: никелин, хлоантит, зретрин, анабергит. Син.: фармакит.

**Фармакосидерит - Фармакосидерит** -  $KFe_3^{3+}[(OH)_4(AsO_4)_3] \cdot 7H_2O$ . Қат. 2,5. Сол. оф. 2,79-2,9. Калийнинг миқдори ўзгарувчан. Сарик, яшил, кўнгир рангли, шишасимон, садафсимон ялтироқ м-л. Маргимуш-сульфидли конларнинг оксидланиш зоналарида учрайди. Йўлдош м-ллари: лимонит, скородит, арсенопирит.

**Фатерит - Фатерит** -  $CaCO_3$  нинг модификацияси. Гостропода чиғаноқлари билан юзага келади ва вақт ўтиши билан арагонитга, кейинчалик кальцитга ўтади.

**Фаузерит - Фаузерит** -  $Mn[SO_4] \cdot 7H_2O$ . Қат. 2-2,5. Сол. оф. 1,88. Қизғиш, сариғиш-оқ рангли, шишасимон ялтироқ м-л. Сувда эрийди. Цинкфаузерит тури мавжуд.

**Фауна - Фауна** - маълум бир жойда яшовчи ҳайвон турлари. Ф. ҳайвонларнинг турли гуруҳларидан иборат ва маълум майдонда ривожланади. Геология фанида қат-ламлар ичида сақланиб қолган органик қолдиқларни ўрганиш орқали ер қатламларининг нисбий ёши аниқланади ва ф. қ. лар ўрни белгиланади.



**Фаустит - Фаустит** -  $(Zn, Cu) Al_6[(OH)_2|PO_4]_4 \cdot 4H_2O$ . Қат. 5,5. Сол. оф. 2,92. Феруза билан изоморф м-л, ферузанинг Zn ли аналогии бўлиши мумкин. Олма ранг-яшил, массив агрегатли мўрт м-л. Монтмориллонитли гиллардан иборат ўзгарган сланецларда учрайди.

**Фациальные условия - Фациал шароитлар** - петрологияда магматик т. ж. лари, таналари, комплексларининг ҳосил бўлиш шароити, жойлашиш чуқурлиги, тана шакли ва ўлчамлари, қамровчи т. ж. лари билан муносабати, яъни уларнинг таркиби, тузилиши, иссиқлик ўтказувчанлиги, магматик т. ж. лари таналари билан контакти тавсифи тушунилади.

**Фации - Фациялар** - литологик ва палеонтологик хусусиятлари билан ажралиб турувчи турли хил чўкинди т. ж. ларини белгилаш учун киритилган атама. Ҳосил бўлиш жойига қараб денгиз, континентал ва саёзлик фациялари ажратилади.

**Фации вулканогенные - Вулканоген фациялар** - қатор омиллар билан мужассамлашган ўзига ҳос вулкан т. ж. лари мажмуаси. Бу омилларга вулканизм тури, табиий географик шароит тавсифи, эриган магманинг қотиш чуқурлиги, вулкан отилиш марказидан жойлашиш узоқлиги ва б. қиради. Т. ж. ларининг ҳосил бўлиш шароитига қараб сув ости, ер юзасидаги, музлик остидаги ва б. фациал турлари ажратилади. Магманинг қотиши чуқурлигига қараб эса ер юзаси, вулканоген, субвулкан ва бўғиз фациялари фарқланади.

**Фации геосинклинальные - Геосинкинал фациялар** - геосинкинал областлар учун ҳос чўкинди тўпланиши шароити. Ётқизиқлар қалинлиги катта бўлади (система учун минг метрлаб). Чўқиш даврида денгиз гилли-карбонат фацияси кўпроқ бўлиши кузатилади. Континентал ва кўмирли фация жуда кам учрайди. Улар учун массив риф оҳақтошлари ва катта қалинликдаги эффузивлар қатлами ҳосдир. Инверсия даврида қумтош ва конгломератлар катта қалинликка эга бўлади. Улар кўп ҳолларда дислокацияга учраган, метоморфлашган бўлади.

**Фации геохимические - Геохимёвий фациялар** - Ер пўстининг ҳар бир қисми учун ўзига ҳос, чўкинди жинслар ҳосил қилувчи физик-химёвий шароитлар ва у билан боғлиқ бўлган турли химёвий кўрсаткичлар мажмуи. Денгиз ва қуруқлик Г.ф. лари ажратилади.

**Фации геохимические естественные - Табиий геохимёвий фациялар** - чўкиндилардаги рН нинг юқори кўрсаткичлари ва оксидланиш-тикланиш потенциаллари бўйича бир вақтда ажратиладиган диагенезнинг минералогик-геохимёвий фациялари.

**Фации геохимические кислые - Нордон геохимёвий фациялар** - рН кўрсаткичи кам бўлган (рН=5,5-5,0дан то 3,0-2,1 гача), қийматлари бўйича ажратиладиган геохимёвий фация. Бу фацияни ботқоқлик, қўл ва дарёларда ҳосил бўлган қатламларга қўллаш ўринли.

**Фации геохимические нейтральные - Нейтрал геохимёвий фациялар** - рН нинг ўртача қиймати 7,2-6,6 бўйича ажратиладиган фация. Бу фация магнийли монтмориллонит, бейделит, ферригаллаузит билан тавсифланади.

**Фации геохимические осадочные - Чўкинди геохимёвий фациялар** - қадимги ва ҳозирги чўкиндиларга қўлланиладиган геохимёвий фация. Бу фациялар чўкиндилар диагенези жараёнида ҳосил бўлувчи

бошланғич геохимёвий тавсифга эга. Бу турдаги фациялар континентал, субаквал ва субаэрал турларга бўлинади.

**Фации геохимические щелочные - Ишқорий геохимёвий фациялар** - рН нинг ўртача қиймати 7,8-9,0 бўлган ҳолда ажратиладиган геохимёвий фация. Улар яна "оҳақтош фацияси" деб юритилиб, денгиз ва океан туби, қатор қўллар, қўлтиқлар учун ҳосдир. Тавсифли ётқизиқларига оҳақтошлар, мергеллар, доломитлар ва б. қиради.

**Фации магматических пород - Магматик тоғ жинслари фациялари** - ҳосил бўлиш чуқурлиги, ётиш шакли ва атрофдаги т. ж. лари билан муносабатлари каби ўзига ҳос белгилар орқали мужассамлашган магматик таналар ва т. ж. лари. Чуқурлиги бўйича абиссал, ўртача чуқурликдаги, кам чуқурликлардаги гипабиссал, субвулкан ва эффузив турлари ажратилади.

**Фации метаморфические - Метаморфик фациялар** - бир-бири билан боғлиқ бўлган термодинамик, химёвий, концентрацион, структуравий-текстуравий ва б. омил назорат қилувчи метаморфизм шароитларида мувозанатга келувчи тизимларни ташкил этувчи минералогик уюшмалар. Бунда метаморфик т. ж. ларининг у ёки бу фацияга тааллуқли эканлигининг мезони, уларнинг бир хил м-логик таркибга эгалиги, бир хил метаморфизм шароитида бир хил м-ллар ассоциацияларидан иборат бўлишдир.

**Фации минеральных осадочных пород - Минерал чўкинди тоғ жинсларининг фациялари** - чўкинди т. ж. ларининг м-лларнинг парагенетик ассоциациялари (м-ллар парагенезиси) асосида ажратилган фациялари. Уларнинг уйдаги турлари маълум: а) седиментогенез босқичида чақилган м-ллар парагенезиси. Асосида ажратилган терриген м-логик фациялар. б) седиментогенез ва диагенез босқичида аутиген м-ллар парагенезиси асосида ажратилган геохимёвий фациялар; в) диагенездан сўнг метаморфизм ёки нураш даврига аутиген м-ларнинг парагенезиси асосида ажратилган чўкинди т. ж. лари фациялари.

**Фации нефтематеринские - Нефть яратувчи фациялар** - бир хил седиментация шароитида чўкиндилар ҳосил бўлиши. Чўкинди кейинчалик литогенез жараёни натижасида нефть яратувчи т. ж. ларига айланади. Уларга кўпчилик гилли (кремний-гилли, оҳақтош-гилли, баъзан алеврит қўшимчаси билан), карбонатли (оҳақтошли, доломитли, мергелли), қўл, ички ва чекка денгиз, океан чеккалари-шлейф, континенталь ёнбағир ва унинг этагидаги чўкиндилар мисол бўла олади.

**Фация - Фация** - литологик ва палеонтологик хусусиятлари билан ажралиб турувчи турли хил чўкинди т. ж. ларини белгилаш учун киритилган атама.

**Фельдшпатизация - Фельдшпатлашиш** - т. ж. нинг янги ҳосил бўлган дала шпатлари билан бойиши. Дала шпати таркибига қараб альбит ёки калийшпатлашган бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда инъекцион ва контактли метаморфизмда ҳамда гидротермал ўзгаришларда содир бўлади.

**Фельдшпатоиды - Фельдшпатоидлар** - кремний оксидига тўйинмаган алюмосиликатлар: нефелин, лейцит, содалит, нозеан гаюиндан иборат. Магматик жараённинг сўнги босқичида ишқорли магмадаги Al, K ва Ca лар билан бирикиш учун керак бўлган кремнеземнинг етишмовчилигидан дала шпатлари ўрнида

ф.лар ҳосил бўлади. Асосан ишқорли т. ж. ларида учрайди.

**Фельзо...** - **Фельзо...** - олд қўшимча бўлиб, т. ж. ларининг асосий массаси яширин кристалли масса-дан иборатлигини англатади.

**Фемолит** - **Фемолит** -  $\text{Mo}_5\text{FeS}_{11}$ . Кат. 2-3. Сол. оф. 3,7. Яширин кристалли, тангасимон, кул ранг, металси-мон ялтироқ м-л. Уран маъданларида, пиритли фель-зит-порфирлар, настуран ва сфалерит орасида учрай-ди.

**Фенакит** - **Фенакит** -  $\text{Be}_2\text{SiO}_4$ . Кат. 7,5-8. Сол. оф. 2,95-3. Ранги оқ, сарғиш, кўнғир, ойнасимон ялтироқ м-л. Кўпроқ кварца ҳам ўхшайди. Гранитли пегматит-ларда, грейзенларда баъзида слюдали сланец, гнейс ва гранитларда ромбоэдрик кристаллар ва призмалар шак-лида учрайди.

**Ферганит** - **Ферганит** -  $\text{LiH}[(\text{UO}_2)_4 | (\text{OH})_4 | \text{V}_2\text{O}_8]$ . Кат. 2-3. Сол. оф. 3,31. Ранги оч сариқ., мўмсимон ялтироқ, пластинкасимон, тангасимон агрегатли м-л. Уранли слю-далар гуруҳига мансуб иккиламчи м-л. Оксидланиш зо-насида, оҳақтошли карст бўшлиқларида учрайди. Йўлдош м-ллари: карнотит, тюямунит.

**Ферингтонит** - **Ферингтонит** -  $\text{Mg}_3[\text{PO}_4]_2$ . Сол. оф. 2,8. Сариқдан то кўнғир ранггача. Метеоритнинг си-ликат қисмида - паласситда оливин заррачаларини цементлайди.

**Ферморит** - **Ферморит** -  $(\text{Ca}, \text{Sr})_5(\text{AsO}_4)_3(\text{PO}_4)_3$ . Кат. 5. Сол. оф. 3,52. Апатит билан изоструктурали, пушти-оқ рангли, ёғсимон ялтироқ м-л. Мп маъданларида то-мирчалар кўринишида учрайди. Син. стронций арсе-напатит.

**Ферримолибдит** - **Ферримолибдит** -  $\text{Fe}_2^{3+}[\text{MoO}_4]_3 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$ . Кат. 2. Сол. оф. 4-4,5. Ранги оқдан то сарғишгача. Хира ипаксимон толали., дон-дор агрегатли м-л. Кат-кат тузилишли м-лларнинг фер-ритунгетит гуруҳига мансуб м-л. Оксидланиш зонасида учрайди. Молибденитнинг нураши маҳсулоти. Син.: сувли қўргошин охраси.

**Ферритизация** - **Ферритлашиш** - темирлашиш. Нураш зонасининг юқори қисмида кенг тарқалган жараён бўлиб, у ерда темир оксидларига бойиган т. ж. лари ҳосил бўлади (охралар, табиий пигментлар ва темирлашган гиллар).

**Феррогаббро** - **Феррогаббро** - темирга бой габ-бро гуруҳи т. ж. Магнетитнинг миқдори 8-10 % га етади. Тўқ рангли м-ллар-нинг темирлилик даражаси ҳам жуда юқори.

**Ферролиты** - **Ферролитлар** - 50 % ва ундан ортиқ темирли м-ллардан ташкил топган хемоген т. ж. лари. Ф.ларнинг оксидли турлари энг кўп тарқалган. Булар-нинг 50 % дан кўпроғи оксидланиш муҳитида ҳосил бўладиган темир гидрооксидлари (лимонит) ҳисобла-нади. Қайтарилиш муҳитида темир карбонатлари (си-дерит), сульфидлари (пирит, марказит), камдан-кам си-ликатлардан (шамозит ва б.) ҳосил бўлади.

**Ферромагнетизм** - **Ферромагнетизм** - материал-ларнинг магнит майдонида магнит хусусиятига эга бўли-ши ва магнит майдони йўқолиши билан магнитлик хоссасини бир қанча вақт сақлаб қолиши. Бу хоссага темир гуруҳи моддалари Fe, Ni, Co ва бу металлларнинг турли қотишмалари эгадир.

**Ферсманит** - **Ферсманит** -  $(\text{Ca}, \text{Na})_4(\text{Ti}, \text{Nb})_2\text{Si}_2\text{O}_{11}(\text{F}, \text{OH})_2$ . Кат. 5-5,5. Сол. оф. 3,44. Кўнғир рангли, шишасимон ялтирайдиган м-л. Ишқо-

рий пегматитларда учрайди.

**Фигура симметричная** - **Симметрик шакл** - алоҳи-да ўқлар атрофида айлантирганда бир қисмини худди шундай б. қисмлар эгаллайдиган ўзаро тенг қисмли шакллар.

**Физика пласта** - **Қатлам физикаси** - қатлам-кол-лекторни ташкил этувчи т. ж. нинг физик хоссалари тавсифи: говаклилик, ўтказувчанлик, дарзлилик, нефтга, қолдиқ сувга тўйинганлик, зичлик, шунингдек электр ўтказув-чанлик, таранглик, магнит хоссалари ва б. Ушбу кўрсаткичлар ҳаммаси миқдорий тавсифланади.

**Физико-механические свойства пород** - **Тоғ жин-сларининг физик-механик хоссалари** - т. ж. лари-нинг зичлик, нисбий оғирлик, намлик сифими каби кўрсат-кичларини назарда тутувчи хусусиятлари. "Т. ж. лари-нинг физик-техник хоссалари" атамасининг синоними.

**Физические методы анализа** - **Таҳлилнинг физик усуллари** - аниқланаётган компонентларнинг кимёвий хоссалари билан боғлиқ физик хусусиятларини баҳо-лашга асосланган, моддаларнинг миқдорий ва сифат анализлари мажмуи.

**Физические свойства веществ** - **Моддаларнинг физик хоссалари** - моддаларнинг таркиби ва тузили-ши билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари ҳамда маълум ташқи шароитларда доимий қоладиган ёки улар таъси-рида маълум қонуният бўйича ўзгарадиган говаклилик, ўтказувчанлик каби хоссалари.

**Физические свойства горных пород** - **Тоғ жинс-ларининг физик хоссалари** - зичлик, қайишқоқлик, тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги, магнит таъсирчанли-ги, солиштирма электр қаршилиги, диэлектрик доимий-лиги, радиоактивлиги, электр кимё фаоллиги, иссиқлик ўтказувчанлиги, говаклилик ва ҳ.к. киради. Геофизика мақсадлари учун т. ж. ларининг физик ва литологик-петрографик хоссалари орасидаги боғлиқликни ва т. ж. лари физик хоссаларининг кесимда ва майдонда тарқалишини билиш зарур.

**Филлитизация** - **Филлитлашиш** - гил, сланецларни регионал метаморфизм шароитида ўзгариши. У т. ж. нинг зичланишида, моддий таркибининг қайта кри-сталланишида, кристал доналарининг ўсишида, гил м-лларининг серицит, биотит ва хлоритга айланиши билан намоён бўлади. Бунинг натижасида филлит-лар ҳосил бўлади.

**Фильтр забивной (штекфильтр)** - **Қоқма фильтр (штекфильтр)** - ф. қ. иншоотларини қамровчи ат-рофдаги т. ж. ларига қоқиладиган перфорацияланган металл қувур.

**Фильтр обратный** - **Тескари фильтр** - заррачалари боғланмаган бир неча турдаги бўшоқ т. ж. ларидан (қум, гравий, шағал ва б.) қатламлар шаклида яратил-ган қурилма. Фильтрланувчи т. ж. лари ичидан май-да заррачаларнинг филтрацион оқим билан олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш мақсадида ташкил этилади.

**Фильтрация** - **Фильтрланиш** - суюқлик ва газлар-нинг говакли (дарзлик) муҳитдаги харакатланиши. Ф. га т. ж. лари говаклари ўлчамлари, деворларининг шакли ва суюқ-ликларнинг қовушқоқлиги катта таъ-сир кўрсатади. Ф. тезлиги қатлам кўндаланг кесими-нинг бир бирлик юзасидан ўтган сув ҳажми билан ўлчаниб, гидравлик босимга, т. ж. ўтказувчанлигига тўғри, суюқликнинг қовушқоқлигига тескари пропорционал бўлади.

**Фильтрационный эффект - Фильтрланиш эффекти** - фильтрацион метасоматозда кимёвий компонентларнинг динамика ҳаракатдаги фарқи. Эритма говакли т. ж. лардан ўтаётганда эриган модда эрувчи моддадан орқада қолади. Метаморфлашган т. ж. айрим маъдан конлари келиб чиқиши ер ости сувлари шўрланиши сабабларининг таҳлилида назарда тутилади.

**Фильтры скважин - Бурғи қудуғи фильтрлари** - бўшоқ, сувли қатламлардан ўтган бурғи қудуқларининг сув қабул қилувчи қисмларидаги деворларни мустаҳкамлаш, сувли т. ж. лари зарраларини ушлаб қолиш ва қудуққа фақатгина сувни ўтказиш учун мўлжалланган махсус қурилмалар.

**Фипроит - Фипроит** - асосий массаси жуда майда заррачали фенокристалли флогопит ва натрийли лейцитли ишқорий базальтоидларнинг тури.

**Флексура - Флексура** - моноклинал ётишга эга бўлган т. ж. лари қатламларининг "тирсак" симон эгилиши натижасида ҳосил бўлган тектоник структура.

**Флиш - Флиш** - денгиз чўкинди т. ж. ларининг қалин қатлами (серияси), геологик ётқизиқ. Асосан чақиқ т. ж. ларидан иборат. Денгизнинг муайян чуқур жойларида бир турдаги оҳақтош, кумтош, гил, мергель каби чўкинди жинсларнинг ўзаро такрорланишидан ҳосил бўлади. Ф. бир қанча кичик (бир қанча см. дан бир неча дм. гача) циклар (циклотема, циклосома, қаватлар)дан тузилади.

**Флогопит - Флогопит** -  $KMg_3[(F,OH)_2(AlSi_3O_{10})]$ . Кат. 2,5. Сол. оф. 2,76-2,97. Қат-қат силикатлар кенжа синфининг слюдалар синфига мансуб, ранги қизғишдан то тўқ жигарранг қизилгача, металлсимон, садафсимон, шишасимон, ялтироқ, баргсимон, тангачасимон агрегатли м-л. Пневматолитлар ва контакт-метасоматик т. ж. ларида, кристалли сланецларда, оҳақтош ва доломитларда учрайди. Йўлдош м-ллари: диопсид, форстерид, доломит, шпинель, кальцит, дала шпатлари, скаполит. Син.: магнийли слюда.

**Флора - Ўсимлик дунёси** - маълум бир худудни эгалловчи ўсимлик турларининг систематик таркиби.

**Флоры простейшие - Содда флоралар** - танаси бир хужайралардан иборат майда организмларга мансуб бўлган ҳайвонлар тури. Хужайра ҳамма ҳаётий фацияларни бажарувчи мустақил организм бўлиб, бир ёки бир неча ядродан ва протоплазмадан иборат. Хужайранинг айрим қисмлари муайян хужайранинг ҳосилалари бўлиб, улар "органеллалар" деб аталади ва турли вазифаларни бажаради.

**Флотация - Флотация** - ф. қ. ни ёки маъданни бойитиш усули; суюқлик ёки суспензияда майда қаттиқ бўлақчаларни (асосан м-лларни) ажратиб олиш жараёни.

**Флюид рудоносный - Маъданли флюид** - сўнаётган магматик ўчоқдан маъданли компонентларни олиб чиқувчи суюқ ёки газсимон моддаларнинг номи. Асосан ушбу моддаларнинг агрегат ҳолати аниқ бўлмаганда ишлатилади.

**Флюидальный - Флюидал** - қаттиқ ҳолатда асосий масса дончалари ёки микролитларининг оқимсимон жойлашувининг ҳаракат таъсирини кўрсатувчи структура.

**Флюорит - Флюорит** -  $CaF_2$ . Кат. 4. Сол. оф. 3,1-3,2. Фторидлар синфига мансуб м-л. Рангсиз, пушти, сарик, ҳаворанг ва гунафша ранг, шишасимон ялтироқ, донадор, радиал, нурсимон, қатламсимон, радиал нурсимон агрегатли м-л. Маъдан томирларида, доломит ва оҳақ-

тошда учрайди. Нордон магматик қолдиқ дифференциатларда ва пегматитларда аксессуар м-л сифатида учрайди. Друзалар, донадор зич массалар ҳосил қилади. Йўлдош м-ллари: кварц, галенит, сфалерит, халькопирит, кальцит, доломит, гипс, целестин, барит, апатит, топаз, турмалин. Син.: андродамант, плавик шпати, шишасимон шпат, маъдан гуллари.

**Флюоцерит - Флюоцерит** -  $(Ce,Zr)F_3$ . Кат. 4,0-5,5. Сол. оф. 5,7-6,14. Сарик жигаррангли, мумсимон ялтироқ, донадор агрегатли м-л. Гранитли пегматитларда ортит, гадолинит билан, гидротермал-пневматолит конларда монацит, карбонат ва б. билан бирга учрайди. Син. тисонит.

**Фоглит - Фоглит** -  $Ca_2Cu[VO_2](CO_3)_4 \cdot 6H_2O$  (?). Зумрадсимон-яшил рангли, радиал нурсимон, буйраксимон агрегатли м-л. Қаттиқлиги паст. U конлари оксидланиш зоналарида учрайди. Маъдан сувлари бугланишидан ҳосил бўлади. Уранинит, халькопирит ва б. билан ассоциация ҳосил қилади.

**Фойяит - Фойяит** - трахит структурали шох алдамчиси ёки пироксенли нефелинли сиенит. Одатда ортоклаздан (>60 %), нефелиндан (~25 %), ишқорий шох алдамчисидан, эгирин-авгит ва эгириндан (баъзан биотит ва лепидомелан аралашмаси билан) иборат. Таркибида кўп бўлмаган миқдорда альбит бўлиши мумкин.

**Фольбортит - Фольбортит** -  $Cu_3[VO_4]_2 \cdot 3H_2O$ . Кат. 3,5. Сол. оф. 3,5-3,8. Тўқ яшил, кўиш-сарик рангли шишасимон ялтироқ м-л. U-V- кумтошларда ва оксидланиш зоналарда учрайди. Йўлдош м-ллари: корнотит ва б.

**Фон геохимический - Геохимёвий фон** - маълум бир катта майдонни эгаллайдиган т. ж. лари таркибидаги элементларнинг ўр-тача миқдори. Элементларнинг миқдори кларкдан катта ёки кичик (баъзида) бўлиши мумкин. Уни аниқлаш геохимёвий усул билан конларни излашда катта аҳамиятга эга.

**Фон нормальный - Меърий фон** - ўрганилаётган элементларнинг т. ж. ларидаги геохимёвий аномалияларини асослаш учун етарли бўлган концентрация катталиги. Унинг миқдори ўлчашларнинг натижаларини статистик усуллар ёрдамида қайта ишлаш йўли билан аниқланади. Бунда аномал қийматли натижалар инobatга олинмайди. Концентрация қийматининг меърий тақсимланишида м.ф. ўрганилаётган катталик ва унинг дисперсиясининг ўртача қиймати кўринишида ифодаланади.

**Фораминиферы - Фораминифералар** - саркодлилар синфининг катта энг содда гуруҳи. Чиганоқлари оҳақтошли ёки кремнийли бўлиб, улар бир, икки ва кўп камерали бўлиши мумкин. Геологик тарихда Фларнинг бентосли ва планктонли турлари тарқалган. Кечки кембрийдан бошлаб хозирги кунгача ётқизилган қатламларда учрайди.

**Форбезит - Форбезит** -  $(NiCo)H[AsO_4]_4 \cdot 3H_2O$ . Кат. 3,0. Сол. оф. 3,13. Оқ рангли, хирадан то ипаксимонгача ялтироқ майда донадор ва толасимон агрегатли м-л. Хлоантитнинг ўзгариши маҳсули.

**Форма выражения химического состава воды - Сувнинг кимёвий таркибини ифодалаш шакли** - сувнинг кимёвий таркиби қуйидагича ифодаланади: 1) 1л. (ёки 1кг) эритмалардаги эриган моддаларнинг оғирлиги; 2) маълум хажмдаги эриган моддаларнинг эквивалент миқдори; 3) фоиз эквивалент (% экв). Гидро-

геологияда ҳар бир ионнинг сувдаги оғирлик миқдори мг/л, г/л (мг/кг, г/кг), 1л. сувдаги экв. миқдори мг/экв. ларда ифодаланади. Кимёвий анализ натижаларини фоиз-эквивалентларда ифодалаш, турли м-лизацияга эга бўлган сувларни солиштириш, ионларнинг сувдаги ўзаро нисбатларини аниқлаш имконини беради. %/экв. ҳисоблаш учун 1л. сувдаги анионларнинг мг/экв. миқдорини 100 % деб олиниб, ҳар бир анионнинг унга нисбатан % миқдори аниқланади. Катионларни ҳисоблашда ҳам шу усулдан фойдаланилади. Баъзи ҳолларда анионлар ва катионларнинг умумий йиғиндиси 100 % деб олиниши мумкин.

**Форма консистенции глинистых пород - Гилли тоғ жинсларининг консистенция шакли** - гил т. ж. ларини ташкил этувчи заррачаларнинг ҳаракатчанглиги даражаси бўлиб, ташқи кучлар таъсирида аниқланади.

**Форма обломочных зерен - Чақиқ заррачаларнинг шакли.** - м-л заррачаларнинг ташқи кўриниши, уларнинг кристаллографик тузилиши ва ташилиши даврида силлиқланганлик даражасига боғлиқ бўлади. Ч.з.ш. дан м-л заррачаларни ташҳислашда, қидирув ишларида, литологик-палео-географик тадқиқотларда фойдаланилади.

**Форма осадочных тел - Чўкинди таналар шакли** - уларнинг шакли ҳосил бўлиш шароитига боғлиқ бўлиб, асосан қатламсимон, линзасимон ҳамда линза кўринишидагилари ажратилади.

**Форма структурная - Структуравий шакл** - т. ж. ларининг иккиламчи ётиш шакли бўлиб, тектоник ҳаракатлар билан мужассамлашганлиги билан тавсифланади. Син.: элемент структурный.

**Формации - Формациялар** - бир хил геологик шароитда пайдо бўлиб, ўзаро бирга ҳосил бўлиши жиҳатидан боғланган ва ёшига кўра яқин бўлган т. ж. , м-л ва маъданларнинг табиий тўпламлари. Син.: геологическая формация, геоформация, геогенерация.

**Формации абстрактные - Мавҳум формациялар** - таркиб ва тузилиш каби системали белгилари бўйича умумлаштирилган аниқ формациялар мажмуаси. Аниқ формациянинг б. барча белгилари ҳисобга олинмай М.ф. га гуруҳлаштирилади.

**Формации азональные - Азонал формациялар** - иқлим зоналлигига боғлиқ бўлмаган равишда ҳосил бўлган эффузив-чўкинди т. ж. лари шакллари гуруҳи.

**Формации аридные - Арид формациялари** - арид литогенези майдонларида биргаликда вужудга келган т. ж. лари табиий тўплам-лари.

**Формации асимметричные - Асимметрик формациялар** - бир томонга қараб кучли ўзгарган фашиал қатор. А.ф.лар аллохтон бўлиб, асосан платформа чегараларида, геосинклинал областларда ва чекка эгилмаларда тарқалади.

**Формации бокситоносные - Бокситли формациялар** - бокситли ётқиқлар ёки қатламлар. Уларга латеритли, таркибида боксит бўлган ёки бокситли нураш пўсти ётқиқлари киради. Платформаларда глиноземли латеритлардан ва уларнинг қайта ётқизиши маҳсулотларидан - қизил ва кулрангли қум-гилли қатламлардан иборат. Улар учун каолинит, галлаузит, кварц, гематит, гетит, ильменит, циркон, мартит ва б. хосдир.

**Формации вулканогенно-осадочные - Вулканоген-чўкинди формациялар** - чўкинди ва вулкан

т. ж. ларидан иборат геологик формациялар гуруҳи. Бу гуруҳ таркиби ва келиб чиқиши бўйича фарқланувчи жуда кўп вулкан ва чўкинди ётқиқларни ўз ичига олади. Улардан биринчиси бир петро-кимёвий турдан ёки 2 та бир-биридан фарқланувчи (баъзалитлар ва риолитлар), баъзан барча асосли т. ж. ларидан ва нордон таркибли т. ж. ларини ўз ичига олади. Баъзи В.ч.ф. да фақат эффузив т. ж. , ундан ташқари туфлар ва туф-брекчиялари мавжуд бўлади. Чўкинди ҳосилаларнинг таркибига қараб вулканоген-булаккли, вулканоген-кремнийли ва вулканоген-карбонатли гуруҳлар ажратилади.

**Формации вулканогенные - Вулканоген формациялар** - табиий эффузив т. ж. ларининг комагматик ассоциациялари. Уларнинг таркибига лавалар, туфлар, туффитлар, вулкан фаолияти билан синхрон бўлган субвулкан интрузиялари ва вулқандан сўнгги жараёнларнинг маъдан ҳосилалари киради. Улар Ер пўсти геотектоник элементлари ривожланишининг маълум босқичида ҳосил бўлади.

**Формации галогенные - Галоген формациялар** - галоген т. ж. лари қатнашган арид формациялари гуруҳи. Булар-турли таркибли тузларга эга бўлган сув ҳавзалари, қўлтиқлар, қўлмақлар, ноплатформа денгизларининг қирғоқ олди қисми, континент ичидаги денгизлар ётқиқларидан иборат. Г.ф. лар сульфатли [гипс+(доломит+терриген т. ж. лари)]; галититли [гипс+галитит+(доломит-терриген т. ж. лар)]; калийли [гипс + (калий+магнийли т. ж. лари)+(доломит+терриген т. ж. )] турларга бўлинади. Калийли Г.ф. тўла ривожланган галогенезда, галититли ва сульфатли турларига эга галогенезнинг тўла ривожланмаган ҳолларида бўлади.

**Формации геосинклинальные - Геосинклинал формациялар** - катта тезликка ва амплитудага эга бўлган, кескин дифференциаллашган тектоник ҳаракатлар кузатилган геосинклинал областларда ҳосил бўлувчи формацияларнинг катта гуруҳи. Унча катта бўлмаган майдонларда қатламлар қалинлигининг ўзгарувчанлиги билан тавсифланади. Қуйидаги магматик формациялар: спилит-диабазли, перидотит-пироксенитли, габбро-диабазли, спилит-кварц-кератофирли, дунит-гарцбургитли, габро-плагиогранитли, гранит-гранодиоритли, гранитли ва б. лар ушбу гуруҳга хосдир. Г.ф.ни ташкил этувчи чўкинди т. ж. ларига полимиктли ва глауконитли ҳосилалар мисол бўлади. Г.ф. ҳосил бўлишида иқлим омилининг таъсири жуда кам.

**Формаций группа вулканогенно-кремнистая - Вулканоген-кремнийли формациялар гуруҳи** - яшил-тошли, спилит-кератофирли, яшмали, кремний-сланецли, кремнийни эслатувчи т. ж. ларини ўз ичига олувчи формация.

**Формации группа - Формациялар гуруҳи** - ўхшаш белгилари бўйича бирлаштирилган формациялар мажмуи. Ер пўстининг узилиши ва режим турига кўра геосинклиналь, платформа, оралиқ ф.г. га; иқлим белгиларига кўра-гумид, арид, тропик зоналарга; палеогеографик ва фашиал белгиларга кўра-денгиз ва континентал зоналарга; т. ж. ларининг литологик-петрографик таркибига кўра-терриген, вулканоген, карбонат, кремний-вулканоген ва б. ф.г. га бўлинади.

**Формации гумидные - Гумид формациялар** - гумид литогенези майдонларида ҳосил бўладиган т. ж. лари парагенези.

**Формации зональные** - Зонал формациялар - иқлим ва унинг зоналлилиги билан мужассамлашган гумид, арид ва музлик ҳосилаларини ўз ичига олувчи формациялар гуруҳи.

**Формации климатогенные** - Иқлимий формациялар - ҳосил бўлишидаги асосий омил иқлим бўлган формациялар гуруҳи бўлиб, у ўз ичига карбонатли ва тузли формацияларни олади.

**Формации меловые** - Бўр формациялари - бу формация ёзиш бўри ва микроқатламчали мергеллардан иборатдир. Очиқ денгиз ҳавзаларида ҳосил бўлади. Кечки бўр ва палеоген даврида ҳосил бўлган ётқизикларда кенг тарқалган.

**Формации осадочных пород** - Чўкинди тоғ жинслари формациялари - Ернинг ривожланиш даврида учрайдиган, ўзаро парагенетик боғлиқ бўлган чўкинди т. ж. лари мажмуаси. Ҳосил бўлиши учун Ер қаърининг катта участкаларида бир хил тектоник режимнинг узоқ сақланиши, седиментация областларида давомий бир турдаги ландшафт-иқлимий шароит мавжуд бўлиши керак.

**Формации переходные** - Ўтиш формациялари - геосинклинал ҳамда платформа шароитларига яқин шароитда ҳосил бўлган формациялар гуруҳи. Уларнинг таркибида чақиқ т. ж. лари, кўлмак ва континентал ётқизиклари кенг тарқалган бўлади. Уларнинг қалинлиги бир неча юз-минг метрларга етиши мумкин. Геосинклинал формациялардан фарқли ўлароқ, уларда вулкан ҳосилалари жуда кам ёки умуман кузатилмайди.

**Формации платформенные** - Платформа формациялари - кичик тезликдаги, кичик амплитудага эга бўлган тектоник дифференциация кузатилган майдонларда ҳосил бўлган формациялар гуруҳи. Қадимги ва ёш платформаларда, шунингдек алоҳида геосинклиналь участкаларида ва бурмаланиш областларида ҳам тектоник ҳаракатларнинг вақтинча сусайиши, турғунлик лаҳзаларида ҳам ҳосил бўлади. Уларнинг асосий белгиси - кенг майдонларда катта қалинлик ҳосил қилиб тарқалишидир. П.ф. ҳосил бўлишидаги асосий таъсир этувчи омил иқлим шароити ҳисобланади.

**Формации субазральные** - Субазрал формациялар - сув иштирокисиз, континентал шароитда атмосфера агентлари таъсирида ҳосил бўладиган ётқизиклар. Вулкан, зол, тўқилма, музлик, элювиал формацияларни ўз ичига олади.

**Формации тектогенные** - Тектоген формациялар - ҳосил бўлишида асосий омил тектоник ҳаракатлар ҳисобланган формациялар гуруҳи бўлиб, улар флишли, моласгли, платформа, терриген формацияларни ўз ичига олади.

**Формации угленосно-бокситово-железистые** - Кўмир-боксит-темирли формациялар - таркибида бокситлар, темир маъданлари, кўнғир кўмир ва ўтга чидамли гиллар тўпланган кум-гилли ётқизиклар. Уларнинг таркибида кўл, ботқоқлик, аллювиал, кўрфаз ва денгиз-қирғоқ бўйи ётқизиклари ажратилади. Улар континентал шароитлар, текислик рельефи, нам иссиқ иқлим шароитларининг устуворлиги остида тўпланади.

**Формации флишевые** - Флишли формациялар - геосинклиналларнинг охириги ривожланиш босқичларида, ички ва ташқи эгилмаларда, флиш формацияларига хос шакл бўлган чуқур даралар ва унчалик кенг

бўлмаган кўтарилмалар (кордильералар) шаклланаётган пайтда ҳосил бўлади.

**Формации флишоидные** - Флишоидли формациялар - турли тартибдаги ритмларга эга бўлган кумтош, алевролит ва аргиллит, баъзан карбонатли ёки пирокластик т. ж. лари. Қатламлари қалин (юз ёки минг метрлаб) ва нисбатан кам миқдордаги конгломератлар мавжуд бўлиши кузатилади. Геосинклинал ривожланишнинг охириги босқичлари билан боғлиқ.

**Формации фосфоритносные** - Фосфоритли формациялар - таркибида фосфорит тўпланган т. ж. лари уюшмаси. Икки гуруҳи ажратилади: 1) сланец-кремний-доломитли; 2) кварцит-сланец-оҳақтошли.

**Формации эндогенные** - Эндоген формациялар - магматик ва метаморфик формациялар тушунчаси синоними. Аралаш ёки ноаниқ генезисга эга т. ж. ларидан иборат.

**Формации эффузивно-кремнистые** - Эффузив-кремнийли формациялар - лавалар, туфлар ва терриген т. ж. ларидан ташқари яшма, кремнийли сланецлар кенг тарқалган формациялар. Бунда охириги лари вулкан отилиш майдонларидан узоқда жойлашган бўлиб, у билан алоқасини йўқотгандек туюлади. Бу формация билан марганецли ва темирли маъдан конлари боғлиқ.

**Формации эффузивно-осадочные** - Эффузив-чўкинди формациялар - эффузив чўкинди туридаги седиментогенезнинг ер пўсти участкаларида узоқ вақт мавжуд бўлиши билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўлган формациялар гуруҳи. Иқлимий зоналарнинг таъсиридан қатъий назар тарқалган.

**Формации эффузивно-терригенные** - Эффузив-терриген формациялар - таркибида лава ва туфлардан ташқари сезиларли даражада кумтош ва гиллар қатнашадиган, туф маҳсулотлари билан бойиган формациялар. Бу т. ж. лари хусусан эффузивдан меъёрий чўкиндига ўтувчи ҳисобланади. Асосан денгиз шароитида гидротермал жараённинг қисман иштирок этиши ёки умуман иштирокисиз ҳосил бўлиши мумкин. Бу хусусияти билан у ўзига энг яқин бўлган эффузив-кремнийли формациялардан фарқ қилади.

**Формации эффузивные** - Эффузив формациялар - таркибида терриген материал аралашмалари кузатилмайдиган лава ва туфлар. Одатда континентал шароитда, платформаларда тарқалади.

**Формаций группа вулканогенно-кремнистая** - Вулканоген-кремнийли формациялар гуруҳи - яшилтошли, спилит-кератофирли, яшмали, кремний-сланецли, кремнийлига бироз ўхшаш формацияларни бирлаштиради. Сакмар, успенск ва жеспилитли каби формация қаторининг 3 хилини ҳосил қилади.

**Формаций группа петрогенетическая** - Петрогенетик формациялар гуруҳи - бирор бир турдаги физик-кимёвий ва геологик жараёнларда қатнашаётган моддалар бирламчи манбаларининг шаклланиш чуқурлиги билан тафсивланадиган ва ушбу жараёнларда ҳосил бўлган формациялар бирлашмаси.

**Формаций зональность климатическая** - Иқлимий формациялар зоналлилиги - чўкинди т. ж. лари формацияларининг Ернинг иқлим зоналлилиги билан боғлиқ равишда тақсимланиши зоналлилиги. Платформаларда, чекка эгикликларда, миогеосинклиналларда тектоник зоналликлардан устувор бўлган формация. Турли литогенез ареалларининг ривожланишини, тақ-

симланишини ифодалайди.

**Формаций зональность тектоническая - Тектоник формациялар зоналлиги** - йирик тектоник зоналарнинг ер пўстида ривожланишига боғлиқ равишда формацияларнинг қонуний тақсимланиши. Тектоник зоналлилик нафақат геосинклинал, балки умуман платформа формациялари ҳам бўйсунди. Фақат платформа формациялари, бундан ташқари иқлим зоналлигига ҳам боғлиқ бўлади.

**Формаций комплекс - Формациялар комплекси** - фашиал комплексларга мос келувчи ва формациялар оиласи таркибидан ажратиладиган формациялар мажмуаси.

**Формаций петрофонд - Формациялар петрофонди** - моддаларнинг манбалари мажмуаси бўлиб, маълум шароитларда формациялар ҳосил бўлишга материаллар бериши мумкин бўлган потенциал манбаларнинг мажмуаси. Седиментацион маҳсулотларни бериши мумкин бўлган 4 та жараён ажратилади: т. ж. ларини нураши; вулкан фаолияти; дунё океани сувларида эриган моддаларнинг чўкиши; организмларнинг ҳаёт фаолияти. Ушбу манбалар ўз навбатида терриген, гидроген ва биоген компонентлар формацияларини ҳосил қилади.

**Формаций породы аксессуарные - Аксессуар тоғ жинслари формациялари** - формациялар таркибидан катта бўлмаган массалар, қатламлар ва линзалар кўринишида ётган т. ж. лари. Формация ҳосил қилувчи т. ж. ларидан улар формациялар таркибидаги ривожланишининг тасодифийлиги билан фарқланади.

**Формаций породы формациеобразующие - Формация ҳосил қилувчи тоғ жинслари формациялари** - формациянинг асосий қисмини ташкил этиб, аксессуар т. ж. ларидан фарқланувчи т. ж. лари. Улар формациянинг петрографик кўринишини белгилайди.

**Формаций ряд комагматический - Комагматик формация қаторлари** - синхрон комагматик интрузив ва эффузив формациялари мажмуаси. Бурмаланиш областлари консолидациясининг охириги босқичларида аниқ намоён бўлади.

**Формаций семейства - Формациялар оилалари** - петрографик қатор формациялари ичида ажралиб турувчи ва айни вақтда асосий фашиал ва қўшимча петрогенетик хоссалари билан фарқ қилувчи формациялар мажмуаси. Ҳар бир формация оиласи формациялар комплексидан ташкил топган бўлади.

**Формаций фосфоритоносных группа вулканогенно-кремнистая - Вулканоген-кремнийли фосфоритли формациялар гуруҳлари** - яшил тошли, кремний сланецли, алоҳида кремнийли ва яшмали формацияларни бирлаштиради. Фосфоритлилик вулканоген формациядан кремнийли формацияга қараб ошиб боради. Қатламли турдаги фосфоритлар одатда кремнезем, Fe, Mn, баъзан Al билан парагенезда бўлади. Геосинклинал областларнинг ички қисмида, юқори протерозой ва қуйи палеозой ётқизиқларида тарқалган.

**Формаций фосфоритоносных группа глауконитовая - Глауконитли фосфоритли формация гуруҳлари** - терриген-глауконитли, карбонат-глауконитли (глауко-нит-бўрли) ва опокали-глауконитли қатор ҳосил қилувчи, ўз ичига фосфоритларни олган формациялар.

**Формаций фосфоритоносных группа терригенно-карбонатная - Терриген-карбонатли фосфо-**

**ритли формация гуруҳлари** - нубийск терриген ва турли рангли, кремний-терриген оҳактош формацияларини; атлас терриген-оҳактош формациясини, шунингдек терриген-карбонатли формацияни ва карбонатли қатламларни бирлаштирувчи формация. Атлас ва нубийск типдаги формациялари қаторини ташкил этади.

**Формаций члены - Формациялар аъзолари** - 1. Формацияни ташкил этувчи т. ж. лари, уларнинг пачкалари, свиталари, ётқизиқлари. Асосий ва иккинчи даражали, патрик ва аллофил турлари ажратилади. 2. Табиий асоциация бўлиб, хусусан фашиал қаторлар, фашиал аралашмалар кўринишида намоён бўлади.

**Формаций члены аллофильные - Формацияларнинг аллофил аъзолари** - мазкур формацияга қўшни формациялардан кириб келган аъзолар.

**Формаций члены второстепенные - Формацияларнинг иккинчи даражали аъзолари** - формациянинг оз миқдордаги, мавжуд бўлиши шарт бўлмаган қўшимча аъзолари.

**Формаций члены основные - Формацияларнинг асосий аъзолари** - формация асосий таркибини тавсифловчи аъзолари.

**Формаций члены патрические - Формацияларнинг патрик аъзолари** - мазкур формация учунгина тавсифли бўлган ва уни белгиловчи аъзо.

**Формационная биполярность - Формацион бикутблилик** - Ернинг жанубий ва шимолий ярим шарларининг бир хил кенгликларида тарқалган бир хил формациялар.

**Формационная генетическая сопряженность - Формацион генетик туташувлар** - Ер пўстида тарқалишининг маълум ареаллари ва маълум геологик вақт ораллигида ҳосил бўлган т. ж. лари ва улардан ташкил топган формацияларнинг маконда ва замонда яқинлиги ва гуруҳ ҳосил қилиши.

**Формационно-генетический ряд - Формацион-генетик қатор** - умумий типоморф-минералогик парагенезисли, ҳосил бўлиши бўйича генетик турлари бир бирига яқин бўлган формациялар мажмуаси. Бир хил петрологик жараёнлар натижасида ҳосил бўлиши билан бирга, одатда ҳаракат режимини, босимини ва у билан боғлиқ равишда ишқорлилик - м-л ҳосил қилувчи эритмалари кислоталигининг қонуний равишдаги шароитлари йўналиш бўйича ўзгариши кузатилади.

**Формационно-генетический ряд кварц-полевошпатовых метасоматитов - Кварц-далашпатли метасоматитларнинг формацион-генетик қатори** -  $\pm Kв \pm Kпш_{0-35} \pm Pl_{0-10} \pm (Pl_{5-50})$  типоморф минералогик парагенезисли, генетик жиҳатдан алоқадор метасоматик т. ж. лари формациялари мажмуаси.

**Формационно-генетический ряд метаморфогенно-ультраметаморфогенных гранитоидов - Метаморфоген-ультраметаморфоген гранитоидларнинг формацион-генетик қатори** -  $\pm Kв \pm Kпш_{10-40}^{0-0,8} \pm Pl_{10-40} \pm (Pl_{20-50})$  типоморф парагенезида бўлган м-лли, генетик жиҳатдан алоқада бўлган метаморфоген ва ультраметаморфоген т. ж. ларидан ташкил топган мигматит формациялар мажмуаси.

**Формационный вид (тип) - Формацион тур** - қ. *Формации абстрактные*

**Формационный ряд - Формацион қатор** - Ер пўстининг бирор участкасида, маълум кетма-кетликда формацияларнинг ҳосил бўлиши.

**Формация аляскитовая - Аляскит формацияси** - сўнаётган тектоник ҳара-катлар, нисбатан тинч шароитларда, тектоник-магматик цикллarning консолидациялари босқичида ҳосил бўлувчи бурмаланиш областлари формацияси. Фаоллашган структураларда ишқорлиликнинг ошиши билан тавсифланади. Интрузиялар лейкократли ва аляскитли гранитлардан иборат.

**Формация андезитовая - Андезит формацияси** - вулкан т. ж. ларининг ассоциациясидан иборат бўлиб, андезитлар ва андезит-базальтларнинг кенг тарқалиши билан тавсифланади.

**Формация антраконитовая - Антраконитли формация** - қатламли оҳақтош-сланецли т. ж. ларидан иборат. У қатламлилиқ тузилишига эга, қора рангли оҳақтошлар (антраконитлар) билан қора ва яшил кулранг алевролитлар, кул рангли кумтош қатламларининг цикли тузилишига эга.

**Формация (геогенерация) верхнемолассовая - Юқори моласс формацияси (геогенерация)** - бу формация конгломерат, шағал, кўп миқдордаги харсанг тошлар ва гравелитлардан, кам миқдорда ҳосил бўлган оҳақтошлардан иборат. Улар учун қатламлилиқ, циклилиқ хос. Қалинлиги минглаб метрлар билан ўлчанади.

**Формация вулканогенно- молассовая - Вулканоген-моласс формацияси** - Ер сатҳида ороген вулканизм билан боғлиқ равишда тўпланган йирик бўлакли вулканоген, вулканоген-чўкинди т. ж. ва лаванинг ассоциациялари. Чуқурликлардан андезит таркибли материалнинг ер юзасига чиқиши, бу материалларнинг қайта ётқизилишидан ҳосил бўлади.

**Формация габбро- диорит-гранодиоритовая - Габбро-диорит-гранодиорит формацияси** - бурмаланишининг бош фазаси билан боғлиқ бўлган интрузив формация. Асосий бурмаланиш структуралари бўйича йўналган ўрта ва йирик ўлчамли мураккаб, кўп фазали интрузиялардан ташкил топган.

**Формация габбро-диорит-диабазовая - Габбро-диорит-диабаз формацияси** - гипабиссал интрузиялар (асосан силлар, камроқ дайкалар ва нотўғри шакли таналар) габбро-диабазлар, габбролар, кварцли диабазлар, габбро-диоритлар, петрографик жиҳатдан эффузив спилит-диабазли, лекин у билан бевосита боғлиқликда учрамайдиган формацияга яқин ҳосилалардан ташкил топган. Бу формация миогеосинклинал зоналар учун хос бўлиб, габбро-диорит-диабазли кичик интрузиялар, эффузив спилит-диабаз формацияси бўлмаган ўринларни тўлдириб турувчи сифатида учрайди. У эрта геосинклинал магматизмнинг ягона намоён бўлувчи шакли (ҳосиласи)дир.

**Формация габбро-перидотитовая - Габбро-перидотит формацияси** - эвгеосинклинал турдаги бурмаланиш системасининг илк босқичлари учун энг тавсифли интрузив формация. У яна гипербазитли, ультрабоазитли, дунит-гарцбургитли, альпинотурли ва б. номлар билан юритилади. Таркибида дала шпатлари бўлмаган ультра асос т. ж. лари, асосан кам миқдордаги ромбик пироксенли гарцбургитлар, кам миқдорда тарқалган дунитлар, лерцолитлар, пироксенитлар кузатилади. Ультра асос т. ж. лари доим серпентинлашган. Бу формациянинг муҳим ташкил этувчиси габброидлардир. Унинг эффузив аналоглари йўқ.

**Формация гидрогеологическая - Гидрогеологик формация** - т. ж. ларида тўпланиш шароити умумий-

лиги билан тавсифланувчи сувли комплекслар гуруҳи.

**Формация гидрохимическая - Гидрохимёвий формация** - энг кўп эриган компонент бўйича бирлаштирилувчи гидрохимёвий фациялар гуруҳи.

**Формация гранит-гранодиоритовая - Гранит-гранодиорит формацияси** - бош бурмаланиш билан боғлиқ бўлган, бурмаланиш областлари ривожланишининг ўрта босқичи интрузив формациялари. Миогеосинклинал ривожланиш зоналарида тарқалган. Кўп фазали интрузиялардан ташкил топган бўлиб, бурмали структураларнинг ўқ қисмига, ички геосинклинал кўтарилишларнинг ички ўқи бўйича жойлашган бўлади. Габбро-диорит-гранодиорит формациясидан гранитларнинг тарқалиши билан фарқ қилади.

**Формация гранит-лейкогранитовая - Гранит-лейкогранит формацияси** - бурмали структураларнинг консолидацияланган шароитларида, бурмаланиш областлари ривожланишининг кечки босқичида ҳосил бўлган интрузив формация. Катта узунликларга эга бўлган узилмас структураларнинг унча чуқур бўлмаган қисмларида бурмаланишдан кейин ҳосил бўлган катта ўлчамли ва бир хил таркибли интрузиялардан ташкил топган. Интрузиялар биотитли ва икки слюдали лейкократли, калийли гранитлардан, аляскитли гранитлардан, граносиенитлардан, гранит-порфирлардан иборат.

**Формация гранитовая - Гранит формацияси** - баъзи бурмаланиш областлари ривожланишининг ўрта босқичи сўнгида намоён бўлади. Кичик интрузиялар (дайкалар, штоклар), шунингдек йирик батолитга ўхшаш таналар ҳосил қилади. Ўрталик массивлари ва бурмаланиш зоналари чегаралари, шунингдек фундаментдаги ёриқлар бўйлаб тарқалган. Г.ф. массивлари гранодиоритлар, адамеллитлар ва Na дан K кўп бўлган биотитли гранитлардан иборат. Улар гилли м-ллар-кордиеритлар, андалузитлар, гранатларга тўйинган.

**Формация грейзенов - Грейзенлар формацияси** - нордон ва ўта нордон гранитларнинг постмагматик фаолияти билан боғлиқ, генетик алоқадор бўлган метасоматик т. ж. лари комплекси. Ушбу т. ж. лари ўртача чуқурликдаги гранит массивларнинг апикал қисмларида ва интрузияларни камровчи турли таркибдаги т. ж. ларида рўй берувчи юқори ҳароратли кислотали метасоматоз ривожланишида шаклланадилар. Грейзенлар асос гранитоидлар ва м-л таркиби бўйича уларга ўхшаш бўлган вулканоген, чўкинди ва метаморфик т. ж. лари ҳисобига, шунингдек асос таркибли т. ж. ларининг кварц, мусковит, литийли слюда, биотит, топаз, баъзан микроклин каби грейзенга хос м-лларнинг янги ҳосилалари билан тўла алмашилиши ҳисобига ҳосил бўлади.

**Формация дунит-гарцбургитовая - Дунит-гарцбургит формацияси** - қ. *Формация габбро-перидотитовая*

**Формация дунит-пироксенит-габбровая - Дунит-пироксенит-габбро формацияси** - бурмали системалар ривожланишининг бошланғич босқичларидаги формация. Дифференциация-лашган габброли массивлардан (габбро, оливинли габбро, тилаитлар, габброноритлардан) ташкил топган бўлиб, уларда пироксенит қобиғи билан ўралган дунитлар мавжуд.

**Формация интрузивная (плутоническая) - Интрузив (плутоник) формация** - қ. *Формация магматическая.*

**Формация кимберлитовая - Кимберлит формацияси** - типик платформа формацияси бўлиб, 2 та фациялар кўринишида намоён бўлади: эксплозив (портлаш найлари) ва гипабиссал (дайкалар, томирлар). Кимберлит таналарининг жойлашиши чуқурликдаги ер ёриқлари билан назоратланади. Улар дарзликлар атрофида занжир ҳосил қилиб намоён бўлади. Ушбу формация билан туб олмос конлари боғлиқ. қ. *Кимберлит*.

**Формация коры выветривания - Нураш қобиғи формацияси** - парагенетик ўзаро боғлиқ бўлган геологик ҳосилалар бўлиб, нураш қобиғи ва чўкинди т. ж. ларидан иборат. Улар нураш қобиғи-нинг ҳосил бўлиши жараёнида, шунингдек кейинги ўзгаришларда у билан маконий алоқасини йўқотмайди ва бирламчи моддий таркибининг ўзига хос белги-ларини сақлаб қолади.

**Формация лёссовая - Лёсс формацияси** - лёсс ва лёссимон т. ж. лари мажмуаси. қ. *Лёсс*.

**Формация магматическая - Магматик формация** - Ер пўстининг бир турдаги, лекин турли ёшлардаги геотектоник элементларида қонуний равишда юзага келувчи комагматик т. ж. ларининг табиий ассоциациялари. М.ф. т. ж. ларининг таркиби ва уларнинг юзага келиши шароитлари каби белгилар билан тавсифланади. М.ф.лар таркибида петрографик жиҳатдан ва унинг петрографик қиёфасини белгилувчи т. ж. лари (гранитли, базальтли ва б.) ёки т. ж. лари мураккаб серияларининг типик вакиллари (габбро-плагиогранитли, спилит-диабазли, липарит-базальтли ва б.) қараб номланади. қ. *Ряд магматических формаций*.

**Формация метасоматическая - Метасоматик формация** - метасоматик келиб чиқи-шига эга бўлган геологик формациялар. Структуравий жиҳатдан тана ҳосил қилувчи ва бир таркибли петрографик турлардаги метасоматик т. ж. ларидан иборат. Ҳар бир М.ф. учун маълум физик-кимёвий шароитлар, шунингдек улар билан боғлиқ равишда м-л ҳосил қилувчи эритманинг ишқорлилиги, кислоталилиги, маълум типоморф м-ллар парагенезисининг маъдан-геокимёвий ихтисослашуви кузатилади. Булардан ташқари белгиланган оралиқларда ўзгараётган т. ж. ларининг бошланғич таркиби муҳим аҳамиятга эга.

**Формация металлогеническая - Металлогеник формация** - бир хил ёшдаги, бир-бирига яқин структуравий-геологик тавсифга, бир хил м-логик ва геокимёвий таркибга эга бўлган бир хил генетик турдаги конлар. Бу атама ўрнида “Маъдан формацияси” атамасидан ҳам фойдаланилади.

**Формация метаморфическая - Метаморфик формация** - эркин қўлланиладиган атама бўлиб, умумий тушунтиришга эга эмас. Кўп холларда чўкинди ва вулканоген т. ж. ларининг регионал метаморфизми натижасида геологик структуралар ривожланишининг турли босқичларида шаклланган геологик ҳосилалар тушунилади.

**Формация ортофириная - Ортофир формацияси** - таркибида нисбатан кўпроқ миқдорда калий бўлган нордон вулкан ва субвулкан интрузив т. ж. ларининг табиий ассоциациялари. Улар дифференциацияланган геосинклиналлар ривожланишининг бошланғич босқичларида ҳосил бўлади.

**Формация офиолитовая - Офиолит формацияси** - геосинклиналлар ривожланишининг бошланғич бос-

қичлари учун тавсифли бўлган габбро-спилит-диабаз-перидотитли т. ж. лари мажмуаси.

**Формация петрографическая - Петрографик формация** - магмаларнинг кристалланиши билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўлган барча т. ж. лари мажмуаси, яъни бевосита магмадан, магма контакти таъсиридан атрофдаги массаларнинг эриши ва ассимиляциясидан ҳосил бўлган т. ж. лари, у билан боғлиқ пегматит томирлар, маъдан ва номаъдан ф. қ. лар киради. Маълум фациал шароитларга мос равишда эффузив, интрузив ва б. формацияларни ажратиш мумкин.

**Формация порфириновая (базальтовых и андезитовых порфиритов) - Порфирит (базальтли ва андезитли порфиритлар) формацияси** - бурмаланиш системалари ривожланиши босқичининг охирида ҳосил бўлувчи кўтарилиш зоналарида намоён бўлувчи базальт, андезит-базальт, андезит-дацит порфиритларининг ўзига хос ассоциациялари.

**Формация порфировая - Порфирли формация** - Ер юзаси вулкан т. ж. лари формацияси бўлиб, б. брахигеосинклинал формациялар (моласли, қизил рангли, кўмирли ва б.) ассоциацияларини ҳосил қилади. Уларнинг таркиби нордон таркибли т. ж. ларининг, ўрта ва асос таркибли лаваларнинг кенг иштироки билан тавсифлидир.

**Формация спилит-диабазовая - Спилит-диабаз формацияси** - таркибида катта миқдорда спилит ва диабазлар, нордон лавалар кам миқдорда ёки умуман кузатилмайдиган тавсифга эга вулканоген формация, спилит-кератофирли гуруҳ. У жуда кенг тарқалган бўлиб, турли ёшдаги эвгеосинклинал қатламларнинг одатдаги компоненти ҳисобланади. Кўп ҳолда геосинклинал магматизм шу турдаги формациядан ташкил топади.

**Формация спилит-кератофириная - Спилит-кератофир формацияси** - бирламчи геосинклинал эгилмалар ҳосил бўлишининг илк босқичлари учун тавсифли бўлган лавалар, уларнинг асосли ва нордон таркибли пирокластолитлари ҳамда субвулкан интрузив т. ж. ларининг табиий ассоциациялари. Булар вулканоген-чўкинди таркибли комплекс ҳисобланади. Сув ости шароитида ҳосил бўлган эффузив т. ж. лари диабазлар, спилитлар, спилитли ва диабазли порфиритлардан, шунингдек кератофирлар ва кварцли кератофирлардан иборат.

**Формация стратиграфическая - Стратиграфик формация** - хорижий стратиграфик таснифларнинг асосий литостратиграфик бўлимини устки ва остки қатламларидан ажратиш ва майдонда кузатиш имкониятини берадиган маълум литологик белгилар асосида ажратилган геологик тана. Маъносига кўра С.ф. “Свита” атамасига жуда яқин туради.

**Формация угленосная - Кўмирли формацияси** - зоналли тузилишга эга геологик таналар бўлиб, парагенетик алоқадорликдаги полифациал кўмирли комплексдан иборат; маълум қалинликка ва тарқалиш майдонига эга.

**Формация фациальная - Фациал формация** - нимиялардан (катта географик областларнинг; очиқ шельф, дельта, сахро, тоғ тизмаси ва б. иборат фациялари комплекси) иборат энг йирик фациялар комплекси. Бундай формациялар континентал ва денгиз хилларига бўлинади.

**Формация фосфоритоносная глауконитово-кар-**



**бонатная - Фосфоритли глауконит-карбонат формацияси** - қ. *Формация фосфоритноносная глауконитово-меловая.*

**Формация фосфоритноносная глауконитово-меловая - Фосфоритли глауконит-бўр формацияси** - оқ рангли ёзиш бўри, бўрли мергеллар билан паразитизмда бўлган глауконит қуми ва опокадан иборат, таркибида марказит, кремний, гуддасимон фосфоритлар мавжуд бўлиши мумкин. Қалинлиги бир неча ўн метрни ташкил этади.

**Формация чарнокитов - Чарнокитлар формацияси** - магматитлар формациясининг тури бўлиб, генетик томондан бир-бирига яқин бўлган граинтоидлар туридаги т. ж. ларини ўз ичига олади. Хосил бўлиши бўйича метаморфлашган ва ўта метаморфлашган бўлиб, т. ж. лари таркиби бўйича гра-нитлардан диоритгача ажралади.

**Формация щелочная оливин-базальтовая (трахибазальтовая) континентов - Континентларнинг ишқорий оливин-базальтли (трахибазальтли) формацияси** - бурмаланиш тугалланган ҳудудларда, шунингдек қадимий платформаларда қисман тарқалган магматик формациялар. Айниқса рифт зоналаридаги йирик ёриқлар бўйлаб жойлашувчи баъзи марказлар атрофида муайянлашувчи катта хажмга эга бўлган магматик ҳосилалар билан тавсифланади.


**Формация щелочно-базальтоидная - Ишқорий-базальтоидли формация** - вулканоген т. ж. лари ассоциацияси асосан ишқорий базальтоидлардан: тефритлар, базанитлар, нефелинли ва лейцитли базальтлар, нефелинитлар, лейцитлар, лимбургитлар, авгититлар, мелилитли базальтлар ва б.лардан ташкил топган.

**Формация щелочно-габброидная - Ишқорий-габброидли формация** - бурмаланиш областлари консолидацияланиши ёки фаоллашуви жараёни билан боғлиқ бўлган ишқорли-габброидлар (эссек-ситлар, эссексит-порфиритлар, конгресситлар, мельтейгитлар ва б.) ишқорли ва нефелинли сиенитлар.

**Формация щелочно-гранитоидная - Ишқорий-гранитоидли формация** - бурмали структураларнинг фаоллашуви босқичида хосил бўлган ишқорли гранитлар, граносиенитлар, ишқорли ва нефелинли сиенитлар формацияси. Йирик интрузиялар, томир интрузиялари ва тектоник ёриқлар зонасига жойлашган таркибан бир жинсли бўлмаган дайкалар кўринишида намоён бўлади.

**Формула координационная - Координацион формула** - кристаллокимёда атомларнинг ўзаро жойлашишини тавсифловчи ёзмалар системаси.

**Формула Курлова - Курлов формуласи** - сувнинг кимёвий таркиби асосий хусусиятларини акс эттирувчи формула бўлиб, сув таркибида 5 % эквивалентдан ортиқ анион ва катионлар бўлганда, каср суратида анионлар, махражида катионлар берилади. Ион белгиси ёнида унинг миқдори % - эквивалентларда кўрсатилади. Каср олдида қисқартирилган ҳолда сувнинг м-ллашиши  $M(\text{г/л})$  ёки газлар  $(\text{мг/л})$  ва радиоактивлик (Эманларда) кўрсатилади. Касрдан кейин сувнинг харорати  $T (C^0)$  ва дебити  $(\text{м}^3/\text{сут.})$  да ифодаланади.  $\text{CO}_2$  1,0,  $\text{H}_2\text{S}$  0,01,  $\text{Rn5}$   $\text{M}_3$



$t^{\circ}45$  Д5. Иккинчи анион ва катионлар миқдори жуда кичик бўлган ҳолларда ҳам уларни ифодада кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

**Формула Стокса - Стокс формуласи** - заррачаларнинг суюқликда чўкиши тезлиги формуласи:

$$V = Kgr^2 \frac{\rho^1 - \rho}{\mu}; \text{ бунда: } V$$

-заррачанинг чўкиш тезлиги,  $g$ -эркин тушиш тезлиги,  $r$ -заррача радиуси,  $\rho^1$ -заррача зичлиги,  $\rho$ -суюқлик зичлиги,  $\mu$ -суюқлик ёпишқоқлик коэффициенти.

**Формула Чечетта-Ричардса - Чечетт-Ричардс формуласи** - намуналар қисқартирилган кейинги йўл қўйилиши мумкин бўлган оғирлигини ва энг йирик бўлақчаларининг (зарраларнинг) ўлчамини боғловчи тенглама:

$$Q = Kd^3,$$

бунда:  $Q$ -намунанинг қисқартирилгандан кейинги оғирлиги, (кг.да),  $d$ -намунадаги бўлақчанинг (зарранинг) диаметри (мм.да);  $K$  - эксперимент йўли билан намунани ишлаш вақтида аниқланадиган коэффицент. Формуладан намуналарни ишлаш схемасини тузишда, майдалашда ва босқичлар бўйича қисқартиришда фойдаланилади.

**Формулы магматические - Магматик формулалар** - т. ж. ларининг кимёвий таҳ-лили натижаларини ифодалашнинг энг қулай шакли. Бунда асосий компонентларнинг ўзаро нисбати орқали т. ж. ларининг кимёвий хоссалари аниқланади. Кимёвий анализларни қайта ҳисоблаш ва чизмаларда ифодалашнинг бир неча усуллари мавжуд.

**Формулы минералов - Минералларнинг формуллари** - м-лларнинг таркибини ва қисман структурасини кимёвий бирикмалар формулаларига ўхшаш изоморфизм кўринишларини акс эттирувчи баъзи бир қўшимчалар билан белгилаш. У энг керакли компонентларнинг сифат таркибини ва уларнинг миқдорий нисбатларини акс эттиришда фойдаланилади. Мас: оксидлар кўринишида ёзилган ортоклаз ёки микроклин  $(\text{K,Na})_2\text{FAI}_2\text{O}_3 \cdot 6\text{SiO}_2$  кислотали бирикмалар учун фойдаланилади.; қавс ичида вергул билан ажратилиб изоморф элементлар бирлаштирилади ва бунда етакчи элемент биринчи ёзилади. Бундан ташқари бошқа хусусиятларини, тузилишини, муҳим сифатларини акс эттириш учун соддалаштирилган кристаллокимёвий формулалардан фойдаланилади.

**Формы кристалов - Кристаллар шакллари** - кристал таналарнинг қирра-лари, томонлари ва учлари мажмуаси.

**Формы рельефа - Рельеф шакллари** - тузилишининг яхлитлиги билан фарқланувчи рельеф элементлари. Рельеф шакли бўйича оддий ёки элементар ва мураккаб турларга бўлиниши мумкин. Рельеф шакллари мажмуаси умумий рельефни ҳосил қилади. Уларнинг маълум генезисдаги, ёшдаги ва ташқи кўринишдаги мажмуаси "рельеф тури" деб юритилади.

**Формы рельефа аккумулятивные - Аккумулятив рельеф шакллари** - музликлар, шамол, сув ёрдамида келтирилган т. ж. ларининг тўпланишидан ҳосил бўлган рельеф шакли. Аккумулятив рельеф одатда денудацион рельеф билан корреляцияланади. Чунки уларнинг емирилишидан ҳосил бўлади. А.р.ш. ларини субазрал ва сув ости турлари ажратилади.

**Формы рельефа денудационные - Денудацион**

**рельеф шакллари** - денудация натижасида ҳосил бўлган рельеф шакли. Одатда у аккумулятив рельеф билан коррелятив алоқада бўлади. Бу ўз навбатида аккумулятив рельеф ётишини аниқлаш имконини беради..

**Формы рельефа оползневые - Сурилма рельефи шакллари** - сурилмалар ҳосил бўлиши билан юзага келади. Унга сурилма цирки, сурилма террасалари, сурилма дўнгликлари, ариқлари, сурилма массиви са-тхи ва б. киради.

**Формы рельефа органогенные - Органоген сурилма рельефи шакллари** - Ер юзасида жонзотларнинг ва ўсимликларнинг ҳаёт фаолияти билан боғлиқ равишда ҳосил бўлган рельеф шакллари. Бунга инсон фаолияти билан боғлиқ рельеф шакллари кирмайди.

**Формы рельефа отрицательные - Ботиқ (манфий) рельеф шакллари** - музлақ ва нисбий баландликлардан қатъий назар, ер юзасидаги нисбатан пастқам участкалар. Улар одатда мусбат рельеф шакллари билан ўралган бўлади. Улар турли генезисга, ўлчамларга ва кўринишга эга бўлиши мумкин.

**Формы рельефа положительные - Қабариқ (мусбат) рельеф шакллари** - музлақ ва нисбий баландлигидан қатъий назар, ер юзасига нисбатан кўтарилган участкалар. Улар одатда манфий рельеф билан ўралган бўлиб, турли генезисга, ўлчамга ва кўринишга эга бўлиши мумкин.

**Формы рельефа реликтовые - Реликт рельеф шакллари** - замонавий рельеф ҳосил бўлиши жараёнларига ва унинг босқичларига хос бўлмаган рельеф шакли.

**Формы рельефа речные - Дарё рельефи шакллари** - мавсумий ёки доимий оқар сувларнинг фаолияти натижасида ҳосил бўлган эрозия ва аккумулятив рельеф шакллари. Уларга водий турлари, террасалар, қайирлар, шаршаралар, остоналар, қуруқ дельталар ва б. киради.

**Формы рельефа эоловые - Эол рельефи шакллари** - шамол фаолияти билан боғлиқ равишда ҳосил бўлган рельеф шакллари. Улар коррозия, дефляция, аккумуляция жараёнлари натижасида ҳосил бўлади.

**Форнасит - Форнасит** -  $Pb_2Cu[OH|CrO_4|AsO_4]$ . Тўқ яшил рангли призмалар шаклидаги м-л. Диоптаз билан ассоциацияда учрайди.

**Форстерит - Форстерит** -  $Mg_2[SiO_4]$ . Кат. 6,5-7. Сол. оф. 3,3. Силикатлар кичик синфининг оливин гуруҳига мансуб м-л. Ранги - кулранг, сарик, яшил, рангсиз, шишасимон ялтироқ, бўшоқ майда донадор агрегатли м-л. Термал метаморфизмнинг илк янги ҳосиласи сифатида доломитли оҳақтошларда учрайди. Йўлдош м-ллари: серпентин, хондрадит, клиногумит, брусит, шпинель. Син.: болтонит, магнийли оливин.

**Фортунит - Фортунит** - авгит, бронзит, санидин ва шишадан иборат, кам миқдорли фенокристалли, флогопитли ва авгитли ишқорий базальтоидлар тури.

**Фоссилизация - Фоссилитланиш** - қ. *Окаменение*.

**Фосфаты - Фосфатлар** - таркибан жуда хилма-хил, ортофосфор кислотасининг ( $H_2PO_4$ ) тузлари. Улар ичида қуйида-гиларни ажратиш мумкин: -нордон сувсиз-монетит  $CaH[PO_4]$  ва б.; -нормал сувсиз-витлокит  $Ca_3[PO_4]_2$ , монацит (Ce, Zr, Nd, Th)[ $PO_4$ ] ва б. -нордон сувли-гюролит  $Mn_5H_2[PO_4]_4 \cdot 4H_2O$  брушит  $CaH[PO_4] \cdot 2H_2O$  ва б.; -нормал сувли-файрфилдидит  $Ca_2(Mn,Fe)[PO_4]_2 \cdot 2H_2O$ , вивианит  $Fe_3[PO_4]_2 \cdot 8H_2O$  ва б.; -сувсиз Cl, F, OH ли; уларнинг асосий вакили: -апатит  $Ca_5[(F, Cl, OH)(PO_4)_3]$ ; -сувли OH ли - веселиит  $(CuZn)_3[(OH)_3|PO_4] \cdot 2H_2O$ , феруза  $CuAl_6[PO_4](OH)_2 \cdot 4H_2O$ ; -мураккаб фосфатлар- агар ардеалит (арделит) бўлса  $Ca_4H[SO_4][PO_4] \cdot 4H_2O$  ва б; Уларнинг физик хоссалари 1) солиштирама оғирлик:-сувсизлари 3,2-7; сувлилари 7,6-4; 2) қаттиқлиги: сувсизлари 4-5; сувлилари 3-4;

**Фосфор - Фосфор, P** - М.д.с. нинг V-гуруҳига мансуб к.э. Т.р. 15, ат.м. 30,97376. Битта изотопи -  $P^{31}$  ва б та сунъий радиоактив изотопи бор. Ер пўстининг масса жиҳатидан  $8 \cdot 10^{-2}$  % ни ташкил қилади. Фаол элемент бўлиб, табиатда фосфоритлар ва апатитлар таркибида учрайди, Оқ, қизил ва қора ф. маълум. Ф. харбий мақсадларда, гугурт саноатида, металлургиядаги фосфорли ўғитлар, ювувчи воситалар и. ч. да ва б. қўлланилади.

**Фосфор в углях - Кўмирлардаги фосфор** - кўп ҳолларда органик моддалар билан боғлиқ бўлган кўмир таркибига кирувчи м-ллар. Уларнинг келиб чиқиши ҳақида икки хил: -бошланғич организмлар ва м-лларнинг липопротеидлари ҳисобига ҳосил бўлган ва "ташқаридан олиб келинган м-ллар ҳисобига ҳосил бўлади" деган фикр мавжуд. Унинг миқдори фоиздан кам бўлиб зарарли қўшимча ҳисобланади.

**Фосфор органический - Органик фосфор** - сув, лойқа ўзан ётқиқликлари ва чўкинди т. ж. лари органик бирикмалари таркибига кирувчи модда.

**Фосфорит - Фосфорит** - апатит гуруҳига мансуб м-л. Кат. 2-5. Сол. оф. 3-3,2. Апатит ва б. фосфатларнинг чўкинди т. ж. ларидаги тўплами Ф. деб юритилади. Таркибида  $P_2O_5$  миқдори 18 % бўлганда фосфор маъдани ҳисобланади. Уларнинг ҳосил бўлиши кимёвий ёки биоген. Фосфат гуддалари-бўзранг, қорамтир-бўз, қора бўлади. У одатда ўғит сифатида, шунингдек кимё ва металлургия саноатида ишлатилади.

**Фосфоритная мука - Фосфор уни** - кукунга айлан-тирилган фосфорит.

**Фосфориты - Фосфоритлар** - таркибида 50 % дан ортиқ апатит ва мартинит гуруҳига мансуб бўлган аморф ёки микрокристалли кальций фосфати мавжуд бўлган т. ж. лари. Геология қидирув ишларида фосфоритлар "фосфорит маъданлари" деб юритилади. Уларнинг таркибидаги  $P_2O_5$ нинг миқдори 5 % дан 18 % фоизгача бўлган ҳолда уларни очиқ усулда қовлаб олиш ва енгил бойитиш натижасида саноат аҳамиятига эга концентратлар олиш мумкин. Баъзи фосфоритларни қайта ишлаш натижасида қўшимча ф. қ. сифатида U, нодир ер элементлар, F, V ажратиб олиниши мумкин.

**Фосфориты метаморфизованные апатитоносные - Апатитли метаморфлашган фосфоритлар** - бундай фосфоритлар гранит интрузиялари билан контакт зоналарида ҳосил бўлиб, оқ ёки пушти ранга эга бўлади, фторкарбонат апатитлар ёғочсимон ёки кристал заррачали фторapatитга айланади.

**Фосфориты пластовые - Қатламли фосфоритлар** - қатлам ҳосил қилиб ётувчи, фосфорит цементи ва фосфорит заррачалари ёки пелитлардан (0,06-2,0 м) иборат. Улар чуқур бўлмаган денгизларда ва қўлтиқларда биокимёвий чўкиш ва б. йўллар билан ҳосил бўлади.

**Фосфориты ураноносные - Уранли фосфорит-**

**лар** - шаклланишига кўра иккига: кимёвий ва органик фосфатли ҳосилаларга бўлинади. Ураннинг тўпланиши фосфорит маъданли горизонтларнинг ҳосил бўлиши билан бир вақтда юз беради. Ураннинг кичик концентрацияга эга бўлиши ( $5 \cdot 10^{-5}$  дан  $3 \cdot 10^{-2} \%$  гача, кўп ҳолларда  $1 \cdot 10^{-2}$ - $4 \cdot 10^{-2} \%$ ) уни фақат комплекс маъдан сифатида ўзлаштириш имконини беради.

**Фосфоррёлерит - Фосфоррёлерит** -  $MgH[PO_4] \cdot 7H_2O$ . Кат. 2,5. Сол.оф. 1,73. Изометрик, қисқа призмалар шаклидаги, сарғиш рангли, шишасимон ялтироқ м-л.

**Фосфоферрит - Фосфоферрит** -  $(Fe^{2+}, Mn)_3[PO_4]_2 \cdot 3H_2O$ . Кат. 4. Сол. оф. 3,3. Ф.-реддингит изоморф сериясининг  $Fe > Mn$  бўлган м-ли. Сарғиш, яшил, оч қизғиш, жигаррангли м-л. Йўлдош м-ллари: лудамит, вивизит. Пегматитларда учрайди.

**Фосфофиллит - Фосфофиллит** -  $Zn_2 Fe^{3+} Mn [PO_4]_2 \cdot 4H_2O$ . Кат. 3-3,5. Сол. оф. 3,08. Оқ, кўкимтиряшил рангли м-л.

**Фотокарта - Фотохарита** - қ. *Фотосхема*. **Фотокolorиметры - Фотокolorиметрлар** - фотозлементлар ва электр ўлчаш қурилмаси билан жиҳозланган, ёруғлик нурларини ютилиш натижасида ҳосил бўлган фотокларини ўлчашга мосланган асбоблар.

**Фотометрия - Фотометрия** - геология қидирув ишларида геология қидирув иншоотларининг деворлари ва очилмаларини аввалдан қабул қилинган масштабларда ва йўналишларда шу расмлардаги бериладиган фототасвирларга тушириш (геологик жисмларнинг қалинлигини, уларнинг ётиш бурчакларини ва ҳ.к.ларни).

**Фотосхема - Фотосхема** - аэрофотосъемкада бир масштабга келтирилмаган ўзгартирилмаган контактли фотосуратларнинг йиғилган монтажи тўплами. Хар бир фотосуратнинг ўрта қисми (ишланадиган майдон) кесиб олиниб картон қоғозга ёпиштирилади. Ушбу амал хатоликларни минимал даражага қисқартириш имконини беради.

**Фошагит - Фошагит** -  $Ca_4[(OH)_2Si_3O_9]$ . Кат.2,4-3,0; сол.оф.2,67. Толасимон агрегатли, оқ рангли м-л. Контакт ўзга-ришга учраган оҳактошларда учрайди.

**Фоязит - Фоязит** -  $Na_2Ca[Al_2Si_4O_{12}]_2 \cdot 16H_2O$ . Кат. 5,5. Сол. оф. 1,92. Рангсиз, оқ, сарғиш, кўнғир, рангли, шишасимон ялтироқ м-л. Цеолит, шабазитга яқин, октаэдрик кристалл шаклдаги м-л. Асосан эффузив т. ж. ларида учрайди. Йўлдош м-ллари: филлипсит, жисмандин, шабазит, авгит. Син.: фойгазит, фоязит, жожазит.

**Фракции - Фракциялар** - ўлчамлари (гранулометрик фракция), солиштирма оғирлиги (оғир ва энгил фракция), магнит хоссалари (электромагнит фракцияси) ёки электр хоссалари (электростатик фракция) жиҳатидан бир бирига яқин бўлган т. ж. лари заррачалари, шунингдек таркиби ва хоссалари бир хил бўлган органик моддалар, нефть ва б.ларнинг таркибига кирувчи бирикмалар.

**Фракция алевритовая - Алеврит фракцияси** - чўкинди т. ж. ларини ташкил этувчи, ўлчамлари 0,01 дан то 0,1 мм гача (0,005мм-0,05мм) бўлган заррачалар.

**Фракция глинистая - Гил фракцияси** - чўкинди т. ж. ларидан кукун қилиб лойқалатиш йўли билан ажратиладиган, ўлчамлари  $< 0,001$ мм (ёки 0,005 мм) бўлган заррачалар.

**Фракция грубообломочная - Йирик бўлак**

**фракция** - чўкинди т. ж. лари ва ўзан ётқиқиқлари таркибига кирувчи, ўлчамлари 1мм дан то 100 см гача бўлган бўлаклар.

**Фракция легкая - Енгил фракция** - т. ж. нинг ажратиб олинган ва солиштирма оғирлиги  $2,85г/см^3$  дан кам бўлган енгил м-ллардан ташкил топган қисми. Отқинди ва метаморфик т. ж. ларида унинг миқдори кескин ўзгарувчан. Чўкинди т. ж. ларида уларнинг миқдори 99 % гача боради.

**Фракция минеральная - Минерал фракцияси** - таснифлаш жараёнида йириклиги ёки м-л ассоциациялари бўйича ажратиладиган м-ллар миқдорининг бир қисми.

**Фракция пелитовая - Пелит фракцияси** - ўлчами 0,01мм дан кичик бўлган чўкинди т. ж. лари ва ўзан ётқиқиқлари заррачалари.

**Фракция песчаная - Кум фракцияси** - чўкинди т. ж. ларини ташкил этувчи ва ўлчами 0,1мм дан то 1мм (0,05-2мм) гача бўлган турли т. ж. ларининг бўлаклар.

**Фракция тяжелая - Оғир фракция** - т. ж. нинг ажратиб олинган, солиштирма оғирлиги  $2,85г/см^3$  дан кўп бўлган оғир м-ллардан ташкил топган қисми. Отқинди ва метаморфик т. ж. ларида кенг доирада ўзгариб туради, чўкиндиларида эса, унинг миқдори кўпинча фонининг кичик бўлакларини ташкил қилади.

**Фрейбергит - Фрейбергит** -  $(Ag,Cu,Fe)_{12}(Sb,As)_4S_{13}$ . Кат. 3,5-4,5. Сол. оф. 4,5-5. Қора рангли м-л. Мўрт. Пишиқ доначали масса. Антимонит, алемонтит, галенит, аргентитлар билан бирга учрайди. Син.: афтонит, лейкаргирит, полителит ва б.

**Фрейеслебенит - Фрейеслебенит** -  $PbAgSbS_3$ . Кат. 2-2,5. Сол. оф. 6,2-6,3. Кумушранг-оқ рангли, зич, майда, донадор агрегатли, металсимон ялтироқ м-л. Гидротермал конларда аргентит, пираргирит ва Ag нинг б. м-ллари билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари: сидерит, галенит, аргентит, пираргирит. Син. делискит.

**Фриделит - Фриделит** -  $(Mn,Fe)_8[(OH,Cl)_{10}Si_6O_{15}]$ . Кат. 4-5. Сол. оф. 3. Пиросмалит ва шаллеритларга мансуб бўлган гуруҳнинг асосий вакили. Ранги миссимон сарғиш, қизил, шишасимон ялтироқ, жуда майда заррачали, радиал нурсимон агрегатли м-л.

**Фройденбергит - Фройденбергит** -  $Na_2Fe_4Ti_{12}O_{32}$ . Сол. оф 4,38. Қора, кўнғир қора рангли м-л. Ишқорий сиенитда санидин, эгирин, апатит билан бирга учрайди.

**Фронт волны - Тўлқин фронти** - сейсмик тўлқин тарқалаётган майдон билан тинч ҳолатдаги майдонни ажратиб турувчи сатҳ.

**Фронт минерализации - Минераллашиш фронти** - минераллашиш жараёни тарқалишининг олдинги зонаси. Жараён ривожланиши билан унинг жойлашиши ўзгаради. Т. ж. лари ўзгаришининг тарқалиши чегараларини зона сифатида талқин қилиш метаморфизм жараёнини ўрганишда ҳам кенг қўлланилади.

**Фтанит - Фтанит** - қаттиқ, зич, қора рангли криптористаллик қатламли т. ж. Унинг таркибини 95-98 % сочилган органик моддали кварц ва халцедон ташкил этади. Физик-кимёвий хоссалари бўйича Ф. яшмани эслатади; ундан фақат ранги билан фарқланади.

**Фтор - Фтор, F** - М.д.с. нинг VII-гуруҳига мансуб к.э. Т.р. 9, ат.м. 18,9984, галогенлар гуруҳига киради. Ф. бир изотоп  $F^{19}$  дан иборат, бешта сунъий изотопи бор. Оч сариқ тусли, ўткир ҳидли, заҳарли газ.  $-219,6^\circ C$

да суоқланади,  $-188,1^{\circ}\text{C}$  да қайнайди. Ер пўстининг масса жиҳатидан  $2,7 \cdot 10^{-2} \%$  ини ташкил қилади. Унинг энг муҳим м-ли флюорит Ф. и. ч. да асосий хом ашё ҳисобланади. Олинган Ф. нинг асосий қисми фтор-органик бирикмалар тайёрлаш учун сарфланади. Ракета, атом техникасида фойдаланилади.

**Фторapatит - Фторapatит** -  $\text{Ca}_5(\text{PO}_4)_3\text{F}$ . Кат. 5. Сол. оф. 3,2. *Апатит* гуруҳи м-ли. Турли рангдаги, шишасимон, ёғсимон ялтироқ, сферолитсимон, массив, донадор агрегатли м-л. Пегматитларда, гидротермал томирларда, метасоматик оҳақтош-силикатли ва карбонатли т.жларида учрайди. Апатит-нефелинли маъданларнинг ва фосфоритларнинг асосий компоненти.

**Фторолиты - Фторолитлар (ратовкит)** - F билан кучли бойиган чўкинди т. ж. бўлиб, одатда фторли кальцит таркибига киради.

**Фуксит - Фуксит** - таркибига 1 % дан 6 % гача  $\text{Cr}_2\text{O}_3$  бўлган мусковит м-лининг кўриниши. Кварцит, сланец, гнейс, доломит, метаморфлашган хромитларда учрайди; баъзан хлоритлар ҳисобига ҳосил бўлади. Син.: хроммусковит.

**Фульгуриты - Фульгуритлар** - чақмоқ таъсирида чўкинди т. ж. ларининг бўртган қисмларида ҳосил бўладиган кремнеземли қувурсимон ёки б. шаклдаги ҳосилалар.

**Фумаролы - Фумаролалар** - қайноқ вулкан газлари ва буғларининг вулкан юзасидан, дарзликларидан, каналларидан, совиган лава ва пирокластик отқиндилар ва уларнинг қопламаларидан оқиб ёки буғланиб чиқиб туриши.

**Фундамент платформы кристаллический - Платформанинг кристаллик фундаменти** - мураккаб дислокацияланган геосинклиналларнинг чўкинди ва магматик формацияларидан ташкил топган платформалар асоси. Т. ж. лари олдинги платформа ва геосинклиналь босқичдаги бурмаланиш, регионал метаморфизм ва гранитлашишнинг тугаши билан ҳосил бўлади..

**Фундамент складчатый - Бурмали фундамент** - қ. *Фундамент платформы кристаллический*.

**Фушерит - Фушерит** -  $\text{Ca}(\text{Fe}^{3+}, \text{Al})_4[(\text{OH})_8|\text{PO}_4]_2 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$ . Кат. 3,5. Сол. оф. 2,7. Кўнғир қизил рангли, зич буйраксимон агрегатли м-л.. Кумтошларда учрайди.

**Фюлөппит - Фюлөппит** -  $\text{Pb}_3\text{Sb}_6\text{S}_{15}$ . Кат. 2. Сол. оф. 5,23. Қўрғошинсимон-кул рангли, металлсимон ялтироқ м-л. Гидротермал конларда цинкенил ва сфалерит билан бирга учрайди.

**Хагендорфит - Хагендорфит** -  $(\text{Na}, \text{Ca}) \text{Mn} (\text{Fe}^{2+}, \text{Fe}^{3+} \text{Mg})_2(\text{PO}_4)_3$ . Кат. 3,5. Сол. оф. 3,71. Яшил-қора рангли, йирик, донадор, нурсимон агрегатли м-л.. Экзоген, гранитли пегматитларда трифилит билан бирга учрайди.

**Хадакристаллы - Хадакристаллар** - қонуниятсиз, турли сўниш бурчагига эга бўлган йирик м-лдаги майда м-л ўсимталари.

**Хадалиты - Хадалитлар** - Ер юзасига оқиб чиққан лава таркибига қаттиқ материаллар аралашмаси. Таркибан магматик т. ж. ларига бегона бўлган т. ж. лари бўлақлари ҳам учрайди. Х. гомоген, эналлоген, пневматоген ва полиген турларга бўлинади.

**Хай-иси - Хай-иси** - қ. *Туфолава*.

**Хакассит - Хакассит** - алюмогидрокальцит м-ли билан бир хил м-л.

**Хаки - Хаки** - оқим кузатилмайдиган, лойқа, шўр сувли, кичик сув ҳавзалари.

**Халькофиллит - Халькофиллит** -  $\text{Cu}_{15}\text{Al}_2[(\text{OH})_9|\text{SO}_4\text{AsO}_4]_3 \cdot 36\text{H}_2\text{O}$ . Кат. 2. Сол. оф. 2,4-2,6. Яшил рангли, садафсимон ялтироқ, варақсимон агрегатли м-л. Мис конларининг оксидланиш зонасида учрайди. Йўлдош м-ллари: халькопирит, куприт. Син.: купрофиллит, тамарит.

**Халцедон - Халцедон** -  $\text{SiO}_2$ . Кат. 6-7. Сол. оф. 2,6.. Кварцнинг толасимон яширин кристалли м-ли. Кулранг, мовий-кулранг, кулранг-сарғиш, ипаксимон, шишасимон ялтироқ, буйраксимон, шингилсимон, сферолитсимон агрегатли м-л. Эффузив т. ж. ларининг бодомсимон бўшлиқларида ва дарзликларидаги м-лларда псевдоморфоза сифатида учрайди. Чўкинди т. ж. ларида нотўғри шаклдаги гуддаларни ҳосил қилади. Йўлдош м-ллари: кварц, цеолитлар, карбонатлар.

**Халцедонолиты - Халцедонолитлар** - қ. *Силоколиты*.

**Халькантит - Халькантит** -  $\text{Cu} [\text{SO}_4] \cdot 5\text{H}_2\text{O}$ . Кат. 2,5. Сол. оф. 2,3. Мовий, яшилроқ рангли, зич донадор, тангчасимон агрегатли, шишасимон ялтироқ м-л. Сувда енгил эрийди. Оксидланиш зонасидаги мис маъдани. Арид минтақаларда саноат аҳамиятига эга кон ҳосил қилади. Йўлдош м-ллари: халькопирит, мелантерит, пирит. Цинккупрохалькантит, феррохалькантит турлари мавжуд. Син. мис купароси, цианозит.

**Халькоалюмит - Халькоалюмит** -  $\text{CuAl}_4[(\text{OH})_{12}|\text{SO}_4] \cdot 3\text{H}_2\text{O}$ . Кат. 3. Сол. оф. 2,29. Феруза ҳаво рангли, шишасимон ялтироқ м-л. Оксидланиш зоналарида тарқалган. Йўлдош м-ллари: мис карбонатлари, лимонит.

**Халькозин - Халькозин** -  $\text{Cu}_2\text{S}$ . Кат. 2,5-3. Сол. оф. 5,5-5,8. Қўрғошинсимон кул рангли, металлсимон ялтироқ, кўпгина маъданли конларнинг оксидланиш зонасининг одатдаги м-ли. Электр ўтказувчанлик хусусиятига эга. Бирламчи гидротермал Х. мис конларида борнит, халькопирит ва б. сульфидлар билан бирга учрайди. Син.: мис ялтироғи, куприт, купреин, редрутит, халькоцит, циприт.

**Халькоменит - Халькоменит** -  $\text{CuSeO}_3 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ . Кат. 3-3,5. Сол. оф. 3,36. Оч кўк рангли, шаффоф, игнасимон агрегатли, шишасимон ялтироқ м-л. Бирламчи Cu селенидларини оксидланиши маҳсули. Игнасимон селенит, молибденит, берцелианит, ферроселит ва б. билан ассоциация ҳосил қилади.

**Хальконатрит - Хальконатрит** -  $\text{Na}_2\text{Cu}[\text{CO}_3]_2 \cdot 3\text{H}_2\text{O}$ . Сол. оф. 2,27. Яшил-кўк рангли, юмшоқ м-л.

**Халькопирит - Халькопирит** -  $\text{CuFeS}_2$ . Кат. 3,5-4. Сол. оф. 4,1-4,3. Сульфидлар синфига мансуб, латунсимон сариқ рангли металлсимон ялтироқ, яхлит донадор агрегатли м-л.. Кечки магматик сульфидлар билан бирга металл гидротермал томирларда учрайди. Метаморфик жараёнлар натижасида ҳосил бўлади. Чўкинди фацияларда сульфидларнинг иккиламчи бойиш зонасида ҳам бўлиши маълум. Асосий мис эритиб олинадиган маъдан. Йўлдош м-ллари: пирит, пирротин, сфалерит, галенит, кварц, сидерит, доломит, флюорит. Син.: гомихлин, мис колчедани, сариқ мис маъдани, торванит.

**Халькопирротин - Халькопирротин** -  $\text{CuFeS}_2$  ва  $n\text{FeS}$ . Кат. 4. Сол.оғ. 4,08-4,18. Нисбати 1:1 дан то 1:6 гача бўлган қаттиқ эритма ҳолидаги, бронзасимон сариқ рангли м-л.  $\text{Cu-Ni}$  конларида ультраасос ва асос т. ж. лари билан боғлиқ бўлиб пегматитли, контакт - метасоматик, юқори ҳароратли гидротермал конларда учрайди.

**Халькосидерит - Халькосидерит** -  $\text{CuFe}_6^{3+}[(\text{OH})_2\text{PO}_4]_4 \cdot 4\text{H}_2\text{O}$ . Кат. 4-5. Сол.оғ. 3,22. Феруза билан изоморф, оч яшил, сарғиш рангли. Темир шляпаларидаги иккиламчи м-л.

**Халькостибит - Халькостибит** -  $\text{CuSbS}_2$ . Кат. 3-4. Сол.оғ. 4,8-5,0. Қўрғошинсимон кул ранглидан темирсимон қора ранггача, металлсимон ялтирайди, зич, майда, донадор агрегатли м-л. Гидротермал конларда борнит, джемсонит ва б. билан барга учрайди. Йўлдош м-ллари: халькопирит, скибнит, кварц. Син.: мис сурма ялтироғи, вольфеберит, гвехарит, гуейярит, родит.

**Халькоталлит - Халькоталлит** -  $(\text{Cu}, \text{Te})_6\text{Ti}_2\text{SbS}_4$ . Кат. 2. Сол. оғ 6,6. Қўрғошинсимон кул рангдан темирсимон қора ранггача, чизигининг ранги қора, металлсимон ялтироқликка эга м-л. Микроқаттиқлиги 61-90 кг/мм<sup>2</sup>, анальцим, эпистолит ва чкаловит билан ассоциация ҳосил қилади.

**Халькотрихит - Халькотрихит** -  $\text{Cu}_2\text{O}$ . Игнасимон толасимон куприт.

**Халькофанит - Халькофанит** -  $\text{Zn}, \text{Mn}_3^{4+}\text{O}_7 \cdot 3\text{H}_2\text{O}$ .  $\text{Zn}$ ,  $\text{Mn}$ ,  $\text{Fe}$  ларнинг изоморфизми Кат. 2,5. Сол.оғ. 4,0. Темирсимон-қора, ҳаворанг, қора рангли, зич, донадор ёки пластинкасимон-толасимон агрегатли, металлсимон ялтироқ м-л.  $\text{Mn}$  ва  $\text{Fe}$  нинг сувли оксидлари, шунингдек каламин, смитсонит билан ассоциация ҳосил қилади. Йўлдош м-ллари: псиломелан, франклинит, гетеролит, гидрогетеролит.

**Халькоцианит (Халькокианит) - Халькоцианит (Халькокианит)** -  $\text{Cu}[\text{SO}_4]$ . Кат. 3,5, Сол. оғ. 3,65. Оч яшил, қўнғирроқ рангли м-л. Сувда енгил эрийди, нам ҳавода халькантитга айланади.

**Хамрабаевит - Хамрабаевит** -  $(\text{Ti}, \text{V}, \text{Fe})\text{C}$ . Титан карбиди м-ли. Ўзбекистонда Чотқол тизмасининг жанубий ёнбағрида (Арашон тоғлари) геолог Р.Юсупов томонидан топилган. М-л "хамрабаевит" деб Ўзбекистон ФА нинг академиги И.Ҳ. Ҳамрабоев шарафига аталган. Унинг эталонли намунаси Москвадаги А.Е.Ферсман номидаги м-ллар музейида сақланмоқда.

**Характеристика горных пород петромагнитная - Тоғ жинсларининг петромагнит тавсифи** - турли таркибли т. ж. ҳосил қилувчи ва ферромагнитли акцессор м-ллар билан боғлиқ бўлган турли генетик типдаги т. ж. магнит таъсирчанлигининг ёки магнитлашиш хусусиятларининг тавсифи.

**Характеристика горных пород петроплотностная - Тоғ жинсларини петрозичлик тавсифи** - турли генетик турдаги т. ж. ларининг зичлиги тавсифи.

**Характеристика Заварицкого - Заварицкий тавсифи** - т. ж. ларининг кимёвий анализи бўйича молекулаларни % ларда ҳисоблаш натижаларидан иборат бўлган магматик коэффицент. Бу кўрсаткич т. ж. лари табиий комплексларининг кимёвий фарқларини қиёслашда қулай усул саналади.

**Характеристика интрузивного комплекса металлогеническая - Интрузив комплексларининг металлогеник тавсифи** - маъдан комплексларининг интрузив комплекси билан генетик ёки парагенетик

алоқаси ҳақидаги ва уларнинг маъдан конларининг айрим турларидаги у ёки бу интрузив т. ж. лари билан алоқаси ҳақидаги маъ-лумотлар.

**Характеристика каротажная (горных пород и полезных ископаемых) - Каротаж тавсифи (тоғ жинслари ва фойдали қазилмаларнинг)** - бурғи қудуқларини геофизик тадқиқоти натижасида олинади. Қатламлар чегараларини ўтказиш ва ф. қ. қатламларни ажратиш имконини беради.

**Характеристика углей люминесцентная - Кўмирларнинг люминесцентлик тавсифи** - кўмирларнинг люминесцент-биологик анализи ва люминесцент микроскопияси асосида аниқланадиган кўрсаткич. Кўмирларнинг люминесцентлиги улар таркибидаги битум компонентлари (битумоидлар) мавжудлиги ва кўмирлашиши даражасига боғлиқ бўлади.

**Хвосты - Чиқиндилар** - асосан бўш т. ж. ларидан иборат бўлган ф. қ. ларни бойитиш чиқиндилари.

**Хегбомит - Хегбомит** -  $(\text{Na}, \text{K})_x (\text{Al}, \text{Ti}, \text{Mg}, \text{Zn})_{24-x} \text{O}_{36-x}$ . Кат. 6,5. Сол. оғ. 3,8. Қора рангли, олмоссимон, ярим металлсимон ялтироқ массив агрегатли м-л. Ильменит магнетит-шпинелидди силикатлар кам бўлган корундли скарнларда, корундли пегматитларда учрайди. Йўлдош м-ллари: магнетит, шпинель. Син.: гегболит, ильменокорунд, таосит.

**Хедлейит - Хедлейит** -  $\text{Bi}_7\text{Te}_3$ . Кат. 2. Сол. оғ. 8,91. Қалайсимон - оқ, темирсимон тусли, олмоссимон ялтироқ м-л. Гранит - пироксен - эпидотли скарнли кварцли томирларда  $\text{Bi}$ , жозеит, пирротин, арсенопирит,  $\text{Au}$  ва кальцит, шунингдек молибденит ва саффорит билан бирга учрайди.

**Хелимондит - Хелимондит** -  $\text{Pb}_2[\text{UO}_2(\text{AsO}_4)_2] \cdot n\text{H}_2\text{O}$ . Кат. 2,5-3. Сол. оғ. 6,4. Парсонситнинг маргимушли аналогли, сариқ рангли. Роговикли брекчияларнинг  $\text{Pb-Zn}$  томирларида миметезит ва хюгелит билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари: лиметезит, хюгелит, видеманнит. Син.: гелимондит.

**Хендерсонит - Хендерсонит** -  $\text{Ca}_2\text{V}^{4+}\text{V}_8^{5+}\text{O}_{28} \cdot 8\text{H}_2\text{O}$ . Кат. 2,5. Сол. оғ. 2,79. Яшил-қорадан қора ранггача, садафсимон ялтироқ толасимон агрегатли м-л. Тузли формацияларда, шунингдек қисман оксидланган U-V маъданларида учрайди.

**Хиастилит - Хиастилит** -  $\text{Al}_2\text{O}[\text{SiO}_4]$ . Андалузитнинг қизғиш-қўнғир тури. Метаморфик жараёнларда сланецларда порфириобласт кўринишида учрайди. Кўмирли ва б. аралашмаларнинг тож шаклида бўлиши билан ажралиб туради. Призматик шаклда кристалланади. Ранги-бўзранг, зангори, қизил. Син.: говденит, крестовик, маранит, стеалит, хауденит ва б. лар.

**Хибинит - Хибинит** - нефелинли сиенитнинг тури. Таркибида микроклин-пертит (40-45%), нефелин (35-45%) ва ишқорий рангли металллар: эгирин, арфведсонит ва б. (20% гача), шунингдек оз миқдорда эвдиалит ва б. м-ллар мавжуд.

**Хильгардит (Гильгардит) - Хилгардит (Гильгардит)** -  $\text{Ca}_2[\text{B}_3\text{O}_8(\text{OH})_2\text{Cl}]$ . Кат. 5. Сол. оғ. 2,71. Рангсиз, шишасимон ялтироқ м-л. Ош тузларида учрайди.

**Хионосфера - Хионосфера** - атмосфера қатлами. Унинг ичида қаттиқ ҳолатдаги ёгин-сочинлар баланд мусбат кўрсаткичга эга. Ер шарини қобиқ кўринишида ўраб туради. Унинг пастки чегараси нотекис бўлиб, қуруқлик билан кесишганда қор чизигини ҳосил қилади.

**Хитин - Хитин** - табиатда мавжуд бўлган ягона азот-

ли полисахарид. Клетчатканинг аналогли. Кўпчилик умурт-қасиз моллюскаларнинг ташқи қобигини ҳосил қилади.

**Хлораргирит - Хлораргирит** -  $\text{AgCl}$ . Қат. 1-1,5. Сол. оф. 5,55.  $\text{Cl}$ ,  $\text{Br}$  билан ва қисман  $\text{I}$  билан изоморф м-л. Кул рангроқ, сарғиш, мумсимон то олмоссимон ялтироқ, паралелл толасимон агрегатли м-л. Қурғоқчил районлардаги  $\text{Ag}$  конларининг оксидланиш зонасида учрайди. Бронхлораргирит, йодобромит каби турлари мавжуд. Йўлдош м-ллари: кумуш, церрусит, барит, милонит, кальцит. Син. Кераргирит.

**Хлоритизация - Хлоритланиш** - рангли м-лларнинг (амфибол, пироксен, биотит, эпидот) кўп ҳолларда асосли т. ж. ларида, қисман ўрта ва нордон т. ж. ларида хлорит билан ўрин алмашиниш жараёни. Хлоритланган т. ж. лари регионал метаморфизм (яшил сланецлар), автометаморфизм (спилитлар) ва гидротермал эритмалар таъсирида ҳосил бўлган генетик турларга ажралади.

**Хлоритоид - Хлоритоид** -  $(\text{Fe}^{2+}\text{Mg}, \text{Mn})_2\text{Al}_4[(\text{OH})_2 | \text{O} | \text{SiO}_4]_2$  Қат. 6,3. Сол. оф. 3,5-3,8. Таркиби ўзгарувчан: одатда  $\text{Fe}^{2+}\text{Mg}$  га,  $\text{Al}$  ва  $\text{Mn}$ ,  $\text{Fe}^{3+}$ га алмашиниши мумкин. Тўқ, қора яшил рангли садафсимон, шишасимон ялтироқ, варақсимон, тангачасимон қобоқсимон агрегатли м-л. Гилли чўкиндиларни қуйи ва ўрта босқичидаги регионал метаморфизм м-ли сифатида тавсифланади. Гидротермал жараёнларда ҳам ҳосил бўлади. Оттрелит, мавинит, сисмондин каби турлари мавжуд. Йўлдош м-ллари: корунд, диаспор, хлорит, кварц. Син.: блиабергит, венаскит, мезонит, ньпортит.

**Хлориты - Хлоритлар** -  $(\text{Mg}, \text{Fe})_{6-n}(\text{Al}, \text{Fe}^{3+})_n(\text{OH})_8 \cdot \text{AlnSi}_{n-4}\text{O}_{10}$ , ( $n=0,6-2$  га тенг). Қат. 2-3. Сол. оф. 2,6.  $\text{Mg}$  ва  $\text{Fe}$  нинг сувли метаалюмосиликати. Ранги асосан, яшил, пушти-қизил, қўнғир-қора, шишасимон, садафсимон ялтироқ, варақсимон йирик, ўрта, майда тангачасимон, буйраксимон агрегатли м-л. Эффузив т. ж. ларининг гидротермал ўзгаришидан ҳосил бўлади. Т. ж. ларининг нураш маҳсулотларида кенг тарқалган. Йўлдош м-ллари: гранат, диопсид, циркон, дала шпати, кварц, рутил, титанит.

**Хлориты глинистые - Гилли хлоритлар** - темирга бой ва алюминий миқдори катта бўлган гил м-ли. Океан чўкиндиларида, аргиллитларда гидрослюда билан бирга учрайди.

**Хлорность вод - Сувларнинг хлорлиги** - 1кг сувдаги  $\text{Cl}$  нинг эквивалент миқдори га ҳисобланган  $\text{Cl}$ ,  $\text{Br}$  ва  $\text{I}$  нинг миқдори.

**Хлорокальцит - Хлорокальцит** - "Гидрофилит" м-ли синоними.

**Хлороксифит - Хлороксифит** -  $\text{Pb}_3\text{CuCl}_2\text{O}_2(\text{OH})_2$ . Қат. 3. Сол. оф. 6,7. Яшил, кўкиш-сарик рангли, олмоссимон ялтироқ м-л. Суяқликка енгил айланади.  $\text{HNO}_3$  да эрийди. Оксидланиш зонасида церрусит, малахит ва б.лар билан бирга учрайди. Син.: мендипит.

**Хлорофан - Хлорофан** - флюорит м-лининг яшил тури.

**Хлорошпинель - Хлорошпинель** -  $\text{Mg}(\text{Al}, \text{Fe}^{3+})_2\text{O}_4$ . Яшил шпинель м-ли. Таркибида 9-15 % гача  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  ва қисман  $\text{Cu}$  учрайди.

**Хогарит - Хогарит** -  $\text{Mg}_3\text{Fe}_2[\text{SiO}_4]_3$ . Қат. 5. Сол. оф. 3,91. гранат гуруҳига мансуб м-л. Син.: кохарит.

**Холмквистит - Холмквистит** -  $\text{Li}_2(\text{Mg}, \text{Fe}^{2+})_3\text{Al}_2\text{Si}_8\text{O}_{22}(\text{OH})_2$ . Қат. 5-6. Сол. оф. ~3. Ромбик амфибол тури. Мовий кўк рангидан то қора

ранггача бўлган радиал, нурсимон агрегатли м-л. Литийли пегматитларнинг экзоконтактларида учрайди.

**Холмогорье - Тепаликлар тизими** - денгиз сатҳидан баландлиги 1000 м.гача бўлган денудацион тектоник рельеф тури. Энг янги тектониканинг жадал ҳаракатини тавсифлайди. Жуда кўп турларга бўлиниб улар ташкил топган т. ж. ларидаги эрозион жараённинг ривожланганлик даражасига боғлиқ бўлади.

**Холмы - Тепаликлар** - Ер юзасидаги ён бағри нисбатан кичик қияликка эга бўлган рельеф элементлари. Нисбий баландлиги 200 м. гача етади. Улар денудация жараёнида тоғ олди текисликларидаги аккумулятив жараёнларда ҳосил бўлиши мумкин.

**Холмы подводные - Сув ости тепаликлари** - сув остида мавжуд бўлган, нисбий баландлиги 500 метргача етиши мумкин бўлган, чизма-планда овал, изометрик шаклини оладиган ҳосилалар. У вулканоген-тектоник ёки аккумулятив жараёнларда ҳосил бўлади.

**Хондориты - Хондоритлар** - томчисимон силикат моддадан ташкил топган ва ўлчамлари 1 мм.дан нўхот дончаси ўлчамигача бўлган тош метеоритлар.

**Хондродит - Хондродит** -  $(\text{Mg}, \text{Fe}^{2+})_3[(\text{OH}, \text{F})_2 | (\text{SiO}_4)_2]$ . Қат. 6-6,5. Сол. оф. 3,1-3,3. Хондродит гуруҳига мансуб м-л. Ранги қизғиш жигарранг шишасимон, мумсимон ялтироқ, донатор агрегатли м-л. Метаморфлашган доломитлашган оҳақтош-ларда ва контактли-пневмолит маъдан уюмларида учрайди. Йўлдош м-ллари: магнетит, галенит, сфалерит, оливин, паргасит, флогопит, шпинель. Син.: брокит, лангстафит.

**Хондры - Хондралар** - фақат тош метеоритларда учровчи, ўлчами 1 мм.гача бўлган сферасимон жисмлар. Асосан бронзит, оливин ҳамда анортитдан иборат.

**Хорсан - Хорсан** - гиперген ўзгаришлар таъсирида сувда қайнатилганда озокерит бериш хусусиятини йўқотган озокеритли т. ж. Хорсанлашишда озокеритнинг физик хоссаларининг ўзгариши, таркибида асфальт смола компонентларининг ошиши ва суяқлик шаклидаги ёғ маҳсулотларининг ва қаттиқ ҳолатдаги углеводородларнинг камайиши кузатилади.

**Хоулит - Хоулит** -  $\text{CdS}$ , Қат. 3,5., Сол. оф. 4,87. Ранги сариқ, тўқ сариқ, майда донатор агрегатли м-л. Полиметалл конларнинг оксидланиш зоналарида ҳосил бўлади. Йўлдош м-ллари: вюртцит, сфалерит.

**Хошиит - Хошиит** -  $\text{NiMg}(\text{CO}_3)_2$ . Магнетит қаторининг оралик аъзоси -  $\text{NiCO}_3$ . Сол. оф. 3,1-3,36. Зумрадсимон яшил, шишасимон ялтироқ зич, буйраксимон агрегатли м-л.  $\text{Cu}$  конлари оксидланиш зонасидаги томирларда, хунтит, гарниерит, арагонит, заратитлар билан бирга учрайди.

**Хребет горный - Тоғ тизмаси** - чизик бўйича чўзилган, ўқи яхши намоён бўлган ягона сув айирғич чизигига эга бўлган тоғликлар. Унинг кўп ҳолларда симметрияга эга бўлмаган 2 та ён бағри мавжуд; тепа қисми (чўққи қисми) турлича бўлиши мумкин. Т.т.лари ўзаро тоғ оралиғи ботиқликлари билан ажралиб туради.

**Хребет передовой - Тоғ олди тизмалари** - бурмаланиш областларидаги уларга ёндош бўлган теккиклик ва марказий тизмалар системаси орасидаги унча баланд бўлмаган тоғ тизмаси. Бу тизмалар марказий тизмаларга параллел. Кўп ҳолларда асосий тоғлардан оқиб чиқаётган сойлар билан кесилган бўлади.

**Хребет подводный - Сув ости тоғ тизмаси** - катта қияликка эга бўлган ёнбағирли, чўзилиб кетган, баланд-

лиги 500 м.дан юқори бўлган сув ости тоғликлари. Тектоник ҳаракатлар натижасида (узилма ёхуд бурма) ёки вулкан жараёнида пайдо бўлади.

**Хребет срединноокеанский - Океан ўрталиги тизмаси** - Ер рельефининг бутун океанлар туби бўйлаб чўзилган, кўп тармоқли катта тоғ системасидан иборат бўлган йирик элементи. Баландлиги 1-3 км га, узунлиги юзлаб-минглаб км гача, эни 200-1200 км га етадиган кўтарилмалар. Ер қобиғининг ёриқларидан оқиб чиққан базальт лавалардан ҳосил бўлади.

**Хризоберилл - Хризоберилл** -  $Al_2BeO_4$  Кат. 8,5. Сол. оф. 3,75.  $Fe^{3+}$ ,  $Fe^{2+}$ , Cr аралашмалари мавжуд бўлган, яшил, яшил-сарик рангли, гоҳида рангсиз, шишасимон ялтироқ донадор агрегатли м-л. Гранитли пегматитларда, аплитларда альмандин, берилл билан, слюдитларда ва плагиоклазит контактларида талькли сланецлар билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари: топаз, тоғ биллури, берилл, фенакит, флюорит, шпинель, гранат, турмалин. Шаффоф ранглиси, айниқса александрит қимматбаҳо тош ҳисобланади.

**Хризоколл - Хризоколл** -  $Cu[SiO_3] \cdot nH_2O$  Кат. 2-4. Сол. оф. 1,9-2,3. Силикатлар гуруҳига мансуб м-л. Иккиламчи мисли м-л бўлиб, асосан мис конларида учрайди. Ранги - зангори, ҳаворангсимон ва ҳаворанг, шишасимон ялтироқ, буйраксимон, шингилсимон агрегатли м-л. Хира мис маъданлари билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари: малахит, азуриит, куприт. Син.: тоғ яшили, мис яшили, яшил тош, мисли малахит, яшил сланец, халькостактит.

**Хризолит - Хризолит** -  $(MgFe)_2SiO_4$ . Ортосиликатлар синфининг оливин гуруҳига мансуб м-л. Альп типли дунит ва серпентинитларнинг, перидотитнинг асосий жинс ҳосил қилувчи м-ли. Ромбик системада кристалланади, устунсимон калта кристаллар ҳосил қилади. Оливиннинг тиниқ тури бўлиб, қимматбаҳо тош сифатида ишлатилади.

**Хризопраз - Хризопраз** -  $SiO_2$ . Силикатлар гуруҳига мансуб м-л. Халцедоннинг яшил, шаффоф тури. Таркибида никель бўлган м-ллар ёки хром бирикмалари билан бўялган. Жуда тиниқ ва нафис. Унинг йўл-йўл хили "туригаагат" деб аталади. Ярим қимматбаҳо тош. Син.: гольдлаух, празер.

**Хризотил - Хризотил** -  $Mg_6[(OH)_8 | Si_4O_{10}]$ . Кат. 3-4. Сол. оф. 2,3-2,5. Серпентинитлар гуруҳига мансуб м-л. Кўк кулранг, сарғиш кулранг, бинафшаранг, ҳаворанг ёки яшил, толасимон агрегатли ипаксимон ялтироқ м-л. Иккиламчи м-л. Серпентинитлар ва асосли т. ж. ларида учрайди. Йўлдош м-ллари: оливин, тальк, брусит, грамматит. Син.: балтиморит, бостонит, каристиолит, пикросмин, церматит ва б.

**Хризотил-асбест - Хризотил-асбест** - толасимон хризотил. Унинг sanoатдаги аҳамияти толаларининг узунлиги, иссиққа чидамлилиги, иссиқликки электр токини ва товушни ёмон ўтказиши; атмосфера ва ишқорлар таъсирига чидамлилиги билан белгиланади. У юқори адсорбцион фаолликка эга бўлиб, цемент ва органик моддалар билан мустаҳкам композицион материаллар ҳосил қилади. Син.: асбест хризотилловый.

**Хром - Хром** - М.д.с. нинг VI-гуруҳига мансуб к.э. Т.р. 24., ат.м. 51,996. 4 та барқарор изотопи мавжуд:  $Cr^{50}$ (4,31%),  $Cr^{52}$ (83,76%),  $Cr^{53}$ (9,55%),  $Cr^{54}$ (2,38%). Сунъий изотопларидан энг муҳими  $Cr^{51}$ . Х. Ер пўстининг масса жиҳатидан 0,035% ини ташкил қилади. Х. оқ кулранг, қаттиқ металл, 1890°C да суяқланиб,

2680°C да қайнайди, зичлиги 7,2 г/см<sup>3</sup>. Асосий м-ллари: хромит, крокоит, уваровит. Улардан хромит sanoат аҳамиятига эга. Х. бўёқлар тайёрлашда, металл сиртини хромлашда, фотография, пиротехникада, кўн sanoати ва б. соҳаларда ишлатилади.

**Хромдиопсид - Хромдиопсид** - диопсиднинг зумрад яшил рангли, таркибида  $Cr^{3+}$  бўлган тури. Шаффоф тури заргарлик тоши сифатида ишлатилади.

**Хромит - Хромит** -  $Fe^{2+}Cr_2O_4$ . Кат. 5,5. Сол. оф. 4,5-5,1. Шпинеллар гуруҳининг м-ли. Ўта асосли магматизм билан боғлиқ типик м-л. Темир рангидан то қора-кўнғир ранггача, бўлган, яримметаллсимон, шишасимон ялтироқ, яхлит донадор агрегатли м-л. Йўлдош м-ллари: оливин, бронзит, уваровит. Син.: хромли темир тош, хромли темир маъдани, сидерохром, хромитит, хромферрит.

**Хромитит - Хромитит** - магматик т. ж.; асосан хромшпинелиддан (90% яқин) ташкил топган бўлиб, унда серпентинит, оливин ёки пироксен ўсимталари мавжуд бўлиб, хром маъдани ҳисобланади.

**Хромофоры - Хромофоралар** - атом ёки атом гуруҳи элементлари. Уларнинг мавжудлиги м-лларнинг рангини белгилайди:  $Ti^{3+}$ ,  $Ti^{4+}$ ,  $V^{3+}$ ,  $V^{5+}$ ,  $Cr^{3+}$ ,  $Mn^{2+}$ ,  $Mn^{4+}$ ,  $Fe^{3+}$ ,  $(Fe^{2+}+Fe^{3+})$ ,  $Co^{2+}$ ,  $Co^{3+}$ ,  $Co^{4+}$ ,  $Ni^{2+}$ ,  $Mo^{6+}$ ,  $W^{6+}$ ,  $I^-$ ,  $U^{6+}$ .

**Хромшпинелиды (хромшпинели, хромиты) - Хромшпинелидлар (хромшпинеллар, хромитлар)** -  $(Mg, Fe^{2+}) Cr_2O_4$ . Кат. 5,5-7,5. Сол. оф. 4,2-5,1. Шпинелидларга мансуб м-ллар Магнезиоромит  $MgCr_2O_4$  - хромит  $FeCr_2O_4$  изоформ қаторининг охириги азбоси. Ранги қорадан кўнғир-қорагача, чизиги қора рангли, смоласимон ялтирайдиган м-л. Гоҳида суств магнитланган.

**Хронология геохимических процессов - Геохимёвий жараёнларнинг хронологияси** - табиий геохимёвий жараёнлар тизими. Кўп ҳолларда қуйидаги даврий бўлимларга (йирикроғидан кичикроғигача): геохимёвий босқичлар, цикллар ва фазаларга ажратилади. Бошқа нуқтаи назардан металлогенетик босқичларга тўғри келувчи геохимёвий даврлар ажратилади.

**Хрупкие слюды - Мўрт слюдасалар** - Кат. 3,5-4,5. Сол. оф. 3,1-3,6. Са ва Al баргсимоно алюминий силикатлари гуруҳи м-ллари: маргарит, клинтонит, ксантофиллит. Оқ ва турли рангли, дурсимон ялтирайдиган мўрт м-ллар. Метаморфик ва метасоматик т. ж. ларида тарқалган.

**Хрупкость горных пород - Тоғ жинсларининг мўртлиги** - т. ж. ларининг ташқи куч таъсиридаги синувчанлик қобилияти.

**Хрупкость угля - Кўмир мўртлиги** - ёпишқоқликка қарама-қарши бўлган хусусият. Энг мўрт кўмирлар таркибида қўшимчалари кам бўлган гелитолитлар ҳисобланади. Кўп ҳолларда - булар ёғли ва кссли кўмирларнинг ялтироқ турлари.

**Хрусталь горный - Тоғ биллури** -  $SiO_2$ . Кварц гуруҳига мансуб м-л. Кварцнинг шаффоф тури. Ўрта ва юқори ҳароратли гидротермал жараёнларнинг кварцли, кварц дала шпатли, кварц-карбонатли томирларида учрайди. Гранитли пегматитлардаги бўшлиқлар билан боғлиқ. Сувдек тиниқ, рангсиз, баъзан тутунсимоно, сарғиш рангда бўлиши мумкин.

**Хуанхит - Хуанхит** -  $BaCe[F(CO_3)_2]$ . Кат. 3,5-4. Сол. оф. 4,5-4,67. Сарғиш-яшил рангли, мойсимоно ялтироқ м-л. Эгирин, флюорит, барит, магнетит, гематит конларида TR м-ллари билан бирга учрайди.

**Хумилит - Хумилит** - баритли фенокристалли, ишқо-

рий базальтларнинг санидинли, оливинли ва флогопитли тури. Асосий массаси лейцитдан, диопсиддан, санидиндан ва аксессуар м-л.лардан иборат.

**Хьюмалит - Хьюмалит** -  $\text{Na}_4\text{Mg}[\text{V}_{10}\text{O}_{28}] \cdot 24\text{H}_2\text{O}$ . Кат. 2,5-3. Сол. оф. 2,39. Сарик, тўқ сарик рангли, хира ялтироқ, шингилсимон агрегатли м-л. Сувда енгил эрийди. Уранли маъдан таналарида қумтошларда, хаммерит, россит, гипс, эпсомит билан ассоциацияда учрайди.

**Хьюэттит - Хьюэттит** -  $\text{Ca}[\text{V}_6\text{O}_{16}] \cdot 9\text{H}_2\text{O}$ . Кат. 2,5. Сол. оф. 2,6. Қизил рангли, шоисимон ялтироқ м-л Карнотитли қумтошларнинг оксидланиш зонасидаги натронитнинг ўзгарган маҳсулоти.

**Цвет минералов - Минераллар ранги** - м-лларнинг физик хусусияти; уларни тавсифлаш ҳамда диагностикаси учун муҳим хусусиятдир. Унинг намунадаги, кукундаги чизиги ранги, шаффоф шлиф ва қайтувчи нурдаги турлари ажратилади.

**Цвет углей - Кўмирлар ранги** - кўмир ранглари-нинг тавсифи уларнинг генетик турларига ва кўмирланиш даражасига қараб ўзгаради. Кўнғир кўмир, жигаранг ва қора рангли; тошкўмир-кўп ҳолларда қора рангли; антрацит-қора рангли, сарғиш ёки кулрангсимон рангга эга бўлади.

**Цветы железные - Темир гуллари** - арагонит м-лининг бир тури.

**Цвизелит - Цвизелит** - триплит м-лининг Мп билан бойиган тури.

**Цезий - Цезий, Cs** - М.д.с. нинг I-гурухига мансуб к.э. Т.р. 55, ат.м. 132,9054. 1та табиий изотопи  $\text{Cs}^{133}$  дан иборат, 15дан ортиқ сунъий радиоактив изотоплари олинган, нодир элемент. Ер пўстининг масса жиҳатидан  $7 \cdot 10^{-4}$  ни ташкил этади. Ц. сарғиш-пушти рангли, енгил, жуда юмшоқ ишқорий металл.  $28,5^\circ\text{C}$  да суюқланади,  $705^\circ\text{C}$  да қайнайд, зичлиги  $1,90 \text{ г/см}^3$ . Ёруғликка сезгирлиги барча металларниқидан юқори. Ц. нинг баъзи бирикмалари тиббиётда, фотоэлементлар и. ч. да, спектроскопияда ишлатилади.

**Целестин - Целестин** -  $\text{Sr}[\text{SO}_4]$ . Кат. 3-3,5. Сол. оф. 3,9б. Сульфатлар синфига мансуб м-л. Ҳаворанг ёки кулранг, камдан-кам қизғиш ёки сарғиш, шишасимон ялтироқ.. Хемоген - биоген чўкинди т. ж. лардиа ҳол-қолликлар кўринишида ёки говакларни тўлдирувчи сифатида учрайди. Йўлдош м-ллари: кальцит, арагонит, гипс, олтингурт, галит. Син.: апотом, шютцит.

**Целестинолит - Целестинолит** - чўкинди т. ж. бўлиб, таркибининг 50 % ва ундан кўп қисмини целестин ташкил этади. Кимёвий таркибига кўра “стронциолит” деб ҳам аталади.

**Целлерит - Целлерит** -  $\text{Ca}[\text{UO}_2(\text{CO}_3)_2] \cdot 5\text{H}_2\text{O}$ . Кат. 2. Сол. оф. 3,25. Лимонсимон-сарик рангли м-л. Қисқа ва узун ультрабинафша нурларда кучсиз яшил, хол-хол люминесценцияга эга. Гипс, оксидланган сульфидлар ва Fe оксидлари билан ассоциациялашади. Нураш зонасидаги уранинит ва коффинитларнинг оксидланиши маҳсули.

**Цельзиан - Цельзиан** -  $\text{Ba}[\text{Al}_2\text{Si}_2\text{O}_8]$ . Кат. 6-6,5 Сол. оф. 3,3-3,4. Рангсиз, кулранг-сарик, қизил рангли, шишасимон ялтироқ м-л. Барийли дала шпати, 90-100 % гача цельзиан компонентларига эга, рангсиз ва сарик, рангли м-л. Мп маъданларида учрайди. Йўлдош м-ллари: марганец, дала шпатилари. Син.: кассинит.

**Цемент - Цемент** - конгломерат, брекчия, қумтош ва

алевролитларда кластик таркибни боғлаб турувчи модда.

**Цемент аморфный - Аморф цемент** - кристаллик структурага эга бўлмаган моддалар. Мас: опал, темир цементлари.

**Цемент базальный - Базаль цемент** - цемент т. ж. лари бўлакчалари миқдоридан кўп. Т. ж. цементда бир-бири билан туташмайди. Структураси бўйича аморф ва кристалли; таркибан гилли, карбонат, опал, темирли бўлиши мумкин.

**Цемент вторичный - Иккиламчи цемент** - т. ж. ларидаги бўшлиқларнинг тўлдирилишидан ҳосил бўлган цемент. Тўлдирилиш эритмалардан кальцит, доломит, сидерит, опал, темир оксиди, гипс, фосфорит ва б.ларнинг чўкиндига тушиши натижасида ҳосил бўлади. Бундан ташқари мавжуд цемент б. иккиламчи цемент алмашилишидан ҳосил бўлади.

**Цемент карбонатный - Карбонатли цемент** - карбонат т. ж. ларида, скелетлар, организм, ўсимлик қолдиқлари оралиқларининг тўлдирилиши. Тўлдирувчи моддалар кальцитдан, доломитдан, сидеритдан, гил-карбонатдан иборат.

**Цемент корковый - Фовакли (қобиқли) цемент** - бир-бирига тегиб турувчи т. ж. бўлаклари оралиғини тўлдириб турувчи цемент тури.

**Цемент кристаллическозернистый - Кристалли донадор цемент** - донадор кристаллари маълум тартибда ёки бетартиб жойлашган цемент. Заррачалари ўлчамига қараб: жуда майда заррачали ( $0,01-0,1\text{мм}$ ); майда заррачали ( $0,25-0,05\text{мм}$ ); йирик заррачали ( $>0,5\text{мм}$ ) цементлар ажратилади. Моддий таркиби бўйича карбонатли, кам миқдорда сульфатли, цеолитли ва б. м-ллардан иборат бўлади.

**Цемент осадочных пород - Чўкинди т. ж. лари цементи** - ётқирик заррачаларини жипслаштириб (механик ва органокластик, органоген, шунингдек оолитлар, сферолитлар ва б.ларни) яхлит т. ж. ларига айлантурувчи модда. Уларнинг структураси, таркиби, т. ж. ларида тақсимланиши, цемент билан чақиқ материал орасидаги мувозанат турлича бўлади. Моддий таркиби бўйича карбонатли, сульфатли, кремнийли, гилли ва б. турларга бўли-нади. Структураси бўйича аморф, жуда майда агрегатли, пелитоморф, кристалли бўлиши мумкин.

**Цемент пленочный - Пленкали цемент** - чўкинди т. ж. (қумлар) заррачаларининг атрофини пленка ҳосил қилиб ўраб турувчи ва уларни яхлит т. ж. га айлантирувчи цемент тури. Бундай т. ж. ларида тўлдирилмаган говакликлар қолади.

**Цемент смешанный - Аралаш цемент** - бир т. ж. да бир неча хил цементнинг мавжуд бўлиши.

**Цемент тонкоагрегатный - Жуда ингичка агрегатли цемент** - жуда ингичка, нотекис тақсимланган агрегатлардан иборат бўлган цемент моддаси.

**Цемент хемогенный - Хемоген цемент** - ҳароратнинг ва эритмалар концентрациясининг ўзгариши натижасида цементловчи моддаларнинг чўкиндига тушишидан ҳосил бўлган цемент.

**Цементаж скважины (тампонаж) - Бурғи қудуқларини цементлаш (тампонаж)** - бурғи қудуқлари-



да очилган сувли горизонтларни, нефтли қатламларни бир-биридан ажратиш мақсадида бажариладиган цементлаш ишлари. Мустаҳкамлаш қуву-рига эга бўлган бурғи қудуқларида қувур ортидаги бўшлиқ цементланади. Цемент ўрнида тез қотувчи б. моддалардан ҳам фойдаланиш мумкин.

**Цементация горных пород - Тоғ жинсларини цементлаш** - дарзли, ғовакли т. ж. ларини яхлитлигини ошириш, сув ўтказувчанлигини камайтириш усули. Бунда бурғи қудуқлари мажмуасидан фойдаланиб т. ж. ларига цементловчи модда босим остида юборилади.

**Ценность 1т руды (концентрата) - 1т. маъдан (концентрат) қиймати** - 1т. маъдан (концентрат)дан ажратиб олинувчи фойдали компонент (металл) миқдорининг баҳоси. Қуйидаги формула бўйича аниқланади:  $N = M \cdot K_{\text{коэф.}} \cdot K_{\text{м}} / 100$ , бунда:  $N$  - 1т фойдали компонент (металл)нинг улгуржи нархи,  $M$  - маъдан (концентрат)даги фойдали компонент (металл)нинг фоизлардаги миқдори,  $K_{\text{коэф.}}$  - ажратиб олишнинг умумий коэффициенти,  $K_{\text{м}}$  - ифлосланиш коэффициенти. Қўп компонентли маъданнинг қиммати ҳамма компонентлар йиғиндиси кўринишида аниқланади. Маъдан улгуржи нархи аниқланган бўлса, у қиммати кўрсаткичига мос келади.

**Ценность месторождения - Коннинг қиймати** - коннинг саноат учун аҳамиятини. қуйидаги кўрсаткичлар белгилайди: м-л хом ашёни қазиб олишга ва қайта ишлашга кетадиган харажатлар ҳажми, маъдан концентрациясининг сифати ва намоёнлик даражаси, коннинг миқёси, унинг транспорт, иқтисодий-географик ва тоғ-техник шароитлари, шунингдек 1т маъданнинг (концентратнинг, металлнинг) таннархи ва самарадорлиги, уларни ўзлаштириш учун кетадиган капитал ажратмалар ҳажми ва тоғ-кон корхонасининг йиллик даромади.

**Центр вулканический - Вулкан марказ** - вулкан аппарати жойлашишини кўрсатувчи ер юзасидаги геологик ҳосилалар. Турли вулкан қурилмалари, уларнинг қолдиқлари, портлаш трубкалари, субвулкан интрузиялари маҳсулотлари ва б. бўлиши мумкин.

**Центр инверсии - Инверсия маркази** - м-л кристаллидаги шундай нуқ-таки, бу нуқтадан ўтказилган текислик бир хил масофасида шаклнинг бир хил нуқталари ётади. Син.: "центр симметрии"

**Центр симметрии - Симметрия маркази** - шакл симметрия элементларининг кесишиш нуқтаси.

**Централласит - Централласит** - гидролит м-ли билан бир хил м-л, пегматитларда учрайди.

**Центриклиналь - Центриклиналь** - синклиналнинг тугаш қисми. Бу ерда бурмаларни ташкил этувчи қатламларнинг туталиши кузатилади, шарнир эса кўтарилади. Син.: окончание складки центриклинальное.

**Цеолитизация - Цеолитлашиш** - цеолитлар ҳосил бўладиган метасомотик гидротермал жараён.

**Цеолиты - Цеолитлар** - каркас сувли алюмосиликатлар гуруҳининг м-ли. Кристалл панжараси  $(Si, Al)_2O_4$ дан иборат ва  $H_2O$  молекулалари улар билан мустаҳкам боғланган эмас. Шунинг учун у ўз "цеолитли сувлари"дан осонлик билан ажрайди ва тескари катион алмашинуви хусусиятига эга. Ц. нинг рангсиз, таркибидаги аралашмаларга кўра рангли хиллари ҳам бўлади. Ц. асосий эффузив т. ж. лари бўш-лиқларида гидротермал жараённинг охири босқич-ларида вужудга келади.

**Цепь горная - Тоғлар занжири (тизими)** - катта узунликка эга бўлган тоғ тизмаси.

**Церезин - Церезин** - баъзи нефть турларида мавжуд бўлган озокеритнинг асосий қисмини ташкил этувчисидаги қаттиқ углеводородлар аралашмаси.

**Церианит - Церианит** -  $(CeTh)O_2$ . Сол. оф. 7, 19. Охрали, сариқ рангли м-л. Карбонатларда, пегматитларда, ишқорий т. ж. ларини нураш қобиғида тарқалган

**Церий - Церий, Се** - М.д.с.нинг III-гуруҳига мансуб к.э. Лантаноидлар гуруҳига киради. Т.р. 58, ат.м. 140, 12. Кулранг металл,  $795^{\circ}C$  да суюқланади, зичлиги  $6,77 \text{ г/см}^3$ . Кимёвий фаол элемент, монацитдан олинади. Электродлар олишда, пўлатни мустаҳкамлигини оширишда қўлланилади.

**Церит - Церит** -  $(Ce, Ca)_9(Mg, Fe^{2+})Si_7(O, OH, F)_{28}$ . Қат. 5, 5. Сол. оф. 4, 9. Жигарранг, сариқ, қизил, донатор агрегатли, ёғсимон ялтироқ м-л. Ишқорий пегматитларда, скарнларда, ўзгарган гранитларда, карбонат томирларда тарқалган. Йўлдош м-ллари: монацит, ортит, торит, бастрезит. Син.: лантаноцерит, охроит, кремнийли церит.

**Церулеолактит - Церулеолактит** -  $CaAl_6[(OH)_2]PO_4 \cdot 4H_2O$ . Қат. 5. Сол. оф. 2, 6. Оқ рангли, майда донатор, толасимон, қобиқ-симон агрегатли м-л. Лимонитларда учрайди. Йўлдош м-ли: лимонит.

**Церуссит - Церуссит** -  $Pb[CO_3]$ . Қат. 3-3, 5. Сол. оф. 6, 4-6, 6.. Арагонит гуруҳига мансуб кўрғошиннинг иккиламчи м-ли. Рангсиз, оқ, яшил тусли, ёғсимон, олмоссимон, шисасимон ялтироқ, донатор, кукунсимон, толасимон агрегатли м-л Кўрғошинли томирларнинг ер сатҳига яқин зоналарида карбонатли сувларнинг галенитга таъсири натижасида ҳосил бўлади. Йўлдош м-ллари: англезит, гемиморфит пироморфит, малахит. Син.: акрузит, оқ кўрғошин маъдани, кўрғошин шпати.

**Цианирование - Цианидлаш** - металлларни (асосан олтин ва кумушни) нисбатан кичик концентрацияли, жуда майда ҳол-ҳолли маъданлардан, чиқиндилардан ва б. бойитиш маҳсулот-ларида кучсиз цианидди эритмаларда эритиб ажратиб олиш усули.

**Цикл (период) вулканический - Вулкан (даври) цикли** - битта тектоник - магматик босқичда намоён бўладиган вулкан жараёнлари. Геологик шқаланинг турли бўлақларини ўз ичига олади. Тектоник структура эволюциясига бўйсунувчи тектоник босқич ичиде геосинклинал системанинг ривожланиши кетма-кетлигини намоён қилади. Умуман циклнинг ривожланиши магма таркибининг асослидан нордонгача ўзгариши билан тавсифланади. Вулкан циклида магматик формацияни ташкил этувчи т. ж. лари тўпланади.

**Цикл аридный - Арид цикли** - арид иқлим шароитида маълум кетма-кетликда рельеф ҳосил бўлиш жараёни.

**Цикл географический - Географик цикл** - Ер юзасини кўтарилишидан то пенепленга айланиш давригача аста секинлик билан ўзгаришлар кечадиган мажмуаси. Тектоник кўтарилган шакллар ёмирилишни юзага келтирувчи жараёнлар таъсирида бўлади. Бунинг натижасида кетма-кет турли шакллар юзага келади. Охир оқибат рельеф сатҳи текисланиб текисликка ёки пенепленга айланади. Тектоник ҳаракатлар ва географик шароитнинг ўзгариши географик циклнинг бузилишига сабаб бўлади, яъни жараён ёки тугалланмайди ёки ривожланишдан тўхтади.

**Цикл геоморфологический - Геоморфологик цикл** - рельефнинг маълум қону-ниятлар бўйича ривожланиши кузатиладиган даври: кўтарилиш-денудацион

жараёнларининг ривож-ланиши - рельеф контрастлигининг юзага келиши - пенепленга айланиши. Уларнинг ҳар бири геоморфологик цикл элементлари ҳисобланади.

**Цикл геотектонический - Геотектоник цикл - қ.** *Цикл-Тектонический (геотектонический)*

**Цикл геохимический - Геохимёвий цикл - кимёвий элементлар ва бирикмаларнинг.** Ерда айланишини мужассамлаштирувчи ҳодисалар ва жараёнлар. Элементлар бирикмаларининг мувозанати, бир геосферадан иккинчисига ўтишида бу мувозанатнинг бузилиши, доимий равишда бу жараёнларнинг янгиланиб туриши, ер қаърида элементларнинг доимий айланишини вужудга келтиради. Кимёвий элементларни айланиши бир термодинамик қобикда ва умумий геохимёвий цикл, яъни элементларнинг бутун ер қаърида айланишини ажратиш керак.

**Цикл оледенения - Музлик цикли - иқлимнинг ўзгариши билан музликларнинг ҳосил бўлиши, ривожланиши ва йўқолиши.**

**Цикл орогенический - Орогеник цикл - қ.** *Цикл тектонический.*

**Цикл осадочный (седиментационный) - Чўкинди (седиментацион) цикли - маълум акваториянинг ёки ҳудуднинг ривожланиши билан боғлиқ равишда чўкинди тўпланиш шароитининг алмашилиши кетма-кетлиги.** Чўкинди цикллари маълум кетма-кетликдаги денгиз трансгрессияси оралиқлари, чўкинди тўпланиши орасидаги танаффуслар киради.

**Цикл осадочный геосинклинальных областей - Геосинклинал ҳудудларнинг чўкинди цикли -** Ер қаърининг тарихий ривожланишига нисбатан чўкинди ҳосил бўлишини ва унинг даврийлигини тавсифловчи тушунча. Бурмаланиш ва катагенез натижасида геосинклиналларнинг ҳосил бўлишидан бошлаб консолидацияси юзага келгунга қадар вақтда чўкиндиларнинг ҳосил бўлиши даври. Чўкинди цикли тектоник-магматик цикл билан боғлиқ бўлиб, вақт борасида металлогеник даврга тўғри келади.

**Цикл осадочный платформенных областей - Платформа ҳудудларининг чўкинди цикли -** янги ҳосил бўлган платформада чўкинди тўпланиши билан бошланиб, платформанинг катта қисмида амалда континентал шароит ҳосил бўлиши билан тугайди. Ривожланиши бўйича металлогеник даврга мос келиб, платформа области тектоник-магматик циклга боғлиқ бўлади.

**Цикл складчатости - Бурмаланиш цикли - қ.** *Цикл тектонический.*

**Цикл тектонический альпийский - Альп тектоник цикли -** Ер қобиғи ривожланишининг мезо-кайназой ёки кечки палеозой-кайназой даврини ўз ичига олади. Геосинклиналь областьларда тўлиқ намоён бўлади. Кечки юрадан плиоценгача бўлган муддатда - 55 млн. йил давом этган. Унинг ётқиқиқ-ларида углеводородлар аниқланган бўлиб, унинг заҳирасининг 55 % жойлашган. Айрим тадқиқотчилар “шу даврда кумуш, қўрғошин, рух каби металллар маъданларининг асосий қисми ҳосил бўлган” деб фараз қиладилар.

**Цикл тектонический (геотектонический) - Тектоник (геотектоник) цикл -** тектоносферанинг ривожланиши билан боғлиқ геологик ҳодисалар мажмуаси. Ҳаракатчан тектоносферанинг эволюция қонуниятларига бўйсунган ҳолда ривожланишини, яъни геосинк-

линал ҳосил бўлиши билан бошланиб бурмаланишнинг юзага келиши ва боғлиқ равишда улардан кейин тоғ ҳосил бўлиши жараёнларини ўз ичига олади.

**Цикл тектоно-магматический - Тектоник-магматик цикл -** ҳаракатчан минтақаларда геосинклиналь пайдо бўлишидан бошлаб, унинг бурмаланган областга айланиши, тамоман консолидацияси, тектоник ҳамда магматик жараёнлар тугагунча давом этган давр. Ўзаро боғлиқ ва йўналган тектоник ҳамда магматик фаолликни ўз ичига олади. Бурмаланиш даврларига мос равишда байкал, каледон, герцин, киммерий ва альп тектоник-магматик цикллари ажратилади.

**Цикличность - Циклликлик -** циклнинг мавжудлиги, қандайдир ҳоди-салар қонуниятли қаторини намоён этувчи ва кўп ҳолларда қайтариловчи жараёнларнинг хусусияти. Геологияда жараёнлар албатта бошланғич ҳолатга қайтмайди ва табиатнинг илгарилувчи ривож қонуниятларига бўйсунди.

**Цикличность рельефообразования - Рельеф ҳосил бўлишининг цикллилиги -** рельеф ҳосил бўлиш жараёнлари даврий геологик жараёнлар, тектоник ҳаракатлар ва иқлимнинг ўзгариши, билан мужассамлашади. Рельеф ҳосил бўлиши жараёнини жадаллилигини ўзгариши тўлақонли рельеф генерациясининг тектоник контрастиклиги ундан сўнг денудацион текисланиш юзага келиб, улар чўкинди тўпланиши билан корреляцияланади.

**Циклограмма - Циклограмма -** статистик маълумотларни синфларга бўлиб, графикларда (чизмаларда) ифодалаш. У секторларга бўлинган айланадан иборат бўлиб, унда ажратилган секторлар майдони синф ҳажмига пропорционал бўлади. Ц. минерологик, гранулометрик, кимёвий ва б. анализ натижаларини тасвирлашда қўлла-нилади.

**Циклы генетические формирования подземных вод - Ер ости сувлари ҳосил бўлишининг генетик цикллари -** учта цикл ажратилади: 1) инфильтрацион ёки континентал цикл, у атмосфера сувларининг инфильтрацияси ва ер қаърининг яқин қисмларидаги нураш жараёни билан боғлиқ бўлиб, бунда грунт сувлари катта чуқурликларга эга бўлмаган артезиан сувлар ҳосил бўлади; 2) денгиз ёки чўкинди цикли. Бунда денгиз ётқиқиқлари ҳосил бўлишида вужудга келган сувлар ёки уларнинг ичига ташқаридан сувнинг кириб бориши ҳамда диагенез жараёнида қисман ўзгаришидан артезиан сувлари ҳосил бўлади; 3) метаморфик ва магматик цикл. Бунда метаморфизм ва магматизм жараёнлари таъсирида ҳосил бўлган сувлар. Бу цикл билан турли кўринишдаги озод сувлар ҳосил бўлади.

**Цилиндрит - Цилиндрит -**  $Pb_3Sn_4Sb_2S_{14}$ . Кат. 2-2,5. Сол. оф. 5,42. Таркиби доимий бўлган, қора-кўкимтиркул рангли қобиқсимон-цилиндрик, варақсимон-найсимон агрегатли металсимон ялтироқ м-л. Ag-Sn, Sn-Pb-Zn гидротермал конларида касситерит, станин, франкеит ва б. лар билан бирга учрайди. Син.: цилиндрит.

**Цимофан - Цимофан -** хризоберилл м-лининг яшил ёки сарғиш рангли тури.

**Цинк - Рух, Zn -** М.д.с.нинг II-гурухига мансуб к.э. Т.р. 30, ат.м. 65.39. Р. табиатда 5 та барқарор изотоп ( $Zn^{64}$ ,  $Zn^{66}$ ,  $Zn^{67}$ ,  $Zn^{68}$ ,  $Zn^{70}$ ) дан иборат аралашма ҳолида учрайди, 9 та сунъий радиоактив изотопи бор. Ер پوستининг масса жиҳатидан  $3 \cdot 10^{-3}$  % ни ташкил қилади. Оч зангори рангли, кумуш каби ялтироқ металл, 419,5°C

да суюқланади, 907°C да қайнайди, зичлиги 7,133 г/см<sup>3</sup>. Муҳим м-ли-сфалерит. Жез, томпақ, кейзенбер каби қотишмалари кенг қўлланилади. Р.пўлатни коррозиядан сақлашда, конструкцион материал сифатида, қуруқ элементларнинг идишларини тайёрлашда қўлланилади.

**Цинк самородный - Соф туғма рух - Zn.** Қат. 2. Сол. оф. 6,7-7,2. Таркибида 1% гача Cd бўлган, донатор, оқ рангли, кулрангроқ, металлсимон ялтироқ м-л. Pt нинг туб конларида ва олтин сочмаларида учрайди. Мўрт бўлиб, тикланиш муҳитида ҳосил бўлади.

**Цинкалюминит - Цинкалюминит -  $Zn_6Al_2[(OH)_{26}(SO_4)_2 \cdot 5H_2O]$ .** Қат. 2,5-3. Сол. оф. 2,26. Оқ, кукимтир рангли, колломорф м-л. Кислоталар ва ишқорларда эрийди. Оксидланиш зоналарида учрайди.

**Цинкботриоген - Цинкботриоген -  $(Zn, Mg) Fe^{3+} [OH (SO_4)_2] \cdot 7H_2O$ .** Қат. 3,5. Сол. оф. 2,2. Жигарранг-қизғиш, радиал-нурсимон агрегатли, шишасимон ялтирайдиган м-л. Pb-Zn конлари оксидланиш зонасида пиккерингит билан бирга учрайди.

**Цинкениит - Цинкениит -  $Pb Sb_2S_4$ .** Қат. 3. Сол. оф. 5,3. Sb қисман As билан алмашинган. Пўлатсимон кулрангли игнасимон радиал нурсимон агрегатлар ҳосил қилувчи, металлсимон ялтироқ м-л. Гидротермал паст ва ўрта ҳароратли Sb ва Pb-Zn конларида джемсонит, буланжерит, антимонит ва б. м-ллар билан бирга учрайди.

**Цинковая шпинель - Рух шпинели - "Ганит"** атамасининг синоними.

**Циннвальдит - Циннвальдит -  $KLiFe^{2+}Al[(F,OH)_2AlSi_3O_{10}]$ .** кул ранг-қўнғир, кўк рангли слюда м-л. Грейзенлар, пегматитларда учрайди. Криофилит тури мавжуд.

**Циполин - Циполин - силикатли мрамар.** Улардаги қатламларда катта миқдорда слюдалар ва тальк учрайди.

**Циппенит - Циппенит -  $\{[6UO_2]3(OH)_2 | 3SO_4\} \times 12H_2O$ .** Қат. 3. Сол. оф. 3,4-3,6. Тўқ сариқ-сарғиш, яшил-сарғиш буйраксимон, радиал нурсимон агрегатли, люминесценцияланувчи м-л. Сувда эрийди. Йўлдош м-ллари: уран қуруми, гипс, ярозит. Син.: цветы урановые.

**Циркелит - Циркелит -  $(Ca, Ce, Y, Fe)x(Ti, Zr, Th)_3O_7$ .** Қат. 5,5. Сол. оф. 4-4,5. U, Th, TR, Na, Nb, Ta аралашмалари, жигаррангли, қора, мойсимон ялтироқ м-л. Карбонатлашган ишқорий ультраасос т. ж. ларида, карбонатларда учрайди. Син.: цирконолит.

**Цирклерит - Цирклерит -  $9FeCl_2 \cdot 4AlO_3OH$ .** Қат. 3,5. Сол. оф. 2,6. Оч кулрангли, майда донатор агрегатли, м-л. Туз конларида учрайди.

**Циркон - Циркон -  $Zr[SiO_4]$ .** Қат. 7,5. Сол. оф. 4,6-4,7. Оролсимон силикатлар синфига мансуб м-л. Рангисарғиш-жигар-ранг, сариқ, қизил, олмоссимон ялтироқ м-л. Одатда радиоактивлашган. Гранит, сиенит ва б. т. ж. ларида магматик йўл билан ҳосил бўлади ҳамда пегматитларда учрайди. Циркон эритиб олинадиган маъдан. Йўлдош м-ллари: дала шпатлари, корунд, пироксид, апатит, скаполит, пироксен, титанит. Син.: азорит, калиптолит, хельдбургит, цирконит ва б. лар.

**Цирконий - Цирконий, Zr - М.д.с.нинг VI-гурухига мансуб к.э. Т.р. 40, ат.м. 91,22. Табиий Ц нинг 5 та изотопи бор.  $Zr^{90}$ (51,46%),  $Zr^{91}$ (11,23%),  $Zr^{92}$ (17,11%),  $Zr^{94}$ (17,40%) ва  $Zr^{96}$ (2,80%).** Сунъий йўл билан

2 та радиоактив изотопи олинган. Ер пўстининг масса жиҳатидан  $2 \cdot 10^{-2}$  % ини ташкил қилади. Ц. кумуш каби ялтироқ, қат-тиқ, боғланувчан, пластик металл. Зичлиги 6,46 г/см<sup>3</sup>, 1852°C да суюқланади, 3580-3700° да қайнайди. Циркон ва бадделеит номли м-ллари Ц. олишда асосий хом ашё ҳисобланади. Соф Ц. атом техникасида ишлатилади.

**Циркосульфат - Циркосульфат -  $Zr(SO_4)_2 \cdot 4H_2O$ .** Сол. оф. 2,85. Оқ, рангсиз, кукунсимон микродонатор агрегатли м-л. Сувда енгил эрийди. Пегматит томир бўшлиқларида учрайди. Гизингерит, смитсонит, лимонитлар билан ассоциация ҳосил қилади.

**Циркуляция вертикальная - Тик циркуляция - дунё океанида сув массаларининг вертикал йўналишдаги ҳаракати.** Бунинг зоналардаги сув массаси зичлигининг, сатҳини ўзгариши ва б. сабаблар юзага келтиради.

**Циркуляция поперечная - Кўндаланг циркуляция - сув ва газ оқимлари кўндаланг кесимида кузатиладиган айланма ҳаракат.** Бўйлама оқимда мужассамлашиб оқим бўйига айланма ҳаракат кузатилади. Оқимнинг букилиши зоналарида, шунингдек, Кориолис кучлари таъсирида юзага келади.

**Циртолит - Циртолит - уран билан бойинган, циркон м-лининг тури; таркибида Th, U, элементлари бор.**

**Цитрин - Цитрин - лимонсимон-сарғиш, олтинсимон ёки кофесимон-сарғиш рангли кварц м-ли.** Қат. 7. Сол. оф. 2,6.

**Цоизит - Цоизит -  $Ca_2Al_3[O(OH)SiO_4]_3Si_2O_7$ .** Қат. 6-6,5. Сол. оф. 3,15-3,36. Si нинг Al билан, Al нинг  $Fe^{3+}$  ва Mn, кам ҳолларда Cr билан ўрин алмашинган ҳоллари кузатиладиган м-л. Эпидот билан бир хил структурага эга. Сарғиш-яшил рангли шишасимон, садафсимон ялтироқ м-л. Регионал метаморфизмнинг қуйи ва ўрта босқичларида ҳосил бўлган т. ж. ларида учрайди. Турлари: тулит, Cr ли цоизит. Йўлдош м-ллари: кварц, эпидот, везувиан, гранат, амфиболлар, халькопирит, магнетит. Син.: зауальпит.

**Цоколь - Цоколь - платформа пойдевори.**

**Цоколь террасы - Террасанинг пойдевори - аллювиал террасалар остидан ер юзасига чиқиб турувчи туб т. ж. лари ёки шу генезисдаги қадимийроқ т. ж. лари.**

**Цунами (тсунами) - Цунами (тсунами) - - сув ости зилзилалари вақтида сув сатҳининг ўзгариши натижасида ҳосил бўладиган, жуда катта бўзилиш кучига эга бўлган тўлқинлар.** Уларнинг тезлиги 400-800 км/соат, баландлиги 15-30 м ва ундан ортиқ бўлади. Японча *Цу* -порт, *Нами* - тўлқин, яъни портдаги сув тўлқини маносини беради.

**Чапманит - Чапманит -  $Fe_2Sb[OH(SiO_4)_2]$ .** Қат. 2-3. Сол. оф. 3,7. Тўқ яшил, тўқ сариқ рангли, зич ёки кукунсимон агрегатли м-л. Ag маъданларида учрайди. Син.: гёферит.

**Чарнокит - Чарнокит - микроклинли гранитнинг турларидан бири. қ. *Формация чарнокитов*.**

**Чарнокитизация - Чарнокитланиш - чуқур метаморфизм шароитида гранулитли фацияга мос келувчи метасоматизм жараёни ва реоморфизм натижасида**

пироксен (кварц) - плагиоклазли сланецларни, габбро-норитли, габброидсимон ва баъзи б. т. ж. ларининг қайта кристалланиши натижасида чарнокитларнинг ҳосил бўлиши. қ. *Гранитообразование. Гранитизация.*

**Чароит - Чароит** -  $K(Ca,Na)_2[(OH,F) | Si_4O_{10}]H_2O$ . Кат., 6. Сол. оф. 2,54. Занжирсимон силикатлар синфига мансуб м-л. Ранги бинафша., ингичка толасимон агрегатли м-л. Ишқорли интрузивларнинг мармар билан чегарасида ҳосил бўлган, калий билан бойиған метасоматитларнинг асосий т. ж. ҳосил қилувчи м-ли. Йўлдош м-ллар: тинаксит, канасит, калийли дала шпати, эгирин.

**Частицы обломочные - Чақиқ заррачалар** - чўкиш жараёнида, шунингдек тектоник деформациялар ва вулканларнинг отилиши натижасида ҳосил бўлган т. ж. лари ва м-лларнинг бўлақлари.

**Частицы пепловые - Кул заррачалари** - жуда кичик ўлчамли вулкан отилмалари: вулкан шишасининг заррачалари ва кристаллари, лава бўлақчалари. қ. *Пепел Вулканический.*

**Частота - Частота** - геофизикада 1 секунд давомида физик майдон кўрсаткичлари тебранишлари сонини кўрса-тувчи ўлчов.

**Чатамит - Чатамит** -  $(Fe,Co,Ni)As_3Ni$  элементига бой м-л, лёпингит (?).

**Чевкинит - Чевкинит** -  $(Ce,La)_2Ti_2O_4(Si_2O_7)$  (?). Кат. 5-6. Сол. оф. 4,3-4,7,  $ThO_2$  аралашмаси 1-4 % дан то 21 % гача  $UO_3$  25 % гача  $Nb_2O_5$  7,4 % гача бўлиши мумкин. Жигарранг, қора рангли, шишасимон ялтироқ м-л. Ишқорий гранитларда, сиенитларда ва пегматитларда, кам ҳолларда доломитларнинг гранитлар билан контактларида учрайди. Йўлдош м-ллари: гадолинит, титанит, апатит, ортит, кварц.

**Чемберсит - Чемберсит** -  $Mn_3[Cl | V_7O_{13}]$ . Кат. 7. Сол. оф. 3,49. Рангсиз, тўқ зангори рангли м-л. Галит, ангидрит ва гипс билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари: галит, ангидрит, гипс. Син.: манганборацит, эрикаит.

**Чермакит - Чермакит** -  $Ca_2(Mg,Fe^{2+})_3(Al,Fe^{3+})_2[(OH)_2 | Al_2Si_6O_{22}]$ .  $Mg \div Fe$  0,5÷1,0 тўлиқ изоморф серияни ташкил этади. Бу серия аъзолари шох алдамчиси м-ллари кичик гуруҳига киради.  $Mg \div Fe$  га яқин м-ллар оҳақтошлар ва доломитли сланецлардан ҳосил бўлган амфиболитларда ва сланецларда аниқланган.

**Черновит - Черновит** -  $Y[AsO_4]$ . Кат. 4,5. Сол. оф. 4,866. Оч сариқ, рангсиз, шишасимон ялтироқ м-л. Пьемонтит-кварц томирларида, кесувчи липарит порфирларда гастигсит, гранат, ильменит ва б. билан ассоциацияда учрайди.

**Чернь серебрянная - Кумуш қораси** -  $Ag_2S$ . Каркас структурали аргентит гуруҳига мансуб м-л. Аргентитнинг кукурсимон тури. Қоплама шаклида учрайди. Ранги - қорароқ кўрғошин-симон.

**Чернь урановая - Уран қораси** - уранинитнинг коллоид-дисперс ўзга-риши маҳсули. Кат. 1-4. Кулранг - қора, яшил-кўк рангли. Қолдиқ ва регенерацияланган турлари ажратилади. Қолдиқ У.қ.да уранинитдан қолган структура сақланади. Регенерацияланиш жараёнида эса олти валентли уранин тўрт валентли бирикмасигача тикланишдан уран қорасининг регенерациялашгани ҳосил бўлади.

**Черта - Чизик** - минералогияда металл билан чизилганда ҳосил бўлувчи изнинг ранги. Чизик ранги кўп ҳолларда м-ллар ранги билан бир хил, баъзи ҳоллар-

да фарқланади. Масалан: пўлатсимон - қора рангли гематитнинг чизиги олчасимон-қизил рангга, сариқ рангли пирит чизиги эса қора рангга эга.

**Четвертичная система - Тўртламчи система** - охириги 1 млн. йилдан бери давом этаётган кайнозой эрасининг юқори система; қадимги (зоплейстоцен), ўрта (мезоплейстоцен), янги (неоплейстоцен) ва ҳозирги замон (голоцен) бўлимларига бўлинади.

**Четвертичный период - Тўртламчи давр** - тўртламчи давр кайнозой эрасининг сўнгги даври. 1,6 млн. йил давом этган (1993 йил геохронология шкаласи). Иқлимнинг кўп марта кескин ўзгарганлиги билан тавсифланади. Совуқ иқлимли даврда қитъа музликлари ҳосил бўлган, музлик областларидан ташқари жойларда сернам иқлим кузатилган. Ҳароратнинг энг исиган пайтларида жуда катта денгиз сув тошқини юзага келган.

**Чехол платформенный - Платформа ғилофи** - платформаларнинг чўкинди т. ж. ларидан ташкил топган, структурали юқори қавати. Кристалли (қадимий платформалар) ёки бурмаланган (ёш платформалар) пойдевор устида ётади. Баъзан қоплама кесимида магматик т. ж. лари ривожланган (фаоллашган платформалар). Одатда булар "трап формациялари" деб юритилади. Метаморфлашган қоплама т. ж. лари горизонтал ҳолатга яқин ётади. П.қ. пойдевордан кескин номувофиқ юзаси ва стратиграфик танаффус билан ажралиб туради.

**Чешуи тектонические - Тектоник тангасимон ҳосилалар** - Ер қобиғининг бир-бирларининг устига силжиган кичик (бир неча км, кўп ҳолларда юзлаб м.), чўзинчоқ шаклдаги қисмлари. Силжишчуқурликда қия, тепа қисмида тик юза бўйлаб содир бўлади. Одатда улар изоклинал бурмаларни, йирик сурилмаларни, узилма атрофи синклиналларини мураккаблаштириб, тангасимон структуралар ёки тангасимон жойлашган сурилмаларни ҳосил қиладилар.

**Чешуя - Тангача** - 1. Ўсимликларда - қисман ўзгаришга учраган барглardan иборат бўлиб, у муҳофаза-лаш функциясини ўтайди. 2. Жонзотларда - кичик-кичик пластинкалардан иборат бўлиб, унинг танасини ҳимоялайди.

**Чикловаит - Чикловаит** -  $Bi_2Te(S, Se)_2$ . Баргсимон агрегатли, халькопирит, тетрадимит ва кальцит билан ассоциация ҳосил қилувчи м-л.

**Чиминит - Чиминит** - трахиандезитнинг лабрадор фенокристалли, авгитли оливин тури. Асосий масса трахитдан иборат.

**Число коксовое - Кокс сони** - стандарт шароитда нефть ва нефть маҳсулотларини кокслаш натижасида олинадиган, учмайдиган углеродли қолдиқларнинг фоиз миқдори билан тавсифланадиган кўрсаткич.

**Число пластичности глинистых пород - Гилли тоғ жинсларининг қайишқоқлик сони** - т. ж. нинг оқувчанлик ва қайишқоқлик чегарасидаги намликлари фарқ (қайишқоқлик сони) билан тавсифланувчи кўрсаткич.

**Шабазит - Шабазит** -  $(CaNa)_2 [Al_2 Si_4 O_{12}] \cdot 6H_2O$ .

Қат. 4-5, Сол. оф. 2,08-2,61. Оқ, қизғиш, жигаранг, пўстлоқсимон, дона-дор агрегатли цеолит м-ли. Одатда  $(Na,K) Si > Ca Al$ ;  $Ca$  ни  $Na$  ва  $K$  билан, кам ҳолларда  $Sr$  ва  $Ba$  билан алмашилиши кузатилади. Гидротермал томирлардаги, иссиқ булоқлар ётқизиқларидаги бўшлиқларда тарқа-лади. Йўлдош м-ллари: филлинсит, томосонит, кальцит, адуляр, альбит, кварц, флюорит, эпидот ва б.

**Шаллерит (Шэллерит) - Шаллерит (Шэллерит)** -  $(MnFe^{2+})_8 [(OH)_{10}(Si,As)_6O_{15}]$ . Қат. 4,5-5. Сол. оф. 3,37. Оч жигаранг м-л. Рух маъданларида учрайди.

**Шамозит - Шамозит** -  $(Fe^{2+}, Mg, Fe^{2+})_3 Al(Si_3 Al) O_{10}(OH, O)_8$  Қат. 3. Сол. оф. 3-3,4. Хлорид структурали, яшилдан то қора рангача бўлган, шишасимон ялтироқ м-л. Латеритли - гил ётқизиқларида сидерит ва каолинит билан ассоциацияда учрайди. Магнийшамозит, алюмошамозит, ортошамозит каби турлари мавжуд. Йўлдош м-ли: тюрингит. Син.: субделессит, шамуазит.

**Шапбахит - Шапбахит** -  $AgBiS_2$ . Қат. 2,5. Сол. оф. 6,9-7,2. Висмутли кумуш маъдани. Ранги томирсимон қора, галенитга ўхшаш м-л. Син.: аргентовисмутит, морочочит, перувит.

**Шарнир складки - Бурма шарнири** - букилмадаги бирор-бир белгилочки қатламнинг букилиш нуқталарини туташтирувчи чизиқ. Букилмада қанча қатлам бўлса шунча шарнир бўлади. Бу атама букилма қулфини ифода этади.

**Шарпит - Шарпит** -  $[UO_2CO_3] \cdot H_2O$ . Қат. 2,5. Сол. оф. 3,33. Сарғиш-яшил рангли, радиал толали ва тангачасимон агрегатли, м-л.  $Cu-U$  ва  $U-V$  конларининг оксидланиш зонасида ураноталлит, шрекингерит, уранофан, кюрит, беккерелит, уранинит билан бирга учрайди.

**Шарьяж - Шарьяж** - қоплама шаклида бўлган т. ж. ларининг узоқ масофаларга эгри-бугри юза бўйлаб горизонтал ёки қия сатҳ ҳосил қилиб сурилишидан ҳосил бўлган структура. Сурилиш бир неча ўнлаб км. дан юзлаб км. гача чўзилиши мумкин.

**Шахта разведочная - Қидирув шахтаси** - Ер усти ёки остидаги (ёпиқ) тоғ иншоотларидан ўтилувчи катта кўндаланг кесимга (2х3; 3х4м) эга, тик ёки нисбатан қия тоғ-кон иншооти. Чуқурлиги одатда 120-150 м. ни ташкил этиб, ундан квершлаг, штрек ва б.лар ўтилади.

**Шахты естественные - Табиий шахталар** - нисбатан чуқур бўлган тик деворли карст каналлари.

**Шварцембергит - Шварцембергит** -  $Pb_3[Cl_3 | O_3 | JO_3]$ . Қат. 2. Сол. оф. 6,2. Сарик, қизғиш рангли, олмоссимон ялтироқ м-л. Оксидланиш зонасида перцелит, паралаурмонит, гипс, церуссит ва б. билан бирга учрайди. Йўлдош м-ли: галенит. Син.: плюмбойодит.

**Шватцит - Шватцит** - таркибида 18 % гача симоб бўлган хира маъдан м-ли. Қат. 3-4. Сол. оф. 5,1. Ҳол-ҳолликлар шаклида учрайди. Ранги кулрангдан то қорагача Син.: гермесит, спаниолит, шватцит ва б. лар.

**Шеелит - Шеелит** -  $Ca[WO_4]$ . Қат. 4,5-5. Сол. оф. 5,9-6,1. Вольфрамитлар синфига мансуб, ранги оқ ва оқ-сарғиш, айрим вақтларда қўнғир яшил, хатто қизил, олмоссимон, ёғсимон ялтироқ м-л. Скарнда, кварц томирлари, камроқ грейзен ва пегматитларда учрайди. Йўлдош м-ллари: гематит, вольфрамит, молибденит, кварц. Син.: офир тош, шельшпат, тримонит, тунгштейн.

**Шельф - Шельф** - денгиз остида қолган қитъа атрофи (эни глобал масштабда 1500 км. гача, ўртача 78 км) ёки нормал платформага нисбатан сезиларли ҳаракатчан

палеоструктура.

**Шельф аккумулятивный - Аккумулятив шельф** - терриген чўкинди материаллардан ташкил топган материк қирғоғи. Энг катта шельфлар катта дарёларнинг денгизга қуйилиш жойларида, енгил ювиладиган қирғоқларда тарқалган.

**Шеневиксит - Шеневиксит** -  $Cu_2Fe_2^{3+}[(OH)_2AsO_4]_2 \cdot H_2O$ . Қат. 3,5-4,5. Сол. оф. 3,93. Игнасимон, дисксимон кристалли, тўқ яшилдан яшил-сарғиш ранггача бўлган м-л. Оксидланиш зоналарида тарқалган. Йўлдош м-ли: оливенит. Син.: хеневиксит.

**Шёнит - Шёнит** -  $K_2Mg[SO_4]_2 \cdot 6H_2O$ . Қат. 2,5. Сол. оф. 2,0 Қисқа призма шаклдаги, оқ рангли, рангсиз, массив ёки кукунсимон агрегатли, шишасимон ялтироқ м-л. Сувда эрувчан, таъми аччиқ бўлиб туз конларида учрайди. Йўлдош м-ллари: каинит, сильвин. Син.: пикромерит.

**Шерветит - Шерветит** -  $Pb_2[V_2O_7]$ . Қат. 2,5. Сол. оф. 6,3. Оч кулранг ёки қўнғир рангли, олмосдек ялтироқ м-л. Оксидланиш зоналарида тарқалган.

**Шериданит - Шериданит** - магнезиал хлорит,  $MgAl_2(OH)_2 Al_{1,2-1,5} Si_{2,8-2,5} O_{10} \cdot Mg_3(OH)_6$ . Алюминийга бой клинохлор. Кулранг, ипаксимон ялтироқ м-л. Корундофиллитга яқин ёки у билан бир хил. Син. грохаунит.

**Шерл - Шерл** -  $NaFe^{2+}_3(Al, Fe^{3+})_6[(OH)_4 | (BO_3)_3 | Si_6O_{18}]$ . М-л. Турмалиннинг таркибида темир бўлган қора рангли тури. Син.: пьерпонтит, қора турмалин, африцит.

**Шилкинит - Шилкинит** - толасимон яшил мусковит.  $Fe_2O_3$  миқдори 22 % гача боради. Грейзенлашган пегматитларда учрайди. Син. гидромусковит.

**Ширина складки - Бурма кенглиги** - қўшни бурмалар ўқлари орасидаги масофа.

**Широта геомагнитная - Геомагнит кенглик** - Ер магнит майдони оғшининг бир хил қийматга эга бўлган нуқталарини бирлаштирувчи изоклин чизиқлар ёки магнит қутуби (шимол. ва жануб.) билан кузатиладиган нуқта орасидаги кенглик.

**Шкала абсолютной геохронологии - Мутлақ геохронология шкаласи** - геологик ривожланишнинг асосий тарихий ҳодисаларини вақт астрономик бирликларида (йилларда) ифодаланиши.

**Шкала геостратиграфическая - Геостратиграфик шкала** - ер қобигининг стратиграфик бўлинмалари асосий бўлимининг маълум бир кетма-кетлиги ва тенглигини, жойлашишини кўрса-тувчи шкала.

**Шкала геохронологическая (геоисторическая) - Геохронологик (геотарихий) шкала** - геологик нисбий ёш шкаласи бўлиб, ернинг геологик ривожланиш тарихининг ва ҳаёт ривожланишининг кетма-кетлигини ифодалайди. Стратиграфик шкала бўйича мавжуд маълумотларнинг таҳлили ва синтези маҳсули.

**Шкала геохронологическая палеомагнитная - Палеомагнит геохронологик шкала** - Ернинг магнит майдонида юз берган инверсияларга асосланган шкала. Кайнозой эрасининг охири 4,5 млн. йили учун ишлаб чиқилган. Ер палеомагнит инверсиясининг планета миқёсига эгаллиги ундан Ер планетасининг турли майдонларидаги геологик таналар ва геологик ҳодисаларни стратиграфик ва геохронологик корреляциялаш имконини беради.

**Шкала землетрясений - Зилзилалар шкаласи** - зилзилалар кучи ва қувватини баҳолаш учун фойдаланилади. Ўзбекистонда ва МДХ мамлакатларида 1964

й.ЮНЕСКО томонидан тасдиқланган MSK-64 шкаласи ишлатилади. Бунда М-Медведев (Россия), S-Шпонхоэр (Германия), К-Карник (Чехия), учта муаллиф фамилияларининг бош харфлари.

**Шкала Рихтера - Рихтер шкаласи** - магнитудалар (тебранишлар ёки силкинишлар қиймати) бўйича зилзилаларни таснифловчи жадвал. Зилзила (ёки портлаш вақтида юзага келувчи сейсмик тўлқинлар) энергиясини баҳолашга асосланади.

**Шкала стратиграфическая общая - Умумий стратиграфик шкала** - Ер шари ёки унинг бир қисми учун умумий бўлган стратиграфик бўлинмаларнинг кетма-кетлиги шкаласи.

**Шкала твердости (Мооса) - Қаттиқлик (Моос) шкаласи** (Моос томонидан таклиф этилган) - м-ллар қаттиқлигини бирламчи аниқлашда ишлатилувчи шкала. Қўлланилган м-ллар қаттиқлик рақами тальқдан (1) бошланиб, гипс (2), кальцит (3), флюорит (4), апатит (5), ортоклаз (6), кварц (7), топаз (8), корунд (9) ва олмосгача (10) ошиб боради.

**Шлаки вулканические - Вулкан тошқоллари** - вулкан портлаши натижасида вулкан кратеридан отилиб чиқиб ерга тушгунча ҳаво пуфакчаларига тўйинган лаваларнинг қотишидан ҳосил бўлади. Лава оқимлари юзасидан жадал газ ажралиб чиқадиган турларида ҳам ҳосил бўлиши мумкин.

**Шлаки кружевные - Кунгурали тошқоллар** - жуда енгил, катта говак-ликка эга бўлган (98-99 %) тўқ рангли базальтлар тошқоли.

**Шлаки сварные - Қотишма (пайвандлаш) тошқоллари** - вулкан отилиши натижасида ажралиб чиққан лаваларнинг ер юзасига тушиб қотишидан ҳосил бўлган тошқоллар.

**Шлам - Шлам** - т. ж. ларини майдалаганда, бурғилашда ҳосил бўладиган, суюқликка тўйинган кукунсимон маҳсулот. Заррачалар ўлчами 0,25 мм дан йирик бўлмайди.

**Шлейф - Шлейф** - баландлик атрофини (этагини) ўраб турувчи бўшоқ т. ж. ларининг тасмаси.

**Шлейф аллювиально-пролювиальный - Аллювиал-пролювиал шлейф** - *"Равнина предгорная"* атамасининг синоними.

**Шлейф делювиально-пролювиальный - Делювиал-пролювиал шлейф** - кичик қияликка эга бўлган, баланд тепаликлар ён атрофида ҳосил бўлган аккумулятив текислик. Қия сатҳларда делювиал ётқиқиқлардан ва пролювиал ҳосилалардан ташкил топиб олиб чиқиши конусларини ҳосил қилади.

**Шлейф делювиальный - Делювиал шлейф** - қия сатҳлардан сирпаниш ёки ювилиш натижасида чиқиб ётқизилган ётқиқиқлардан ташкил топган, нисбатан қия текислик.

**Шлейф коллювиальный - Коллювиал шлейф** - коллювий қопламаси бўлиб, у тоғ ёнбағри этақларидан то туб тоғ жинслари тарқалган ерларгача бўлган қия сатҳларда тарқалади.

**Шлир - Шлир** - интрузив т. ж. лари умумий массасидан фарқланувчи м-ллар тўпланмаси. У атрофдаги т. ж. ларидан таркибига кирувчи м-лларнинг ўзаро нисбати, структураси билан фарқланади.

**Шлиф - Шлиф** - т. ж. ни юққалаб (0,01-0,04мм) тайёрланган шаффоф пластинка; икки томони силлиқланиб предмет ойнасига канада бальзами ёрдамида ёпиштирилади. Қутб-ланган микроскоплар ёрдамида т. ж. нинг

м-л таркиби ва ички тузилиши аниқланади.

**Шлиф непрозрачный - Шаффоф бўлмаган шлиф** - қ. *Аншлиф*.

**Шлиф полированный - Сайқалланган шлиф** - қ. *Аншлиф*.

**Шлиф прозрачно-полированный - Шаффоф қилиб силлиқланган шлиф** - маъдан ёки т. ж. нинг юққа пластинкаси; ёруғлик нури таъсирини ўрганишга асосланган махсус тадқиқот учун тайёрланади. Оддий (шаффоф) шлифдан фарқи- шиша билан ёпилмайди. Лекин ҳар иккала томони силлиқланади.

**Шлиф прозрачный - Шаффоф шлиф** - т. ж. лари м-л ёки қазилма ёки кўмирнинг ёруғликда микроскоп остида м-лни, шунингдек т. ж. ларини таркиби ва структураларини ўрганиш учун мўлжалланган юққа пластинкаси.

**Шлиф рудный - Маъдан шлифи** - *"Аншлиф"* атамасининг синоними.

**Шлифование (полирование) - Силлиқлаш (сайқаллаш)** - қояларнинг, харсангларнинг, шағалларнинг, зол қумларнинг шамол таъсирида катта куч билан учириб келиб урилиши; муз парчаси ва музга ёпишиб қолган чақиқ т. ж. ларининг урилиши; сувли қумлар, майда шағалларнинг денгиз тўлқинлари ёки дарё оқимлари билан келиб урилиши натижасида емирилган қоялар, тош қўзиқоринлар, жўяксимон чуқурликлар, чандиқлар ва ҳ.к.ларнинг силлиқланиши ҳосил бўлади.

**Шлих - Шлих** - Ер юзидаги аллювиал, делювиал ва бўшоқ т. ж. ларини ювгандан сўнг қоладиган оғир фракция. Ш. лар махсус усуллар билан мукамал ўрганилади.

**Шляпа гипсо-глинистая - Гипсли-гилли қалпоқ** - тузли структураларнинг юқори қисмида гилли материалнинг тўпланишидан ҳосил бўлади. Тузли гил қатламлари мавжуд тузли қалин қатламли структураларда ҳосил бўлади.

**Шляпа гипсовая - Гипсли қалпоқ** - гипсинг тузли структураларнинг юқори қисмида ангидрит, гилли модда ва карбонат материаллар аралашмаси билан бирга тўпланиши. Туз уюмларининг устки қатлами ва унинг кесимининг юқори қисмида ётувчи ангидритнинг гидратация жараёнида, тош тузи ва унга ҳамроҳ тузларнинг ишқорсизланиши туфайли пайдо бўлган қолдиқ маҳсулотларнинг тўпланиши, ер ости ва усти сувлари таъсири натижасида ҳосил бўлади.

**Шляпа железная - Темир қалпоқ** - таркибида пирит мавжуд бўлган сульфид конларининг оксидланган қисми. Асосан темирнинг турли хил сувли оксидлари (гетит, гидрогетит ва б.лар) дан, баъзан сувлсиз оксидлари (гематит)дан, миснинг иккиламчи кварцитлари аралашган кремнеземнинг м-л.лари (кварц, халцедон, опал)дан, сульфатлар (англезит, ярозит, гипс)дан, силикатлар (хризокотла)дан иборат.

**Шляпа серных месторождений - Олтингурут конлари қалпоғи** - айрим олтингурут конларининг ер юзига яқин жойларида соф олтингурутнинг оксидланиши натижасида ва олтингурут кислотасининг кимровчи т. ж. ларига таъсирдан пайдо бўладиган иккиламчи ҳосила.

**Шляпа соляная - Тузли қалпоқ** - калийли тузлар қатлами юзасига ер усти, кўп ҳолларда ер ости сувлари таъсирида юз берадиган эпигенетик жараёнлар натижасида ҳосил бўладиган иккиламчи ҳосилалар.

**Шов краевой - Чегаравий (чекка) чок** - геосинклинал областларнинг платформалар ва қалқонлар билан чегарасида кузатиладиган тектоник ёриқлар.

**Шов структурный - Структуравий чок** - қ. *Шов тектонический*.

**Шов тектонический - Тектоник чок** - чуқур узилмаларнинг узилиш юзасини ифодаловчи бир чизиқ бўйлаб чўзилган зона. Одатда катта структуравий элементлар (антиклинорийлар, синклинорийлар, ўрта массивлар ва уларни ўраб турувчи бурмали зоналар) оралиғи доирасида жойлашган.

**Шонкинит - Шонкинит** - меланократли ишқорий габросифат т. ж. Таркиби бўйича пироксенга бой, ишқорий дала шпатларидан (20 % га яқин, баъзан плагиоклаз билан бирга), кам миқдордаги нефелин, оливин, биотит ва апатитдан иборат сиенитга яқин т. ж.

**Шор - Шўрхок ер** - қ. *Солончак*.

**Шорит - Шорит** - канкринит-содалит-анальцимли лепидомеланли сиенит. Таркибида: калийли дала шпати-55 %, лепидомелан-10 %, канкринит ва анальцим-25 %, содалит-8 %, флюорит, гранат, апатит, циркон, магнетитлар қатнашади.

**Шорломит - Шорломит** -. "*Меланит*" атамасининг синоними.

**Шорсуит - Шорсуит** - пиккерингит-галотрихит изоморф қаторининг оралиқ аъзоси, толасимон, оқ, кулранг м-л, кичик қаттиқликка эга, сувда эрийди.

**Шортит - Шортит** -  $\text{Na}_2\text{Ca}_2[\text{CO}_3]_3$ . Кат. 3., Сол. оф. 2,6. Оқ, рангсиз, шишасимон ялтироқ м-л. Монтмориллонитли гилларда кальцит ва пирит билан бирга учрайди.

**Шпинель - Шпинель** -  $\text{MgAl}_2\text{O}_4$ . Кат. 8. Сол. оф. 3,53-3,65. Мураккаб оксидлар синфига мансуб м-л. Магнезиал скарн, контакт роговиклари ва метаморфик т. ж. лари (гранулит, кристалланган оҳактош)нинг типик м-ли. Ранги - жигарранг, қизилдан то сариққача, ҳаворанг ва шиша рангдан қорагача, шашасимон ялтироқ м-л. Асосли магматик т. ж. ларида аксессуар м-л сифатида учрайди. Син.: магнезиошпинель, балас-рубин, балэрубин.

**Шпинель железная - Темирли шпинель** - герцинит м-лининг синоними.

**Шрауфит - Шрауфит** - қуйи тўртламчи қум ётқизиқларида учрайдиган мўрт мум. Ранги қонсимон-қизғиш, яшил рангли флюоресценцияга эга, органик эритувчиларда 15 % гача эрийдиган ҳосила. қ. *Смоля ископаемые*.

**Шрёкингерит - Шрёкингерит** -  $\text{NaCa}_3[\text{UO}_2\text{F}(\text{SO}_4)(\text{CO}_3)_2] \cdot 10\text{H}_2\text{O}$ . Кат. 2-3. Сол. оф. 2,51. Эгилувчан пластинкалар шаклидаги, яшил-сариқ рангли м-л. Ультрабинафша нури таъсирида зангори яшил люминесценцияланиш хусусиятига эга. Маъдан сувларини бугланиши ва табиий шароитда уран маъданининг оксидланиши натижасида ҳосил бўлади. Син.: дакеит.

**Штейгерит - Штейгерит** -  $\text{Al}[\text{VO}_4] \cdot 3\text{H}_2\text{O}$ . Кукунсимон, пленка агрегатли, сариқ рангли, мумсимон ялтироқ м-л. Қумтошларда ферванит, гипс, корвуситлар билан бирга учрайди.

**Штернбергит - Штернбергит** -  $\text{AgFe}_2\text{S}_3$ . Кат. 1-2. Сол. оф. 4,3. Ранги сарғиш, бронзасимон, жигарранг, оч металлсимон ялтироқ м-л. Стефанит, пираргирит билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари: стефанит пираргирит. Син.: аргиропирротин.

**Шток - Шток** - нисбатан кичик (майdonи 200км<sup>2</sup>дан ортмайдиган) интрузив жисм шакли. Ер қобигининг чуқур қисмида пайдо бўлган, батолитдан кўра кичикроқ ҳажмга эга.

**Шток рудный - Маъданли шток** - буткул ёки деярли буткул маъданлар жисми. Шакли кўпинча изометрик тuzилишга яқин, кўпинча ёриқларнинг мураккаб кесишиб ўтишидан ҳосил бўлади. Гидротермал метасоматик маъданли жисмлар ва б. лар бунга мисол бўла оладилар.

**Шток соляной - Тузли шток** - тош туздан иборат тана бўлиб, унинг юқорида ётган т. ж. ларига кириб боришидан ҳосил бўлади. Кўп ҳолларда туз гумбазларининг ядросини ташкил этади. Цилиндрик, томчисимон, тилсимон, шунингдек нотўғри шаклларга эга. Баъзи ҳолларда "туз уюмлари" деб ҳам юритилади.

**Штокверк - Штокверк** - нотўғри (кўпинча изометрик) шаклдаги маъданли тана; турли йўналишга эга маъданли томирча ва заррлар билан тўлган т. ж. массасини ташкил қилади. Мис, қалайи, молибден, асбест ва б. конларнинг ётиш шакллари унга мисол бўла олади.

**Штольня - Штольня** - оғзи ер юзасига чиқувчи горизонтал тоғ иншоати. Штольнялар ковланиш мақсадига қараб қидириш ва ўзлаштириш (фойдаланиш) турларига бўлинади. Бундан ташқари, т. ж. ларини ташишга, сув чиқаришга, шамоллатишга мўлжалланган турлари мавжуд.

**Штольцит - Штольцит** -  $\beta\text{-Pb}[\text{WO}_4]$ ни модификацияси. Кат. 3. Сол. оф. 7,9-8,2. Кристаллари дипирамидал, баъзан призма шаклидаги, қўнғир кулранг, сариқ, баъзан қизил ва яшил рангли, қизғиш-жигаррангли олмоссимон ялтироқ м-л. Оксидланиш зоналарида ванодинит, миметезит, вульфенитлар билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари: касситерит, вольфрамит, шеелит, кварц.

**Штрек - Штрек** - Ер юзасига бевосита чиқишга эга бўлмаган горизонтал ёки нишаб ер ости тоғ-кон иншооти. Одатда қатлам йўналиши бўйича ковланади. Ковланиш мақсади ва жойлашишига қараб маъдан ташиб чиқарувчи, сув оқизувчи, вентилицион ва б. турларга бўлинади.

**Штриховка - Штрихлар** - кристал томонларидаги параллел ёки ўзаро кесишувчи тўғри чизиқли ариқчалар. Баъзи м-ллар учун бу ариқчалар диагностика белги бўлиб хизмат қилади.

**Штроейерит - Штроейерит** -  $\text{CuAgS}$ . Кат. 2,5-3. Сол. оф. 6,2. Қўрғо-шин ва рух конларининг цементланиш зонасида учрайдиган м-л. Ранги - кулранг, пўлатсимон. Син.: мис кумуш ялтироғи, купроаргирит.

**Штрунцит - Штрунцит** -  $\text{MnFe}_2^{3+}[\text{OH}(\text{PO}_4)]_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ . Кат. 3,5. Сол. оф. 2,56. Сариқ рангли м-л. Пегматитларда учрайди. Йўлдош м-ллари: трифилит, бераунлит, лейлит ва б.

**Шультенит - Шультенит** -  $\text{PbH}[\text{AsO}_4]$ . Кат. 2,5. Сол. оф. 5,94. Гипсга ўхшаш, пластинкали, ромб кўринишидаги рангсиз, шаффоф, шишасимондан олмоссимонгача бўлган ялтироқ м-л. Йўлдош м-ллари: байлдонит, миметезит, купроадамин.

**Шунакменс - Шунакменс** - чучук сувларда ҳосил бўладиган карбонат ётқизиқ. Уларнинг юзаларида ўсимликлар қолдиқлари излари кузатилади.

**Шунгит - Шунгит** -  $\text{C}_{79}\text{H}_{19}\text{O}_{1,5}\text{Na}_{3,1}$  м-л таркибида 93-98 % C ва 3-4 % H, N, O, S, Na бор. Кат. 3,5-4. Сол. оф. 1,84-1,98. Аморф углерод ва графит оралиғидаги ҳосила. Майда заррачали графит кристаллари кристаллик

фазани ташкил этади. Қора рангли, яримметалсимон ялтироқ м-л.. Битуминоз чўкиндиларга интрузив т. ж. ларининг метаморфик таъсирида ҳосил бўлган маҳсулот.

**Шунгиты - Шунгитлар** - протерозой ёшидаги юқори даражада метаморфизмга учраган органик моддалар. Таркибида 96-99 % С, 1 % дан кам (одатда 0,5 %) Н. дан иборат. Қора рангли, ялтироқ ҳосила. Қат. 3,4. Сол. оф. 1,8-2,0. Юқори электр ўтказувчанликка эга.

**Шурф - Шурф** - ф. қ. конларини қидириш ва излашда, геологик съёмка ишларини бажаришда, гидрогеологик тадқиқот ҳамда б. ларда ер юзасидан тик равишда тўртбурчак, доирасимон ("дудка") кесимда ковлаб ўтилувчи тоғ иншооти. Чуқурлиги 20-30 м.дан ошмайди ва бўшоқ т. ж. ларидан ковлаб ўтилганда деворлари мустаҳкамланиши зарур.

**Щебень - Қиррали шағал** - бўлаклари боғланмаган, умуман юмалоқланмаган, ўткир қиррали, ўлчамлари 10-100 мм. га тенг бўлган т. ж. бўлаги. Ўлчамларига қараб йирик (50-100 мм), ўрта (25-50 мм) ва майда (10-25 мм) турлари ажратилади. Цементланган тури "брекчия" деб аталади.

**Щелочность общая - Умумий ишқорийлик** - петрохимёвий кўрсаткич бўлиб,  $(K_2O + Na_2O) : SiO_2$  нисбати (оғирлик, фоизларда) орқали аниқланади. Унинг қиймати магматик т. ж. ларининг эффузив фациясидан субвулкан, интрузив т. ж. га қараб ортиб боради.

**Щелочность относительная (пород и минералов) - Нисбий ишқорийлик (тоғ жинс ва минералларнинг)** - петрохимёвий кўрсаткич. Ишқорлилик тавсифи бўлиб, пегматитлар ҳосил бўлиши жараёнининг, шароитини кўрсатади ва қуйидагича аниқланади:  $V = \sum(K:V)$  ёки  $V = \sum(A:n:MV)$ : Бунда: К - т. ж. даги ёки м-лардаги катионлар сони, V - катионларнинг ионлашиш потенциали, А - элементлардаги атомлар, n - оксидланган элементлар сони (оғирликларда, %), М - шу элементлар оксидининг молекуляр оғирлиги,  $\Sigma$  - ҳамма катионлар йиғиндиси.

**Щербаковит - Щербаковит** -  $(K, Ba)_2 Na(Ti, Nb)_2 [Si_2O_7]_2$ . Қат. 6,5; Сол. оф. 2,97. Тўқ жигаррангли, шишасимон ялтироқ м-л. Нефелинли сиенитларда пектолит ва натролит билан бирга учрайди.

**Щит - Қалқон** - тектоникада - платформаларнинг плитага қарама-қарши қўйиладиган энг йирик мусбат структураси. Уларга одатда текисланган тепалик шаклидаги структуралар хосдир.

**Щелочной резерв - Ишқорий заҳира** - кучли асослар ва султ кислоталардан ҳосил бўлган тузларнинг  $(Na_2CO_3, NaHCO_3, CaCO_3, MgCO_3)$  сувда эриши натижасида ҳосил бўлган эритмаларнинг ишқорийлиги.

**Щетка кристаллическая - Кристал щетка** - кристалларни бир текисликда ёки нисбатан параллел ўсиши.

**Щелочные горные породы - Ишқорли тоғ жинслари** - таркибида фельшпатоидлар ва (ёки) ишқорли тўқ рангли силикатли ишқорли пироксенлар ва (ёки) ишқорли амфиболлар бўлган магматик (вулканик, гипобиссал, плутоник) т. ж. лари.

**Эвансит - Эвансит** -  $Al_3[(OH)_6 | PO_4]6H_2O$ . Қат. 3-4. Сол. оф. 2,2. Зич, опал кўринишидаги буйраксимон агрегатли, рангсиз, кўкимтир яшилдан то кўнғир ранггача бўлган, шишасимон ялтироқ м-л. Лимонит, пиро-

люзит, кальций ва б. билан бирга учрайди.

**Эвгеосинклиналь - Эвгеосинклиналь** - ўта ҳаракатчан, одатда геосинклиналь областларнинг юксак вулкан фаоллигига эга ички қисми.

**Эвгеосинклинальное пространство - Эвгеосинклиналь макон** - ички кўтарилиш (эвгеоантиклиналь кўтарилганлик) ва ички эгикликлар (эвгеосинклиналь) мажмуаси.

**Эвдиалит - Эвдиалит** -  $Na_4(Ca, Ce, Fe^{2+})_2 ZrSi_6O_{17}(OH, Cl)_2$ . Қат. 5-5,5. Сол. оф. 2,7-3,0 Қизғиш, кўнғир-бинафша рангли, донадор агрегатли шишасимон ялтироқ м-л. Ультра ишқорли нефелинли сиенитларда ва пегматитларда учрайди. Йўлдош м-ллари: бадделит, ловозерит, содалит, конкринит, катапент, лампрофиллит. Син.: барсановит.

**Эвкрит - Эвкрит** - плагиоклаз анортит билан, пироксен авгит билан алмашинган габбро тури. Атомоанортитли габбро ва норит таркибли метеоритларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

**Эвксенит - Эвксенит** -  $(V, Ce, U)(Nb, Ta, Ti)_2(O, OH)_6$ . Қат. 5,5-6,5. Сол. оф. 4,7-5,87. Изоморф аралашмаларида TR, U, Th, Ca, Ta қатнашиши мумкин бўлган, қора, баъзан кўнғир ёки яшил рангли, мумсимон ялтоқ, пластинкасимон, радиал нурсимон агрегатли м-л. Йўлдош м-ллари: циркон, монацит, берилл, ильменит, магнетит. Син. эшвегит, лоранскит.

**Эвлит - Эвлит** - ромбик пироксен. Таркибида 70-90 % ферросилит  $Fe[SiO]$  бўлган м-л. Гранит, диабаз, долерит, гнейс ва регионал метаморфизмга учраган темирли чўкиндиларда учрайди.

**Эвлитин (эвлитит, эйлитин) - Эвлитин (эвлитит, эйлитин)** -  $Bi_4[(SiO)_4]_3$ . Қат. 5-6. Сол. оф. 6,1. Кўнғир, сарғиш, кулранг ёсимон, олмоссимон ялтироқ, сферасимон агрегатли м-л. Соф Bi билан ассоциацияда учрайди. Син. агриколит.

**Эволюция биологическая - Биологик эволюция** - организмларнинг тарихий ривожланиш жараёни. Эволюция назариясига кўра тирик жониворлар узоқ вақт давомидаги ўзгаришлар натижасида атроф муҳитга мослашиб қиёфасини ўзгартириб боради.

**Эволюция осадконакопления в истории Земли - Ер тарихида чўкиндилар тўпланиш эволюцияси** - қадимий геологик эпохалардан ҳозирги кунгача чўкинди тўпланиши жараёнларининг ўзгариши.

**Эволюция рудообразующих растворов - Маъдан ҳосил қилувчи эритмалар эволюцияси** - эритмалар агрегат ҳолатлари ва кимёвий таркибининг ўзгариши.

**Эворзия - Эворзия** - тик оқиб тушувчи сувларнинг ўзан тубида айланиши натижасида рўй берувчи эрозия жараёни.

**Эвстатические движения - Эвстатик ҳаракатлар** - қ. *Движения эвстатические*.

**Эвтектиты - Эвтектитлар** - қолдиқ магмаларнинг кристалланиши маҳсулотлари. қ. *Протектитлар*.

**Эвтектоид - Эвтектоид** - магма кристалланиш эпохасида қаттиқ эритмаларнинг парчаланиши. Парчаланиш ажралган аралаш кристалларнинг совиши натижасида юз бериб, эвтектитни эслатади.

**Эвхроит - Эвхроит** -  $Cu_2[OH | AsO_4] \cdot 3H_2O$ . Қат. 3,5-4.



Сол.оғ.3,44. Зумрад-яшил, тўқ яшил рангли, шишасимон ялтироқ м-л. Йўлдош м-ллари: оливинит, малахит, азурит. Син.: смарагд-малахит, эйхроит. Оксидланиш зонасида учрайди.

**Эгирын - Эгирын** -  $\text{NaFe}^{3+}[\text{Si}_2\text{O}_6]$ . Пироксенлар гуруҳининг м-ли. Контактли метасоматизм натижасида ишқорли магма билан қамровчи т. ж. лари реакциясининг маҳсулоти сифатида ҳосил бўлади. Ишқорли гранитлар ва сиенитлар эффузив ва томирли отқинди т. ж. ларининг асосий таркибини ташкил қилади. Ранги - зангоридан қорагача. Шишасимон ялтирайди. Якка ёки шуъласимон тола-тола агрегатлар ҳосил қилади. Йўлдош м-ллари: лейцит, содалит, санидин, нефелин, андезит. Син.: акмит.

**Эгиринит - Эгиринит** - асосан эгиридан ташкил топган т. ж. Иккиламчи ташкил этувчи сифатида альбит, меланит, кальцит, апатит, сфен ва маъданли м-л қатнашади.

**Эглестонит - Эглестонит** -  $\text{Hg}_2\text{Cl}_2\text{O}_2\text{H}$ . Кат. 3. Сол. оғ. 8,33.. Кўнғир-сарик рангли, донадор, кукунсимон, пўстлоқсимон агрегатли, олмоосимон ва мумсимон ялтироқ м-л. Hg конлари оксидланиш зоналарида учрайди.

**Эгирын-Авгит - Эгирын-Авгит** - М-л. Августининг натрийга бой тури (авгит ва эгирыннинг аралашмаси). Кўпинча таркибида  $\text{TiO}_2$  бор. Ишқорли магматик жинсларининг асосий ташкил қилувчиси.

**Эденит - Эденит** -  $\text{NaCa}_2(\text{Mg}, \text{Fe}^{2+})_5\text{Si}_7\text{AlO}_{22}(\text{OH})_2$ . Амфибол гуруҳи м-ли. Изоморф сериясининг охири аззоси-ферроэденит. Ферроэденитда ҳамма Mg  $\text{Fe}^{2+}$  билан алмашинади. Бу серияга кирувчи барча аззоларга компонент сифатида оддий шох алдамчиси киради. Идеал таркибига яқин амфиболлар доломитлар, биотитлар, шпинель, гранитлар орасида контакт-метасоматик жараён натижасида ҳосил бўлади.

**Эдингтонит - Эдингтонит** -  $\text{Ba}[\text{Al}_2\text{Si}_3\text{O}_{10}]_2\text{H}_2\text{O}$ . Кат. 4-4,5. Сол.оғ.2,7. Цеолит м-ли. Ва қисман Са билан алмашинаши мумкин. Кулранг, оқ, қизғиш рангли, шишасимон ялтироқ, толасимон агрегатли м-л. Асос магматик т. ж. ларида учрайди. Син.: антиэдрит.

**Эдафогенные минералы - Эдафоген минераллар** - седиментация ҳавзаларида чўккан чўкиндилар ва қаттиқ т. ж. ларининг парчаланиши маҳсулоти. Т. ж. ларининг парчаланиши сув ости нураши, ўзан туби оқимлари ва тектоник ёриқларнинг фаоллашуви натижасида юзага келади.

**Экуррит - Экуррит** -  $\text{Na}_2[\text{B}_3\text{O}_7(\text{OH})_3] \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ . Кат. 2,5. Сол. оғ. 2,15. Рангсиз, ипаксимон ялтироқликка эга м-л. Совуқ сувда қийин эрийди, иссиқ сувда секин эрийди. Йўлдош м-ллари: бура, кернит, индерит.

**Эйтелит - Эйтелит** -  $\text{Na}_2\text{Mg}[\text{CO}_3]_2$ . Доломитларда лейкосфенит, сирлезит ва б. билан бирга учрайдиган м-л.

**Эйфельский ярус, Эйфель - Эйфель яруси, Эйфель** - девон системаси ўрта бўлимининг қуйи свитаси.

**Эйхбергит - Эйхбергит** -  $(\text{Cu}, \text{Fe})\text{Sb}_3\text{Bi}_3\text{S}_5$ . Кат. 6,5. Сол. оғ. 5,36. Темирсимон қора рангли м-л. Гидротермалардаги магнезитларда антимонит билан бирга учрайди.

**Эканит - Эканит** -  $\text{K}(\text{Ca}, \text{Na})_2\text{Th}[\text{Si}_8\text{O}_{20}]$ . Кат. 6,5. Сол. оғ. 3,28. Метамиктли. Оч яшил-жигаррангдан то сарғиш яшилгача рангли м-л. Сочмаларда учрайди.

**Эквиплен - Эквиплен** - қобик денудацияси жараёни

натижасида ҳосил бўлган денудацион сатҳ.

**Экерманит (Эккерманнит) - Экерманит (Эккерманнит)** -  $\text{Na}_3(\text{Mg}, \text{Li}, \text{Fe}^{2+})_4\text{AlSi}_8\text{O}_{22} \cdot (\text{OH})_2$ . Кат. 5-6. Сол.оғ. 3,0. Ишқорий амфиболларнинг изоморф серияси м-ли. Кўк яшил рангдан қора ранггача, донадор агрегатли м-л. Игнасимон нефелинли сиенитларда учрайди. Йўлдош м-л: эгирын, пектолит.

**Экзогенные процессы - Экзоген жараёнлар** - ташқи энергия ҳисобига ер юзасининг устки қисмида бирламчи ҳосилаларни ўзгартиришда иштирок этувчи жараёнлар мажмуаси. Буларга асосан денудация (нураш, дефоляция, коррозия, абразия, экзорация), материаллар кўчиши (зол, сув оқими, денгиз, музлик) ҳамда чўкиндилар пайдо бўлиши жараёнлари киради.

**Экзогеосинклиналь - Экзогеосинклиналь** - кратон атрофидаги эгиклик уни ўраб турувчи бурма иншоотлардан олиб тушилган чақиқ т. ж. лари билан тўлдирилган. Мазмуни жиҳатдан чекка эгикликка тўғри келади.

**Экзогифы - Экзогифлар** - чўкинди т. ж. ларининг устки ва остки сатҳларидаги текстуралар.

**Экзодиагенез (диагенез субаэральный) - Экзодиагенез (субаэрал диагенез)** - оддий субаквал диагенез муҳитидан оксидланиш, сувсизланиш жараёнларининг устиворлиги, литификациянинг кучсизлиги ва б. билан кескин фарқланувчи субаэрал муҳитдаги чўкиндиларнинг т. ж. ларига айланиш жараёнлари.

**Экзоморфизм - Экзоморфизм** - ташқи контакт метаморфизми - вулкан отилиб чиққан жойидаги т. ж. ларининг ўзгариши.

**Экзоскарн - Экзоскарн** - экзоконтакт т. ж. ларида таркибидан қаттиқ назар, ривожланган скарнлар. Бунда фақат оҳақтошлардан ҳосил бўлган т. ж. лари тушунилади. Син.: аллоскарн

**Экзохоризмит - Экзохоризмит** - лейкократли таркибий қисми ташқаридан олиб кирилган мигматит (хоризмит) нинг генетик тури бўлиб, Э. га артерит, экзоген мигматит, экзомигматитлар тўғри келади.

**Эклогит - Эклогит** - асосан гранит ва пироксендан ташкил топган донадор яхлит, баъзан сланецли т. ж. Таркибида кам миқдорда кианит, бронзит, калийли дала шпати, плагиоклаз, амфибол (смарагдит) ва акцессор м-ллар (сфен, цоизит) қатнашиши мумкин. Кимёвий таркиби бўйича, габбо-норит билан бир хил бўлиб, сол. оғ. (3,35-4,2 т/м<sup>2</sup>) билан фарқланади.

**Экозона - Экозона** - яшаш шароитларининг умумийлиги билан боғлиқ бўлган маълум туркумдаги организмларнинг яшаш даврида ҳосил бўлган ётқизиклар. Улар экосистемани ҳосил қилади.

**Экология - Экология** - биология фанининг организмлар (жонивор ва ўсимликлар) ҳамда уларнинг яшаш муҳити орасидаги муносабатларни ўрганувчи соҳаси.

**Экология геохимическая - Геохимёвий экология** - тирик организмларга муҳитнинг геохимёвий омиллари таъсирини ўрганувчи биокимё ва экология фанларининг бўлими. Организмларда кимёвий элементларнинг тўпланиши уларнинг биологик табиати билан белгиланади.

**Экономическая целесообразность в разведке - Қидиришда иқтисодий мақсадга мувофиқлик** - кон майдони бирлигини қидиришга сарфланган харажатлар, қидириш иншоатлари орасида қолиб кетган (ўлчами қидириш тўри ўлчамидан кичик бўлган) аномал блок-

лар қазиб олишга ва тайёрлов ишларига сарфланган "ташландиқ харажатларга" тенг ёки кам бўлиши керак деган иқтисодий принцип. Бу принцип қуйидаги  $A=B+P \cdot xVxL^2$  тенглама билан ифодаланади. Бунда: А-берилган қидириш түри зичлигидаги сарф-харажатлар миқдори (сўм); В-тоғ-кон ишлари учун кетадиган маблағ (сўм); В-тоғ-кон-ишлари учун сарфланадиган солиштирма маблағ (сўм/м<sup>2</sup>); L-қидиришда аниқланмаган аномал блокларнинг кўндаланг кесими узунлиги; P<sub>1</sub>-коннинг турғунлик кўрсаткичи; аномал блоклар умумий майдонининг кон майдонига нисбати.

**Экранирование - Тўсилиш** - айрим т. ж. ларининг маълум геологик-структуривий шарт-шароитлар доирасида маъданли эритмалар йўлига тўғаноқ бўлиб, уларни ўтказмаслик ёки б. ўтказувчан т. ж. ларига нисбатан яхши ўтказмаслик хусусиятларининг намоеъ этилиши. Натижада эритмалар ҳаракати тўхтатиб қолинади ёки у секинлаб, йўналиши ва физик-кимёвий параметрлари ўзгаради ҳамда маъданли ётқизиклар жамланиши келтириб чиқаради.

**Экранирование залежи нефти - Нефть қатламларининг тўсилиши** - бундай қатлам ҳаракатланаётган нефтнинг тўсиқ билан тўхтати-лишидан, яъни гил ва кам ўтказувчан т. ж. лари юзаси билан тўсилишидан пайдо бўлади. Тўсиқлар шунингдек нефть сақловчи қатламларнинг дизъ-юнктив тектоник бузилиши ёки номувофиқ стратиграфик қопланишидан ҳам юзага келади.

**Экранирование сейсмических волн - Сейсмик тўлқинларнинг тўсилиши** - геологик кесимда қайишқоқ тўлқинларнинг ўзидан катта тезликда ўтказадиган қатламлар билан бир қаторда сейсмик тўлқинларнинг ўзидан ўтказмайдиганларининг мавжудлиги. С.т.т. қатлам қалинлиги катта бўлганда кузатилади.

**Эксперимент - Эксперимент** - геологияда ҳодисалар ва жараёнларни илмий изланишлар бажариладиган лаборатория шароитида, физик моделларда қайта тиклаш.

**Эксплозия - Эксплозия** - пирокластик материаллар ва газлар отилиб чиқиши билан кузатиладиган вулкан портлаши ҳодисаси.

**Эксплуатационное бурение - Фойдаланиш учун бурғилаш** - ф. қ. (нефть, газ, минерал сув, намакоп ва ш.к.) ни олиш мақсадида кавланган қудуқ.

**Эксплуатационные горные выработки - Фойдаланиладиган тоғ-кон иншоотлари** - ер бағридан ф. қ. ни саноат миқёсида чиқариб олиш учун кавланадиган тоғ қазииш иншоотлар.

**Эксплуатация пробная - Конларни ўзлаштириш мақсадида синаш** - коннинг катта бўлмаган қисмида ф. қ. сифатини, миқдорини ва қазиб олиш технологиясини ўзлаштириш йўли билан аниқлаш, хом ашёни эса саноат шароитидаги экспериментал цехларда технологик синаш. Ф. қ. нотекис жойлашган, янги ва ноанъанавий шароитларда жойлашган конларни қидиришда қўлланилади.

**Эксплуатация скважин - Бурғи қудуқларидан фойдаланиш** - бурғи қудуғи ичидаги суюқликни ер юзига чиқариш. Қуйидаги усуллари мавжуд: фавворали - суюқликни ер юзига чиқаришга қатлам босимининг етарли бўлишида; механик - қатлам босими суюқликни ер юзига чиқаришга етарли бўлмаган ҳолати, бунда суюқлик компрессорлар ёрдамида тортиб чиқарилади: чуқур-лик насоси усули-қудуқ ичига насос ту-

шириб суюқлик юқорига тортиб чиқарилади.

**Экспозиция склонов - Тоғ ёнбағирларининг экспозицияси** - уфқ томонларига қараб тоғ ёнбағирларнинг жойлашиши. Унга қараб қия ёнбағирларнинг намланганлик даражаси, экзоген жараёнларнинг ривожланиш жадаллиги турлича бўлади. Бу ўз навбатида эрозион жараёнларнинг ривожланиш даражасини белгилайди.

**Экспресс-метод составления фациальных карт - Фациал хариталар тузишнинг экспресс-усули** - чўкиндиларни ялпи ўрганишга асосланган тезкор фациал хариталар тузиш усули (қунига-50-100та намуна). Ҳар бир намуна бўйича: 1) чиғаноқ материалларнинг миқдори; 2) ранг тавсифи (1-қора рангдан бошлаб то 9-оқ ранггача) индекслар бўйича; 3) тахминий грнулометрик тавсифи; 4) петрографик тавсифи аниқланади. Ялпи намуналарни ўрганиш намуналарни муфассал ўрганиш ўрнини босади ва ишончли маълумотлар олиш имконини беради. Улар асосида харита тузилади.

**Экстраполяция - Экстраполяция** - ҳодисанинг бир қисмини кузатиш асосида олинган хулосаларни унинг б. қисмига ёйиш усули. Мас., берқитиқча жойлашган қатлам ёки горизонт қалинлиги, унинг ётган чуқурлиги ва ҳ.к.ларни нисбий аниқлаш.

**Экструзия - Экструзия** - қовушқоқ лавали вулканларнинг отилиш тури. Вулкан канали устида қовушқоқ лава гумбаз ҳосил қилади ва вақт-вақти билан кучли вулкан отилиши жараёнида газлар ажралиб чиқади.

**Экструзия соляная - Тузли экструзив** - қ. *Шток соляной*.

**Электрондирование - Электр зондлаш** - зарядланган электродлар орасидаги масофага нисбатан т. ж. ларининг туюлма қаршилиқ кўрсаткичларини ўлчашга асосланган электр қидирув усулларидан бири.

**Электропроводимость - Электр ўтказувчанлик** - ташқи электр майдони таъсирида моддаларнинг (т. ж. ларнинг, м-лларининг) электрзарядларни ўтказиши хос-саси. Солиштирма электр қаршилиқка тесқари бўлган катталиқ. Электр токини ҳосил қилувчи зарядлар табиатига кўра электрон, ион, аралаш кўринишга эга.

**Электропроводность угля - Кўмирнинг электр ўтказувчанлиги** - кўмирларнинг бу хусусияти кам ўрганилган бўлиб, солиштирма электр қаршилиқка тесқари бўлган катталиқ. Табиатига кўра к.э.:кўнғир кўмирда ионли; тош кўмирда-ион-электронли, антрацитда электронли бўлиб, кў-мирни намлигига, кўмирлашганлик даражасига, зоналлилигига, петрографик таркибига боғлиқ равишда ўзгарувчан бўлади.

**Электропрофилирование - Электр профиллаш** - бир йўналишда профил бўйича силжитилувчи ўзаро муқим жойлашган таъминловчи ва ўлчовчи электродлардан иборат қурилма ёрдамида т. ж. лари электр хусусиятининг ўзгаришини акс эттирувчи туюлма қаршилиқни ўлчашга асосланган геофизик қидирув усули.

**Электроразведка - Электроқидириш** - геофизик қидирув усулларидан бири бўлиб, ер қобиғидаги т. ж. ларининг электр хусусиятларини ва уларда бўладиган электромагнит жараёнини ўрганишга асосланади. Т. ж. хусусиятларини акс эттирувчи маълумотлар табиий ҳамда сунъий электромагнит майдоннинг тарқалишини ўлчаш натижасида олинади

**Электрум - Электрум** - (Au,Ag). Кат. 2,5-3.. Сол. оф.

15,5.. Соф туғма металллар синфига мансуб олтин м-ли. Кварц, барит ва кальцит томирларида аргентит, прустит, пираргиритлар билан бирга учрайди. Ранги- оч сариқ, кумушсимон, металсимон ялтироқ, донадор агрегатли м-л.

**Элементарная ячейка кристаллической структуры - Кристаллик структуранинг элементар уяси** - такрорланувчи параллелепипедлардан иборат бўлиб, структура тавсифланганда асосан элементар уяларнинг структурасини таърифлаш билан чекланилади.

**Элементы второстепенные - Иккиламчи даража-ли элементлар** - маъданларда кам ва жуда кам миқдорда мавжуд бўлиб, уларнинг саноат аҳамиятига катта таъсир кўрсатмайдиган элементлар. И.д.э. аралашма, йўлдош ва легирловчи эле-ментларга бўлинади.

**Элементы биофильные - Биофил элементлар** - организмларнинг геохимёвий муҳитдан (тупроқдан, сувдан) ҳаёт фаолияти жараёнида фойдаланувчи элементлар. Буларга қуйидаги макро элементлар: N, C, O, H, Ca, Mg, Na, K, P, S, Cl, Si, Fe ва микроэлементлар: Cu, Co, Mn, Zn, V, Ni, V, Ni, Mo, Sz, B, Se, F, Bz, J киради.

**Элементы вредные - Зарарли элементлар** - ф. қ. таркибидаги қайта ишлаш технологик жараёнини қийинлаштирувчи ёки охириги олинадиган маҳсулотига ўтиб унинг сифатини пастлатадиган к. э.

**Элементы главные - Бош элементлар** - маъданларда нисбатан катта миқдорда учрайдиган кимёвий элементлар. Уларнинг миқдори коннинг саноати турини, маъдан уюмларининг чегараларини аниқлаш имкони-ни беради.

**Элементы гранитофильные - Гранитофил элементлар** - гранитоидлар учун хос бўлган биринчи навбатда ишқорий элементлар, ундан кейин унчалик хос бўлмаган ишқорий ер элементлари, шунингдек алюминий, кремнезём ва катта миқдордаги ноёб элементлар: Ba, Hf, Pb, Sr, Ta, TR, Th, U ва б.

**Элементы гранитофобные - Гранитофоб элементлар** - одатда гранитларда учрамайдиган ёки жуда кам миқдорда учрайдиган элементлар. Биринчи навбатда Ca, Mg, Fe ундан кейин C, Co, Cr, Ge, Ir, N, Ni, Os, Pb, Pt, Rh, Re, Ru, S, Se, Te ва б.

**Элементы залегания - Ётиш элементлари** - қатламнинг фазовий ҳолатини: йўналишини, ётишини ва ётиш бурчагини аниқлайдиган миқдорий кўрсаткичлар.

**Элементы легирующие - Легирловчи элементлар** - маъдан таркибига кирувчи ва олинадиган маҳсулот сифатини яхшиловчи кимёвий элементлар. Шу маънода, қора металлургияда никель, кобальт, хром ва ванадий миқдорининг роли катта.

**Элементы литофильные - Литофил элементлар** - кислород билан бирикишга интилиб т. ж. лари асосини ташкил қилувчи элементлар. Уларга O, Si, Al, Mg, Ca, Na, K, Ti ва б. лар киради.

**Элементы полезные - Фойдали элементлар** - саноатда қизиқиш уйғотувчи ва ф. қ. таркибий қисмини ташкил этувчи к. э.лар.

**Элементы рассеянные - Тарқоқ элементлар** - Ер пўсти ёки унинг баъзи участкаларида умуман учрамайдиган ёки кам учрайдиган, кимёвий бирикмалар ҳосил қиладиган элементлар. Бу элементларга: Li, Se, Ga, Br, Rb, Y, Nb, In, Cs, Ta киради. Уларнинг баъзилари м-ллар таркибига изоморф шаклида киради. Кўпчилиги ўз м-лини ҳосил қилмайди.

**Элементы редкие - Ноёб элементлар** - элемент-

ларнинг нисбатан оз миқдорда учраши: 1) ер пўстида жуда оз миқдорда тарқалганлиги; 2) элементларнинг сочиландлиги ёки тарқоқлиги; 3) физик ва кимёвий хоссаларига боғлиқ равишда уларни қийин ажратиб олиниши билан тавсифланади.

**Элементы редкоземельные - Ноёб ер элементлари** - Д.И.Менделеев даврий системасидаги лантаноидлар гуруҳи к. э.лари (церий празеодим, неодим, прометий, самарий, европий, гадолиний, тербий, диспрозий, гольмий, эрбий, тулий, иттербий, лютеций). Соф ҳолда бу элементлар ҳавода тез оксидланувчи металллардир. Улар чўян, пўлат, алюминий, магнийга аралашма сифатида қўшилади. Оксидлари шишаларни силлиқлашда, кимёвий реакцияларни тезлаштиришда ишлатилади.

**Элементы самородные - Соф элементлар** - бир элемент ёки унинг изоморф аралашмасидан ташкил топган м-л. Табиатда олтингугурт, платина, олтин ва б. 20 дан ортиқ кимёвий элементларнинг мустақил м-ллари маълум.

**Элементы сидерофильные - Сидерофил элементлар** - сайёрамиз ядросининг тузилишида темир билан бирга қатнашувчи к. э.лар. Уларга асосан Co, Ni, Mo, C, P, платиноидлар киради.

**Элементы симметрии - Симметрия элементлари** - ёрдамчи геометрик образлар (нуқта, тўғри чизиқ, текислик). б. Улар ёрдамида шаклларнинг симметриялари тавсифланади. С. э. лари-га: симметрия ўқлари (L), симметрия текисликлари (P), инверсион ўқлари (i), инверсия маркази (C) киради. **Элементы складки - Бурма элементлари** - бурмаларни таснифлашда уларга бурма қанотлари, ядроси, қулфи, ўқи, шарнири, бурма бурчаги ва б. киради.

**Элементы халькофильные - Халькофил элементлар** - ернинг сульфид қобиғини ташкил этувчи, мис билан бирга учровчи ёки айримлари олтингугурт, селен ва таллий билан ҳам ўзига хос алоқаларни намоён этувчи Ag, Au, Zn, Cd, Hg, In, Tl, Ge, Sn, Pb, As, Sb, Bi, S, Se, Te каби к. э. лар.

**Элементы циклические - Циклик элементлар** - геохимёвий тарихий айланма жараёнлар билан ифода этилувчи 44та кимёвий элемент. Улар ер массасининг 99,7 % ни ташкил этади. Асл газлар (5), асл металллар (7), тарқоқ элементлар (11), кучли радиоактив элементлар (7), лантанитлар (15) бунга кирмайди.

**Элементы-индикаторы - Индикатор элементлар** - кон ва маъдан жисмларининг мавжудлигини кўрсатувчи кимёвий элементлар. Асосий маъдан ҳосил қилувчи металллар геохимёвий аномалиялар ёрдамида керакли хулоса чиқариб бўлмаганида, маъданлашини излашнинг муҳим белгиси ҳисобланади.

**Элементы-примеси - Аралашма элементлар** - т. ж. ва маъданлардаги м-лларни мустақил ҳосил қилмайдиган ва жуда оз миқдорий кўрсаткичлар билан учровчи иккинчи даражали к. э.лар. Уларнинг кўпчилиги саноат аҳамиятига эга бўлиб, бойитиш йўли билан концентратларга ажратилиши мумкин.

**Элементы-спутники - Йўлдош элементлар** - иккиламчи фойдали й. э. лар. Улар ф. қ. таркибида ва маъданларни бойитишда мустақил концентратларини намоён этмай, изоморф ва б. бирикмалар билан бирга ҳосил қилувчи металллар концентратига ўтиб кетадилар. Биргалиқда металлургик жараёндагина ажратиб олиниши мумкин бўлган кадмий, индий, германий каби кимёвий элементлар бунга мисол бўла олади.

**Элеолит - Элеолит - Нефелин** атамасининг синоними.

**Элементы малые в современных осадках - Замо-  
навий чўкиндилардаги оз миқдорли элементлар** - замонавий сув ҳавзалари туби ётқиқиқларида жуда оз миқдорда учрайдиган элементлар. Уларнинг миқ-  
дори фоизнинг юздан, мингдан бирини ташкил этади.  
**Элиминация - Элиминация** - табиий танланиш на-  
тижасида баъзи турларнинг ёки турлар гуруҳининг (пле-  
онтологик) йўқ бўлиб кетиши.

**Эвлит - Эвлит** - ромбик пироксен, таркибида 70-80 %  
ферросилит бўлган м-л. Гранитларда, диабазларда,  
долеритларда, гнейсларда ва регионал метаморфизм-  
га учраган темирли чўкиндиларда учрайди.

**Эллахерит - Эллахерит** - таркибида ВаО 10 % мав-  
жуд бўлган мусковит м-лининг турларидан бири. Му-  
стақил м-ллар тури бўлиши ҳам мумкин. Таркибида  
 $V_2O_5$  6-15 % мавжуд бўлган V-Э тури..

**Эллестадит - Эллестадит** -  $Ca_6[OH](SiO_4SO_4PO_4)_3$ .  
Қат. 5. Сол.оғ. 3,07. Оч қизғиш рангли, донадор зич  
агрегатли м-л. Волластонитли скарнларда учрайди.

**Эльбаит - Эльбаит** -  $Na(LiAl)3Al_6[(OH)_4](BO_3)_3Si_6O_{18}$ .  
Қат. 7-7,5. Сол. оғ. 3,1-3,25. Литийли турмалин  
м-лининг турларидан бири. Рангсиз, қизил, қизғиш,  
сарик, кўк рангли, массив устунсимон, радиал нурси-  
мон агрегатли, шишасимон ялтироқ м-л. Гранитда, гра-  
нитли пегматит, гидротермал томирларда учрайди.  
Йўлдош м-ллари: кварц, лепидолит, сподумен. Син.:  
кембулин, литийли турмалин.

**Эльпасолит - Эльпасолит** -  $K_2Na[AlF_6]$ . Қат. 2,5.  
Сол. оғ. 2,9. Рангсиз, шишасимон ялтироқ м-л. Йўлдош  
м-ллари: криолит, пахнолит. Син.: эльпазолит.

**Эльпидит - Эльпидит** -  $Na_2Zr[Si_6O_{18}]3H_2O$ . Қат. 7.  
Сол. оғ. 2,5. Рангсиздан то қўнғир ранггача, ипакси-  
мон ялтироқ м-л. Альбитлашган нефелин-сиенитли  
пегматитларда учрайди.

**Эльсвортит - Эльсвортит** - таркибида катта миқдор-  
да U бўлган пирохлор м-ли. Метамиктли, пегматитлар-  
да учрайди. Син.: бетафит.

**Элювий - Элювий** - нураш жараёнига учраган ва ҳосил  
бўлган еридан силжимаган бўшоқ т. ж. лари.

**Элювий структурный - Структуравий элювий** -  
туб т. ж. структуравий-текстуравий белгилари сақлан-  
ган нураш қобиғи маҳ-сулотларининг қолдиғи.

**Эманационный метод - Эманация усули** - т. ж.  
ларидаги бўшлиқ ва ёриқлардаги ҳаво таркибида бўлган  
радиоактив эманация концентрацияларини ўлчашга асос-  
ланган усул.

**Эманация - Эманация** - радон к. э.ининг дастлабки  
номи. Ҳозирги кунда бу атама остида табиий радиоак-  
тив қаторнинг газ ҳолатидаги маҳсулотлари тушунилади.  
қ. *Радон, Торон, Актинон.*

**Эманирование (эманлирующая способность) -  
Эманацияланиш (эманациялашувчанлик)** - радий  
изотоп қаторидаги қаттиқ моддалардан эманациялар-  
нинг (радон, торон, актинон) ажралиши. Э. миқдорий  
қиймати эманацияланиш коэффиценти билан ёки эма-  
нацияланувчанлик билан тавсифланади.

**Эманометр - Эманометр** - ҳавода радон ва торон  
эманацияси миқ-дорини аниқлашга мўлжалланган ас-  
боб. Радиоактив элементлар конларини қидириш ва  
дозиметрик назорат мақсадларида қўлланилади.

**Эмболит - Эмболит** -  $Ag(Cl,Br)$ . Қат. 1-1,5. Сол. оғ.  
5,8. Cl ва Br турли нисбатда. Рангсиз, яшилсимон

рангли, олмосдек ялтирайдиган м-л. Кумуш конлари-  
нинг қуруқ иқлим-ли шароитдаги оксидланиш зонала-  
рида учрайди. Иодэмболит тури мавжуд. Син.: бромх-  
лораргирит, мегабромит, ортобромит.

**Эмильдин - Эмильдин** - спессартин билан бир хил,  
таркибида Y бўлган м-л.

**Эмиссионный спектральный анализ - Эмиссион  
спектрал анализ** - қ. *Анализ спектральный эмис-  
сионный.*

**Эммонсит - Эммонсит** -  $Fe_2[TeO_3]_3 \cdot 2H_2O$ . Қат. 2-2,5.  
Сол. оғ. 4,52. Игнасимон кристалли, сариқ-яшил ран-  
гли, шишасимон ялтироқ м-л. Таркибида теллуридлар  
бўлган конларнинг оксидланиш зоналарида учрайди.  
Син.: дурденит.

**Эмплектит - Эмплектит** -  $CuBiS_2$ . Қат. 2. Сол. оғ.  
6,3-6,5. Пўлат-симон кулранг, оқ, қора, рангли метал-  
симон ялтирайдиган м-л Гидротермал  $Ag-Co-Ni-Bi-U, W-Mo, Sn$  ва б. конларда, скарнларда Bi ва Co суль-  
фидлари билан бирга учрайди. Йўлдош м-ллари: халь-  
ко пирит, флюорит, висмутин пирит. Син.: дурденит.

**Эмульсия нефтяная - Нефть эмульсияси** - иккита  
бир бирида эримайдиган суюқликлардан иборат дис-  
перс система. Улардан бири иккинчиси билан жуда  
кичик (ўлчами 0,1-0,01мкм бўлган) томчи (глобул) кўри-  
нишида аралашади.

**Эндлихит - Эндлихит** - катта миқдордаги  $As_2O_5$  ли  
ванадинит м-лининг тури.

**Эндогенные факторы - Эндоген омиллар** - геоло-  
гияда Ернинг ички қисмида юзага келадиган жараён-  
лар билан боғлиқ бўлган омиллар.

**Эндоглифы - Эндоглифлар** - чўкинди т. ж. лари-  
нинг қатламлараро текстураси; хусусан фукоидлар-  
нинг фитоморфозали тури.

**Эндокинетический - Эндокинетик** - ички сабаб-  
ларга кўра юзага келувчи.

**Эндокливаж - Эндокливаж** - седиментация облас-  
тининг умумий геосинклиналь чўкиши эпохасида т. ж.  
ларининг бир вақтнинг ўзида метаморфлашишдан  
пайдо бўлган бирламчи дарзликлар.

**Эндометамагматиты - Эндометамагматитлар** -  
интрузияларнинг эндоконтакт зоналаридаги контакт  
метаморфизми натижасида ҳосил бўлган т. ж. лари.

**Эндоморфизм - Эндоморфизм** - эндоконтакт ўзга-  
ришлар; интрузив массивларининг эндоконтакт зона-  
ларида юзага келади.

**Эндоскарн - Эндоскарн** - интрузив т. ж. нинг эндо-  
контакт зонаси бўйлаб ривожланадиган скарни.

**Энергия вулканическая - Вулкан энергияси** - вул-  
кан фаолияти пайтида вулкан портлашларини ҳосил  
қилувчи буғларнинг зўриқиш энергиясига айланувчи  
магманинг потенциал энергияси. Магманинг узоқ муд-  
датли совиши шароитлари электр энергияси олиш  
мақсадларида ишлатилади.

**Энергия гидратации - Гидратация энергияси** -  
сув молекулаларининг ва эриётган модда ионлари-  
нинг ўзаро таъсири натижасида ажралиб чиққан энер-  
гия. Муҳим кўрсаткич бўлиб, бирикмаларнинг ионли  
эриши ёки ионларга диссоциацияланишини таъмин-  
лайди.

**Энергия кристаллической решетки - Кристаллик  
панжара энергияси** - кристаллик панжараларни пар-  
чаланиши, уни ташкил этувчиларни ўзаро таъсири  
бўлмаган масофага кўчириш учун сарфланган энер-  
гиянинг тескари олинган қиймати. Агар панжара ион-

ли бўлса бу энергия ионларга ажралиш энергиясига, атомли ёки молекуляр бўлса, у ҳолда атомларга ёки молекулаларга ажралиши энергиясига тенг бўлади.

**Энергия пластовая - Қатлам энергияси** - қатламдан флюидларни чиқариб олишда фойдаланиш мумкин бўлган ва флюид ҳамда т. ж. ларида пайдо бўладиган механик ва иссиқлик энергиялари мажмуи.

**Энергия приливов - Сув кўтарилишлари энергияси** - сув кўтарилишини юзага келтирувчи кучлар таъсирида катта миқдордаги сув массасининг вертикал кўтарилишидаги энергия. Денгиз сатҳининг кўтарилишига, турли геологик жараёнларга (ювилиш ва моддаларни бир ердан иккинчисига кўчириш) ва б. га сарфланади. Ер шарининг турли районларида турли қийматларга эга бўлади.

**Энергия радиоактивного распада - Радиоактив парчаланиш энергияси** -  $\alpha$ - парчаланиш,  $\beta$ -парчаланиш (К-тутиш билан бирга) билан боғлиқ ядровий ўзгаришлар вақтида ядродан зарядланган заррачаларнинг ажралиб чиқиши натижасида юзага келувчи энергия. Энергиянинг миқдори  $\beta$ -парчаланишда килоэлектронвольтни ташкил этса,  $\alpha$ -парчаланишда бир неча мегаэлектронвольтга етади. М-ларнинг кристал панжарасида мавжуд бўлган элементларнинг парчаланиши атомларнинг силжишига сабаб бўлиб, кинетик энергиянинг иссиқлик энергиясига ўтиши юз беради.

**Энергия свободная - Эркин энергия** - ҳолатнинг термодинамик функцияси бўлиб, ички энергия (U) нинг энтропия (S) нинг мутлақ ҳарорат (T)га кўпайтмасининг камайтирилган қийматига тенг. Термодинамикада бу атама изобар-изотермик потенциал атамаси билан алмаштирилади. қ. *Потенциал термодинамический*.

**Энигматит - Энигматит** -  $\text{Na}_2\text{Fe}_3^{2+}\text{TiO}_2[\text{Si}_6\text{O}_{18}]$ . Кат. 5,5. Сол. оғ. 3,8. Қора рангли, шишасимон ялтироқ м-л. Нефелинли содалитли сиенитларда учрайди. Косиригит, ренит турлари мавжуд. Син.: кальбингит.

**Энизит - Энизит** -  $\text{Cu}_2\text{Al}_6\text{SO}_4(\text{OH})_{20}$ . Гил, Су-сульфат, кальцит ва б. аралашмаси.

**Энстатит - Энстатит** -  $\text{Mg}_2[\text{Si}_2\text{O}_6]$ . Кат. 5-6. Сол. оғ. 3,21-3,25. Силикатлар синфининг пироксенлар гуруҳига мансуб м-л. Ранги - оқ кулранг, сариқ ва оч жигарранг яшилдан тўқ жигарранггача, шишасимон ялтироқ, донадор агрегатли м-л. Т. ж. ҳосил қилувчи м-л сифатида пегматитларда, аксессуар м-ли сифатида порфирит, нефелинли сиенит, андезит, норит, габбро, перидотит ва метеоритларда учрайди. Син.: яшил гранат, пеггамит, хладнит.

**Энтальпия - Энтальпия** - термодинамик система ҳолатининг бир қийматли функцияси H билан белгиланади. У мустақил параметрлар энтропияси S ва босим P бўлганда ички энергия U билан  $H=U+pV$  муносабатда боғланган. Бунда: V- система ҳажми P ўзгармас бўлганда Э. нинг ўзгариши системага берилган иссиқлик миқдорига тенг. Шунинг учун Э. кўпинча "иссиқлик функцияси" дейилади. Термодинамик мувозанат ҳолатида P ва S ўзгармас бўлганда Э. энг кичик қийматга эга бўлади.

**Энтальпия свободная - Эркин энтальпия** - қ. *Потенциал термодинамический*.

**Энтеролит - Энтеролит** - темирга бой бобъерит м-лининг тури.

**Эозит - Эозит** - V ли вульфенит.

**Эолиты - Эолитлар** - кремнийнинг қирралари найза

учини эслатувчи парчалари. Баъзи археологлар уни қадимий одамларнинг иш қуроли деб қарайдилар. У бўйича инсоният маданиятининг шелл эпохасидан олдинги эолитик эпохаси ажратилади. Б. олимларнинг фикрича, у табиий ҳолатда, инсон иштирокисиз ҳосил бўлган.

**Эоловые формы рельефа - Рельефнинг эол шакллари** - шамол фаолияти таъсирида ер юзасида ҳосил бўлган рельеф шакллари, қум тепалари, шамолнинг тупроқни учириб кетишидан ҳосил бўлган сойлик ва б.

**Эон - Эон** - бир неча эрадан иборат геохронологик бўлинма. Умум қабул қилинган стратиграфик атама мавжуд эмас. Лекин адабиётларда кенг миқёсда криптозой, фанерозой атамалари ишлатилади.

**Эоплейстоцен - Эоплейстоцен** - тўртламчи системанинг қуйи бўлими бўлиб, Альпдаги дунай музликларидан бошланган ва қадимий музлаш ётқиқиқларини ҳам ўз ичига олади.

**Эоцен - Эоцен** - палеоген системасининг ўрта бўлими бўлиб янги шаклдаги жонзотлар-сут эмизувчиларнинг пайдо бўлиши билан тавсифланади.

**Эпигенез - Эпигенез** - Ер юзасида вужудга келувчи т. ж. ларидаги ҳар қандай янги ўзгаришларни ўз ичига олувчи иккиламчи жараён. Унга қайта кристалланиш, конкрецияларнинг ўсиши, дегидратация, гидратация, цементланиш ва б. қиради.

**Эпигенез гипергенный - Гиперген эпигенез** - гиперген омиллар таъсирида м-ллар ва т. ж. ларининг иккиламчи ўзгариши ва янгиларининг ҳосил бўлиши жараёни. Син.: Гипергенез.

**Эпигенез глубинный - Чуқурлик эпигенези** - чуқурликларда таъсир этувчи омиллар натижасида иккиламчи ўзгариш юз бериши ёки янги м-ллар ва т. ж. ларининг ҳосил бўлиши. Син.: катагенез ёки метакгенез.

**Эпигенез прогрессивный - Прогрессив эпигенез** - т. ж. лари ер пўстининг катта чуқурликларига чўкиб юқори ҳарорат ва босимларга чидамли янги тургун ҳосилаларнинг пайдо бўлиши жараёни. Маъноси жиҳатидан катагенезга тўғри келади.

**Эпигенез регрессивный - Регрессив эпигенез** - ер пўстининг кўтарилиши, босим ва ҳароратнинг пасайиши ва эркин кислород мавжуд бўлмаган шароитда кузатиладиган жараён. Оксидланиш зонасида р.э. нураш жараёни билан алмашинади ва гипергенез жараёнига тўғри келади.

**Эпигенетические изменения осадочных пород - Чўкинди тоғ жинсларининг эпигенетик ўзгариши** - қ. *Изменения осадочных пород эпигенетическое*.

**Эпигенетическое месторождение - Эпигенетик конлар** - қамраб турувчи т. ж. ларидан кейин ҳосил бўлган кон. Сингенетик кон билан таққосланади.

**Эпигенетические минералы - Эпигенетик минераллар** - т. ж. лари шаклланиб бўлгандан кейин, пайдо бўлган м-ллар.

**Эпигенетический - Эпигенетик** - бирорта м-л, чўкинди, т. ж. лари шаклланиб бўлгандан кейин ҳосил бўлган иккиламчи ҳосила эпигенетик ҳосилалар ҳисобланиб, улар сингенетик ҳосилага қарама-қарши қўйилади. "Э". атамасига "эркин фойдаланиладиган атама" деб қараш керак.

**Эпидиабаз - Эпидиабаз** - пироксени амфибол би-

лан алмашинган диабаз. Бундай т. ж. ларини “эпидиорит” деб аташ ноўрин. Чунки улар м-логик таркиби бўйича диоритга яқин келади.

**Эпидозит - Эпидозит** - эпидот ва кварцдан ташкил топган метаморфик т. ж. Бундан ташқари, одатда, актинолит, хлорит ва б. мавжуд бўлади.

**Эпидот - Эпидот** -  $\text{Ca}_2(\text{Fe}^{3+}, \text{Al})\text{Al}_2[\text{O} | \text{OH} | \text{SiO}_4 | \text{Si}_2\text{O}_7]$ . Қат. 6-7. Сол. оф. 3,38-3,49. Оролсимон силикатлар кенжа синфининг эпидот гуруҳига мансуб, ранги пистасимон зангор, баъзан малла ва пушти, шишасимон ялтироқ устунсимон, нурсимон, бўлаксимон, зич донадор агрегатли м-л.. Ҳосил бўлиши гидротермал, метаморфик. Контакт ва регионал метаморфик кальций-алюминийли т. ж. ларининг типик м-ли.. Кристаллари призматик шаклда. Йўлдош м-ллари: гранит, везувиан соф мис, хлорит, адуляр, альбит, акмит, диопсид, кварц. Син.: аллохит, беустит, дельфинит, орендалит, таллит, эшерит ва б. лар.

**Эпидотизация - Эпидотланиш** - пропилитланиш, кўктошли қайта ҳосил бўлиш, спилитланиш ва яшилранг сланецлар вужудга келиши учун тавсифли бўлган эпидотнинг (эпидот м-лларининг) гидротермал-метасоматик ҳосил бўлиши.

**Эпизод - Эпизод** - баъзан “Фаза” атамасининг синоними сифатида геологияда ишлатиладиган атама.

**Эпизона - Эпизона** - ўрта ҳарорат, паст гидростатик ва кучли бир томонлама босим хос бўлган метаморфизм зонаси.

**Эпимагма - Эпимагма** - кучли газсизланган лава билан бир хил, лекин ер юзасига ҳали чиқмаган ёки оқиб чиқмайдиган магма.

**Эпистолит - Эпистолит** -  $(\text{Na}, \text{Ca})_2(\text{Nb}, \text{Ti}, \text{Mg}, \text{Fe}, \text{Mn})_2 \cdot [\text{O}(\text{OH})_2 | \text{Si}_2\text{O}_7]$ . Қат. 1-1,5. Сол. оф. 2,7. Оқ, кўк рангли, садафсимон ялтироқ м-л. Ультраишқорли нефелинсие-нитли пегматитларда эвдиалит, стенструпин, ринколит билан бирга учрайди.

**Эпитаксия - Эпитаксия** - турли таркибли кристалларнинг бир-бири билан қонуниятли чатишиб ўсиши. Бу уларнинг таркибининг, кристаллари тузилишининг бир-бирига яқинлиги билан белгиланади.

**Эпитермальное месторождение - Эпитермал кон** - Ер юзасидан унча чуқур бўлмаган шароитда нисбатан юқори бўлмаган ҳарорат (150°C. дан паст) ва босим остида ҳосил бўлган гидротермал конлар.

**Эпицентр землетрясения - Зилзила эпицентри** - зилзила гипоцентрининг Ер сатҳидаги проекцияси. Зилзила ўчоғининг сояси “эпицентрал область” деб юритилади.

**Эпизвгеосинклиналь - Эпизвгеосинклиналь** - катта чуқурликларгача чўккан чўзинчоқ шаклли ботиқлик. Эвгеосинклиналнинг охири босқичларида ҳосил бўлади. Унга яқин атама “межгорная впадина”.

**Эпоха - Эпоха** - тарихий геологияда геохронологик шкаланинг йирик бирлиги. Ҳамма т. ж. лари ҳосил бўлган вақт оралиғи бўлиб, тизим бўлимини ташкил этади.

**Эпоха геохимическая - Геохимёвий эпоха** - маълум к. эларнинг концентрацияси билан боғлиқ бўлган, у ёки бу жараёнлар устунлиги кузатилган вақт, эпоха. Ишқорий магматизмнинг ривожланиши, туз тўпланиши, мисли кумтош-лар ётқизилиши эпохалари бунга мисол бўлади.

**Эпоха металлогеническая - Металлогеник эпоха** - тектоно-магматик цикл (орогеник эпоха) билан тенглаш-

тирилувчи, маъданлашиш жараёнлари ривожланган геологик вақт бўлаги. Айрим турга мансуб металлогеник провинциялар доирасида яққол ажралиб турувчи м-ллашиш тури билан тавсифланади.

**Эпоха минерагеническая - Минерагеник эпоха** - *Эпоха металлогеническая* атамасининг синоними.

**Эпоха орогеническая - Орогеник эпоха** - қ. “*Эпоха металлогеническая*.”

**Эпоха послеледниковая (послеледниковье) - Музлашдан кейинги эпоха** - тўртламчи даврдаги охири музлашдан (10-16 минг йил аввал) то ҳозирги кунгача бўлган вақт.

**Эпоха россыпеобразования - Сочма ҳосил бўлиш эпохаси** - нураган ва дезинтеграция бўлган материалларнинг туб манбадан нураш маҳсулот-лари, шу жумладан, ф. қ. лар ажратилиниб, кўчирилиб юрилиши ва қулай ерларда сочма ҳосил қилгунча ўтган вақт.

**Эпоха складчатости - Бурмаланиш эпохаси** - геосинклиналь системасининг охири ривожланиш ва кескин ўзгариш кузатилган эпохасидан иборат вақтни ўз ичига олган бурмаланиш босқич-лари йиғиндиси.

**Эпоха современная - Ҳозирги эпоха** - *Эпоха послеледниковая*. атамасининг синоними.

**Эпохи великих обновлений (великих обрушений.) - Буюк янгиланишлар (буюк бузилишлар) эпохалари** - Ер ривожланиши тарихида унинг ташқи кўринишини, тектоник ҳолатини тубдан ўзгартирган давр. 2-3та давр ажратилиб, бунда ортогеосинклинал областлар тўлиқ консолидацияга учраб, яна ўз харақатчанглигини тиклайди.

**Эпоха тектоническая - Тектоник эпоха** - юзлаб млн. йилларни ўз ичига олувчи геосинклиналь ўлкалар ва системаларнинг ўз жойлашиш планлари билан ажралиб турадиган йирик вақтнинг бир қисми.

**Эра - Эра** - тарихий геологияда нисбий геохронологик шкаланинг энг йирик бирлиги. Ернинг геологик ривожланиши ва унда ҳаёт пайдо бўлиши тарихининг энг йирик босқичи - маълум гуруҳ т. ж. лари ҳосил бўлиши эпохасига мос келади. Палеозой, мезозой ва кайназой эралари ҳамма тадқиқотчилар томонидан қабул қилинган. Лекин архей ва протерозой кўпчилик тадқиқотчилар томонидан эрадан ҳам йирикроқ вақт бирлиги ҳисобланиб, бир неча эраларга бўлинади.

**Эратема - Эратема** - умумий стратиграфик жадвал бўлими. “*Геологик группа*” атамасининг синоними.

**Эрдилит - Эрдилит** -  $\text{Ni}_6\text{Al}_2[(\text{OH})_{16} | \text{CO}_3] \cdot 4\text{H}_2\text{O}$ . Гидроталькит м-лининг Ni ли аналоги. Кальцит аралашмаси билан оч яшилдан тўқ яшилгача рангли. Кальцит билан бирга Ni ли смитсонитлар кесишувчи оҳактош дарзликларида, оҳактошларда томирлар ҳосил қилиб тарқалади.

**Эрионит - Эрионит** -  $(\text{Ca}, \text{Na}, \text{K})_2(\text{Al}_3\text{Si}_3\text{O}_{24}) \cdot 9\text{H}_2\text{O}$ . Сол. оф. 2,07. Шелит, шабазитга яқин м-л, базальтлар ва туфлар дарзликларида учрайди.

**Эритросидерит - Эритросидерит** -  $\text{K}_2[\text{Fe}^{3+}, \text{Cl}_3\text{H}_2\text{O}]$ . Сол. оф. 2,37.  $\text{NH}_4\text{K}$ . изоморфизми. Ёқут-қизил рангли, сувда эрийдиган м-л. Фумарола ётқизикларида молизит ва гематит билан бирга учрайди. Кремерзит тури.

**Эритроцинкит - Эритроцинкит** -  $(\text{Zn}, \text{Mn}, \text{Fe})\text{S}$ . Вюртцитнинг  $\text{Zn} : \text{Mn} : \text{Fe} = 1:1/2:1/2$  нисбатли тури. Ўзидан нур ўтказувчи қизил япроқчалар шаклига эга м-л. Сфалерит, касситерит, пирит, кварц билан ассоциация ҳосил қилади.

**Эрлифт - Эрлифт** - сиқилган ҳаво ёрдамида бурги қудуқ-ларидан суюқликни ер юзасига чиқариш мосламаси. Асосан сув ва нефтни ер юзасига чиқаришда фойда-ланилади.

**Эрозия - Эрозия** - т. ж. ларининг оқар сувлар таъсирида емирилиши ва ювилиши.

**Эрозия избирательная - Танланма эрозия** - оқар сувларнинг оқимга қаршилик кўрсатиши кичик бўлган, синиқли ёки енгил парчаланувчи т. ж. лари тарқалган майдонларда сойликлар ҳосил бўлиши.

**Эрозия почв - Тупроқ эрозияси** - бўшоқ материалларнинг, шунингдек шудгор қилинган майдонларда тупроқнинг сув (гумид иқлимли районларда) ва шамол таъсирида (қурғоқчилик районларида) олиб чиқиб кетилиши. Бу жараён тупроқларнинг бузилишига сабаб бўлади. Инсониятнинг техник фаолияти натижасида ҳам юзага келиши мумкин.

**Эрпоглифы - Эрпоглифлар** - судралиб юрувчиларнинг сув ҳавзалари тубидаги балчиқ (лой) ларда қолдирган излари.

**Эругит - Эругит** -  $Ni_9Fs_3O_{15}$ . Сол. оғ. 5,87. Кўкимтир-яшил, рангли м-л. Темир маъданларида Ni-Co-As-Ag-U м-ллари билан ассоциация ҳосил қилади.

**Эруптивная деятельность вулкана - Вулканнинг эруптив фаолияти** - қ. *Деятельность вулкана эруптивная*.

**Эры тектонические - Тектоник эралар** - Ернинг ривожланиш тарихидаги давомий вақт. У геосинклиналлар ҳосил бўлиши билан бошланиб бурмали структураларнинг шаклланиши билан тугайди. Адабиётларда бу атама ўрнига "тектоник цикллар" атамаси ишлатилади.

**Эскеборнит - Эскеборнит** -  $CuFeSe_2$ . Кат. 2,5. Жезсимон рангли, метасимон ялтироқ м-л. Йўлдош м-ллари: клаусталит, науманнит, берцелианит. Доломит томирларида учрайди.

**Эсколаит - Эсколаит** -  $Cr_2O_3$ . Кат. 8. Сол. оғ. 5,2. Сг қисман V ва  $Fe^{3+}$  билан алмашилади. Қора-кул ранг, донадор пластинкасимон, агрегатли м-л. Яримметалсимон ялтирайди. Скарнларда ва гидротермал томирларда Fe ва Cu сульфидлари, уваровит, тамавит билан ассоциация ҳосил қилади.

**Эссексит - Эссексит** - бир текис донадорликдаги ёки султ намоён бўлган порфир структурали ишқорли габбро. Асосан плагиоклаз, ўзгарувчан миқдордаги ортоклаз, зангори (титан) ёки яшилроқ рангли клинопироксендан, қизғиш-қўнғир биотитдан ва баркевитгли шох алдамчисидан иборат.

**Эстуарий - Эстуарий** - воронкасимон кўрфаз. Йирик дарёларнинг қуйилиш қисмини сув босиши натижасида ҳосил бўлади. Сув сатҳининг кўтарилиши, пасайиши билан қирғоқ абразиясининг юзага келиши катта таъсир кўрсатади.

**Этаж водоносный - Сувли қават** - сувли т. ж. ларининг аста секин юпқа-лашиб узилиб қоладиган сув тўсиқ қатламлар ёки линзалар билан тўлиқ ажралган айрим қисмлари. Буларнинг атрофидаги т.жларининг сувли қисмлари ўртасида гидравлик боғлиқлик кузатилади.

**Этаж гидрогеологический - Гидрогеологик қават** - структуравий ярусга мос келадиган гидрогеологик қирқимнинг бир қисми бўлиб, сувли серияга тўғри келади.

**Этаж структурный - Структуравий қават** - бурма-

ланиш структурасининг маълум бир тури ва метаморфизм даражаси билан тавсифланувчи, регионал номосликлар юзалари билан юқорида ва қуйида ётувчи ҳосилалардан ажратилган геологик формациялар гуруҳи. "С. қ." тушунчаси тектоник ва металлогеник тадқиқотларда кенг қўлла-нилади.

**Эталонирование - Эталонлаш** - т. ж. ларининг (м-лларнинг) физик хоссаларини асбоблар ёрдамида стандарт бирликларда ўлчаш натижаларининг ифодаси. Т. ж. ларининг радиоактив нурланишларини, магнитланувчанлиги ва б. хоссаларини ўрганишда қўлланилади. Атама геофизика амалиётида кенг қўлланилади.

**Эталоны (препараты) радиоактивности - Радиоактивлик эталонлари (препаратлари)** - техник шароитларга риоя қилган ҳолда, маълум ўлчамларга мос келувчи радиоактив нурланиш манбаи. Эталонлар табиий ва сунъий моддалардан тайёрланади. Р.э. тайёрлашда  $\gamma$  - нурланиш учун радий, мезоторий, кобальт-60, рух-65 ва б.,  $\alpha$  - нурланиш учун уран, плутоний, полоний ва б.,  $\beta$  - нурланиш учун эса радий, уран, фосфор-32, стронций-90 ва б.лардан фойдаланилади.

**Эталоны для спектрального анализа - Спектрал анализ учун эталонлар** - м-л моддаларнинг намуналар тўпламидан иборат бўлиб (т. ж. , сувларнинг қуруқ қолдиғи, металлар, сунъий аралашмалар ва б.), уларда тадқиқотчини қизиқтирувчи элементлар миқдори кимёвий анализ асосида аниқланган. Миқдорий спектрал анализ нисбий усуллар тоифасига кирганлиги сабабли эталоннинг таркиби ўрганилаётган объектнинг таркибига яқин бўлиши шарт.

**Эталоны магнитные - Магнит эталонлари** - юқори аниқлик синфига мансуб бўлган асбобларда магнитланувчанлик ва магнит моменти аниқланган материаллар намуналари. Улар магнит хоссаларини ўлчашга мўлжалланган магнитометрлар ва б. асбобларни эталонлаш учун ишлатилади. Эталон сифатида доимий магнит хусусиятига эга бўлган парамагнит тузлар, гипс ёки цемент билан магнетит кукунининг сунъий аралашмаси ишлатилиши мумкин.

**Этан - Этан** -  $C_2H_6$ . Метан қаторининг газ ҳолатидаги углеводороди. Қайнаш ҳарорати -  $880^\circ C$ , 1л. этаннинг  $0^\circ C$  да ва 760мм босим остидаги оғирлиги 0,375г. Ҳамма нефть конлари газларида учрайди.

**Этап (стадия) металлогенической эпохи - Металлогеник эпоханинг босқичи(стадияси)** - Ер пўстининг ҳаракатчан зоналари ривожланишининг маълум босқичларига тўғри келувчи, металлогеник эпоха босқичига мос келувчи м-ллашиларнинг ривожланиш босқичи. Ҳар бир м.д.б. маълум металлогения билан тавсифланади (м-лизация тури билан). М.д.б. маъдан ҳосил бўлишининг алоҳида фазаларини ажратиши мумкин.

**Этап геохимический - Геохимёвий босқич** - геохимёвий шароит ва у билан мужассамлашган кимёвий реакция ва м-ллар ҳосил бўлиши доимий кузатиладиган вақт ёки жараён оралиғи.

**Этап минерализации - Минераллашиш босқичи** - маъдан ҳосил бўлиши босқичида ажратилган вақт эпохаси; унинг мобайнида бир формация генетик турдаги ёки бир қанча формацияга мансуб ўзаро маълум генетик боғлиқликларга эга конлар йиғиндиси назарда тутилади. Асосан, у магма қуйилиши босқичига мос келади.

**Этап осадочного цикла - Чўқинди цикли босқичи** - чўқинди циклининг табиий тарихий бўлиниши. Чўқинди тўпланиш шароитларининг маълум кетма-кетликда қайтарилиши. Вақт давомийлиги бўйича тектоно-магматик цикл билан бир эпохага тўғри келади. Демак, трансгрессия ва регрессия алмашилиши тектоникага боғлиқ бўлади. Бу эса ўз навбатида маъданлашнинг металлогеник эпохасига тўғри келади.

**Этап развития рельефа - Рельефнинг ривожланиши босқичи** - геоморфологик цикл ўз ичига олувчи рельеф ҳосил бўлиши вақтининг бир қисми. Бошланғич босқич рельеф контрастликка эга бўлади. Кейинчалик эса текисланади; шунингдек рельеф генерацияси юзага келади.

**Этап углеоброзования - Кўмир ҳосил бўлиши босқичи** - ернинг ривожланиш тарихидаги торф ва кўмир ҳосил бўлиши жараёни юз берган вақт оралиғи.

**Эфель (Эфеля) - Эфель** - сочма олтинларнинг ёки олтин маъданни қайта ишлаш жараёнида сув билан олиб чиқиб кетиладиган бўшоқ т. ж. ларининг енгил, майда фракциялари. Кўп ҳолларда сув билан майда олтин заррачалари олиб чиқиб кетилади. Улар цианли эритмалар ёрдамида ажратиб олинади.

**Эффект термический - Термик эффект** - ўрганилаётган модданинг қиздирилиши (совитилиши) билан унинг фазавий ўзгариши ёки кимёвий реакцияси натижасида термик эгри чизигининг аномал ўзгариши. Иссиқликнинг ютилиши ёки ажралиб чиқишига қараб эндотермик ва экзотермик эффектлар ажратилади.

**Эффект экранирования - Экранлиниш (тўсилиш) эффекти** - сейсмоқидиришда, геологик қирқимда сейсмик тўлқинлар тезлиги юқоридаги т. ж. ларидагидан кичик бўлган қатлам. Бу қатлам сиртидан сейсмик тўлқинлар қайтади.

**Эффективная мощность нефтеносного горизонта - Нефтли горизонтнинг самарали қалинлиги** - горизонтда нефть силжиши мумкин бўлган т. ж. (одатда кумтош) қатламларининг умумий қалинлиги.

**Эффективность (экономическая) поискового разведочного бурения - Излаб қидиришда бургилашнинг (иқтисодий) самарадорлиги** - бурғи қудуғининг бургиланган 1м учун заҳираларнинг ўсиши (т. да).

**Эффективность геологоразведочных работ - Геология қидирув ишларининг самарадорлиги** - геология қидирув ишларининг натижалчилиги ва м-л хом ашё заҳираси бирлигининг қидириш нархи. Уларни баҳолашнинг қуйидаги кўрсаткичлари мавжуд: 1. 1 т. хом ашё заҳирасини қидириш нархининг ундан ажратиб олинadиган маҳсулотнинг самарадорлигига (рентабеллиги)га нисбати. 2. 1 т. хом ашё заҳирасини қидириш нархининг конни ўзлаштиришга сарфланган солиштирма капитал маблағига нисбати. 3. Конни қидиришга сарфланган 1 сўмга бўлган корхонанинг йиллик фойдаси. 4. Конни излаб қидиришга сарфланган 1 сўмга корхонанинг ёпилгунигача бўлган муддатидаги фойдаси. 5. 1 т. хом ашё заҳирасини қидириш нархининг, уни қидириб олишни маълум вақт оралиғидаги (йил, беш йил ва ҳ.к.) сарфига нисбати. Геология қидирув ишларини режалаштириш ва иқтисодий рағбатлантириш учун энг қулай биринчи кўрсаткич - 1 т. хом ашё заҳирасини қидириш нархининг ундан ажратиб олинadиган маҳсулотнинг самарадорлигига нисбатидир. Г.қ.и.с.ни ошириш : а) м-л хом ашёни топиш ва қидириш учун сарф-

лар минимал бўлган, заҳираларнинг транспорт-иқтисодий шароитлари, миқдорлари ва сифати бўйича халқ хўжалигидаги аҳамияти максимал бўлган истиқболли районларда тўплаш; б) геология қидирув ишларини ўтказишнинг методикасини ва ташкил қилишни такомиллаштириш, илғор техникаларни, қидирув иншоотларини қовлаб ўтишнинг прогрессив усулларини жорий қилиш; в) барча қидирув ишлари комплексининг сифатини оширишдан иборат.

**Эффективность поискового бурения - Излов мақсадидаги бургилашнинг самарадорлиги** - нефтнинг (ёки газнинг) саноатбоп чиқишида берилган излов бурғи қудуқлари сонининг уларнинг умумий миқдорига нисбати ( % ларда). Баъзида шу нисбатни излашни “бурғи қудуқларининг муваффақияти” деб ҳам атайдилар. У назарий базани ва бургилаш техникасини тавсифлайди.

**Эффузивные породы - Эффузив жинслар** - ҳозирги вулканлардан оқиб чиқаётган лавалар каби, Ернинг тарихий ривожланиш даврларида юзага ёриқлардан, каналлардан лаванинг кўтарилиб чиқиб қотишидан пайдо бўлган т. ж. лари.

**Ювенильная (магматогенная) теория - Ювенил (магматоген) назария** - “Ер ости сувлари магмадан ажралиб чиққан кислород ва водороддан ҳосил бўлади” деб тушунтирувчи назария.

**Ювенильный - Ювенил** - келиб чиқишига кўра “бирламчи” “эндоген (ички)” маъноларини берувчи атама.

**Ювит - Ювит** - нефелинли сиенитнинг альбитсиз тури. Асосан ортоклаздан (50 % атрофида) ва нефелиндан (35 % атрофида) ташкил топган, рангли м-ллардан эгирин - авгит (баъзан биотит) бўлиши мумкин.

**Юнга модуль - Юнг модули** - қ. *Модуль юнга*.

**Юрская система - Юра системаси** - мезозой гуруҳининг пастдан иккинчи системаси бўлиб, 3 та: қуйи, ўрта ва юқори бўлимларга бўлинади.

**Юсит (Юссит) - Юсит (Юссит)** - тешенитнинг меланократли тури бўлиб, титан, авгит ва баркевикитдан (80 % гача), шунингдек плагиоклаздан ташкил топган.

**Юрский период - Юра даври** - мезозой эрасининг бошидан иккинчи давр; 55-58 млн. йил давом этган. Бу даврнинг боши ва охирида триас давридагига нисбатан тектоник ҳаракатлар кучайган.

**Явления инженерно- геологические - Муҳандислик геологияси ҳодисалари** - турли иншоотларнинг қурилиши ва улардан фойдаланиш оқи батид табиий шароитга кўрсатадиган таъсири билан муҳассамлашган жараёнлар. Бундай ҳодисаларга йўлларнинг деформацияси, т. ж. ларининг зичланиши, қия сатҳлар деформацияси, тоғ босимлари ва б. киради.

**Ягоит - Ягоит** -  $Pb_8Fe_2^{3+}[(Cl,O)Si_3O_9]_2$ . Кат. 3. Сол. оғ. 5,43. Сарғиш-яшил рангли, шишасимон ятироқ, майда дондар агрегатли м-л. Гематит маъданларида меланотекит, кварц ва б. билан бирга учрайди.

**Ядерная геология - Ядро геологияси** - геологиянинг Ердаги радиоактив элементлардан иссиқлик ажра-



лиш миқдорини ҳамда изотопларнинг парчаланиш тезлигини ўрганувчи соҳаси. Шу усул асосида т. ж. лари даври (ёши) ҳам аниқланади.

**Ядро - Ядро (ўзак)** - ҳайвон ёки ўсимликлар чириган қисм-ларининг қаттиқ битум ёки т. ж. лари билан тўлиши. Геологик тадқиқот ишларини бажаришда т. ж. лари ёшини аниқлаш учун чиғаноқлар ўзагидан ёки изларидан фойдаланилади.

**Ядро атома - Атом ядроси** - зарядли атомларнинг асосий мусбат зарядли кесимини ташкил этувчи қисми. Атом ядроси протон ва нейтрондан иборат. Элементар ядроси фақат водород ядросидан иборат протондан ташкил топади. Ядро протонларининг ортиши билан мусбат заряд ошиб боради, шунингдек нейтронлар ҳам ошиб боради.

**Ядро Земи - Ер ядроси** - Ернинг марказий қисми. Сферик юза билан чегараланган. Радиуси қарийб 3500 км. Ер юзасидан ўртача 2900 км чуқурликда жойлашган. Марказида ҳарорат 56000°C га яқин, зичлиги қарийб 12,5 т/м<sup>3</sup>, босим 301 ГПА гача.

**Ядро платформ - Платформа ядроси** - архей ҳосилаларидан ташкил топган платформанинг энг қадимий қисми.

**Ядро складки - Бурма ядроси** - бурманинг ўқ текислигига ёндошган ички қисми. Антиклинал бурмаларда қадимги т. ж. лари қатламларидан ташкил топган; синклинал бурмаларда эса бунинг акси.

**Язык обводнения - Тошқин тили** - майдоннинг кичик бир қисмидаги т. ж. лари орасида сув ҳаракатидан сувланиш чегарасининг пайдо бўлиши. Чегарасининг қабарик томони сув оқими ҳаракати йўналишига қараган бўлади. Бурги қудуғидан катта миқдорда суюқлик чиқарилганда унинг атрофида қатлам босимининг пайсиши ҳисобига ҳам вужудга келади. Турли литологик таркибли қатламларда сув ўтказувчанлиги яхши т. ж. ларида тез, ёмонларида эса секин ҳаракатланади. Шу сабабли Т.т. уларда тўлиқ намоён бўлади.

**Якобсит - Якобсит** -  $MnFe_2O_4$ . Кат. 5,5-6,0. Сол. оф. 4,75. Ферришпинеллар гуруҳига мансуб м-л. Магнетит ва франклинит билан изоморф қатор ҳосил қилади. Қора-сарғиш, қўнғир қора рангли металсимон, яримметалсимон ялтироқ м-л. Скарнли ва гидротермал конларда Fe ва Mn оксидлари, Mn силикатлари, родохрозит билан бирга, Mn нинг метаморфлашган чўкинди конларида браунит, гаусманнит, псиломелан ва б. билан

бирга учрайди.

**Янтарь - Қаҳрабо** -  $(C_{10}H_{16}O)$ . Кат. 2,5. Сол. оф. 1,11. Аморф углеводород бўлиб, палеоген даври игнабаргли дарахтларининг қазилма смоласи. Ранги сариқ, малласимон сариқ, малла, қизғиш малла, баъзан рангсиз, гуддасимон, буйраксимон, думалоқ агрегатли, шишасимон ялтироқ, аморф, структурасиз м-л. Пичоқда кесилади. Син.: агштейн, сукцинит, альмашит.

**Ярданги - Ярданги** - шамол ҳамда коррозия таъсирида ҳосил бўлган эгатлар. Бу эгатлар кўп ҳолда тик қирралар ҳосил қилади. Ҳосил бўлган ариқчалар чуқурлиги бир неча см.дан бир неча метргача етиши мумкин. Уларнинг йўналиши шамол йўналиши билан мос келади. Улар майда заррачали зичланган т. ж. ларида ҳосил бўлади.

**Ярусность рельефа - Рельефнинг яруслилиги** - 1. тоғларда баландлик бўйича рельеф турларининг алмашилиши. У иқлим зоналлиги ёки географик ривожланиш тарихи билан мужассамлашган. 2. - турли баландликларда кузатиладиган нураш жараёни юз берган сатҳлар. Улар турли геологик ёшга тегишли рельеф ярусларини ҳосил қилади.

**Ярославит - Ярославит** -  $Ca_3[A1F_3OH]_2 \cdot H_2O$ . Кат. 4,5. Сол. оф. 3,15. Оқ рангли, шишасимон ялтироқ м-л. Оксидланиш зоналарида флюоритларда учрайди.

**Ярус - Ярус** - бўлимдан кичик, умумий стратиграфик шкала (кўрсаткич) дан тборат. Органик дунёнинг ривожланиш даврларини ифода этувчи фауна ва флораларнинг маълум мажмуаларини ташкил қилувчи асрларда пайдо бўлган т. ж. йиғиндисидан иборат даврни ўз ичига олган умумий стратиграфик бирлик.

**Ярозит - Ярозит** -  $KFe^{3+}_3[(OH)_6 | (SO)_4]_2$ . Кат. 3-4. Сол. оф. 3,15-3,26. Охрасимон сариқ, сарғиш қўнғир, қўнғир, қора-жигаррангли, олмоссимон, шишасимон ялтироқ, тангасимон, зич, толасимон агрегатли м-л. Асосан сульфидли колчедан конларининг оксидланиш зоналарида учрайди. Син.: антунезит, боргстермит, кипрозит, сариқ купорос, пастреит, сариқ темир маъдани ва б. лар.

**Яшма - Яшма** -  $SiO_2$ . Кат. 6,5-7. Сол. оф. 2,58-2,91. Силикатлар синфининг кварц гуруҳига мансуб м-л. Конкреция ёки дарзликларни тўлдирувчи сифатида учрайди. Чўкинди, камроқ вулканоген келиб чиқишига эга. Бу майин кристалли т. ж. лари билан аморф кремнезем ва б. моддалар алмашилишидан иборат т. ж. Ранги ҳар хил. Зийнат тошлар қаторига киради.

**Б.А.Исаходжаев, М.У.Умарходжаев, А.А.Адилов, М.М.Пирназаров, А.М.Азимов.**

# **ГЕОЛОГИЯ АТАМАЛАРИНИНГ РУСЧА-ЎЗБЕКЧА ИЗОҲЛИЛУФАТИ**

**ИККИ ЖИЛДЛИ**

**Иккинчи жилд**

**М – Я**

**«Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институти» Илмий кенгаши тасдиқлаган**

Бош мухаррир: М.К. Турапов.

Мухаррир: А.А. Хасанов.

Компьютерда терувчилар: З. Исроилова, М. Қобулова.

Компьютерда саҳифаловчи ва оригинал-макет: И.Т. Сагдуллаев, Д.А. Маматов.

Босишга рухсат этилди: 11.09.2007г. Формат 60x90<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Шартли б.т. - 10,0.

Нашриёт ҳ.т. - 10,0. Тираж 200. Заказ 11.

МРИ босмахонасида босилди.

Тошкент, Т.Шевченко кўч., 11<sup>А</sup>.

